БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН

КОММУНИСТИ



9

СЕНТЯБРЬ

1986

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 9
СЕНТЯБРЬ
1986 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Беш йилликнинг биринчи йили — барча меҳнат коллективлари иши учун синовдир, қайта қуриш амалда қандай бораётганлиги, унинг ғоялари нақадар чуқур идрок этилиб, қандай амалга оширилаётганлигининг имтиҳонидир. Бу имтиҳондан ўтиш — бутун беш йилликнинг муваффақиятига замин яратиш демакдир!

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Тошкент

МУНДАРИЖА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «Коммунист» журнали ҳақида» қарор қабул қилди

Социалистик жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш юзасидан КПСС XXVII съезди қўйган вазифаларнинг кўламдор микёслилиги ва мураккаблиги Маркс, Энгельс, Лениннинг улуғ меросини ҳар тарафлама мушоҳада этиш, ҳаётдаги янги ҳодисаларни, социалистик ва мустамлакачиликка қарши революциялар тажрибасини, социалистик ва коммунистик қурилиш, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт учун кураш практикасини ўрганиш, ҳозирги замон фани ютукларини умумлаштириш негизида революцион назарияни янада ижодий тарзда ривожлантиришни талаб этади. Ижтимоий тараққиётнинг объектив тенденцияларидаги, социал-иктисодий ва сиёсий шароитлардаги тарихий бурилишлар, сифат ўзгаришлари жонли таълимот бўлган марксизм-ленинизмда муттасил ўз ифодасини топиб туради ва назарий жиҳатдан асослаб берилади, тегишли қоидаларни, унинг бой ва ҳар тарафлама мазмунини бойитиб боради.

Ҳозирги шароитда партия ва жамиятнинг ғоявий ҳаётини тобора интенсиврок, маҳсулдоррок қилиш, дадил илмий изланишлар учун, ижодий тафаккур ривожига тўсқинлик қилувчи схоластика, догматизм ва қироатхонликни бартараф этиш учун қулай шароитлар яратиш, яхлит таълимот сифатида марксизм-ленинизмнинг фундаментал принциплари ва қоидаларини унинг барча таркибий қисмлари — марксча-ленинча философия, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизмнинг бирлигида конкретлаштириш ва ривожлантириш айниқса муҳимдир.

Съезд ғояларини ривожлантириш ва рўёбга чиқаришда, жамиятшуносликнинг янги проблематикасини янада кенг авж олдириш ва чуқурлаштиришда, илмий тадқиқотларнинг практика эҳтиёжлари томон қатъий бурилишини таъминлашда, ҳамма кадрларда янгича фикрлаш ва ҳаракат қилиш маҳоратини тарбиялашда «Коммунист» журнали тобора фаол роль ўйнаши лозим.

У ривожланиб бораётган ижтимоий фикрнинг, омма социал тажрибасини умумлаштиришнинг минбари бўлиши, қайта қуриш жараёнида туғилаётган барча янги, илғор ташаббусларни қўллаб-қувватлаши, қайта қуришнинг кечиктириб бўлмайдиган, чуқур революцион характерини очиб бериши, турғунлик ва жаҳолатга қарши, ҳам назариядаги, ҳам практикадаги эскирган тасаввурлар ва хурофотларга қарши муросасиз кураш олиб бориши лозим. Ленин ғояларининг бутун бойлигини ва боқий аҳамиятини, уларнинг ҳозирги замон билан чамбарчас боғлиқлигини ёрқин ва ишонарли қилиб кўрсатиб бериш, янгича фикрлашнинг ривожланишига, сиёсий, ташкилотчилик, хўжалик ва ғоявий-тарбиявий фаолиятдаги замон

талабларига жавоб берувчи янгича ёндашишларнинг кучайишига ҳар тарафлама кўмаклашиш — журналнинг бурчидир.

Майда буржуа психологиясининг барча кўринишлари манбаларини, табиатини чуқур тадқиқ этиш, унинг илмий социализмга муросасиз душман эканлигини очиб бериш муҳимдир. Журнал буржуа идеологиясига, оппортунистик концепцияларга қарши, марксча-ленинча назариянинг революцион, бунёдкорлик мазмунини пучайтириш ва жонсизлантириш йўлидаги уринишларга қарши курашда жанговар орган бўлиши керак. Инсоният жамиятининг ривожланишига ғайриилмий, реакцион қарашларнинг ҳамма кўринишларига қарши аниқ синфий позициялардан туриб курашмоқ зарур.

Съезддан кейинги даврда «Коммунист» ўз фаолиятини активлаштирди. Унинг материалларида аниқ мақсадни кўзлаш, бир қатор назарий масалаларни ижодий тарзда қўйиш, турмушдаги ҳодисаларга реалистик баҳо бериш кўзга ташлана бошлади, материалларни бериш формалари анча тезлашди. Бироқ, журнал ишини барқарор ва узоқ муддатли негиз асосида сифат жиҳатдан янги савияга кўтариш зарур.

КПСС XXVII съездининг қоидалари, хулосалари ва йўл-йўриқларини чуқур ёритиш, мамлакатни жадал ривожлантиришнинг дунёқараш, социал-иқтисодий, ахлоқий-психологик аспектларининг бутун комплексини ишлаб чиқиш, совет жамияти тараққиёти ҳозирги босқичи объектив талабларининг тўла-тўкис назарий ифодаси бўлмиш жадаллаштириш концепциясини ана шу негизда бойитиш — «Коммунист» журнали ишидаги асосий жиҳатдир. «Коммунист» мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш практикаси юзага келтираётган янги-янги проблемаларни ҳозирдаёқ бошланиб кетган назарий мушоҳада этишга бош бўлиши лозим.

Журнал материаллари халқ оммасининг жонли ижоди бўлмиш социализмга ленинча фундаментал қарашларни, жами ижтимоий туб ўзгартишлардаги инсон омилининг роли ва аҳамиятини, социалистик тузумнинг жаҳоншумул-тарихий зафарларини, унинг экономикани, социал соҳани, демократияни ривожлантиришдаги, маънавий ҳаётни бойитишдаги афзалликлари ва имкониятларини очиб бериши керак.

Жамият ҳақидаги, унинг такомиллашуви қонунлари ҳақидаги билимларни муттасил ошириб бориш калити — социал воқеликни анализ қилишнинг диалектик методига доимо амал қилишдирки, бу метод революцион танқидийликни, назарий заковат ва жамият ҳужумкор ривожининг асосий тенденцияларини илмий башорат қилишни ўзида қўшиб олиб боради. Унинг ўз-ўзидан ҳаракат қилиш манбаи эса реал зиддиятлар, янгиликнинг эскиликка қарши ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олувчи курашидир.

Марксизм-ленинизм классиклари фан ва практиканинг турли соҳаларида диалектик методни татбиқ этишнинг жуда зўр намуналарини бизга қолдирганлар. Улар ана шу методнинг енгилмас қудратини намойиш этдилар. Ҳозирги кунда бу методга амал қилиш — фактларни ҳушёрлик билан анализ қилиш, тўқиб чиқарилган догмалар ва андозаларга эмас, балки ҳаётнинг объектив мантиқига амал қилиш демакдир. Ҳаётнинг ранго-ранг жиҳатлари томон бурилиш — бу КПСС XXVII съездининг асосий талаби бўлиб, фақат ана шу йўлдан боргандагина ҳозирги замон марксча-ленинча тафаккурини ижодий бойитишга эришиш мумкин бўлади. Шу боисдан илм-фанда жасорат кўрсатиш, фундаментал назарий умумлашмалар қилиш, изланиш характерига эга бўлган йўналишларда ғояларни очиқ-ошкора таққослаш ва бу борада мусобақалашиш, философия, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм назарияси, тарихнинг ҳамма ўрганилмаган ёки кам ўрганилган масалалари бўйича, бошқа ижтимоий фанлар бўйича дискуссиялар ва муҳокамалар ўтказиб туриш даркордир. Муҳими — социал тадқиқотларнинг реал натижаларидир, бу натижаларнинг практикага, жамиятни ривожлантиришни жадаллашти-

ришга, маданиятни бойитишга, инсон потенциалини активлаштиришга, инсоннинг юксак билим ва ахлоқ чўққиларига кўтарилишига қандай хизмат қилаётганлигидир.

«Коммунист» турмушдан келиб чиқаётган янги-янги проблемаларни ташаббускорлик билан қўйишни рағбатлантириши, уларни чуқур ва ҳар тарафлама тадқиқ этишда, ахборотнинг аниқ, социал ва иқтисодий прогнозлар ҳамда тавсияларнинг пишиқ ва самарали бўлишида намуна кўрсатиши лозим. Журнал жамиятшунослик бутун системасини чуқур қайта қуришга фаол кўмаклашиши керак. Ижодий изланиш ва ўртоқларча баҳслашиш муҳитини яратиб, фикрнинг янгилиги ва теранлигини синфий позицияларнинг аниқлиги, дунёқараш ва методологиядаги принципиаллик билан ленинчасига қўшиб олиб бориш зарур.

Марксча-ленинча философия ва илмий коммунизм соҳасида, уларнинг сифатини ошириш борасидаги янги йўналишлар ва формаларни ривожлантиришни рағбатлантиришда «Коммунист» олдида жиддий вазифалар турибди. Фалсафий тафаккур ҳозирги замоннинг долзарб проблемаларини анализ қилишга зиён келтирган ҳолда ҳозирча кўп жиҳатдан ё ўтмишни, ёки практикадан ғоят узоқ бўлган абстракцияларни ўрганиш билан банддир. Философия мамлакатдаги ва жаҳон майдонидаги асосий воқеаларга, фаннинг фундаментал кашфиётлари ва жараёнларига ўз вақтида жавоб берган тақдирдагина ўзининг социал ва илмий функцияларини самарали бажара олади. У воқеликнинг, маънавий ҳаётнинг кишиларни тўлқинлантирувчи проблемаларига, мураккаб ахлоқий масалаларга жавоб бериши лозим.

Марксча-ленинча философия ўз илмий мазмунини янада ривожлантириб бориши, бошқа фанларга назарий ва методологик асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Философия ишининг ана шу муҳим жиҳатининг сифати фалсафий тадқиқотлар маданиятини юксалтиришга, философиянинг дунёга билиш нуқтаи назаридан қараши спецификасини ҳисобга олишга анчагина боғлиқ. Бунда ушбу спецификани менсимаслик ҳам, уни конкрет фанлар услублари ва методларидан иборат қилиб қўйиш ҳам, фалсафий тадқиқотларнинг илмий билимлар бутун комплексини ривожлантиришдан ажралиб қолиши ҳам баб-баравар номақбулдир.

Ҳозирги ижтимоий тараққиёт асосан комплекс характерга эга бўлган, ҳал қилиш учун билим турли соҳалари намояндаларининг биргаликдаги куч-ғайратини талаб қиладиган проблемаларни қўймоқда. Философия фани олимлар диққат-эътиборини ана шу проблемаларга жалб этишда ташаббускорлик ролини кўпроқ ўзига олиши, ялпи, муҳим, қонуниятли алоқалар ва муносабатларни тадқиқ этиши, уларни кенг дунёқараш, маданий-тарихий жиҳатдан шарҳлаб бериши, илмий фаолият социал-этик аспектларининг тобора ошиб бораётган аҳамиятини очиб бериши лозим. Философларнинг конкрет табиий, техникавий ва ижтимоий фанлар намояндалари билан В. И. Ленин васият қилиб қолдирган иттифоқини, уларнинг йирик халқ хўжалик, социал-сиёсий, маданий проблемаларини биргаликда тадқиқ этишини кенгайтирмоқ ва мустаҳкамламоқ зарур.

Философия ва илмий коммунизмнинг энг муҳим проблемалари орасида қуйидагилар биринчи ўринга қўйилмоқда:

янги тарихий босқичда социалистик жамиятни ривожлантириш диалектикаси: социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатига ўтиш; социал ва сиёсий системани такомиллаштириш; ижтимоий ҳаёт тобора демократлаштириб борилаётган шароитда социалистик жамият усткурмасини ривожлантириш; социалистик жамиятдаги зиддиятлар характери ва уларни ҳал қилиш механизми; ҳозирги шароитда социал адолат принципларини қарор топтириш; социализмнинг социал бойликлари; кўп миллатли совет давлатини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; социализм капитализмнинг тарихий альтернативаси;

фан-техника тараққиётининг социал-философик ва методологик проблемалари: фан-техника революцияси янги босқичининг социал аспектлари, унга гуманистик ва технократик ёндашишларнинг бир-бирига зидлиги; кадрларга таълим бериш, малакасини ошириш ва малакасини ўзгартириш проблемалари, шу жумладан жамиятнинг электроникани билишга бўлган эҳтиёжининг тобора ошиб бориши; «сунъий интеллект»ни яратишнинг назарий ва амалий проблемалари; фан-техника революцияси ва теварак-атрофдаги дунёни билишнинг янги воситалари; фан-техника революциясининг инсон космосга чиқиши, атом энергиясидан фойдаланиш, микроэлектрониканинг, информатика, робот техникаси ва биотехнологиянинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган энг янги босқичини социализмнинг жадаллаштириш шароитидаги ривожининг сифат жиҳатдан янги босқичидаги унинг туб афзалликлари билан қўшиш йўллари ва формалари.

Фан-техника тараққиётининг дунёқараш ва этик-гуманистик проблемаларини анализ қилишни технократизмни танқид қилишдан ажратиб бўлмайдики, технократизм гўё ҳам капитализмнинг, ҳам социализмнинг ўрнига келаётган XXI аср «информацион жамият»и, сциентизм, ахлоқий-этик нигилизм концепцияларида ифодаланади, бу концепциялар эса Ғарбнинг буржуа философиясида кенг ёйилгандир;

жамиятнинг илгарилаб борувчи ривожида инсон омили ролининг ошиб бориши: инсон омили онглилик ва фаолиятнинг узвий бирлиги сифатида; фан-техника тараққиётининг универсал ходимга бўлган эҳтиёжи ҳамда ҳар тарафлама камол топган шахснинг коммунистик идеали; инсон интеллекти жамиятнинг жами ресурслари орасида энг муҳими; ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва олий мақсади бўлган инсондаги барча қобилиятлар ва имкониятларни аниқлаш.

Оммани коммунистик тарбиялаш ишида фаол қатнашиш — барча ижтимоий фанлар фаолиятининг энг муҳим йўналишидир. Фан инсон дунёқараши, ахлоқий хислатларининг шаклланишига, меҳнатга онгли муносабатнинг, онгли интизомнинг, масъулият, коллективизм туйғусининг ўсишига кўмаклашиши керак.

Социологик тадқиқотларни, шу жумладан ижтимоий, коллектив ва шахсий манфаатларни келиштиришга тааллуқли масалаларни тадқиқ этишни, инсон фаолияти эҳтиёжлари ва стимулларини анализ қилишни, социалистик турмуш тарзининг, оила-никоҳ муносабатларининг, жамоатчилик фикрининг социал-иқтисодий ва маънавий-сиёсий асосларини ўрганишни кенг кўламда ривожлантирмоқ лозим. Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм юксак ғояларини, социализмнинг социал ва ахлоқий принципларини ҳар тарафлама қарор топтириш, мешчанлик ва маънавий қашшоқликнинг, бировлар ҳисобига яшаш ва истеъмолчиликнинг ҳозирги кўринишларига қарши шиддатли кураш олиб бориш даркор.

Инсон ҳаёти ва ривожининг комплекс проблемаларига, унинг мақсадлари, идеаллари ва қадриятларига кўпроқ эътибор бериш, социал ва табиий-биологик омиллар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни чуқур тадқиқ этиш лозим.

Экономикани қайта қуриш, хўжалик механизмини тубдан ислоҳ этиш, бошқарувни такомиллаштириш иқтисодий назарияни чуқур ривожлантиришни ва энг аввало унинг ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари диалектикаси, централизм билан мустақилликни қўшиб олиб бориш, ҳозирги шароитга татбиқан кооперация ва озиқ-овқат солиғи ҳақидаги Ленин ғоялари каби туб проблемаларини анализ қилишни талаб этади.

Жамият шиддатли ривожининг асосий ҳаракатлантирувчиси бўлган ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг диалектик зиддиятли ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги туб марксистик қоида

«Коммунист»нинг диққат марказида бўлиши керак. Ишлаб чиқариш муносабатларини ва хўжалик юритиш методларини муттасил, аниқ мақсадни кўзлаб такомиллаштириш — фан-техника ва социал-иқтисодий тараққиётни кескин жадаллаштиришнинг, инсон омилини, омма ижодини активлаштиришнинг муқаррар шарт-шароитидир. Кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив типига ўтишни кескин тарзда жадаллаштиришга даъват этилган туб иқтисодий реформанинг узвий тарзда бир-бири билан боғланган икки йўналиши катта назарий ва амалий қизиқиш уйғотадики, булар: бир томондан, халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари ва пропорцияларини, унинг баланслилигини белгилашда, стратегик вазифаларни ҳал қилишда планли, марказлаштирилган раҳбарликнинг самарадорлигини ҳар тарафлама ошириш, иккинчи томондан эса — корхоналар ва бирлашмаларнинг ташаббусини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг мустақиллиги чегараларини кенгайтириш ва масъулиятини оширишдир.

Бир-бирига боғлиқ ана шу икки вазифа шароитида корхоналар ва бирлашмаларни чинакам хўжалик ҳисобига, ўз-ўзини қоплаш ва ўзини молия билан таъминлаш негизига ўтказиш проблемаларини қўйиш ва ҳал этиш, коллективлар даромадлари даражасини тўғридан-тўғри уларнинг иши самарадорлигига боғлиқ қилиб қўйиш; ҳамма даражаларда раҳбарликнинг иқтисодий методларига ўтиш; ишлаб чиқаришни концентрациялаш, ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув мазмунига замонавий ташкилий структураларни киритиш; тармоқни ва территорияни бошқаришни, республикалар ва регионларни комплекс иқтисодий ривожлантиришни, рационал тармоқлараро алоқаларни йўлга қўйишни оптимал қўшиб олиб боришни таъминлаш; бошқарувни ҳар тарафлама демократлаштиришни амалга ошириш, унда меҳнат коллективларининг ролини кўтариш, пастдан бўладиган контролни кучайтириш, хўжалик органларининг ишидаги ҳисобот бериб туриш ва ошкораликни кучайтириш зарур.

Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган умумхалқ мулкини мустаҳкамлаш проблемаларига ҳамда уни рўёбга чиқариш формаларига алоҳида эътибор бериш, етилган социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда колхоз-кооператив мулкининг имкониятларидан фойдаланиш, шу жумладан матлубот ва ҳунармандчилик кооперациясини, шунингдек индивидуал меҳнат фаолиятини ривожлантириш масалаларини чуқур ёритиш лозим бўлади.

Фан-техникани тараққий эттириш, экономикани структуравий қайта қуриш, бошқаришнинг, меҳнатни ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг самарали формалари негизида ишлаб чиқариш ҳар тарафлама интенсивлаштирилаётган шароитда иқтисодий ривожланиш суръатлари, ўсишнинг янги сифати проблемалари ҳар тарафлама анализ қилишга муҳтождир. Иқтисодий ва социал омилларнинг ўзаро боғлиқлигини, халқ хўжалигини реконструкция қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ресурсларни тежаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, янги социал, структуравий, инвестицион, илмий-техникавий, аграр, регионал ва ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш йўлларини чуқур очиб бериш лозим.

Товар-пул муносабатларининг социалистик асосда соғлом амал қилишининг, социализмда товар ишлаб чиқариш ва қиймат қонунининг роли, ўрни ва тарихий истиқболининг сиёсий-иқтисодий жиҳатларини ишлаб чиқиш ва ёритиш, бошқарув системасини қайта қуриш талабларига мувофиқ товар-пул муносабатлари воситаларидан фойдаланишнинг конкрет формаларини очиб бериш зарур. Шу муносабат билан планли тарзда баҳо ҳосил қилишни такомиллаштиришга, бошқарувнинг молиявий-кредит воситаларига, пул муомаласига, маблағлар оборотини тезлаштиришга, умумхалқ, коллектив ва шахсий манфаатларни қўшиб олиб боришни оптималлаштиришга бағишланган тадқиқотлар даркор.

Иқтисодий назария ва сиёсатнинг ана шу ва бошқа актуал

масалаларини илмий ишлаб чиқиш иқтисодий практикани, мамлакатда ўтказилаётган хўжалик экспериментини анализ қилиш ва умумлаштириш негизида олиб борилиши ҳамда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, экономиканинг самарадорлигини яхшилашга, иқтисодий ўсишнинг ҳамма резервларини ишга солишга, меҳнаткашларнинг хўжалик юритишни яхшилашдан ва халқ бойлигини кўпайтиришдан манфаатдорлигини оширишга қаратилиши лозим.

«Коммунист» саҳифаларида яхлит, кучли социал сиёсат, социал соҳага янгича ёндашишларни активлаштириш ғоялари, социализмда моддий ва маънавий ҳаётни яхшилаш йўллари ва воситалари, социал адолат принципининг моҳияти ва характери ҳар томонлама ёритилиши зарур. Социал соҳани ривожлантиришга бўлган ҳозирги қараш мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришда инсон омилининг ҳал қилувчи роли билан узвий тарзда боғланиши ҳамда социализмнинг инсонпарварлик моҳиятини тобора тўлароқ очиб бериши лозим.

Халқ фаровонлигини оширишнинг актуал жорий ва перспектив проблемаларига, уларни ҳал этишнинг энг самарали методларини асослаб беришга, аҳоли турли группалари ва қатламлари манфаатларига дахлдор муҳим ҳаётий проблемаларни муҳокама қилишга муттасил эътибор берилиши керак. Журнал кадрларнинг социал йўналишини кучайтиришга кўмаклашиши, уларда социал масалалар кўламини ва ҳал этилиш навбатини тўғри белгилаш, мўлжалланган социал мақсадларга эришишнинг энг оқилона йўлини топа билиш маҳоратини тарбиялаши лозим.

Социал-синфий ва миллий муносабатлар динамикасини, ижтимоий ҳаётнинг ранго-ранглигини, социализмга хос манфаатлар, эҳтиёжларни, жамиятга зид ҳодиса сабаблари ва уларни бартараф этиш йўлларини комплекс анализ қилиш муҳимдир.

Жамиятни янада демократлаштириш концепциясини, яъни халқнинг ҳамма формалардаги социалистик ўз-ўзини бошқарувини чуқурлаштиришга, ошкораликни кенгайтиришга ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга, бюрократизмни йўқотишга асосланган, совет кишисининг социал-сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг, унинг меҳнатдаги ва ҳаётдаги вазифаларининг жамини бойитишга ва ишга солишга асосланган концепцияни ишлаб чиқиш принципиал аҳамиятга молик.

Социал соҳада меҳнаткашлар оммасининг маънавий ва моддий маданият бойликларини тобора тўла ва чуқур ўзлаштириши, уларни бадиий ва илмий-техникавий ижоднинг хилма-хил турларидан баҳраманд этиш билан боғлиқ бўлган масалалар айниқса актуалдир. «Коммунист» журналининг вазифаси — партиянинг маданий сиёсатини аниқ мақсадни кўзлаб пропаганда қилиш, социалистик маданиятнинг муттасил юксалишига, жамият маънавий ҳаётининг бойиб боришига, халқни, айниқса ёш авлодларни ахлоқий ва эстетик тарбиялашни кучайтиришга, уларда соғлом эҳтиёжларни ва юксак эстетик дидларни шакллантиришга кўмаклашувчи тенденцияларни очиб бериш ва қўллаб-қувватлашдир. Адабиёт ва санъатнинг ижодий проблемаларига, марксча-ленинча танқиднинг ролига бағишланган материалларни, ғоясизлик ва дунёқарашдаги бефарқликка, эстетик ғўрлик ва дидсизликка қарши материалларни эълон қилишга кўпроқ эътибор берилиши керак. Ақл-заковат ва истеъдод мусобақасини, бадиий ижод соҳасидаги беллашувни авж олдирмоқ зарур.

Қандай либосга бурканган бўлишига қарамай, миллий маҳдудлик ва мақтанчоқликнинг, миллатчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишларига партиявий баҳо бериш керак. Совет кўп миллатли маданиятини тадқиқ этиш ва тарихини ёритишда ленинча принциплар асосий принциплардир.

Тинчликсевар ташқи сиёсатнинг ҳозирги умумий асоси тинчликнинг

янги сиёсий философияси билан ядровий космик аср воқеликларидан келиб чиқадиган конкрет қатъий ҳаракатлар платформасининг узвий қотишмасидан иборат бўлиб, бундай шароитда социализм билан капитализмнинг бир-бирига қарши тарихий кураши фақат тинч формалардагина кечиши мумкин ва лозим. Ялпи қуролсизланиш, ядровий ҳалокат хавфини бартараф этиш, халқаро муносабатларни соғломлаштириш, фан ва техника ютуқларини, маданият бойликларини кенг кўламда алмашиниб туриш — съезд таклиф этган халқаро хавфсизлик ва ҳамкорликнинг ҳамма соҳаларни қамраб олувчи комплекс системаси олдига қўйилган асосий мақсадлар ана шулардир.

Журнал ишининг энг муҳим йўналиши — партия тинчликсевар ташқи сиёсатининг назарий асосларини, инсонпарварлик мақсадларини ёритиш, ҳозирги дунё ривожининг тенденцияларини ва зиддиятларини, инсониятнинг жаҳоншумул проблемаларининг аҳволи ва уларни самарали ҳал қилишнинг йўлларини анализ қилиш бўлиб, бу проблемалардан энг муҳими ядровий урушнинг олдини олиш, Ер юзида цивилизацияни ва ҳаётни сақлаб қолишдир.

Янги ҳодисалар диққат марказида туриши керакки, бу ҳодисалар жаҳон социализмининг халқаро процесслар жараёнига ошиб бораётган таъсирини, капитализм умумий кризисининг чуқурлашаётганлигини, меҳнат билан капитал ўртасидаги, капиталистик давлатлар ўртасидаги, айниқса ҳозирги империализмнинг учта асосий марказлари — АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония ўртасидаги, миллатлараро корпорациялар билан жамият сиёсий ташкилотининг миллий-давлат формаси, ҳарбий-саноат комплекси билан кенг халқ оммаси манфаатлари ўртасидаги, империализм билан ривожланаётган мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги зиддиятларни характерлаб беради.

Жаҳон социализмини, халқаро муносабатларнинг янги типини ривожлантириш масалаларини ишлаб чиқишни журналнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблаш керак. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги бурилиш босқичида социалистик ҳамдўстликда содир бўлаётган катта ўзгаришларни, ижтимоий фаолиятнинг ҳамма соҳаларидаги ҳамкорликни интенсивлаш жараёнларини ёритмоқ лозим. Қардош партияларнинг ижобий тажрибаларини чуқур умумлаштириш ва пропаганда қилиш, социалистик қурилиш ва халқаро сиёсатнинг актуал масалаларини биргаликда муҳокама қилишни ташкил этиш лозим. Иқтисодий интеграция проблемаларига, социалистик мамлакатларнинг илмий-техникавий ва социал-иқтисодий ривожини тезлаштириш, иқтисодий хавфсизлиги манфаатларини, дунёда социализмнинг нуфузи ва обрў-эътиборини ошириш манфаатларини кўзлаб ҳамкорликнинг прогрессив формаларига доимо эътибор бермоқ лозим.

Коммунистик, ишчилар, миллий-озодлик, кенг демократик ҳаракатларда содир бўлаётган жараёнлар чуқур анализ қилишни талаб этади. Улар кейинги йилларда дуч келаётган янги-янги реалликлар, проблемалар ва вазифаларни ҳисобга олиш муҳимдир.

Халқаро майдондаги кескин идеологик кураш вазиятида журнал империалистик зулм, социал реванш ва милитаризм идеологияси ва сиёсатига қарши шиддатли кураш олиб бориши, социализм ғоялари ва практикасининг тарихан ҳаққонийлигини моҳирлик билан ҳимоя қилиши, оммани маънавий асоратга солишдан иборат буржуа сиёсатини ишонарли қилиб фош этиши лозим. Кишиларнинг ақли ва қалби учун курашда ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар туб манфаатларининг, коммунистлар мақсадларининг инсониятнинг асосий гуманистик кадриятларига принципиал жиҳатдан мос эканлигини кўрсатиб бериш муҳимдир.

«Коммунист»нинг асосий вазифаси — жамиятимизни социал-иқтисодий жадаллаштиришда партиянинг авангардлик ролини очиб бериш, партия комитетларининг сиёсий, ташкилотчилик ва идеологик фаолияти янги формалари ва методларини таҳлил этиш, умумлаштириш ва

пропаганда қилишдир. Журнал материаллари партия ишини тубдан қайта қуришга, сиёсий раҳбарликнинг услуб ва методларини такомиллаштиришга, партияда ижодкорлик, ўртоқлик, принципиал талабчанлик, танқид ва ўз-ўзини танқид муҳитини мустаҳкамлашга, кадрларни, партия активини, барча коммунистларни большевизм анъаналари руҳида тарбиялашга ёрдам бериши керак.

Фақат назариягагина эмас, балки КПСС ва жаҳон коммунистик ҳамда ишчилар ҳаракатининг тарихига ҳам оид илмий тадқиқотларни жиддий равишда интенсивлаш, меҳнат аҳлининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг асрий орзу-умидларининг ифодачиси бўлмиш барча мамлакатлар коммунистларининг ҳаракати тарихий ривожининг қонуниятларини асосли тарзда умумлаштириш талаб этилади. Ҳозирги кунни ва келажакни мўлжаллаб ўтмиш тажрибасини анализ қилиш — бу назариянинг зарур элементи ҳам, янги назарий хулосаларни ишлаб чиқишда ёрдам берадиган метод ҳамдир. Ана шу йўналишдан бориб, ўтмишни тадқиқ этиш вазифаларини ҳозирги даврни мушоҳада этиш ва келажакни идрок қилиш вазифалари билан узвий тарзда қўшишга эришиш, Ленин сўзлари билан айтганда, «сиёсатимиз учун эртага ва индинга нималар керак бўлиб қолиши нуқтаи назаридан» (Тўла асарлар тўплами, 38-том, 161-бет) ўтмишга мурожаат қилиш, асосий диққат-эътиборни «биз бошимиздан кечирган воқеаларни тасвирлашдан кўра, ўзимизнинг бевосита амалий ишимиз учун олаётган ва олишимиз керак бўлган тажриба сабоқларига кўпроқ қаратиш» (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 394-бет) лозим. В. И. Лениннинг ижод лабораториясига, унинг умрининг охирида ёзган асарларига доимо мурожаат қилиб туриш зарурки, бу асарларда социалистик қурилиш дастлабки тажрибаларининг айнан реал практикасидан келиб чиқадиган чуқур назарий хулосаларнинг намуналари берилган.

Фундаментал тарихий-партиявий проблемаларни ишлаб чиқиш, партия босиб ўтган йўлни ҳар тарафлама ёритиш, унинг айниқса бурилиш босқичларидаги раҳбарлик ролини чуқур очиб бериш, партия сиёсатидаги давомийлик ва новаторлик диалектикаси, партия тарихи фанининг аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари, тадқиқотларнинг ва дарс беришнинг сифати — ана шу масалалар журнал фаолиятининг доимо марказида туриши керак.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг яқинлашиб келаётган 70 йиллиги муносабати билан журнал олдида масъулиятли вазифалар турибди. Партиямиз ва халқимизнинг кўп қиррали тажрибасини турли томонлардан кўрсатиб берувчи мақолалар туркумини эълон қилиш, диққат-эътиборни, В. И. Ленин революциянинг 4 йиллиги муносабати билан айтганидек, партия «ҳали ҳал қилмаган» вазифаларга, Октябрь идеаллари билан партия ҳозирги йўлининг ўзаро боғлиқлигига қаратиш зарурдир. Октябрь революциясининг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини, унинг инсонпарварлик асосларини, у вужудга келтирган тузумнинг ютуқлари ва афзалликларини кўриб чиқишда мамлакатимиздаги социалистик туб ўзгартишларнинг кашфиётчилик, новаторлик характерини ҳар томонлама очиб бериб, хатолар ва нуқсонларни четлаб ўтмаслик, партиянинг уларга тегишли баҳо беришга ҳамда Октябрь йўлидан бундан буён ҳам олға бораверишучун тўғри ечимлар топишга қодир эканлигини кўрсатиб бериш лозим. Эълон қилинадиган материалларда замонлар, сиёсат, революцион анъаналарнинг жонли алоқаси, уларнинг апрель Пленумидан, партия XXVII съездидан кейин юзага келган умумий маънавий-психологик вазият билан ҳамоҳанглиги сезилиб туриши лозим.

Журнал ишининг мазмуни, формаси ва методларини замоннинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқлаштирмоқ зарур. Журналнинг авторлар активини кенгайтириш, унинг теварагида энг яхши назариётчи кучларни тўплаш, кўпроқ ғайрат кўрсатиб янги-янги авторларни жалб этиш лозим.

Редакциянинг партия илмий ва ўкув муассасалари, СССР Фанлар академияси институтлари билан алоқасини мустаҳкамлаш, биргаликда илмий конференциялар ва семинарлар ўтказишни, энг муҳим материалларни тайёрлаш учун комплекс группалар тузишни таомилга киритиш лозим. Дискуссиялар ва муҳокамалар билимларнинг чиндан ҳам ортишини ва концептуал характердаги жиддий тавсияларни ишлаб чиқишни таъминлайдиган қилиб ўтказилиши керак. Долзарб ва кескин ҳаётий проблемаларни муҳокама қилиш ўрнига сохта илмий сафсатабозлик билан, йирик назарий масалалар ўрнига воқеликдан ажралиб қолган сохта, қуруқ гаплар билан шуғулланишга батамом барҳам бермоқ лозим.

Тақриз қилинадиган ва аннотацияси бериладиган асарлар ва китоблар доирасини кенгайтириш, жамиятшунослик, санъат, адабиёт, педагогиканинг ривожланиши турли йўналишларидаги ишларнинг аҳволи проблемавий-аналитик обзор қилинган материалларни вақти-вақти билан эълон қилиб туриш лозим. Жамиятшунослик соҳасидаги журналларда бериладиган материалларни анализ қилиш ва баҳолаш, улар билан амалий алоқаларни кучайтириш керак. «Коммунист»нинг танқидий-библиографик материалларига партиявий принципиаллик, юксак илмий мезонлар, группавий ва шахсий қасд олишга ҳар қандай уринишларни, фақат дидгагина асосланиб баҳо бериш ва субъективистик ғаразгўйликни, ёрлиқ ёпиштиришни истисно этадиган объективлик ва талабчанлик хос бўлиши лозим.

Редакцияга келадиган материалларни, журналхонларнинг хатлари ва таклифларини мунтазам равишда обзор қилиб туриш, журналхонлар конференцияларини, шу жумладан бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларида доимо ўтказиб туриш, партия активи ва илмий жамоатчилик билан учрашувлар ўтказиш, журнал ишини яхшиламоқ учун тўпланган жамоатчилик фикридан фойдаланиш лозим.

КОММУНИСТЛАРНИНГ ШАХСИЙ ИБРАТИ

ҚОММУНИСТИК ПАРТИЯ ҳар бир аъзосининг коммунизм қурилишидаги ўрнини партиянинг совет жамияти раҳбар ва етакчи кучи сифатидаги мавқеи белгилаб беради. Лениннинг партия аъзосининг аҳамиятини юқори, юқори ва яна юқори кўтарайлик деган кўрсатмаси ҳаммага маълум. КПСС ҳам бу кўрсатмани изчиллик билан турмушга ошириб боришга интилмоқда.

Ҳозирги даврда, мураккаб халқаро шароитда социализмни такомиллаштириш босқичида, мамлакатимизнинг ҳамда бутун дунёнинг ҳозирги куни ва келажаги учун ҳаётий муҳим масалалар ҳал қилинаётган пайтда В. И. Лениннинг ушбу кўрсатмаси айниқса актуал тарзда янграмоқда. Бу борада партиянинг масъулияти бир неча бор ортмоқда, бинобарин, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш ҳозирги даврнинг биринчи навбатдаги талаби ва энг муҳим вазифасидир. Бу КПССнинг асосий ҳужжатлари бўлмиш унинг Программаси ва Уставида яққол кўриниб турибди. Бутун партиянинг ва унинг ҳар бир аъзосининг масъулиятини янада ошириш натижасида стратегик йўлни: социал-иқтисодий тараққиётни анча жадаллаштириш орқали жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш йўлини амалга ошириш мумкин бўлади.

Бу ўринда шуни яна бир бор эслатиб ўтиш муҳимки, бизнинг партиямиз идора қилувчи партия бўлиб, унинг қўлида ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатишнинг қудратли воситалари бор. КПСС МКнинг 1986 йил июнь Пленуми партия ишини фаол тарзда қайта қуришга даъват этиб, мамлакатдаги ишларнинг аҳволи, халқ ижодиётининг миқёслари билан партия ташкилотлари қандай иш тутаётганлари ўртасидаги худди ана шу боғлиқликни уқтириб ўтди. Коммунистларнинг авангардлик роли қанчалик юксак бўлса, партия шунчалик кучли, унинг обрў-эътибори шунчалик мустаҳкам, унинг оммага ғоявий таъсири шунчалик чуқур, унинг ўз фаолиятида социалистик жамиятни такомиллаштиришдаги муваффақиятлари шунчалик катта бўлади. Шундай қилиб, КПСС аъзоларининг шахсий ибрати партиянинг омма билан алоқаларини мустаҳкамлашда, кишилар онгида, уларнинг ишга бўлган муносабатида тубдан бурилиш ясашга эришишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида коммунист ўз ишларида омманинг сиёсий йўлбошчиси, сиёсий ташкилотчиси ва сиёсий

мураббийси бўлган партия раҳбарлигининг энг муҳим хусусиятларини ҳамма вақтдагидан ҳам кўпроқ кўрсатиши лозим. Бунинг маъноси шуки, коммунист партия сиёсатини ишлаб чиқишда фаол қатнашиши, ишни давр талабларига батамом мувофиқ тарзда ташкил этиш йўли билан мазкур сиёсатни фаол ва изчил тарзда амалга ошириши, оммада марксча-ленинча дунёқарашни кунт билан шакллантира бориб, унга эскириб қолган анъаналарни ва бир қолипда фикр қилишни бартараф этишда кўмаклашиб, унинг онгини ошириши лозим.

КПСС XXVII съездига тайёргарлик даврида миллионлаб коммунистлар ўз бурчларини юксак даражада тушунишларини намойиш этдилар. Улар жамиятимизнинг ҳаракати стратегиясини белгилаб берувчи энг муҳим ҳужжатлар — янги таҳрирдаги Программа ва Уставга киритиладиган ўзгартишлар, ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳаларини муҳокама қилишда зўр манфаатдорлик билан иштирок этдилар, экономика ва социал соҳага хос проблемаларни энг яхши тарзда ҳал этишга, партия ички турмушини, иш услуби ва методларини такомиллаштиришга кўмаклашувчи қўшимчалар ва аниқликлар киритдилар. Масалан, қарийб икки миллион киши КПСС Устави юзасидан ўз мулоҳазаларини айтди. Кўп таклифлар коммунистларнинг авангардлик ролини, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятларини оширишга қаратилган эди — уларнинг энг муҳимлари эътиборга олинди ҳамда ҳужжатнинг узил-кесил текстига киритилди.

Партия Устави — унинг ҳар бир аъзоси учун ҳаёт қонунидир. Унда партия қурилишининг ленинча принциплари, партия ишининг услуб ва методлари, коммунистлар хулқ-атворининг ахлоқий нормалари мустаҳкамлаб қўйилган. Уставнинг партия аъзосининг вазифалари ҳақида гап борган бутун иккинчи параграфи ҳар бир коммунистда маъсулият туйғусини оширишга, унинг социализмни такомиллаштириш босқичида қўйилаётган талабларга мувофиқ иш тутишига қаратилгандир. Ушбу параграфнинг ҳар бир моддаси ўзгариб кетган тарихий вазият ва ундан келиб чиқадиган вазифалар муносабати билан давомийликни ва янгича ёндашишни қўшиб олиб бориш намунасидир. Бу ўринда ҳозир биз нима учун курашаётган бўлсак, ўзимизнинг жуда катта куч-ғайратимизни нимага сарфлаётган бўлсак, шуларнинг ҳаммаси ифодаланган.

Маълумки, жадаллаштириш ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларига тааллуқлидир, лекин уни рўёбга чиқаришнинг йўли битта — у ҳам бўлса, қайта қуришни кишининг ўзидан бошлашидирки, бу ҳақда КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев Узоқ Шарққа қилган сафари вақтида айниқса қатъият билан гапирди. Коммунист зиммасига меҳнатда ибрат кўрсатиш, социалистик мулкни эҳтиёт қилиш ва кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, меҳнат унумдорлигини муттасил ўстиришга, маҳсулот сифатини яхшилаш, ҳозирги замон фани, техникаси ютуқларини ва илғор тажрибани халқ хўжалигига жорий этишга эришиш, ўз малакасини ошириш, жами янги, прогрессив ташаббуслар учун фаол курашиш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга мумкин қадар катта ҳисса қўшиш вазифасини юклайдиган партия Уставига сўзсиз риоя қилиш мазкур ички қайта қуришга кўмаклашади. Шу билан бирга КПСС Устави унинг аъзолари зиммасига коммунистик ахлоқ нормаларига қатъий риоя этиш, социализмга хос социал адолат принципини қарор топтириш, ижтимоий манфаатларни шахсий манфаатлардан юқори қўйиш, камтар ва виждонли, одамларга нисбатан меҳрибон ва эътиборли бўлиш, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига ўз вақтида жавоб бериш, партия ва халқ олдида ҳақгўй ва ҳалол бўлиш вазифасини юклайди.

КПСС Уставида коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган бошқа қоидалар ҳам мустаҳкамлаб

қўйилган. Бу қоидалар жумласига биринчи навбатда шулар кирадики, бошланғич партия ташкилоти коммунистларнинг меҳнатдаги ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги авангардлик ролини ошириш тўғрисида, уларнинг хулқ-атворда намуна бўлишлари тўғрисида ғамхўрлик қилади. КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатларнинг Уставдаги вазифалар ва партия топшириқларини қандай бажараётганликлари ҳақидаги ҳисоботларини эшитиш ана шу йўлни амалга оширишда катта ёрдам беради. Умуман сўз билан ишнинг бирлиги масаласи коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш учун катта аҳамиятга молик. Зеро принципларни эълон қилишнинг ўзи кифоя қилмайди, уларни мумкин қадар тўла амалга оширишга эришиш муҳимдир. КПСС XXVII съезди мазкур проблемага алоҳида эътибор бериб қай йўналишда иш тутиш кераклигини кўрсатиб берганлиги батамом қонунийдир. Чунончи, КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида: **«Коммунистнинг авангардлик роли умумий гап эмас, бу нарса амалий ишларда ифодаланади»**, дейилган.

Бу қоидада партиянинг бутун фаолияти учун принципиал муҳим бўлган йўл-йўриқ мустаҳкамлаб қўйилганки, у КПСС МҚ 1986 йил июнь Пленуми материалларида, ўртоқ М. С. Горбачевнинг Узоқ Шарққа сафари вақтида сўзлаган нутқларида чуқур ва ҳар тарафлама ривожлантирилди. Ҳаёт шуни кўрсатдики, Ленин сўзлари билан айтганда, «сохта иборалар, сохта мақтанчоқлик» бутун партия фаолиятини бузади, беғамлик вазиятини келтириб чиқаради ва пировард натижада ишларнинг барбод бўлишига олиб келади. Буни республикамизда содир бўлган салбий ҳодисалар мисолида кўриш мумкин. Ҳозир бораётган соғломлаштириш жараёни сохта вазиятга қарама-қарши бўлган ишлар ва чора-тадбирларга асосланганки, уларнинг негизида талабчанлик, ҳалоллик, партиявий виждонлилик ётади.

Хўш, сохта ибораларга қарши қандай курашмоқ керак? КПСС XXVII съезди ана шу саволга ғоят тўлиқ ва очиқ-ошкора жавоб берди. Бу жавобнинг маъноси амалда коллективлик принципини ўтказиш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, дабдабабозликка қарши курашни кучайтириш муҳим принципга: **партияда контролдан холи, танқид қилиб бўлмайдиган ташкилотлар йўқ ва бўлиши мумкин эмас, партиявий жавобгарликдан холи қилиб қўйиладиган раҳбарлар йўқ ва бўлиши мумкин эмас** деган принципга қатъий риоя қилиш демакдир. Бунинг маъноси шунингдек, партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун, принципиал кадрлар сиёсати учун курашиш демакдир. КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида ушбу масалага махсус параграф бағишланган. Унда яна ишчанликка эътибор кучайтирилган, сўз билан ишнинг ҳар қандай формада бўлмасин, бир-бирига тўғри келмаслигига асло чидаб бўлмайди, деб таъкидланган. Ҳар бир коммунист шуни ёдда тутиши керакки, у мансуб бўлган партия сўзи билан иши бир бўлган партиядир. КПСС Программасининг қуйидаги қоидаси ҳам ана шуни таъминлашга қаратилган: «Партия ҳар бир коммунистдан ўз бурчига, партия аъзосининг ҳалол ва мусаффо қиёфасига нисбатан талабчанликни муттасил ошираверади, унга иши ва хатти-ҳаракатига қараб баҳо беради».

Бошланиб кетган қайта қуришдаги раҳбарнинг ролига тааллуқли кўрсатма ғоят муҳим аҳамиятга молик. Бу масалага бўлган принципиал муносабат КПСС МҚнинг 1985 йил апрель Пленумидаёқ айтиб ўтилган эди. У партия XXVII съезди ҳужжатларида мустаҳкамланди ва ривожлантирилди. КПСС Программасида ҳам, Уставида ҳам, партия Марказий Комитетининг съездга Сиёсий докладида ҳам раҳбарнинг алоҳида масъулияти ҳақида гапирилади. Чунончи, КПСС Программасида бундай деб қайд қилинади: «Ҳар бир раҳбар топширилган иш учун тўлиқ жавоб бериши, одамлар билан тўғри муносабатда бўлиши, шахсий намунаси билан уларни илҳомлантириши керак». Бу позиция КПСС МҚ 1986 йил июнь Пленумида янада кенгайтирилди ва асослаб берилди. Ўрток

М. С. Горбачев партия ишини фаол тарзда қайта қуриш зарурлиги ҳақида гапирар экан, ўз докладида ёшини яшаб бўлган раҳбарлик услуби нималарга олиб келишини, ўз олдига ишда бурилиш ясашни мақсад қилиб қўйган ҳар бир раҳбар, барча партия органларининг ишни энг аввало ўзларидан бошлашлари нечоғлик муҳим эканлигини чуқур кўрсатиб берди. Агар уларнинг ўзлари ҳали қуруқ гапбозликдан, ҳадеб мажлислар ўтказаверишдан, қоғозбозликдан — дабдабабозлик ва турғунликка олиб келадиган, ташаббусни, жонли ишни бўғадиган жами бюрократик услубдан воз кеча олмаган бўлсалар, қандай қилиб улар ўзларига ишониб топшириб қўйилган участкаларда қайта қуришни ташкил эта оладилар? Кадрлар билан олиб борилган номақбул иш методлари учун Пленумда Курск область партия комитети ва Украина Компартияси Черкасск область комитети кескин танқид қилинди. Шу муносабат билан раҳбарлар, партия комитетлари новаторлик кайфиятидаги, изланувчан, ижодкор кишиларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашлари лозимлиги таъкидланди, чунки худди ана шундай кишилар эскириб кетган тасаввурларга, ишнинг яроқсиз усулларига, зарарли анъаналарга қарши курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Пленумда Тошкент шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари ҳам жиддий танқид қилинди. Партия иш марказида инсон бўлиши керак, кишиларга, жонли ишга томон бурилиш лозим деган чақириқлар билан чиқаётган бир пайтда қоғозбозлик ҳақидаги масала батамом тўғри кўтарилмоқда, қайта қуришнинг асосий мазмуни ҳам ана шундан иборат. КПСС МК июнь Пленумининг қоғозлар билан эмас, балки одамлар билан ишлаш керак деган кўрсатмаси барча ишларимизда тубдан бурилиш ясашга эришиш учун муҳим аҳамиятга эга. Шуниси ҳам борки, қайд қилиб ўтилганидек, бошланғич ташкилотлардан тортиб МК аппаратига қадар барча даражадаги партия ташкилотларида маъмуриятчилик элементларидан холи бўлиб олиш зарур.

Ҳозир кадрлар, биринчи навбатда партия ходимлари қандай иш тутишлари кераклиги ҳақида ўртоқ М. С. Горбачев Хабаровск ўлка партия ташкилоти активининг 1986 йил 31 июлдаги кенгашида сўзлаган нутқида мана бундай деди: «Улар... ҳамма нарсани назар доирасида тутишлари, янги ғояларга куч бағишлашлари, янгича ёндашишларни ишлаб чиқишлари, партия съезди қарорларини амалга ошириш учун бутун халқ олиб бораётган курашга бош бўлишлари лозим».

Ҳамма раҳбарлар, партия органлари ўз масъулиятларини чуқур тушунган ҳолда керакли йўналишда ишни қайта қурмоқдалар, деб бўлмайди, асло. Шу йил июлида Тошкентда бўлиб ўтган республика партия активи йиғилишида ҳам бу ҳақда жуда кескин тарзда гапирилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев ўз докладида бир неча область партия комитети биринчи секретарларининг номини тилга олдики, улар камайтирилган план олиш учун ғоят зўр бериб уринмоқдалар. Улар КПСС XXVII съездининг, партия Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг ғоялари ва йўл-йўриқларини амалга оширишнинг оташин курашчилари ва ташкилотчилари бўлиб биринчи навбатда майдонга чиқишлари лозим бўлган бир пайтда ана шундай иш тутмоқдалар. Лоқайдлик, пассивлик, бeғамлик Самарқанд область партия комитетининг ишига хос хусусиятлардир. Ваҳоланки, 1981 йилда КПСС МКнинг ана шу область комитетининг коммунистлар авангардлик ролини ошириш ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий ҳаётдаги активлигини кучайтириш борасидаги ишини яхшилашга қаратилган қарори қабул қилинган эди.

Ҳозирча Тошкент партия ташкилотлари ҳам ишни сустлик билан қайта қурмоқдалар. Ваҳоланки, улар ҳамма соҳада намуна кўрсатишлари лозим эди. Шу йил июль ойида бўлиб ўтган шаҳар партия комитетининг пленумида қайд қилиб ўтилганидек, кўп корхоналарда техникани янгилашга, асбоб-ускуналар ва прогрессив технологиядан яхширок

фойдаланишга шошилмаяптилар, қўшиб ёзиш ва сохта ҳисоботлар бериш фактлари учрамоқда. Маҳсулотнинг техникавий даражаси паст, буюмларнинг юксак сифати учун кураш ғоят суст олиб борилмоқда. Масалан, Акмал Икромов районида Давлат сифат белгиси бўлган буюмларнинг салмоғи атиги 3,5 процентни, Ҳамза районида 4,2 процентни ташкил этади. Бундай аҳволга кўп жиҳатдан шу нарсалар сабаб бўлмоқдаки, шаҳар комитети ва кўпчилик район комитетлари ҳали ҳам ишнинг кабинет услубидан воз кечганлари йўқ, ҳаётни чуқур ўрганмайдилар. Тўғри, ишга муносабатнинг бошқача мисоллари ҳам бор. Чунончи, Куйбишев район партия комитетининг бюро аъзолари доимо бошланғич ташкилотларда бўлиб турадилар, уларнинг ишини ўрганадилар. Бу ерда кенгашлар ва мажлислар сони бир ярим баравар қисқарди, ҳафтада бир кун махсус равишда бошланғич партия ташкилотларига бориш учун ажратилган.

Партия комитетлари ўз фаолиятларини ана шундай йўналишда авж олдиришлари керак. Зеро, партия XXVII съезди, сўнгра эса КПСС МК 1986 йил июнь Пленуми кўрсатиб ўтганидек, ишни қайта қуришни, мустақилликни, ташаббускорликни, бошланғич ташкилотларнинг ҳужумкорлигини, коммунистларнинг ташаббуси ва активлигини ривожлантиришдан бошламоқ лозим. Бу асосий бўғин бўлиб, унга чинакамига киришмоқ керак. Агар партия комитетлари раҳбарликнинг сиёсий методларини пухта ўйлаб, кунт билан ўзлаштирадиган, ўз ишлари марказига инсонни қўядиган бўлсалар, социал соҳани ривожлантириш ҳақида, инсоннинг жамият учун яхшироқ ва кўпроқ меҳнат қилишга интилиши ҳақида муттасил жон куйдирадиган бўлсалар, ана ўшандагина бу ишни уддалаш мумкин бўлади. Шу муносабат билан ўртоқ М. С. Горбачев Хабаровск ўлка партия ташкилоти активи билан учрашган вақтида, социал соҳани такомиллаштириш масалаларини ишлаб чиқаришни ривожлантиргандан кейин эмас, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга ҳал қилмоқ лозим, деб таъкидлади.

Бу борада жумладан Ўзбекистон кадрлари ҳам кўп ишлашлари лозим бўлади. Республика партия активи йиғилишида (1986 йил июль) қайд қилиндики, ўн иккинчи беш йиллик — бу жўшқин социал сиёсат беш йиллиги бўлиб, социал программа билан йўғрилгандир. Уй-жой қурилишини, савдо, маиший хизмат, маданият, халқ маорифи, олий мактаб, соғлиқни сақлаш ва социал таъминотни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг реал даромадларини кўпайтириш борасида кенг миқёсли чора-тадбирлар белгиланган. Уларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган. Бинобарин, бу ишни интизом ва тартибни янада мустаҳкамлаш, социал адолат принципларига қатъий риоя қилиш йўналишида олиб бормоқ зарур.

Республика партия ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси XXI съездида, шунингдек, республика партия активи йиғилишида (1986 йил июль) баралла айтилган барча салбий ҳодисаларга қарши курашни кучайтиришлари керак. Аҳолининг бир қисмида истеъмолчиликни ва хусусий мулкчилик психологиясини, жамиятдан кўпроқ ундиришга интилишни келтириб чиқарган, талайгина ахлоқий негизларнинг бузилишига олиб келган сабаблар кўрсатиб ўтилди. Бу — инсон омилига етарлича эътибор бермаслик, тарбия проблемаларига кампаниячилик билан ёндашиш, динга ва энг аввало исломга йўл қўйиб бериш, турли патриархал одатларни халқники деган ниқоб остида турмушга олиб киришдир. Партия ташкилотларининг куч-ғайратини ана шуларни таг-томири билан йўқотишга қаратмоқ лозим. Уларнинг вазифаси — жамиятда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, меҳнатсиз даромадларга, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашиш, ҳалол, виждонан қилинадиган меҳнатни рағбатлантиришдир. Бундай ишни юқоридан туриб ҳам, пастдан туриб ҳам олиб бормоқ лозим.

Ҳамма меҳнат коллективлари, ҳар бир бошланғич партия ташкилоти

қўллаб-қувватлаган тақдирдагина кенг ёйилган салбий ҳодисаларга barҳам бериш мумкин. Партия комитетлари уларнинг ташаббуси ва мустақиллигини ривожлантириш ҳақида ҳар тарафлама жон куйдиришлари ҳамда ана шу борада ўзлари такомиллашиб боришлари лозим. Йўқса, ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Ўзбекистон Компартияси барча область комитетларининг КПСС МК 1986 йил июнь Пленуми якунларини муҳокама қилган пленумларида ана шу ҳақда гап борди.

Бир томондан, шаҳар ва район партия комитетларининг ва, иккинчи томондан, бошланғич партия ташкилотларининг иши ўртасидаги боғлиқлик ҳақида КПСС МК 1986 йил июнь Пленумида гапирилган эди. Шаҳар ва район партия комитетлари кадрларнинг ташаббус кўрсатишлари учун кенг майдон очиб беришлари, асосий ишни пастдан туриб, шунингдек жамоатчилик йўли билан уларнинг ишини контрол қилишга қаратишлари лозим. Амалда эса кўп партия органлари раҳбарликнинг, ҳатто кўпинча бошқарувнинг одат бўлиб қолган методларидан ҳамон фойдаланишга интилмоқдалар. Партия комитетларининг раҳбарликнинг сиёсий методларини ўзлаштиришлари ана шунинг учун ҳам катта аҳамиятга молик. Чунончи, КПСС Уставининг «Партия ва давлат, жамоат ташкилотлари» деган янги бўлимида партия ва бошқа органлар функцияларини ўз зиммасига олиш ва уларнинг ўрнини босишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида гапирилади. Партия Программасида эса бундай деб кўрсатилган: «КПСС партия, давлат ва жамоат органлари функцияларининг ўзига хос хусусиятларини синчиклаб ҳисобга олиш, уларнинг ишини мувофиқлаштириб олиб бориш, бир-бирини такрорлашга йўл қўймаслик, сиёсий раҳбарлик органлари бўлмиш партия комитетларининг ролини ошириш, бошқарув аппаратининг ишида расмиятчилик ва тўрачилик кўринишларини, бюрократик ва бошқа хилдаги бузилишларни йўқотиш; партия қарорлари, халқ хўжалик планларининг бажарилиши устидан контролни кучайтириш; давлат ва меҳнат интизомини, тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблайди».

Партия кўраётган амалий тадбирлар ва чоралар бунга кўмаклашади. Чунончи, КПСС МКнинг яқинда қабул қилган «Халқ депутатлари Советларига партиявий раҳбарликни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори социалистик демократияни изчил равишда чуқурлаштириб боришга, совет кишилари, меҳнат коллективларининг давлат ва жамоат ҳаётига оид масалаларни ҳал қилишда тобора кенг кўламда иштирок этишларига, халқ депутатлари Советларини активлаштиришга, улар фаолиятининг мазмунини янгилашга, форма ва методларини яхшилашга қаратилгандир. Бунда ҳам коммунистларнинг ишга муносабатда, ҳаётимизнинг ана шу соҳасидаги ишни қайта қуришда шахсан ибрат кўрсатишлари муҳимдир. Шуни кўрсатиб ўтмоқчимизки, кейинги вақтларда республикамиз Советларидаги, партия группалари активлашди, йиғилишларда депутат коммунистларнинг ўз вазифаларини қандай бажараётганликлари ҳақидаги ҳисоботлари мунтазам равишда тинглаб турилади, партия сафидаги халқ сайлаб қўйган кишиларнинг ишини контрол қилиш ва активлигини оширишнинг бошқа формаларидан ҳам фойдаланилади.

Маълумки, партия давлат, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик савиясини оширишни кадрлар билан ишлашни яхшилаш билан чамбарчас боғлайди, пастдан то юқоригача ҳамма ерда ходимларни сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий хислатларига қараб танлаш ва баҳолаш ленинча принципларига оғишмай риоя қилинишига, бунда жамоатчилик фикри тўлароқ эътиборга олинишига эришиб бормоқда.

Республикамизда кадрларни танлаш ва тарбиялашни такомиллаштириш борасида кунт билан иш олиб борилмоқда. Партия, совет, хўжалик органларидаги ўз обрўсини тўкиб қўйган ёки ўз вазифаларини уддалай олмаган лавозимли шахслар алмаштирилди, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг состави мустаҳкамланди. Аммо бу фақат

дастлабки қадамлардир. Айрим раҳбарларнинг кишилар эҳтиёж ва талабларига бепарволиги, қуруқ гапбозлик, масъулиятсизлик, носамимийлик, ўзбошимчалик билан ҳал этиш каби чидаб бўлмайдиган ҳодисаларни йўқотиш лозим. Меҳнат коллективларига ҳаммадан кўра яқинроқ бўлган район партия комитети аппарати ходимларига нисбатан юқорироқ талаблар қўйилиши керак. Бу аппаратга ишчилар синфи орасидан, ўрта бўғин раҳбарларидан, хотин-қизлар, комсомол активистларидан кишиларни кўпроқ кўтармоқ лозим.

Партиявий таъсирни кенгайтириб ва чуқурлаштириб бориш, уни ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларига ёйиш керак. Қуйи партия бўғинларида бошланган ҳисоботлар ва сайловлар бунга ёрдам бериши лозим. Биринчидан, улар ана шу бўғинлар структурасини такомиллаштиришга кўмаклашишлари керак. Масалан, Тошкентда 13 мингдан зиёд ишлаб чиқариш бригадаларининг ярмидан кўпроғи партиявий таъсирдан четда қолган. Уларнинг ҳар бирида партия группалари, партия ташкилотчилари бўлиши зарур. Иккинчидан, ҳисоботлар ва сайловлар даври — КПСС МК 1986 йил июнь Пленуми қўйган вазифалар нуқтаи назаридан ишни анализ қилиш учун энг қулай пайтдир. Ҳамма партия ташкилотлари, ҳар бир коммунист ўрток М. С. Горбачев Узоқ Шарқ бўйлаб қилган сафари вақтида баён қилган талабларни ҳисобга олишлари керак. Экономика, бошқарувда, ишларни ташкил қилишда, янгича ёндашишларни барқарор этиш учун, идеология ишининг самарадорлигини ошириш учун ҳар бир меҳнат коллективи нималар қилиши мумкинлигини пухта ўйлаб кўрмоқ лозим. Расмиятчилик ва андозабозликдан воз кечиш, жадаллаштиришнинг асосий кучига — инсонга тўғридан-тўғри таяниш, унинг ишларни қайта қуриб олишига кўмаклашиш, партия XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун бутун куч билан киришиш — ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ўз олдига қўйиши лозим бўлган вазифа ана шудир. Бунда, албатта, коммунистлар бош-қош бўлишлари лозим. Уларнинг шахсий ибрати — жуда катта куч бўлиб, агар у халқ манфаатлари йўлида иш олиб борса, катта юксакликларга чорласа, агар у ғаразгўйлик интилишларидан ва сохтакорлик билан ўзига бино қўйишдан холи бўлса, оммани ўз орқасидан эргаштириб боришга қодирдир. Проблемаларни ҳал қилиш вақтини қисқартиш — бу ҳозирги кун шиоридир, бу партиянинг стратегик йўлини амалга оширишга қаратилган қайта қуришнинг талабидир.

Ҳар бир партия комитети социал-иқтисодий ва маънавий соҳалардаги вазифаларнинг мураккаблиги муносабати билан идеология иши олдига ҳам қўйиладиган талаблар ортиб боришини назарда тутиши керак. КПСС МК 1986 йил июнь Пленумида матбуот, телевидение ва радио, барча оммавий ахборот воситалари қайта қуриш жараёнига қўшаётган улкан ҳисса ҳақида қайд қилиб ўтилди. Улар жамоат нуқтаи назаридан муҳим проблемаларни кўтармоқдалар, ошкораликнинг кенгайиб боришига, Совет давлати демократизмини амалда рўёбга чиқаришга кўмаклашмоқдалар.

Шу билан бирга ўрток М. С. Горбачев Хабаровск ўлка партия ташкилоти активининг йиғилишида сўзлаган нутқида шаҳарлар ва областларда кўпгина маҳаллий газеталар ҳеч қандай фикр айтмайдилар, деб таъкидлади. Бу эса кўп нарсадан далолат беради. КПСС МК 1986 йил июнь Пленумида, газета — партия комитетининг қиёфасидир, у унинг иш услуби ва методларини, раҳбарлик савиясини, барча долзарб масалаларга муносабатни ифодалайди, дея қайд қилинди. Партия комитети қайта қурилаётган бўлса, матбуот ҳам қайта қурилади. Кўриб турибмизки, улар ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд. Партия органлари бундан тегишли хулосалар чиқариб олишлари керак.

Қайта қуриш ишида идеология ходимлари алоҳида роль ўйнайдилар. Айнан шу идеология ходимлари биринчи навбатда партия чақириқларини ҳар бир совет кишисининг ақли ва қалбига етказишлари, пропаганда ва агитациянинг жами воситаларини ишга солиб меҳнаткашларни самарали,

юксак сифатли ишга илҳомлантиришлари лозим. Аммо улар ҳамма вақт ҳам партия талаб қилганидек иш тутаётирлармики? Шундай ҳоллар ҳам тез-тез учраб турадики, шаҳар, район комитетларидан келган докладчилар ўзлари чиқиб сўзлашлари лозим бўладиган меҳнат коллективларининг ҳаёти билан ҳатто танишиб чиқишга ҳам интилмайдилар. Республикамизда атеистик пропаганда айниқса бошланғич партия ташкилоти даражасида етарлича ишонарли тарзда ташкил этилмаган. Ваҳоланки, бошланғич партия ташкилотлари ва район партия комитетларининг ходимлари ўтмиш сарқитларига қарши курашда намуна бўлишлари, ёшини яшаб бўлган, қотиб қолган, жамиятимизнинг олға томон жадал ривожланишига халал берадиган ҳамма нарсаларга қарши ҳужумнинг олдинги сафларида бўлишлари керак. Ягона сиёсий кунларни ўтказишни такомиллаштириш ҳам муҳим вазифадир.

Хуллас, ҳар бир коммунист КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш борасидаги умумпартиявий ишда ўз ўрнини топиб олиши лозим.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ЎСТИРИШ РЕЗЕРВЛАРИ

А. МУТАЛОВ,
иқтисод фанлари кандидати

ЎН ИККИНЧИ беш йиллик жамиятимизнинг социализмни такомиллаштириш йўлидан олға боришида сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб бермоқда. М. С. Горбачев КПСС МКнинг 1986 йил июнь Пленумидаги докладида таъкидлаганидек, «социал-иқтисодий тараққиёт суръатлари, халқ фаровонлигининг даражаси шу йилларда биз халқ хўжалигида туб ўзгартишларни амалга ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун қандай пойдевор яратишимизга боғлиқ бўлади».

КПСС ва Совет ҳукумати В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб ҳамда социализмнинг иқтисодий қонунларига таяниб, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг бош омили — меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини жадаллаштириш масалаларига биринчи даражали аҳамият бериб келмоқда. КПСС XXVII съезди томонидан тасдиқланган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари бунинг ёрқин далилидир. Асосий йўналишларда ишлаб чиқариш ривожланишнинг асосан интенсив йўлига ўтказилиши, ижтимоий меҳнат унумдорлигини тубдан оширишга эришиш ва шу асосда иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллаштирилиши зарурлиги таъкидланади.

Меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришни интенсивлаш масалалари нафақат уларни амалга ошириш шарт-шароитларига кўра, шу билан бирга социал-иқтисодий натижаларига кўра ҳам узвий равишда ўзаро боғлиқдир. Меҳнат унумдорлигининг даражаси ва унинг ўсиш суръатлари қанчалик юксак бўлса, экономика ҳам шу даражада интенсив равишда ривожланиб, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги даражаси ҳам шунчалик юксак бўлади. Ўзбекистон ССРда қатор чора-тадбирлар (қонун чиқаришга оид, интизомий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа) кўрилганига қарамай, ўн биринчи беш йилликда ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари пасайиб кетди. Агар ўнинчи беш йилликда республикада меҳнат унумдорлиги 14 процент ошган бўлса, ўн биринчи беш йилликда у бор-йўғи 0,9 процент ошди. Ўзбекистон саноатида ўн биринчи беш йилликда юқорида кўрсатилган муҳим умумлаштирувчи кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари планда кўзда тутилган 4,25 процент ўрнига атиги 1,3 процентни ташкил этди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ҳам меҳнат унумдорлигининг улуши камайиб борди: тўққизинчи беш йилликда саноат маҳсулоти кўпайишининг 75 процентга яқини, ўнинчи беш йилликда — 55, ўн биринчи беш йилликда эса — атиги 29 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Бундай аҳволга планлаштиришдаги камчиликлар, жумладан меҳнат унумдорлигининг ўсишини, ишлаб чиқаришнинг барча техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашни рағбатлантирмайдиган нотиғиз планларнинг қабул қилиниши, шунингдек планларни қисқартириш томонига ўзгартириш кабилар сабаб бўлди. Масалан, Жиззах аккумулятор заводида 1984 йилда план беш марта қисқартирилиб, йил охирига келиб у биринчи марта қабул қилинган вариантнинг атиги ярмини ташкил этди. Бироқ, бу топшириқ ҳам бор-йўғи 25 процент бажарилди. Натижада халқ хўжалигига 7 минг аккумулятор батареяси кам етказиб берилди. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида қайд қилинганидек, ўтган беш йилликда республика саноатининг ўзидагина қисқартиришлар миқдори икки миллиард сўмдан зиёдни ташкил этди.

Бунинг устига корхоналарнинг кўпчилигида илгари планлаштирилган кўрсаткичларнинг пасайиши билан бир пайтда саноат ходимлари сонининг кўпайиши юз бердики, бу меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносибликнинг, бинобарин социализмнинг иқтисодий қонунларидан бири — меҳнат унумдорлигининг иш ҳақига нисбатан илдам ўсиши қонунининг бузилишига олиб келди. 1985 йилнинг ўзида меҳнат унумдорлигининг даражаси 1984 йилдагига нисбатан камайиб кетган корхоналар сони жами корхоналарнинг 26,9 процентини ташкил этди, саноатда ишлайдиганлар сони эса бир йилда 2,5 процент кўпайиб, лимитдан 0,5 процент ошиб кетди. Буларнинг ҳаммаси планлаштириш практикасини принципиал жиҳатдан яхшилаш талаб қилинишидан, бизда меҳнат самарадорлигини бошқариш масалаларининг ягона директив орган томонидан доимий равишда назорат қилинмаслигидан далолат беради. Афтидан, республика Госплани Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети билан биргаликда пухта текширувдан сўнг саноат тармоқлари учун, тармоқ министрликлари эса — бирлашмалар ва корхоналар учун меҳнат унумдорлиги бўйича планлаштирилаётган йил учун директив кўрсаткичларни тасдиқлашлари ва йил давомида планлаштирилган кўрсаткичлар бажарилишининг боришини назорат қилиб, ўзгартишларга йўл қўймасликлари лозим бўлади.

Шунингдек, корхоналар, тармоқлар ва бутун саноат фаолиятининг практикасига айрим омилларнинг меҳнат унумдорлигини ўстиришга таъсир қилишини ҳисобга олиш юзасидан статистик ҳисобот бериш тартиби жорий этилиши планларнинг асосланганлигини оширишга ёрдам берган бўлур эди. Бу меҳнат унумдорлигини ўстириш планларининг бажарилишини омиллар бўйича анализ қилишга, ҳар бир омилни миқдорий баҳолаш ва уни планлаштириш юзасидан тавсиялар беришга имкон берарди.

Маълумки, фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлигини оширишнинг етакчи омили ҳисобланади. У мавжуд машиналар, механизмлар, технологияларни такомиллаштиришни ва уларнинг янгиларини яратишни, ишлаб чиқаришни актив равишда автоматлаштиришни таъминлайдики, бу компьютерлар ва саноат роботларини тобора кенг қўлланишга имконият яратади. Бугунги кунда нафақат меҳнат унумдорлигини революцион суръатларда оширишга ёрдам берадиган янги техника ва технологияни планли равишда ишлаб чиқиш ғоят зарур, шу билан бирга албатта тайёргарлик ишлари комплексини амалга оширган ҳолда ишлаб чиқаришни ана шу янги техника ва технология асосида жадал қайта қуроллантириш керак.

Ўзбекистон ССРда саноат ишлаб чиқаришига фан ва техника ютуқларини жорий этиш юзасидан бирмунча ишлар қилинмоқда. Ўн биринчи беш йилликда ҳар йили янги техника бўйича ўртача 10,7 минг тадбир амалга оширилиб, 3 мингга яқин ускуна модернизациялаштирилди, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришга доир ишлар бажарилди, бундай тадбир ва чораларнинг қўлланилиши ҳар йили шартли равишда 6 мингга яқин кишини бўшатиб олишга имкон берди.

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасини мисолга олиш мумкин. Бу ерда янги техникани, прогрессив технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришга доир ҳамма тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб борилади. Бирлашмада кўп сонли махсус агрегат станок-автоматлари ва ярим автоматлари, гальваник равишда қоплаш ва иссиқлик ёрдамида ишлов бериш автоматик линиялари, деталларга ишлов бериш, йиғиш ва пайвандлаш бўйича поток-механизациялашган линиялар, саноат роботлари, принципиал жиҳатдан янги технологик ускуналар ўрнатилган бўлиб, ишлаб турган ускуналарнинг катта қисми модернизация қилинган, ҳамма асосий участкаларда кўтарма-транспорт қурилмалари монтаж қилинган. Бирлашма мамлакатдаги кўплаб илмий муассасалар билан мустаҳкам ижодий алоқалар ўрнатган бўлиб, бу асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларни механизациялашни ҳамда меҳнат унумдорлигини кескин оширишга ёрдам берди.

Шунингдек, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Малика» трикотаж бирлашмасида ва бошқа қатор бирлашма ва корхоналарда ҳам ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш юзасидан собитқадамлик билан самарали иш олиб борилмоқда.

Лекин бутун Ўзбекистон бўйича ўн биринчи беш йилликда фан ва техникани ривожлантириш бўйича белгиланган марраларга эришилгани йўқ. Бунинг устига асосан меҳнат унумдорлигини ўстиришга бевосита таъсир ўтказадиган тадбирлар бажарилмай қолаверди.

Республика индустриясининг ускуналар парки янгилашга муҳтож. Жумладан, унда замонавий талабларга жавоб бермайдиган токарлик, фрезер ва бошқа станокларнинг салмоғи ҳали ҳам каттадир. Лекин масаланинг яна бошқа бир томони ҳам бор. Саноат корхоналарида бир қанча рақамли программавий бошқариладиган станоклар ўрнатилган бўлиб, уларнинг унумдорлиги оддий металл кесиш станокларига нисбатан 6—8 баравар (қиймати эса 10—12 баравар) юқоридир. Бироқ олдиндан тегишли мутахассислар-программистлар, операторлар, созловчилар, ремонтчилар ва бошқаларни тайёрлаш тўғрисида ғамхўрлик қилинмаганлиги, рақамли программавий бошқариладиган станоклар участкасининг корхона бошқа бўлинмаларининг иши билан боғлиқлиги ҳисобга олинмаганлиги, зарур асбоблар ва заготовкаларни етказиб бериш йўлга қўйилмаганлиги сабабли бундай станоклардан кўпинча оддий металл кесиш станоклари сифатида фойдаланилади. Юзага келган аҳволни баҳолаш ва уни тўғрилаш учун рақамли программавий бошқариладиган станокларни қўллаш проблемалари юзасидан илмий тадқиқотлар ўтказиш, бундай станокларда ишлайдиган тегишли кадрларни ва бошқарув программаларини тайёрлашни ташкил этиш, корхоналарнинг мазкур станоклар ўрнатилган участкалар билан боғлиқ бўлган бўлинмалари фаолиятини қайта қуриш зарур. Республикада бундай станокларга техника хизмати кўрсатиш бўйича ягона марказнинг барпо этилганлиги ҳам, шубҳасиз, бу борадаги ишларни яхшилашга хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ҳам ҳали анча паст. Ўзбекистон ССР саноатида бу қувватлардан фойдаланиш даражасининг асосий кўрсаткичи — ишнинг сменалилиги коэффициенти ғоят паст бўлиб, у йил сайин тобора пасайиб бормоқда: бу кўрсаткич 1981 йилда 1,38 бўлган бўлса, 1985 йилда 1,34 ни ташкил этди.

Ўзбекистонда тадқиқотчилар томонидан текшириш ўтказилган куни 39 мингта металл кесиш ускунасидан 4 мингдан кўпроғи ишламай турган эди, бунда — Жиззах областида жами станокларнинг ярмидан кўпроғи, Бухоро областида — 34 проценти, Хоразм областида — 28 проценти, Тошкент областида — 15 проценти ишламаётган эди. Механизациялашган поток линияларининг атиги 50 процентга яқини ва автомат линияларнинг 40 процентигина лойиҳада кўрсатилган тўла қувватда ишлаб, рақамли

программавий бошқариладиган станокларнинг ярмидан камроғидан фойдаланилаётган эди.

Ўзбекистон ССР маҳаллий, енгил саноат министрликлари, «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналаридаги ускуналарнинг кўпчилиги иш билан тўла банд қилинмаган. Масалан, Фарғона тўқимачилик комбинатиниг бош корхонасида ип йигириш ва газлама тўқишда бундай ускуналардан бор-йўғи 68 процент, филиалларда эса — атиги 35 процент, Андижон ип-газлама комбинатида — 66 процент фойдаланилади. Наманган химия заводида карбоксиметил-целлюлоза ишлаб чиқариш қувватларининг 30 проценти, Навоий электрохимкомбинатида акрекс ишлаб чиқариш қувватларининг — 41,7 проценти иш билан банд қилинган.

Бундан ташқари, республика корхоналарида янгидан ишга туширилаётган қувватлар секинлик билан ўзлаштирилиб, бир неча миллион сўмлик ускуналар ўрнатилмасдан турибди. Моддий бойликларнинг ҳаракатсиз тургани учун, корхоналар ишлата олмайдиган янги техника харид қилинаётгани учун раҳбарлар етарлича масъулият сезмаётганликлари шундоққина кўриниб турибди.

Иш ўринларининг аттестацияси ва рационаллаштирилиши, яъни иш ўринларининг техника билан жиҳозланиши, планлаштирилиши ва уларга хизмат кўрсатилишининг, шунингдек меҳнат шарт-шароитлари, унинг методлари ва нормаларининг, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш формалари, улар малакаларининг меҳнатни илмий асосда ташкил этиш талабларига қанчалик мувофиқ келишини текшириш — ускуналардан фойдаланишни яхшилашнинг муҳим йўлидир. Бундай текшириш ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг навбатдаги босқичини якунлаб, уни янада ривожлантиришга доир чора-тадбирларни белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Шунинг учун бундай текширишга нафақат ҳар бир иш ўрнининг, шу билан бирга участка, цех, бутун корхонанинг аҳволи ҳамда истиқболини аниқлашга илмий асосланган тарзда ёндашувни амалга оширишга ёрдам берадиган муҳим, доимий амал қиладиган восита сифатида қараш лозим бўлади.

Фан-техника тараққиёти, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, меҳнат унумдорлигини оширишнинг моддий асоси ҳисобланади. Бу тараққиёт яратиб бераётган шарт-шароитлар эса инсон томонидан рўёбга чиқарилади. Партия бугунги кунда инсон омилини активлаштириш вазифасини илгари сураётганлиги, ҳар бир кишининг ўз ўрнида виждонан ва тўла унум билан ишлашига эришишга ҳаракат қилаётганлиги бежиз эмас. Иш вақтидан фойдаланиш, бинобарин, меҳнат унумдорлиги ҳам кўп жиҳатдан кишиларнинг меҳнатдаги активлиги даражасига, уларнинг малакаларига, манфаатдорлигига, онглилигига, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ўзаро муносабатлари системасига боғлиқдир. Бироқ республика саноатида иш вақти кўплаб беҳуда сарфланмоқда. Прогуллар, маъмурият рухсати билан ишдан қолишлар, ишга кечикиб келиш ва ишдан барвақт кетиб қолишлар, ишчининг айбига кўра бекор туришлар, яъни меҳнат интизомини турлича бузишлар бунга сабаб бўляпти.

Иш вақтининг «баҳоси» йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳозир бизнинг республикамизда иш вақтининг ҳар бир минутида 45,8 минг сўмлик саноат махсулоти ишлаб чиқарилади. Шунга қарамасдан Ўзбекистон саноатида иш вақтининг беҳуда сарфланиши ғоят секинлик билан камаймоқда. Кўпгина саноат корхоналарида иш вақтининг беҳуда сарфланишини ҳисобга олиш яхши йўлга қўйилмаган, ходимнинг айбига кўра қисқа вақт бекор туриб қолишлар одатда қайд қилинмайди, холбуки бу жуда талай вақтни ташкил этади.

Кўплаб иш вақтининг беҳуда сарфланиши меҳнат шароитларининг ноқулайлиги, меҳнатни ташкил этишнинг пухта ўйланмаслиги, иш ўринларига ёрдамчи ва ремонт хизматлари томонидан хизмат кўрсатиш сифатининг пастлиги сабабли рўй бермоқда. Қатор корхоналарда ёрдамчи

ва ремонт хизматлари техникавий жиҳатдан суст ривожланганлиги ва мукаммал ташкил этилмаганлиги туфайли иш ўринлари смена бошланиши олдидан зарур материаллар, заготовкалар, асбоблар, мосламалар билан таъминланмаган бўлади, бундай аҳволнинг меҳнат унумдорлигини пасайтириши турган гап.

Иш вақти беҳуда сарфланишининг реал миқдорини билмай туриб, унинг пайдо бўлиш манбалари тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлмасдан бундай аҳволга қарши чинакам кураш олиб бориш мумкин эмас. Кўпчилик корхоналарда мавжуд бўлган ишланган вақтни ҳисобга олиш системаси бундай маълумотлар билан таъминлай олмайди, чунки табелчилар асосан цехлар штатида бўлганлиги сабабли улар иш вақтининг беҳуда сарфланиши бўйича аниқ маълумотларни объектив тарзда кўрсатишдан манфаатдор эмаслар.

Назаримизда Ульяновскдаги «Контактор» паст вольтли аппаратуралар заводининг тажрибасини оммалаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу заводда табелчиларни ўзига бирлаштирган марказлаштирилган табель бюроси (МТБ) ташкил этилган бўлиб, табелчилар цехлар ва бўлимларга бўйсунмайдиган бўлган ҳамда уларнинг ҳар қайсиси бир ёки бир нечта бўлинмага биркитиб қўйилган. Бюро меҳнат ва иш ҳақи бўлими составига киритилган, у кадрлар бўлими ва корхонанинг муҳофаза хизмати билан яқин алоқада иш олиб боради.

Заводга кириладиган жойда ҳар бир ходим учун, табель номери кўрсатилган пропуска қўйиладиган катак ажратилган бўлиб, ходим ишдан қайтаётганида пропускасини шу ерга қўйиб кетади. Мабодо ходим ишга келмаса, ишга кечикиб келса ёки тегишли рухсатномасиз ишдан барвақт кетадиган бўлса, унда ана шу катакка оқ жетон қўйиб қўйилади. Бундай ҳолларда МТБга изоҳ бериш талаб қилинади. Ишланмаган вақт табель ҳисоботидан чиқариб ташланади ва, табиийки, бу вақт учун ҳақ тўланмайди.

Бу ерда маъмурият рухсати билан ишдан кетиш тартиби ҳам ўзгартирилган. Агар илгари бу масала мастер, катта мастер ёки цех бошлиғи томонидан ҳал қилиниб келган бўлса, эндиликда уни фақат завод директори ҳал қилади. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида «Контактор» заводида биргина 1983 йилнинг ўзида прогуллар сони 21 процент камайди.

Илғор, техникавий жиҳатдан асосланган ишлаб чиқариш нормаларининг жорий этилиши меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг яна бир муҳим резервидир. Республикамизда меҳнатни нормалашни такомиллаштириш планли асосда олиб борилмоқда. Натижада меҳнати нормалаштирилган ходимлар салмоғи 1984 йилги 85,5 процентдан 1985 йилда 86,2 процентгача, шу жумладан ишчилар салмоғи — 89,2 процентдан 89,8 процентгача ошди. Нормаларнинг сифат состави яхшиланди. Жорий этилган ташкилий-техникавий тадбирлар асосида бундай нормалар қайта кўриб чиқилиб, 3 миллион 808,9 мингга оширилди, шу жумладан 45,3 процент ўзгартиришлар ишчилар ташаббусига кўра бўлди. Буларнинг ҳаммаси 1985 йилда республика саноатида меҳнат унумдорлиги даражасини 0,7 процент оширишни таъминлади.

Айни бир пайтда Ўзбекистонда ишчиларнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғига нисбатан техникавий жиҳатдан асосланган нормалар белгиланди. Айрим тармоқларда байлашиб ишловчи ишчилар салмоғи ҳали ҳам кўпчиликни ташкил этиб, уларнинг меҳнати тажриба-статистик нормаларга кўра нормалаштирилади. Агар бутун республика саноати бўйича бу кўрсаткич 15,8 процентга тенг бўлса, унда бундай нормалаштириш кўрсаткичи Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги системасида — 23,2 процентни, Қурилиш материаллари саноати министрлиги системасида — 29,3 процентни, бошқа баъзи бир тармоқларда эса ундан ҳам кўпроқни ташкил этади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, корхоналарда техникавий жиҳатдан

асосланган деб ҳисобга олинадиган кўпгина нормалар аслида бундай эмас. Республикада ўртача олганда нормалар бажарилиши даражасининг юқори — 124,2 процент эканлиги нормалар сифатининг пастлигидан далолат беради.

Яна бир ҳол жиддий ташвиш туғдиради, у ҳам бўлса ишлаб чиқариш нормаларини бажармайдиган ишчилар сонининг ошиб бораётганлигидир. Агар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки уч йилида бундай ишчилар ҳиссаси 8 процентни ташкил этган бўлса, у 1984 йилда — 9,4 процентга, 1985 йилда эса — 9,8 процентга етди. Бу кўрсаткич айниқса Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналарида юқори бўлиб — 16 процентга, Узглавхлопкопром корхоналарида — 16,3 процентга, СССР Кўмир саноати министрлигига қарашли корхоналарда — 30,1 процентга тенгдир.

Ёрдамчи ишларда меҳнатни нормалаштиришни яхшилаш ҳисобига меҳнат унумдорлигини кескин ўстиришга эришиш мумкин.

Афсуски, Ўзбекистонда нормалаштиришни такомиллаштириш ҳозирча кутилганидек натижалар бермаяпти. Чунончи, ўн биринчи беш йилликда мамлакат бўйича ўртача олганда нормаларни қайта кўриб чиқиш ҳисобига шартли равишда холи қилинган ишчилар салмоғи 2,3—2,5 процент ошган бўлса, республикамизда бор-йўғи 1,2—1,3 процент ошди, холос.

Бундай орқада қолишнинг асосий сабаби — нормаларни қайта кўриб чиқиш планларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш даражасининг пастлигидир. Республикадаги кўпгина корхоналарда меҳнат сарфи нормаларини такомиллаштиришнинг асосий принциплари бузилиб, эски нормаларни янги, янада илғор нормалар билан алмаштириш ўз вақтида бажарилмасдан, бу тадбир кўпинча амалдаги ташкилий-технологик шарт-шароитлардан ажратилган ҳолда амалга оширилади. Сир эмаски, вақтбай ҳақ тўланадиган ишчиларнинг нормалари ҳатто бундай ишчилар кўпчиликни ташкил этадиган жойларда ҳам қайта кўриб чиқилмаётир.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг коллектив (бригада) формалари ҳам — меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан. Бундай формалар жорий этилганида ҳар бир ходим ва бутун коллектив манфаатлари ўзаро бирлашиб, пировард натижалар учун масъулият ҳисси мустаҳкамланади, техникадан яхшироқ фойдаланилиб, иш вақтининг беҳуда сарфланиши камаяди, кўп станокда ишлаш ва турдош касбларни эгаллаш, малакани тезроқ ошириш, социалистик мусобақани ривожлантириш учун шароит яратилади, чунки бригадада ҳамма киши — топшириқни муваффақиятли уддалаётганлар ҳам, орқада қолаётганлар ҳам яхши маълум бўлиб туради.

1985 йилда Ўзбекистон саноатида 30236 бригада бўлиб, бу 1984 йилдагига қараганда 3,4 процент кўп эди. Уларда жами ишчилар сонининг 71 процентга яқини ёки 1984 йилдагига нисбатан 7,6 процент кўпроқ киши бирлашган эди. Ягона наряд асосида ишлаётган бригадалар салмоғи 7,2 процентга етди, бу 1984 йилдаги худди шундай кўрсаткичга қараганда 17,8 процент кўпдир. Меҳнатнинг пировард натижаларига қараб иш ҳақи тўланадиган бригадалар 1985 йилда 16435 та бўлиб, улардаги ишчилар сони — 246 мингдан кўпроқ кишини ташкил этди.

Иш ҳақи меҳнатдаги иштироки коэффициенти ёрдамида тақсимланадиган бригадалар тобора оммалашиб бормоқда. Уларнинг сони 1985 йилда 16361 та ёки жами бригадаларнинг 54,1 процентидан иборат эди (1984 йилда эса — 14718 та ёки 50,3 процентдан иборат эди). Комплекс бригадалар сони ҳам анча кўпайди, бундай бригадаларда барча турдаги меҳнат ва моддий харажатлар камайиб, сменалар топширилиши ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан амалга оширилади, турдош касбларни эгаллаш, иш сифатини ошириш учун шарт-шароитлар яратилади. Масалан, Шаҳрихон пиллакашлик фабрикасида 25 та ана шу типдаги бригада амал қилиб, улар

540 кишини ёки жами ишловчилар сонининг 65,5 процентини бирлаштирган. Бу бригадаларда меҳнат унумдорлиги бошқа бригадалардагига нисбатан 7—10 процент, иш ҳақи — 3—4 процент юқоридир.

Йирик комплекс бригадаларга раҳбарлик қилиш кўпинча мастерларга ва бошқа инженер-техник ходимларга юклаб қўйилади. Республика бўйича бригадалар составига кирувчи ана шу тоифадаги ходимлар сони 1985 йилда 2418 кишини ташкил этиб, улар бошқарадиган бригадалар салмоғи жами бригадалар сонининг 6 процентидан иборат эди.

Хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган бригадалар ҳиссаси 1985 йилда 1984 йилдагига нисбатан 5,8 процент, улардаги ишчилар сони эса — 8,2 процент кўпайди.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 1985 йилда Ўзбекистон саноатида 2181 киши шартли равишда холи қилинди, бу 3,7 миллион сўмдан зиёд миқдорда иқтисодий самара олиш ҳамда меҳнат унумдорлиги даражасини 0,3 процент оширишга имконият яратди.

Шу билан бирга баъзи жойларда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасига жалб этилган ишчилар салмоғи камайиб боряпти. Масалан, республика Госагропромига қарашли озиқ-овқат саноати корхоналарида ана шу ишчилар салмоғи 1984 йилдагига қараганда 1,7 процент, гўшт-сут саноати корхоналарида эса — 0,8 процент камайди.

Бир қатор корхоналарда, айниқса енгил, маҳаллий саноат министрликларига қарашли корхоналарда иш ҳақи индивидуал ишбай баҳоларига асосланиб тўланадиган бригадалар ҳиссаси ҳали ҳам юқоридир. Шу билан бир вақтда айрим тармоқларда хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган бригадалар салмоғи кам. Маҳаллий саноат, мебель ва ёғочсозлик саноати ҳамда бошқа қатор министрликларнинг корхоналарида эса биронта ҳам шундай бригада ташкил этилмаган. Бунинг устига бу корхоналарда бригадалар ишини планлаштиришга оид тармоқ тавсияномалари билан таъминлашдан, бундай бригадаларнинг ҳар бирига миқдорий жиҳатдан участка, цех планини ташкил этувчи план топшириқларини етказишдан, бригадалар бўйича кўрсаткичларнинг оператив ҳамда бухгалтерлик ҳисоботини йўлга қўйишдан иборат зарур тайёргарлик ишлари ҳам олиб борилмаяпти.

Хуллас, ҳозирча меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаси ҳамма жойда ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг таъсирчан воситасига айланганича йўқ. Назаримизда, қуйидаги чора-тадбирлар бу аҳволни яхшилашга хизмат қилиши мумкин:

саноат министрликлари томонидан тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ёрдамида комплекс ҳамда универсал бригадалар, шунингдек хўжалик ҳисоби асосидаги бригадалар ва иш ҳақи ишнинг пировард натижалари учун ягона наряд асосида тўланадиган бригадалар салмоғини кўпайтиришни назарда тутадиган меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формаларини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир комплекс программаларни ишлаб чиқиш, ёрдамчи цехлар ишчиларини бригада формаси билан янада кенгроқ камраб олиш, ишчининг маошини белгилашда меҳнатдаги иштироки коэффициентини кенгроқ қўллаш ва унинг ролини ошириш, кам сонли бригадаларни йириклаштириш, мақсадга мувофиқ бўлган жойларда мастерлар ва бошқа инженер-техник ходимларни йириклаштирилган бригадалар составига киритиб, уларга ҳақ тўлаш ҳамда мукофот беришни бригадалар фаолияти пировард натижаларига тўғридан-тўғри боғлиқ қилиб қўйиш;

ишлаб чиқаришни асосий ҳамда ёрдамчи участкалар ишини бир бутун қилиб ўзаро боғлайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тасдиқланган графиги асосида ташкил этиш;

корхоналардаги меҳнатни бригада формаси асосида ташкил этиш бўйича марказий комиссиялар томонидан янги техника ва илғор технология билан жиҳозланган янгидан ишга тушириладиган ишлаб чиқаришларни уларни меҳнатни ташкил этишнинг илғор намунасига айлантириш мақсадида контрол қилиб бориш;

бригадаларни ҳамда бригадаларни лойиҳалаштиришнинг методик масалалари билан шуғулланадиган ходимларни ҳар йили аттестация қилиб туриш;

меҳнатни бригада усули асосида ташкил этишни идеологик жиҳатдан таъминлаш юзасидан бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинар-кенгашларини системали равишда ўтказиб туриш, бу масалага доир методик қўлланмалар тайёрлаш ва нашр этиш.

Ўзбекистонда саноат маҳсулотининг кўпайишида меҳнат унумдорлиги улушининг ғоят паст эканлиги (ўн биринчи беш йилликда планда кўзда тутилган 80—85 процент ўрнига ўртача 29 процентга яқин) — кўпгина корхоналарда қўл меҳнати билан банд ишчилар сонининг деярли камаймаётганлиги, механизмлар учун эҳтиёт қисмлар, ускуналар, мосламалар, асбоблар, поковкалар ва бошқа ялпи қўлланиладиган буюмларнинг етишмаслиги сабабли ускуналарнинг тез-тез бекор туриб қолишининг натижасидир. Янгидан ишга туширилаётган корхоналарда қувватлар секинлик билан ўзлаштирилиши натижасида бундай корхоналар ходимларнинг лойиҳада кўзда тутилган миқдорига эга бўла туриб, қатор йиллар давомида лойиҳада кўзда тутилган ҳажмдаги маҳсулотни етказиб бера олишмайди. Баъзи корхоналар эса маҳсулот ишлаб чиқариш планини қўшимча равишда ишчиларни жалб этиш ҳисобига бажарадилар.

Санаб ўтилган проблемаларнинг ҳал этилиши — меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш учун катта резервдир. Бу резервдан тезроқ ва яхшироқ фойдаланиш учун, бизнинг назаримизда, қуйидагиларни қилиш зарур:

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини жадаллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга ихтисослашган республика илмий-методик марказини барпо қилиш;

барча министрликлар ва идораларга конкрет корхоналар томонидан меҳнат унумдорлигини ошириш планларининг бажарилмаётганлиги сабабларини чуқур ўрганиб, меҳнат унумдорлигини кескин ўстиришни таъминлайдиган тадбирлар комплексини ишлаб чиқишни топшириш;

республика халқ хўжалиги тармоқларида қўл меҳнатини камайтиришнинг комплекс программасини ишлаб чиқиш;

лимитдагидан ортиқча миқдордаги ходимларни сақлаб турганлиги учун корхона раҳбарларининг маъмурий ва моддий жавобгарлигини ошириш;

ишлаб чиқариш технологиясини узлуксиз равишда такомиллаштириш, саноат тармоқларида технологик жиҳатдан бурилиш ясашни таъминлайдиган ютуқлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни янги маҳсулот тайёрлашга томон тез ва самарали қайта қуришга имкон берадиган мослашувчан технологияни жорий этиш.

Бу тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон саноатида 1986—1990 йилларга мўлжалланган планда белгиланган меҳнат унумдорлигини 18 процент оширишга, бинобарин, КПСС XXVII съезди қарорлари асосида республика олдида турган масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажаришга ёрдам беради. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига қарата «Совет халқининг илҳомбахш ижодий меҳнати — ўн иккинчи беш йилликка!» шиори остида чиқарган Мурожаатномасида таъкидланганидек, меҳнат унумдорлигини ошириш — бош масала бўлиб, ҳозир бу — янгича ишлашнинг энг муҳим йўналишидир.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА ҚОНУНЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

И. ФОЗИЛХЎЖАЕВА,
юридик фанлар кандидати

КПССнинг янги таҳрирдаги программасида, фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш партия иқтисодий стратегиясининг бош масаласидир, деб таъкидланган. Бу — социалистик жамиятни ҳар томонлама такомиллаштириш, унинг имкониятлари ва афзалликларидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланишнинг шартидир.

Мамлакатимиз илмий-техникавий потенциали кўпгина социал тартиботлар, шу жумладан қонунчилик системасининг нормалари, функциялари ва йўналишларида ўз аксини топган.

Социалистик жамиятни такомиллаштиришнинг илмий асосларини мустаҳкамлаш (бу унинг ишлаб чиқариш томонига тааллуқлими ёки социал томонигами — барибир) совет қонунчилик системасининг ўзига хос бўлган тенденциясидир. Тарих шундан гувоҳлик беради. Масалан, мамлакатнинг биринчи конституцияларидаёқ (1918, 1924, 1936 йиллар) фаннинг жамият ҳаётидаги роли замон талаблари даражасида акс эттирилганди. Ўшанда биринчи галда социал-сиёсий ва иқтисодий қайта қуришларни мустаҳкамлаш зарур эди. Бироқ РСФСРнинг 1918 йилги Конституциясидаёқ социалистик экономикага чуқур илмий ёндашишни оқилона хўжалик практикаси билан уйғунлаштириб олиб бориш ленинча принципи акс этган эди. (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45-том, 392, 396-бетларга қаралсин). Бундан ташқари, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида марксизм-ленинизмнинг социалистик қурилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш зарурияти ҳақидаги концептуал қоидаси йирик илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш программаларини мустаҳкамлаш, илмий муассасаларни ташкил этиш ва ривожлантириш, алоҳида илмий тадқиқотларни моддий, ташкилий жиҳатдан кадрлар билан қўллаб-қувватлаш, конкрет олимларга ёрдам бериш ва ҳоказоларда ўз ифодасини топганди.

Социализм табиатига хос бўлган бу тенденция ҳозирги босқичда тўла-тўкис намоён бўлмоқда. Бу энг аввало 1977 йилда қабул қилинган СССР Конституциясида қонун йўли билан мустаҳкамланган. Масалан, 26-моддада айтилишича, давлат жамият эҳтиёжларига мувофиқ фаннинг планли равишда тараққиётини ва кадрлар тайёрлашни таъминлаб беради, илмий тадқиқотлар натижаларини халқ хўжалиги ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида жорий этилишини ташкил қилади. Бундай тенденция давлат ва унинг органларининг фан-техника тараққиёти соҳасидаги компетенциясини, кишиларнинг илмий-техникавий ижодиёт ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқла-

рини белгиловчи бошқа конституцион қоидаларда кўзга аниқ ташланади (15, 21, 47, 73, 131-моддаларга қаралсин).

Социалистик давлат қонунчилик чора-тадбирлари ёрдамида хўжаликни, социал-маданий қурилишни, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини қандай бошқараётган бўлса, фан-техника тараққиётини ҳам (гарчанд бу соҳанинг ўзига хос хусусиятлари бўлса-да) худди шундай бошқаради. Фанни бошқариш, унинг ривожланишини планлаштириш, фанни молиявий, моддий-техникавий жиҳатдан, кадрлар билан таъминлаш, фан-техника ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий этилишини рағбатлантириш, ихтирочилик ва рационализаторлик сингари элементларни ўзида мужассамлаштирган фан-техника тараққиёти қонунчиликка доимо таъсир кўрсатиб туради. Қонунчилик фан-техника тараққиётига нисбатан икки асосий функцияни бажаради. Улардан бири юридик адабиётда «ундовчи» деб аталади. У совет қонунчилигининг фан-техника тараққиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий йўналишини белгилайди ва норматив-ҳуқуқий воситалар ёрдамида унинг ютуқлари совет жамияти ҳаётининг турли соҳаларига жорий этилишига кўмаклашади. Ушбу функциянинг амалга оширилиши СССР Конституциясига таянадиган тармоқ қонунчилиги билан тартибга солиб турилади.

Бу вазифа ҳаётда қандай амалга оширилаётганлигининг мисоли тариқасида социалистик жамият структурасида юз бераётган ўзгаришларни кўрсатиш мумкин. Масалан, зиёлиларнинг, шу жумладан илмий интеллигенциянинг анча ўсиши жамиятдаги фан-техника тараққиётининг оқибатларидан биридир. Фақат республикамизнинг ўзидагина 1985 йили илмий ходимлар сони 37 минг кишидан зиёд эди. Бу 1965 йилдагига қараганда 2 баравар кўпдир. Ушбу ўзгариш 1977 йилда қабул қилинган СССР Конституцияси ва иттифоқдош республикалар конституцияларида социалистик умумхалқ давлати ва унинг социал структурасини характерловчи моддаларда ҳам, фан-техника тараққиёти билан боғлиқ бу ва бошқа социал группалар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қоидаларда ҳам ҳуқуқий йўл билан мустаҳкамланган. Худди шу нарсалар тармоқ қонунчилигида ҳам акс этган.

Шуни қайд этиш керакки, бу соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари ҳокимиятнинг олий органлари ва бошқарув идораларининг ташаббуси натижасидагина эмас, шунингдек қуйидан қилинган «тазйиқ», гоҳо аҳоли турли гуруҳлари қарашлари, манфаатларининг кучли тўқнашуви натижасида ҳам юзага келадики, бу айниқса табиатни муҳофаза қилувчи қарорлар учун кўпроқ характерлидир. Масалан, биз ҳозирги пайтда Байкал кўли тақдири хусусида бораётган кучли мунозаралар шоҳиди бўлиб турибмиз. Турли касбдаги кишиларнинг Байкални актив ҳимоя қилиб чиқишлари ўз вақтида уни муҳофаза қилишга қаратилган бир қанча қарорларнинг қабул қилинишига сабаб бўлди.

Совет қонунчилиги амалга ошираётган иккинчи функция фан-техника тараққиётининг зарарли оқибатларини чеклаш ва фан ютуқларидан жамиятга, инсониятга қарши мақсадларда фойдаланишни ман этишга қаратилган. Шунинг учун мазкур функцияни юридик адабиётда шартли равишда «чекловчи» функция деб аталади.

Инсониятнинг илмий-техникавий потенциали нечоғли қудратли бўлса, у фақат эзгулик келтириб қолмай, одамларнинг биологик тур сифатида яшашини тўхтатиб қўювчи даҳшатли кучга ҳам айланиши ўз-ўзидан равшандир. Шунинг учун хавфли вазиятлар вужудга келиши эҳтимолини чеклашга даъват этилган маънавий-ҳуқуқий асосларнинг роли ошади. Чуқур ўйланмай амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар ҳозирги шароитда салбий оқибатларга (биринчи навбатда экологияда) олиб келиши мумкин. Бунда техникадан фойдаланиш мақсадлари ва усулларига қараб зарарли оқибатларни ёки кучайтириш, ёхуд камайтириш мумкин бўлади. Техникадан фойдаланиш мақсадлари ва усуллари кўпроқ социал-иқтисодий тузум билан боғлиқдир.

Фан-техника тараққиётининг бевосита ёки билвосита, масалан, атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатиш натижасида инсонга зарар келтириши мумкин бўлган оқибатларни чеклашга қаратилган моддалар совет қонунчилигининг турли норматив актларида тобора кўпроқ пайдо бўлмоқда. СССР Конституциясининг 18-моддасида: «СССРда ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ер ва ер ости бойликларини, сув ресурсларини, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш ва улардан илмий асосда, оқилона фойдаланиш, ҳаво ва сувни тоза сақлаш, табиий бойликларни узлуксиз кўпайтириб боришни таъминлаш ва инсоннинг атроф муҳитини яхшилаш учун зарур чоралар кўрилади» дейилган. Шу тариқа «чекловчи» функция конституцион йўл билан мустаҳкамланган. Бу функция кейинги йилларда қабул қилинган кўпгина норматив актларда ҳам ўз ифодасини топган. СССРнинг ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги Қонуни бунга мисол бўла олади.

Шундай қилиб, фан-техника тараққиёти таъсири остида инсоннинг илгари одатда автоматик тарзда амалга оширилиб келинаётган ҳуқуқларини (масалан, тоза сувга, соф ҳавога ва ҳоказо ҳуқуқлари) совет қонунчилиги ҳуқуқий йўл билан мустаҳкамлайди.

Совет қонунчилигининг фан-техника тараққиёти соҳасидаги умумий инсонпарварлик йўналишини таъкидлаб, шуни қайд этиш керакки, юқорида айтилган функцияларни бажариш жараёнида қонунчиликнинг ўзида ҳам, уни ҳаётда амалга ошириш босқичида ҳам, мансабдор шахслар ва гражданларнинг хатти-ҳаракатларида, ташкилотлар, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар фаолиятида, муайян дастлабки қонунларни ишлаб чиқиш ва қўллашда маълум ички зиддиятлар намоён бўлиб қолади.

Фан-техника тараққиётини жорий этиш босқичида ишлаб чиқаришда янги техникадан фойдаланишдан наф кўрмайдиган айрим ходимларнинг социал-иқтисодий манфаатлари билан янгиликка интилаётган кишиларнинг манфаатлари ўртасида зиддият вужудга келаётганлиги кейинги вақтларда махсус адабиётларда бир неча бор қайд этилди. Бу зиддият қонунчиликда шунда кўринадики, кўпинча, норматив актларда коллектив меҳнатини баҳолашнинг шундай кўрсаткичлари мустаҳкамлаб қўйиладики, улар янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш учун зарур моддий стимулларни яратиб бермайди, бу нарса ўша актларни амалга ошириш жараёнида аниқланади. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети кейинги пайтларда қабул қилган қатор қарорлар фан-техника ютуқларини жорий этиш муносабати билан халқ хўжалигида юз берган аҳволни ўзгартиришга даъват этилган ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирларни кўзда тутади. Масалан, «Халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги (1983 йил август) қарори ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари, КПСС Марказий Комитетининг «Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги партия комитетининг КПСС МКнинг апрель (1985 йил) Пленуми талаблари асосида техника даражасини, ишлаб чиқарилаётган махсулот сифатини оширишда коммунистлар, министрлик аппаратининг масъулиятини ошириш бўйича ишлари тўғрисида»ги қарорида (1985 йил декабрь) тегишли органлар зиммасига партиянинг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган йўлини оғишмай амалга ошириш вазифаси юклатилди. Партия XXVII съездининг халқ учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва турини кўпайтириш зарурлиги ҳақида кўрсатма берганлиги муносабати билан КПСС МК ва СССР Министрлар Совети «Енгил саноатда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни планлаштириш, иқтисодий рағбатлантириш ва бошқарувни такомиллаштиришни яхшилаш тўғрисида» қарор (1986 йил май) қабул қилдилар.

Ҳозирги босқичда қонунчиликдаги унинг функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ зиддиятларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш

йўлларини ишлаб чиқиш юридик фанининг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Унинг ҳал этилиши фан-техника тараққиётининг партия XXVII съезди аниқ белгилаб берган марраларини эгаллашга ёрдам беради. Ҳозирги пайтда энг муҳими — мамлакат эга бўлган жамики нарсалардан жуда яхши фойдаланишни таъминлаш учун ташкилий, иқтисодий, социал омилларни сафарбар этиш, ҳамма нарсада тартиб-интизом ўрнатилиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишни янада яхшилаш зарур. Кўриб турибмизки, бу ишда адлия ходимлари ҳам фаол қатнашишлари керак.

Фан-техника тараққиёти ҳозир совет қонунчилигининг формасига ҳам чуқур таъсир кўрсатмоқда. Масалан, фан-техника тараққиётининг турли томонларини тартибга солиб турувчи қонунчиликнинг янги тармоқлари, халқаро-ҳуқуқий характердаги норматив актларнинг янги турлари пайдо бўлмоқда, қонунчиликни конкретлаштириш ва деталлаштириш жараёни кучаймоқда, янги тушунча ва терминлар, уларни тушунтириб ва изоҳлаб беришнинг қонунчилик-техникавий усуллари вужудга келмоқда. Бизнингча, фан-техника тараққиёти шароитида қонунчиликнинг янги соҳалари қарор топмоқдаки, улар ҳуқуқнинг анъанавий соҳаларига таянмасдан, илмий-техникавий билимнинг янги тушунча-ҳодисаларини, уларни амалда қўллашнинг янги ташкилий структураси ҳамда усулларини қараб чиқади ва тартибга солади. Автоматик бошқарув системалари (АБС) ва ҳисоблаш марказлари (ҲМ) ҳақидаги қонунчилик бунга мисол бўла олади.

Қонунчиликнинг янги соҳалари комплекс соҳалардир. Бироқ, улардан ҳар бирининг предмети зарур яхлитликка ва маълум ўзига хос хусусиятларга эга. Шундай қилиб, фан-техника тараққиёти ҳақидаги қонунчилик мустақил ва сифат жиҳатидан ўзига хос соҳалардан ташкил топган бўлиб, улар тартибга солиниб туриладиган мавзулари жиҳатидангина эмас, балки давлатни бошқарувнинг таркиб топган системаси бўйича ҳам, шунингдек, мувофиқлаштириладиган муносабатларнинг социал аҳамияти бўйича ҳам ажралиб туради.

Халқаро-ҳуқуқий характердаги актлар — халқаро битимлар, конвенциялар, декларациялар, шартномалар сонининг кўпайиши, юқорида айтилганидек, фан-техника тараққиёти соҳасидаги қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, фан-техника тараққиётининг кўпгина проблемалари давлатлараро аҳамиятга эга бўлиб, улар жаҳоншумул проблемалардан келиб чиқади, бинобарин, уларни мамлакатларнинг ҳамкорлиги асосидагина ҳал этиш мумкин. Бу даставвал атроф муҳитни муҳофаза қилишга тааллуқлидир. СССРда мазкур соҳада катта муваффақиятларга эришилган. Бизда атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини кузатувчи ва назорат қилувчи умумдавлат идораси ишлаб турибди. Бир қатор халқаро битимларда СССР ўзига тегишли мажбуриятлар олганлиги ҳам бу муҳим ишга ёрдам беряпти. Масалан, 1985 йили Совет Иттифоқи ядро портлатишларини тўхтатиш ҳақида бир томонлама қарор қабул қилди, у Совет ҳукумати томонидан 1986 йил 6 августга қадар, кейинчалик эса 1987 йил 1 январга қадар чўзилди.

Фан-техника тараққиётининг қонунчиликка таъсири умумий қонунияти, шубҳасиз, тобора кўпроқ намоён бўлаверади ва бу қонун яратиш ҳамда қонунни қўллаш жараёнларида коллизион нормаларни, турли халқаро ҳужжатларни билиш ва тўғри қўллашни ҳисобга олиш заруриятини келтириб чиқаради.

Социализмни такомиллаштириш даврида қонунчиликнинг мазмуни ҳам чуқурлашади. Бу мазмун йирик халқ хўжалик проблемаларини ўрганиш ва ҳал этиш натижаларини норматив жиҳатдан мустаҳкамлаш, норматив ҳуқуқий қарорларнинг комплекслилигини кучайтириш, фан-техника тараққиётини бошқаришга давлат органларининг компетенциясини белгилаш, илмий фаолиятнинг коллектив формаларини ҳисобга олиб бориш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга янгича ёндашиш сингари қатор янги хусусиятлар билан характерланади.

Мисол учун фан-техника тараққиёти соҳасидаги вазифаларни амалга оширишга ёндашишдаги комплексliликни, системалиликни олиб кўрайлик. Бунда норматив-ҳуқуқий қарорлар ҳуқуқнинг турли соҳалари (маъмурий, гражданлик, меҳнат, молиявий ва бошқалар) қоидаларига асосланади. Комплекс қонунчилик қарорларининг кўпайиши айрим объектларнинг функциясини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб туришдан шундай объектлар системасини ва фан-техника тараққиёти келтириб чиқарган мақсадли комплекс программаларни тартибга солиб туришга ўтиш тенденциясини акс эттиради. Бунда қонун кучидаги қарорлар бу программаларни давлат планлаштириш системасига киритилишини таъминлаши, программаларни бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаши керак.

Илмий, ишлаб чиқариш ва давлат ташкилотларининг куч-ғайратини бирлаштириш ва уларнинг фаолиятини координациялаш масаласи қонунчилик мазмуни учун катта аҳамиятга эга бўлган, принцип жиҳатидан янги аспектдир. Бош ташкилот билан техникавий ёки гуманитар проблемаларни ҳал этишда қатнашувчи ҳамижрочиларнинг ўзаро муносабатлари, бир-бирлари олдида жавобгарликлари, бошқаларнинг натижаларидан қонуний фойдаланиш процедураларини яхшилаш — буларнинг ҳаммаси янги қонунчилик қарорларига ҳам, мавжудларини такомиллаштиришга ҳам муҳтож. Илмий текшириш, конструкторлик, лойиҳалаш-конструкторлик ва технологик ташкилотларнинг планлаштириш, маблағ билан таъминлаш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказилиши илмий ташкилотларни бошқаришнинг янги самарали ташкилий ва иқтисодий формаларини, шунингдек янги қонунчилик ечимларини излаб топишга мисол бўла олади.

КПСС МК ҳузурида 1985 йил июнь ойида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашда йирик халқ хўжалик комплексларини, бошқарув органларини яратиш ва министрликлар диққат-эътиборини перспектив планлаштиришга, ишлаб чиқариш даражаси ва маҳсулот сифатини ошириш учун янгиликлардан кенг кўламда фойдаланиш мақсадида уларнинг роли ва вазифаларини ўзгартириш зарурлигига қаратиш таъкидлаб ўтилди. КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида: «Госплан, бошқа иқтисодий идоралар эътиборни планлаштиришнинг истиқболли масалаларига, экономика пропорционал ва балансли ривожланишини таъминлашга, структура сиёсатини ўтказишга, халқ хўжалигининг ҳар бир ячейкасида энг юксак пировард натижаларга эришиш учун иқтисодий шароит ва рағбатлар яратишга қаратишлари лозим», деб кўрсатилган.

Демак, давлат бошқарувининг фан-техника тараққиёти таъсири остида вужудга келган янги функцияси, аниқроғи, прогнозлаш ва перспектив планлаштириш функциясини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш керакки, унинг вазифаси фан-техника тараққиётининг узоқ келажакдаги социал, иқтисодий ва бошқа оқибатларини аниқлаш ҳамда уларнинг салбий таъсирини бартараф этишдир.

Фан-техника тараққиёти масалаларини тартибга солиб турувчи қонунчилик мазмунида фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг турли жиҳатлари каттагина ўринни эгаллайди. Бу тушунарли: совет жамияти фан-техника потенциалини оширишда катта муваффақиятларга эришди, аммо шу билан бирга катта иқтисодий фойда берадиган фан ва техника ютуқларидан у ёки бу сабабларга кўра узоқ вақт фойдаланилмай келинади, бундай фактлар кўп учрайди. Бу жорий этиш механизми ҳали яхши ишлаб чиқилмаганидан далолат беради.

Маълумки, ҳозир фан-техника ютуқларини жорий этишнинг янги формалари — заказ-шартномалар мавжуд. Улар нархлар механизмини, мукофотлар системасини ва бошқаларни такомиллаштириш йўли билан илмий ташкилотлар, корхоналарнинг янги техникани ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишдан моддий манфаатдорлигини оширишга ёрдам

беради. 1985 йил июнида матбуотда КПСС МҚ, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Илмий ходимлар, саноат конструкторлари ва технологлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда фан-техника тараққиётини рағбатлантиришда мукофотларнинг ролини ошириш, мукофотлар ва моддий рағбатлантириш фондларига чегирмалар миқдорининг халқ хўжалигида олинган самаранинг кўламига чамбарчас боғлиқлигини белгилаш кўзда тутилган.

Аммо хўжалик механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларгина фан ва техника ютуқларини жорий этишни жиддий яхшилаш мумкин эмас. Бунда энг аввало бу соҳада илмий-текшириш ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтиришга, бу ишда корхоналарнинг аниқ мажбуриятларини белгилашга, ўзаро жавобгарликни оширишга ва ҳоказоларга қаратилган ҳуқуқий нормалар ҳам катта роль ўйнаши керак. Жумладан, тадқиқотлар ва илмий ечимлар натижаларидан самарали фойдаланганларни моддий ва маънавий рағбатлантириш формаларигина эмас, балки ўшандай натижалардан фойдаланмаганлиги, экономикада «бой берилган» фойда учун моддий жазолашларни қонун йўли билан татбиқ этиш ҳам фан ва техника ютуқларини жорий қилиш механизмини такомиллаштиришда сўзсиз наф келтирган бўлар эди.

Юқорида айтилганларни якунлаб, биринчи навбатда совет қонунчилигининг фан-техника тараққиёти масалаларида демократик ва инсонпарварлик йўналишини, ишлаб чиқилаётган ҳуқуқий нормаларнинг социал самарадорликка интилишини қайд этиб ўтиш керак. Қонунчилик фикри бундан буён ҳам социал-иқтисодий фаолиятга актив кириб бориши, чинакам ижтимоий манфаатларни аниқлаб олиши, улардан социал тараққиётга энг кўп даражада кўмаклашаётганларини афзал кўриши лозим. Совет қонунчилиги тараққиётининг умумий қонуниятларини ва унинг фан-техника ривожига таъсирини ҳуқуқ назарияси позициясидан туриб тадқиқ этиш ва ўрганиш муҳим методологик вазифа бўлиб, катта амалий аҳамиятга эгадир.

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ПРОБЛЕМАЛАРИ

И. БЛЕХЦИН,
география фанлари доктори
Г. САХАРОВ,
иқтисод фанлари кандидати

ПАРТИЯНИНГ XXVII СЪЕЗДИ тасдиқлаган янги таҳрирдаги КПСС Программасида фан-техника тараққиётини бутун чоралар билан жадаллаштириш асосида ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга томон кескин бурилиш ясаш вазифаси қўйилган. Айни чоқда, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида қуйидагилар кўзда тутилган: «Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг самарадорлиги оширилсин. Кам чиқитли ва чиқитсиз технологик жараёнлар кенг жорий этилсин. Табиий ресурслар, хом ашё ва материаллардан тўла ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган, атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишга барҳам берадиган ёки уни жиддий равишда камайтирадиган комбинациялашган ишлаб чиқаришлар ривожлантирилсин».

Фан-техника тараққиёти ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашни кучайтириш билан бирга табиатдан фойдаланиш ҳамда атроф муҳитнинг сифат ҳолатини бошқариш соҳасида жиддий проблемалар туғдиради. Гап шундаки, ҳозирнинг ўзидаёқ табиий ресурсларнинг битмас-туганмаслигига умид боғлаб бўлмаганидек, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги тадбирларга сарфланадиган капитал маблағларни муттасил ошираверишҳам мумкин эмас (маълумки, бу маблағлар оширилган сайин маълум бир босқичда унинг самарадорлиги пасайиб кетади). Бунинг устига ҳозирги ишлаб чиқаришда табиий ресурслардан унумли фойдаланиш даражаси ҳамон паст: турли баҳоларга кўра, бу кўрсаткич табиатдан олинаётган хом ашё умумий массасининг 2—8 процентини ташкил қилади. Демак, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш табиатдан фойдаланишнинг ҳам шунга яраша интенсивлаштирилишини талаб қилади.

Бу талабнинг моҳияти шундаки, ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланиши билан бирга маҳсулотга ресурслар ва чиқиндилар сарфи албатта камайиб бориши керак. Кам чиқиндили ва чиқитсиз технологияларни жорий этиш, табиий ресурсларни бутун чоралар билан тежаш, маҳсулот бирлигига хом ашё сарфини камайтириш, хом ашёдан комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини қайта ишлатиш бу борадаги асосий йўллардир.

Шундай қилиб, табиатдан фойдаланишни интенсивлаш халқ хўжалиги барча бўғинларини муқаррар равишда экологиялаштиришни тақозо этади. Кенгроқ маънода экологиялаштириш табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга табиий муҳит сифатини йўл қўйилиши мумкин бўлган даражада тутиб туришга имкон берадиган технологик, бошқарув ва бошқа ечимлар системасини изчил ҳамда муттасил жорий этиш жараёнини англатади. Мамлакатимизда ижтимоий ишлаб чиқаришни экологиялаштириш фан-техника революцияси ютуқларидан социалистик тузум афзалликлари билан уйғун равишда фойдала-

нишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади, айни чоқда вазифа фақат экологиялаштирилган технологияни шунчаки жорий этишдан иборат эмас, бундай технология ҳар бир конкрет босқич ва жой учун ғоят самарали бўлиши керак.

Кўп тармоққа эга камчиқитли территориал-ишлаб чиқариш комплекслари атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий плацдармлари бўлиб қолади. Бироқ бундай комплексларни ҳамма жойда ташкил этиш келажакнинг иши. Шу куннинг табиатни муҳофаза қилиш стратегияси замон ва маконда маълум тартибга келтирилган ва ўзаро осон мослашиб кетадиган ҳар хил тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

Экологик проблемалар комплекс, босқичма-босқич ҳал қилинади. Табиий ресурсларни тежаш ва зарарли чиқитларни камайтириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг технологик усулларини такомиллаштириш, ихтисослашган тозалаш иншоотлари қуриш — бу йўналишдаги илк қадамлардир. Ишлаб чиқаришнинг янада экологиялаштирилиши камчиқитли ва ёпиқ технологияларнинг жорий этилишини, бир корхона чиқиндиларидан бошқа корхоналарнинг фойдаланишини, шунингдек истеъмол чиқиндиларини қайта ишлатишни ташкил этишни назарда тутади. Комплекс чиқиндисиз ишлаб чиқариш (экосистеманинг индустриядаги аналоги) ва уларга қўшимча сифатида барча саноат ҳамда маиший чиқиндиларни табиатнинг ўзлаштириши ёки хўжаликда фойдаланиш учун ярокли материаллар қилиб қайта ишлашга ихтисослашга махсус комбинатлар системалари экологиялаштиришнинг энг юксак поғоналарида туради.

Мамлакатимизда ёпиқ технологик схемалар, перспектив камчиқиндили системаларнинг элементларидан ишлаб чиқаришда қўлланиш бўйича анча иш қилинган. Ўзбекистонда ҳам бу борада маълум ютуқлар қўлга киритилди: саноат корхоналарида қайта ишлатиладиган сув ҳажми 1971 йилдан 1984 йилгача 3 марта кўпайди, бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига сарф бўладиган тоза сувнинг солиштирма салмоғини деярли бир ярим баравар камайтириш имконини берди. Республиканинг бир қанча тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларининг анча ўсишига қарамай тоза сув сарфи бирмунча қисқарди. Масалан, химия саноати ва рангли металлургияда сув обороти коэффициенти 72 ва 80 процентга тенг.

Сув таъминоти ёпиқ системасининг яратилиши оқова сувларнинг ҳовузларга тушишига чек қўйибгина қолмай, балки технологик жараёнларда чиқиндиларни ажратиш ва улардан қайта фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқаришдаги нобудгарчиликларни ҳам анча камайтиради. Масалан, биргина Наманган химия заводининг ўзида ана шу тадбирни қўлланиш натижасида хом ашёни тежашдан олинган самара йилига салкам 100 минг сўмни ташкил этиши мумкин.

Ўзбекистон саноат ишлаб чиқаришида сувдан оқилона фойдаланиш даражаси бирдек эмас. Фарғона, Қашқадарё ва Навоий областларидаги корхоналарда сув самаралироқ сарф қилинмоқда: уларда сув обороти коэффициенти республика ўртача кўрсаткичига қараганда 8—40 процент юқоридир. Шу билан бирга Сирдарё ва Тошкентдек саноати ривожланган областлардаги саноат корхоналарининг сув таъминоти асосан оқар сувлардан фойдаланиш усули бўйича амалга оширилиши туфайли тўла тозаланмаган оқова сувларнинг чиқариб ташланаётганлиги маҳаллий ҳавзаларнинг ифлосланишига олиб келмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки гарчи тозалаш иншоотлари юксак самара билан ишлаган тақдирда ҳам ифлослантирувчи моддаларнинг бир қисми оқова сувларда сақланиб қолади ва ҳавзаларга тушади. Булар бир неча органик бирикмалар ва деярли барча сувда эрийдиган ноорганик моддалардир. Оқова сувлар таркибида фойдаланса бўладиган кўплаб қимматли компонентлар бор, уларнинг оқизиб юборилиши сув ресурсларига зарар етказади, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини камайтиради. Фан ва техниканинг ҳозирги даражаси тозалаш иншоотлари

ишининг самарадорлигини бирмунча оширишга имкон беради, лекин бу тадбирни амалга ошириш анча капитал маблағ талаб этади. Оқова сувларни тозалаш даражасининг 85 дан 95 процентгача оширилиши шу мақсадга сарфланадиган харажатларнинг қарийб 2 баравар оширилишини талаб қилади, 95 процентдан юқори бўлса, ҳар бир қўшимча процент учун 10 баравар кўп маблағ сарфланади. Ҳозирнинг ўзидаёқ қатор саноат корхоналаридаги тозалаш иншоотларининг қиймати умумий капитал маблағларнинг 30 ва ҳатто 40 процентини ташкил этмоқда.

Айрим корхоналардан чиқаётган оқова сувларни тозалаб, ундан бошқа корхоналарнинг техникавий сув таъминоти учун фойдаланиш сув ресурсларининг ифлосланишини камайтириш ва тоза сувларни тежаброқ ишлатишга имкон беради. Масалан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бир сутка давомида 30 минг кубометрга яқин оборот системаларини продувка қилишда ишлатилган ва бошқа тозаланган оқова сувларни қайта фойдаланиш учун Олмалиқ химия заводига жўнатади. Бу замонавий саноат технологияларининг негизини тубдан ўзгартиришни талаб қилмайди, у тоза сув истеъмол қилишни кескин камайтиришни таъминлаб, ифлослантирувчи моддаларнинг ҳавзаларга тушишига чек қўяди. Сув айланиш системасида бир неча саноат корхоналари, келгусида эса бутун саноат узели доирасида чегараланувчи янги антропоген бўғин яратилмоқда.

Бироқ ҳамма жойда комплекс чиқитсиз технологияларни жорий этиш унча олис бўлмаса ҳам, умуман келажакнинг ишидир. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш системаларининг экологик проблемаларини ҳал этиш, биринчидан, табиий ресурслардан тежаб, комплекс фойдаланиш, иккинчидан, хўжалик соҳасининг (ишлаб чиқариш жараёнида) атроф муҳитга салбий таъсирини тугатиш ёки камайтириш билан боғлиқ. Бунда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасини ошириш билан боғлиқлиги яққол кўзга ташланади.

Ресурслардан оқилона фойдаланишнинг анъанавий йўли билан бир қаторда сўнгги йилларда табиатни муҳофаза қилиш йўли ҳам тобора кўпроқ ўрин олмоқда. Унинг амалга оширилиши халқ хўжалигига (тармоқ ёки корхона учун инчунин) дарҳол фойда келтирмайди. У аввало инсоннинг ҳаётий фаолияти ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун зарур норматив шарт-шароитлар (атмосфера, сувнинг тозалиги)ни сақлаб туриш, юз бериши эҳтимол салбий социал ҳолатларни бартараф этишни мақсад қилиб қўяди. Бу йўналишнинг конкрет самарасини доим ҳам пайқаб бўлмайди.

Айни пайтда ресурслардан оқилона фойдаланиш йўлини табиатни муҳофаза қилиш йўлидан кескин ажратиш ҳам методологик жиҳатдан тўғри бўлмайди. Улар доим бир-бири билан шундай чатишиб кетадики, баъзан биринчиси қаерда тугаб, иккинчиси қаерда бошланишини аниқлаш (кейинчалик, комплекс чиқитсиз системаларга ўтилиши билан улар бир-бирига қўшилиб кетади) қийин бўлиб қолади. Ахир, ҳаво ва сув бассейнларининг ифлосланиши атмосфера ёки гидросферага қимматли элементларнинг чиқариб ташланиши билан боғлиқ-ку. Шунинг учун ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги табиатни муҳофаза қилиш иши фақат чиқиндилардан тозалаш билан чекланмайди, балки у ҳар хил элементларнинг қайта ишлатилишини назарда тутади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида регионал комплекс программалар ишлаб чиқиляпти ва амалга ошириляпти. Бу программаларда аҳоли, саноат ҳамда автомобиль транспорти зич тўпланган шаҳарлар алоҳида ўрин тутади.

Шаҳарлар ва шаҳар аҳолисининг ўсиши жамиятнинг атроф муҳитга таъсири, шу жумладан салбий таъсирини кучайтиради. Бундай таъсир меҳнат шароитларининг ёмонлашувига олиб келиб, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, брак маҳсулотлар миқдорининг кўпайиши, кадрлар

кўнимсизлигининг ошиши, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга яроқсиз бўлиб қолиши ёки инвалидликка чиқиши сабабли корхоналар даромадлари бир қисмининг йўқолиши, касалга чалиниш, майиб бўлиш ва бошқа сабабларнинг кучайиши туфайли соғлиқни сақлаш учун ажратиладиган маблағларнинг ошишига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимизда 1975 йилдан бошлаб шаҳарлардаги саноат корхоналари, транспорт ва коммунал хўжалигининг атроф муҳитга салбий таъсирини бирмунча камайтиришни таъминлаш бўйича план топшириқлари белгиланадиган бўлди. Биосферага зарарли чиқитларни чиқаришни мустасно қиладиган ёки анча қисқартирадиган экологик зарарсиз технология жараёнларини жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Экологик жиҳатдан ўзини оқлаган технологияларга ўтиш — иқтисодий ривожланиш вазифалари билан атроф муҳитни муҳофаза қилиш талаблари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишнинг бош йўлидир.

Ўзбекистонда шаҳарлар муҳитини шаҳар ва шаҳар агломерацияларини ривожлантириш бош планларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш доирасида ягона ва яхлит бир нарса сифатида бошқариш бўйича маълум тажриба тўпланган. Бош планлар шаҳарларнинг ҳаво ва сув бассейнлари тозалигини сақлаш ва территориал ресурслардан саноат, транспорт, коммунал-маиший хўжалик ва бошқа соҳалар ривожланиши кўрсаткичлари билан мувофиқлашган ҳолда социал-соғломлаштириш мақсадларида фойдаланиш проблемасининг комплекс ҳал этилишини назарда тутади.

Шу билан бирга, республиканинг саноат марказларидаги ҳавонинг, сув ҳавзаларининг ифлосланиши масалаларининг кескин бўлиб турганлиги Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида таъкидлаб ўтилди. Съезд делегатлари Тошкентда янги қувватларнинг шаҳар қурилиши бош планига номувофиқ, мавжуд зарарли ишлаб чиқаришларни шаҳар ташқарисига чиқармай ишга туширилаётганлигини ташвишланиб гапирдилар; Чирчиқда атроф муҳитни муҳофаза қилиш органларининг кўрсатмасига биноан айрим ишлаб чиқаришларни тўхтатишга тўғри келди; Самарқанд области шаҳарларида марказлаштирилган сув таъминоти яхши ривожланмаган, сув ҳавзалари тозаланмаган оқова сувлар билан ифлосланмоқда.

Республикамиздаги кўпгина аҳоли пунктларида ҳаво ифлосланиши даражаси ўсиб бораётганлигининг сабабларидан бири шундаки, уларда санитария-муҳофаза зоналари етарли эмас, баъзиларида эса умуман йўқ. Бундай зоналар деганда нафақат табиий дарахтзор ва бутазорлар, ўтлоқлар, сув манбалари (Ўзбекистоннинг табиий шароитида буларга умид боғлаш ҳам қийин), шунингдек сунъий яратиладиган зоналар ҳам тушунилади. Республикадаги ерлар соғ тупроқли, енгил кўчади, ёғингарчилик кам. Ҳолбуки, шаҳар ва посёлкалардаги кўчалар яхши тозаланмайди, уларнинг ирригация тармоқлари заиф, сунъий ёмғир ёғдириш усули кам қўлланилади.

Анализнинг кўрсатишича, Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳарлик аҳолисига тўғри келадиган дарахтзор майдонлар йилдан-йилга камайиб боряпти. Масалан, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 1970 йилда 45,6 квадрат метрга тенг бўлса, 1983 йилга келиб, 33,7 квадрат метрга тушиб қолди. Бу шаҳар аҳолиси кўпайиш суратларининг кўкаламзорлаштириш суратларига нисбатан тезроқ ўсаётганлиги билан изоҳланади. Масалан, Тошкентда 1970—1983 йилларда дарахтзорлар атиги 17 процент кўпайган бўлса, ана шу вақт ичида аҳоли 40 процент ошган. Айтиш керакки, республика шаҳарларининг кўкаламзорлаштириш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда, гарчи кўчат ва бута ўтказиш планлари ҳатто ошириб бажарилаётган бўлса ҳам, лекин эришилган даража ҳали етарли эмас.

Шаҳар структурасидаги асосий бўғинлардан бири — ирригация хўжалигидир. Шунинг учун саноат, тураржой-коммунал ва маиший хўжалик корхоналарига ҳамда ташкилотларнинг ўз территорияларини кўкаламзорлаштириши учун сувни кўп бериш мақсадида бош каналлар реконструкциясига алоҳида эътибор бериляпти.

Шаҳар қурилишининг кенгайиб, аҳоли кўпайиши билан коммунал (қаттиқ ва суюқ) чиқиндиларнинг ҳажми оша боради, тоғ-кон саноати ва қурилиш индустрияси ривожланган жойларда эса кераксиз фойдаланилмайдиган жинслар, шлаклар, қурилиш чиқиндилари сочилиб ётган территориялар тобора кўпаймоқда. Шунинг учун шаҳарлар территорияларини санитария жиҳатдан тозалаб, тартибга солиб туриш — атроф муҳит сифатини яхшилашнинг муҳим шартидир. Санитария жиҳатдан тозалаш қаттиқ маиший чиқитларни йиғиб, чиқариб ташлаш, шаҳарлардаги ҳовлилар, кўчалар, проездлар, майдонларни тозалашдан иборат.

Маълумки, таркибида кўплаб органик моддалар бўлган сернам чиқиндилар тез бузилиб, қўланса ҳид тарқатади. Бундан ташқари, улар ҳар хил касаллик тарқатувчи микроб ва организмларнинг кўпайиши учун қулай шароит туғдиради-ки, бу кўпинча аҳоли тураржойларидаги санитария ҳолати нормаларининг бузилишига олиб келади. Лекин шаҳар чиқиндилари орасида зарарли моддалар билан бирга фойдали компонентлар ҳам йўқ эмас. Масалан, органик моддалардан ўғит ва биологик ёқилғи сифатида самарали фойдаланиш мумкин. Шаҳар чиқиндилари орасидаги иккиламчи хом ашёлар саноат қайта ишлаб чиқаришида муҳим аҳамиятга эга. Лекин одатда бу чиқиндилар бутунлай ахлатхоналарга чиқариб ташланади.

Ҳозирги пайтда шаҳар чиқиндиларини йиғиш, олиб чиқиш ва йўқотиш ишларини Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигининг санитария тозалаш корхоналари бажаради. Улар қайси идорага қарашлигидан қатъи назар барча манбаларда йиғилиб қоладиган маиший чиқиндиларнигина йиғишади. Бироқ республика шаҳарларининг шу кундаги санитария аҳволи улар территорияларининг ўсишига нисбатан анча орқада қолмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри территориясининг атиги 85 проценти, бошқа шаҳарларда эса ундан ҳам камроқ жой йиғиштирилади.

1980 йили қатор принципиал янги қоидаларни ўз ичига олган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги СССР (шунга мувофиқ равишда иттифоқдош республикаларнинг ҳам) қонуни қабул қилинди. Қонунда атмосферага зарарлантирувчи моддаларни чиқариш ва зарарли физикавий таъсир этишнинг йўл қўйиш мумкин бўлган нормативларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги талаб биринчи марта назарда тутилган. Ҳар бир стационар ифлослантириш манбаси, шунингдек транспорт ҳамда бошқа кўчма воситаларининг ҳар бир модели учун шундай нормативлар белгиланди. Бу нормативлар шундай белгиланиши керакки, токи мазкур жойдаги барча ифлослантириш манбаларидан чиқаётган зарарли чиқиндилар йиғиндиси зарарлантирувчи моддаларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган концентрациялари нормативларидан ошмасин. Мазкур нормативларнинг жорий этилиши келгусида Ўзбекистон шаҳарларидаги саноат корхоналари, транспорт, иссиқлик электростанцияларининг атмосферага чиқараётган зарарли чиқитларини камайтириш, ҳаво тозалигини сақлаш юзасидан корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш, шунингдек ҳаво тозалигини сақлаш соҳасида тадбирлар ўтказилишининг тегишли давлат органлари томонидан янада таъсирчан контрол қилинишини таъминлаш юзасидан бир мақсадни кўзлаб иш олиб боришга имкон беради.

Прогнозларда Ўзбекистон шаҳарларининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги профилактика тадбирларига муҳим ўрин ажратилади. Бунда корхоналар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топширишда атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш нормативларига қатъий риоя қилиш назарда тутилади. Бунда зарарли модда ва чиқиндиларнинг тутилиши, қайта ишланиши ва зарарсизлантирилиши, шунингдек шаҳарлар ҳаво бассейнини муҳофаза қилиш юзасидан бошқа талабларнинг бажарилиши ҳам кўзда тутилиши лозим.

Атмосферага зарарли чиқиндиларнинг чиқишини камайтиришда саноат ишлаб чиқаришининг технологиясини тўғри танлаш катта аҳамиятга эга. Йирик шаҳарларда саноатни ривожлантиришни янги корхоналар қуриш ҳисобига амалга ошириш тавсия этилмаслигини назарга олиб, шаҳар атмосферасига зарарли моддаларнинг чиқарилишини қисқартиш мақсадида ишлаб турган корхоналардаги технологик жараёнларни ўзгартиришга кўпроқ аҳамият бериш зарур.

Лекин, ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, шаҳарнинг ҳаво бассейнига чиқарилаётган зарарли саноат чиқиндиларини камайтириш мақсадида республиканинг эски корхоналарида технологик линиялар ёки жараёнларни реконструкция қилиш учун йирик маблағлар сарфлаш иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас. Технологиянинг атроф муҳитга зарарли чиқитларни чиқариш муносабати билан чиқиндисиз ёки камчиқитли бўлиши лозимлиги хусусидаги замонавий талабларни ҳисобга олиб, баъзан бутунлай янги корхона қуриш фойдалидир. Масалан, нефтни қайта ишлаш саноатининг ўртача қувватдаги бир корхонасини унинг атроф муҳитга чиқарадиган зарарли чиқитларини камайтириш мақсадида реконструкция қилиш учун сарфланадиган маблағ ўша ишлаб чиқариш қийматининг 25—30 процентини ташкил этади. Бунда янги корхонани техника ва технологиянинг прогрессив турлари билан жиҳозлаш ҳисобига олинадиган иқтисодий самарани ҳам назарда тутиш лозим. Янги қурилишнинг яна бир ижобий томони шундаки, уни зарарли чиқитлар шаҳар ҳаётига бирмунча кам таъсир қиладиган жойда қуриш мумкин.

Технологик жараёнда зарарсиз ёки камроқ заҳарли моддаларни қўллаш йўли билан ҳам шаҳарлар атмосферасига зарарли чиқиндилар юборилишини камайтиришга эришса бўлади. Масалан, иложи бўлган ҳамма жойда бензолнинг ўрнига бензин, метил спирти ўрнига этил спирти ишлатиш, қўрғошин ва унинг бирикмаларини бошқа, камроқ заҳарли металлар ва бирикмалар билан алмашлаш мумкин ва ҳоказо. Бунга резина саноатида буғланганида таркибидаги бензинни ҳавога чиқарадиган резинка елими ўрнида сунъий латекснинг ишлатилиши ёрқин мисол бўлади.

Зарарли чиқиндиларнинг шаҳарлар атмосферасига юборилишини камайтиришга рекуперацион, яъни зарарли моддаларни тутиб, яна ишлаб чиқаришга қайтарадиган усул ҳам ёрдам беради. Маълумки, резина ишлаб чиқаришида эритувчи сифатида қўлланиладиган бензин вентиляция ҳавоси билан буғ тарзида чиқиб кетади. Уни активлаштирилган кўмирдан ясалган фильтр билан тутиш, сўнгра фильтр таркибидан ажратиб олиш ва ундан яна эритувчи сифатида фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон шаҳарларидаги атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишини мувофиқлаштириб туриш учун, бизнингча, махсус илмий ишлаб чиқариш бирлашмасини тузиш керак. Фикримизча, унинг структураси қуйидагича бўлиши мумкин: шаҳарлардаги сув, ҳаво ва тупроқ муҳитини муҳофаза қилиш илмий ишлаб чиқариш бўлимлари, тажриба-механика устахоналари, муҳитнинг ифлосланишини аниқлайдиган физика ва химия лабораториялари, табиий муҳит сифатини назорат қилиш учун зарур тозалаш системалари, аппаратура ва асбобларни ясайдиган ҳамда ремонт қиладиган завод.

Бундай илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг муваффақиятли ишлаши учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ камлик қилишини ҳисобга олиб, шаҳарда сув ва электр энергиясидан фойдалангани учун тўланадиган ҳақ сингари шаҳарнинг атроф муҳитини ифлослантирганлиги учун ҳақ тўлашни жорий этиш таклиф қилинади. Бунинг учун зарарли моддаларни чиқаришни чеклаш нормативларини ошириб юбориш билан пропорционал боғлиқ тўлов шкаласини белгилаб қўйиш лозим. Ана шунда корхоналар чиқитлар миқдорига қараб шаҳарларнинг ҳаво ва сув бассейнларини ифлослантиргани учун илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси фондига ҳақ тўлашади.

Шунингдек, саноат корхоналари, шаҳарларнинг буғ қозонлари ва теплоэлектроцентралларига шаҳарнинг атроф муҳитини муҳофаза қилиш бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари билан заҳарли чиқиндиларнинг миқдорий ва сифат таркиби, ишлаб чиқариш зонаси ва иш жойларидаги атмосферанинг сифат аҳволини аниқлаш соҳасидаги ишларни бажариш юзасидан хўжалик шартномалари тузиш вазифасини топшириш мақсадга мувофиқдир. Лойиҳалаш институтлари ва бюроларига ана шу бирлашмаларда ўз лойиҳаларининг пуллик экспертизасини ўтказиш вазифасини топшириш керак.

Автомобиль транспортида норматившдан ортиқ ишлатилган ҳар бир тонна ёқилғи учун унинг маркасига қараб ҳақ тўлашни жорий этиш лозим. Буғ қозонлари ва автомобиль хўжаликларининг газ ёқилгисига ўтишларини рағбатлантириш учун уларни ана шу қайта қуриш даврида шаҳарни ифлослантирганлиги учун тўланадиган ҳақдан қисман ёки бутунлай озод қилиш мумкин.

Атроф муҳитнинг сифатини яхшилашда жуда самарали яна бир йўналиш борки, бизнинг назаримизда, уни Ўзбекистон шаҳарларини ривожлантириш бош планларини ишлаб чиқиш ҳамда тузатиш чоғида ҳисобга олиш лозим бўлади. Бу — ер ости бўшлиқларидан кенг фойдаланишдир. Тошкентда мана бир неча йилдирки, узунлиги 20 километрдан зиёд бўлган В. И. Ленин номидаги метрополитен ишлаб турибди. Яқин вақт ичида шаҳарнинг ер ости қисмида автотранспортни, теплоэлектроцентралларни, жамоат ва шахсий транспорт учун гаражларни, магазинлар ҳамда коммунал-маиший хўжалик объектларини жойлаштириш мумкин бўлади. Одатдаги коммуникация йўлларидан ташқари, келажакда яна янги бир линия пайдо бўладики, турдош корхоналарда ишлатилиб бўлинган ҳамма саноат газларини тўплаб, уларни трубопроводлар орқали район тозалаш станциясига жўнатиб туради. Зарарли аралашмалардан тозаланган ҳаводан пневматик қурилмаларда, тураржой ва маъмурий бинолар, метрополитенни иситиш ёки сунъий совутиш учун фойдаланиш мумкин.

Шаҳарларнинг ер устидаги ва ер ости кенгликларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли пунктларида саноат корхоналари қурилишини тартибга солиш, ҳамма ерда санитария-муҳофаза зоналари барпо этиш шу жойларда маданий-оммавий ва жисмоний тарбия мақсадидаги объектларни янада кенг ривожлантиришга, территорияларни имкони борича кўпроқ кўкаламзорлаштиришга, атроф муҳитни соғломлаштиришга имкон беради. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг турмуш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш, Ўзбекистонда ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш учун имконият яратади.

ЛЕНИНИЗМ — БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ ВА ҚУРОЛИМИЗ

ЛЕНИНЧА СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯ НАЗАРИЯСИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

В. И. ЛЕНИННИНГ «ПРОЛЕТАР РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ҲАРБИЙ ПРОГРАММАСИ» МАҚОЛАСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

М. МАЛИҚОВ,
тарих фанлари кандидати

К. Маркс билан Ф. Энгельс томонополистик даврдаги пролетариат курашининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқар эканлар, социалистик революция барча ёки кўпчилик капиталистик мамлакатларда бир вақтда амалга ошган тақдирдагина ғалаба қилиши мумкин, деган хулосага келдилар. Бу хулоса шунга асосланар эдики, бу мамлакатлардаги буржуазия пролетариатга нисбатан мустаҳкамроқ жипслашган бўлиб, бошқа мамлакатларнинг эксплуататор табақалари ва ҳукуматлари билан кенг алоқага эга эди. Революция бўлган тақдирда буржуазия бошқа мамлакатлардаги эксплуататор табақалар ва ҳукуматлардан ҳарбий интервенция қилишга қадар мадад олиши ва қўзғолончиларни тор-мор қилиши мумкин эди. Европадаги кўпчилик мамлакатларни революцияга бир вақтда жалб қилиш билан халқаро буржуазиянинг бирдамлигига пролетар интернационализмини қарши қўйиш лозим бўлур эди. Бундан ташқари, ўша пайтда капитализмдаги ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги конфликт ва бошқа зиддиятлар нисбатан бир меъёрда етилиб келаётган бўлиб, эксплуататорлик тузумини ағдариб ташлаш учун шарт-шароитлар турли мамлакатларда деярли бир пайтда вужудга келаётган эди.

Капитализмдан империализмга ўтиш синфий кураш ва социализмга ўтиш учун янгича шарт-шароитлар, имкониятлар ва истиқболларни юзага келтирдики, бу маркса революция назариясига ўзгартишлар киритишни тақозо этди. В. И. Ленин ана шу мақсадларни кўзлаб, империализмнинг иқтисодий ва сиёсий моҳиятини тадқиқ қилади, уни текинхўр, чириб борувчи, ўлаётган капитализм дея характерлайди ва унинг инқирозга юз тутишининг шарт-шароитларини очиб ташлайди.

Иқтисодий моҳияти монополиялар ва молия капиталининг ҳукмронлигидан иборат бўлган империализмда капиталистик жамиятнинг асосий зиддияти — ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери билан унинг натижаларини ўзлаштиришнинг хусусий формаси ўртасидаги зиддият ниҳоятда кескинлашади. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш эҳтиёжлари, буржуазиянинг максимал тарзда фойда олиш учун интилиши ва рақобат кураши ишлаб чиқариш ва капиталнинг бир нечтагина монополиялар қўлида жамланишига олиб келади.

Капиталнинг концентрациялашуви тенденцияси ҳозирги шароитда янада кучайди. КПСС XXVII съездида қайд қилинганидек, масалан, АҚШда энг бой оилаларнинг бир проценти шундай бойликка эгадирки, бу

бойлик мулкий зинапоянинг қуйи қисмида турган 80 процент оилалар жами бойлигидан деярли бир ярим баравар ортиқдир. Транснационал корпорациялар империализмнинг ажралмас қисми бўлиб қолди, улар экономиканинг бутун-бутун тармоқларини монополиялаштириб, халқаро микёсда меҳнаткашларни эксплуатация қилиш ҳисобига мисли кўрилмаган фойда олишмоқда, бу корпорациялар ҳам ривожланаётган мамлакатларнинг, ҳам ривожланган капиталистик мамлакатларнинг суверенитетига путур етказмоқда. Носоциалистик дунёдаги саноат ишлаб чиқаришининг учдан бир қисмидан кўпроғи, ташқи савдонинг ярми ана шу корпорациялар улушига тўғри келади.

Империализм даврида пайдо бўлган молия олигархияси бутун иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлик воситаларини эгаллаб олди. Монополиялар давлат аппарати билан бирлашиши натижасида айниқса катта қудратга эга бўлиб қоладилар, ҳукмдор синфлар бу аппаратдан меҳнаткашларни уюшқоқлик билан эксплуатация қилиш ва мавжуд тузумга қарши қаратилган ҳар қандай курашни бостириш учун фойдаланадилар. В. И. Лениннинг кўрсатишича, давлат-монополистик капитализми «...жамият ҳаётининг *барча* томонларига муқаррар суратда кириб кетади... бир ҳовуч монополистларнинг қолган аҳолига қилаётган зулми юз карра оғирлашиб, каттиқлашиб, тоқат қилиб бўлмайдиган даражага етади» (Тўла асарлар тўплами, 30-том, 408, 371-бетлар).

Ҳарбий-саноат монополиялари вакилларининг ҳокимият органларига суқилиб кириши, экономиканинг ҳарбийлаштирилиши муносабати билан империализмнинг ички ва ташқи сиёсати янада мудҳиш ва халқ манфаатларига қарши тус олди. Ҳарбий харажатларнинг кўпайиб бораётганлиги империализм текинхўрлигининг янада авж олганлигидан далолат беради. Фақат 1981—1985 йилларнинг ўзида жаҳон империализмининг қўрғони бўлган АҚШда қуролланиш пойгаси ва қайта қуролланиш учун 1 триллион доллардан ортиқ маблағ сарфланди.

Ишсизлик энг ўткир социал проблема бўлиб қолмоқда, уни монополияларнинг танҳо ҳукмронлигига қарши курашни активлаштирмай туриб ҳал қилиб бўлмайди. Бу курашнинг социал базаси нафақат тобора кўпайиб бораётган ишсизлар армияси ҳисобига мунтазам кенгайиб бормоқда, шу билан бирга бошқа оппозицион кучлар ҳам бу курашга қўшилмоқда.

Империализм, — деб ёзган эди. В. И. Ленин, — мустамлакачилик сиёсатидан ўсиб чиққан. Октябрь социалистик революцияси пайтига келиб Ер курраси территориясининг 77 процентини ишғол этган 69 процент аҳоли ривожланган капиталистик мамлакатларнинг мустамлака ва ярим мустамлака асоратида яшар эди. Шу туфайли В. И. Ленин «империализм бир нечтагина буюк давлатларнинг дунёдаги миллатларни тобора кўпроқ эзишидир...», деган эди (ТАТ, 27-том, 72-бет). Монополиялар мустамлакаларнинг табиий ресурсларини талаб, халқларини аёвсиз эксплуатация қилдилар, бу миллий-озодлик ҳаракатини келтириб чиқарди. Бу ҳаракат 50—60 йилларда империализм мустамлакачилик системасининг қулаши ва ўнлаб мустақил давлатларнинг ташкил топиши билан якунланди.

Капиталистик ва озодликка эришган мамлакатлар ўртасидаги нотенг иқтисодий муносабатлар озодликка чиққан мамлакатларни қарз асоратига солиб қўйди. Уларнинг ташқи қарзи 1 триллион долларга етди. Уларни талашда аввало АҚШ корпорациялари пешқадам бўлмоқда, бу корпорацияларнинг 1975—1985 йилларда собиқ мустамлакалардан олган фойдаси улар ишга солган маблағлардан тўрт баравар ошиб кетди. Буларнинг ҳаммаси халқларнинг норозилигига сабаб бўлиб, империалистлар тарафдори бўлган феодал, олигархия ва буржуа доираларига қарши курашни авж олдирмоқда. Озод бўлган кўпгина мамлакатларнинг эксплуататорларсиз жамият қуришга олиб борувчи социалистик йўлни танлаганлиги империализмнинг янги мустамлакачиликдан иборат режаларига сезиларли зарба берди.

Империалистик давлатларнинг мол сотиладиган бозорлар, хом ашё манбалари, фойдали соҳалар ва капитал солинадиган мамлакатлар учун рақобатлашуви, мустамлакаларни бўлиб олиш учун кураши жаҳон империалистик урушига олиб келди. Бу уруш сиёсий реакцияни янада кўпроқ кучайтириб, халқларга мисли кўрилмаган мусибатлар келтирди, капиталистик жамиятнинг барча қарама-қаршиликларини бутунлай очиб ташлади. Ана шу зиддиятларни анализ қилиш В. И. Ленинга империализм капитализмнинг сўнгги босқичи, социалистик революция арафасидир, деган хулоса чиқаришга имкон берди. «Социалистик революция, — деб ёзган эди у 1916 йилда, — энг яқин келажакда бошланмоғи мумкин» (ТАТ, 27-том, 304-бет).

Империализмга В. И. Ленин томонидан чириб борувчи ва ўлаётган капитализм, деб берилган таърифга кризисларни ва империалистлар ўртасидаги низоларни бартараф қилиш мақсадида капиталистик давлатларнинг келишувлари ва иттифоқларини тарғиб қилувчи II Интернационал раҳбарлари ўзларининг реформистик-хаёлий концепцияларини қарама-қарши қўйишга уриндилар. Улар «Европа Қўшма Штатлари»ни тузиш тўғрисидаги машъум ғояни зўр бериб ҳимоя қилдилар. В. И. Ленин бу шиорни фош этиб, у аслида капиталистларни «...биргалашиб туриб Европада социализмни қандай қилиб бўлса-да мажақлаб ташлаш, талаб олинган мустамлакаларни биргалашиб туриб... қўриқлаш»га чақириш, «Европа Қўшма Штатларининг бўлиши ё мумкин эмас, ёки реакцион ҳаракат» эканлигини кўрсатган эди (ТАТ, 26-том, 408, 406-бетлар). Иккинчи жаҳон урушидан олдин ва ундан кейин пайдо бўлган «Коминтернга қарши битим», НАТО, Европа иқтисодий ҳамжамияти, Европа парламенти сингари империалистик давлатларнинг блоклари ва иттифоқлари ана шуни тасдиқлади, социал-демократиянинг ўнг раҳбарлари уларнинг тузилишини маъқуллаб кутиб олдилар. Бироқ бу ва бунга ўхшаган бирлашмалар кризисларни ҳам, империалистлар ўртасидаги зиддиятларни ҳам камайтирмади, балки ўзларининг ҳақиқий мақсадини — монополияларга юқори фойда олишга ёрдамлашиш, капиталистик системани ҳимоя қилиш, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига, коммунистик, ишчи ва миллий-озодлик ҳаракатига қарши баҳамжиҳат кураш олиб бориш мақсадини ошкор этди. Бу бирлашмаларда типик империалистик тартиблар амал қилади — кучлироқ иттифоқчилар заифроқлари ҳисобига ўзларининг аҳволини яхшилаб олишга ҳаракат қилишади.

Бир-бирларининг ўртасида тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат муносабатлари амал қиладиган социалистик давлатлар системасидагина иқтисодий ва сиёсий интеграцияни адолатли негизда амалга ошириш мумкин бўлади. ЎИЁҚнинг кам ривожланган аъзолари бўлган, масалан, Монголия, Куба, Вьетнам каби мамлакатларга уларни индустрлаштириш ва хўжаликнинг анъанавий тармоқларини кўтаришга берилаётган коллектив ёрдам социалистик ҳамдўстлик барча давлатларининг иқтисодий ва маданий ривожланиш даражасини бараварлаштиришга олиб келади.

Империалистик уруш натижасида жаҳон капиталистик системаси умумий кризисининг чуқурлашуви ва бу системанинг заифлашуви шароитида халқаро социал-демократиянинг баъзи бир қисми ўртасида империализмнинг чириб бориши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиши туфайли у «автоматик тарзда инқирозга юз тутади» деган фикр тарқалди. В. И. Ленин ана шу йилларда ёзган асарларида пролетариат ва унинг партиясини ҳаракатсизликка ва капитализм антагонистик зиддиятларининг революциясиз стихияли равишда ҳал этилишини ҳамда революция қилиш учун зарур революцион вазиятнинг пайдо бўлишини асоссиз равишда кутиб туришга маҳкум қилувчи бундай қарашларнинг илмий асоссизлигини ва сиёсий зарарли эканлигини кўрсатиб берди. В. И. Ленин «II Интернационалнинг

ҳалокати» асарида революцион вазиятни классик таърифлаб, унинг қуйидаги асосий белгиларини кўрсатиб берди: бу ҳукмрон синфларнинг ўз ҳукмронлигини ўзгартмасдан саклаб қолишининг мумкин бўлмай қолиши, «юқори табақаларнинг» кризиси ва «қуйи табақаларнинг» эскичасига яшашни истамасликлари; мазлум синфларнинг муҳтожлиги ва кулфатлари одатдагидан ҳам юқори даражада кескинлашиши; шу кўрсатилган сабабларга кўра юзага келаётган шароит тақозоси билан омма активлигининг анча кучайиши ва мустақил тарихий ҳаракатга тортилиши кабилардир. «Фақат айрим группалар ва партияларнинг эмас, балки айрим синфларнинг ҳам иродасига боғлиқ бўлмаган бу объектив ўзгаришлар бўлмаса, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — революция бўлиши — умумий коидага мувофик — мумкин эмас» (ТАТ, 26-том, 250-бет). Революциянинг ғалаба қозониши учун объектив шарт-шароитлардан ташқари — субъектив омиллар — илғор синфнинг эски ҳукуматни ағдариб ташлаш учун оммавий ва ҳал қилувчи ҳаракатларга шайлиги ҳам зарур.

Революцион вазият тўғрисидаги ленинча таълимот бемаҳал, тайёргарликсиз чиқишлардан сақлаб, фитначилик тактикасини рад қилади. В. И. Ленин урушни давом эттириш йўли билан Европа революциясини ўз хоҳиши бўйича жадаллаштиришга ёки революцияни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга «экспорт қилиш»га бўлган уринишларни қоралади. У революцияларни «буюртма билан ҳам, битимга келишиш билан ҳам қилиб бўлмаслигини, ўн миллионлаб одамлар: бундан кейин ҳозиргидай яшаш мумкин эмас, деган хулосага келган вақтларида бу революцияларнинг содир бўлишини» кўрсатган эди (ТАТ, 36-том, 521-бет). В. И. Лениннинг бу фикрлари гўёки СССР ўз системасини бошқа мамлакатларга тиқиштиришга, революцияни, социализмни экспорт қилишга уринмоқда дея жар солаётган КПСС ташқи сиёсатининг ҳозирги сохталаштирувчиларига огоҳлантириш бўлиб хизмат қилади. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев КПСС XXVII съезди минбаридан туриб қатъий қилиб шундай деди: «бугун ҳам бизнинг ишончимиз комилки, революцияга ташқаридан, айниқса ҳарбий воситалар билан туртки бериш бефойда ва бунга йўл қўйиб бўлмайди».

Капиталистик давлатлар иқтисодий ва сиёсий нотекис ривожланишининг кучайиши капитализм империализмга ўсиб ўтишининг асосий оқибатларидан бири ҳисобланади. Бу қонуннинг амал қилиши турли мамлакатлардаги социал зиддиятларнинг ва синфий курашнинг кескинлигига сабаб бўлиб, пролетариат активлиги ва уюшқоқлигининг, унинг барча меҳнаткашлар томонидан қўллаб-қувватланишининг даражасини белгилаб берди. В. И. Ленин нотекис ривожланиш қонунидан келиб чиқиб, социализмнинг дастлаб бир неча ёки ҳатто алоҳида олинган бир капиталистик мамлакатда ҳам ғалаба қилиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқарди. «Пролетар революциясининг ҳарбий программаси» мақоласида (1916 йил сентябрь) бу тўғрида социализмнинг бир вақтда ҳамма мамлакатларда ғалаба қилиши мумкин эмаслигини таъкидлаб кўрсатувчи муқаррар хулоса сифатида гапирилади: «Капитализм турли мамлакатларда ниҳоятда нотекис ривожланиб боради.., — деб ёзган эди В. И. Ленин, — бундан келиб чиқадиган қатъий хулоса шуки, социализм *барча* мамлакатларда бир вақтда ғалаба қозона олмайди. У дастлаб бир ёки бир неча мамлакатда ғалаба қозонади, қолган мамлакатлар эса бирмунча вақтгача буржуа мамлакатлари ёки ҳали буржуа тараққиёти даражасига етмаган мамлакатлар бўлиб қола берадилар» (ТАТ, 30-том, 159—160-бетлар). Бу хулоса ленинча социалистик революция назариясининг негизини ташкил этади ва марксизмдаги янгилик, уни ижодий ривожлантириш намунаси бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги капитализм дунёсида нотекис ривожланиш қонуни империалистлар ўртасидаги зиддиятларни кучайтириб, янада катта куч билан намоён бўлмоқда. Ҳозирги вақтда империалистлар ўртасидаги рақобатнинг бир-бирини заифлаштириш учун ўзаро савдо ва молиявий кураш

олиб борувчи АҚШ, Ғарбий Европа, Япониядан иборат учта асосий маркази мавжуд. КПСС Программасининг янги таҳририда қайд қилинганидек, империалистик монополиялар ўртасидаги рақобатчиликнинг янги иқтисодий ва сиёсий марказлари ҳам вужудга келмоқда.

Ривожланишнинг нотекислиги ва капитализм зиддиятларининг кескинлашуви империализм ягона фронтини заифлаштиради, уни пролетар революцияси учун бирмунча қулайроқ қилиб қўяди. Империалистик фронтнинг социализмга томон ёриб ўтиш эҳтимоли айниқса яқин бўлган заиф бўғини тўғрисидаги ленинча таъриф революцион кучлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. В. И. Ленин меньшевикларнинг социалистик революция ишчилар аҳолининг кўпчилигини ташкил этадиган энг ривожланган капиталистик мамлакатларда содир бўлади, деган догматик қарашларини ишонарли тарзда рад қилди. У, бундай мамлакатларда ички сиёсий вазиятни юмшатиш ниятида ишчилар синфининг раҳбарларини сотиб олиш ва социал манёвр ўтказиш йўли билан ишчилар синфини парчалаб юбориш учун моддий имкониятларга эга бўлган кучли ва тажрибали буржуазия пролетариатга қарши туради, деб кўрсатган эди. Бу ерда революцияни бошлаш қийинроқ бўлади. Социалистик революция дастлаб капитализм муайян даражада етилмаган ва саноат пролетариати минимумига эга бўлмаган энг қолоқ мамлакатларда ҳам содир бўлиши мумкин эмас.

Ўртача ривожланган аграр-саноат мамлакати, иқтисодий, социал ва миллий зиддиятларнинг муҳим пункти бўлиб қолган чор Россияси — империализм занжирида ўпирилиш анча эҳтимол бўлган, унинг заиф бўғини эди. Бу ерда синфий антагонизмлар ғоят кескинлашиб, эксплуататор «юқори табақалар»ни ички низолар заифлаштириб қўйган эди. Россия пролетариати гарчи аҳолининг бошқа табақаларига нисбатан олганда Европадаги ишчилар синфига қараганда камсонли бўлса-да, лекин большевиклар партиясининг олиб борган толмас сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти туфайли жипслашган ҳамда бой революцион тажрибага эга эди.

Ишчилар синфининг кучи шунингдек унинг иттифоқчилари мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Россияда кўп миллионли деҳқонлар ва эзилган миллатларнинг меҳнаткашлари ана шундай иттифоқчилар эди, улар биринчи рус революциясидаёқ мамлакат пролетариати билан бирга курашга чиққан эди. Большевиклар уруш муносабати билан 10 миллиондан зиёд деҳқон ва ишчи тўпланган армияда ҳам революцион пропаганда олиб боришарди. Россия пролетариати ўзининг ҳар қандай оппортунизмдан холи бўлган марксча-ленинча партиясига эга эди.

Бир мамлакатдаги социалистик революция жаҳон революцион ҳаракатидан ажралиб қолган воқеа эмас. Алоҳида бир мамлакатдаги пролетариатнинг ғалабаси жаҳон революциясининг бир қисми бўлиб, у империалистик фронтнинг бошқа мамлакатлардаги ўпирилишини янада кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратади. «Социалистик революция, — деб уқтирган эди В. И. Ленин, — битта иш эмас, бир фронтда бир мартагина бўладиган жанг эмас, балки кескин синфий тўқнашувлар билан ўтадиган бутун бир даврдир, барча фронтларда, яъни экономика ва сиёсатга доир барча масалалар юзасидан бўладиган қатор-қатор жанглардир, бу жанглар буржуазияни экспроприация қилиш билангина тамом бўлиши мумкин» (ТАТ, 27-том, 293-бет).

В. И. Ленин социалистик революция назариясини ишлаб чиқар экан, империализмга қарши курашда демократик, айниқса миллий-озодлик ҳаракатларининг ролини белгилашга муҳим аҳамият берган эди. Ҳар турли оппортунистлар миллий-озодлик ҳаракати пролетариатини социализм учун курашдан фақат чалғитади деб ҳисоблаб, унинг революцион ролини инкор этган эдилар. Улар шунингдек империализм даврида фақат пролетар революциялари бўлиши мумкин деган хато фикрга бориб, ҳали ишчилар синфига эга бўлмаган мустамлакаларнинг халқлари учун ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳам инкор этган эдилар. В. И. Ленин ўз

нуқтаи назарини қаттиқ ҳимоя қилиб, шундай ёзган эди: «Демократия учун кураш пролетариатни социалистик революциядан четга тортиши ёхуд социалистик революцияни тўсиши, уни панада қолдириши мумкин ва ҳоказо деб ўйлаш жуда катта хато бўлар эди» (ТАТ, 27-том, 293-бет). Яна: «Соф» социал революцияни кутган одам *ҳеч вақт* бундай революцияга эриша олмайди. Бундай одам оғиздагина революционер бўлиб, у ҳақиқий революцияни англамайди» (ТАТ, 30-том, 64-бет). Фақат пролетариат томонидан амалга ошириладиган революция уни сектантликка ва асосий меҳнаткашлар оммасидан ажралиб қолишга дучор қилур эди. Бу айникса аҳолисининг катта қисми деҳқонлардан иборат бўлган кўп миллатли Россиядаги ва бошқа мамлакатлардаги революцион ҳаракат учун ҳалокатли бўлур эди.

В. И. Ленин оппортунистлардан фарқли равишда жаҳон революцион процессига у ёки бу зиддиятлар ва проблемаларнинг кескинлигига қараб бутун бир қатор демократик ва социалистик ҳаракатларнинг йиғиндиси сифатида қарар эди. Масалан, Россияда социалистик революцияни бошлашдан илгари буржуа-демократик тўнтариш ясаш — самодержавие ва помешчиклар ҳокимиятини ағдариб ташлаш лозим эди. Дунёнинг кўпчилик қисмида эса миллий-озодлик революцияси биринчи ўринда турарди. Умумий душман — империализмга қарши кураш капиталистик мамлакатлар пролетариатидан мустамлакалардаги халқларнинг озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашни талаб этарди. «Биз монголлар, эронликлар, ҳиндлар, мисрликлар билан яқинлашишга ва бирлашишга бор кучимизни сарф қиламиз, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — шундай қилишни биз ўз бурчимиз ва *ўз манфаатимиз* деб ҳисоблаймиз, чунки шундай қилмаса, Европада социализм *мустаҳкам бўлмайди*» (ТАТ, 30-том, 144-бет).

Лениннинг бу ғояларини КПСС ҳар доим изчиллик билан амалга оширишга ҳаракат қилиб келди. Ҳозирги пайтда ҳам у озодликка эришган мамлакатлар халқларининг иқтисодий мустақиллик учун, социал тараққиёт учун олиб бораётган кураши билан бирдамлигини намоён қилмоқда. «Партия **социалистик йўлни кўзловчи мамлакатлар** билан бирдамликка, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликка катта **аҳамият** беради, — деб қайд қилинади янги таҳрирдаги КПСС Программасида. ...Совет Иттифоқи шу йўлдан бораётган халқларга хўжалик ва маданий қурилишда, миллий кадрлар тайёрлашда, мудофаа қобилиятини оширишда ва бошқа соҳаларда ўз имкониятларига яраша ёрдам бериб келди ва ёрдам бераверади».

Империализм даврида демократия учун кураш ва социализм учун кураш озодлик ҳаракатининг икки босқичини ташкил этиб, ягона процессга айланиб кетади. Бу билан революциянинг социал базаси кенгаяди. Лекин тўла-тўкис демократлаштириш социализм ғалаба қозонганидан сўнггина амалга ошиши мумкин. Шунинг учун деҳқонлар ҳаракати, миллий ва бошқа прогрессив ҳаракатлар демократик талаблар билангина чекланиб қолмаслиги керак. Айни вақтда ишчилар ҳаракати ҳам пролетариат диктатураси учун ва капиталистик хусусий мулкчиликни экспроприация қилиш учун курашмасдан биргина демократик туб ўзгартишлар билан кифояланиб қола олмайди. «Демократия учун олиб бориладиган курашни социалистик революция учун олиб бориладиган кураш билан *қўша* билиш, биринчисини иккинчисига *бўйсундира* билиш керак, — деб ёзган эди В. И. Ленин. — Бутун қийинчилик ана шунда; бутун моҳият ана шунда» (ТАТ, 49-том, 403-бет). Большевиклар 1917 йил Октябрда ишчилар, деҳқонлар, миллий-озодлик ва урушга қарши ҳаракатларни ягона бир оқимга бирлаштириб, уларни капитализмни ағдариб ташлашга ва пролетариат диктатурасини ўрнатишга йўналтириб, худди шундай иш қилдилар.

«Пролетар революциясининг ҳарбий программаси» мақоласида ҳар томонлама ишлаб чиқилган пролетариатнинг ҳарбий сиёсати ҳақидаги

коида ленинча социалистик революция назариясининг муҳим таркибий кисми ҳисобланади. Бу маколада В. И. Ленин айрим социалистлар томонидан капитализмни ағдармай туриб эксплуататор синфларни ишонтириш йўли билангина урушларнинг олдини олиш ва бу синфларни куролсизлантириш мумкинлиги тўғрисида тарғиб қилинган пацифистик хомхаёлларни танкид қилди.

В. И. Ленин социалистларнинг адолатли революцион урушларга — гражданлар ва миллий-озодлик урушлари, пролетариатнинг куролли кўзғолонлари, ағдариб ташланган эксплуататорларнинг каршилигини куч билан бостириш, империалистларнинг ҳарбий интервенциясини ва уларнинг контрреволюцияни экспорт қилиш учун уринишларини қайтаришга карши бўла олмасликларини кўрсатиб ўтган эди. Гражданлар урушини инкор этиш, деб таъкидлаган эди Владимир Ильич, антагонистик синфий жамиятда революциядан воз кечишга тенг бўлар эди.

Бир мамлакатда революциянинг ғалаба қозониши, деб огоҳлантирган эди В. И. Ленин, «бошқа мамлакатлар буржуазияси билан социалистик давлатнинг ғолиб пролетариати ўртасида низо туғдириши билан бирга, шу мамлакатлар буржуазиясининг социалистик давлат пролетариатини тормор қилишга очиқдан-очиқ интилишига ҳам сабаб бўлиши турган гап. Бундай ҳолларда бизнинг томонимиздан бўладиган уруш қонуний ва адолатли уруш бўлади. Бу уруш социализм учун, бошқа халкларни буржуазиядан озод қилиш учун олиб бориладиган уруш бўлади» (ТАТ, 30-том, 160-бет). Ленин шунингдек социал-шовинистларнинг «ватанни ҳимоя қилиш»га қаратилган иғвогарлик чақириқлари империалистик талончилик урушларини оқлаш ва халкларни гўёки бу урушлар адолатли характерга эга деб алдаш эканлигини фош қилади. «Ватанни ҳимоя қилиш» шиори пролетариат учун у ҳокимиятни қўлга олгандан сўнггина ишонарли шиорга айланади.

Ҳар қандай революция ўзини-ўзи ҳимоя қила олган тақдирдагина бирор нарсага арзийдиган революция бўла олади деган ленинча қоидани тарихий тажриба ишонарли тарзда тасдиқлаб турибди. Дунёда амалда революцион туб ўзгартиришларни амалга ошира туриб империализм томонидан ҳарбий тазйиқ кўрсатилишини ёки ички реакциянинг куролли қаршилик кўрсатишини бошидан кечирмаган бирон-бир мамлакат бўлган эмас. В. И. Ленин Париж Коммунасининг тажрибаси тўғрисида эслатиб, «у керакли пайтда қуролли кучдан етарли даражада фойдаланмаганлигидангина кулаган эди», деб кўрсатган эди (ТАТ, 35-том, 313-бет). Империалистик ва ички контрреволюцияга қарши зарба бериш учун қуролли кучларни мустаҳкамлашга доир ишларни эътиборга олмаслик 1973 йилда Чилидаги халқ бирлиги ҳукумати ағдарилишининг сабабларидан бири бўлган эди. Бу мамлакат халқининг фожиаси пролетариат диктатурасисиз социализмга ўтиш ва чуқур революцион-демократик туб ўзгартишлар қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги муқаррар ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади.

Социализмни ташқи ва ички контрреволюциядан қуролли ҳимоя қилиш тўғрисидаги ленинча кўрсатмаларнинг актуаллиги ҳозирги шароитда ҳар качонгидан ҳам ошиб бормокда. АҚШ ҳарбий доиралари томонидан СССРга карши «салб юриши» эълон қилинганлиги, ҳарбий-стратегик мувозанат (паритет)ни империализм фойдасига бузиш учун уринишлар, космосни ҳарбийлаштириш планлари, куролланиш пойгаси, Европадаги қатор мамлакатларда Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга карши қаратилган Американинг ядровий каллакли ракеталарининг ўрнатилиши, СССРнинг ядро синовларини тўхтатиш ва ядровий запасларни қисқартириш ҳақидаги таклифларини назар-писанд қилмаслик ва шу сингарилар КПСС ва Совет давлати зиммасига ўз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш мажбуриятини юклайди. «...Бироқ, империализмнинг агрессив урушлар, ҳарбий тўқнашувлар келтириб чиқариш хавфи мавжуд бўлар экан, партия СССРнинг мудофаа

кудратини кўчайтиришга, унинг хавфсизлигини мустаҳкамлашга, Куролли Кучлар ҳар кандай агрессорни тор-мор этишга тайёр туришларига муттасил эътибор бераверади», — дейилади янги таҳрирдаги КПСС Программасида.

Бу программавий коида В. И. Лениннинг «Пролетар революциясининг ҳарбий программаси» маколасидаги куйидаги кўрсатмасига тўла-тўкис мувофиқ келади: «Пролетариат буржуазияни куролсизлантиргандан *кейингина,* ўзининг оламшумул-тарихий вазифасига хиёнат килмасдан, умуман ҳар кандай куролни улоктириб ташлаши мумкин, пролетариат, шубҳасиз, шундай килади ҳам, лекин — *буржуазияни қуролсизлантиргандан кейингина шундай қилади, аммо асло ундан илгари эмас»* (ТАТ, 30-том, 162-бет).

КПСС XXVII съезди ҳар бир коммунистни, ҳар бир совет кишисини мамлакатнинг мудофаа қобилиятини зарур даражада тутиб туриш учун уларга боғлиқ бўлган ҳамма ишни килишга чакирди. Съезд белгилаган фан-техника тараққиёти негизида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш стратегик йўли, барча совет кишиларининг ташаббускорона ва виждонан меҳнат килиши СССРнинг иқтисодий, бинобарин, мудофаа кудратини ҳам жиддий тарзда оширишга олиб келади.

В. И. Ленин инсониятнинг капитализмдан социализмга ўтиши муқаррарлигини исботлар экан, нафақат турли мамлакатлардаги революцияларнинг турли вактларда бўлишини, шу билан бирга улар формаларининг ранг-баранглигини ҳам таъкидлаб ўтган эди. Владимир Ильич революцион назария ва практикада сийқа андоза ва догматизмни рад килиб, пролетариатнинг миллий ва интернационал вазифаларини бирга кўшиб олиб боришга, капиталистик жамиятни социалистик жамиятга айлантиришнинг умумий қонуниятларига амал килишга чакирган эди. Бу проблемаларни тушуниб олишда ленинча социалистик революция назарияси ғоят катта аҳамият касб этади. Гарчи оппортунистлар ва антикоммунистлар ҳаммавакт мазкур назария факат Россия билан бир хил типдаги давлатлар учунгина яроқлидир, деб исботлашга беҳуда уринсалар ҳам бу назария бизнинг мамлакатдан бошқа мамлакатларда ҳам тўла тасдикланди. Тарихий тажриба кўрсатиб турганидек, бошқа мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари, шунингдек меҳнаткашларнинг империализмга қарши курашига раҳбарлик қилаётган революцион-демократик партиялар ҳам ленинча социалистик революция назариясини ўзларига курол қилиб олдилар. «Жаҳон тараққиётининг бутун жараёни ҳозирги даврнинг характери ва асосий мазмунининг марксча-ленинча анализи тўғрилигини тасдиқлайди, — дейилади янги таҳрирдаги КПСС Программасида: — **Ҳозирги давр — капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтиш, жаҳондаги икки социал-сиёсий системанинг тарихий мусобақаси давридир, социалистик ва миллий-озодлик революциялари даври, мустамлакачиликнинг барбод бўлиш давридир, ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари — жаҳон социализми, ишчилар ва коммунистик ҳаракат, озодликка эришган давлатлар халқларининг, оммавий демократик ҳаракатларнинг империализмга, унинг агрессия ва зулм сиёсатига қарши, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун кураши давридир».**

Ленинча социалистик революция назарияси халқаро коммунистик ва ишчи партиялари Кенгашларининг, КПСС съездларининг ҳужжатларида, айникса КПСС Программасининг янги таҳририда ва КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида янада ижодий бойитилди. Халқаро коммунистик ҳаракатнинг таркибий қисми бўлган ленинчи коммунистлар партияси ўзининг социалистик жамиятни такомиллаштириш ва коммунизм сари илгарилаб бориш соҳасидаги фаолиятига муҳим интернационал вазифа сифатида карайди.

ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД — ПАРТИЯВИЙ ИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ

С. МАМАРАСУЛОВ,

Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари

КПСС МКнинг 1986 йил июнь Пленуми партия XXVII съездидан кейинги ўтган ойлар ичида қилинган ишлар натижасини таҳлил этиб, партиявий ишни фаол қайта қуриш зарурлигини яна бир карра таъкидлади. Бу қайта қуришнинг маъноси — одамлар томон, жонли иш томон бурилишдир. «Биз инсонни партиявий иш марказига қўйиш орқалигина съезд илгари сурган вазифаларни ҳал эта оламиз», — деди КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев Пленумдаги докладида.

Бу гапларнинг замирида кўп маъно бор. Биз партия ташкилотлари ишига баҳо берар эканмиз, уларни ҳамиша эътиборда тутмоқдамиз. Бунда биз қуйидаги саволларга жавоб топишга интилмоқдамиз: партия кадрлари қайта қуриш ғояларини қанчалик тўла ва чуқур қабул қилдилар, улар амалий ишларда қандай татбиқ қилинмоқда, ҳаёт ўртага қўяётган проблемаларнинг янги, самарали ечимларини излаш қандай бормоқда, турли даражалардаги партия, совет, хўжалик органларининг ўзаро муносабатлари муҳити қандай, улар одамларнинг эҳтиёжлари ва талабларига оператив равишда ва тушуниб жавоб бера биладиларми, ҳозирги куннинг талабларига мувофиқ ҳаракат қила оладиларми? Қуйидаги савол ана шу саволлар сирасида муҳим ўринда туради: партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг савияси қандай, у коммунистларда принципиаллик, ростгўйлик ва большевикча дангалликни тарбиялаш учун нима қилмоқда?

Маълумки, партия ўзининг ҳар бир аъзосига қўйиладиган бу талабни энг муҳим талаблардан бири деб ҳисоблайди. Унинг XXVII съезди ҳужжатларида қайд қилинганки, КПСС, агар унинг ўзи узлуксиз ривожланишда, «гуноҳсизлик» комплексидан холи бўлса, эришилган натижаларни танқидий баҳоласа, нима қилиш лозимлигини аниқ-равшан кўриб турса, янги вазифаларни муваффақиятли ҳал қила олади.

Проблемаларнинг кўламдорлиги ва мураккаблиги, ўтмишдан тўла-тўкис муросасиз сабоқ ола билиш зарурлиги кадрларга, уларнинг иш услубига янги талаблар қўйилишини тақозо этади. Бинобарин, агар танқид ва ўз-ўзини танқид ленинчасига ривожлантирилмаса, КПСС XXVII съездининг — ҳамма даражалардаги, ҳамма поғоналардаги бутун фаолиятимизга янгича партиявий назар билан қараш тўғрисидаги даъватига жавоб бериб бўладими?

Ўз-ўзини таҳлил этиш, назорат қилиш, умрини яшаб бўлган, эскирган иш формалари ва методларидан қатъиян воз кечиш қобилияти партия кучининг асосий манбаларидан, бутун жамиятимизнинг олға томон

ҳаракатини тезлаштирувчи омиллардан биридир. В. И. Ленин сиёсий партиянинг ўз хатолари ва нуқсонларига муносабатини унинг меҳнаткашлар олдидаги бурчини бажариш борасидаги жиддийлигининг жуда муҳим мезони деб ҳисоблар эди. У бундай деб таъкидлаган: «Хатони очиқ иқрор қилиш, унинг сабабларини очиб бериш, уни туғдирган шароитни таҳлил қилиш, хатони тузатиш воситаларини диққат ва эътибор билан муҳокама қилиш — мана бу нарса унинг ўз вазифаларини бажаришидир, бу нарса — *синфга* ва сўнгра *оммага* ҳам тарбия ва таълим беришдир» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 45-бет). Партиянинг XI съездида В. И. Ленин шу вақтгача ҳалок бўлган барча революцион партиялар — кибрланганликларидан, ўзларининг заиф томонлари тўғрисида гапиришдан қўрққанликларидан ҳалок бўлганликларини (45-том, 137-бетга қаралсин) уқтирган эди.

Танқид ва ўз-ўзини танқиднинг партия ва бутун жамият ҳаётидаги роли тўғрисидаги ленинча қоидалар энг аввало КПСС Программаси ва Уставида мужассамланган. Совет давлатининг бутун ҳаёти мобайнида бу қоидалар партиянинг ўзи ривожлана борган сари ва жамият олдида турган вазифалар билан боғлиқ ҳолда конкрет тарихий вазиятга татбиқан узлуксиз ривожланиб борди.

Ҳозир танқид ва ўз-ўзини танқид ҳар бир коммунистнинг нафақат ҳуқуқи, балки шу билан бирга бурчи ҳамдир. Бу партия турмуши ва фаолиятининг қонунидир. У партия сафлари бирлигини мустаҳкамлашга, раҳбарларни, барча коммунистларни марксча-ленинча таълимотга садоқат, юклатилган иш учун масъулият руҳида тарбиялашга, хўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ҳал этишда қуйи бўғинларнинг ролини оширишга, партия ички турмушини активлаштиришга, демократияни бутун чоралар билан авж олдиришга, жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида социал адолат принципини қарор топтиришга ёрдам беради. КПСС МКнинг «Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини ўтказиш тажрибаси тўғрисида» (1969 йил), «Тамбов область партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволи тўғрисида (1975 йил), «Қирғизистон партия ташкилотининг партияга қабул қилиш ва КПСС аъзолигига кандидатларни тарбиялаш соҳасидаги иши тўғрисида»ги (1976 йил) қарорлари, контрол ва ижрони текширишни кучайтиришга, меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қарорлар бунда катта роль ўйнади. КПСС МКнинг Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг иши тўғрисидаги қарори (1981 йил) республикамиз учун муҳим аҳамиятга молик бўлди, бу қарор коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда уларнинг активлигини ривожлантириш вазифасини қўйган эди. Биз Ўзбекистон Компартияси МК XVI пленуми (1984 йил июнь) қарорларини ҳамда республика Коммунистик партияси XXI съездининг қарорларини танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришда олға томон қўйилган катта қадам деб биламиз, улар маънавий-психологик иқлимни соғломлаштиришга, кадрларнинг масъулиятини оширишга, социал адолат принципларини қарор топтиришга ёрдам берди.

Кейинги йилларда партия қилган улкан ишлар туфайли унинг XXVII съезди шундай бир савияда ўтказилдики, бу съезднинг тарихий аҳамиятини ҳақиқат сабоғи сифатида баҳолаш имконини берди, КПСС фаолиятига, жамиятимизнинг бутун ҳаётига юксак маънавий руҳ бағишлади. Аслини олганда унинг биронта ҳам соҳаси танқидий таҳлил қилинмай қолмади. Бу ҳол КПСС МКнинг 1986 йил июнь Пленумида, биз проблемаларни очиқчасига ва кескин қилиб қўйишга дахлдор ҳамма масалада бир поя баланд кўтарилдик, деб таъкидлашга асос берди.

КПСС XXVII съезди материалларига мурожаат қилар эканмиз, аввало партияда контролдан ташқари, танқид қилиб бўлмайдиган ташкилот йўқ ва бўлмаслиги керак, партиявий масъулиятдан ҳоли

раҳбарлар йўқ ва бўлмаслиги керак, деган қоидани ажратиб кўрсатишни истар эдик. Бу программавий талабдир. У партиявий иш савиясини ошириш билан партиявий танқидни ривожлантиришни бир бутун қилиб бирлаштиради. Бунда уларнинг бир-бирини тақозо этиши ва бир-бири билан боғлиқлиги равшан. Маълумки, агар тўғри хулосалар чиқарилса, ҳатто салбий, негатив тажриба ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Булардан энг муҳими, бизнинг фикримизча, шундан иборатки, сўз билан иш ҳеч қачон фарқ қилмасин, ҳар бир коммунист, ҳар бир партия ташкилоти ёки партия органи ленинча иш услубига, партия турмуши ленинча нормаларига тарафдорлигини шунчаки эълон қилибгина қолмай, шу билан бирга уларга мувофиқ иш кўрсин. Ахир, танқиддан танқиднинг фарқи бор. У камчиликлар билан курашнинг ҳаммабоп воситасидан муайян шароитларда уларни хаспўшлаш, ҳамма нарсани жойида деб кўрсатиш, ёлғондакам ҳамфикрлик вазиятини вужудга келтириш, дабдабабозлик ва қуюшқондан ташқари чиқиб кетишга йўл очиб бериш воситасига айланиб қолиши мумкин.

Бундан икки йилгина муқаддам областимиз оғизга тушиб қолди, амалда эса бу асоссиз бўлиб чиқди. Устма-уст ташаббуслар қалашиб кетди — булар ишлаб чиқариш соҳасида айрим катта ютуқларга эришиш иштиёқидан хўжаликни бошқаришни ташкил этишда туб ўзгаришлар ясаш хоҳишигача бўлган ташаббуслар эди. Гектаридан гўё 50 центнер ва ундан ортиқ қимматли ингичка толали нав пахта, 100 центнергача маккажўхори дони олган кўплаб бригадалар пайдо бўлиб қолди ва хоказо. Коллектив раҳбари учун давлат планини бажариш эмас, балки юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ваъда қилиш энг яхши баҳо бўлиб қолган эди. Бундай раҳбар йил охирида ҳеч нарсадан қайтмаслиги ва ҳатто планнинг камайтирилишига эришиши ҳам мумкин эди. Бунинг оқибатида кадрлар ҳақиқий ҳаёт сабоқлари асосида эмас, балки кимнингдир иродасига кўр-кўрона бўйсуниш руҳида тарбияландилар. Шу тариқа мустақиллик бўшашди, ҳамма нарса жойида деб кўрсатиб келинди.

Партия комитетларининг бюро мажлисларида, пленумларда, турли кенгашларда ленинча иш услубига ва партия турмуши нормаларига риоя қилиш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш зарурлиги тўғрисида баландпарвоз гаплар авжга минди. Кўпгина тадбирлар юқори партия, совет ва хўжалик органларининг вакиллари ва раҳбарлари иштирокида ўтказилар эди. Шуларнинг бари ишчанлик ва объективлик таассуротини туғдирарди.

Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1984 йил июндаги XVI пленуми ва шундан кейинги пленумлари, унинг XXI съезди, съезд олдидан бўлиб ўтган область партия конференциялари танқиднинг айнишига, унинг қийинчиликлар ва зиддиятларни бартараф этишнинг самарали, синалган воситасидан модага эргашишга айланиб кетишига партиявий принципиаллик билан қарши чиқди.

Областимиз партия ташкилотлари, коммунистлари КПССнинг интизом ва тартибни мустаҳкамлаш сари тутган йўлини зўр эътибор ва манфаатдорлик билан қабул қилдилар. Улар бу йўлни маъқуллашларини ҳамда ўзгаришлар ясашга, принципиаллик муҳитини ва лоқайдлик ҳамда хотиржамлик билан муросасиз кураш муҳитини яратишга, салбий ҳодисаларни бартараф қилишга шай эканликларини изҳор қилдилар. Қуйидан бўладиган танқид кайфияти кескин кўтарилди. Ҳозир партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида коммунистлар ўзини обрўсизлантириб қўйган барча даражадаги раҳбар ходимларнинг номларини айтибгина қолмай, шу билан бирга экономикага раҳбарлик қилишда, ижтимоий ҳаётда йиғилиб қолган проблемаларнинг сабабларини ишчанлик билан очиб ташламоқдалар. Область партия ташкилотидаги съезд олдидан бўлиб ўтган сўнгги ҳисобот-сайлов кампанияси аввалги барча конференцияларга ўхшамагани тасодифий эмас. Шуни айтиш кифояки, партия конференцияларида айтилган танқидий мулоҳазаларнинг аксар

кўпчилиги конкрет масъул шахсларга, шу жумладан область, шаҳар ва район партия комитетлари бюро аъзолари, секретарлари, бўлим мудирларига каратилди. Биринчи дафъа уларда раҳбарларнинг ахлоқий ва сиёсий хислатларига баҳо берилди, партия, совет ва хўжалик органларининг иш услуби ва методларидаги нуқсонлар очиқчасига муҳокама қилинди. Ишларнинг аҳволидан ҳамманинг қониқмаганлиги маълум бўлди, кўп кишилар партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан самаралироқ тадбирлар кўриш, мажлисбозлик иллати, раҳбарликдаги қоғозбозлик услуби, маъмуриятчилик билан, партия ва бошқа органлар ўрнини босиш ва уларнинг вазифасини бажариш билан курашиш зарурлиги тўғрисида гапиришди.

Ана шу мулоҳазалар ва таклифларнинг ҳаммаси умумлаштирилди, партия комитетларида кўриб чиқилди. Уларнинг кўпи сайланиб кўйиладиган партия органларининг амалий фаолиятига асос қилиб олинди, область, шаҳар ва район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг иш планларида акс эттирилди, кадрлар билан олиб бориладиган кундалик ишда ҳисобга олинмоқда.

КПСС XXVII съездининг янгича ишлаш талаби моҳиятини биз очиқ-ошкоралик ва принципиаллик ҳамда ишчанлик руҳи барча партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида кенг ёйилиши ва доимий амал қилиши, ҳар бир коммунистнинг, ҳар қандай даражадаги раҳбарнинг хулқ-атвор нормаси, турмуш қоидаси бўлиб қолишида кўрамиз.

Съезд олдидан область партия комитети ўтказган йирик тадбирлардан бири областда танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволини ўрганиб чиқиш бўлди. Кенг актив ёрдамида биз партия ташкилотларининг кўпини текшириб чиқишга муваффақ бўлдик. Масала комплекс равишда ўрганилди, партия ички демократияси принципларига риоя қилиниши, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик савияси ҳисобга олинди. Бу ишнинг натижалари шаҳар ва район партия комитетлари кенгашларида бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг иштирокида якунланди. Очиқчасига гаплашиб олиш мавжуд фойдали тажрибани умумлаштириш, фойдаланилмаган резервларни ишга солишнинг конкрет йўлларини белгилаб олиш имконини берди.

Албатта, дастлабки қадамларгина кўйилди, ҳали олдимизда иш кўп. Биз турли мажлислар, кенгашлар сонини қатъият билан камайтириб бормоқдамиз. Область, шаҳар ва район партия комитетлари аппаратининг куч-ғайратларини бирлаштириш йўлларини излаяпмиз.

Республика партия активининг шу йил 3 июлда Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида, жумладан, камайтирилган планлар олинишига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида менинг шаънимга ҳам одил гап айтилди. Турган гапки, план реал бўлиши, лекин, КПСС МҚнинг 1986 йил июнь Пленуми ундаганидек, у мамлакат экономикасидаги туб бурилишга ёрдам берадиган бўлиши керак. Планларни бажаришнинг йўли фақат битта — иш услубини, ишга муносабатни қатъиян қайта қуришдир. Ҳозир биз шундай йўлдан боришга интилмоқдамиз. Область партия комитетининг қишлоқ хўжалик бўлимида ҳар ой шу бўлим билан район партия комитетлари ходимларининг қўшма кенгашларини ўтказишга қарор қилинди. Бу кенгашларда йирик, принципиал масалалар юзасидан партиявий қарорлар қандай бажарилаётгани муҳокама қилинади, сиёсий ва ташкилотчилик иши тажрибаси алмашинади. Бошқа бўлим — фан ва ўқув юртлари бўлимида — шаҳар ва район партия комитетларининг ёш ходимлари стажировкадан ўтадилар. Бунда улар ўзларининг асосий вақтларини, илгарилари бўлганидек, область партия комитети биносида ўтказмайдилар, балки жойларнинг ўзида махсус ишлаб чиқилган тематика бўйича область партия комитети бўлими назорати остида партия комитетлари фаолиятини ўрганадилар.

Бу янги тадбирнинг дастлабки натижалари умид бағишлайди. Стажировкага қизиқиш анча ортди. Эндиликда у юқори партия органи

тажрибали маъсул ходимининг бевосита назорати ва ёрдамида сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти практикасини чуқуррок ўзлаштириш имконини берадики, бу нарса ёш кадрларда ўзига ва атрофдаги кишиларга талабчанлик даражасини оширади, эришилган муваффақиятларга танқидий муносабат шаклланишига ёрдам беради.

Бизнинг ишимизда ҳозирча хилма-хиллик, янгиликни оператив қабул қилиш, шу куннинг етилган вазифаларига мос иш формаларини баҳолашда зийраклик етишмайди, ваҳоланки, янги иш формаларини ўз вақтида жорий этиш, уларга йўл бериш керак. Бугунги кунда биз ҳар бир ходимда, хусусан раҳбарда янгилик туйғусини ривожлантиришга интилмоқдамиз, уларнинг ташаббусига кенг йўл бермоқдамиз, партиявий фаолият методлари ва воситаларининг ранг-баранг бўлиши тарафдоримиз. Масалан, илгарилари партия ташкилотлари секретарларини ўқитишда улар ишининг ўзига хос хусусиятлари етарлича ҳисобга олинмас эди. Одатда кам сонли партия ташкилотларининг етакчилари бошқа тармоқларда иш кўраётган партия ташкилотлари секретарлари билан қўшиб ўқитилар эди. Бу эса тадбирларнинг самарадорлигини пасайтирарди. Область партия комитетининг секретарлари фан ва ўқув юртлари бўлимининг соғлиқни сақлаш органлари бошланғич партия ташкилотлари секретарлари семинар-кенгаши ўрнига ана шу соҳада ишловчи коммунистларнинг умумий йиғилишини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бунда ташкилотларнинг кам сонли эканлиги, область аҳолисига медицина хизмати кўрсатишдаги йиғилиб қолган проблемалар каби хусусиятлар ҳисобга олинди. Бу ташаббусни коммунистлар тушуниб қабул қилдилар, у ишларнинг яхшиланишидан катта манфаатдорликни вужудга келтирди.

Маълумки, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири — уларга тўғри муносабатда бўлишдир. Съезд олдидан бўлиб ўтган область партия конференциясида бир қатор делегатлар қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкил этишда область партия комитети секретариатининг ролини ошириш зарур деб ҳисобладилар. Ана шу мақсадда биз ўзимиз учун янги иш формасини — секретариатнинг протоколсиз мажлисларини ўтказишни расм қила бошладик. Бу мажлисларда область партия комитети секретарлари, бўлим мудирларининг, бошқа раҳбарларнинг йирик проблемали масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар қандай рўёбга чиқарилаётганлиги тўғрисидаги ахборотлари тингланади. Эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар у ёки бу ходимнинг шахсий ҳиссасига очиқчасига, ўртоқлик вазиятида баҳо берилади, унинг фаолияти услубидаги нуқсонлар, индивидуал хислатлари тўғрисида гап юритилади, топширилган иш участкасидаги аҳвол объектив тарзда очиб берилади. Бу форманинг тарбиявий роли ғоятда сезиларли бўлиб чиқди. Одатда бундай мажлисларга танқиднинг юксак савияда бўлиши, ишчанлик хосдир.

Номенклатура лавозимидаги кишиларга характеристикаларни область комитети бюросида қайтадан тасдиқлаш практикасини раҳбарликни яхшилашдан манфаатдорлик тақозо этмоқда. Шаҳар ва район комитетлари секретарларининг, партия аппаратининг область комитети бюро аъзолари ва секретарлари билан учрашуви каби иш формаси ҳам турмушга мустаҳкам сингиб кетди. Областдаги партия комитетларининг барча ходимлари билан бир кунлик семинар ўтказилди. Бунинг асосий мақсади партия кадрларида ишга янгича муносабатда бўлишда психологик силжишга эришиш, уларда КПСС XXVII съезди қарорларини рўёбга чиқариш учун масъулият туйғусини тарбиялаш, коллектив тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланишдан иборат эди.

Шу нарса қувонарлики, партиявий ишга янгича талаблар бошланғич ташкилотларда ҳам ўзига йўл топа бошлади. Бошланғич ташкилотларда коммунистлар, шу жумладан раҳбарларнинг Уставда белгиланган бурчларини бажаришлари илгари айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларнинг, партия қарорларининг рўёбга чиқарилиши тўғрисидаги

ҳисоботлари ва ахборотлари ҳозир аввалдагидан анча кўп планлаштирилмоқда. Мана икки йилдирки, бошланғич партия ташкилотлари область, шаҳар ва район партия комитетлари номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрлар танлашда бевосита қатнашмоқдалар, характеристикаларни тасдиқламоқдалар, агар пайдо бўлиб қолса, шахсий ишларни кўриб чиқмоқдалар. Айрим раҳбарларни бошланғич партия ташкилотлари контролидан холи қилишдек ярамас практикага қатъиян чек қўйилди. Буларнинг бари, шак-шубҳасиз, коммунистлар куч-ғайратини оширади, уларда ўткир адолат туйғусини, камчиликларга, партия турмуши ленинча нормаларидан чекинишларга муросасизликни тарбиялайди ва пировард натижада вазиятнинг соғломлашувига хизмат қилади.

Ҳар бир кишининг коллектив иши учун шахсий жавобгарлиги сезиларли даражада ошди, интизом юксалди. Меҳнаткашлар активлигининг ошганлигига мисоллар кўп. Масалан, Денов автобус-таксомотор корхонаси мотор цехининг бригадири Ч. Абдураззоқов мавжуд резервлардан фойдаланиб, цехни ўз кучлари билан реконструкция қилишни таклиф қилди. Ёғ-экстракция заводининг ишлаб чиқариш-техник ходимлари ҳам маънавий жиҳатдан эскириб қолган асбоб-ускуналарни ўз кучлари билан модернизация қилмоқдалар. «Шарғун» конининг коллективи учун ўн биринчи беш йиллик осон кечмади. У ишлаб чиқариш программасини уддалай олмади, ҳамиша танқидга нишон бўлиб келди. Ҳозир аҳвол ўзгарди, шахта меҳнаткашлари дадиллик билан барқарор иш маромига эришмоқдалар.

Агар танқид объектив, ишнинг моҳияти тўғрисидаги мукаммал ахборотга асосланган бўлсагина, уни принципиал танқид деб аташ ва унинг таъсирчанлигига умид боғлаш мумкин. Шу боисдан биз партия ички ахборотини такомиллаштиришни, партия ички демократиясини авж олдиришни уни янада ривожлантириш шартларидан бири деб биламиз.

Пленумлар орасида область, шаҳар ва район партия комитетлари бюроси иши тўғрисида ахборот бериш жорий этилди. Коллегиал органларнинг аъзолари коммунистлар олдида партия конференциялари делегатлари томонидан айтилган танқидий мулоҳазаларнинг қандай рўёбга чиқарилаётганлиги тўғрисида ахборотлар бериб турадилар.

Область газеталари саҳифаларидан «Ўзбекистон Компартияси область комитети бюросида» деган рубрика доимий ўрин олди. Бюро мажлисларида партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг партия қарорларининг турмушга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботлари эшитиб турилади. Обкомнинг бўлимлари партия ташкилотларида коллегиал органлар мажлислари, партия йиғилишларининг ўтказилиш муддатларига риоя қилинишини кузатиб борадилар.

Буларнинг бари ижод қилиш, ташаббус кўрсатиш, изланиш муҳитини вужудга келтиради. Биз коммунистлар билан суҳбатлашиб, уларнинг йиғилишларида қатнашиб, меҳнат коллективларига бориб тобора шунга кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдамизки, одамларда эришилганларни танқидий таҳлил қилишга майл, фикр алмашиш, баҳслашиш, ўз шубҳаларини айтиш истаги пайдо бўлди. Бу нарса айниқса партия йиғилишлари давомида, партия комитетларининг пленумларида намоён бўлмоқда. Биз уларда мумкин қадар кўпроқ ишчилар, колхозчилар, хотин-қизлар сўзга чиқишига интилмоқдамиз, шаҳар ва район партия комитетлари, қолаверса бошланғич партия ташкилотлари ҳам айтилган таклифларни ҳисобга олиш, уларнинг амалга оширилишини контрол қилишнинг пухта системасини йўлга қўйдилар. Бу борада ҳали биз кўп иш қилишимиз керак. Ахир областда ўнлаб корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ишлаб чиқариш топшириқларини бажаролмай келмоқдалар, чиқарилаётган маҳсулот сифати паст. Муваффақиятлар бўрттирилиб, камчиликлар хаспўшланаётган, хотиржамлик ҳукм суриб, соғлом танқид ва ўз-ўзини танқид йўқ партия ташкилотлари бор.

КПСС XXVII съездидан кейин область партия комитетининг бюроси

ўзининг мажлисида Гагарин район партия ташкилотининг 1985 йилги ҳисобот-сайлов кампанияси давомида айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар юзасидан қилаётган ишлари тўғрисидаги масалани ўрганиб чиқди ва муҳокама қилди. Муҳокама вақтида биз яна бир карра шунга ишонч ҳосил қилдикки, агар танқид ва ўз-ўзини танқиддан кейин амалий тадбирлар кўрилмаса, у осонликча маъносидан маҳрум бўлиб, қуруқ сафсатага айланиб қолади. Райондаги бошланғич партия ташкилотларидаги аҳволни ўрганиб чиқиш бу ерда мулоҳазаларнинг кўпчилик қисми қарорлардагина қолиб кетиб, назорат остига олинмаганлигини кўрсатди. Бунинг натижасида уларни рўёбга чиқариш тадбирлари ҳам ишлаб чиқилмаган. Район партия комитети район партия конференциясида айтилган таклифларни фақат шунчаки ҳисобга олиш билан чекланиб қолган. Ҳолбуки, конференцияда ҳамда йиғилишларда қилинган танқидлар коммунистлар анализи экономика ва бошқа соҳаларда ҳал этилмаган проблемалар мавжудлигининг сабабларини чуқур очиб ташлаганликларини кўрсатди. Таклифларни ўз вақтида ҳисобга олиш ва уларнинг рўёбга чиқарилишини контрол қилиб бориш хўжалик ва маданий қурилишдаги ишларнинг яхшиланишига анча таъсир қилиши, райондаги вазиятни соғломлаштириши мумкин эди.

Қуйидан бўладиган танқиднинг қиммати шундаки, у, одатда, объектив манзарани очиқдан-очиқ, бўяб-безамасдан ва холисона тасвирлайди, ҳар бир коллективда камчиликлар ва нуқсонларни туғдирган касалликнинг диагнозини белгилаб беради, деб ўйлайман. Оддий коммунистлар тез-тез ўзларининг чиқишларида оддий бўлиб кўринган нарсалар тўғрисида — запас қисмлар, материаллар, механизмлар етишмаслиги, нормал меҳнат ва турмуш шароити яратилмаганлиги ва шу кабилар тўғрисида гапирадилар. Раҳбар уларнинг гапига қулоқ солиши, зарур тадбирлар кўриш тўғрисида жиддий бош қотириши тўғри бўлур эди, қарабсизки, у айтилган гапларни писанд қилмайди ва оқибатда вақти келиб бу ерда планлаштиришда ҳам, тарбиявий ишда ҳам, ва умуман корхона ёки хўжаликка раҳбарлик қилишда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилганлиги маълум бўлади: айрим камчиликлар катта проблемаларга айланиб кетадики, уларни ҳал қилиш кўпинча биргина коллективнинг қўлидан келмай қолади.

Чунончи областда янги ерларни ўзлаштиришда планлаштириш органлари диққат марказида барпо қилинган қўриқ хўжаликларда меҳнат қилиши ва яшаши лозим бўлган одамлар эмас, балки пахта етиштиришни характерлайдиган рақамларгина турди, холос. Илмий асосланган талаблар иккинчи ўринга суриб қўйилди, ерларни ўзлаштириш биргина мақсад — майдонларга тезроқ экин экиб, маҳсулот олиш мақсади билангина қилинди. Натижада хўжаликларни комплекс қуриш унутилди, коллектор-дренаж шахобчаларини ишга туширишда нормадан анча четга чиқилди, малакали мелиоратор кадрлар тайёрлаш орқада қолмоқда. Йиллар ўтиб, эндиликда Гагарин, Ленин йўли ва Шеробод районларининг раҳбарлари область партия комитетининг ҳар бир пленумида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ёрдам сўраганлари сўраган. Яқинда ўзлаштирилган майдонларнинг ўн минглаб гектари ҳозирдаёқ кўзда тутилган самарани бермаётир. Проблема, таъбир жоиз бўлса, бутун борлиғи билан кўндаланг бўлиб қолди. Шу билан бир қаторда уй-жой объектлари, маданий-маиший бинолар, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари қуришга маблағларни кўпайтириш талаблари тобора тез-тез эшитилмоқда. Вақт қўлдан бой берилган ва энди буни тўғрилаш қийин. Одамлар бу районларга бир-икки ойга эмас, балки ҳамиша яшагани келишганини унутиш мумкинмиди, ахир?

Агар қўриқ хўжаликлардаги партия йиғилишларининг қарорлари диққат билан ўрганиб чиқилса, бугунги кунда ҳам оддий меҳнатчиларнинг дренаж шахобчаларидан ёмон фойдаланилаётганлиги тўғрисида, суғоришнинг илмий асосланган нормалари йўқлиги, мутахассисларга та-

лабчанлик бўшлиги, деҳқончилик маданияти пастлиги тўғрисида куйиб-пишиб гапираётганликларини пайқаш қийин эмас.

Афсуски, ана шу ва бошқа сигналлар одатда эътиборсиз қолиб келмоқда, ҳолбуки уларни шу меҳнат коллективлари, районлар имкониятининг ўзи билан ҳал этиш мумкин. Қуйидан бўладиган ташаббус шу тариқа бўғилади, лоқайдлик ва биқиқлик вужудга келади. Партия йиғилишларида биронта ҳам баҳсга оид мулоҳазалар, алоҳида фикрлар, келишмовчиликлар, типик бўлмаган нутқлар, конкрет таклифлар эшитилмайдиган партия йиғилишлари ҳали ҳам оз эмаслигининг сабаби шу эмасмикан?

КПСС XXVII съезди партия комитетларини меҳнаткашларнинг фикрларига муносабатни тубдан қайта кўриб чиқишга ундамоқда. Ахир оддий меҳнаткашларнинг ҳар бир сигнали, таклифи, мулоҳазаси уларнинг давлат ишларини бошқаришда қатнашишга интилишидан дарак беради. Биз, коммунистлар учун бу принципиал аҳамиятга моликдир. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ В. И. Ленин бундай деган эди: «Меҳнаткаш ўртоқлар! Ҳозирги вақтда давлатни *ўзингиз* идора қилаётганлигингизни эсда тутингиз. Агар ўзингиз бирлашмас экансиз ва давлатнинг *барча ишларини ўз* қўлингизга олмас экансиз ҳеч ким сизга ёрдам бермайди» (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 72-бет).

Бугунги кунда бу даъват айниқса салмоқли янграмоқда. Ҳар бир коллективнинг бошида омма билан яқиндан боғланган, унга таянадиган, омманинг талаб-эҳтиёжларига зийраклик билан муносабатда бўладиган, ўзининг шахсий ибрати билан омма онги ва активлигини ўстиришга ёрдам берадиган раҳбар туриши керак. Бу талаб аввало партия етакчисига қаратилгандир, чунки одамлар партия комитети тўғрисида, умуман партия тўғрисида унга қараб фикр юритишади.

Шуларга биноан бизнинг вазифамиз — кадрларнинг, аввало бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг активлигини оширишдир. Уларнинг аксарияти ҳали ҳам бўлса хўжалик раҳбарларининг раъйига қараб иш тутадилар, кўпинча уларнинг кўрсатмаси билан ишлайдилар, партиянинг коллективдаги иш учун масъулиятни оширишга қаратилган йўлини суст ўтказадилар. Биз ўқувга кўпроқ конкретлилик бағишлашга интилмоқдамиз. Масалан, партия ташкилотларидан бирининг базасида совхоз парткомлари секретарларининг ташкилий-партиявий ва оммавий-сиёсий иши масалаларини ўз ичига олган программа бўйича семинари ўтказилди. Бу ерда ибрат бўлсин учун область партия комитети секретари иштирокида партия комитети мажлиси ўтказилди, бу мажлисда совхоз директори ҳисобот берди. Бизнинг фикримизча, бундай семинарлар партиявий ишни янада такомиллаштиришда, партия кадрларининг амалий масалаларни сиёсий раҳбарлик воситалари билан ҳал қила билишида ўз ролини ўйнаши керак.

Меҳнат коллективларида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг савияси омманинг ўз ишларини бошқаришда, сиёсий ҳаётда иштирок этиш даражаси билан белгиланади. Бу тўғрида гражданларнинг хатлари, аризалари, оғзаки мурожаатларига қараб ҳам фикр юритиш мумкин. Уларда ҳал этилмаган проблемаларнинг сабаблари очилибгина қолмай, шу билан бирга коммунистлар ҳамда партиясизларнинг ташқи ва ички сиёсат соҳасида КПСС ўтказиб келаётган йўлга муносабатлари ҳам ифодаланади. Масалан, Ўзбекистон Компартияси МКнинг XVI пленумидан кейин жойлардан мурожаат қилиш сони анча кўпайди. Бу эса кадрлар билан ишлаш, хўжалик ва маданий қурилишда партиявий раҳбарлик масалаларини пухтароқ аниқлаб олишга ёрдам берди. Натижада халқ ишончини оқламаган раҳбарлар эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилди, уларнинг бир қисми одил жазо олди, кадрларга талабчанлик, топширилган иш учун уларнинг масъулияти ошди.

Ҳозир область, шаҳар ва район партия комитетлари таъсирчан резерв тайёрлаш соҳасида самарали иш формалари ва методларини собитқадамлик билан изламоқдалар, бунда бошланғич партия ташкилотлари,

меҳнат коллективларининг роли ошиб бормоқда. Биз одамларнинг ўз имкониятларига, социал адолат тантана қилишига ишониши жуда муҳим деб ҳисоблаймиз. Бу айни инсон омилини активлаштириш демакдирки, партия КПСС XXVII съезди белгилаб берган барча иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишни шу билан боғлайди.

Область партия ташкилоти замон талабларидан келиб чиқиб аввало экономика соҳасида ишга системали ёндашиш йўлини тутмоқда. Маълумки, бизнинг областимиз ривожланиш суръатларини жадаллаштириш соҳасида жуда катта резервга эга. Суғориладиган ерлар, қидириб топилган фойдали қазилмаларнинг запаслари, қишлоқ хўжалик меҳнатини максимал даражада интенсивлаштириш имконини берадиган қулай табиий-иқлим шароитлари, одам ресурсларининг етарлича мавжуд эканлиги бу тўғрида гапириш ҳуқуқини беради. Бу ерда кўп экинларни, биринчи навбатда пахта, шу жумладан унинг қимматли ингичка толали навларини, шунингдек узум, сабзавот, мева етиштиришда муайян тажриба тўпланган. Бизда одамлар қадимдан чорвачилик билан шуғулланадилар. Шу билан бирга областда ижтимоий меҳнат унумдорлиги ҳали паст, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этишда жиддий нуқсонлар, экономикани ривожлантиришда номутаносиблик мавжуд.

Асосий вазифа меҳнат ва бошқаришни ташкил этишнинг замонавий илғор форма ва методларини жорий этиш учун халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида база яратишдан иборат. Ҳозир танг жойларни йўқотиш борасида ҳар бир районда партия, совет, хўжалик органлари куч-ғайратини жамлашнинг асосий йўналишлари белгиланган. Жанубий районларда деҳқончиликда ҳам, шунингдек чорвачиликда ҳам интенсив технологияни жорий этиш, йирик ишлаб чиқариш бўлинмалари барпо қилиш, бошқаришнинг иқтисодий омилларини ишга солиш учун қатъий йўл тутилмоқда. Натижада бу районлар гарантияланган ҳосил етиштиришга, маҳсулот таннархини камайтиришга, чорвачиликни рентабелли юритишга эришишлари керак. Белгиланган тадбирлар далаларда харажатларни учдан бир ҳиссага камайтириб иш юритиш имконини беради. Буларнинг бари бу зона учун муҳим бўлган проблемани — социал-маданий объектлар қурилиши ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш суръатларини кескин кучайтириш проблемасини ҳал этиш билан бир вақтда амалга оширилади.

Эскидан суғориб келинаётган зона учун меҳнат ресурслари ортиқча бўлган бир шароитда хўжаликлар экономикасини юксалтириш вазифаси ўртага қўйилмоқда. Бу ўринда перспектив йўналишлардан бири — замонавий агросаноат комплекси яратишдир. Куч ва воситаларни ихтисослаштириш ва концентрациялаш асосида маҳсулот етиштириш билан уни қайта ишлашни ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантиришга эришиш зарур.

Саноат, қурилиш тармоқлари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси коллективларининг эътибори жиддий силжишларга эришишга қаратилгандир.

Белгиланган марраларга партиявий ишни фаол қайта қуриш, уни янада такомиллаштириш натижасидагина эришиш мумкин.

ПАРТИЯМИЗ СЪЕЗДИНИ ЎРГАНАЙЛИК

Г. ЛЮБИМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети
пропаганда ва агитация
бўлими мудирининг ўринбосари

В. И. Ленин партия аъзолари олдига масалани айни шу тахлитда қўйган эди. «Бир қадам олға, икки қадам орқага» асарининг сўз бошисида у шундай деб ёзган эди: «Партиянинг ҳар бир аъзоси агар ўз партиясининг ишларида онгли равишда иштирок қилмоқни истаса, партиямизнинг съездини яхшилаб ўрганмоғи керак, — албатта ўрганмоғи керак...» (Тўла асарлар тўплами, 8-том, 216-бет). Партия программаси тўғрисидаги доклад юзасидан 19 мартда сўзлаган охирги сўзида В. И. Ленин шундай деган эди: «Бизнинг программамиздаги ҳар бир параграф ҳар бир меҳнаткашнинг билиши, ўзлаштириши ва тушуниши лозим бўлган нарсадир» (ТАТ, 38-том, 210-бет).

Кўриб турибмизки, Владимир Ильич кишиларнинг онгли, актив, ижодий фаолияти натижасида экономика ва социал ҳаётни самарали такомиллаштириш мумкин деган фикрда партия съездларининг материалларини пропаганда қилишга ғоят катта аҳамият берган эди. Шунинг учун ҳам омма онгини ўстириш ҳамиша партиявий ишнинг базаси ва асосий мазмуни бўлиб қолаверади.

КПСС XXVII съезди белгилаган қайта қуриш шу қадар теранки, уни фақат ташкилотчилик, хўжалик ва идеология ишининг бирлиги, сўз билан ишни мустаҳкам бирлаштириш негизидагина амалга ошириш мумкин бўлади. Бу бирликда идеология иши муҳим ўрин эгаллайди. Шу ўринда экономикани ривожлантиришдаги нохуш тенденцияларни ўзгартириш, хўжалик механизмини тубдан қайта қуриш, кечиктириб бўлмайдиган социал программаларни амалга ошириш лозим, бинобарин бу вазифаларни давлатимиз мудофаа қобилиятини зарур даражада сақлаб туришни талаб қилувчи мураккаб халқаро вазиятда ҳал қилишга тўғри келади. Буларнинг ҳаммасини кишилар амалга оширади. Шу боисдан ҳам ҳозирги шароитда инсон омилининг, ундан ҳар томонлама фойдаланишнинг аҳамияти кескин ошиб боряпти. Бу ўринда КПСС XXVII съезди материалларини пропаганда қилиш биринчи маррага чиқмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев съездни ёпиш вақтида сўзлаган нутқида шу муносабат билан бундай деган эди: «Биз съезд қарорларининг моҳияти ва руҳини ҳар бир совет кишисининг онгига етказишимиз лозим. Съезднинг принципиал қоидаларини тушунтирибгина қолмай, шу билан бирга замонавий талабларга мувофиқ ишни амалий ташкил қилишимиз ҳам керак».

Тошкент шаҳар партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими съезд иши ниҳоясига етиши биланоқ бу вазифани бажаришга киришди. КПСС Марказий Комитети тавсия этганидек, партия ўқуви, иқтисодий таълим ва комсомол сиёсий маорифи системасида съезд материалларини ўрганиб чиқиш биринчи навбатдаги тадбирлар жумласида кўзда тутилди. Планлаштирилган темалар ҳамма жойда ёритилди. Чиқарилган якунлар

шаҳар партия ташкилотларида кампаниячиликка, пропаганданинг ҳаётдан ажралиб қолишига қарши, пишиб етилган проблемаларнинг кескинлигини етарли баҳоламасликка, схоластика ва лоқайдликка қарши кураш авж олганлигидан гувоҳлик бермоқда. Кўпгина мактаблар ва назарий семинарлардаги ўқув процессида партия XXVII съездининг илғор ғоялар билан практиканинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги даъвати ўз аксини топган. Бундан олдин зўр аналитик иш олиб борилди: машғулотларда формализм келиб чиқиши, айрим пропагандистлар ва тингловчилар жамиятимиздаги қайта қуришга бепарво муносабатда бўлишларининг сабаблари очиб ташланди.

Идеология активи ёрдамида шаҳардаги 120 дан кўпроқ мактаб ва семинарда кўп вақтдан бери тингловчиларни ўқитиш формалари, методлари ва мазмуни кузатиб келинмоқда. Натижада биз пропагандист кадрлар билан малакали методик иш олиб борилмаслиги, улар назария ва ўқув-тарбия фаолиятининг илғор тажрибаси билан етарли қуроллантирилмаганлиги ўқувнинг паст савияда бўлишига асосий сабаблардан бири эканлигига амин бўлдик. Бунинг натижасида кўпгина ғоявий мураббийлар логика, педагогика ва психология қонунларидан фойдаланишнинг энг оддий усулларини, билимларни эътиқод ва хатти-ҳаракатга айлантириш механизмини билмайдилар. Бироқ пропагандист кадрларни ўқитишга табақалаштирилган ҳолда ёндашилмайдиган, доимий ишлаб турган семинарлар йилдан-йилга сийқаси чиқиб кетган усулда ўтказилаверадиган шароитда бундай аҳволни ўзгартириб бўлармикан? Кўп ҳолларда бу умумий назарий лекцияларни ўқишдан, тингловчиларни справка-информация материали билан таништиришдан ва камдан-кам ҳолларда тематика мазмунини ҳамда тингловчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, машғулотлар ўтказишнинг конкрет методикасини танлашга ижодий ёндашиш юзасидан пропагандистларнинг тажриба алмашувидан иборат бўлади. Пропагандистларнинг ярмидан кўпроғи бу машғулотларга ҳам қатнашмасликларини айтадиган бўлсак, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишини иложи борича тезроқ тубдан қайта қуриш зарурлиги равшан бўлади-қолади. КПСС XXVII съезди ўз ишини тугатгач биз ишимизни айни шундан бошладик.

Шу вақтга келиб шаҳар партия ташкилотида 250 кишидан иборат пропагандистлар активи вужудга келган бўлиб, улардан 50 процентидан кўпроғи фан докторлари эди. Уларнинг актив иштирокида районларда ва йирик ташкилотларда пропагандистларнинг семинарлари ҳамда партия, хўжалик ва идеология активлари билан учрашувлар ўтказилди.

Сафида профессорлар ва олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, илмий муассасаларнинг ходимлари бўлган жамиятшуносларнинг катта группаси партия XXVII съезди ишининг дастлабки уч куни давомида оммавий агитация фаолиятининг аҳволини таҳлил қилиб, съезд материалларини тушунтириш ва коллективларни янгичасига ишлашга сафарбар этишда бадиий-сиёсий жиҳозлардан қандай фойдаланилаётганлигини кўриб чиқди. Кўпгина ижобий ишлар қайд қилиб ўтилди. Шу билан бирга «Таштекстильмаш», Октябрь революцияси номли заводларда, «Узбекхлопкомаш», «Подъемник» бирлашмаларида ва бошқа корхоналарда сиёсий ахборотчилар ва агитаторларнинг чиқишлари ночор аҳволда эди. Корхоналар территориялари ва цехлардаги кўргазмали агитация давр талабига жавоб бермасди. Бу ҳол шаҳар партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлимини ташвишга солди. Съезд очилганининг тўртинчи куниёқ «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида шаҳардаги барча идеология иши ташкилотчилари билан семинар ўтказдик. Бу партия ва иқтисодий ўқув бутун системаси фаолиятининг анча жонланишига ёрдам берди. Бир неча кундан кейин съезд материалларини ўрганиш муддатлари ва тематикаси белгилангач, шаҳар партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мактаблар ва семинарларнинг раҳбарлари билан суҳбат ўтказди, бу самарали тавсиялар ишлаб чиқишга ёрдам берди.

«Давра суҳбатида» мактаблар ва семинарларда съезд материалларининг ўрганилиши юзасидан дастлабки хулосалар чиқарилди, «Миконд» заводи партия ташкилоти базасида эса якунловчи машғулотларни ўтказиш тартиби ва методикаси батафсил муҳокама қилинди. Бу ерда пропагандистлар тингловчилар билан ишлашда ижобий натижаларга эришганлар. Бундан ташқари идеология фаолиятининг яхши тайёргарлик кўрган ташкилотчилари партия-хўжалик активининг район мактабларига, ёш коммунистлар мактабларига, назарий ва методологик семинарларга биркитиб қўйилди.

Съезд материалларини ўрганиш даврида пропаганда ва агитация бўлими икки юздан кўпроқ машғулотни тақриз қилиб чиқди. Бу уларни юксак ташкилий, назарий ва методик савияда ўтказишга ёрдам берди. Масалан, «Мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш — партиянинг стратегик йўли» деган темани ўрганишда кўпгина мактаб ва назарий семинарларда саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида резервлардан фойдаланишга эътибор берилди, инсон омили ролини ошириш учун амалда қандай шарт-шароит яратиш мумкинлиги тўғрисида гаплашиб олинди.

Мактаблар, назарий ва методологик семинарларнинг раҳбарлари машғулотларни, бир томондан, тингловчиларда назарияга қизиқиш уйғотадиган тарзда, иккинчи томондан, уларни назарияни амалий ишлар билан қўшиб олиб боришга ўргатадиган қилиб ўтказишга ҳаракат қилдилар, чунки фақат шулар ёрдамидагина жадаллаштиришни таъминлаш мумкин бўлади. Одатда пропагандистлар билан тингловчилар ўртасида ошкора мулоқот бўларди. Бу сўз билан ишнинг фарқ қилиши кишиларнинг кўпроқ ғашини келтираётганини, турмушдан ажралган пропаганда сафарбар қилиш ўрнига аксинча натижа беришини яна бир бор тасдиқлади.

Меҳнат коллективининг ишлари билан мустаҳкам боғлаб олиб бориладиган, конкрет вазифаларни ҳал этишга, тингловчиларда актив ҳаётий позицияни тарбиялашга қаратилган пропаганда эса бутунлай бошқача самара беради. Бу «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги мактаблар ва семинарлар мисолида яққол кўриниб турибди. Бу ерда тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги олдида турган вазифаларни ҳал этишда коммунистлар ролини қандай қилиб яна ҳам кўпроқ ошириш хусусида ошкора ва принципиал гап борди. Зеро ўн иккинчи беш йиллик планида, жумладан Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишида бу тармоққа алоҳида ўрин ажратилган.

Бу ерда фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда етарлича тажриба тўпланган. Масалан, иқтисодий таълим системасида шуғулланувчи тингловчилар ўн биринчи беш йилликда тармоқ корхоналарини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, конструкторлар ва технологлар ўртасида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада методини жорий этиш юзасидан кўплаб таклифлар киритдилар. Бу таклифларнинг амалга оширилиши, кейинчалик эса бригадалар ишининг такомиллаштирилиши уларда аъзолар сонини камайтирган ҳолда ишланмалар ҳажмини кўпайтиришга имкон берди. Хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи бу ерда 10 процентдан кўпрок ошди.

Бирлашма коммунистлари эришилган марра билан қаноатланиб қолмасдан, янги юксакликларга интилмоқдалар. Ўн иккинчи беш йилликда улар чиқиндисиз технологияга мўлжалланган ўнбитта қайта созланадиган эпчил линияларни ишлаб чиқаришни режалаштиришган, бу унумсиз меҳнат билан банд бўлган 400—500 кишини бўшатиб олиш имконини беради. Коллектив шунингдек яқин йиллар ичида фақат шаҳар корхоналарида ҳозирча энг оғир қўл меҳнати қўлланиб келаётган тайёрлаш-пресслаш ишлаб чиқаришида 35 та автомат ва комплекс механизациялашган линияни жорий этишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Бирлашмадаги машғулотларда рама конструкцияларини, рақамли программа асосида бошқариладиган станоклар, роботлар, манипуляторларни пайвандлаш учун роботлаштирилган системаларни ишлаб чиқариш ишида Украина ССР Фанлар академиясининг Е. О. Патон номидаги пайвандлаш институти билан ижодий алоқаларни ривожлантириш тўғрисида фикрлашиб олинди. Албатта суҳбат биринчи навбатда ишлаб чиқаришга янгиликларни жорий этишнинг иқтисодий ва социал оқибатлари хусусида борди.

Умуман олганда, фан-техника тараққиёти масалалари сиёсий ва иқтисодий таълим системаси тингловчиларида жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Жамиятимиз жадаллаштириш йўлида эришадиган муваффақиятлар шу соҳадаги вазифалар қандай ҳал этилишига боғлиқ эканлигини ҳамма тушуниб етмоқда. Бу ўринда истиқболли ташаббусларни, фойдали таклифларни, меҳнат коллективида юзага келадиган барча яхши ва зарур нарсаларни кўра билиш ҳамда ўз вақтида қўллаб-қувватлаш муҳимдир. Кўп ҳолларда мактаблар ва назарий семинарлардаги машғулотлар бунга ёрдам беради. Масалан, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бош инженер С. И. Волошин пропагандистлик қилаётган мактаб тингловчилари кенг истеъмол молларини ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини 10—15 баравар ошириш имконини берадиган янгиликни таклиф этган Ф. И. Агеев ва Я. М. Доматов ташаббусини батафсил муҳокама қилдилар ва маъқулладилар. Академияга қарашли ҳамда тармоқ илмий-текшириш институтларидаги, Тошкент тўқимачилик комбинати, «Ташсельмаш», лак-бўёқ заводлари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидаги мактаблар ва назарий семинарлардаги машғулотларда ҳам яхши ташаббусларга шундай қизиқиш сезилди.

КПСС XXVII съезди материалларини ўрганишда раҳбар ходимлар зиммасига алоҳида масъулият тушади. Улар асосан шаҳар партия комитети қошидаги марксизм-ленинизм университетида ўқийдилар. Бу ерда ҳар йили 2600 тингловчи, жумладан 1200 раҳбар (улардан 800 киши партия комитетлари номенклатурасига киради) таълим олади. Улар 17 мартдан бошлаб съезд материалларини ўрганишга киришдилар. Программада лекциялар туркуми ҳам, семинар машғулотлари ҳам кўзда тутилган эди, бунда 14 та бўлимнинг ҳар бирида таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинди. Бундан ташқари КПСС XXVII съезди делегатлари билан учрашувлар, партия, хўжалик раҳбарларининг, етакчи олимларнинг чиқишлари, илмий-назарий конференциялар, рефератларни жамоатчилик олдида ҳимоя қилиш ва бошқа формалардан фойдаланилди. Партия съездининг иши тўғрисида унинг делегати — университет тингловчиси — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмасининг бош директори В. М. Шевешованинг жонли, ҳаяжонли ҳикоясини таъкидлаб ўтиш лозим.

КПСС XXVII съезди материалларини пропаганда қилишга тингловчилар — Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг делегатлари В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети партия комитетининг секретари В. В. Скворцов, «Миконд» заводи директори Х. Н. Тожиев, Тошкент шаҳар прокурори Г. П. Филиппенков ҳам актив киришдилар. Улар салбий ҳодиса ва фактларни тугатиш, партия турмушининг ленинча нормаларини, коммунистик ахлоқ нормаларини бузишларга қарши курашни кучайтириш зарурлиги тўғрисида принципиал суҳбат қурдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари Ҳ. Т. Турсунов, Э. Ю. Юсупов, Республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. З. Ўразаев, етакчи олимларимиздан Ч. А. Абутолипов, А. А. Абдуғаниев, Э. А. Акрамов, А. И. Йўлдошев, В. Г. Чеботарева, Б. В. Лунин, А. Н. Михайлов ва бошқалар партия XXVII съезди қарорларини актив,

собитқадамлик билан тушунтириб бордилар, тингловчиларда марксча-ленинча дунёқарашни, социал-сиёсий ва иқтисодий қарашларнинг мунтазам системасини шакллантиришга ёрдам бердилар. Улар социализмни такомиллаштириш даврида партиянинг раҳбарлик роли ошиб бориши, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, жадаллаштириш йўллари, инсон омилининг ролини ошириш, миллий муносабатларни, партиянинг идеологик фаолиятини ривожлантириш ва буржуа идеологиясига қарши курашни кучайтириш тўғрисида лекциялар ўқидилар.

КПСС XXVII съезди материалларини пропаганда қилишда назарий, илмий-амалий ва методик конференциялар муҳим роль ўйнайди. Улар университетда таълим беришнинг самарали формаларидан бири бўлиб қолди. Чунончи, илмий коммунизм кафедраси социализмни такомиллаштириш проблемалари юзасидан илмий-амалий конференция тайёрлади ва ўтказди. Унга тайёргарлик кўришда тингловчилар мамлакатни, республикани, ўз меҳнат коллективини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ўргандилар, партия ташкилотларининг ўз ишларини, жумладан, идеология ишини яхшилаш соҳасидаги тажрибасини умумлаштирдилар.

Партия ўқуви методикаси кафедраси «Пропаганданинг ленинча принциплари ва КПСС XXVII съезди материалларини ўрганишда улардан фойдаланиш» мавзусида умумуниверситет конференциясини ўтказди. Бу пропагандистлар факультети тингловчилари учун айниқса фойдали бўлди. Конференцияда пропаганданинг ленинча санъатини эгаллаш йўллари, унда партиявийлик, илмийлик принципларини қўллаш, назариянинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш, ҳаққонийлик тўғрисида, тингловчиларга коллективда ташкилотчилик ва ижтимоий-сиёсий ишни олиб бориш кўникмасини сингдириш ҳақида суҳбатлашилди.

Университет ўқув процессида кенг фойдаланилаётган яна бир машғулот формасини ажратиб кўрсатишни хоҳлардим. Бу В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига экскурсиядир. Бу ерда қўйилган ҳужжатлар, доҳиймиз қўлёзмаларининг нусхалари, Владимир Ильич ва унинг сафдошларининг пленкага ёзилган нутқлари, тарихий ёдгорлик бўлиб қолган асл нусха экспонатлар алоҳида психологик кайфият ҳосил қилади ва материалнинг ҳаяжонли қабул қилинишига ёрдам беради. Музей филиалининг университет тингловчилари ҳамда сиёсий таълимнинг бутун системаси учун ўқув базаси сифатидаги аҳамияти яна шу билан белгиланадики, бу ерда ҳужжатлар тарихий-партиявий фанда қабул қилинган даврлаштиришга мос равишда системага солинган.

КПСС МК 1985 йил апрель Пленумидан кейиноқ ташкил этилган фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ташкилотчилари бўлимида машғулотлар айниқса мароқли ўтмоқда. Бўлимнинг 80 тингловчиси орасида корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳалаш-конструкторлик бюролари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг раҳбарлари, бош инженерлари ва бош мутахассислари бор.

Тингловчиларнинг университетдаги пропагандистлик практикаси тўғрисида ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Бу ҳар бир кишининг коллективда оммавий агитация ва ижтимоий-сиёсий иш олиб бориш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлишига қаратилган тадбирлар системасидан иборат. Тингловчилар марксча-ленинча таълимнинг турли бўғинларидаги машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари билан, тажрибали пропагандистлар фаолияти, ўқитишнинг актив формалари, мустақил ишни ташкил этиш ва ҳоказолар билан танишиб борадилар. Уларнинг ярмидан кўпроғи рефератлар, диплом ишларини ёқладилар, амалий топшириқларни бажардилар. Битирувчиларнинг 40 проценти университетдаги ўқишларини аъло баҳолар билан якунладилар.

Умуман ўқишнинг барча формаларида якунловчи машғулотлар мазмунли ва одатдагидан бошқача ўтди. Масалан, ҳар доим активлик

кўрсатиладиган «Миконд» заводи партия-хўжалик активи мактабида бу гал ҳам шу қадар юксак қизиқувчанлик вазияти ҳукм сурдики, унда айрим тингловчилар икки-уч маротаба чиқиб гапириб, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш юзасидан конкрет, амалий таклифлар киритдилар. Бу ерда бош энергетик П. Алимов, бўлим мудирларидан З. Мешчерякова, асбобсозлик ишлаб чиқаришининг бошлиғи В. Апанасенко рефератлари муҳокама қилинди.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика Госплани ва Госснаби, 1-пойабзал фабрикаси, «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси, «Водоканал» тресги, Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министрлиги, 1-вагон депоси, Ўзбекистон радио эшиттириш ва телевидение давлат комитети мактаб ва семинарларининг тингловчилари якунловчи машғулотларда юзлаб қимматли таклифлар киритдилар. Таклифларнинг ҳаммаси умумлаштирилди, улардан кўпчилиги матбуотда эълон қилинди, анчагина қисми юзасидан корхоналар, қурилишлар ва муассасаларда буйруқ ва фармойишлар чиқарилди.

Бироқ буларнинг ҳаммаси сифатли ва янада самарали ўқиш томон бурилиш барча ташкилотларга хос хусусият бўлиб қолганлигини билдирмайди. Масалан, Тошкент сут комбинати, атир-упа фабрикаси, «Подъемник» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги, «Главташкентстрой»нинг Оргтехстрой тресги, «Узкоопстроймонтаж» трестидаги айрим мактабларнинг тингловчилари программани иш вақтида ёки тушки овқатланиш пайтида, атиги 10—20 минутдангина ўрганганлар.

Шу нарса ҳам ташвишлантирадики, кўплаб мактабларнинг тингловчилари темалар муҳокамасида қатнашмаганликларидан ташқари бирор нарсани аниқлашга ҳам интилмадилар. 30 та мактабда текшириб кўрилган 42 пропагандистга бирорта ҳам савол тушмаган.

Бир қатор ташкилотларда ҳатто якунловчи машғулотларга юзаки ёндашилиб, тингловчилар активлигини ошириш бобида ҳеч қандай ташаббус кўрсатилмаган. Бу «Промстройкомплект» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси, трамвай-троллейбус бошқармаси, пластмасса буюмлар заводи партия ташкилотлари учун айниқса характерлидир.

Партия XXVII съезди қарорлари асосида назария ва КПСС сиёсатининг актуал проблемаларини ўрганиш ўқув процессининг барча бўғинларини активлаштиришни, проблемали ўқитишдан максимал фойдаланишни, мисол учун олганда рефератлар ёқлаш сингари прогрессив методларни жорий этишни талаб қилади. Бунинг учун машғулотларнинг актив формаларини ўтказишга ёрдам берадиган ва илғор тажрибани умумлаштирадиган махсус ўқув қўлланмаларини, проблемали масалалар ва ҳолатлар тўпламларини нашр этиш зарур, проблемали лекциялар ўқишнинг ва проблемали семинар машғулотлари ўтказишнинг ўзига хос сценарийлари бўлиши керак.

Лекция пропагандасида ҳам муайян қайта қуриш кўзга ташланмоқда. Бир қатор район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари уни амалий ишларга яқинлаштиришга, жадаллаштиришнинг туб масалаларини ҳал этишга қаратишга муваффақ бўлдилар. Масалан, партия XXVII съездидан кейин ўтган уч ой мобайнида ўқилган 16 минг лекциядан 3 мингдан кўпроғи жадаллаштириш проблемаларига бағишланди.

Олимларнинг коллектив бўлиб корхоналарга боришлари, фан кашфиётларини практикага жорий этишга шошилишмаётган жойларда туркум лекциялар ўқиш учун шартномалар тузиш фан билан ишлаб чиқаришнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган алоқаларидан далолат беради. Шу йилнинг 18—22 апрелида Тошкентда ўтказилган фан кунлари ниҳоятда фойдали бўлди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг юздан зиёд етакчи олими меҳнат коллективлари билан учрашиб, фан-техника тараққиёти истиқболлари ҳақида гапириб бердилар.

Республика Фанлар академиясининг президиуми Ҳамза район партия

комитети билан биргаликда район активлари учун «Олимлар минбари» лекторийсини ташкил этди. Бир қатор партия ташкилотларида «Фан — ишлаб чиқаришга», «Фан-техника тараққиёти — мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг бош омили» ва бошқа мавзуларда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказилди. Кабель саноати илмий-тадқиқот институти билан «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси,Беруний номидаги Тошкент политехника институти билан «Ташсельмаш» заводи, халқ хўжалиги институти билан 2-пойабзал фабрикасининг, Меҳнат илмий-тадқиқот институти, меҳнатни ташкил қилиш республика маркази, Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги иқтисодий тадқиқотлар илмий-текшириш институти билан В. И. Ленин номидаги электрон-техника, «Ташсельмаш», «Средазэлектроаппарат» заводлари ва ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда корхоналарнинг ҳамкорликлари жараёнида кўплаб масалалар ҳал этилмоқда.

Шу билан бирга лекция пропагандасида ҳали ҳамма нарса ҳал этилган деб бўлмайди. Чунончи, шаҳардаги мавжуд илмий кадрлар бутун составининг атиги 10—12 проценти лекция пропагандасида қатнашади. Фан билан ишлаб чиқариш алоқасини мустаҳкамлашдан икки томонлама манфаатдорлик ҳозирча йўқ. Меҳнаткашларга, ёшларга электрон-ҳисоблаш машиналарида ишлаш кўникмаларини ўргатиш ниҳоятда суст, шу мақсадда мактаб ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчиларини тайёрлаш бўш олиб борилябти.

Меҳнат коллективларида идеологик, сиёсий-тарбиявий фаолиятни ташкил этишга янгича ёндашмоғимиз, унинг энг самарали форма ва методларини ривожлантиришимиз лозим. Бу хусусдаги «Бировлар гапиришга, бошқа бировлар ишлашга туғилган» деган тасаввурлардан қатъий воз кечиш зарурдир, афсуски,бундай тасаввурлар раҳбарларнинг, биринчи навбатда хўжалик раҳбарларининг бир қисми ўртасида кенг тарқалган.

Партия идеология фаолияти соҳасидаги куч-ғайратнинг оғирлик марказини бевосита меҳнат коллективларига, бошланғич партия ташкилотларига кўчиришга, раҳбарлар омма билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, унинг эҳтиёжи, кайфиятини билишига, кишилар билан жонли иш олиб боришига эътиборни қаратмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида бундай ишни қоғозбозлик билан алмаштиришга йўл қўйиб бўлмаслиги яна бир бор айтиб ўтилди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар партия комитети шаънига ҳам жиддий танқидий сўзлар айтилди. Партия раҳбарлигининг барча поғоналарида ҳар томонлама олиб бориладиган сиёсий, ташкилотчилик ва идеологик фаолиятгина съезд белгилаган вазифалар бажарилишини таъминлайди, деб таъкидланди Пленумда.

Биз КПСС XXVII съездининг «Сўзнинг ҳаётий заминдан ажралиб қолиши идеологик куч-ғайратларимизнинг қадрига жиддий путур етказади... Одамлар идеологиямизнинг буюк ҳақиқатини, сиёсатимизнинг принципиаллигини доимо кўриб, ҳис қилиб туришлари керак... Биз партия, совет ва жамоат ташкилотларининг тарбиявий фаолияти билан боғлиқ масалаларнинг бутун комплексига худди ана шу позициядан ёндашмоғимиз керак», — деган кўрсатмасини доимо эсда тутишимиз лозим.

Биз транспорт, савдо, хизмат соҳаси ишини яхшилаш тўғрисида кўп гапирамиз. Ягона сиёсий кунларда, семинарларда, машғулотларда, меҳнат коллективларига бориб кўрилганда кишилар мазкур соҳалар ишидаги камчиликларга раҳбарлар эътиборини қаратадилар. Бу масалалар эса илгаригидек долзарблигича қолиб келяпти. Демак, сўз билан ишнинг бир эмаслиги мана ман деб кўзга ташланиб турибди. Демак, биз ҳали идеологик таъсирнинг бутун кучини ҳар бир киши яшаб турган пайтимизнинг кескинлигини, унинг бурилиш характерини тушуниб етишига қарата олганимизча йўқ. Демак, актуал проблемаларнинг ҳал этилишига масъул кишилар — раҳбарлар ҳам, ижрочилар ҳам локайдлигича қолиб

келяптилар, биз эса уларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини, куч-ғайратини, омилкорлигини жўш урдира олмаганмиз.

Тадбирларнинг кўпайиб кетиши кўп ҳолларда анча оператив ва ташаббус билан ҳаракат қилишимизга халал беради. У ёки бу ташкилотга идеология ишининг турли йўналишлари бўйича тадбирларни қачон ва қандай ўтказиши тўғрисидаги юқоридан бериладиган ҳеч ўзгартириб бўлмайдиган қатъий кўрсатмаларнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масала аллақачон ўртага қўйилган. Таклиф этилаётган кўрсатмаларнинг универсаллиги кўп ҳолларда яхши ташаббусларга зарар етказади. Ташаббусларга кенгроқ майдон очиб бериш лозим, деб ўйлаймиз. Ўз пайтида В. И. Ленин: «Ҳар қандай андазабозликка ва юқоридан туриб бир хил андаза бичиб бериш каби уринишларга қарши курашмоқ керак... Катта-ю кичик ишларда, маҳаллий хусусиятларда, ишга қандай *муносабатда бўлиш* усулларида... *хилма-хил усул* қўлланиш асосий, тубли, муҳим бўлган бирликни бузмайди, балки бу бирликни таъминлайди», — деган талабни илгари сурган эди (ТАТ, 35-том, 224-бет).

Бу ленинча қоида КПСС XXVII съезди ғояларига ҳамоҳангдирки, съездда идеология иши ижодий иш эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу иш ҳаётда бўладиган ҳодисаларнинг ҳаммаси учун ҳам мос тушаверадиган воситаларни билмайди. Доимий изланишни, ҳаёт билан баб-баравар қадам ташлашни талаб этади. КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида айтилган омма ижоди ўрнини ҳеч қандай директивалар, ҳатто энг яхши директивалар ҳам боса олмаслиги тўғрисидаги фикрни ҳам эслатиб ўтиш ўринлидир. Қайта қуриш меҳнат коллективларининг, барча кадрларнинг ташаббуси ва мустақиллигини бутун чоралар билан ривожлантиришни тақозо этади. Ҳозирги шароитда ҳамма масалаларни марказдан туриб ҳал қилиб бўлмайди, қолаверса, бундай қилишнинг иложи ҳам йўқ.

Партия талабларини бажара борибгина биз оммага самарали таъсир кўрсата оламиз. Шундай қилинганида тадбирлар оммавийлигини таъминлаш учун бу қадар куч-ғайрат сарфлашга тўғри келмаган бўларди. Гап шундаки, тадбирларни шунчаки қайд қилиб қўйиш учун эмас, кишилар оммаси учун ўтказиш керак. Мана бир неча йилдирки, биз пропагандистларнинг раҳбарлар билан учрашувларини ўтказиб турибмиз, бу учрашувларни «Раҳбар минбари» деб атадик. Зал ҳамиша тўла бўлади ва одамлар ҳар бир сўзга эътибор берадилар. КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши кураш тадбирлари тўғрисида»ги (1986 йил май) қарорини тушунтириб бериш юзасидан маъмурий органларнинг ходимлари билан учрашув белгиланганида эса қанчадан-қанча одамлар залга сиғишмай қолди.

Бир томондан, пропагандист, докладчи, лектор, иккинчи томондан, тингловчилар ўртасида анча эркин ва ошкора диалог бўлиши тўғрисидаги масала ҳам катта аҳамиятга эга. Омма олдидаги чиқишлар пайтида биз «тартиб-интизомни» шу қадар қаттиқ назорат қиламизки, залда ўтирганлардан кимнингдир лукма ташлашини, муҳокама қилинаётган тема юзасидан савол бериши ёки қисқача ўз фикрини билдиришини, ноаниқликка йўл қўйса, нотиқни тўғрилаб қўйишини тасаввур ҳам қила олмаймиз. Биз В. И. Ленин, унинг революцион курашдаги сафдошлари мукаммал эгаллаган омма олдида чиқиб гапириш методикасини менсимаслигимиз мумкин эмас, деб ўйлаймиз. Яна бир гап — кенгаш, актив, йиғилиш ва учрашувда чиқиб гапирганда ҳар доим ўз ўйлаганингни, ўртоқларингни қизиқтирадиган гапни, катта маънодаги ҳақиқат бўлган гапни гапириш керак. Бугунги кунда биз фақат ана шундай чиқишларга муҳтожмиз, фақат уларгина фойда келтириши, қайта қуришга ёрдам бериши мумкин. КПСС МҚнинг «1986/ 87 ўқув йилида меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳам шунга ундайди.

КЛУБ — ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ ТАРБИЯНИНГ ТАЯНЧ МАРКАЗИ

А. РЎЗМЕТОВ,
педагогика фанлари кандидати

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШ — партия идеология фаолиятининг муҳим воситаларидан бири. Унинг аҳамиятини В. И. Ленин ҳам бир неча марта таъкидлаб кўрсатган эди. «Партия ишида, — деб қайд қилган эди у, — биз оммага ҳар томонлама таъсир кўрсатишда маълум тажрибага эгамиз, аммо бу соҳадаги тажрибамизни маданий маориф усуллари... билан бирлаштириш лозим...» (Тўла асарлар тўплами, 37-том, 539-бет). Эндиликда партия ўз маданий сиёсатининг бош вазифаси одамларнинг қобилиятини намоён қилиш учун ғоят кенг имконият яратиб беришдан, уларнинг ҳаётини маънавий жиҳатдан бой, кўп қиррали қилишдан, уларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини оширишга кўмаклашишдан иборат, деб билади.

Клуб муассасалари мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ишига ғоят катта ҳисса қўшишлари керак бўлади. Яқин вақт ичидаёқ ҳар бир маданият ўчоғининг конкрет корхона, колхоз, микрорайон маънавий ҳаётининг ҳақиқий маркази бўлиб қолишига эришиш, совет кишиларининг коммунистик тарбиясида унинг ролини ошириш зарур. Бу бемалол амалга ошириш мумкин бўлган вазифадир, чунки клуб ишларининг спецификаси, форма ва методлари бу муҳим ишга аҳоли турли группаларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ёндашишга имкон беради. Клуб кучи билан, масалан, ўтказилаётган тадбирларни нафақат сиёсий жиҳатдан ўткир қилиш мумкин, шу билан бирга уларни эмоционал жиҳатдан ёрқин формада ўтказиш мумкинки, бу уларнинг юксак самарали бўлишини таъминлайди. Бу ердаги аудитория кўпинча бошқа маданий-маърифий муассасалардагига нисбатан кўп сонли бўлади. Бу аҳолининг бирмунча кўпроқ қисмини тарбиявий иш билан қамраб олишга имконият яратади, бу эса жуда муҳимдир. Бунинг устига клублар, одатда, меҳнаткашларнинг ижодий фаолияти учун, уларнинг турли-туман қизиқишларини ва уюшган ҳолда дам олишга бўлган эҳтиёжини қондириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши мумкин. Хуллас, клуб — бу кўп жиҳатдан кишиларнинг маънавий дунёсини шакллантириб, улар савиясини кенгайтирадиган ва тафаккурини ўстирадиган социал муассасадир.

1985 йил июнда қабул қилинган КПСС МҚнинг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори сўнгги вақтда маданий-маърифий ишлар даражасининг ошишига ёрдамлашди. Унда маданият ва спорт муассасаларининг меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий иш олиб боришда, ўтмиш сарқитларига қарши, ичкиликбозлик, безорилик, беодоблик каби социа-

листик турмуш нормаларини бузишларга қарши қаратилган жамоатчилик фикрини шакллантиришда партия ташкилотларининг таянч марказлари бўлиб қолиши зарурлиги таъкидланади.

Партия XXVII съезди томонидан маданият ходимлари олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўйилди. «Партия маданий-маърифий ишнинг мазмуни ва методларини муттасил такомиллаштириб боришни, унинг моддий базасини мустаҳкамлашни, қишлоқда ва янги ўзлаштирилаётган районларда маданий қурилишни жадаллаштиришни ана шу вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг зарур шарти деб ҳисоблайди», деб қайд қилинади янги таҳрирдаги КПСС Программасида.

Бизнинг республикамизда 4435 та, шу жумладан қишлоқ жойларда 3583 та клуб муассасаси ишлаб турибди. Уларнинг кўпчилиги меҳнаткашларни коммунистик тарбиялаш борасида анча иш қилмоқда. Одатда тарбиявий таъсир кўрсатиш воситаларининг бой хазинасидан унумли фойдаланиладиган жойларда муваффақиятга эришилади. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қўқон суперфосфат заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг маданият саройларида иш худди шу йўсинда йўлга қўйилган.

Республикамиздаги ана шу ва бошқа маданий-маърифий муассасалар томонидан фойдаланилаётган ғоявий-эстетик тарбия формалари ранг-барангдир. Улар орасида — аввало меҳнаткашларни бадиий ҳаваскорлик ижодига жалб этиш ажралиб туради. Драма тўгараклари ва халқ театрлари, хор коллективлари ва балет студиялари, раққослик ва вокаль-чолғу ансамбллари, духовой оркестрлар ва халқ чолғу асбоблари оркестрлари, киностудиялар ва фотостудиялар кўплаб кишиларни санъатга ошно қилмоқда. Масалан, Тошкентдаги Авиасозлар маданият ва техника саройида 150 дан зиёд турли тўгараклар ишлаб турибди. Қўшиқ, бал танцалари, драматик санъат ва шу сингариларнинг ишқибозлари бу ерда ўз қобилиятларини амалда синаб кўришлари мумкин. Намангандаги 3-Маданият уйи шаҳарликларнинг бўш вақтини ўтказиш учун севимли масканга айланган. Бу ердаги ҳар хил секцияларда, қизиқишлар бўйича клубларда, тўгаракларда ҳар ким ўзи хоҳлаган машғулот билан шуғулланиши мумкин.

Кўпгина маданият саройлари ва уйларида ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-ватанпарварлик, спорт йўналишларидаги клублар муваффақиятли иш олиб бормоқда, халқ университетларида сиёсий, иқтисодий ва илмий-техникавий билимлар тарғиб қилинмоқда. Масалан, Навоий шаҳрида яшовчилар «Фарҳод» область Маданият саройида ташкил этилган халқ университети машғулотларига зўр иштиёқ билан қатнашиб, ундан манфаат кўрмоқдалар.

Яхши йўлга қўйилган клуб иши меҳнат коллективларида соғлом маънавий муҳитни шакллантиришга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида меҳнат натижаларига таъсир кўрсатади. Андижондаги ўзининг ишлаб чиқаришдаги юксак кўрсаткичлари билан машҳур бўлган «Савай» совхоз-техникумини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Хўжалик ходимларининг меҳнат муваффақиятлари, бу ернинг ўзида тўғри ҳисоблашганидек, кўп жиҳатдан уларнинг дам олиши яхши ташкил этилганлиги билан белгиланади. Айни шу ерда областда биринчи марта маданий-спорт комплекси ташкил этилди. Эндиликда бу комплекс совхознинг марказий клуби, турли спорт иншоотларини, шунингдек, совхоз бўлимларида жойлашган барча клублар, киноустановкалар ва кутубхоналарни бирлаштириб турибди. Оммавий тадбирларга одатда барча аҳоли жалб этилади.

Лекин ҳозирча ҳамма жойда ҳам меҳнаткашларнинг бўш вақтини ташкил этишга лозимича эътибор берилаётгани йўқ. Бир қанча клуб муассасалари ўзларига юкланган вазифаларни адо қилмаяптилар, шу туфайли улар гавжум эмас, кўпинча бўш ётади. Бизнинг республикамизда ҳар 1000 кишига ҳисоблаганда бадиий ҳаваскорликда иштирок этувчилар сони мамлакатдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 3—4 баравар камдир.

Шу муносабат билан клуб муассасалари ишининг мазмуни билан чуқур қизиқиши, уларнинг тарбиявий ролини ошириши лозим бўлган партия ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари, маданият ходимлари бу ҳақда анча бош қотиришлари лозим бўлади. Юзага келган аҳвол сабабларини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Клубларнинг ғоявий-сиёсий тарбия соҳасидаги ишида тематик кечалар, оғзаки журналлар, халқ университетлари, меҳнат байрамлари сингари иш формалари анча оммалашиб қолди. Лекин бу тадбирлар ҳамиша ҳам уларга қўйилаётган талабларга жавоб бераяптими? Афсуски, йўқ. Ахир бундай тадбирларнинг кўпинча сийқа андоза бўйича, маҳаллий материални жалб қилмасдан, турли ифодавий воситалардан етарлича фойдаланилмасдан ўтказилиши, шу сабабли уларнинг зерикарли, бир хилда ўтиши сир эмас-ку. Натижада бундай тадбирлар тайёрланиладиган ва ўтказиладиган жойларга одамлар кам келишади.

Белгиланган тадбирни ўтказиш мақсадини максимал даражада конкретлаштириш маданий-маърифий ишни сифат жиҳатдан яхшилашга ёрдам берадиган асосий талаблардан биридир. Уни ташкил этувчилар бу тадбир билим орттириш ва тарбиявий жиҳатдан нима бера олиши мумкинлигини аниқ тасаввур эта олишлари лозим. Лекин бу талабга ҳар доим ҳам амал қилинавермайди. Натижада ўтказилмоқчи бўлган тематик кеча ёки учрашув, лекция ёки оғзаки журнал лозимича самара келтирмайди.

Маданий-маърифий ишнинг таъсирчанлигини ошириш клуб муассасалари учун кадрлар тайёрлаш даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Меҳнаткаш омманинг социалистик жамият маънавий қадриятлари билан қанчалик таништирилиши, бу қадриятларни ўзлаштириш юзасидан актив фаолиятга киришиб кетиши кўп жиҳатдан шу кадрларнинг малакасига боғлиқ бўлади. Клуб ходимлари чуқур ғоявий эътиқодни, юксак профессионализмни ва одамлар билан ишлаш учун зарур бўлган педагогика асосларини билишни ўзларида узвий равишда мужассамлаштиришлари лозим.

Лекин амалда ҳамиша ҳам шундай бўладими? Афсуски, бу профилдаги мутахассисларни ўқитиш, тарбиялаш ва уларни жойларда бириктириб қўйиш билан боғлиқ проблема ҳали ҳам кескин бўлиб турибди. Ҳозир бизнинг республикамизда 20 мингдан зиёд маданий-маърифий соҳа ходимлари бор. Улар орасида малакали, ташаббускор, ижодкор ходимлар кўплаб топилади. Олмалиқ кон-металлургия комбинати Маданият саройининг директори В. Н. Наймушина, Фарғонадаги «Нефтяник» Маданият саройининг директори В. В. Белоногов, Навоийдаги «Фарҳод» Маданият саройининг директори Л. П. Казаченко, Фарғона область Киров район автоклуби мудири Х. Абдураҳмоновлар шулар жумласидандир. Улар раҳбарлик қилаётган маданият ўчоқларининг машҳурлиги бежиз эмас. Дам олишни ўтказишнинг янги жозибадор формаларини қунт билан излаш, жамоатчиликка таяниш, меҳнаткашлар билдирган қимматли таклифлардан фойдаланиш уларнинг донғини чиқарди.

Лекин республикада шундай даражадаги ходимлар ҳали ҳам етишмаяпти. Бунинг сабабларидан бири бу касб вакилларининг ҳаммаси ҳам ўз савияларини мунтазам равишда ошириб бормаслиги, билимларини бойитмаслигидадир. Қолаверса уларнинг билим савияси ўзлари хизмат қилиши лозим бўлган кишиларникига нисбатан паст бўлган ҳоллар кўплаб учраб туради. Масалан, ўн биринчи беш йиллик давомида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган клуб муассасалари ходимларининг сони мамлакат бўйича атиги 47,2 процент ошди, Ўзбекистонда эса бундан ҳам кам.

Яна шуниси ҳам борки, бу касбнинг обрўси ҳали ҳам баланд бўлмай, кўпгина кишилар, айниқса ёшлар назарида у социал аҳамиятга эга эмас. Биринчи навбатда жойлардаги партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари бу касбнинг обрўсини кўтаришлари лозим бўлади. КПСС

МҚнинг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ана шу органларнинг узоқ муддат давомида бу муҳим ишга зарур даражада эътибор бермай келганлиги қайд қилинган. Масалан, сўнгги тўрт йил мобайнида Қашқадарё область партия комитети, Олмалиқ, Янгийўл шаҳар партия комитетларининг бюро йиғилишларида клублар фаолияти ҳақидаги масала бирон марта ҳам муҳокама қилинмаган. Бу етмагандай айрим жойларда клуб ходимларини сал бўлмаса бекорчи кишилар деб ҳисоблаб, уларни «фойдали» иш билан машғул қилиб қўйишга ҳаракат қиладилар. Масалан, қишлоқ жойларда уларни ўзларининг бевосита вазифасини бажаришга қўймасдан далада, фермада ишлашга юборишади, ёки бўлмаса оддий бир югурдакка айлантириб қўйишади. Ўзбекистондаги районлар, шаҳарлар маданият бўлимлари фаолиятининг анализи шуни кўрсатдики, бу бўлимлар мудирлари орасида 70 процентдан кўпроқ киши махсус маълумотга ва тегишли иш тажрибасига эга эмас экан. Бу кўп жиҳатдан гўёки маданий-маърифий иш билан шуғулланишдан осон нарса йўқ, бинобарин, бу ишни ҳар ким ҳам эплайверади, деган хато фикрнинг оқибатидир.

Маданий-маърифий соҳага доир касбга бундай муносабатда бўлишнинг сабаби нимада? Нега у омма орасида машҳур эмас? Гап шундаки, бу соҳа ходимининг роли ва аҳамияти тўғрисида одатда ҳеч нарса гапирилмайди. Дарҳақиқат, бизда ўқитувчилар, врачлар, агрономлар, инженерлар ва шу сингарилар хизматига яраша иззат-икром кўради. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки бу касблардан кўпчилиги асрлардан бери мавжуд. Қолаверса, улар тўғрисида тез-тез ёзишади ва гапиришади. Клуб ходими сингари касб эса ҳозиргача ҳам кишилар онгидан муҳим ўрин олган эмас, чунки, аввало, унинг «ёши» айтарлик катта эмас, кенг миқёсда кадрлар тайёрланмаган ва бунинг устига бу касб етарли даражада тарғиб қилинмаган.

Агар одамлар бу касб эгасининг иши фақат ўйин-кулги ташкил этишдангина иборат эмаслигини билишганида эди, унда балки улар меҳнатига кўпроқ ҳурмат билан муносабатда бўлишган бўларди, албатта. Клуб ходимлари меҳнаткашларни коммунистик тарбиялашда партия ташкилотларининг ёрдамчиларидир. Улар ўз олдиларига партия томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишлари учун бу соҳада ишлайдиган ҳар бир ходим, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, ўқимишли, сиёсий саводли, зийрак ва кишиларга эътиборли бўлиши лозим. Мазкур касбни худди шу позициялардан туриб тасаввур қилиш керак бўлади.

Мамлакатда 18 та институт, шу жумладан Тошкент давлат маданият институти ҳам, клуб иши бўйича мутахассислар тайёрлайди. Бу олий ўқув юртларига энг қизиққан, тўғри касб танлаганига ишончи комил кишиларнинг ўқишга келиши ғоят муҳимдир. Маданий-тарбиявий ишларга қизиқиш кўпчиликда ҳали мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ пайдо бўлади. Партия ва комсомол органлари, хўжаликлар раҳбарларининг ана шундай ёшларни махсус институтлар ёки техникумларга ўқишга тавсия қилишлари мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги пайтда ўқиётган студентлар орасида колхозларнинг стипендиатлари жуда кам. Масалан, 1981 йилда колхозлар ва совхозлар ҳисобидан Тошкент давлат маданият институтига 2 киши, 1982 йилда — 4, 1984 йилда — 3, 1985 йилда — 3 киши юборилган. Ахир, қишлоқ бундай профилдаги мутахассисларга жуда муҳтож-ку.

Маълумки, малакали кадрлар тайёрлаш ўқув юртида ўқитишнинг қанчалик яхши йўлга қўйилганлигига боғлиқдир. Тошкент давлат маданият институтининг фаолияти шуни кўрсатадики, клуб ходимларини ўқитишда ва тарбиялашда ҳалигача ҳам бир қанча мураккабликлар бартараф этилмаган. Бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, ўқув планлари тез-тез қайта кўриб чиқилади. Сўнгги ўн йил мобайнида улар уч марта ўзгартирилди. Бундай ўзгартириш билан бир вақтда юз берадиган ўқув жараёнининг қайта қурилиши ўқитувчиларнинг кўплаб қимматли

вақтини олади ва уларнинг диққат-эътиборларини асосий нарса — студентларни ўқитишга қаратишига халақит беради. Иккинчидан, клуб ходимининг тайёргарлиги шаҳар ва қишлоқнинг ҳозирги эҳтиёжларига у қадар жавоб бера олмайди. Масалан, маданий-спорт комплексларида ишлаш, колхоз раиси ва совхоз директорининг маданият ва турмуш бўйича муовини, ЖЭҚлар ҳузурида тарбиячи, болалар ва ўсмирларнинг дам олишининг ташкилотчилари бўлиб ишлаш, чойхоналарда маданий-маърифий ишлар олиб бориш учун малакали мутахассислар талаб қилинади. Хуллас, КПСС МҚнинг «Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» тўғрисидаги лойиҳасига мувофиқ «чуқур фундаментал билимларни конкрет тармоққа йўналтирилган пухта амалий тайёргарлик билан узвий боғлаб олиб борадиган кенг профилдаги мутахассислар тайёрлашга» ўтиш лозим.

Бунга қандай эришиш мумкин? Фикримизча, аввало махсус фанларнинг ўқитувчилари маданият муассасаларида мазкур ихтисос бўйича иш стажига эга бўлган кишилар бўлмоғи лозим. Айтайлик, медицина ўқув юртларидаги ўқитувчиларнинг кўпчилиги — қўшимча равишда клиникада ҳам ишлайдиган кишилардир. Бўлғуси врачлар тайёргарлигининг сифати бундан фақат ютади. Лекин негадир бўлғуси маданий-маърифий соҳа ходимларини мутахассис бўлмаган кишиларнинг ўқитиши нормал ҳол, деб ҳисобланади.

Клуб муассасалари учун малакали кадрлар тайёрлаш кўп жиҳатдан умумий таълим фанлари ўқитувчиларига ҳам боғлиқ. Уларнинг вазифаси фақат ўз фанлари бўйича пухта билим беришдангина иборат бўлиб қолмаслиги керак. КПСС МҚнинг «Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» тўғрисидаги лойиҳасида қайд қилинганидек, «олий ўқув юрти соҳасини, уни тамомлаб чиққан кишининг бўлажак ишлаб чиқариш фаолияти характерини ҳисобга олиш» ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим резервидир. Бу ўқитувчининг ҳар бир машғулотни тарбияланувчиларининг бўлғуси касби билан боғлай билиши, уларни олган илмий билимларидан клуб ишига нафи тегадиган қилиб фойдалана билишга ўргатиши кераклигини англатади.

Ўқув циклидаги фанларни ўқитишга фақат шу тарзда ёндашишгина клуб ходимларининг тайёргарлигини сифатли ва давр талабларига жавоб бера оладиган қилади.

Маълумки, маданият институти мутахассисларни типовой штатлар жадвали бўйича, яъни клуб мудирлари, қишлоқ ва район Маданият уйлари директорлари, методистлар, бадиий раҳбарлар, автоклублар мудирларини тайёрлайди. Бу барча студентларнинг ихтисослашувидан қатъи назар клубшунослик, ихтисослаштирувчи цикл фанларини; айниқса «Маданий-маърифий муассасалар экономикаси ва улар ишини ташкил этиш», «Ўзбекистонда бадиий ижод тарихи ва назарияси», «Маданий-спорт комплекслари ишини ташкил этиш», «Маданий-маърифий ишларнинг ҳуқуқий асослари» ва бошқа фанларни ўзлаштириши лозимлигини англатади. Бу фанларни билмаслик кўпинча шунга олиб келадики, айтайлик, Маданият уйининг директори қилиб тайинланган битирувчи ўз вазифаларини уддалай олмайди. Натижада атрофдаги кишиларнинг кўз ўнггида клуб ходимининг ва бундай малакасиз мутахассисни тайёрлаган институтнинг обрўсига путур етади. Лекин, афсуски, санаб ўтилган предметларни ўрганиш программада кўзда тутилмаган, ҳолбуки уларни ўқув плани доирасида ўқитишга вақт ажратиш имконияти бор.

Ўқув-ишлаб чиқариш практикаси маданий-маърифий соҳа ходимларини тайёрлашнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Бироқ уни самарали ўтказишга халақит берадиган сабаблар бор. Клуб муассасалари моддий базасининг мустаҳкам эмаслиги, малакали кадрларнинг етишмаслиги, практика ўтказиш учун ажратиладиган клубларда етарли даражадаги иш ҳажмининг йўқлиги ана шундай сабаблардандир. Фикримизча, бундай аҳволдан қутулишнинг йўли бор. Масалан, студентларнинг практикасини

ўтказиш учун энг яхши клуб муассасалари орасидан доимий база бўла оладиганларини белгилаб қўйилса яхши бўларди.

Маданий-маърифий соҳа ходимлари кадрларини тайёрлаш ва тарбиялаш тўғрисида гап борар экан, ёш мутахассисни иш жойига муқим бириктиришдек муҳим масала хусусида ҳам тўхталиб ўтишни истардик. Тан олиш керакки, бу борада юзага келган аҳвол ҳали кўнгилдагидек эмас. Масалан, 1985 йили Тошкент маданий-оқартув техникумини 156 киши тугатди, шулардан бор-йўғи 54 кишининг ишга жойлашганлигини тасдиқловчи маълумот келди. Умуман республика Маданият министрлиги бўйича 1986 йил 1 январгача 1058 ёш мутахассиснинг, яъни 1985 йилги барча битирувчилардан ярмидан кўпроғининг ишга жойлашганлигини тасдиқловчи маълумот олинмади. Аввало айрим жойларда маданий-маърифий ишнинг меҳнаткашлар ҳаётидаги роли ва аҳамиятининг эътиборга олинмаслигини, шунингдек бу касб намояндаларига нисбатан ниҳоятда эътиборсизлик мавжудлигини бундай ҳодисанинг сабаби деб ҳисоблаш лозим. Кўпинча тақсимот бўйича ишга келган битирувчи унга ваъда қилинган ўриннинг аллақачон кимдир томонидан банд қилингани сабабли ўзига ўзи иш излашига тўғри келади. Шундай ҳам бўладики, ёш мутахассисларнинг турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан ҳеч қандай чора кўрилмаслиги туфайли улар белгиланган иш муддатини ўтамай кетиб қоладилар. Масалан, Тошкент областининг Коммунистик районида сўнгги 12 йил ичида биронта ҳам маданий-маърифий соҳа ходими квартира олгани йўқ. Натижада кўпгина маданият муассасалари малакали мутахассиссиз қолаверадилар.

Кўрсатилган барча камчиликлар бартараф қилинмагунича маданий-маърифий соҳа ходимларининг кишилар қалбига, уларнинг меҳнат активлигини оширишга, социалистик онглилиги, коммунистик эътиқодини юксалтиришга йўл излаш ва топишлари амри маҳолдир.

Омманинг коммунистик онгини шакллантиришда клуб муассасаларининг таъсирчанлик кучини ошириш учун маданий-маърифий ишни КПСС МКнинг юқорида кўрсатилган қарори талаблари асосида қайта қуриш зарур. Ҳаёт шундай ишонч пайдо қилмоқдаки, ташаббускорлик, ишга ижодий ёндашув намоён бўлган, резервлар ва имкониятлар излаб топилаётган жойлардагина клуб муассасалари ғоявий-тарбиявий ишда, социалистик турмуш тарзини қарор топтиришда партия ташкилотларининг чинакам таянч марказлари бўлиб қолмоқдалар.

ШАХСНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Бизнинг мамлакатимизда коммунистик қурилиш жараёнида улкан иқтисодий ва социал-сиёсий туб ўзгартиришлар юз бериб, халқнинг моддий фаровонлиги, илмий ва маданий савияси ўсиб бормоқда. Бу ҳар томонлама баркамол шахсни, кишилар маданийлигининг янгича типини, уларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратади. КПСС XXVII съездида таъкидлаб ўтилганидек, жамиятнинг етуклик даражасини ошириш, коммунизм қуриш онгнинг етуклигини муттасил ошира бориш, инсоннинг маънавий дунёсини бойитиш демакдир.

Жамиятни сифат жиҳатдан туб ўзгартиришнинг инсон омили биринчи ўринга қўйилаётган ҳозирги кескин бурилиш босқичида Коммунистик партия ва Совет давлати шахсни социалистик сиёсий маданият билан ошна қилиш ишига ғоят катта аҳамият бермоқдалар. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида шундай дейилади: «КПСС барча совет кишилари марксча-ленинча таълимотни чуқур эгаллаб олишлари тўғрисида, ўзларининг сиёсий маданиятларини оширишлари, партиянинг сиёсатини ишлаб чиқишда онгли иштирок этишлари ва уни фаоллик билан ҳаётга татбиқ қилишлари тўғрисида доимо ғамхўрлик қила боради».

Илмий коммунизм асосчилари «маданият йўлидаги олға қўйилган ҳар бир қадам озодлик сари қўйилган қадам эди», деб ёзган эдилар (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 20-том, 116-бет). В. И. Ленин губерна ва уезд халқ маорифи бўлимлари сиёсий-маориф ходимлари Бутун Россия кенгашида сўзлаган нутқида биринчи марта сиёсий маданият тушунчасини қўллаган ва унинг мақсадлари ҳамда вазифаларини белгилаб берган эди: «...Сиёсий маданиятнинг... мақсади — ёлғон-яшиқларни, хурофотларни енга оладиган ва эски тартибни енгиб, давлат қурилиши ишини... юргизиш учун меҳнаткашлар оммасига ёрдам бера оладиган чин коммунистлар тарбиялаб етиштиришдан иборат... Бу ишни... бутун билимларни эгаллаб олиш йўли билангина амалга ошириш мумкин» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 454-бет). Мазкур ленинча қоида бизнинг давримизда ҳам ўз актуаллигини йўқотгани йўқ.

Сиёсий маданият — бу гражданлар сиёсий билимларининг, баҳолари ва хатти-ҳаракатларининг савияси ва характери, шунингдек сиёсий муносабатларни тартибга солувчи социал қадриятлар ва нормаларнинг мазмуни ва сифатидир. Унинг асосий мақсади — янги инсонни — партия сиёсатини теран тушунадиган ва уни ўзининг шахсий иши сингари қабул қиладиган коммунизм бинокорини шакллантиришдир. Сиёсий маданият социализмнинг моддий, маънавий ва эстетик маданияти билан ўзаро боғланган, чунки совет кишиларининг фан, маориф ва санъат соҳасидаги фаолияти сиёсий фаолият ҳисобланади. Сиёсий маданиятни эгаллаш жараёни — бу мураккаб, кўп қиррали ва нисбатан узоқ давом этадиган ҳодисадир, жамият бу вазифани қанчалик муваффақиятли ҳал эта боргани сайин омманинг тарихий ижодкорлиги шунчалик кенг қанот ёя боради.

Социалистик шахс сиёсий маданиятининг моҳияти — унинг марксизм-ленинизмни пухта эгаллай боришидан иборат. Бу назарияни ижодий қўлланиш амалда шахс сиёсий маданиятининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланиб, антикоммунистлар ва ревизионистларга кескин қарши зарба беришга имконият яратади. Шунинг учун жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида КПСС совет кишиларида марксча-ленинча қарашларнинг шакллантирилишига, бу билимларнинг чуқур ғоявий эътиқодга ва социал ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида оқилона ва тушунган ҳолда ҳаракат қилиш учун шайликка айлантирилишига катта аҳамият беради.

Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм сиёсий мада-

ниятнинг ифодасидир. Социализм ғалабаларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш — СССР ҳар бир гражданинининг муқаддас бурчидир. Иккита бир-бирига қарама-қарши — коммунистик ва буржуа дунёқарашлар ўртасида ғоят кескин кураш бораётган бир шароитда шахсда ватанпарварлик ва интернационалистик, социалистик Ватан ҳимоясига, унинг бирлиги ва қудратини мустаҳкамлаш учун шахсий ҳисса қўшишга тайёр туриш хислатларини тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

Совет кишиларининг давлат ишларини бошқаришда, турли жамоат ташкилотларида қатнашиши уларнинг сиёсий маданиятни эгаллашларида муҳим роль ўйнайди. Фақат Совет ҳокимияти шароитидагина, деб ёзган эди В. И. Ленин, «ҳатто энг демократик буржуа республикаларида ҳам, қонунга мувофиқ тенг ҳуқуқли бўлса-да, амалда сиёсий турмушга қатнашувдан ва демократик ҳуқуқлар ҳамда эркинликлардан фойдаланишдан минг турли йўл ва ҳийла-найранглар билан маҳрум қилиб келинган омма, худди мана шу омма эндиликда давлатни демократик асосда идора қилишга доимий суратда ва албатта тортилмоқда, тортилганда ҳам ҳал қиладиган тарзда тортилмоқда» (ТАТ, 37-том, 581-бет). Ҳозирги иттифоқдош республикалар Олий Советлари депутатларининг 69,3 проценти — ишчилар ва колхозчилардир, 800 мингга яқин йигит ва қиз — маҳаллий Советларнинг депутатлари, 5 миллиондан зиёд киши касаба союзларининг сайлаб қўйиладиган органларида ишлашади.

Сиёсий маданият коммунистлар ва партиясизларнинг социал ва сиёсий фаолиятини активлаштиришга ёрдам бериб, уларнинг маънавий дунёсини бойитади. Масалан, янги таҳрирдаги КПСС Программаси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида 6 миллиондан ортиқ киши иштирок этди, икки миллионга яқин киши эса КПСС Уставининг лойиҳаси юзасидан таклифлар ва мулоҳазалар билдирди.

Социалистик демократия формаларидан бири бўлган халқ контроли бизнинг мамлакатимизда омманинг сиёсий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг катта мактабидир. У 804 минг группа ва 500 мингга яқин постни бирлаштирган бўлиб, 10 миллиондан зиёд киши, шу жумладан 3,9 миллион коммунист, 1,6 миллион комсомол аъзоси, 40 процентдан кўпроқ хотин-қизлар бу группа ва постларда ишлашади. Улар ўз фаолияти билан партия ва давлатга интизом ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида кўмаклашадилар.

Сиёсий маданиятни тарбиялаш — муҳим социал ва сиёсий проблемадир. В. И. Ленин таъкидлаган эдики, «*ҳар томонлама юксалган* ва *ҳар томонлама* тайёрланган, ҳамма нарса қўлидан келадиган кишиларни тарбиялаш» учун вақт талаб қилинади (ТАТ, 41-том, 36—37-бетлар). Шу сабабли бугунги кунда ҳам жамият айрим аъзоларининг сиёсий жиҳатдан етарли даражада етук эмаслиги социалистик шахсни тарбиялаш ишига жиддий зарар етказадиган маҳаллийчилик ва маҳкамачилик, расмиятчилик ва кўшиб ёзишлар, меҳнатда ва социал жиҳатдан пассивлик, фикрлашдаги журъатсизлик ва кўпинча ланжлик сингари салбий ҳодисалар ва тенденцияларда ўз аксини топмоқда.

Юксак сиёсий маданиятга эга бўлган кишигина антисоциал ҳодисаларга қарши тинмай кураша олади. КПСС XXVII съезди яқин вақтлар ичида текинхўрлар, социалистик мулкни талон-тарож қилувчилар, порахўрлар, бизнинг жамиятимизнинг меҳнат табиатига ёт йўлга кирган ҳар қандай кимсаларга қарши қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш зарур деб топди. Яқинда қабул қилинган КПСС МКнинг меҳнатсиз даромадларга қарши кураш чоралари тўғрисидаги қарори — бунинг исботидир.

Иш билан сўз бирлиги, танқид ва ўз-ўзини танқид сингари ленинча принципларга оғишмай амал қилиш социалистик жамият тараққиётининг гаровидир. Айни вақтда бизнинг республикамизда бўлгани каби бу принципларга риоя этмаслик, партиявий принципиалликнинг етишмаслиги партия нормалари ва ахлоқини, совет қонунларини қўпол равишда бузишларга, халқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликларга, кадрлар муайян қисмининг айниши ва бузилишига олиб келади. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида «бу салбий ҳодисалар ғоят хатарли тус олди», деб қайд қилиб ўтилган эди. Фақат КПСС МКнинг аралашуви ва ёрдами туфайлигина республикадаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини очиб ташлашга муваффақ бўлинди.

Социалистик жамият сиёсий маданият нормаларининг бутун бир системасини ишлаб чиқди: булар принципиаллик, сўз билан иш бирлигига оғишмай амал қилиш, халққа ҳақиқатни айта билиш, демократик централизм принципини ҳаётда пухта амалга ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқид, ошкоралик, меҳнат аҳлига диққат-эътибор кўрсатишдан иборат.

Коммунистга унинг хатти-ҳаракатларига қараб баҳо берилади. Бошқача

мезон йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Улуғ Лениннинг ҳаёти ва фаолияти, унинг меҳнаткаш халққа нисбатан эътибор билан қараши ва чуқур ҳурмати ҳар бир совет кишиси учун ёрқин намунадир. Сиёсий жиҳатдан етук раҳбар ҳар доим омма билан бирга бўлиши, халқнинг ичида яшаши, унинг ишончини қозона билиши, ўзининг куч-ғайрати ва билимини социалистик демократияни мустаҳкамлашга бахш этиши лозим.

Маълумки, сиёсий маданият жамият маънавий ҳаётини шакллантиришга актив равишда таъсир кўрсатади. Шунинг учун шахснинг маданий савиясини социал турмушнинг моддий, маънавий, ҳуқуқий ва эстетик соҳалари билан узвий ўзаро боғланган бутун жамият сиёсий маданиятининг юксаклик даражасини ҳисобга олмасдан баҳолаб бўлмайди.

Сиёсий маданият нормалари — бу кишиларнинг сиёсий фаолиятига муайян талаблардир. Улар коммунистик онглиликни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. В. И. Ленин сиёсий маданият тўғрисида бюрократизм, сансалорлик, қонунчиликни ва гражданларнинг ҳуқуқларини бузишларга қарши курашнинг таъсирчан воситаси сифатида гапирган эди. Социализмнинг сиёсий маданияти ҳар бир гражданнинг — ишчидан тортиб то министргача — ўз ҳуқуқини таниб олиши, қонунларни ҳурмат қилиши ва уларга риоя қилишини тақозо қилади.

Инсон тайёр эътиқодлар билан дунёга келмайди. Улар унинг амалий фаолияти жараёнида марксизм-ленинизмни муттасил ўрганиши натижасида шаклланади. Дунёқарашга доир дастурлари иши билан бир бўлган кишиларнигина ғоявий эътиқодли дейиш мумкин. Ҳолбуки, кўпинча эътиқоди фақат тилининг учидагина турадиган кишилар ҳам учрайди. Улар ҳатто бизнинг принципларимизни тарғиб қилишга ҳам уриниб кўришадию, лекин ўзлари бу принципларга зид ҳаракат қилишади. Бу жамиятнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, олға боришга халақит берадиган паст сиёсий маданиятнинг оқибатларидир. «Биз ҳамма кадрларимизга вақт талабларини тушуниб олиш ва ишни қайта қуриш учун имконият яратиб беришимиз лозим, албатта, — деб қайд қилган эди М. С. Горбачев. — Аммо кимда-ким ишни қайта қуриш ниятида бўлмаса, бунинг устига янги вазифаларни ҳал қилишга тўғаноқ солса, у йўлни бўшатиб қўйиши, халал бермаслиги керак. Биз бир кишининг манфаатларини бутун жамият манфаатларидан юқори қўя олмаймиз».

Сиёсий маданиятни тарбиялашда партия маорифи, комсомол сиёсий маорифи, иқтисодий ўқишлар тармоғи катта роль ўйнайди. Ҳозирги пайтда бу тармоқ 70 миллионга яқин кишини қамраб олган бўлиб, 2,5 миллион коммунист ва партиясиз пропагандистлик ишини олиб боради. Марксча-ленинча ўқувнинг юксак илмий-назарий даражада ташкил этилиши тингловчиларнинг революцион дунёқарашни ўзлаштиришининг, уларда сиёсий ва иқтисодий тафаккурни ривожлантиришнинг, меҳнаткашларнинг сиёсий маданиятини такомиллаштиришнинг гарови ҳисобланади.

Марксизм-ленинизм асосларини чуқур ўзлаштириш ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунларини тушуниб олиш ва улардан оқилона фойдаланишга йўл очиб беради. Сиёсий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш ривожланишнинг ҳозирги мураккаб босқичида сиёсий кураш ва сиёсий раҳбарлик қилиш тажрибасини эгаллаш учун кенг имконият яратади. Бу жараён кўп жиҳатдан жамият сиёсий онгининг даражасига боғлиқдир.

М. РАЖАБОВ.

ЮКСАЛИШ

А. БРОНШТЕЙН

Қурилишда тартиб... Тартиб бўлмаганида унинг ҳақида кўп гапирамиз ва ёзамиз. Тартиб бўлса, нур устига нур, демак, унинг ҳақида гўё ёзмаса ҳам бўлади.

Сир эмаски, кўпгина қурилиш объектларимизда (айниқса тураржой бинолари қурилишида) тартибсизлик нормага айланиб қолган ҳисоб. Ишчи мажлисларида, партия-хўжалик активларида, партия комитетлари пленумларида бу ҳақда жуда кўп гапириладию, лекин афсуски, бу ёмон қоида жуда секинлик билан бартараф этилмоқда. Кишиларнинг янги уй-жойларда ҳам, саноат, социал-маданий ва маиший биноларда ҳам жуда кўп кам-кўстларга, чала қилинган ишларга дуч келаётганлигига шу нарса сабаб бўлмаяптимикин? Хўш, йилдан-йилга чўзилиб келаётган объектлар-чи? Ахир, ўшалар ҳам аслида шу тартибсизлик туфайли пайдо бўлади-да.

Лекин, бахтимизга, бошқа мисоллар ҳам бор. Уларнинг сони муттасил кўпайиб бориши, ҳамма жойда, ҳар бир қурилишда тартиб-интизом, чинакам ишчанлик кайфияти ҳукм суриши учун ҳам шулар ҳақида гапириш керак.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, коммунист Мухтор Хабибуллаев бошчилик қилаётган хўжалик ҳисобидаги қурувчилар комплекс бригадаси тўғрисида кўп эшитгандим. Бу бригада бошқа кўплаб бригадалардан нимаси билан фарқ қилади, коммунистик меҳнат бригадаси деган номга қандай эришди, бунинг замирида нималар ётибди, менда ана шуларни билиш истаги туғилди.

Мен қурилиш майдончасига келдим, бу ерда республикамиздаги энг юксак бино — коллектив бўлиб фойдаланиладиган Ҳисоблаш маркази қурилмоқда. У ўн олти қават бўлиб, ҳар бир хонасининг баландлиги олти метр.

Биринчи таассурот кучли бўлади, дейишади. Дастлаб кўзга нималар ташланди? Қурилиш майдончаси асфальт билан қопланган, унга олиб борадиган йўллар ҳам асфальтланган. Кунига икки марта асфальтга сув сепилади. Келиб-кетаётган автомашиналарга халақит бермаслиги учун барча қурилиш материаллари махсус ажратилган жойга яхшилаб тахлаб, териб қўйилган. Телевизорли қизил бурчак, чойхона, уст-бош ечиб қўйиладиган хона ҳам шу территориянинг ўзида. Уларнинг ҳаммаси тоза, саранжом-саришта, маълум бўлдики, бу ҳам бригадирнинг хизмати экан.

Мен ўз таассуротларимни Мухтор Хабибуллаевичга айтдим.

— Бунинг ҳеч хайрон бўладиган жойи йўқ,— деди у — Кўп йиллик иш тажрибамдан шунга ишонч ҳосил қилдимки, қурилиш майдончасида тартиб бўлмаса, ҳаммаёқ ифлос, лой бўлса, материаллар тўғри келган жойда сочилиб ётса, қурувчилар ҳам ҳафсаласизлик билан наридан-бери ишлайди. Бордию, раҳбарлар ҳам бундай тартибсизликка кўникиб кетган бўлса, бу планнинг бажарилишига албатта таъсир қилади. Технологик процесснинг асосий раҳбари — бригадир хусусида шуни айтиш кераккн, қурилишда ишларнинг аҳволи, унинг сифати, бинобарин оқибат натижада қурувчилар меҳнатининг қандай баҳоланиши биринчи навбатда бригадирга боғлиқдир. Графиклар ҳам, иқтисодий кўрсаткичлар ҳам — буларнинг ҳаммаси, муболағасиз айтиш мумкинки, қурилиш майдончасидаги тартиб, коллективнинг бир маромдаги аниқ, пухта иши билан белгиланади.

Одам қурувчи бўлиб туғилмайди, қурувчи бўлиб етишади, деган оддий ҳақиқат бор. Яна шу нарса ҳам сезилганки, хўжаликни юритиш қобилияти ишчи оиласидан чиққан одамларга кўпроқ хос бўлади. Маълумки, меҳнат — энг яхши тарбиячидир.

Фарғонада ҳамма танийдиган бухгалтер-экономист Абдураҳмон Ҳабибуллаевнинг ўғли Мухтор оиласида ҳам меҳнат ҳар бир нарсанинг сар асоси, юксак ахлокийлик пойдевори деб ҳисобланарди. Абдураҳмон Ҳабибуллаев табиатида унинг касби чукур из колдирганди. У раҡамлар — хўжалик фаолиятининг ҳар кандай соҳасидаги ишлар аҳволини акс эттирувчи ўзига хос бир кўзгу деб ҳисобларди. У курук раҡамлар сираси замирида одамлар меҳнатини, унинг канчалик самарадорлигини кўради, ҳатто коллективдаги маънавий-психологик муҳитни ҳам тасаввур эта олади. Оилада меҳнатни кадрлаш Мухтор тарбиясига ҳам таъсир килди. Отаси ўзича, ўғлим аввал ишчи бўлиши, кейин илм олишга интилиши керак, деб ҳисобларди.

Ҳабибуллаевлар оиласи Тошкентга кўчиб келганидан кейин Мухтор 12-ўрта мактабга ўкишга борди ва уни 1958 йилда тугатди. Аттестатни олиши биланок 159-трестга карашли 6-курилиш бошкармасига йўл олди. Ўрта мактабни эндигина битириб чиккан ўсмирнинг ҳеч кандай касби йўк эди, албатта. «Ким бўлмокчисан?» деган саволга у сира иккиланмай, ўйлаб ўтирмай: «Дурадгор» деб жавоб килди.

— Нега энди албатта дурадгор?— деб суриштира кетди кадрлар бўлими ходими.

— Пайраҳанинг ҳидини яхши кўраман,— деб оддийгина жавоб берди йигит.

Кадрлар бўлими ходими мийиғида бир кулиб кўйдию, лекин Мухтор Ҳабибуллаевнинг илтимосини инобатга олди.

У прораб коммунист Фахри Азизов кўлига тушди. Азизов Мухтор билан суҳбатлашди, ўрта мактабни тугатганини жуда маъкуллади. Йигитчанинг чизмачиликдан беш баҳога ўкиганлиги айникса унга ёкиб тушди.

— Бўш вактингда олдимга келиб тур,— деди Азизов,— сенга чизмани ўкишни ўргатаман.

Дурадгорлар бригадири Илья Григорьевич Гульцев Мухторнинг бевосита бошлиғи эди.

— Жуда тажрибали мутахассис-дурадгор эди,— деб эслайди Ҳабибуллаев.— Менга кўп нарсаларни ўргатди. Ҳар кимнинг ўз асбоби бўлиши керак — деди у.— Шунинг учун ҳам болтани ўзинг ясайсан, уни яхшилаб созламагунча олдимга келмагин. Болтанинг сопини ҳам ўзинг ясайсан. Мен сенга кўларрани чархлашни ўргатаман, бу осон иш эмас, лекин сен бу ишни ҳам уддалашинг керак. Умуман, ҳар бир ишни мустакил килишга ўрган, сенга ёрдам бериб тураман.

Мухтор ўз устозини таъриф-тавсиф киларкан, Илья Григорьевич «тахтани болта билан шундай тарашлайдики, махсус ранданинг кераги бўлмайди», дейди унинг ишидан завкланиб.

Орадан бир оз вакт ўтгач Ҳабибуллаев прораб Азизов раҳбарлигида чизмаларни ўкишга ўрганди, дурадгорлик касбини мукаммал эгаллаб, кунт билан ишлаб ҳаммани койил колдирди.

Вакти-соати келиб Гульцев Мухторни ҳузурига чакирди-да, сира кутилмаганда шундай деди:

— Мен пенсияга чикяпман. Ўзаро маслаҳатлашиб, сени бригадирликка тавсия килишни лозим кўрдик.

Ҳабибуллаев ўша кунни ҳали ҳам ҳаяжонланиб эслайди, ҳа деганда бир оз саросимага тушиб колди: ахир, унга, 19 яшар йигитчага сочига ок оралаган курувчиларга бош бўлишни таклиф килишганди-да. Ҳар кандай одам ҳам шошилиб колади-да. Лекин барибир у бригадирликни кабул килди. Аввал бошда курувчилар уни назарга илишмади, ёш Мухторнинг хўрлиги келиб, йиғлагундай бўлди. Лекин вакт ўтиши билан бригада аъзолари раҳбарлари ёш бўлса ҳам, унинг акли жойида эканлигини аста-секин тушуна бошлашди. Мухтор ҳам бўш келмади. Ўзига кўрсатилган ишончни оклаш учун тиришиб-тирмашиб ишлади. Катталар ҳам керагида ёрдам бериб туришди. Масалан, курувчиларнинг кўпчилиги чизмани ўкишни билишмасди. Улар прорабга мурожаат килишса, у: «бригадирга боринглар, у тушунтириб беради» дерди. Мухтор нимани кандай килишни яхшилаб тушунтирарди. Шу тарика унинг обрўси кундан-кунга орта борди.

Мухтор Ҳабибуллаевич бригадир бўлиб ишлаб юрганида оддий бир ҳакикатни жуда пухта укиб олди: факат бошкаларнинг кандай ишлаётганини кузатиб, караб юриш билан яхши раҳбар ва мутахассис бўлолмайсан. Ўзинг иложи борича кўпрок касбни эгаллашга ҳаракат килишинг керак.

У сира уялмай-тортинмай тажрибали курувчилардан ўрганди. Бора-бора Ҳабибуллаев пайвандчи, монтажчи, бетончи касбини эгаллади.

1960 йил эди.

— Бу йил,— деб эслайди Мухтор Ҳабибуллаевич,— маълум маънода мен учун бурилиш

йили бўлди. Нега дейсизми? Бригадани комплекс бригада қилишга қарор қилдим, чунки бусиз олдинга силжиб бўлмасди. Бунда мен шуни ҳам ҳисобга олдимки, бригада аъзолари бетонда ишлашни ўрганиб олишганди, арматурани ўзлари «улашарди», монтаж санъатини ҳам эгаллашганди. Хуллас, комплекс бригада тузиш учун ҳамма асос бор эди.

Ўшанда унинг бригадасида 120 киши ишларди, улар Черданцев массивида тураржой биноларини қуришарди. Коллектив бир вақтнинг ўзида икки тураржой биносини қурган пайтлар ҳам бўлганди. Бу иқтисодий жиҳатдан фойдали эди. Лекин бригадир қурувчиларни зарур материаллар билан узлуксиз таъминлаб туриши, иш муддатлари ва сифатини қатъий контрол қилиб бориши керак эди.

— Ҳа, бу кўп куч-ғайрат талаб қиларди,— дейди Ҳабибуллаев.— Елиб-югуришга, ўжар, қайсар бўлишга тўғри келарди. Ҳар ҳолда қурилиш бошқармаси ходимларини ҳам оператив ишлашга ўргатиб қўйгандим. Хуллас, нима бўлганда ҳам ишчилар зарур нарсаларнинг ҳаммасини: бетон, ёғоч материаллар, арматурани ўз вақтида олиб туришди.

1968 йилгача Мухтор Ҳабибуллаев бригадаси 4-қурилиш трести составида эди, кейинчалик уни «Высотстрой»га қарашли 11-трестга ўтказишди.

В. И. Ленин музейи филиали биносини қуриш қурувчилар учун ҳам, уларнинг раҳбарлари учун ҳам етукликнинг чинакам имтиҳони бўлди. Бу ерда ҳар бир операция иш сифати учун катта масъулият талаб қиларди. Ёнма-ён ишлаётган Пётр Костенко бошлиқ машҳур бригаданинг ҳамма аъзолари ўртоқларча ёрдам бердилар. Ҳабибуллаевчиларнинг кўп мураккаб операцияларни бунчалик тез ўзлаштириб олишларида айни шу Костенко бригадаси аъзоларининг хизмати катта бўлди. Мухтор Ҳабибуллаевич Пётр Костенко ва унинг одамларидан кўп нарсани ўрганишганини яширмайди ва бу сабоқ ҳамда самимий ёрдам учун улардан жуда миннатдор.

Бу ноёб объектни қуришда кўрсатган меҳнат жасорати учун қурувчилар ҳукумат мукофотларига сазовор бўлдилар. Мухтор Ҳабибуллаевич Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди ва унга СССР Давлат мукофоти лауреати Фахрий унвони берилди. Бу саккизинчи беш йиллик давридаги фидокорона меҳнати учун ҳам берилган мукофот эди.

Бригада 1970—1975 йилларда оригинал конструкцияли «Ўзбекбирлашув» биносини қурди. Бу ерда Мухтор Ҳабибуллаев юксак малакали мутахассис эканлигини тўла-тўкис кўрсатди. Шунинг учун ҳам юбилей объекти — В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройи қурилишини у бошқараётган коллективга топширилиши бежиз эмасди. Бу ноёб бино ҳам «аъло» баҳога топширилди.

1976 йилда тўққизинчи беш йилликда эришган меҳнат зафарлари учун Мухтор Ҳабибуллаев Ленин ордени билан мукофотланди.

Кейинчалик бошқа қурилишларда — Гипросельхоз, бир қатор тураржой бинолари қурилишида ишлади. 1981 йилда Ҳабибуллаев бригадасига коллектив бўлиб фойдаланиладиган Ҳисоблаш маркази биносини қуришни ишониб топширишди.

Мухтор Ҳабибуллаевич шундай мулоҳаза юритади:

— Ҳисоблаш марказини қурсак, кўпгина ташкилотларнинг ўз ҳисоблаш марказлари тугатилади. Қанчадан-қанча маблағ тежаб қолинади.

Қурувчиларнинг ўзлари қурган объектдан қанча иқтисодий наф бўлишини билишлари жуда яхши.

Йиллар зое кетмади. Мухтор Ҳабибуллаевнинг меҳнат ҳиссаси жуда салмоқли бўлди. Лекин шунга қарамай ўқишни давом эттириш, олий маълумот олиш зарурлигини у тобора чуқурроқ тушунарди — қурилиш иши, унинг кундан-кунга мураккаблашиб бориши, сифатга қўйилаётган талаб ва ўлчовнинг ошиши шуни тақозо этарди. У аввало халқ хўжалиги институтининг кечки, сўнгра сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Институтнинг моддий-техника таъминоти факультетида ўқиб юрган пайтларида бу соҳанинг қанчалик катта роль ўйнашини, бу борада қанчадан-қанча мураккаб проблемалар турганлигини янада чуқур тушунди. У хилма-хил қурилиш материалларининг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг қандай ҳолларда қўлланишини ва қандай сақланишини билиб олди. Моддий-техника таъминоти экономикасини ўрганишга алоҳида эътибор берди. Хуллас, институтдан бой амалий иш тажрибасига ва чуқур назарий билимга эга мутахассис чиқдики, булар Ҳисоблаш марказини қуришда унга жуда асқотди.

6-қурилиш бошқармасининг партия ташкилоти 1963 йилда Мухтор Ҳабибуллаевни КПСС сафига қабул қилди, бу кун ҳар бир коммунист ҳаётида бўлганидек унинг ҳаётида ҳам алоҳида ўрин тутади.

— Партия сафида бўлишим менга қандай имтиёзлар берди?— деб сўрайди бригадир ва

ўзи жавоб қилади:— Ҳеч қандай имтиёз, лекин иш натижалари учун масъулият ҳисси икки-уч баравар ортди, мендан янада қаттиқроқ талаб қиладиган бўлишди.

Мухтор Ҳабибуллаевич энди ўзига раҳбар сифатида бошқача кўз билан қарай бошлади. Унга ҳеч кимнинг айтарли даъвоси йўқ эди. Лекин бригадир ўз нуқсон-камчиликларини яширмайди, одамларга қандай раҳбарлик қилаётганига ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан баҳо беради.

— Илгари қандай эди? Одамларга ишонмасдим, ҳамма нарсани, ҳамма мураккаб ишларни ўзим бажаришга ҳаракат қилардим, ниҳоят тушундим: йўқ, ортиқ бундай ишлаб бўлмайди, қўл остингдаги одамларнинг ташаббусини бўғиш керак эмас.

Кўп ўй-мулоҳазалардан кейин ишнинг звено системасига ўтишга қарор қилди. Звено бошлиқлари Александр Путинцев, коммунистлар Борис Абрамов ва Акбар Шофайзиев, Манноп Аҳмедов ва Муҳаммад Каримовлар қурилиш ишлари муддати ҳамда сифати учун масъулиятнинг кўп қисмини ўз зиммаларига олдилар. Улар бригадирнинг чинакам таянчи бўлдилар. Бундан ҳам олдин М. Ҳабибуллаев коллектив аъзолари билан маслаҳатлашиб, хўжалик ҳисобини жорий этишга қарор қилганди. Шу-шу бригада «Железобетонстрой» ихтисослаштирилган бошқармаси билан шартнома тузадиган бўлди, бунга асосан қурилиш-монтаж бошқармаси бригадага барча зарур материалларни белгиланган муддатларда етказиб бериш мажбуриятини олди. Бригада эса ўз навбатида «ишларнинг нулевой циклини» муддатидан олдин бажариш мажбуриятини олди. Ҳисоблаш марказини қуришда ҳам шундай қилинди. Ишларнинг бундай цикли 1981 йилда бошланиб, 12 ойдан кейиноқ тугалланди.

Хўжалик ҳисоби қурувчиларда масъулият ҳиссини оширишга ёрдам берди. Энди улар материалларни ўйлаб-нетиб ўтирмасдан сарфлашнинг иқтисодий жиҳатдан қанчалик зарарлигини яхши тушунишади. У ёки бу операцияга қанча ва қандай материал кетишини бригада аъзоларининг ҳаммаси билади. Материалларни ортиқча сарфлаш — бу уларнинг ҳар бирининг иш ҳақидан маълум қисмини ушлаб қолиш деган сўз. Мана, биринчи ижобий натижа: Ҳабибуллаев бригадаси 1985 йилнинг олти ойи ичида 26 минг сўмлик материални тежаб қолди. Иккинчи ярим йилликда ҳам анча катта суммадаги материал тежалди. Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи кунлариданоқ бригадада ҳар бир килограмм бетон, металл, ҳар кубометр ёғочни тежаб қолиш учун қаттиқ кураш бошланди.

— Биз злобинча метод асосида ишлаяпмиз,— деб тушунтирди Мухтор Ҳабибуллаев.— бу метод аслида хўжалик ҳисобидан бошланган.

Айни шу хўжалик ҳисоби Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройини муддатидан олдин қуриб битказишга ёрдам берди, у 11 йилга планлаштирилган эди, аслида икки баравар тез тугалланди. В. И. Ленин музейи филиали биносини 43 ойда қуриб бўлиш керак эди, Ҳабибуллаев бригадаси эса ўз участкасида бутун циклни 21 ойда тугатди.

Мухтор Ҳабибуллаев бригадасининг меҳнатдаги ютуқларини фақат «Высотстрой»га қарашли 11-трест ва «Железобетонстрой»га қарашли қурилиш-монтаж бошқармасигина (коллектив шу бошқармага бўйсунади) эмас, шунингдек кенг жамоатчилик юксак баҳоламоқда. Мухтор Ҳабибуллаев Тошкент шаҳар Киров район партия комитетига аъзо, «Высотстрой»га қарашли 11-трест парткомига аъзо ва «Железобетонстрой»га қарашли қурилиш-монтаж бошқармаси партия ташкилотининг секретари қилиб сайланди.

— Ҳабибуллаевни партия ташкилотининг секретари қилиб сайлаганларидан кейин, — дейишди менга бошқарма коммунистлари, — ишлар анча жонланиб кетди.

Мухтор Ҳабибуллаевичга берилган бундан ҳам бошқа топшириқлар бор, уларни бажармасликка ҳаққим йўқ, деб ҳисоблайди у. М. Ҳабибуллаев — Ташоблсовпрофнинг жамоатчи секретари, унинг мажлисларига мунтазам қатнашади, область касаба союз ташкилотининг айрим топшириқларини бажаради. Уни илмий-техника жамияти бюроси составига сайлашган, у бу ерда Тошкент рационализаторлари ва ихтирочиларининг фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда фаол қатнашади.

Лекин, Мухтор Ҳабибуллаевич депутатлик вазифаларини бажаришни ўз жамоатчилик фаолиятининг бош вазифаси деб ҳисоблайди. У Юнусободдаги 240-умумий таълим мактабида ҳар ойнинг иккинчи чоршанба куни ўз сайловчилари билан мунтазам учрашиб туради. Хилма-хил масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Лекин уларнинг кўпчилиги одамлар учун энг долзарб проблема — уй-жой шароитини яхшилаш масалаларига тааллуқлидир.

Мухтор Ҳабибуллаевич уларнинг ҳар бир илтимосини ва у билан боғлиқ ҳамма масалаларни ён дафтарига ёзиб олади. Агар квартира олиш ҳақида гап борса, у ўша одамнинг уй-жой шароити, қаерда, ким бўлиб ишлаши, янги уй олиш учун навбатда қачондан

бери турганлиги билан қизиқади. Сайловчига қониқарли ва мукаммал жавоб бериш учун унга анча уринишга тўғри келади. Ҳа, депутатнинг иши ана шундай, у жуда кўп одамларга ёрдам қилди. Улар орасида Улуғ Ватан урушининг биринчи группа инвалиди Степан Моисеевич Тарануха бор. У Ватанимиз учун олиб борилган жангларда кўзидан ва бир оёғидан айрилди. Мухтор Ҳабибуллаевич С. М. Тарануханинг уй-жой шароитини яхшилаш тўғрисидаги илтимосини жуда яхшилаб эшитди. Эртасигаёқ у Киров район ижроия комитетида бўлиб, ҳамма ишни тўғрилади, натижада инвалид С. М. Таранухани икки хонали квартирага кўчириш масаласи ижобий ҳал этилди.

Кўпинча депутатнинг олдига келувчилар билан суҳбати тарбиявий характерда бўлади. Мана, М. Ҳабибуллаев қабулига 34 ёшли гражданка Пирова келди. У ҳам уй-жой шароитини яхшилашни илтимос қилган одамлар қаторида навбатда туради. Лекин депутат бу аёлнинг ҳаёти билан қизиқиб, унинг кўп йиллардан буён ҳеч қаерда ишламаслигини аниқлади.

— Ахир, бизнинг давримизда ёш одамнинг ҳеч қаерда ишламаслиги мумкинми? — деб сўради у Пировадан.

Суҳбат аёл учун кўнгилсиз бир тус олди. У рад жавобини олишига ишонарди. Лекин Мухтор Ҳабибуллаевичнинг мақсади бўлак — Пированинг ишга жойлашишига ёрдам бериш. Аёл — физкультура ходими, депутат унга ўсмирлар ҳам, ўзлари яшайдиган жойлардаги катталар ҳам муҳтож бўлган вазифани, яъни ЖЭК қошида физкультура ташкилотчиси вазифасини таклиф қилди. Мухтор Ҳабибуллаевич бу иш Пировага маъқул бўлишига, у ўз қобилиятини кўрсатишига умид қилади.

Нега энди Мухтор Ҳабибуллаевич ҳар бир илтимос, таклифни ён дафтарига қунт билан ёзиб боради? Чунки унинг асосий иши сайловчиларни қабул қилгандан кейин бошланади. Гражданларнинг манфаатларини асосли равишда ҳимоя қилиш учун у турли ташкилотларда, идораларда ён дафтарига қараши керак бўлади.

Мен, жамоатчилик ишларингиз бошингиздан ошиб-тошиб ётган бир ҳолда бригадани бошқаришга қандай улгурасиз, деб қизиқиб сўрайман.

— Мен ҳар бир звенонинг ишини бир ҳафтага планлаштириб бераман, — деб тушунтиради у. — Бунда курувчиларнинг барча зарур материаллар билан таъминланган бўлиши учун ҳаракат қиламан. Ишларнинг аҳволини прораб назорат қилиб боради, звено бошлиқларининг ўзлари графикдан орқада қолишга йўл қўйишмайди.

Унинг ўзи ҳар бир звенонинг иши қандай бораётганини, сифатини ҳар куни текшириб боради. Лекин буни камтарлик қилиб гапирмаяпти. Бригадир бирон-бир звенонинг ишида сусткашликни, айниқса монтажнинг сифати пастлигини аниқласа, ўша звено бошлиғи ҳаммаси учун жавоб беради.

М. Ҳабибуллаев «Железобетонстрой» бошқармаси бошланғич партия ташкилоти ишларига жуда катта эътибор беради. У пропагандистлар ишини текширишга ҳам, партия ташкилоти планининг бажарилишини кўришга ҳам, маъмурият фаолиятини контрол қилиш комиссиясининг иши билан танишиб чиқишга ҳам улгуради. Бунинг устига яна ҳар бир коммунист билан суҳбатлашишга ҳам вақт топади, «Железобетонстрой»га қарашли қурилиш-монтаж бошқармасига бўйсунувчи бошқа бригадаларда ишлар қандай кетаётгани билан қизиқади.

— Мен коммунистлар ва ишлаб чиқариш илғорларининг ёрдамида,— деб ҳикоя қилади Мухтор Ҳабибуллаевич, — шунга эришдимки, бригадада прогуллар, ишга кеч қолишлар, қурилиш процессидаги пала-партишликлар бутунлай тугатилди. Ичкиликбозлик ҳам бутунлай барҳам топди. Мана шуларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш топшириқларини ой сайин юқори сифатли қилиб бажариш эмас, ҳатто ошириб бажаришга имкон беради.

Яна бир қизиқ масала: Ҳисоблаш марказини қуришда Ҳабибуллаев бригадасида план бўйича 35 қурувчи бўлиши керак эди, аслида эса 31 одам ишлади. Ўн биринчи беш йиллик давомида капитал маблағларни ўзлаштириш плани 700 минг сўмга ошириб бажарилди. Меҳнат унумдорлиги шу давр ичида 8,7 процентга ўсди. Бригада ўн иккинчи беш йилликни ҳам ойлик топшириқларни ошириб бажариш билан бошлади. Ҳабибулаевчилар (уларни трестда шундай деб аташади) съездолди кунлари айниқса алоҳида бир кўтаринкилик билан ишлаб, юқори унумли меҳнат намунасини кўрсатдилар.

М. Ҳабибуллаевнинг бригадир сифатида ўз вазифасини ҳалол бажариши, унинг улкан ижтимоий фаолияти, актив ҳаётий позицияси — бу бошқалар учун ибратдир. Бинобарин унинг КПСС XXVII съездига делегат қилиб ва Тошкент шаҳар партия комитети бюроси составига сайланганлиги бежиз эмас.

Москвадан донгдор бригадир бой, унутилмас таассуротлар — билан қайтиб келди. У ўз таассуротларини энг аввал бригадаси аъзолари билан ўртоқлашди.

— Партиямиз жуда улкан планлар белгилади, — деб ҳикоя қилди Мухтор Ҳабибуллаевич, — лекин агар сўзимиз билан ишимиз бир бўлмаса, агар ишчанлик кундалик ҳаётимиз нормасига айланмас экан, бу планлар қоғозда қолиб кетади. Ташаббускорлик ва ишга ижодий ёндашиш, меҳнатимизнинг пировард натижалари учун масъулиятни чуқур ҳис этиш — бугун сиз билан бизга мана шу нарса керак.

Унинг ҳар бир сўзи бригада аъзоларининг кўнглига чуқур ўрнашиб қолганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Раҳбарнинг ўзи коллектив учун ибратдир. Ҳабибуллаев ташаббуси билан бригадада углерод (IV)-оксид ёрдамида пайвандлаш жорий этилди. Биринчи марта, яна ўша бригадир ташаббуси билан, махсус насосдан фойдаланиб, қаватлар орасини бетонлаштириш методи қўлланилди, насос бетонни трубопровод орқали тортиб оладики, бу кранларни ишлатмасликка имкон бериб, катта иқтисодий фойда келтиради.

— Биз Ҳисоблаш марказини муддатидан олдин топшириш учун курашяпмиз, — дейди Мухтор Ҳабибуллаевич. — Ҳа, сўзимизнинг устидан чиқамиз.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йилнинг апрель ойида ўзининг навбатдаги мажлисида М. Ҳабибуллаевнинг депутатлик вазифаларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ҳисоботини тинглади. Унинг партиянинг халқ хўжалигини ривожлантиришнинг интенсив йўлга ўтказиш тўғрисидаги кўрсатмаларини амалга оширишда фаол қатнашаётганлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун резервларни қидириб топиш ва уларни ишга солиш борасида кўп иш қилаётганлиги, юксак меҳнат унумдорлиги, план топшириқлари ва қабул қилинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақага бош-қош бўлаётганлиги таъкидлаб ўтилди. М. Ҳабибуллаев депутат сифатида социал масалаларни ҳал қилишга катта эътибор беради. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми унинг фаолиятини маъқуллади.

Мухтор Ҳабибуллаевич оила бошлиғи сифатида ҳам чинакам бахтли. Беш фарзандидан иккита каттаси аллақачон мустақил меҳнат қиляпти. Муҳаммад — пайвандчи, Маннон — пардозловчи. Икки ўғли ҳам донгдор отасидан ибрат олиб, ҳалол, яхши ишлашади.

Баъзида ўзимга савол бераман: тақдиридан хурсанд одам деганда кимни тушунса бўлади? Менимча, бу ҳаётда ҳам, ижодда ҳам идеалга интиладиган одам. Киши фақат меҳнат орқали, кураш орқали, қийинчиликларни енгиш орқалигина ўзлигини англаши мумкин. Идеал учун курашсиз чинакам курашнинг бўлиши мумкин эмас. Мухтор Ҳабибуллаевич ўз ҳаётини мана шунга бағишлаган. Унинг тақдири — бу юксалишдир.

АҚШ: ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ БУЗИШ ЙЎЛИ

А. КОКОШИН,
СССР Фанлар Академияси АҚШ ва Канада институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари доктори

Қ. АЛИМОВ,
тарих фанлари кандидати.

АГАР халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига риоя этилса ва бу принцип ҳамда нормалар ҳурмат қилинса, у давлатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун туғиладиган низоларни тинч йўл билан ҳал этиш учун мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилиши мумкин, буни кескинликни юмшатиш йиллари тасдиқлади.

АҚШ бутун фронт бўйлаб халқаро ҳуқуқ-тартиботни бузиш йўлидан бормоқда. Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг амалий фаолияти илгари имзоланган битимларни барбод қилишдан, қуролланиш пойгасини авж олдиришдан, космик фазони ҳарбийлаштиришга тайёргарлик кўришдан, регионал можароларни авж олдиришдан ва халқаро ташкилотларни путурдан кетказишдан иборатдир. АҚШ маъмуриятининг мана шу масъулиятсиз йўли ҳарбий-саноат комплексининг тор ва ғаразли манфаатларидан келиб чиққандир, чунки, В. И. Ленин ибораси билан айтганда, империалистик кучлар «ўлиб бораётган капиталистик қулликни сақлаб қолиш учун ҳар қандай ёввойилик, ваҳшийлик ва хиёнат қилишга» тайёрдир. (Тўла асарлар тўплами, 23-том, 187—188-бетлар).

Америка империализмининг халқаро вазиятни атайлаб кескинлаштириши унинг социализм позициялари мустаҳкамланаётганлигидан, миллий озодлик ҳаракатининг юксалаётганлигидан, урушга қарши кучлар мустаҳкамланаётганидан норозилигини ифодалайди. Империализмнинг бошқа халқлар устидан ҳукмронлик қилиш имкониятлари қанчалик чекланса, унинг энг агрессив вакиллари бунга шу қадар бемулоҳазалик билан муносабатда бўлмоқдалар. АҚШнинг ҳозирги маъмурияти худди ана шундай иш тутмоқда.

Буржуазиянинг ўзи яратган ва ўзи учун чидаб бўлмас бир нарсага айланиб қолган ташқи соҳадаги қонунийликдан империалистик давлат ўз тараққиётининг ҳозирги босқичида халос бўлишга интилиши давлатларнинг иродаларини мувофиқлаштириш натижасида яратиладиган халқаро ҳуқуққа нигилистик муносабатда ўзининг мантиқий давомини топмоқда. Империалистик кучлар уни бартараф этишга, тафтиш қилишга қодир эмаслар. Бунда жаҳон социализм системасининг мавжудлиги факти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу сабабли империализм халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини бузиб, ҳаракат қилиш натижасидагина ўзининг жаҳонгирлик манманлик сиёсатини қондира олиши мумкин, бу эса, табиийки, давлатлар ўртасидаги ҳуқуқ билан тартибга солинган муносабатларнинг бузилишига, путурдан кетишига олиб келади.

АҚШ сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва ҳарбий соҳаларда умум томонидан эътироф этилган нормаларга ва халқаро ҳуқуқ принципларига зид бўлган, совет-америка битимларининг қоидаларини бузадиган бир

канча қадамларни қўйди. Ж. Картер ва Р. Рейган Совет Иттифоқи устидан стратегик жиҳатдан устун бўлиб олиш учун қурол-яроғларни кўпайтириш соҳасида 1978—1985 йилларда амалга оширган тадбирлар тинчлик иши учун айниқса хавфли бўлиб, булар совет-америка муносабатларининг асосий принципини — тенглик ва баравар хавфсизлик принципини ғоят қўпол суратда бузишдан иборатдир.

Давлатларнинг халқаро мажбуриятларига аниқ ва тўла шакл бериш имконини туғдирадиган шартнома халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи эканлигини ҳамма эътироф этади. Шартнома мажбуриятларига содиқ бўлиш принципи БМТ Уставида эълон қилинган бўлиб, унда Бирлашган Миллатлар халқларининг «шартномалардан ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқувчи мажбуриятларни тегишли суратда ҳурмат қилиш»га риоя этиладиган шарт-шароитларни яратишга қатъий қарор берганликлари ҳақида гапирилади. Шартнома мажбуриятларини ҳурматлаш принципининг юридик аҳамияти халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1969 йил Конвенциясида ёритилган бўлиб, унда, хусусан «амал қилиб турган ҳар бир шартнома унинг қатнашчилари учун мажбурий ва улар бу шартномага ҳалол риоя қилишлари керак»лиги тасдиқланади (26-модда).

Халқаро битимлар тузиш ва уларни ижро этиш проблемаларига Американинг халқаро ҳуқуқ доктринаси, шу жумладан ҳозирги вақтда етакчи бўлиб турган «сиёсий реализм» мактаби вакиллари кўп эътибор бермоқдалар. «Реалист» юристлар халқаро муносабатларнинг асосий фактори куч ва унинг турли формаларидир деган фикрга асосланиб, битимлар тузиш чоғида уларда муайян вақтда мавжуд бўлиб турган кучлар баланси мустаҳкамлаб қўйилади, ҳар қайси томон бу балансни ўз фойдасига ўзгартиришга интилади, демоқдалар. «Реалистлар» халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф қилган принципларидан чекиниб, улар ҳақида лом-мим демай ёки уларни амалда бажариб бўлмайдиган принциплар деб эълон қилиб, бир томоннинг иккинчи томонни қўпол суратда мажбур қилишини оддий бир ҳол деб кўрсатмоқдалар, ҳатто зўрликнинг турларини классификация қилишга, уни қўлланиш қоидалари ва тавсияларини ишлаб чиқишга уринмоқдалар. Чунончи, Американинг Доминикан Республикасига қуролли ҳужумидан кейин давлат департаментининг адлия маслаҳатчиси Л. Микер АҚШнинг ҳаракатларига қандай халқаро ҳуқуқ «назарияси» асос бўлганлигини мана бундай тушунтириб берди: «Биз «умумий ҳуқуқ» анъанасига кўра маълум ҳуқуқий анализга ёки хулқ-атвор кодексига амал қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймаймиз, лекин биз кескин проблемани амалда ва қаноатланарли тарзда ҳал қилиш йўлини топишга интиламиз».

«Реалист» юристлар концептуал ва назарий асос яратиб берадиларки, америка маъмурияти ўшанга асосланиб, АҚШ конституциясининг қоидаларидан, ички қонунлардан, халқаро мажбуриятлар олиш механизмининг хусусиятларидан фойдаланиб, халқаро битимларни ўзгартириш, чеклаш ёки улардан аслида бош тортиш учун ғайриқонуний йўл топади. Масалага бундай ёндашилганида, ҳуқуққа доир миллий ҳужжатлар аслида АҚШ ҳукуматининг ҳукми билан қабул қилинган қарорлар изидан бориши керак.

Умуман халқаро ҳуқуққа, хусусан кўп томонлама ва икки томонлама халқаро шартномаларга нигилистик муносабат баъзи америкалик идеологларнинг уларни бузиш мумкинлигини асослабгина қолмасдан, балки бунинг учун амалий тавсиялар ҳам беришга уринишларида акс этади. Чунончи, Жорджтаун университетининг ходими, Америка Қўшма Штатлари ўз халқаро мажбуриятларини қандай бажараётганлиги проблемасини махсус текшириб чиққан Т. Дейбел вазиятнинг доимо ўзгариб туриши халқаро битимларнинг ролини ҳам ўзгартиради, уларнинг қоидаларини янгилашни ёки ҳатто уларнинг амал қилишини тўхтатишни талаб этади, деб даъво қилди. Албатта, вақт ва вазият илгари тузилган

битимларни қайта кўриб чиқишни зарур қилиб қўйиши мумкин. Бинобарин, халқаро ҳуқуқ батамом ёки қисман эскириб қолган битимларни ўзгартириш ёки уларнинг амал қилишини тўхтатишнинг қонуний усулларини кўрсатиб беради. Бироқ Дейбел бу йўл «моддий ва сиёсий маънода АҚШга жуда қимматга тушиши мумкин», деб ҳисоблайди ва Қўшма Штатларнинг тузилган шартномаларини амалда бажармаслиги учун усуллар: ё «ўз конституцион жараёнига мувофиқ» иш тутишни (яъни АҚШ гўё ўз ҳаракатларини ўзи, бошқа томонлардан қатъи назар, белгилаши мумкин эмиш) ёки бошқа шартлашувчи томонни шундай бир шароитга солиб қўйишни тавсия этадики, унинг ўзи битим тузишдан воз кечишни афзал кўради. Дейбел ўз усулини «тўхтатиш (мажбуриятларни тўхтатиш. — **Авторлар)** тактикасини АҚШнинг регионал ва бутун жаҳон кўламидаги янада кенгроқ ҳаракатлари стратегияси билан қўшиб олиб боришни мумкин қилиб қўювчи усулнинг бир намунаси» деб атайди.

Бироқ америка маъмурияти, айниқса ҳозирги маъмурият ҳаммадан кўп фойдаланаётган усул анча «кенг» ва «мосланувчан» стратегия эмас, балки халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган нормаларини ва конкрет битимларни тамомила бузишдан иборатдир. АҚШнинг Чилидаги президент С. Альенденинг қонуний ҳукуматига қарши олиб борган кампанияси АҚШнинг БМТ Устави, шунингдек Америка давлатлари ташкилоти (АДТ) Устави бўйича ўз зиммасига олган, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашишни тақиқловчи халқаро мажбуриятларни беорларча оёқости қилишдир. Американинг бу мамлакатга солган капиталлари тақдиридан хавотирга тушган ҳамда Чили намунаси «региондаги бошқа мамлакатларга» тарқалишининг олдини олишга интилган энг йирик монополиялар талаби билан МРБ АҚШ ҳукумати билган ҳолда ва унинг розилиги билан ёлғон ва тухмат, сотиб олиш ва қўрқитиш кампаниясини ўтказди, АҚШ ҳукумати Марказий разведка бошқармасини фитна ташкил этилиб, Альенде ўлдирилганига қадар тобора кўпроқ миқдорда маблағ билан таъминлаб турди, МРБ директори адмирал Тернер дарғазаб бўлган жамоатчилик фикри таъсирида ўша вақтда «чет элдаги кўпорувчилик операцияларининг сони қисқартирилади, лекин улар батамом тўхтатилмайди», деб айтди.

Суверенитетни, халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини инкор этувчи, уларнинг ички ишларига аралашишни оқлайдиган ўнлаб халқаро-ҳуқуқий концепциялар пайдо бўлмоқда. Бу концепцияга «жаҳон давлати», «жаҳон ҳукумати»ни, бу давлат ва ҳукумат йўлида миллий суверенитетдан воз кечиш кераклигини» тарғиб этиш асос қилиб олинади.

АҚШ президенти Г. Труменнинг ташқи сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиларидан бири бўлган Д. Ж. Бертрам Қўшма Штатлар «дунё ишларида раҳбарлик ролини ўз зиммасига олишга интилиши керак» ва «бошқа халқларнинг ички ишларига аралашмаслик принципидан батамом воз кечиш керак, чунки бу ҳозир шунчаки пуч формула холос. Тез, ғайрат билан ва самарали аралашиш жаҳон сиёсати масалаларини ҳал қилишнинг нормал воситаси бўлмоғи керак. Бу қоида қанчалик яхши ўзлаштириб олинса, ана шу аралашиш шунчалик самарали бўлади», деб ёзади.

Мана шу ва шунга ўхшаш концепциялар президент Рейган ташқи сиёсатининг назарий асосидир. Бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш ҳар доим АҚШ империалистик доираларининг ташқи сиёсий йўлига хос бўлиб келган. Лекин Рейган маъмурияти «чет элдаги ўз гражданларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи»дан фойдаланишда ҳаммадан ўзиб кетди. АҚШнинг Ливан, Никарагуа, Ливия, Сальвадор ва айниқса Гренадага нисбатан ҳаракатлари бунинг исботи бўла олади.

Халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган нормаларига қарама-қарши ўлароқ, БМТ Уставига зид ўлароқ, АҚШ ер куррасининг жуда катта районларини ўзининг «ҳаётий манфаатлари» соҳаси деб эълон қилиб,

«коммунизмнинг кириб боришига», аслида эса халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишига интилишига қарши куч ишлатиш «ҳуқуқи»ни ўзлаштириб олмоқда. АҚШ империализми Гренада халқининг суверен ҳуқуқларини оёқ ости қилиб, бу орол давлатга қарши агрессия қилди, Никарагуага қарши агрессив хатти-ҳаракатлар ташкил этмоқда, шу жумладан қонунсиз равишда денгиз йўлларини миналаштирмоқда, бу мамлакатнинг АҚШ ва қўшни давлатлар билан проблемаларни тинч ҳал қилишга қаратилган таклифларини рад этмоқда. Америка ҳарбий кемаларининг Ливан соҳилларини ваҳшийларча ўққа тутишини давлат терроризми акти деб баҳолаш мумкинки, бунинг натижасида кўплаб одамлар қурбон бўлмоқда ва вайроналиклар юз бермоқда. 1986 йил апрелида Ливиянинг тинч шаҳарларини бомбардимон қилган Америка ҳарбий-ҳаво кучларининг ҳаракатлари айниқса беҳаёлиги билан ажралиб туради. Бунинг устига бу ҳаракатлар жаҳон жамоатчилигига «халқаро терроризмга қарши кураш ҳаракатлари» деб тақдим этилди. АҚШ куч ишлатиш сиёсати позицияларидан иш кўриб, Микронезияни зўравонлик ва қароқчиликнинг янги бир майдонига айлантириш ниятида амалда уни аннексия қилиб олди.

Қўшма Штатларнинг ўз шартнома мажбуриятларини муттасил бузиб келиши ҳозирги америка маъмуриятига хос бўлган муҳим хусусиятдир. Маълумки, у ўзи илгари тузган муҳим халқаро шартнома ва битимларни бузди, бу эса халқаро ҳуқуқнинг мустаҳкам қоидаларига зиддир. БМТ Уставига мувофиқ, унинг аъзолари бўлган ҳамма давлатлар халқаро битимларни ҳурмат қилишлари шарт. БМТ Устави 2-моддасининг 2-бандида ҳуқуқни ҳурматловчи ҳамма давлатлар уни ўзлари учун мажбурий деб ҳисоблашлари керак, деган қоида бор.

Ўзининг халқаро мажбуриятларини муқаррар бажариш принципи ҳозирги ҳуқуқда асосий принциплардан биридир, чунки халқаро шартномалардан ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга қатъий ва ҳалол риоя қилинмас экан, халқаро муносабатларнинг барқарорлигини ва қонунийликни таъминлаб бўлмайди. Бу принципга риоя қилишдан бош тортиш халқаро ҳуқуқни қўпол суратда бузиш бўлиб, у халқаро алоқаларга ўзбошимчалик ва қонунсизликни олиб киради.

60—70-йилларда СССР билан АҚШ ўртасида турли масалалар юзасидан 60 дан ортиқ шартнома ва битим тузилди. Булар — «СССР билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асослари» (1972 йил), Совет-Америка консуллик конвенцияси ва протоколи (1964 йил), Дипломатия имтиёзлари ва иммунитетлари масалалари бўйича аҳдлашув (1978 йил), Ядровий урушнинг олдини олиш, стратегик қуролларни чеклаш ва қуролсизланиш масалаларига доир ҳужжатлар, фан ва техника соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим (1972 йил), медицина фани соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим (1973 йил), энергетика, уй-жой ва бошқа қурилишлар соҳасидаги Битимлар, космик бўшлиқни тинч мақсадларда тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим (1977 йил), Савдо-иқтисодий муносабатлар, ҳаво йўли, балиқ овлаш ва денгизда кемалар қатнови ва бошқа соҳалардаги Битимлардир.

СССРнинг халқаро шартнома ва битимларига риоя қилиши социалистик тузумнинг ўз моҳиятидан келиб чиқади ва совет ташқи сиёсатининг асосий принципларидан бирини ташкил этади. СССР 125 мамлакат билан тузилган сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий характердаги деярли 10 минг давлатлараро шартномалар ва битимларда, шунингдек 200 дан ортиқ кўп томонлама битимларда қатнашмоқда. Шу билан бирга СССР ўзи тузган халқаро шартномаларни ҳеч қачон бузган эмас.

СССР Конституциясининг 29-моддасига мувофиқ, СССРнинг бошқа давлатлар билан муносабатлари «халқаро ҳуқуқнинг ҳамма тан олган принциплари ва нормаларидан, СССР тузган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни ҳалол бажариш принципларига риоя қилиш» асосида қурилади. 1978 йил 6 июлда қабул қилинган халқаро шартномаларни тузиш, бажариш ва денонсация қилиш тартиби тўғрисидаги Қонуннинг преамбуласида таъкидланганидек, СССР «халқаро шартномаларни ташқи сиёсатнинг конституцион негизларига асосланиб, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма тан олган принциплари ва нормаларига мувофиқ тузади ва бажаради».

Совет Иттифоқи ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни виждонан ва изчиллик билан бажарувчи ҳалол шерик эканлигини кўрсатди. Ҳатто Совет Иттифоқига заррача хайриҳоҳ бўлмаган Черчилль ҳам 1945 йилда бундай деган эди: «Мен ўз зиммасига олган мажбуриятларини Совет ҳукуматичалик аниқ бажарадиган биронта бошқа ҳукуматни билмайман».

АҚШнинг собиқ президенти Картер 1977 йил 16 октябрда Америка матбуоти вакилларига берган интервьюсида томонларнинг бир-бирларига ишончларини сақлаб қолиши, эришилган битимларга оғишмай риоя қилишга интилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтган эди. Шу муносабат билан у 1976 йилги президент сайловида ғалаба қилганидан кейин кўп ўтмай, ўша вақтдаги АҚШ давлат секретари Киссинжердан Совет Иттифоқининг бирон бир конкрет совет-америка битимини бузганлигини биласизми, деб сўраганида Киссинжер «мен бундай ҳодисани билмайман», деб жавоб берганини маълум қилган эди.

Лекин АҚШнинг қурол-яроғларни кўпайтириш соҳасидаги хатти-ҳаракатлари ҳуқуқ-тартибот учун айниқса хавфли. Қуролсизланиш принципи халқаро ҳуқуқда асосий принциплардан биридир. БМТ Устави давлатлар зиммасига қуролсизланиш юзасидан музокаралар олиб бориш вазифасини юклайди.

Қуролсизланиш — кўп ёқлама ҳодисадир. У ҳарбий қарама-қаршиликнинг кенг жабҳаси бўйлаб ҳар қандай имкониятлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак.

Бироқ кейинги вақтда Вашингтон қуролсизланиш соҳасидаги совет-америка музокараларининг кўпчилигини бир ёқлама тўхтатиб қўйди. Уларнинг хронологик рўйхати қуйидагича:

— 1978 йил февралида АҚШ Ҳинд океанида ҳарбий фаолиятни чеклаш тўғрисидаги музокараларни тўхтатиб қўйди;

— 1978 йил декабрида АҚШ айби билан қурол-яроғ савдосини чеклаш масаласи бўйича музокаралар тўхтатиб қўйилди;

— 1979 йил июнида Қўшма Штатлар сунъий йўлдошларга қарши системалар бўйича музокараларни тўхтатиб қўйди;

— 1982 йил 21 июлда президент Рейган ядро қуролини синашни батамом ва ялписига тақиқлаб қўйиш тўғрисида СССР ва Буюк Британия билан олиб борилган музокараларни қайта бошламаслик ҳақида қарор қабул қилди.

Мана шу фактларнинг ўзиёқ АҚШ қуролсизланиш соҳасидаги ўз мажбуриятларини бузаётганлигидан далолат беради. Кўрсатиб ўтилган музоқараларни бузиш — музокараларни яхши ният руҳида олиб бориш мажбуриятларини бажармаслик, шунингдек юқорида тилга олинган ва халқаро шартнома кучига эга бўлган СССР билан АҚШ ўртасидаги «Ўзаро алоқалар асосини» бузишдир.

АҚШ стратегик қуролларни чеклаш соҳасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни доимо бузиб келмоқда. Қуролланиш пойгасини жиловлашда СҚЧ-1 ва СҚЧ-2 бўйича АҚШ билан СССР ўртасидаги аҳдлашувларнинг аҳамияти бебаҳодир. Уларни қатъий бажариш жуда қудратли ядровий аслаҳахоналарни янада тўлдириб боришни тағин ҳам кўпроқ чеклаб қўйишга ва шу тариқа термоядро ҳалокати бошланиб

кетишининг олдини олишга қодирдир. Аввалига АҚШ СҚЧ-2 шартномасига қонун кучини беришдан бош тортди, чунки конгресс уни маъқулламади. Сўнгра АҚШ ўз зиммасига олган мажбуриятларни четлаб, мана шу келишувларни барбод қилиш йўлига ўтди.

Қўшма Штатлар Ғарбий Европада «Першинг-2» баллистик ракеталарни ва узоққа учадиган қанотли ракеталарни жойлаштириб, СҚЧ-2 Шартномасининг XII моддасига қарши иш тутмоқдалар, чунки Ғарбий Европада совет территориясига ета оладиган масофада жойлаштирилган бу ракеталар СССРга нисбатан стратегик қуролдир. Стратегик қуролларни кўпайтириш эса СҚЧ-2 Шартномасини бузишдир. Америка томони Уоррен ракета базасидаги ўз ҳаракатлари билан ҳам ана шу Шартноманинг ҚБР (қитъалараро баллистик ракеталар) учириладиган қўшимча стационар қурилмалар қуриш ва амалга оширилаётган ишларни ниқоблашни тақиқлаб қўювчи қоидаларини бузмоқда. Бунинг устига президент Рейган АҚШ келгусида СҚЧ-2 Шартномасининг қоидаларига амал қилмоқчи эмас, деб айтди.

Совет Иттифоқи 1984 йил январида давлат департаментига АҚШ қурол-яроғларни чеклаш соҳасидаги ўз мажбуриятларини бузганлигининг конкрет фактлари баён қилинган эсдалик хатини тақдим этишга мажбур бўлди.

Оқ уйнинг стратегик қуролларни чеклаш соҳасидаги бутун процесснинг ҳал қилувчи шарти бўлган ракетага қарши мудофаа (РҚМ) системаларини чеклаш тўғрисидаги 1972 йил Шартномасини бузиш йўлидаги уринишлари айниқса хавфлидир. Бу Шартнома «самовий урушлар» программасини рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган амалдаги барча ишларни тақиқлаб қўяди. Расмий доираларда АҚШнинг бу Шартномага содиқлиги ҳақидаги баёнотлар тез-тез эшитилиб туради. Айни вақтда америка маъмурияти маневр қилмоқда, айланма йўллар қидирмоқда, унинг айрим қоидаларини ўз хоҳишича талқин қилиб, «далиллар» ўйлаб чиқармоқда. Лекин ҳақиқатни фақат конкрет фактларга асосланибгина аниқлаш мумкин.

Чунончи, ҳеч кимга сир эмаски, Пентагоннинг 1985 йил сентябрида сунъий йўлдошга қарши қуролни синаши конкрет мақсадни — РҚМ бўйича Шартномада тақиқлаб қўйилган ҳавода ва бошқача усулда жойлаштириладиган ракеталарга қарши воситаларни синашдан иборат мақсадни кўзлаб қилинган эди. Пентагон «Титан-2» баллистик ракетасига қарши лазер қуролини ҳам синаб кўрди.

Вашингтон РҚМ тўғрисидаги Шартномани четлаб ўтаётганлигига мисол тариқасида яна шундай фактни айтиш мумкинки, 1985 йил июнида АҚШнинг Гавай оролларидаги ҳарбий-ҳаво кучлари марказидан орбитадаги «Шаттл» космик кемаларидан бирига томон лазер нури юборилиб, у мана шу кема бортида ўрнатилган кўзгу ёрдамида қайтарилган.

РҚМ элементларини синаш билан бир вақтда жанговар бошқарувнинг, ракеталар учишини кузатиш, алоқа ва разведканинг зарур системаларини, лойиҳани амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири бўлган системаларни ишлаб чиқиш давом эттирилмоқда. 1985 йилда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари космик қўмондонлиги штаби бошлиғининг ўринбосари генерал-майор Қ. Бир сенатда сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Ҳарбий-ҳаво кучларининг мақсади — 1990-йиллар ўрталарига бориб, ер атрофи орбитасини батамом қамраб оладиган кузатиш ва разведканинг яшашга қобилиятли космик системасини жойлаштиришдан иборатдир. Ҳарбий-ҳаво кучларининг разведка системалари олдига қўяётган бу талаби стратегик мудофаа ташаббуси (СМТ) плани бўйича амалга оширилаётган технология ишларининг таркибий қисмидир. Лазерларнинг турли типларини, электромагнит пушкалар, кинетик қуролни, шунингдек информация воситаларини, яъни бўлажак кенг кўламдаги РҚМ системасининг асосий компонентларини яратиш соҳасидаги ишлар ҳам СМТ манфаатларига бўйсундирилгандир. Мутлақо

равшанки, АҚШ зарур илмий-техникавий шарт-шароитларни яратишга — РҚМнинг элементларини ва компонетларини асосан ишлаб чиқиш ва синашга интилмоқда. Ана ўшанда РҚМ ҳақидаги Шартномани бекор қилиш ва «самовий урушлар» программаси бўйича мазкур системаларни жойлаштириш ҳақида сиёсий қарор қабул қилиш қолади холос. Шу тариқа Совет Иттифоқи Вашингтоннинг сифат жиҳатидан янги стратегик арсеналга эга бўлганлиги фактига дуч келиб қолган бўлур эди.

Кенг жамоатчилик РҚМ ҳақидаги Шартноманинг техникавий, шунингдек юридик тафсилотларидан хабардор қилинмаганлигини англаган АҚШ маъмурияти вакиллари Шартнома уни имзолаш пайтида мавжуд бўлган РҚМ системалари ва компонентларнигина қамраб олади, деб мутлақо асоссиз даъво қилмоқдалар. «Самовий урушлар» программаси бўйича яратилаётган ва синалаётган воситаларга келсак, улар РҚМнинг тақиқланган компонентлари жумласига киритилиши мумкин эмас, чунки «Шартноманинг II моддасида эслатиб ўтилган эмас» эмиш. Бу тўғридан-тўғри жамоатчиликни алдашдир. РҚМ бўйича Шартноманинг қоидалари стратегик баллистик ракеталар ёки уларнинг элементларига қарши учириш траекториясида курашиш учун мўлжалланган ҳар қандай системаларга тааллуқлидир. II моддада масала худди ана шу тарзда қўйилади ва АҚШда РҚМ компонентлари мана шу мақсадларда ишлаб чиқилаётганлиги учун ҳам Шартноманинг қоидалари уларга тамомила тааллуқлидир.

Вашингтон мунозараларни юридик жиҳатдан чалкаштириб юборишга уриниб, асосий нарса ҳақида атайлаб индамайди. Чунки РҚМнинг шартномада рухсат берилган чекланган районларида ва фақат ер устидаги стационар системалардагина юқорида тилга олинган системаларни ишлаб чиқишга йўл қўйилади. АҚШ эса РҚМнинг шундай системасини яратишни кўзламоқдаки, бундай системалар ҳеч шубҳасиз Шартномада тақиқлаб қўйилган.

АҚШ маъмурияти «самовий урушлар» программасини ҳимоя қилиш учун бу программа «нуқул тадқиқот характерида», бу эса Шартномада тақиқлаб қўйилган эмас, деган асосий «далилни» рўкач қилади. Ҳақиқатда эса Шартноманинг V моддаси РҚМнинг космосда жойлаштириладиган системаларини ёки компонентларини яратишни ва синашни тўғридан-тўғри тақиқлаб қўяди.

АҚШнинг халқаро ҳуқуқ-тартиботга кенг фронт бўйлаб ҳужуми кейинги йилларда халқаро ташкилотларга, биринчи навбатда ЮНЕСКОга берилаётган зарбаларда алоҳида кўринади. Унга қарши Вашингтон илгари сурган ва Лондон дарҳол илиб олган «айб»лар орасида учтасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар — ЮНЕСКОнинг «сиёсийлашиб кетганлиги», «ҳамма соҳаларда Советларга ён босаётганлиги» ва халқаро янги информация тартибини қўллаб-қувватлаётганлиги ҳақидаги таъналар. Уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқишга уриниб кўрамиз.

Сиёсийлашиб кетиш деганда Қўшма Шатлар ЮНЕСКОнинг ер юзида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини жиловлашга, иркчи тузумларни ҳамда Исроил агрессорларининг босқинчилик сиёсатини қоралашга бутун чоралар билан ёрдам беришга ҳаракат қилаётганлигини назарда тутади. Бироқ океан ортидаги сиёсатчилар 1946 йилда АҚШнинг ўзи ҳам бевосита иштирок этган ҳолда ишлаб чиқилган ЮНЕСКО Уставининг преамбуласига яна бир бор кўз ташлаб қўйишса, ёмон бўлмас эди. У ерда қуйидагилар аниқ қилиб ёзилган: «Уруш тўғрисидаги фикрлар одамлар ақлида пайдо бўлади, шу сабабли уларнинг онгида тинчликни ҳимоя қилиш ғоясини мустаҳкамлаш керак». Хўш, қайси бири қонунсиз экан: ЮНЕСКОнинг изчил тинчликсевар сиёсатими, ёки қуролланиш пойгасини авж олдириш ҳамда Исроил, ЖАР ва Чилининг реакцион тузумларини очиқдан-очиқ рағбатлантириш ва уларга ёрдам беришми?

ЮНЕСКОга қўйилаётган бошқа айб — «социалистик блокка ён

босиш» ва «ғарбдаги қимматли нарсаларга душманлик билан қараш» ҳақидаги даъволардир. Масалан, америкалик конгрессмен Жеймс Шойер «Пунен» ҳафталик газетасига берган интервьюсида ҳеч бир асоссиз ЮНЕСКОни «совет пропагандасининг куроли» деб атади. Шойер ва унинг сиёсатини қўллаб-қувватлаётган бошқа кишилар афтидан ЮНЕСКО персоналининг 63 проценти америкалик, канадалик, ёки ғарбий европалик кишилар эканлигини унутиб қўйишганга ўхшайди. Унинг составининг учдан бир қисмидан қамроғигина «социалистик блок» ва ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Бироқ ЮНЕСКО ривожланаётган мамлакатлар учун ўрнатилиши жуда зарур бўлган янги халқаро информация тартиби ғоясини қўллаб-қувватлаганлиги учун АҚШ ва Буюк Британия томонидан айникса каттиқ ҳужумга дуч келди. Вашингтон «бузилмас матбуот эркинлигини» ҳимоя қилар экан, аслида фақат бир йўналишда: ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларга келаётган ахборотнинг тўхтовсиз оқимини ҳимоя қилади. Фақат иккита йирик агентлик: АП билан ЮПИнинг ўзи жаҳонга 30 миллиондан ортиқ сўз ёғдириб, воқеалар хусусидаги америкача нуқтаи назарни ва америкача баҳони ривожланаётган мамлакатларга зўрлаб тикиштирмоқда. ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, ер юзи аҳолисининг учдан икки қисми яшайдиган бу мамлакатларда жаҳонда чиқиб турган газеталарнинг фақат 40 процентга якинигина нашр этилади, холос. Уларнинг умумий тиражи ривожланган мамлакатлардагидан 6 баравар камдир.

Шу сабабли, Вашингтон ва Лондондагилар қанча қаршилик кўрсатмасинлар, жаҳонда янги информация тартибини ўрнатиш — даврнинг қатъий талабидир. Информацион империализмга узил-кесил барҳам беришни истаётган ривожланаётган мамлакатларнинг орзу-умидлари фақат БМТ ва ЮНЕСКО резолюцияларидагина эмас, балки қўшилмаган мамлакатларнинг Деҳли, Жакартада бўлган конференциялари ҳужжатларида ҳамда Осиё ва Африка халқлари Бирдамлик ташкилотининг Қобулда ўтказилган конференцияси қарорларида ҳам ўз аксини топди.

ЮНЕСКОга қилинаётган хужумлар аслини олганда иккинчи жаҳон урушидан кейин мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун ташкил этилган БМТнинг бутун системасига қарши қаратилгандир. Бу кампания — ЮНЕСКОнинг универсаллиги ва унинг аъзоларининг тенг ҳуқуқлилигидан иборат асосий принципларни қўпол суратда бузишдир.

Агар ҳақиқатан ҳам халқаро ишларда бурилиш ясаш мақсадидан келиб чиқиб иш тутиладиган бўлса, давлатларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкам асосга қуриш кераклигини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар худди ана шуни изчиллик билан ва қаттиқ туриб ёқламоқдалар. Қўшилмаслик ҳаракати аъзолари бўлган давлатлар регионал проблемаларни тинч йўл билан ҳал этишни тобора қаттиқ талаб қилиб чиқмоқдалар. Ҳозирги пайтнинг хусусияти шундаки, жаҳонда ғоят хилма-хил ижтимоий қатламлар орасида бутун-бутун халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини инкор этиш ҳолатининг йўл қўйиб бўлмайдиган, ахлоққа тўғри келмайдиган нарса эканлигини тушуниш кучайиб бормоқда.

Шундай экан, кўпгина районларда бир неча йиллардан бери сақланиб келинаётган кескинликни юмшатишга нега муваффақ бўлинмаётир? Нима сабабдан мавжуд «қайноқ нуқталар» ёнига янги конфликт ўчоқлари қўшилмоқда? Демак, кимдир бундан манфаатдор, кимдир халқаро муносабатларни издан чиқаришдан фойда кўради.

Кейинги вақтларда Америка Қўшма Штатларининг раҳбарлари ўз баёнотларида Американинг узоқ муддатли сиёсати «кенг кўламдаги уруш билан ялпи тинчлик ўртасидаги оралиқ вазиятда турувчи хилма-хил конфликтларга» боғлаб олиб борилаётганлигини таъкидламоқдалар.

АҚШ давлат секретари Ж. Шульцнинг тушунтиришича, Оқ уйдагилар «мутлақ тинчлик шароитида яшашни» планлаштираётганлари йўқ.

Ҳозир Вашингтонда АҚШ ташқи сиёсатидаги «янги глобализм» концепцияси ҳақида худди буюк кашфиёт ҳақида гапиргандек гапира бошладилар. Бу шиорнинг моҳияти нимада? Унинг моҳияти Қўшма Штатларнинг суверен давлатларнинг ишларига глобал кўламларда аралашиш ҳуқуқини, уларга қарши эълон қилинмаган урушлар, яширин ва ошкора кўпорувчилик операциялари олиб бориш, давлат терроризми сиёсатини амалга ошириш ҳуқуқини қарор топтиришдан иборатдир.

Бундай «янги глобализм» нималарга олиб келишини Яқин Шарқ, Марказий Америка, Африканинг жанубидаги халқлари яхши билишади. У ўзидан кейин америка империализмининг яна ўша эски изларини — вайронлик, қон ва кўз ёшларни қолдирмоқда.

Аввалги тарихий даврларнинг ҳаммасида урушлар давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг муқаррар ҳамроҳи эди. Партия XXVII съезди томонидан қабул қилинган янги таҳрирдаги КПСС Программасида кўрсатиб ўтилганидек, ҳозирги босқичда «КПСС шунга асосланадики, империализмнинг агрессив доиралари сиёсати тинчликка солаётган хавф нақадар катта бўлмасин, **жаҳон уруши муқаррар қисмат эмас. Урушнинг олдини олиш, инсониятни ҳалокатдан сақлаб қолиш мумкин. Бу — социализмнинг, Ер юзидаги барча тараққийпарвар, тинчликсевар кучларнинг тарихий бурчидир».**

Урушларнинг олдини олиш воситаларидан бири халқаро ҳуқуқдир. 1985 йил ноябрида Женевада бўлиб ўтган совет-америка олий даражадаги учрашувидан кейин АҚШ маъмурияти сўзда реализмга мойиллик билдирмоқда. Унинг амалий фаолияти эса ҳозирча дунёдаги стратегик барқарорликни бузишга ва СССР устидан ҳарбий устунликка эришиб олишга, халқаро ҳуқуқ-тартиботни бузишга қаратилгандир.

Мана шу мураккаб ва зиддиятли вазиятда СССР XX асрнинг охиригача инсониятни ядро қуролидан халос қилишнинг конкрет ва реал программасини илгари сурди. Бу программа КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг шу йил 15 январдаги Баёнотида ва КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида баён қилиб берилди.

Америка Қўшма Штатлари халқаро ҳуқуқ-тартиботни бузиб, ҳозирги замоннинг ҳаётий проблемаларига масъулиятсизлик билан ёндашаётганлигини бутун дунёга намойиш қилмоқда.

М. С. Горбачев 1986 йил 18 августда Совет телевидениеси орқали берган Баёнотида шундай деб таъкидлади: «Ҳозирги дунё янгича фикрлашга муҳтож, бу янгича фикрлаш эса, дунёни бирон-бир кимсанинг маҳрига тушган бир нарса деб тасаввур этишга, бошқаларни ўз васийлигига олиш ва ўзини қандай тутиш ҳамда қайси йўлни — социалистик, капиталистик ёки бошқа йўлни танлаб олиш тўғрисидаги панд-насиҳатлар билан «саховатпешалик» қилиш йўлидаги уринишларга зиддир.

Совет Иттифоқи ҳисоблайдики, ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат ўз тақдирини, ўз ресурсларини тасарруф қилиш, ўзининг социал тараққиётини суверен равишда белгилаш, ўз хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳамда халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини ташкил этишда қатнашиш ҳуқуқига эгадир».

СОВЕТЛАРНИНГ ТЕРРИТОРИЯЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Кейинги ўн йилликда Советларнинг территорияларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш соҳасидаги фаолиятининг назарий ва амалий масалаларига эътибор тобора ортиб бораётганлиги совет жамиятшунослигининг асосий йўналишларидан бири бўлиб колди. Бу масалалар ҳам умумиттифок, ҳам регионал, республика микёсида ўрганиб чикилмокда. Такриз килинаётган китоб* маълум маънода айни шундай тадкикотлар сирасига киради. Мазкур проблеманинг муҳимлиги, унинг асосли равишда илмий ишлаб чикилиши, жойларда ҳокимият ва бошкариш органлари томонидан иктисодий ва социал тараккиёт хусусиятларига ҳамда халк хўжалигига раҳбарлик соҳасида юзага келган системага мувофик ҳал этилиши зарурлиги КПСС съездларининг ва партия Марказий Комитети Пленумларининг ҳужжатларида кайта-кайта таъкидлаб ўтилди, КПСС XXVII съездида тасдикланган янги таҳрирдаги партия Программаси, СССРни иктисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида ўз аксини топди.

Фанда нисбатан карор топган назарий моделлар китобда янада ривожлантирилиб, СССР Конституциясидан ва амалдаги конунлардан олинган далиллар билан бойитилган. Халк депутатлари Советлари фаолиятининг такомиллашиб бориш жараёнини кўрсатувчи статистик маълумотлар муваффакиятли танланган бўлиб, улар ишонч ҳосил килади. Муаллифлар теманинг энг умумий масалаларига мурожаат килиб, Советлар ишининг мазмунини очиб берадилар, уларнинг халк хўжалигини юксалтиришдаги, аҳоли фаровонлигини оширишдаги ролини кўрсатадилар.

Территорияни комплекс ривожлантириш Советлар ишининг ҳукукий формаларини яхшилаш билан чамбарчас боғликдир. Маҳаллий ҳокимият органлари ўзларининг ҳукуклари юридик жиҳатдан етарли даражада таъминланмаганлиги сабабли координациялаштирувчилик функцияларини ҳар доим ҳам рўёбга чикара олмасликларини практика кўрсатиб турибди. Чунончи, бошка органлар ва бошкаришнинг марказий органлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаган ҳолларда улар ҳукукий таъсир кўрсатишнинг реал воситаларига эга эмасдирларки, бу уларнинг контроллик-координациялаштирувчилик фаолияти самарадорлигини пасайишига олиб келади.

Советлар компетенциясига кирувчи координациялаш масалаларидан ҳар бирининг мазмунини анализ килиш, юзага келадиган ҳукукий муносабатлар характерини белгилаш ҳозирча батафсил ишлаб чикилган проблемалардан эмас. Бу эса маҳаллий ҳокимият органларининг таркиб топган ташкилий-ҳукукий механизмини такомиллаштириш, уларнинг амалдаги конунлардаги ҳукукий гарантияларини аник белгилаб бериш имкониятларини пасайтириб юборади. Китоб муаллифлари Советлар ўз функцияларини рўёбга чикариш жараёнида юзага келадиган муносабатлар энг аввало давлат-ҳукукий характерга эга, амалдаги конунларни ва улардан фойдаланишнинг ташкилий-ҳукукий механизмини такомиллаштиришда эса Советларнинг ҳокимиятли ваколатларини кучайтириш йўлидан бориш максадга мувофикдир, деган тўғри хулосага келишган.

Шаҳар атрофидаги территорияларда амал килувчи турдош маъмурий-территориал бирликлар: шаҳар, район, кишлок, посёлка Советлари ўзаро муносабатларининг ташкилий формалари жойлардаги ҳокимият органлари ролини оширишнинг мустакил йўналишидир. Ўлка, область Советларининг куйи совет органларига раҳбарлик килишида шунга ўхшаш бир катор масалалар ҳал

---

* Проблемы совершенствования деятельности местных Советов по обеспечению комплексного развития территорий. Ташкент, «Фан», 1985. 192 с.

этилади. Бироқ бу бирдан-бир йўл эмас. Қўшни Советлар ўртасида горизонталь алоқаларнинг кенг системаси: табиий ресурслардан, ишлаб чиқариш потенциалидан биргаликда фойдаланиш, қурилишда, аҳолига хизмат кўрсатишда, меҳнат ресурсларидан фойдаланишда ҳамкорлик қилиш ва ҳоказо алоқалар вужудга келмоқда.

Китобда шу тажрибани умумлаштириш ва ривожлантириш, бир-бирига қарам бўлмаган Советларнинг шартнома асосида ўзаро бир-бирларига ёрдам бериши формаларидан кенгроқ фойдаланиш зарурати пишиб етилганлиги таъкидланади. Шуни назарда тутиш керакки, ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни жойлаштириш ва территориал асосда ташкил этиш системаси турли маҳаллий Советларга қарам бўлган бир-бирига ўзаро боғлиқ территорияларни келишган ҳолда иқтисодий ва социал ривожлантириш проблемасини қўймоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда маҳаллий ҳокимият органлари системасидаги горизонталь алоқаларни такомиллаштиришга бағишланган бўлим қизиқарлидир.

Маҳаллий Советларнинг алоҳида саноатга, капитал қурилишга, агросаноат комплексига, социал соҳага раҳбарлик қилиш борасидаги фаолияти қараб чиқилган боблар эътиборни тортади. Муаллифлар территориал-ишлаб чиқариш комплексларини социал ривожлантиришни планлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берганлар, комплекснинг иқтисодий ривожланиш даражасини аниқлаш ва унинг асосий социал проблемаларини ҳал қилиш истиқболларини белгилашнинг конкрет кўрсаткичлари ва нормативларининг турли вариантларини қараб чиққанлар. Улар тўғри таъкидлаганларидек, маҳаллий Советлар олдида қуйидаги элементларни: территориал ташкилотлар (шаҳар, район, саноатнинг тармоқ кичик структураларига, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш муассасалари шаҳобчасига эга бўлган агломерация) бўлган структура сифатида комплекснинг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатувчи системасини, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг нисбатини, транспорт алоқалари системасини, аҳоли миграциясини ва ҳоказоларни бошқариш вазифаси турибди.

Китобда, шунингдек маҳаллий Советларнинг ташкилотчилик фаолиятини, ўз территорияларини комплекс иқтисодий ва социал ривожлантириш вазифаларини ҳал этиш муносабати билан маҳаллий Советларнинг сессиялари ва доимий комиссияларининг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўллари ҳам тадқиқ этилган.

Шу билан бирга унда маҳаллий Советлар билан уларга бўйсунадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек министрликлар ва идоралар ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар проблемасига етарли эътибор берилмаган. Ўзаро мажбуриятларни бажариш гарантияларини ва бажармаганлик учун юридик жавобгарликни белгилаш кўп жиҳатдан ана шу муносабатларнинг спецификасини ҳисобга олишга боғлиқдир. Территорияларнинг комплекс ривожланишини таъминлаш соҳасида қардош социалистик мамлакатларда тўпланган тажриба тўғрисида ҳам гапириш лозим эди.

Умуман олганда муаллифлар тегишли фактик материал асосида халқ депутатлари маҳаллий Советларининг фаолиятини такомиллаштиришнинг актуал проблемаларини ёритишга муваффақ бўлганлар.

А. АЗИЗХЎЖАЕВ,
юридик фанлар кандидати.

МАТЕРИАЛИСТИК ДИАЛЕКТИКАДА СИСТЕМАЛИ ЁНДАШИШ

Илмий билиш ва воқеликда туб ўзгартишлар ясаш назарияси ва методологиясини ишлаб чиқиш диалектик материализмнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Совет жамияти тараққиётини экономикадаги сифат силжишлари, унинг интенсив юксалиш йўлига ўтказилиши, меҳнат унумдорлигининг бутун чоралар билан оширилиши ҳал қилувчи даражада белгилайдиган ҳозирги даврда бу вазифани ҳал этиш алоҳида актуаллик касб этмоқда.

Бугунги кунда диалектик-материалистик методологияни ривожлантиришга доир кўп масалалалар системали, структурали, функционал ва комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш билан боғлиқдирки, бундай ёндашувлар тарихий ва генетик методлар билан уйғунликда ва марксча методологиянинг бутун бойлиги-

дан фойдаланилган ҳолда биологик ҳамда социал табиатли мураккаб ҳодисалар, техник қурилмалар ва ҳоказолар диалектикасини мувофиқ равишда акс эттириш имконини беради. Тақриз қилинаётган асарда* ана шу ва бошқа проблемалар ўз аксини топган.

Унда, жумладан, системали ёндашиш билан материалистик диалектиканинг ўзаро нисбати ва алоқаси қараб чиқилган. Мазкур масала диалектик-материалистик системали методология проблемаларининг бутун комплексини тушуниб олиш учун принципиал аҳамиятга эгадир, деб ҳақли равишда таъкидлайди муаллиф. Амалда бу системали ёндашиш моҳиятини аниқлашдан иборатдир. Материалистик диалектиканинг элементи сифатида системали ёндашишнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишининг *мантиқий механизмини* (6-бет) ҳар томонлама асослаш ва батафсил очишга интилган П. Н. Қалошин ўз тадқиқотида аслида мазкур масалага жавоб беришга ҳаракат қилган.

Муаллиф материалистик диалектика билан системали ёндашишнинг нисбатига алоқадор кўплаб адабиётларни таҳлил қилар экан, энг аввало бир қатор совет философларининг ана шу проблемани ҳал қилишларидаги қарашларини фарқлаб турувчи манба бўлиб хизмат қилаётган асосий қарама-қаршиликни очиб беради. Унинг фикрича, бу қарама-қаршилик системали ёндашиш тушунчаларида материалистик диалектика категорияларини конкретлаштириш ғоясининг адабиётимизда турлича тушунилиши билан боғлиқдир. Гап шундаки, барча тадқиқотчилар системали ёндашиш тушунчалари материалистик диалектика категориялари конкретлаштирилиши натижасида шаклланишини эътироф этадилар. Бироқ, бу конкретлашув қандай юз беради, деган масала ҳанузгача яхши ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун «системали ёндашиш билан материалистик диалектиканинг ўзаро нисбатига доир барча асосий проблемаларнинггина эмас, балки системали ёндашишнинг ўз мазмуни ва моҳиятини аниқлаш проблемаларининг ҳал этилиши ҳам... конкретлаштириш проблемасининг у ёки бу тарзда ҳал бўлишига бевосита боғлиқдир» (21-бет). Ана шу мақсадда муаллиф адабиётимизда илк бор конкретлаштиришнинг принципиал фарқ қилувчи учта турини: чегаралаш ва умумлаштириш орқали, шунингдек доимий мантиқий ҳажмда конкретлаштиришни ажратиб кўрсатади ва бир пайтнинг ўзида таҳлил қилиб чиқади (21—22-бетларга қаралсин).

Улардан ҳар бирининг изчил ва ҳар томонлама анализ қилиниши материалистик диалектиканинг умумий категориялари доимий мантиқий ҳажмда конкретлаштириш типи негизидагина бир-бири билан ҳамда системали ёндашишнинг умумий тушунчалари билан ўзаро муносабатда бўлишлари мумкин, деган хулосага олиб келади. Бу П. Н. Қалошинга «ўзининг муштараклиги жиҳатидан универсал методологик ва дунёқараш аҳамиятига эга бўлган умумий система тушунчаларининг бутун мажмуи батамом мустақил тузилма сифатида амал қилади», «предметлар мавжудлигининг, уларни ажратиб кўрсатиш ва қараб чиқишнинг объектив умумий системали формаси тўғрисидаги таълимот» бўлган «системали ёндашиш» тушунчасини ана шу тузилма билан боғлаш керак бўлади (38-бет) дейиш ҳуқуқини беради. Муаллифнинг фикрича, системали ёндашиш ўзининг айни шу умумий мазмунида материалистик диалектика доирасида тўлиқ шаклланади ва унинг зарур элементи сифатида таърифланиши мумкин (45-бет). Системали ёндашиш тушунчаларининг материалистик диалектика категориялари сеткасига киритилиши унинг фалсафий статусга эга эканлигини тўлатўкис исботлаб турибди.

Буни тасдиқлаш мақсадида муаллиф тушунчаларни доимий мантиқий ҳажмда конкретлаштириш типини тадқиқ этади. Конкретлаштириш жараёнида тушунчаларнинг ўзгармай қолиши уларнинг фақат мазмун абстрактлиги ёки конкретлиги жиҳатидангина фарқ қилишларини ва ўзаро нисбатини белгилаб беради. Шунинг учун конкретлаштиришнинг бундай типи мавҳумликдан конкретликка юксала бориб, предметнинг моҳиятига, сифат муайянлиги негизига изчил кириш орқали рўёбга чиқариладики, бу муаллифга системали ёндашишнинг материалистик диалектикада шаклланиши деталларини очиб беришга имкон яратган.

Бунда биринчи босқични П. Н. Қалошин бирлик тушунчасидан бошланган система тушунчасининг вужудга келиши билан боғлайди. Изчил конкретлаштириш жараёнида бу тушунча бир қатор босқичларни босиб ўтади, бу босқичлар материалистик диалектикада «бирлик», «яхлитлик», «система», «комплекс», «ташкилот» тушунчалари изчиллигида мустаҳкамланади.

Бунда система тушунчаси абстракт, мустақил равишда қараб чиқилмайди, аксинча у предмет бирлигини ифодалашнинг хилма-хил универсал формалари тўғрисидаги диалектик-материалистик

---

* П. Н. Калошин. Материалистическая диалектика и системный подход. Ташкент, «Фан», 1985, 150 с.

тасаввурларнинг ривожланиши занжиридаги зарур бўғин вазифасини бажаради ва яхлитлик тушунчаси орқали аниқланади. «Система, — деб таъкидлайди муаллиф, — бу бир-бирига қарам бўлган қисмлар (элементлар) бирлигидан иборат яхлитликдир» (54-бет). Бундан ташқари П. Н. Қалошин предмет таърифининг системали формаси ҳадларини кўрсатиб беришга, бинобарин системали ёндашиш методологик имкониятларининг ўрни ва чегараларини баҳолашдаги мавҳумликдан қочишга муваффақ бўлган. бундай мавҳумлик эса кўпгина тадқиқотларга хос бўлиб, улар системали ёндашиш имкониятларини ё ҳаддан ташқари кенгайтириб кўрсатади, ёхуд унга рўйирост етарлича баҳо бермайди.

Система тушунчаси ўрнини аниқлаш билан муаллиф батамом асосли равишда унинг таърифи мантиқий тузилишида бу жараённинг диалектик олиб ташланиши, акс эттирилиши масаласини қўяди. Масаланинг бундай оригинал ва шу билан бирга диалектика жиҳатидан тўғри қўйилиши система тушунчаси фалсафий таърифининг зарур белгиларини аниқлашга имкон берган (68—71-бетларга қаралсин). Асар давомида яхлитликдан иборат бўлган системали ёндашишнинг асосий тушунчалари таҳлил қилинади.

Шу тарика материалистик диалектикада системали ёндашиш шаклланиши ва ривожланишининг мантиқий механизми деталларини изчил равишда оча бориши муаллифга материалистик диалектиканинг зарур элементи бўлган системали ёндашиш статусининг исботини жуда муфассал ёритиш имконини берган. П. Н. Қалошин асарининг янгилиги ва қиймати ҳам ана шунда.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, системали ёндашиш шаклланишининг мантиқий механизмини назарий таҳлил қилишнинг қатъий доираси унинг универсал методологик аҳамиятини кўрсатиб беришни бирмунча кейинги планга суриб қўйган. Асарда системали ёндашишнинг материалистик диалектика принципи сифатидаги таърифи масаласига доир мунозара ҳам етарли акс эттирилмаган. Бундан ташқари, муаллиф система структураси тушунча аппаратини ҳаддан ташқари деталлаштириб тавсифлайди. Асар унда ишлаб чиқилаётган материалистик диалектика ва бошқа замонавий ёндашишлар нисбати проблемасини анализ қилиш методологиясининг аҳамиятини кенгроқ кўрсатилганида анча ютган бўларди. Бундай замонавий ёндашишларга ҳам умумий фалсафий назария ва методология савиясига ўтиш хосдир.

Бироқ кўрсатилган камчиликлар жузъий бўлиб, умуман тақриз этилаётган китобнинг илмий қимматини туширмайди. Унда очиб берилган масалалар ҳозирги системали тадқиқотлар фалсафий проблематикасини ишлаб чиқишга қўшилган муайян ҳиссадир.

Р. ТАГАНОВ.
философия фанлари доктори.

ТАФАККУР ИЛМИ

БУТУН халқ хўжалигини асосан интенсивлаштириш йўлига, ижтимоий ишлаб чиқариш процессини эса замонавий техника ва технология негизига кўчириш ҳисобига мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш юзасидан КПСС илгари сурган вазифа мутахассисларнинг касб тайёргарлигига, билим даражасига, табиийки, шу билимларни олиш формалари ва усулларига нисбатан янада юксакроқ талаблар қўяди. Партиянинг совет кишиларида жамиятимиз бошидан кечираётган ривожланиш босқичи шарт-шароитларига мос равишда янгича фикрлаш ва ишлаш маҳоратини ҳосил қилишга доир актуал талаби ҳам олий ва ўрта махсус таълимни жиддий равишда қайта қуриш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Давлат нуқтаи назаридан, истиқболни кўзлаб ижодий фикрлай билиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан бўлажак мутахассислар фикрлаш қонунлари ва формалари тўғрисидаги фан бўлган формал ёки анъанавий логикани эгаллашининг аҳамияти ошиб боряпти. У барча фанлар, жумладан марксча-ленинча философия учун жуда катта методологик аҳамиятга эгадир. Кишилар кундалик амалий фаолиятининг зарурий элементи бўлган логика билимларнинг у ёки бу соҳасини эгаллашда уларни қайта ишлаш ва системага солиш, ижодий тафаккурни ривожлантириш, илмий баҳслар олиб бориш маҳоратини ривожлантириш воситаси сифатида ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим.

М. Хайруллаев ва М. Ҳақбердиев

(марҳум) шу фан бўйича ўқув қўлланмасини* яратишга айни логикани ўқитиш вазифасини асосли равишда ҳал этиш ва республика халқ хўжалиги бўлажак мутахассисларининг тафаккур қилиш умумий маданиятини ошириш нуқтаи назаридан ёндашганлар. Ўзбекистон олий ўқув юртлари ана шундай қўлланмага кўпдан бери муҳтож эдилар, чунки бу соҳада С. Н. Виноградов ва А. Ф. Кузьминнинг 1949 йилда нашр этилган «Логика» китоби таржимаси, унинг қайта нашр этилган вариантлари ва мазкур фаннинг у ёки бу масалаларига бағишланган айрим брошюралар билангина кифояланишга тўғри келарди. Нашр этилган янги қўлланмада формал логиканинг асосий масалалари олий ўқув юртларининг шу курсга доир программасига мувофиқ баён қилинган.

Муаллифлар логика фани ва унинг вазифаларини ёритишда тафаккур формалари ва қонунларининг умуминсоний характери тўғрисидаги масалани қараб чиқадилар. Тафаккур қонунлари на синфий, на миллий характерга эга бўлмаса ҳам, деб таъкидланади китобда, логика фалсафий фан сифатида қадим-қадимлардан бери материализм билан идеализм ўртасидаги шиддатли кураш майдони бўлиб келди. Энгельс ҳам буни таъкидлаб ўтган эди. Бунинг устига турли синфлар, социал группалар ва айрим шахсларнинг логикага муносабати ҳам турлича бўлиб келган. Логика, деб таъкидлашади қўлланма муаллифлари, объектив ҳақиқатни билишдан астойдил манфаатдор бўлганлар қўлида кудратли қурол бўлиб хизмат қилади. Унинг ғанимларига эса хоҳ онгли равишда, хоҳ беихтиёр бўлсин, лекин барибир ҳақиқатни бузиб кўрсатишга олиб борувчи мантиқсиз тафаккур хосдир.

Формал логика тарихини баён этишда китоб муаллифлари ўрта аср Шарқи, айниқса Ўрта Осиё мутафаккирларининг логика илми таърифига етарли эътибор беришганки, бу шунга ўхшаш бошқа нашрларда учрамайди. Натижада студентлар ўша давр прогрессив ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг Форобий, Абу Али ибн Сино, Ибн Рашид, Тафтазоний, Журжоний ва бошқалар сингари буюк вакиллари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Китобнинг яна бир фазилати шундаки, у Россияда логиканинг ривожланиши тўғрисида муайян тасаввур бериб, унинг М. В. Ломоносов, А. Н. Радищев, А. И. Герцен, В. Г. Белинский, Н. А. Добролюбов, Н. Г. Чернишевский сингари илғор арбоблари билан таништиради. Муаллифлар логика тарихини тарихий-фалсафий жараённинг ва мантиқий тафаккур тараққиётининг бирлигидан, логиканинг ўзини эса марксизм-ленинизм философияси билан яктан эканлигидан келиб чиқиб баён қилишганки, бу, шубҳасиз, бўлажак мутахассисларда диалектика, билиш назарияси ва логиканинг фалсафий бирлигидан иборат мустаҳкам пойдеворга таянувчи мантиқан изчил таълимот бўлган коммунистик идеология тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қиладики, буни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Диалектик ва математик логикага доир китобда баён этилган материаллар билим бериши билан бирга юқорида таъкидланган жиҳатни ҳам кучайтириб кўрсатади.

Бизнинг давримизда фан-техника революцияси логикани техника фанлари, кибернетика билан яқинлаштириб, кўплаб проблемаларни илгари сурганлиги китобда тўғри таъкидлаб ўтилган. Авторлар тўғри таъкидлашича, ниҳоятда мураккаб мантиқий операцияларни бажаришга қодир бўлган ЭҲМларнинг яратилиши логиканинг аҳамиятини оширибгина қолмай, уни янада ривожлантириш учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратади. Зеро мамлакатимизда компьютер соҳасида аҳоли саводхонлигига эришиш проблемаси ҳал этилмоқда, барча мактабларда махсус «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани жорий қилинмоқда. ЭҲМлардан фойдаланувчи ва уларни бошқарувчи кишилар ана шу машиналарда программалаштирилган фаолият соҳасида ҳам, логика соҳасида ҳам чуқур билимга эга бўлишлари лозим.

Қўлланмада мантиқий формаларга, тўғри тафаккур қилиш услублари ва қонунларига изчил таъриф берилади. Китоб мазмунидан шу нарса равшанки, формал логика қонунлари ва принципларидан ҳар қандай чекиниш муқаррар равишда тафаккур жараёнининг бузилишига олиб келади, бундай жараёнсиз эса табиат, жамият ва тафаккурнинг ўз қонуниятларини билиш, тадқиқ қилиш мумкин эмас. Муаллифлар формал логика қонунлари дунёни билиш ва ўзгартиришнинг мажбурий шартларидан бири деган қоидани ҳар томонлама асослаб, тафаккурнинг асосий структуравий элементлари тўғрисида батафсил ҳикоя қиладилар.

* М. Хайруллаев, М. Ҳақбердиев. Логика. Университетлар ва педагогика институтларининг студентлари учун ўқув қўлланмаси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1984, 360 б.

Қўлланма муаллифлари тавсия этаётган мантиқий масалалар уларда фойдаланилган фактлар туфайли мустақил машғулотлар давомида у ёки бу тема мазмунини яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам берибгина қолмасдан, студентларни интернационал ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам хизмат қилиши китобнинг ижобий жиҳатидир. Масалан, далиллаш назариясининг мантиқий асослари масалаларини ёритишда Совет Ўзбекистони социалистик қурилиш йилларида эришган муваффақиятлардан гувоҳлик берувчи кўрсаткичлар келтирилади (277—278-бетларга қаралсин).

Китобда ҳаётнинг бошқа соҳаларидан олинган фактлардан ҳам кенг фойдаланилган. Чунончи, зиддият қонунини исботлашда муаллифлар қуръонда ўзаро бир-бирини инкор қилувчи юздан кўпроқ қоида мавжудлиги фактига мурожаат қилганлар (326-бетга қаралсин). Бундай материал бевосита методик аҳамиятидан ташқари илмий, атеистик аҳамиятга ҳам эгадир. 327-бетда М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романидан унинг бош қаҳрамони Ғуломжоннинг шариат пешволари фикрларидаги зиддиятларни ошкор қилиб, уларни ноқулай аҳволга солиб қўйганлигини кўрсатувчи парча келтирилганки, бу ҳам шундай тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Китоб айрим фалсафий-мантиқий терминларни тушунтириб берувчи қисқача луғат билан таъминланганлиги мақтовга сазовордир. Уларни шарҳлаб беришда муаллифлар ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари ва жилваларини ҳисобга олганликларини алоҳида таъкидлаш керак.

Логика тарихини алоҳида китоб қилиб чиқариш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу билан уни баён қилишда мазкур китобда йўл қўйилган бир қадар схематизмга чек қўйиш мумкин бўларди. Афсуски, ундаги барча таъриф ва терминлар ўзбек тилида силлиқ қилиб берилмаган, бу эса уларнинг студентлар томонидан ўзлаштирилишини қийинлаштиради, келтирилган мисолларнинг ҳаммасини ҳам муваффақиятли деб бўлмайди. Имло хатолар ва стилистик нуқсонлар учрайди.

Тўғри тафаккур қилиш қонунларининг китоб охирида берилишини ҳам асосли деб бўлмайди, ҳолбуки олий ўқув юртлари курси программасида уларга олдинроқ ўрин ажратилган. Шу муносабат билан истардикки, агар китоб қайта нашр қилинса, (бундай эҳтиёж эса кун тартибидан тушмаса керак), темалар асосан олий ўқув юртлари учун «Логика» курси программасида белгиланган тартибда баён этилса.

М. Хайруллаев ва М. Ҳақбердиевнинг китобини студентлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, логика фанига қизиқувчилар зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Унинг юқори малакали мутахассислар тайёрлашда катта фойда келтириши шубҳасиздир.

М. БАРАТОВ,
философия фанлари доктори.
А. ЖАЛОЛОВ,
философия фанлари кандидати.

КИТОБЛАР ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Ш. Н. Якубов. **Художественная культура в идеологической работе.**

Ташкент, Узбекистан, 1985, 96 с.

Коммунистик партия ғоявий-тарбиявий ишда бадиий маданиятга кенг халқ оммасига ғоявий таъсир ўтказишнинг энг самарали воситаси сифатида жиддий ўрин ажратади. «Партия ўз **маданий сиёсатининг** бош вазифаси одамларнинг қобилиятини намоён қилиш учун ғоят кенг имконият яратиб беришдан, уларнинг ҳаётини маънавий жиҳатдан бой, кўп қиррали қилишдан иборат, деб билади», — деб таъкидланади КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида. Ҳозирги босқичда бу вазифани ҳал этиш партия идеологик фаолиятининг барча бўғинлари олдига юксак талаблар қўяди. Тақриз қилинаётган брошюрада Ўзбекистон партия ташкилоти практикасида мана шу талабларнинг қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.

Авторнинг уқтиришича, социализм шароитида маданиятга оид марксча-ленинча назариянинг энг янги қоидаларидан бири — бадиий маданият билан идеология иши вазифаларининг диалектик бирлиги алоҳида актуаллик касб этади. Адабиёт ва санъат тобора улкан идеологик моҳиятга эга бўлиб, ғоявий-тарбиявий ишда уларнинг роли фаоллашади.

Шу билан бирга маданиятнинг таъсири нафақат коммунистик тарбия вазифаларини ҳал этишда, шунингдек халқ хўжалигини ривожлантиришда, совет хал-

кининг фаровонлигини оширишни таъминлашда ҳам ўсиб бориши қайд этиб ўтилган. Шунинг учун Коммунистик партия томонидан маданиятни юксалтиришга сиёсий ва илмий раҳбарлик кучайиб бормоқда.

Брошюрада Ўзбекистон Компартияси МКнинг бадиий маданиятни янада юксалтириш юзасидан қабул қилган қарорларининг моҳияти ва бадиий маданиятнинг идеологик тарбиядаги роли ошиб бораётганлиги, шунингдек республика Компартияси МК XVI, XVII пленумларининг ижодий союзлар фаолиятини активлаштиришга ёрдам берган қарорларининг моҳияти баён қилиб берилган. Эндиликда, дея қайд қилади Ш. Ёкубов, «ижодий союзларнинг партия ташкилотлари китобхонни ҳаяжонлантира олмайдиган, уни энг муҳим проблемалар устида бош қотиришга мажбур қила олмайдиган, ғўр, мужмал асарларнинг йўлини тўсиш мақсадида ғоявий ва эстетик талабчанлик муҳитини мунтазам равишда мустаҳкамлаб боришмоқда» (39-бет).

Брошюрада миллий маданиятларнинг равнақ топиши ва ўзаро бойиши жараёнларида Коммунистик партиянинг етакчи роль ўйнаши алоҳида таъкидланади. Авторнинг қайд қилишича, мамлакатимиз миллатлари ва элатларининг бир-бирларига янада яқинлашиши учун оптимал шарт-шароитлар яратиш — КПССнинг ана шу соҳада олиб бораётган фаолиятида асосий ўрин эгаллайди. Шуни қайд қилиш лозимки, Ш. Ёкубов миллий маданиятларнинг ўзаро таъсир этиш йўллари ва формалари ҳақида ҳикоя қилар экан, конкрет ва ишонарли мисолларга таяниб, республикада юз бераётган энг муҳим бадиий ҳодисаларга баҳо беради.

Лекин шу билан бирга авторнинг ўзбек совет маданиятининг тараққиётидаги янги воқеаларни атрофлича анализ қила олмаганлиги, сўнгги социологик тадқиқотлар маълумотларидан кам фойдаланганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Асарда идеология ва бадиий маданиятнинг ўзаро алоқасига дахлдор назарий масалалар тугал кўриб чиқилмаган, бадиий маданият идеологик шартланганлигининг моҳияти аниқлаб берилмаган. Бадиий маданият идеологик шартланганлигининг аҳамияти ижтимоий-сиёсий ғояларни специфик ифода воситалари ёрдамида тўғридан-тўғри акс эттиришдангина иборат эмаслиги ҳақидаги фикрни янада аниқроқ ажратиб кўрсатиш керак эди. У бирмунча кенг маънога эга, чунки социалистик бадиий маданият бу ғояларни тараққий эттириш ва мустаҳкамлашга актив ва собитқадам таъсир кўрсатади. Ундан ташқари, автор ғоявий-эстетик тарбиянинг умумий комплекси ҳақида гапирар экан, бадиий маданиятнинг асосий социал функцияларини ажратиб кўрсатмайди.

Кўрсатилган камчиликларга қарамасдан, авторнинг социалистик маданият соҳасидаги тадқиқотларининг давоми бўлган тақриз этилаётган нашр идеология фронти ходимларида муайян қизиқиш уйғотиши шубҳасиздир.

К. ҲАЙДАРОВ.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41

Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 14.08.1986 й. Босишга рухсат этилди 11.09.1986 й. Формати $70 \times 108^{1}/_{16}$ Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 8,8. Тиражи 27461. Нашр № Б-57. Заказ № 4629.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

10

ОКТЯБРЬ

1986

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 10
ОКТЯБРЬ
1986 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Белгиланган режаларни барча совет кишиларининг шижоатли меҳнати билангина рўёбга чиқариш мумкин. Ҳозир ҳар бир кишидан талаб қилинадиган нарса шуки, умум бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш, ташаббус кўрсатиш, топширилган ишга масъулият билан ёндашиш, давлат манфаатлари ҳақида омилкорлик билан ғамхўрлик қилиш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ЎҚУВНИ ДАВР ТАЛАБИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

ЯҚИНДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ Коммунистик партияси Марказий Комитети «1986/87 ўқув йилида меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқишини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу Ленин партиясининг коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг ғоявий-сиёсий чиниқиши, уларнинг иқтисодий билимларини ошириш тўғрисида кўрсатаётган доимий ғамхўрлигининг янги бир ифодасидир.

КПССнинг тарихий XXVII съездидан сўнг ўтган давр етилган проблемаларни ҳал этишга янгича ёндашувларни актив равишда излаш билан бойиди. Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам съезднинг социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган бош йўлини ҳаётга татбиқ қилиш борасидаги иш авж олдириб юборилди. КПССнинг ички ва ташқи сиёсатига бўлган қизиқиш ошиб бормоқда. Талабчанлик ва ҳаққонийлик муҳити амалий ишларга сафарбарлик таъсири ўтказмоқда. Коммунистлар, партиясизлар қайта қуришнинг ҳамма жойда ишчанлик касб этишини кўзлаб, новаторлик ташаббусларини қизғин қувватламоқдалар. Ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун мусобақа тобора кенг авж олиб бормоқда. Мана шу хусусиятлар идеология ишининг характерини ва вазифаларини белгилаб беради.

Социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш хусусидаги теран новаторлик концепцияси марксча-ленинча тафаккурнинг муҳим ютуғи бўлди. У мамлакат ижтимоий ҳаётининг асосий ташкил этувчи ва сафарбар қилувчи ғояси бўлиб қолди. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг диалектикаси, ишлаб чиқаришни янгидан техника жиҳатдан реконструкция қилиш тўғрисидаги, хўжалик механизмини такомиллаштириш йўллари, жамият ҳаётида умумкоммунистик асосларнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши, социал соҳа ролининг ошиб бориши, социал адолат принципининг қарор топиши тўғрисидаги энг муҳим қоидалар таърифлаб берилди.

КПСС XXVII съезди инсон омилини активлаштиришга, омманинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини ривожлантиришга, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга, расмиятчиликка барҳам беришга алоҳида эътибор қилди. Съезд ҳозирги шароитда янгича фикрлаш тарзини, янгича психологияни, кишиларнинг янгича йўл тутишини, совет кишисининг социал-сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, унинг меҳнатда ва турмушдаги вазифаларининг бутун хазинасини бойитиш ва ундан фойдаланишни вужудга келтириш масаласига новаторчасига ёндашди. Партия съезди марксча-ленинча назарияни жаҳон тараққиёти, ташқи сиёсат масалалари хусусида ҳам жиддий равишда бойитди.

Хуллас, КПСС XXVII съезди марксизм-ленинизм хазинасига улкан ҳисса қўшди. Энди янгиланиш ва қайта қуриш жараёнининг кишилар онги ва қалбига сингиши, уларнинг бутун фикр-зикри ва амалий ишларига айланиши учун сабот билан курашиш керак. «Бугунги кунда партия таъсирининг бутун кучи тўпланадиган энг муҳим нарса бошдан кечираётган пайтнинг кескинлигини, унинг бурилиш характерини ҳар бир киши англаб олишига эришишдан иборатдир,— деган эди партиямиз МҚ Бош секретари М. С. Горбачев КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида.— Агар планларимиз кишиларни қизиқтира олмаса, агар биз омманинг меҳнат ва ижтимоий активлигини, унинг ғайрат-шижоати ва ташаббускорлигини уйғота олмасак, ҳар қандай планимиз ҳам ҳавода муаллақ бўлиб қолади». Шунинг учун КПСС Программаси, МҚ Сиёсий докладида, партия XXVII съездининг бошқа ҳужжатлари, КПСС МҚ июнь (1986 йил) Пленуми қарорларининг моҳияти ва руҳини ҳар бир кишининг онгига етказиш, уларнинг ана шу ҳужжатлар ва қарорларда илгари сурилган вазифаларни амалга оширишга дахлдор ҳамда масъулиятли эканликларини аниқ ва чуқур тушуниб олишларига ёрдам бериш партия ташкилотлари, идеология муассасалари учун биринчи даражали аҳамиятга молик вазифадир.

Меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат, совет ватанпарварлиги ва пролетар, социалистик интернационализми, меҳнатга ва жамият мулкига онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, оммани маънавий маданият бойликларидан тобора тўлароқ баҳраманд қилиш, социалистик турмуш тарзига зид бўлган урф-одатларни йўқотиш идеология ишидаги асосий нарса бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Бу вазифаларни ҳал этишда кадрларни ғоявий чиниқтириш ва ориентациялашнинг қудратли ва таъсирчан воситаси, партиянинг халқ билан маънавий алоқасининг муҳим формаси бўлган сиёсий ва иқтисодий ўқиш системаси катта роль ўйнайди. Бу системанинг оммавий характерга эгалиги — унинг ўзига хос хусусиятидир. Ўзбекистонда ўтган ўқув йилида сиёсий ва иқтисодий ўқишнинг барча формаларида 2,8 миллион киши, шу жумладан партия ўқуви системасида — 866 минг, комсомол сиёсий маорифи системасида — 865 минг, иқтисодий таълимнинг оммавий формаларида — 1,1 миллион тингловчи шуғулланди.

Партия ташкилотлари партия ва иқтисодий ўқишни ташкил этиш билан астойдил шуғулланаётган жойларда бу тадбир ташкилотчилик ва идеология ишининг бошқа формалари ва методлари билан бир қаторда коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, Тошкент областида Коммунистик район партия комитети 230 тингловчидан анкета саволларига жавоб олди, бунда ўқиш нима беради, деган саволга тингловчиларнинг 77,7 проценти у ишлаб чиқариш вазифалари ҳамда ижтимоий топшириқларни бажаришга ижобий таъсир кўрсатади, деб жавоб берди.

Бироқ қатор районлар ва шаҳарларда Ўзбекистон Компартияси МҚ пропаганда ва агитация бўлими, Тошкент, Қорақалпоғистон, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва бошқа область партия комитетлари томонидан ўтказилган бу ишнинг аҳволини анализ қилиш шуни кўрсатадики, кўпгина партия ташкилотлари ўқишнинг боришини назорат қилишни сусайтириб юборганлар. Кўп ҳолларда машғулотлар расмиятчилик билан ўтказилиб, уларда манфаатдорлик билан фикр алмашишлар, коллективларнинг долзарб ишлари тўғрисида очиқчасига суҳбатлашишлар бўлмайди. Сиёсий ва иқтисодий мактаблар фақат қоғоздагина мавжуд бўлган ҳоллар учраб туради. Масалан, Нукус районида 102 та мактаб ва семинарлар мавжуд бўлиб, текшириш кунида шулардан атиги 5 тасида машғулот ўтказилган. Марҳамат, Косон, Пайариқ, Бойсун, Қонимех, Ғалаба, Чимбой ва бошқа баъзи районларда ҳам сиёсий ва иқтисодий ўқишни ташкил этишда жиддий нуқсонлар аниқланди. Паркент

ва Бухоро районлари, Олмалиқ ва Марғилон шаҳарларида партия-хўжалик активининг сиёсий ўқиши қониқарсиз ташкил этилган. Қатор областларда, айниқса Андижон ва Қашқадарё областларида область партия комитетларининг марксизм-ленинизм университетлари яхши ишламайди. Тошкент политехника институти, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти, республика Фанлар академиясининг баъзи илмий муассасалари, олий ўқув юртларидаги қатор фалсафий (методологик) семинарлар иши ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Айниқса қурилиш, автомобиль транспорти корхоналарида меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқишини ташкил этишда кўплаб камчиликлар бор.

Айрим партия комитетлари, хўжалик органлари ўқишнинг миқдорий томонига берилиб кетиб, асосий нарсани — ўқишни турмуш билан, меҳнат коллективларининг конкрет ишлари билан доимо маҳкам боғлашнинг зарурлигини унутиб қўймоқдалар. Кўпгина меҳнаткашлар мамлакат, Ўзбекистон бўйича қайси йили қанча тураржой, мактаб, мактабгача тарбия муассасаси ва шу сингарилар қурилажагини билишади. Лекин у, конкрет ишчи, колхозчи, хизматчи қачон ва қайси йили квартира олишини, унинг квартирасини қачон ремонт қилиб беришларию, қачон телефон ўрнатишларини, қачон унга санаторийга йўлланма бериб, боласи учун болалар боғчаси ёки яслидан ўрин ажратилишини билмайди. Агар меҳнатчи, унинг оиласи ўзларининг ўткир ҳаётий эҳтиёжларининг қачон қондирилишини аниқ билса борми, унда уларнинг куч ва ғайрат-шижоатлари қанчалик жўшиб кетган бўларди!

Сиёсий ва иқтисодий ўқиш ташкилотчилари қуйидаги ҳақиқатни аниқ-равшан билиб олишлари лозим: ғоявий-тарбиявий ишга, айниқса унинг ўзаги — марксча-ленинча ўқишга етарли аҳамият бермаслик, бу ишдаги расмиятчилик, кўпгина раҳбарларнинг иқтисодий масалаларга лоқайд муносабати ҳам республика экономикаси, социал соҳасининг суст ривожланишига, ундаги жиддий номутаносибликларга, қўшиб ёзишлар ва бошқа салбий ҳодисаларга сабаб бўлган эди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон экономикасининг самарадорлигини ошириш учун ажратилган маблағларнинг каттагина қисми амалда ишлатилмасдан қолиб кетди, республиканинг мамлакат миллий даромадини ҳосил қилишдаги ҳиссаси эса кўпаймади. 1985 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпгина турларини давлатга сотиш ҳажми камайиб кетди. Ғалла, картошка, полиз ва сабзавот экинлари, мева, узум ва бошқа айрим экинларнинг ҳосилдорлиги 1980 йилдагига қараганда камайди. Чорвачилик маҳсулдорлиги пасайиб кетди. Маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш кувватлари комплекс тарзда ривожлантирилмаганлиги сабабли қишлоқ хўжалик хом ашёси кўплаб нобуд бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси экономиканинг ривожланишига, аввало социал программани амалга оширишга салбий таъсир кўрсатди. Республика бўйича аҳолининг реал даромадлари ўртача жон бошига ҳисоблаганда атиги 5,8 процентга ўсиб, ҳар 1 яшовчининг тураржой билан таъминланганлиги 10,3 квадрат метрдан бор-йўғи 10,9 квадрат метрга чиқди. Мактабларнинг ярмидан кўпроғи самарали ўқиш ва спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлмаган мослаштирилган биноларда жойлашган. Болаларнинг мактабгача тарбия муассасаларига тортилганлиги атиги 36,1 процентни ташкил этади. Клублар, кинотеатрлар, кутубхоналар билан таъминланганлик бўйича Ўзбекистон мамлакатда охирги ўринлардан бирида туради.

Республика аҳолисининг каттагина бир қисми ҳали ҳам дин, айниқса ислом таъсирида бўлиб, диний урф-одатлар ва маросимларга амал қилади, уларни миллий анъаналар деб ҳисоблайди. Сохта муллалар ўзларини руҳонийлар деб кўрсатиб, баъзи бир гражданларнинг диний бидъатлар ва хурофотларга ишонишидан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланадилар, азаимхонлик билан, «ўзлари нашр этган» диний адабиётларни

тарқатиш, ибодатхоналар ташкил этиш билан шуғулланишади. Уларнинг кўпчилиги ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, текинхўрларча ҳаёт кечиришади. «Муқаддас жойлар» деб аталадиган жойларни зиёрат қилишлар давом этмоқда.

Бундай фактларнинг бари партия, комсомол ва иқтисодий ўқишни ташкил этишда кўплаб камчиликлар, проблемалар борлигини кўрсатади.

КПСС XXVII съезди коммунистлар, меҳнаткашларни сиёсий етук фикрлаш ва ҳаракат қилиш қобилияти билан қуроллантириши, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор формаларини ёйиш ва қарор топтиришга ёрдам бериши керак бўлган сиёсий ва иқтисодий ўқиш системасини қайта қуриш вазифасини қўйди.

КПСС МКнинг «1986/87 ўқув йилида меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори партия XXVII съездининг мазкур кўрсатмасини амалга оширишда конкрет қадамдир. Унда янги ўқув йилининг энг муҳим вазифалари белгилаб берилган. Аввало, партия, комсомол ва иқтисодий ўқувнинг барча формалари партия съезди қарорларини теран ўрганишга қаратилади.

КПСС МК биринчи машғулотга алоҳида аҳамият беради. Ўқишнинг барча формаларидаги биринчи машғулотни «Ўн иккинчи беш йиллик — мамлакат социал-иқтисодий тараққиётида туб бурилиш беш йиллиги» мавзуига бағишлаш тавсия этилди. Машғулотнинг асосий мақсади тингловчиларнинг партия стратегик йўлини амалга оширишда беш йиллик планнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур тушуниб олишларига ёрдам бериш, уларни социалистик мусобақада актив иштирок этишга, ҳар бир меҳнат коллективи ишини қайта қуриш ва яхшилашга йўллашдан иборат.

Бу машғулотга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш зарур. Унинг амалий мунозара, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли ҳал этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг ички резервларини излаб топиш йўллари ва воситаларини кенг манфаатдорлик билан муҳокама қилиш формасида ўтказилишига эришиш лозим. Партия ташкилотлари, корхоналар раҳбарлари, пропагандистлар тингловчиларнинг ҳар бир қимматли таклифини ҳисобга олишларн ва амалда жорий қилишлари керак.

Биринчи машғулотдан сўнг партия ва комсомол ўқуви системасида «Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўли» курсини ўрганишга киришилади. Бу курсни ўтиш жараёнида жадаллаштиришнинг, фан-техника тараққиёти негизида интенсивлашнинг мазмуни ва бош йўналишларини чуқур очиб бериш, социал сиёсатнинг, жамиятни янада демократлаштириш, социал адолат принципларини изчиллик билан қарор топтиришнинг мақсадлари ва моҳиятини аниқ ва ишонарли тарзда кўрсатиш лозим бўлади. КПССнинг совет жамияти тараққиётини жадаллаштириш йўлини турмушга оширишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатидаги ролини таърифлаб беришга алоҳида эътибор қилиш лозим. Буларнинг ҳаммаси тингловчиларни КПСС XXVII съезди илгари сурган вазифаларни амалда ҳал этиш жараёнига фаол киришишга кўмаклашиши керак.

Партиянинг ғоявий-тарбиявий фаолият соҳасидаги кўрсатмалари жадаллаштириш стратегиясининг таркибий қисмидир. Ижодий ташкилотлар ва союзлар, халқ маорифи, маданият ходимлари, жамиятшунос олимлар инсон омилини активлаштириш, материалистик дунёқарашни шакллантириш, меҳнат, интернационал, ватанпарварлик, атеистик тарбия бериш, буржуа идеологияси кўринишларига қарши кураш борасидаги ишларни кучайтиришнинг конкрет йўллари ва методларини ҳар томонлама муҳокама қилишлари керак.

Жадаллаштириш масалаларини СССРнинг социализм мамлакатлари билан ҳар тарафлама ҳамкорлигининг янги вазифалари, дунёдаги ҳозирги аҳвол проблемалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганиш лозим. Бунда М. С. Горбачевнинг шу йилнинг 18 августида Совет телевидениеси орқали

берган Баёнотининг ғоят катта аҳамиятини очиб беришга алоҳида эътибор қилиш керак.

Иқтисодий таълим системаси тингловчилари учун халқ хўжалиги турли тармоқларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб «Ишлаб чиқаришни интенсивлаш» курсини табақалаштирилган ҳолда ўрганиш тавсия қилинган. Бу умумхалқ ишига шахсий ҳиссани кўпайтиришга, ҳар бир меҳнат коллективи ишининг самарадорлигини оширишга ёрдамлашиши керак. Машғулотлар тингловчиларнинг хўжалик фаолиятини қайта қуриш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш юзасидан конкрет таклифларни илгари суришга ёрдам бериши лозим. Машғулотларда КПСС назарияси ва сиёсати тингловчилар, меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли бажариш юзасидан кундалик амалий ишлари билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда тушунтирилиши ғоят муҳимдир.

Сиёсий ва иқтисодий ўқишда марксизм-ленинизм асосчиларининг асарлари, воқеликни, КПСС тарихий тажрибасини ленинча анализ қилиш методологиясини ўзлаштириш алоҳида ўрин тутиши лозим. Шунинг учун пропагандистлар ва тингловчиларга ёрдам тариқасида «В. И. Ленин социалистик қурилиш тўғрисида», «Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш — бутун партия, бутун халқ вазифасидир» тўпламлари, «Жадаллаштириш стратегияси» ўқув қўлланмаси тайёрланмоқда. Марксча-ленинча ғояларни, партия XXVII съездининг принципиал қоидалари ва хулосаларини, жадаллаштириш стратегиясини чуқур ўрганиш ҳар бир тингловчининг съезд талаблари руҳида ўз-ўзини қайта қуришига, жўшқинлик билан, юксак масъулият туйғуси билан ҳаракат қилишига, ҳамма ишни виждонан бажаришига ёрдам бериши шубҳасиздир.

КПСС МК қарорида ҳозирги ўқув йилининг КПСС XXVII съезди руҳи ва талабларига жавоб бера оладиган янги сиёсий ва иқтисодий ўқиш системасига ўтишга актив, ҳар томонлама тайёргарлик кўриш йили бўлиши кераклиги таъкидланади. Иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига ҳозирги ўқув йили давомида марксча-ленинча ўқиш системасини қайта қуришга тайёргарлик юзасидан конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш топширилди. Бунинг учун унинг мазмуни, мақсадлари ва асосий йўналишларининг кенг муҳокамасини ўтказиш лозим бўлади. Гап марксча-ленинча ўқиш сифати ва самарадорлигини кескин оширишни таъминлай оладиган жиддий қайта қуриш тўғрисида бормоқда. Айни бир пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қайта қуриш тўпланган тажрибани йўққа чиқариш, уни юзаки инкор этишни эмас, балки, аксинча, давомийликни, практика вужудга келтирган барча қимматли нарсаларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни англатади. Бинобарин, қайта қуриш жараёнида мавжуд тажрибанинг янги талаблар, янги билимлар ва янги қарорлар билан моҳирона бирлаштирилишига эришиш керак. Қайта қуришнинг асосий мазмуни марксча-ленинча ўқувни ички ва халқаро ҳаёт воқеликлари билан мувофиқлаштириш, унинг ғоявий-назарий даражаси ва амалий самарасини жиддий равишда оширишдан иборатдир.

Қайта қуриш зарурлиги кўпгина омиллар билан боғлиқ. Совет жамиятини сифат жиҳатдан туб ўзгартиришнинг янги мураккаб проблемалари шуни тақозо қилмоқда. КПСС XXVII съезди марксча-ленинча идеологиянинг қудратли кучини мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга, инсон омилини активлаштиришга йўналтириш вазифасини қўйди.

Тингловчиларнинг маълумот даражасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Масалан, олий, тўлиқсиз олий ва тўлиқ ўрта маълумотли коммунистлар салмоғи 1962 йилда 43,3 процент эди, 1986 йилда эса — 81,7 про-

центни ташкил этди. Бу маълумот даражаси бўйича фақат миқдорий ўсишгина бўлмай, балки сифат жиҳатдан ҳам муҳим силжишдир. Бу билимлар асосларини, бошланғич курсларни ўрганувчи тингловчилар сонининг камаяётганлигини кўрсатади. Марксча-ленинча назарияни, КПСС сиёсати, тарихий тажрибаси, коммунистик қурилиш практикасининг актуал проблемаларини чуқур ўзлаштиришни кўзда тутадиган программалар тобора кўпроқ ўрин олмоқда.

Қайта қуриш йўллари ҳақида гапирганда оғзаки пропаганда билан оммавий ахборот воситалари ўзаро нисбатининг ўзгарганлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Матбуот, телевидение, радио жадал ривожланиб бормоқда. Ҳозир республикада ўртача ҳар оилага тахминан 5 нусха газета ва журнал тўғри келади. Ўзбекистон аҳолисининг 89 проценти телевизион программаларни кўриб боради. Тошкентда қўшни иттифоқдош республикалар телепрограммаларини ретрансляция қилиш учун бешинчи передатчик ишга туширилди. Аҳолининг 96 проценти кўп программали радиоэшиттиришларни тинглайди. Булар ҳаммаси сиёсий ва иқтисодий билимларнинг муҳим манбаи бўлиб, мустақил ўқишни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратади. Бироқ оммавий ахборот воситалари кишилар билан жонли мулоқот қилишнинг, бинобарин, оғзаки пропаганданинг ўрнини боса олмаслиги шубҳасиздир.

Нафақат ички, шу билан бирга халқаро шарт-шароитлар, икки жаҳон системаси — социализм билан капитализм ўртасидаги ғоявий курашнинг кескинлашганлиги ҳам қайта қуришни тақозо қилмоқда. Бу партия пропагандасининг ҳужумкорлигини жиддий кучайтиришни талаб қилади.

1986/87 ўқув йилида партия ташкилотларига коллективларнинг хусусиятларидан ҳамда тингловчиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолияти характеридан келиб чиқиб, ўқишнинг формаларини танлаб олиш ҳуқуқи берилганлиги КПСС МК қароридаги принципиал қоидалардан биридир. Зарур бўлса, мактаб ёки семинарга хоҳишларига қараб коммунистлар ва партиясизларни, ветеранлар ва ёшларни қўшиш мумкин. Иқтисодий ўқишни ташкил этишга ҳам худди шундай ёндашилади. Лекин бунинг учун ҳар бир тингловчи билан суҳбатлашиш, унинг тайёргарлик даражаси, қизиқишлари, ишининг характерини ҳисобга олиш керак. «Юқоридан туриб», яъни парткомда, район, шаҳар партия комитетида туриб комплектлаш практикасига барҳам бериш лозим.

КПСС МК ҳозирги ўқув йилидан экспериментлар ўтказиш ҳамда ўқишни ташкил этишга замонавий ёндашувларни синаб кўриш, сиёсий ва иқтисодий таълим системаларининг истиқболли структураларини аниқлаш зарур деб топди. Бу борада республикада муайян тажриба тўпланган.

Масалан, Чирчиқ шаҳри, Коммунистик ва Тошкент районлари бошланғич партия ташкилотларидаги партия ўқуви системасининг такомиллаштирилгани эътиборга лойиқдир. Уларда экспериментал тартибда ўқиш формалари сони қисқартирилган, яъни амалдаги 9 формадан 3 таси, чунончи: марксизм-ленинизм асослари мактаблари, семинарлар ва марксизм-ленинизм университети қолдирилган. Тингловчиларнинг асосий қисми «В. И. Ленин, КПСС социализм ва коммунизм қурилиши тўғрисида» деган янги икки йиллик курсни ўрганди.

Республика енгил саноат министрлиги, «Главмашхлопководство» ва собиқ қишлоқ хўжалиги министрлигининг корхоналари ва ташкилотларида иқтисодий ўқишни қайта қуриш бўйича муайян тажриба тўпланган. Буларда ишлаб турган коммунистик меҳнат мактаблари, конкрет экономика мактаблари, иқтисодий семинарлар ягона социалистик экономика мактаблари ва кадрлар малакасини ошириш системаси билан алмаштирилди.

Лекин бу ўқишнинг янада самаралироқ формаларини излаш зарурлигини истисно қилмайди. Шунинг учун экспериментларни дадилроқ ўтказавериш керак.

Марксча-ленинча ўқув системасини қайта қуришнинг муваффақияти, унинг самарадорлигини ошириш пропагандист кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ўқитишга ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Ҳозир Ўзбекистонда қарийб 94 минг киши ана шу партиявий топшириқни бажаради. Уларнинг сифат состави яхшиланмоқда. Масалан, партия ўқуви системасида 94,7 процент пропагандист олий, улардан 28,3 проценти эса — олий сиёсий маълумотли кишилардир. Пропагандистларнинг 26 проценти — раҳбар ходимлар. Бироқ янги вазифалар пропагандистлар олдига янгича, ғоят юксак талаблар қўймоқда.

КПСС XXVII съездида партия идеология ишига ўз эътиқоди билан шахсий намуна кўрсатаётган, таҳлилий фикрловчи, назарияга мойил, кенг билимли, профессионал тайёргарлиги пухта, янги давр вазифаларини муваффақиятли ҳал қила оладиган идеологик кадрларнинг обрўсини бундан буён ҳам кўтаражаги таъкидлаб ўтилди. Бугунги кунда ҳар бир пропагандист тўла-тўкис мана шу фазилатларга эга бўлиши керак. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини, ижодкор ва илмий зиёлиларни, хўжалик органлари раҳбарларини, тажрибали мутахассисларни улар сафларига тобора кўпроқ жалб қила бориш лозим.

Ҳозирги пайтда пропагандистлик маҳорати кўникмаларини ҳосил қилиш, уларни эгаллаш муддатларини қисқартириш алоҳида аҳамият касб этади. Мактаблар ва семинарлар раҳбарлари, консультантлар, методистларнинг асосий қисми марксизм-ленинизм университетларида таълим олиши керак. Шу билан бир қаторда малака ошириш институтларида, олий ўқув юртларидаги ижтимоий касблар факультетларида пропагандистлар тайёрлашни кескин равишда яхшилаш зарур.

Пропагандистларни вақти-вақти билан қайта тайёргарликдан ўтказиб туриш улар маҳоратини оширишнинг муҳим шартидир. Шу мақсадда сиёсий маориф уйлари базасида икки ҳафталик курсларни давом эттириш тавсия қилинган. Шаҳарлар ва районлардаги доимий семинарлар ишининг сифати ва самарадорлигини ҳам янада юқорироқ даражага кўтариш зарур. Шу билан бир қаторда билим ва маҳоратни оширишнинг бош методи бўлган мустақил билим олишга пропагандистларнинг қизиқишини фаол рағбатлантириш керак. Пропагандист кадрларга республикадаги, область, шаҳар, район, тармоқ, конкрет меҳнат коллективидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида мунтазам равишда ахборот бериб боришни йўлга қўйиш лозим. Бу пропагандистнинг машғулотларни янада жонлироқ, қизиқарлироқ ўтказишига, тингловчиларни айни пайтда шу партия ташкилоти ҳал қилаётган проблемалар хусусидаги билим билан қуроллантиришига ёрдам беради.

Ҳозир ҳамма жойда пропагандистлар «Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўли» ва «Ишлаб чиқаришни интенсивлаш» курслари бўйича қайта тайёргарликдан ўтказилмоқда. Машғулотлар бошлангунига қадар ҳамма пропагандистларни бу ўқишга жалб этиш, ўқишнинг уюшқоқлик билан ва сифатли қилиб ўтказилишига алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳар бир пропагандистни тегишли ўқув программаси, ўқув-методик адабиёт ва маълумотномалар, статистика маълумотлари билан олдиндан таъминлаб бориш лозим. Янги курслар бўйича ҳали ўқув қўлланмалари келмаганлигини ҳисобга олиб, пропагандистларни марказий ва республика журналлари, айниқса ўрганилаётган курсларнинг барча мавзуларига доир методик маслаҳатлар эълон қилинадиган «Политическое самообразование», «Экономическая газета», «Ўзбекистон коммунисти», «Экономика и жизнь», «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналлари билан таъминлаш керак.

Сиёсий ва иқтисодий ўқишни қайта қуриш зарурлиги яна бир проблемани — партия пропагандасининг моддий-техника базасини жиддий мустаҳкамлаш, реконструкция қилиш проблемасини кескин қилиб қўйди. Ҳозир республикада 13 та сиёсий маориф уйи, 297 та штатдаги

сиёсий маориф кабинети, 17 та марксизм-ленинизм университети, 277 та партия кутубхонаси ишлаб турибди. Шу жиҳатдан наманганликлар тажрибаси диққатга сазовор бўлиб, ҳамма жойда оммалаштиришга арзийди. Улар корхоналарда, колхозлар ва совхозларда замонавий, яхши жиҳозланган ижтимоий-сиёсий иш марказларини ташкил этишган. Уларда партия, комсомол ва иқтисодий ўқуви, бошқа ғоявий-тарбиявий тадбирлар ўтказилади. Партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, касаба союз ва комсомол ташкилотлари сиёсий маориф уйлари ва кабинетларида, «Билим» жамияти ташкилотларида, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумларда мавжуд бўлган таълим ва пропаганданинг техника воситаларидан, ахборот фондидан янада самаралироқ фойдаланиш учун ғамхўрлик қилишлари лозим.

Партия Марказий Комитети партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари олдига КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ, 1986 йил 1 декабрига қадар сиёсий ва иқтисодий ўқиш системасини қайта қуриш юзасидан таклифларни тайёрлаш вазифасини қўйди. Бу таклифлар асосида ҳужжат лойиҳаси тайёрланади ва у 1987 йил биринчи кварталида кенг муҳокамадан ўтказилади.

Бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, меҳнат коллективлари ва уларнинг қуйи бўғинлари — бригадалар, участкалар, фермалар, бўлимлар, лабораториялар сиёсий ва иқтисодий ўқиш системасини қайта қуришнинг асосий йўналишларини муҳокама қилишга доир ишларнинг маркази бўлиб қолиши керак. Сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари эса марксча-ленинча таълим системасини қайта қуришнинг, турли экспериментлар ўтказиш, илғор тажрибани оммалаштиришнинг ҳақиқий штаблари бўлиб қолмоғи лозим.

Муҳокама жараёнида асосий эътибор ўқишнинг давр руҳига, совет кишиларининг қизиқишлари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган энг самарали форма ва методларини ишлаб чиқишга, марксча-ленинча таълим соҳасида тўпланган ҳамма қимматли нарсаларни умумлаштиришга қаратилиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

М. ЗОИДОВ,
иқтисод фанлари доктори

КПСС XXVII СЪЕЗДИ мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг кенг программасини тасдиқлади. Партия томонидан катта тарихий аҳамиятга молик вазифа қўйилдики, уни ҳал этиш учун иқтисодий ва социал соҳалардаги барча резервларни сафарбар қилиш талаб этилади. Жадаллаштириш, — дея қайд қилинади КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, бу — «аввало иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш... Аммо бугина эмас. Жадаллаштиришнинг моҳияти ўсишнинг янги сифатида: фан-техника тараққиёти, экономика структурасини қайта қуриш, бошқаришнинг меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали шакллари асосида ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлашдан иборат».

Қўйилган вазифаларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан жамиятнинг бош ишлаб чиқарувчи кучи — меҳнат ресурсларидан қанчалик тўла ва самарали фойдаланилиши билан белгиланади. Бу мазкур ресурсларнинг территориялар ва халқ хўжалиги тармоқлари бўйича янада рационал тақсимланишини, иш билан энг кўп даражада таъминлашни, янгидан ишга туширилаётган ва кенгайтирилаётган объектларнинг иш кучи билан таъминланишини тақозо қилади.

Ҳозирги пайтда ижтимоий ишлаб чиқаришни меҳнат ресурслари билан таъминлашда бир-бирига мутлақо зид икки тенденция мавжуд. Агар бутун мамлакат бўйича аҳолининг иш билан таъминланганлигининг юқори даражасига эришилган ва қатор регионларда ишчи қўлларнинг етишмаётганлиги сезилаётган бўлса, унда айрим иттифоқдош республикаларда тарихий вужудга келган аҳолининг кўпайиш режими ва экономиканинг ривожланиш даражаси ҳамда структурасига кўра меҳнат ресурсларининг резервлари мавжудки, уларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш мумкин бўлади. Ўзбекистон ҳам ана шундай республикалар қаторига киради.

Ўзбекистон ССРдаги меҳнат ресурсларини иш билан оқилона таъминлаш проблемаси объектив равишда вужудга келаётган демографик вазият ва республикани социал-иқтисодий ривожлантириш хусусиятларининг таъсири остида шаклланади. Қуйидагилар шунга киради:

— аҳоли ва меҳнат ресурслари кўпайишининг бутуниттифоқ кўрсаткичларига нисбатан ортиқ бўлган юксак ва барқарор суръатлари;

— аҳоли структурасида болалар ва ўсмирлар ҳиссасининг кўплиги;

— халқ хўжалигининг меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг даражаси бўйича жиддий территориал табақалаш. Юксак аҳоли зичлигига эга бўлган ва унинг меҳнатга лаёқатли қисмидан тўла даражада фойдалана олмаётган айрим

районлар билан бир қаторда аҳоли лозимича жойлаштирилмаган, лекин уларни янгидан интенсив равишда ўзлаштириш учун ғоят қулай шароитларга эга бўлган территориялар ҳам борки, бу республика ичида меҳнат ресурсларини тегишлича қайта тақсимлашни тақозо қилади;

— умумиттифоқ меҳнат тақсимотида сақланиб келаётган республиканинг ихтисослашуви натижасида иш билан банд аҳоли структурасида қишлоқ хўжалик ходимларининг кўпчиликни ташкил этиши.

Жойлаштириш формаларида, меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий таълим, махсус ва касбий тайёргарлик даражасида ва шу сингариларда ҳам бошқача специфик хусусиятлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш проблемаларини ҳал этишга қаратилган иқтисодий, социал, маданий-маиший характердаги тадбирлар комплексини ўтказишни зарур қилиб қўяди.

Республикада бу йўналишда анча иш қилинган. Сўнгги ўн йил ичида 200 дан зиёд йирик саноат корхонаси ишга туширилиб, бир миллион гектарга яқин янги ерлар ўзлаштирилди. Кичик ва ўртача шаҳарларда, шунингдек қишлоқ жойларда ҳам ишлаб турган корхоналарнинг филиаллари ва цехларини қуриш кенг ривожланиб кетди.

Меҳнат сарфлаш соҳасининг кенгайтирилиши натижасида ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигида иш билан банд кишилар сони 17,2 процентга ёки ҳар йили ўртача 3,2 процентга кўпайди. Ўн биринчи беш йилликда ўртача йиллик ўсиш суръатлари 2,7 процентни ташкил этди. Халқ хўжалигининг индустриал тармоқлари — саноат, қурилиш, транспорт ва алоқада аҳолининг бандлиги жиддий кўпайди, бу Ўзбекистон экономикаси учун ғоят ижобий ҳодисадир.

Қатор социал вазифаларни ҳал этиш зарурлиги соғлиқни сақлаш, маориф, фан, санъат ва шу сингариларда иш билан бандликнинг янада кенгайишини тақозо этди. Натижада сўнгги ўн йилда ноишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган аҳоли улуши 1975 йилдаги 24,2 процентдан 1985 йилга келиб 26,4 процентга ўсди.

Республикада амалга оширилган иқтисодий ва социал туб ўзгартиришлар иш билан банд аҳоли структурасида сифат ўзгаришларига олиб келди. Унда ишчилар ва хизматчилар салмоғи 1975 йилдаги 76,9 процентдан 1985 йилга келиб 82,8 процентга ўсди, улар составида хотин-қизлар сони 48 процент кўпайди.

Халқ хўжалигининг индустриал тармоқларида банд бўлган туб миллатга мансуб (ўзбек) ходимлар сони муттасил ўсиб бормоқда. Ўзбекистон ССР МСБнинг бир йўла ўтказган текшириш маълумотларига кўра 1973—1983 йилларда бу кўрсаткич саноатда 51,1 процентга, қурилишда — 46,5, транспортда — 38,6, алоқада — 40,8 процентга ўсган. Саноатнинг илгари туб миллатга мансуб хотин-қизлар орасида кенг ёйилмаган қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, ёғочга ишлов бериш каби тармоқларида ҳам уларнинг сони тез кўпая борди.

Шу билан бирга қўлланилаётган иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирлар меҳнат ресурсларининг иш билан оқилона банд қилинишини таъминлаш учун етарли бўлмади. Ўнинчи беш йилликда улар жами ўсишининг бор-йўғи учдан икки қисми, ўн биринчи беш йилликда атиги тўртдан уч қисми халқ хўжалиги тармоқларида ишлашга ва ўқишга жалб этилди. Қолган қисми эса уй-рўзғор ишларида ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда қолиб кетди.

Социологик тадқиқотлар ва ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, иш билан банд бўлмаган аҳолининг кўпчилик қисмини болали аёллар ташкил қилади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг етарли даражада ривожланмаётганлиги (айниқса мактабгача тарбия муассасалари билан кам таъминланганлик), яшаш жойларида зарур ихтисосликлар, касблар бўйича бўш иш ўринларининг йўқлиги, касаначилик ва камайтирилган иш куни тартибининг кенг оммалашмаганлиги сабабли уларнинг ярмидан кўпроғи

ижтимоий-фойдали меҳнатда қатнаша олмайдилар. Ундан ташқари, иш билан банд бўлмаган аҳоли составининг катта қисмини мавсумий характердаги меҳнат билан банд бўлган меҳнатга лаёқатли эркаклар, шунингдек ижтимоий-фойдали меҳнатдан бўйин товлайдиган шахслар ташкил қилади.

Бундай аҳволга ортиқча токат қилиб бўлмайди. У қатор жиддий социал-иқтисодий проблемаларни туғдириб, Ўзбекистон халқ хўжалигининг тараққиётини секинлаштиради.

Иш билан банд бўлмаган аҳолининг юқори даражада эканлиги ижтимоий меҳнат унумдорлигига ва республика миллий даромадининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади, ҳозир республика миллий даромади ҳажми ҳар бир яшовчига ҳисоблаб чиқилганда мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан анча пастдир. Иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли кишилар сони ва ҳиссасининг кўпайиши республика аҳолисининг турмуш даражасини ошириш имкониятларини чеклаб, текинхўрлик, чайқовчилик, хусусий мулкчилик тенденциялари ва бошқа салбий ҳодисаларнинг тарқалишига ёрдам беради. Бу экономикага катта моддий зарар етказиб, кишилар онгига салбий таъсир қилади.

Республика ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўзида ҳам ғоят муҳим резервларга эга. Масалан, қишлоқ хўжалигида эски суғориладиган зонада янгидан ўзлаштириш учун ерларни кенгайтириш имкониятининг йўқлиги, меҳнатнинг аниқ мавсум билан белгиланганлиги ва туб аҳолининг етарли даражада ҳаракатчан эмаслиги сабабли анча ортиқча иш кучлари мавжуд. Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети хўжаликларнинг иш кучига бўлган эҳтиёжларини анализ қилиш асосида ишлаб чиққан ҳисоб-китобларга кўра биргина колхозларнинг ўзида зарур бўлган миқдордан ташқари яна 200 минг киши бор. Бу ер ишлари нагрузкаларининг паст бўлишига, қўл меҳнати харажатларининг кўпайишига ва охир-оқибатда меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади. Саноат ва қурилишда ҳам муайян резервлар борки, бу ерда кадрлар кўнимсизлиги ва иш вақтининг бекор кетиши ҳисобига кўп минглаб ишчилар меҳнати бой беріляпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети яқин йиллар ичидаёқ меҳнат ресурсларини иш билан банд қилиш масаласида туб ўзгариш рўй бериши учун ғамхўрлик қилмоқда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Х. Қодиров бошчилигида республика комиссияси тузилди. Область, шаҳар, районлар халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари қошида ҳам шундай комиссиялар ташкил этилди. Уларнинг асосий вазифалари ҳар бир область, шаҳар, районда аҳолининг иш билан таъминланганлигини ўстиришга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли кишиларни аниқлаш, уларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш, ишчи ўринлари билан меҳнат ресурсларининг балансланшувини таъминлаш юзасидан энг самарали йўналишлар аниқланди.

Бу вазифаларни бажариш учун республика катта имкониятларга эга. 28 шаҳарда аҳолини ишга жойлаштириш бюролари, яна 11 шаҳарда — уларнинг филиаллари ишлаб турибди. Ундан ташқари, 130 шаҳар ва районда меҳнат масалалари бўйича вакиллар бўлиб, улар вақтинча ишламаётган гражданларни, мактабни тамомлаган ёшларни, шунингдек уй-рўзғорда ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда банд бўлган кишиларни ишга жойлаштириш билан шуғулланмоқдалар.

Кўпчилик бюро ва вакиллар корхоналар ва ташкилотлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган бўлиб, халқ хўжалигининг иш кучига бўлган талаби ҳақида аҳолини хабардор қилиш учун ахборот воситаларидан кенг фойдаланмоқдалар. Республиканинг ҳар бир шаҳар ва районида «Ишга жойлаштириш хизмати» стендлари ўрнатилган бўлиб, ишга таклиф қилиш ҳақидаги эълонлар мунтазам осиб борилади. Ўн биринчи беш йиллик мобайнида 632,7 минг киши, шу жумладан уй-рўзғорда ва шахсий

ёрдамчи хўжаликларда банд бўлган қарийб 60 минг киши ва 20 мингдан зиёд пенсионер ишга жойлаштирилди. Олмалиқ, Ленинск, Самарқанд, Фарғонада, Қорақалпоғистон АССР, Бухоро областининг айрим районларида аҳолини уюштириш йўли билан ишга жойлаштириш кўлами анча ўсди. Жойларда кўпинча ишламай юрган кишиларни топиш ва уларни ишга жойлаштириш мақсадида хонадонма-хонадон юриб текшириш ўтказилмоқда.

Шу билан бирга иш билан банд бўлмаган аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш ишлари ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек олиб борилаётгани йўқ, айрим ҳолларда эса улар ҳатто камайиб кетди. Бундай аҳвол аввало республиканинг иш кучи билан юқори даражада таъминланган шаҳар ва районларда юзага келди. Масалан, ўн биринчи беш йилликда Наманган, Қарши шаҳарларида уюштириш йўли билан ишга жойлаштириш деярли 2 баравар камайиб кетди. Андижон, Чирчиқ, Ангрен, Каттақўрғонда ҳам бу иш бирмунча паст даражада ўтказила бошланди. Агар бюро мавжуд бўлган шаҳарларда аҳолини уюштириш йўли билан ишга жойлаштириш даражаси ўртача 45—50 процентни ташкил этса, Жиззах, Урганч, Советобод ва бошқа баъзи бир шаҳарларда бу кўрсаткич 30 процентдан ҳам ошмайди.

Шу муносабат билан Марғилонда ўтказилган эксперимент эътиборга ва кенг оммалаштиришга лойиқдир. Бундан мақсад уй-рўзғорда ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда банд бўлган кишиларни, жамиятга ёт текинхўрларча ҳаёт кечираётган гражданларни аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий ишлаб чиқаришга янада кўпроқ ва оператив тарзда жалб этишдир.

Шаҳар ижроия комитети қарорига мувофиқ тузилган комиссия бу экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш билан шуғулланди. Комиссия составига ички ишлар бўлими, аҳолини ишга жойлаштириш бюроси, социал таъминот, статистика, халқ маорифи, уй-жой ва коммунал хўжалик органлари, маҳалла комитетлари вакиллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари киритилди. Аҳоли ўртасида, барча меҳнат коллективларида оммавий ахборот воситалари ёрдамида экспериментнинг мақсади ва вазифалари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди. Корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлари ЖЭҚлар ва маҳалла комитетларига ишчилар, хизматчилар ва ўқувчилар рўйхатларини беришди. Бу ерда истиқомат қиладиган ва ишлайдиган кишилар рўйхатлари синчиклаб солиштириб чиқилди.

Эксперимент жараёнида 7 мингга яқин ишга жойлашмаган киши аниқланиб, ҳисобга олинди, уларнинг кўпчилиги — хотин-қизлардир. Ундан ташқари, иш билан банд бўлмаган аҳоли составида иш жойини тез-тез ўзгартирадиган шахслар, шунингдек ижтимоий-фойдали меҳнатдан бўйин товлайдиган кишилар аниқланиб, улар ички ишлар органлари томонидан ҳисобга олинди. Эксперимент тугаллангандан сўнг иш билан банд бўлмаган кишилардан 1 мингга яқини ишга жойлаштирилди. Натижада аҳолини уюштириш йўли билан ишга жойлаштириш даражаси 1,5 процент кўпайиб, 54 процентга етди, бюро орқали ишга жойлаштириш муддатлари эса 7,7 кунни ташкил этди, бу мустақил равишда ишга жойлашгандагига қараганда 5—6 кун камдир.

Ўзбекистон Компартияси МҚ ўтказилган экспериментнинг самарадорлигини ҳисобга олиб, уни бутун республика территориясига ёйишни таклиф қилди. Меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича республика комиссияси Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети ва Ўзбекистон ССР МСБ томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўлмаган шахсларни ҳисобга олиш ва ишга жойлаштиришни ташкил этиш тартиби ва уни ўтказиш шартлари тўғрисидаги Типовой низомни тасдиқлади.

Иш кучи билан юксак даражада таъминланган Ўзбекистон учун иш ўринлари билан меҳнат ресурсларининг балансланиши ғоят катта аҳамият

касб этади, чунки фақат ана шундай шароитдагина меҳнат ресурсларини иш билан банд қилишнинг энг самарали натижасига эришиш мумкин. Меҳнатни ишга солишнинг мавжуд соҳаси ҳозирча республиканинг бутун меҳнат потенциалини ижтимоий ишлаб чиқаришга тўла равишда жалб этишга имкон бермайди. Бундай ҳол Фарғона водийсидаги областлар, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё областларидаги кўпгина районлар ва шаҳарлар учун кўпроқ характерлидир. Бу ҳол яқин келажакда экономикани ривожлантиришнинг интенсив ва экстенсив омилларини моҳирлик билан қўшиб олиб бориш асосида аҳолининг иш билан бандлиги даражасини оширишни тақозо қилади.

Корхоналар ишининг сменалилик коэффициентини ошириш ҳисобига ишлаб турган кувватлардан янада тўлароқ фойдаланиш ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ўсиб бораётган бир шароитда меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини кўпайтиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу амалда жиддий қўшимча капитал маблағлар ажратмай ишчилар сонини икки баравар, айрим ҳолларда эса — уч баравар ошириш имконини беради. КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг энг муҳим шарти сифатида сменалилик коэффициентини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳозирги пайтда республикадаги саноат корхоналарининг кўпчилигида асбоб-ускуналар ва иш ўринларидан биринчи сменада бирмунча тўлароқ фойдаланилиб, иккинчи сменада улар анча кам ишлатилади. Сменалилик коэффициенти 1,36 га, шу жумладан иш кучининг катта потенциал резервлари мавжуд бўлган кичик шаҳарларда ундан ҳам камроқ — 1,28 га тенгдир.

Хом ашё базасининг чекланган имкониятлари, маҳсулотга талабнинг йўқлиги, сифатининг пастлиги ва бошқа қатор омиллар сменалилик коэффициентини пасайтириб юборади. Бироқ бу масалаларнинг давлат манфаатларидан келиб чиқиб ҳал этилиши ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига ва меҳнат потенциалидан янада тўлароқ фойдаланишга ёрдам беради. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, саноат корхоналари ишининг сменалик коэффициентини атиги 0,1 пунктга кўпайтириш қўшимча равишда ўн минглаб кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси МК корхоналар ишининг сменалилик коэффициентини оширишга капитал маблағлар ажратиш чекланган бир шароитда янги иш ўринларини яратишнинг энг мақсадга мувофиқ йўли деб қарайди. Ҳар бир корхона бўйича тегишли планни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган. Масалан, бутун машинасозлик тармоғида сменалилик коэффициенти 1,6—1,8 ни, озиқ-овқат саноатида — 1,9—2, енгил саноатда — 2,5—2,6, қурилиш материаллари саноатида — 1,9—2, умумий қурилиш министрликлари бўйича — 1,7 ни ташкил этиши лозим. Натижада ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшимча равишда 350—370 минг кишини жалб этиш мумкин бўлади.

Янги иш ўринларини яратиш мақсадида кичик ва ўртача шаҳарларда, йирик аҳоли пунктларида ишлаб турган корхоналарнинг филиаллари ва цехларини жойлаштириш практикасини давом эттириш керак. Сўнгги йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, бу кўпчилик ҳолларда мактаб битирувчилари, уй бекалари, пенсионерлар ва бошқалар ҳисобидан маҳаллий меҳнатга лаёқатли аҳолини қисқа муддат ичида ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга имконият яратади.

Филиаллар ва цехларни ташкил этиш нафақат аҳолини иш билан банд қилиш проблемасини ҳал этишга, шунингдек республикани социал ривожлантиришга ҳам ёрдам беради. Ахир бу инженерлик ва транспорт таъминоти системаларини, шунингдек инфраструктуранинг бутун бошқа элементларини қуриш ва кенгайтириш билан, туб аҳоли ҳисобидан индустриал касблар бўйича малакали кадрларни тайёрлашни ташкил этиш

билан боғлиқ бўлиб, бу нарса бизнинг республикамиз учун муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун кичик ва ўртача шаҳарларда, йирик аҳоли пунктларида ўз корхоналари филиалларини ташкил этаётган министрликлар ва идоралар учун имтиёзлар берилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир, чунки бундай ишлаб чиқарншларнинг очилиши дастлабки пайтларда кўпинча бутун министрлик ёки идора бўйича меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бошқа кўрсаткичларининг ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

Қолхозлар ва совхозларда парник ва теплица хўжаликлари, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар кенг тарқалиши керак. Улар меҳнат мавсумлилигининг объектив шароитларини муайян даражада енгиллаштиришга ва бўш ишчи қўллардан фойдаланишга имконият яратади. Ҳозирги пайтда уларда барча совхоз ходимларининг атиги 3 проценти ва колхозчиларнинг 1,5 проценти меҳнат қилади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш республикамизнинг демографик хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади. Ўзбекистонда ҳар йили ярим миллиондан зиёд бола туғилади, 40 процент аёлларнинг бу тўртинчи ёки бешинчи фарзандидир. Агар мамлакатдаги жами кўп болали аёлларнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғи республикамизда яшаши ҳисобга олинадиган бўлса, унда бу ерда аёлларнинг иш билан бандлиги даражасининг нисбатан пастлигининг бош сабабларидан бири кўп болалилик эканлиги маълум бўлади. Бинобарин, проблеманинг ҳал этилиши аввало хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга янада кенгроқ жалб этиш билан боғлиқ. Бу оналик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан социал-иқтисодий тадбирлар комплексини амалга оширишни талаб этади. Хотин-қизларнинг иш билан бандлиги даражасининг оширилиши умумий овқатланиш тармоқларини, хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш билан қўшиб олиб борилиши лозим.

Айниқса мактабгача тарбия муассасалари қурилишини жадаллаштириш зарур. Ҳозир уларда ҳар 100 ўринга 107, шаҳарларда эса — 112 бола тўғри келади. Биринчи синфга болалар боғчасидан келадиган болаларнинг улуши Ўзбекистонда мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичга қараганда 2 баравар, Болтиқбўйи республикаларидагига нисбатан эса қарийб 3 баравар кам. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда, Ўзбекистон ССРда 19—49 ёшдаги 1000 аёлни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш учун мактабгача тарбия муассасаларида 750 га яқин ўрин яратиш лозим бўлади, бу мамлакат бўйича талаб қилинадиганига нисбатан 2 марта кўпдир.

Аҳолининг мактабгача тарбия муассасаларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун ана шу мақсадларга ажратилаётган капитал маблағларни тўла-тўкис ўзлаштириш керак. Бундай муассасаларни қуриш учун корхоналар ва ташкилотларнинг кооперациялаштирилиши имкониятларидан ҳам кенгроқ фойдаланиш лозим.

Ўзбекистон ССР шароитида касаначиликнинг ривожлантирилиши ва қамайтирилган иш куни ёки ҳафтаси билан ишлаш кишиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этишнинг энг самарали формаларидан. Бу формаларнинг иқтисодий ва социал самарадорлиги шубҳасиз. Қасаначилик янги иш ўринлари яратиш учун йўналтириладиган капитал маблағларнинг катта қисмини тежаш имконини беради ва айни пайтда кўпгина болали аёлларга, шунингдек ишлашни хоҳлайдиган меҳнатга лаёқатли пенсионерлар ва инвалидларга ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиш учун имконият яратади.

Ҳозирги пайтда республикада 18 минг киши меҳнатнинг касаначилик формаси билан қамраб олинган. Бунда касаначиликдан асосан маҳаллий саноатда ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида фойдаланилмоқда, айни пайтда бошқа республикаларда меҳнатнинг бу формаси енгил саноатда ва

саноатнинг бошқа тармоқларида, қишлоқ хўжалигида муваффақиятли ривожланяпти. Ўзбекистонда камайтирилган иш куни тартибини ташкил этиш ҳам яхши оммавийлашмаган.

Ҳолбуки республикада меҳнатнинг касаначилик формасини ривожлантириш учун ҳамма шароитлар бор: маҳаллий, шу жумладан ўсимликдан олинган хом ашёларнинг катта запаслари, ишлаб чиқариш чиқитлари, аҳолининг малакаси, анъанавий маҳсулотларга талаблар.

Масалан, касаначилар чопонлар, қавилган кўрпалар, махсилар, тўқилган саватлар, сопол буюмлар, гиламлар, зардўзи кашталар, хотин-қизларнинг миллий зеб-зийнатларини кўнгилдагидек қилиб тайёрлашлари мумкин.

Шуни қайд қилиш лозимки, кўпгина корхоналар (маҳаллий саноатдан ташқари) раҳбарлари хотин-қизларни касаначиликка ва камайтирилган иш куни ёки ҳафтаси шароитида ишлашга жалб этиш борасида керагича ташаббус кўрсатмаяптилар. Чунки бу меҳнатни янада пухтароқ ташкил этишни, кўп болали аёллар, пенсионерлар, меҳнат қилишнинг имтиёзли тартибига эга инвалидлар меҳнатидан фойдаланиш мумкин бўлган ишлаб чиқариш турлари, участкалар, касбларни белгилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ўтказишни, махсус бригадалар, қисқартирилган сменалар ташкил этишни ва ҳоказоларни талаб қилади. Шу билан бир қаторда корхонанинг ўзи бартараф қилиши қийин бўлган муайян тўсиқлар — технологик асбоб-ускуналар, хом ашё, автотранспортнинг етишмаслиги ҳам касаначиликнинг ривожланишига халақит беради.

Қасаначилар сонини ўн иккинчи беш йиллик охирига бориб 45 минг кишига етказиш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда министрликлар ва бошқа органлар касаначилар меҳнатини ташкил этиш учун зарур бўлган хом ашё, материаллар ва тегишли асбоб-ускуналар, транспорт воситаларини ажратиш масаласини ҳал этишда ўз позицияларини қайта кўриб чиқишлари керак.

Меҳнат кучи юксак даражада бўлган Ўзбекистон шароитида жамоатчилик чақириғи, ишчиларни уюштириш йўли билан тўплаш ва қишлоқ хўжалигидаги бошқа жойга кўчириш сингари меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш формаларининг роли ошиб бормоқда. Бундай формаларнинг объектив зарурлиги республика территориясида аҳоли жойлашувининг нотекислиги, шунингдек мамлакат бошқа районларидаги табиий ресурсларни ўзлаштиришда Ўзбекистон ССР меҳнат потенциали иштирокининг ўсиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Бу фақат иқтисодий вазифаларни ҳал этишга эмас, шунингдек чинакам ўртоқлик, ўзаро ёрдам руҳини тарбиялашга, интернационал дўстликни мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради.

Ҳар йили ўн минглаб кишилар республика ва мамлакатдаги корхоналар, қурилишлар, хўжаликларга ишга юборилади. Уларнинг бир қисми бу жойларда муқим ишлаб қолади, бир қисми эса, яна қайтиб келади. Меҳнат ресурсларини уюштириш йўли билан қайта тақсимлаш кўламини бундан кейин ҳам кенгайтира бориш лозим.

Бу кўп жиҳатдан корхоналар ва қурилишларнинг иш кучига бўлган эҳтиёжи ҳақидаги ахборотнинг кўлами ва сифатига боғлиқ. Ахборотни аҳоли ўртасида кенг ёйиш, уни ўз вақтида янгилаб туриш ва бунинг учун маҳаллий матбуот, телевидение, радио ва бошқа воситалардан тўлароқ фойдаланиш зарур.

Қишлоқ хўжалигидаги кўчириш меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлаш даражасини оширишда катта аҳамиятга эга. У Ўзбекистон учун ғоят актуал бўлган икки проблемани ҳал этишга ёрдам беради: бир томондан, кўчириш қўриқ хўжаликлардаги иш кучига бўлган танқисликни енгиллаштириш имконини беради, бошқа томондан эса — энг муҳими — кўчувчилар илгари яшаётган жойлардаги меҳнат кучининг ғоят ортиқчалигини камайтиради.

Меҳнат ресурсларини уюштириш йўли билан қайта тақсимлашнинг бундай формаси мавжудлигининг объектив зарурияти республикамиз спецификасидан келиб чиқади. Аҳолининг ва меҳнат ресурсларининг аксарият қисми суғориладиган деҳқончилик районларида жойлашган. Айни пайтда Ўзбекистоннинг жанубий-ғарбий томони, Амударё этаклари ва Жиззах чўлининг катта қисмини ишғол этган чўл ва ярим чўл ерлардаги жуда катта майдонда аҳоли яшайдиган жойлар ғоят камчиликни ташкил қилади. Шу ва бошқа қатор районларда ҳозир ерларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ҳозирнинг ўзидаёқ кўчириш бўйича муайян тажриба тўпланган. Фақат ўн биринчи беш йилликда областлар ичида қайта тақсимлаш бўйича 19893 оила қўриқ хўжаликларга кўчирилди ёки бу борадаги беш йиллик план 104,8 процент қилиб бажарилди. Қорақалпоғистон АССР, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё областларининг қўриқ районларига оилаларни кўчириш топшириғи ошириб бажарилди.

Ўн иккинчи беш йилликда Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона областлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги эски суғориладиган зонадан ва тоғ қишлоқларидан катта миқёслардаги кўчиришни амалга ошириш, шунингдек Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд областларидан Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё областларига 7000 оилани кўчириш мўлжалланмоқда.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, хўжаликларнинг кўпгина раҳбарлари халқ депутатлари Советларининг ижрокомлари ва меҳнат бўйича органлар ходимларининг доимий назорати остида проблеманинг ғоят муҳимлигини тушунган ҳолда оилаларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолишига ёрдам берадиган чора-тадбирларни ишга солмоқдалар. Шу билан бирга айрим хўжаликларда кўчиб келувчиларни қабул қилиб олишга ёмон тайёрланадилар, уларни тураржой билан ўз вақтида таъминламасдан, зарур хўжалик-маиший шарт-шароитларни яратиб бермайдилар. Кўпинча янги келган оилаларни бошқа оилалар ёнига кўшиб қўядилар ёки сув, электр энергияси, уйни иситиш учун ёқилғиси йўқ, яқинида магазинлар, мактаб бўлмаган тайёрланмаган уйларга жойлаштирадилар ва ҳоказо. Натижада 1985 йилда оилаларни областлараро кўчириш бўйича топшириқ 98 процент қилиб бажарилди ва кўчиб келганларнинг бир қисми қайтиб кетдилар. Бу нарса давлатга катта иқтисодий зарар етказади ва кўчириш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишни секинлаштиради. Бу йил тураржойларнинг тайёрланмаганлиги сабабли кўчиришни баҳорги дала ишлари бошлангунига қадар, яъни ишчи кадрларга ўткир эҳтиёж юзага келган пайтгача таъминлашнинг иложи бўлмади. Шунинг учун кўчиб келувчилар учун янги қулай тураржойлар, социал ва маданий-маиший объектларни қуриш юзасидан шошилинч чоралар кўрилиши лозим.

Кишиларни иш билан банд қилиш даражасини оширишнинг юқорида кўрсатилган тадбирларини амалга ошириш меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш жараёнига ижобий таъсир ўтказиши шубҳасиздир. Яқин йиллар ичидаёқ Ўзбекистоннинг тез ўсиб бораётган меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш учун бу соҳадаги ишларни актив равишда қайта қуриш лозим бўлади.

ТОШКЕНТНИНГ БОШ ПЛАНИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШДАГИ МУҲИМ МАСАЛАЛАР

М. ЛИФАНОВСКАЯ,
Тошкент бош план илмий-тадкикот ва лойиҳалаш институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, архитектура кандидати

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ моддий ва маънавий бой, социал жиҳатдан тўлақонли турмушини таъминлаш юзасидан КПСС XXVII съезди белгилаб берган вазифани шаҳар қурилиши ва архитектура воситалари билан ҳам ҳал этиш назарда тутилади. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида таъкидланганидек, шаҳарлар ва қишлоқлар «ишлаб чиқариш зоналари, тураржой районлари, ижтимоий, маданий ва ўқув-тарбия муассасалари шохобчалари, савдо ва маиший корхоналар, спорт иншоотлари, жамоат транспортининг оқилона ташкил этилган комплексларидан иборат бўлиб, кишиларнинг меҳнат қилиши, яшаши ва дам олиши учун энг яхши шароитларни таъминлаб бермоғи лозим».

Санъатнинг энг оммавий турларидан бири бўлган архитектуранинг идеологик роли тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. У фақат бадиий дидни шакллантирибгина қолмасдан, шунингдек аҳолининг кенг қатламларида ғоявий эътиқодни, ҳаётга муносабатни, социал активликни ҳам тарбиялайди. Ана шу функцияларни амалга оширишда мамлакатимизнинг энг йирик шаҳарлари, жумладан Совет Ўзбекистони пойтахти, республиканинг сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий маркази бўлган Тошкент алоҳида ўрин тутади.

Республиканинг ҳамда Ўрта Осиё регионининг ишлаб чиқариш-иқтисодий ва социал соҳаларига Тошкент кўрсатаётган хилма-хил таъсир шаҳарнинг узоқ муддат давомида ривожланишини прогнозлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун Тошкент ва унинг билан боғлиқ бир группа аҳоли пунктлари — Тошкент агломерацияси территориал планлаштиришнинг энг мураккаб объекти ҳисобланади. Унинг ривожланишини бошқариш даражасини ўзига хос социал ва демографик проблемаларнинг ҳал этилиш характери олдиндан белгилаб беради. Мамлакатимизнинг бошқа йирик шаҳарларидагига нисбатан аҳоли табиий ўсишининг анча юқорилиги, сув ресурсларининг чегараланганлиги, шаҳар атрофидаги суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги учун ниҳоятда қимматли эканлиги, юксак сейсмик зонада жойлашганлиги, табиий муҳитнинг ночор аҳволи, шаҳар социал ва инженерлик инфраструктурасининг аҳолининг эҳтиёжларидан кескин орқада қолаётганлиги сингари ноқулай шарт-шароитларнинг мавжудлиги ана шундай проблемалар жумласидандир.

Шаҳар ривожланиши етарлича омилкорлик билан йўлга солиб борилмаганлиги, унинг бош плани бузилиб туриши, шаҳардаги ва шаҳар атрофидаги ерлардан назоратсиз фойдаланаверилганлиги натижасида санаб ўтилган факторлар Тошкентнинг бугунги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ проблемаларнинг кескинлашишига олиб келди. Республика-

нинг демографик, социал-иқтисодий, экологик-шаҳар қурилиши ривожланишини, аҳолини область, Тошкент агломерацияси доирасида ва шаҳарнинг ўзида жойлаштириш билан боғлиқ бўлган комплекс прогнозлаш негизидагина бу масалаларни ечишнинг самарали стратегияси ишлаб чиқилиши мумкин.

Шу муносабат билан 1979 йилда 2010 йилгача ишлаб чиқилган Тошкент бош планининг техникавий-иқтисодий асосларига оид юзага келган вазият жуда характерлидир. СССР Госпланининг давлат экспертизаси уни қараб чиқиш пайтида аҳоли сони жиҳатдан шаҳар ривожланишига реалистик прогноз берилганлигини, территориал жойлаштириш жиҳатидан тўғри принциплар қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтган эди. Бироқ прогнозлашнинг кўпгина кўрсаткичлари, жумладан ёқилғи-энергетика ва сув ресурслари, социал инфраструктура муассасалари ва инженерлик-транспорт коммуникациялари, дам олиш зоналари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларига оид кўрсаткичлар регион ва республиканинг истиқболдаги ривожланишини акс эттирувчи тегишли прогноз кўрсаткичлари билан мустаҳкамланмаганлиги ҳисобга олиниб 1990 йил билан кифояланиш тавсия этилган эди.

Шаҳар муҳитининг бош планда кўрсатилган параметрларини таъминлаш саноатни (энг аввало қурилиш индустриясини) ва социал инфраструктурани сон ва сифат жиҳатдан ривожлантиришга анчагина куч-ғайрат сарфлашни, шунингдек территорияларни албатта тартибга солишни ҳамда улардан самарали фойдаланишни талаб қилди. Планлаштирилаётган кўрсаткичлар ва уларга эришиш усуллари реал деб эътироф этилган ва эслатиб ўтилган бош план аъло сифат билан қабул қилинган бўлса ҳам уни амалга оширишнинг энг муҳим шартлари — тегишли топшириқларни тармоқларнинг беш йиллик ва жорий планларига киритиш масаласи шаҳар контрол органларининг ҳам, республика Госпланининг ҳам эътиборидан четда қолди. Бунинг оқибатида Тошкентда уй-жой қурилиши ҳажми ва структураси унинг доимий ўсиб бораётган аҳолиси эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда эмас, балки қурилиш базасининг имкониятларидан келиб чиқиб белгиланадиган бўлди; қурилишлар учун майдон бош план асосида ва комплекс самарадорликни ҳисобга олиб эмас, балки кўп ҳолларда конъюнктура нуқтаи назаридан келиб чиқиб ажратиларди. Дам олиш зоналари учун мўлжаллаб қўйилган территориялар экстенсив равишда ривожланаётган ишлаб чиқаришга берилаверди.

Тошкентнинг бош плани нима ўзи?— деган савол туғилади. У стихияли ривожланишни қайд этадиган ҳужжатми ёки маълум мақсадларга эришишга сафарбар этувчи ҳужжатми? Агар биринчиси бўладиган бўлса, у ҳолда биз ҳамиша давр талабидан ортда қолаверишимиз аниқ. Бордию иккинчиси бўлса, унда биз шаҳар ривожланишини бошқариш системасида тезда қайта қуришни амалга оширишимиз лозим.

Бизнинг фикримизча, энг аввало шаҳар қурилиши программасини камида икки йил илгари тасдиқлаб, шу давр давомида зарур бўлган тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш лозим. Навбатдаги беш йиллик бошида бундай қилиш эса тасдиқланаётган кўрсаткичлар юзага келган шароитнигина акс эттиришини билдиради ва одатда улар мўлжалдаги мақсадлардан анча орқада қолган бўлади.

Шаҳар қурилиши программалари (районни планлаштириш схемаси, 20—25 йилга мўлжалланган бош план, 5 йиллик қурилиш плани) министрликлар ва идораларга бериладиган буюртмалар орқали амалга оширилиши керакки, шаҳар қурилиши системасининг социал талабларини бажариш учун зарур бўлган қайта қуришларни ана шу министрликлар ва идораларнинг планларига ўз вақтида киритиш лозим бўлади. Бу ишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети, шаҳар план комиссияси, шаҳарнинг бош архитектори, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг архитектура планлаштириш Бош бошқармасининг шаҳар қурилиш совети асосий роль ўйнайди, улар бош планнинг бирор мақсадга қаратилган

асосий кўрсатмалари амалга оширилишини координация қилишга даъват этилган.

Шаҳар қурилиши ечимларини баҳолаш юқорида санаб ўтилган органларнинг компетентлигига, уларнинг шаҳарни ривожлантиришнинг асосий мақсадларини тушунишларига боғлиқдир. Бироқ республика пойтахтини ривожлантиришни тартибга солиб турувчи ягона комплекс ҳужжат бўлган бош план билан уларнинг ҳаммаси ҳам ҳатто таниш эмасликларини практика кўрсатиб турибди. Натижада кўпинча объектив мезонларга эмас, балки айрим мансабдор кишиларнинг шахсий тасаввурларига асосланиб, ўзбошимча қарорлар қабул қилинади. Бундай аҳвол ҳозиргача сақланиб қолаётир, чунки Тошкентни ривожлантириш проблемалари ва мавжуд салбий тенденцияларни бартараф этиш йўллари тўғрисида чинакамига профессионал суҳбат ҳали ҳам бўлгани йўқ.

Шаҳарнинг 1990 йилгача тузилган бош плани амалга оширилишининг таҳлили хўжалик юритишнинг мавжуд методлари — ҳамон асосан ўша экстенсив йўл билан норматив социал-иқтисодий кўрсаткичларга ва кишиларнинг турмуш фаолияти шароитларини яхшилашга эришиб бўлмаслигини кўрсатиб турибди. Аҳолини тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятлари, дам олиш эҳтиёжларини қондириш юзасидан Тошкент воҳасининг демографик сиғими аллақачон 1,5—2 баравар ошиб кетган. Сув ресурсларининг чегараланганлиги, атроф муҳитнинг ифлосланиши, экологик мувозанатнинг бузилиши проблемалари тобора кескин бўлиб турибди.

Территориянинг демографик сиғими — бу шу территорияда жойлашиши мумкин бўлган аҳолининг максимал сони бўлиб, уларнинг кундалик эҳтиёжларини экологик мувозанатга путур етказмаган ҳолда маҳаллий ресурслар ҳисобига қондириш лозим бўлади. Бу муайян бир регионда тартибга солинмайдиган ривожланишининг салбий оқибатларидан огоҳ қилувчи чегарадир. Шу чегарадан чиқиб кетилган территорияларда яшаш учун нормал шарт-шароитларни таъминлаш хўжалик юритишни фан-техника тараққиётини жадаллаштириш томон қайта йўналтиришни талаб қилади. Бу жиҳатдан энергетика комплекси бирламчи тармоқлар ҳисобланади, чунки энергия билан қуролланганлик фан-техника ютуқларини практикага актив жорий этишнинг муҳим факторларидандир, қурилиш индустрияси эса шаҳарни ривожлантириш планларини амалга ошириш воситасидир.

Тошкент шаҳри ва пойтахт области қурилиш комплексининг қувватларини ошириш аллақачон пишиб етилган ҳаётий эҳтиёж ҳисобланади. Унинг талаб қилинаётган қурилиш ҳажмидан орқада қолаётганлиги қурилишнинг қониқарсиз сифати шароитида Ўзбекистон пойтахти олдида турган муҳим вазифаларнинг бажарилишига халақит беряпти. Бугунги кунда пойтахт қурилиш комплексининг қура олиш қобилиятини сифат жиҳатидан янги негизда бир неча баравар ошириш ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига нисбатан унинг илдамроқ ривожланишини таъминлаш зарур. Тошкент агломерациясида қурилиш ҳажми, уй-жой фонди структураси, инженерлик-техникавий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳамда ободонлаштиришга доир кўрсаткичларнинг миқдор ва сифат даражасига ҳам уй-жой-граждан қурилиши, жумладан инженерлик-техникавий объектлар учун заводда тайёрланадиган буюмларни унификация қилмасдан, қурилиш ишлаб чиқариши бўлинмаларини ихтисослаштирмасдан туриб эришиб бўлмайди, бу меҳнат унумдорлигини 15—20 процент ошириш ва бу тармоққа фан-техника ютуқларини тезроқ жорий этиш, бинобарин, қўл меҳнати ҳиссасини камайтириб, механизациялаш, автоматлаштириш даражасини ошириш, айрим процессларни роботлаштиришни амалга ошириш имконини беради.

Фикримизча, бу масалаларни ҳал этишга, шубҳасиз, КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакат қурилиш комплексини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори жуда қулай

шарт-шароит яратиб беради. «Фан — лойиҳалаш — ишлаб чиқариш» системасини тартибга солиш зарур. Такрорлашларни, қарама-қаршиликларни, «қоғоздагина лойиҳалаштириш»ларни тугатиш учун ягона лойиҳалаш-ишлаб чиқариш қурилиш бирлашмасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз, бу бирлашма Тошкентда объектларни лойиҳалаштиришдан тортиб то уларни фойдаланишга топширишгача бўлган ишларнинг бутун циклини амалга оширарди.

Илмий, лойиҳалаш, қурилиш ташкилотларининг фаолият майдонини группаларга ажратиладиган асосий масалаларга биноан табақалаштириб чиқиш лозим. Масалан, пойтахт ва областнинг конкрет шароитларида қурилишнинг ҳажми, структураси ва территория жиҳатдан ташкил этилишини белгилаган ҳолда мўлжалдаги муддатнинг барча босқичларида уй-жой-граждан қурилиши олиб бориш стратегияси Тошкентдаги бош план илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти (ТАШНИИПИГЕНПЛАН), лойиҳалашнинг методологик ва типологик асосларини (норматив база, номенклатура, технологик схемалар, нормаллар, конструктив схемалар) ишлаб чиқишни Тошкент экспериментал лойиҳалаш илмий-тадқиқот зонал институти, қурилиш базасини ривожлантириш ва уни реконструкциялаш лойиҳаларини техникавий-иқтисодий жиҳатдан асослашни Қурилиш материаллари илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти зиммасига юклаш мумкин бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек лойиҳалаш ва қурилишни лойиҳалаш-ишлаб чиқариш бирлашмасига бириктирган маъқул, уни Главташкентстрой ва шаҳарни лойиҳалаш Тошкент давлат институти (Ташгипрогор) базасида барпо этиш мумкин. Тошкентда уй-жой-граждан қурилиши учун унификация қилинган буюмларни индустриал равишда тайёрлаш ягона каталогини ишлаб чиқиш, шаҳар қурилиши комплексларини лойиҳалаш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш, территорияни инженерлик жиҳатидан тайёрлаш, қурилиш монтажи, пардозлаш, ободонлаштириш ишлари унинг ихтиёрида бўлиши керак.

Партия материал ресурсларидан фойдаланиш масалаларига нақадар жиддий эътибор бераётганлиги маълум. Тошкент шароитида утиллаштириш комплекси чиқиндиларидан, жумладан бинолар ва иншоотларнинг утилга чиқарилган амортизация элементларидан хом ашё сифатида фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мутахассислар фикрига қараганда, энергетика, утилга чиқариш ва қишлоқ хўжалик комплексларини ўз ичига оладиган тармоқлараро системани бунёдга келтириш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг, атроф муҳитни муҳофаза қилиш проблемаларини ҳал этиш ва ресурсларни қайта тиклашнинг асосий бўғинларидан биридир. Бу ўринда энергетика қурилмаларига қўшимча қилиб ёқилғини қайта ишловчи (пиролиз), ҳавони ажратувчи (криоген), компрессор қурилмалар бунёд этиш биринчи босқичдаги ишдирки, бу ифлос элементларнинг атмосферага чиқариб юборилишига чек қўйиш, энергетика комплексларининг фойдали иш коэффициентини ҳозирги 40 процентдан 80 процентгача етказиш ва полимерлар учун хом ашё олиш имконини беради. Юзага келган марказлашган иссиқлик таъминоти системасини паст ҳароратдаги иссиқликни энергиянинг стандарт турларига утилизация қилиш тармоқ энергия қурилмалари билан тўлдириб ускуналаш негизида гелиоэнергетика комплексини ривожлантириш шаҳарда иссиқлик билан таъминлашда етишмовчиликларни бартараф қилиб, уни тўлдирадиган энергия ресурсларига ўтишга ёрдам беради.

Утилизация қилиш комплекси, органик чиқиндиларни энергетика комплекси қурилмаларида қайта ишлашни қўшиб ҳисоблаганда, ахлат ташланадиган жойларни тугатиб, улар эгаллаб турган 10 минг гектардан кўпроқ қимматли ер майдонини бўшатиш, энергетика, химия, қурилиш индустрияси учун хом ашё олиш, ўрни копланмайдиган қазилма ёқилғи турларини истеъмол қилишни қисқартириш, ҳаво муҳити ифлосланишини,

жумладан ёз ойларида сув иситиш учун газ ёқишни тўхтатиш ҳисобига ифлосланишни камайтириш имконини беради.

Ишлаб чиқаришда ресурслардан ва капитал маблағлардан янада самарали фойдаланиш ноишлаб чиқариш соҳасида улар ҳиссасини кўпайтиришга ёрдам берадики, бу соҳа аҳолининг такрор ўсиб туриши ва меҳнат ресурслари сифатининг яхшиланиши учун база бўлади. Бинобарин бу социал ва инженерлик инфраструктурасининг илдам суръатлар билан ўсишининг бирдан-бир йўлидир.

Шаҳар билан область ўзаро боғлиқ равишда ривожланиши ва яшашини бошқариш механизмини такомиллаштириш энг муҳим проблемалар сирасига киради, чунки бош план айни уларнинг территориал манфаатлари тўқнашган жойда қўпол равишда бузилади. Шаҳарнинг нормал ҳаёти учун ниҳоятда муҳим бўлган бу территория асосан шаҳар атрофида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун, қисқа муддатли истироҳат учун фойдаланилиши, микроиқлим, эстетик функцияларни бажариши керак. Бироқ бош планга хилоф равишда бу ерда 100 дан кўпроқ саноат корхонаси, омборхоналар, базалар жойлаштирилган ва воҳанинг ландшафт структураси жиддий равишда бузилишларига йўл қўйилмоқда.

Ҳар бир шаҳар ўзи билан доимий алоқада бўлган ва ўзи сезиларли таъсир кўрсатиб келаётган табиий комплекснинг ажралмас қисми сифатида фаолият кўрсатади. Шу муносабат билан Тошкентни ва пойтахт областини ривожлантириш стратегиясини шакллантириш пайтида арид (суғориладиган экинзор) территориялар экологик мувозанатни сақлаб туриш учун алоҳида контролга муҳтождир. Экологик мувозонат деганда табиий муҳитнинг шундай аҳволи тушуниладики, унда шу муҳитнинг асосий компонентлари — атмосфера ҳавоси, сув ресурслари, тупроқ-ўсимлик қатлами, ҳайвонот дунёсининг ўз-ўзини бошқариб туриши, етарлича муҳофаза қилиниши ва такрор ҳосил бўлиши таъминланади.

Тошкент воҳаси Ўрта Осиёдаги энг йирик агломерация ривож топаётган ва шаҳар билан унинг атрофи ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳаддига етган ноёб объект ҳисобланади. Бугунги кунда бу ерда асосий куч-ғайрат биринчи навбатда яшил-сув артерияларини сақлаб қолиш, қайта тиклаш ва бойитишга йўналтирилиши керак. Гап шундаки, экстенсив хўжалик юритишнинг кўп йиллик практикаси, дарёлар ва каналлар ўзани бўйлаб ястаниб ётган ерлар қурилишларга ажратилавериши шароитида рекреацион (дам олишга мўлжалланган) территориялар яратишнинг мумкин бўлган шарт-шароитларини йўққа чиқаради, воҳанинг ландшафт хусусиятлари барбод бўлишига олиб келади.

Ваҳоланки, шаҳарни план асосида йўлга қўйишда ландшафт хусусиятлари Тошкентнинг барча бош планларида асосий роль ўйнаган. Воҳанинг дарёлари ва каналларига асосланиб лойиҳада шаҳар учун жуда муҳим бўлган яшил-сув артериялари вужудга келтирилдики, улар рекреацион, микроиқлим, эстетик функцияларни бажаришлари лозим эди. Шунга биноан Тошкентнинг дастлабки (1939 йил) ва шундан кейинги барча бош планларининг функционал ва композицион ечимлари шаҳар территориясида ва шаҳар атрофидаги зонада кўкаламзорлаштириш, сув шохобчалари билан таъминлаш, ландшафтни қайта тиклаш ва бойитиш тадбирларининг ишлаб чиқилган техникавий асосларига таянган эди. Бироқ бу планларнинг амалга оширилишидан самара жуда кам.

Чирчиқ шаҳрида химия индустрияси жойлаштирилганлиги ва сўнгра унинг Чирчиқ дарёси бўйлаб ривожлана борганлиги Тошкент воҳасида жуда оддий экологик принципларнинг ҳам биринчи бор қўпол бузилиши эди. Бу ерда ҳозир ҳам саноат корхоналари, омборхоналар, базаларнинг тартибсиз равишда қурилаётганлиги, Наримонов шаҳрининг бунёд этилиши натижасида дарёдан дам олиш учун фойдаланиш мумкин бўлмай қолди, Тошкент воҳасининг аэрацион режими анча ёмонлашди, унга хос бўлган ландшафт хусусиятлари изсиз йўқолиб кетди.

Воҳа территориясидан тартибсиз равишда фойдаланиш давом этаётганлигидан ташвишга тушмаслик мумкин эмас. Қурилиш практикасининг таҳлили шуни кўрсатадики, комплекс планлаштириш-лойиҳалаш ҳужжатларида ишлаб чиқилган ва тегишли органлар томонидан тасдиқланган воҳани территориал йўлга солиш концепцияси амалда рўёбга чиқарилмаяпти. Кўпинча стихиялик, илмий асосланган планлаштиришдан йироқ бўлган ҳар хил жузъий сабаблар инобатга ўтяптики, натижада шаҳар атрофида боғлар ва ўрмонзор парклар эмас, балки омборхоналар, базалар, ахлат уюмлари, саноат корхоналари қад кўтаряпти.

Территория, сув ресурслари танқислиги ва амалда қулай дам олиш ресурслари йўқлиги шароитида бундан буён ҳам системасиз хўжалик юритилаверишига йўл қўйиб бўлмайди. Энг муҳими, шаҳар ва унинг базасида вужудга келган агломерация тўғрисида яхлит, мураккаб, динамик, бошқариладиган социал-иқтисодий ва экологик шаҳар қурилиши системаси ҳамда айни бир пайтда республика ҳамда регион халқ хўжалигининг энг муҳим элементи сифатида тасаввурга эга бўлиш керак.

Мамлакатимизда аҳолини жойлаштиришни такомиллаштириш концепциясини ҳисобга олган ҳолда Тошкент ва Тошкент областини ривожлантиришнинг қуйидаги принципиал йўналишлари юзага келмоқда:

— Тошкент агломерацияси территориясига (Тошкент ҳамда Чирчиқ, Янгийўл, Наримонов, Келес, Қибрай шаҳарлари) қатъий тартибга солиб туриладиган ривожланиш зонаси сифатида муносабатда бўлиш, Тошкент областининг ташқи минтақасидаги шаҳарлар (Чиноз, Бўка ва бошқалар) ва республика ҳамда Ўрта Осиё территориясидаги аҳоли жойлашган бошқа системалар ўсишини рағбатлантириш ҳисобига унинг аҳолисининг кўпайиш суръатларини камайтириш;

— табиий ландшафт хусусиятларини ҳисобга олиб область территориясини ягона функционал асосда зоналаштириш; шаҳар қурилишида фойдаланишнинг турли режимига эга бўлган зоналарни аниқ ажратиш йўли билан территорияларнинг самарали йўлга қўйилишини юксалтириш, жумладан қишлоқ хўжалик ерларини бутун чоралар билан сақлаб қолиш, мавжуд сув йўллари (табиий каркас) базасида дам олиш зоналари системасини барпо қилиш ҳамда энг интенсив ижтимоий жараёнлар, функциялар ғоят тиғиз жамулжам бўлган, бинобарин, майдонидан энг интенсив фойдаланиладиган (кўп даражалилик, функцияларни қўшиб олиб бориш, қурилишлар, коммуникациялар тиғизлигининг юксаклиги) зона сифатида урбанизациялашган каркасни бир мақсадни кўзлаб шакллантириш;

— бир мақсадга ажратилган бюджет воситалари асосида қайта тикланувчи ресурсларга ўтишни таъминловчи транспорт ва инженерлик инфраструктурасини жадал ривожлантириш.

Экологик вазиятни яхшилаш ва табиатдан рационал фойдаланиш учун меҳнат, территориал, сув ҳамда энергетика ресурсларидан самарали, ўзаро боғлаб фойдаланишнинг ягона программасини ҳам ишлаб чиқиш лозим.

Тўлақонли шаҳар муҳитини шакллантириш учун зарур социал-иқтисодий ва технологик шарт-шароитлар комплексини амалга ошириш, Тошкент ва пойтахт область ривожланишини бошқариш системасини такомиллаштиришни талаб қилади. Жумладан, шаҳар ва область манфаатларини мувофиқлаштириб бориш проблемаси аллақачон пишиб етилган. Фикримизча, пойтахт шаҳар Совети Тошкент системасидаги аҳоли жойлари системасининг бутун территорияси учун муштарак бўлган масалаларни оператив ҳал этишда мувофиқлаштириб турувчи орган вазифасини бажариши ва лойиҳа ҳужжатларида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини контрол қилиб бориши керак. Агломерацияларнинг марказлари бўлган шаҳарлар ва уларга яқин аҳоли жойларининг территориал ўсиши шароитида иҳота дарахтзорларидан фойдаланишни

қатъий назорат қилиб бориш (унинг энг қимматли участкаларини шаҳар чегарасига қўшиб олиш, шаҳар атрофидаги аҳоли жойларини шаҳарни бошқариш органига бўйсундириш, еридан фойдаланишда алоҳида режимга эга бўлган зоналарни ажратиш ва ҳоказолар) зарурати туғилади.

Шаҳар ва область ижроия комитетларига аҳолини жойлаштиришнинг Тошкент системасини шакллантиришга қаратилган тармоқ планларини мувофиқлаштириб туриш, Тошкентнинг ривожланишини тартибга солиб бориш вазифасини юклаш мақсадга мувофиқдир. Шуни назарда тутиш керакки, халқ хўжалик комплексини оптималлаштириш, атроф муҳитни яхшилаш, ресурслардан рационал фойдаланиш, шаҳарларни, энг аввало Чирчиқ ва Наримонов шаҳарларини ривожлантириш проблемаларини Тошкент ва умуман пойтахт область проблемаларини ҳисобга олган ҳолдагина ҳал этиш мумкин.

ТАШНИИПИГЕНПЛАН коллективи Тошкентнинг янги муддатга — 1991 йилдан 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош планини ишлаб чиқишга киришди. Лойиҳанинг биринчи босқичи бўлган техникавий-иқтисодий асослашларда Тошкент ва пойтахт областини ривожлантириш стратегиясини белгилаш лозим, бу стратегия республика ва регион социал-иқтисодий тараққиётининг истиқболларини ҳисобга олган бўлиши, тармоқ министрликлари планларини ягона мақсадни кўзловчи программага боғлаши лозим.

Бу стратегия қуйидагиларни назарда тутиши керак:

— барча территориал даражаларда (мамлакат, республика, область) Тошкентнинг ривожланишини тартибга солиб туриш лозим, бу аҳолининг ўсиш суръатларини пасайтиришга ва айни бир пайтда шаҳарнинг ўзига хос специфик функцияларга (бошқаришнинг юқори даражалари, илмий-ишлаб чиқариш комплексларининг етакчи бўғинлари, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, хизмат кўрсатишнинг ноёб формалари) эга бўлган пойтахт сифатидаги роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган бўлиши керак;

— фан-техника тараққиётини жадаллаштириш негизида шаҳар турмуш фаолиятининг барча соҳаларини интенсивлаштириш лозим, бу Тошкент шаҳар қурилиш системасининг ҳал қилувчи имкониятларини, турмуш даражаси ва сифатини, аҳолининг меҳнати, турмуши ва дам олиши учун қулай шарт-шароит яратиш даражасини оширишга қаратилмоғи даркор.

Тошкент агломерациясини янада ривожлантириш жараёнида фан, таълим, кадрларни тайёрлашни, илмий-ишлаб чиқариш-ўқитиш комплекслари системаси тараққиётини устун суръатларда тараққий эттириш орқали унинг илмий-техник потенциалини жадал ошира бориш; ноишлаб чиқариш соҳасини изчил равишда мустаҳкамлаб бориш (аҳолининг такрор кўпайиши, меҳнат ресурсларининг сифати, шаҳарнинг социал-маданий потенциали бевосита унинг аҳволига боғлиқ); фан-техника тараққиёти ютуқлари негизида ва территорияни планлаштириш асосида ташкил этилишига мувофиқ равишда транспорт, инженерлик-техникавий ва социал инфраструктуранинг қайта ўзгартирилишини амалга ошириш; шаҳар ва областнинг ривожланиши ҳамда фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш, шаҳар қурилиши интизомига риоя этилишига эришиш лозим.

2010 йилгача республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришга доир илмий асосланган схеманинг йўқлиги Тошкент бош планини ишлаб чиқишда қийинчилик туғдирмоқда, бундай схемани ишлаб чиқиш фақат 1988 йилга бориб якунланади, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш концепцияси эса ҳали тегишли органлар томонидан расмий равишда маъқуллангани ча йўқ. Бундан ташқари мазкур схемада ягона халқ хўжалик комплекси сифатида Тошкентга ва пойтахт областига етарли эътибор берилмаган, ҳолбуки

унинг қайси йўналишда ривожланиши умуман Ўзбекистоннинг кўпгина проблемалари ҳал этилишини олдиндан белгилаб беради.

Шу маънода ленинградликлар тажрибаси қизиқарли ва фойдалидир. Лойиҳа институти 1982 йилда Ленинградни 2005 йилгача ривожлантиришнинг техникавий-иқтисодий жиҳатдан асосланган бош планини ишлаб чиқишга киришар экан, РСФСР Госплани тасдиқлаган ҳужжатларга — Ленинград области ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш схемасига, бу ерда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш программасига, шунингдек шаҳарни беш йилликлар бўйича социал-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларига эга эди.

Яна бир карра таъкидлаймизки, Тошкент области бўйича маъқулланган ва тасдиқланган шундай ҳужжатлар ҳамда ёқилғи-энергетика ва сув ресурсларига доир лойиҳадан олдинги прогнозлар йўқлиги бош планни, айниқса унинг дастлабки босқичини ишлаб чиқишни жуда мушкуллаштиради.

Шаҳарнинг бош плани — социал, планлаштириш ва техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган комплекс лойиҳадир. Унинг амалга оширилишини оператив контрол қилиб бориш учун шаҳар қурилишига оид асосий ечимлар ва нормативлар қандай бажарилаётганлигини билиш лозим. Ҳолбуки, уларнинг кўпчилиги қурилиш ташкилотлари ва Марказий статистика бошқармасининг статистик ҳисоботларига кирмайди. Демак, фикримизча, бошқариш соҳасида оператив контролликни ва оператив қарорлар қабул қилишни таъминлайдиган формада кундалик шаҳар қурилиши ахборотини тўплаш, системага солиш ва қайта ишлаб чиқишни йўлга қўйиш керак. Ана шундай мукаммал ахборот базасини яратишда Москва, Ленинград ва Киевда тўпланган ижобий тажрибага таяниш мумкин бўлади.

Шаҳар қурилиши интизомини мустаҳкамлаш, шаҳар қурилиши масалаларига ўзбошимчалик билан (одатда малакасиз) аралашишларга чек қўйиш лозим, чунки бош планнинг бир қарашда «локал» бўлиб кўринган айрим таркибий қисмлари бузилиши ҳам яшаш шароитларини оғирлаштирувчи хунук оқибатларга олиб келади. Масалан, лойиҳадаги яшил зоналарда олиб борилган «шиддатли» қурилишлар натижасида шаҳарнинг умумий фойдаланишдаги яшил дарахтзорлар кейинги 30—50 йил давомида ҳам нормадагидан 4 баравар кам бўлиб қолаверади (шаҳар атрофида дам олиш зоналари камлиги шароитида шундай бўлмоқда). Оқибат натижада йирик социал ва иқтисодий нуқсонларга олиб келадиган бир дақиқалик «фойда»нинг бизга нима кераги бор? Шундай саволлар туғилмаслиги учун бош планни рўёбга чиқаришга бевосита алоқадор бўлган мутахассисларнинг шаҳар қурилиши маданиятини ошириш керак, — афсуски, бугунги кунда уларнинг кўпчилиги ўз фаолиятида бош план принципларига эмас, шахсий тасаввурларига ва буюртмачиларнинг кўрсатмаларига амал қилмоқдалар.

Лойиҳалаш изчил ва босқичлар бўйича амалга оширилишига албатта риоя қилиш зарур. Бош планда ишлаб чиқилган шаҳарни ривожлантиришнинг барча масалалари махсус лойиҳаларда, унинг принципиал кўрсатмалари асосида конкретлаштириб чиқилиши керак.

Ниҳоят, барча даражадаги раҳбарлар учун шаҳарнинг бош планига қонун статуси берилиши (ҳукумат тасдиқлаганидан кейин у аслида ҳам шундай ҳисобланади) зарур. Бош план — кўпгина илмий-текшириш, планлаштирувчи, лойиҳалаш ташкилотларининг ўзаро боғлиқ фаолияти натижасида бунёдга келтириладиган ва шаҳарнинг энг мақбул ҳаётий муҳитини яратишнинг конкрет йўлларини белгилаб берувчи ҳужжатдир.

1990 йилда Тошкентнинг амалдаги бош планининг муддати тугайди. Бу ишда қўлга киритилган тажриба Совет Ўзбекистони пойтахтини бундан буён ривожлантиришнинг КПСС XXVII съезди талабларига мос тушадиган стратегиясини тўғри белгилашга ёрдам бериши керак.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОЛЛЕКТИВИ ТАРБИЯВИЙ РОЛИНИНГ ОШИШИ

И. СОИФНАЗАРОВ, Т. ОСИПОВА,
философия фанлари кандидатлари

МАМЛАКАТНИ социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш шароитида меҳнаткашлар онглилигининг ўсиши, коллективчилик принципларининг мустаҳкамланиши бугунги кунда биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими — ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашнинг барча резервларини ишга солишдир.

Коммунистик тарбия воситаларининг бой арсеналида меҳнат коллективига муҳим ўрин ажратилади. Социалистик жамиятнинг асосий ячейкаси бўлган айни шу меҳнат коллективида шахснинг социал активлиги, юксак ахлоқий, гражданлик фазилатлари, ундаги ватанпарварлик ва интернационализм туйғулари, коммунизм қурилишида максимал тарзда иштирок этиш иштиёқи шаклланиб, ривожлана боради. Меҳнат коллективи — ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос туташган жойи бўлиб, у жамият туб манфаатларининг структураси, характери ва ўзаро боғланганлигини акс эттиради. Бу уни ҳар бир кишининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаётининггина эмас, балки шу билан бирга жами социал ва маънавий ҳаётининг ҳам маркази қилиб қўяди.

КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида **«бевосита демократиянинг,** давлат қарорлари ва бошқа қарорларни ишлаб чиқиш, қабул этиш ва бажаришда халқ оммаси бевосита иштирокининг барча шаклларидан энг самарали фойдаланиш» зарурлиги, «бу соҳада ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, аввало экономикада иш олиб борувчи **меҳнат коллективининг** роли ғоят катта» эканлиги таъкидлаб ўтилди. Меҳнат коллективларининг бурчи ва вазифаси, деб қайд қилинади меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонунда, юксак унум билан меҳнат қилишдан, партия қарорларини турмушга татбиқ этишдан, совет қонунларини ва ҳукумат қарорларини муттасил ижро қилишдан, давлат планларини ва шартномавий мажбуриятларни бажаришдан, иш самарадорлиги ва сифатини оширишдан, меҳнат, ишлаб чиқариш ва давлат интизомини мустаҳкамлашдан, коллектив аъзоларининг меҳнатдаги ғайратини ва ижтимоий-сиёсий активлигини ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилишдан, уларни коммунизм бинокорларининг ахлоқ принциплари руҳида тарбиялашдан иборат.

Кишиларнинг ягона мақсадни кўзлаб, умумий манфаатлар йўлида ҳаракат қилиши — меҳнат коллективининг муҳим белгисидир. Худди шу нарса туфайли улар ҳақиқий социалистик меҳнат коллективини ташкил этадилар. Жамиятнинг таркибий қисмларидан бири бўлган меҳнат коллективи шахс билан жамиятни боғловчи бўғинлардан бири бўлиб хизмат қилади. Киши коллектив орқали жамиятга кириб келади. Жамият ўз навбатида коллектив воситаси билан шахснинг муайян фазилатлари ва фаолият шаклларини камол топтиради.

Социалистик жамиятда ишлаб чиқариш колективи фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги социал жараёнлар билан чамбарчас боғланган бўлиб, бу жараёнлар маҳсулдорлиги учун зарур шарт-шароит яратади. Бу бир қатор сабабларга боғлиқдир. Биринчи сабаб шундаки, капиталистик корхонада бўлгани каби бу ерда меҳнат ишлаб чиқариш воситаларидан ажратилмаган ва меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этилиши уларда социал активлик, меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш каби ҳис-туйғуларни ўстириб, масъулият ҳиссини, ички интизомни ва шу сингариларни тарбиялайди. Иккинчидан, меҳнат коллективидаги индивид ўз фаолиятининг мақсадларини билади, бу мақсадлар бора-бора нафақат конкрет маҳсулот ишлаб чиқаришдан, шу билан бирга янада сифатли ва самарали меҳнат қилиш учун зарур бўлган муайян малакани ва шахсий хусусиятларни шакллантиришдан иборат бўла боради. Учинчидан, меҳнат коллектив бўлиб бажарилади. Бу шахслараро муносабатларни такомиллаштириш, қулай психологик муҳит яратиш заруратини туғдиради. Бинобарин, ишлаб чиқариш мақсадлари билан социал мақсадлар бир-бири билан чамбарчас чатишиб кетиб, ўзаро бир-бирини бойитади ва ҳар бир меҳнаткашни ҳамда бутун коллективни юксалтиришга хизмат қилади.

Ҳозирги замон ишлаб чиқариши шароитида малакани оширмасдан, умумий маданият, маълумот даражасини кўтармасдан меҳнатда муваффақиятларга эришиб бўлмайди, шу сабабли меҳнат унумдорлигини максимал даражада оширишга интилиш муқаррар равишда меҳнат коллективининг тарбиявий функцияси кучайишига олиб келади. Бундай кучайиш шунингдек фан-техника тараққиёти, социал ва иқтисодий жараёнларни бошқарувнинг яхшиланиши билан ҳам боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш коллективининг тарбиявий ролини белгилайдиган барча омилларни икки группага бирлаштириш мумкин. Биринчи группага — ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини ҳамда меҳнатни илмий ташкил қилишни жорий этиш, коллективнинг иқтисодий, демографик, миллий ва касб-малака состави, меҳнаткашларнинг маданий-маиший шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган объектив пландаги омиллар киради. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, ижодий уюшмаларнинг (илмий-техника жамияти, рационализаторлар ва ихтирочилар Бутуниттифоқ жамияти, жамоатчилик асосидаги конструкторлик бюролари, иқтисодий анализ группалари ва ҳоказо), шунингдек маъмурий-хўжалик аппаратининг тарбиявий фаолиятини ҳам шу группага киритиш керак бўлади. Иккинчи группага субъектив характердаги омиллар: ишлаб чиқаришнинг турли шарт-шароитларига кишиларнинг маънавий-психологик муносабати ва бошқалар киради. Бундай муносабат, жумладан, ўз меҳнатини асослаш ёки меҳнатдан қониқиш каби ва бошқа формаларда ифодаланади. Коллективларда олиб бориладиган тарбиявий ишни ҳар томонлама тадқиқ қилмасдан туриб юқорида тилга олинган омилларнинг баркамол шахсни шакллантиришга таъсирини анализ қилиб бўлмайди.

Ёш авлодни меҳнатда тарбиялаш тарбиявий ишнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Бунда янги ишга келган ёшнинг коллективга кўникиши алоҳида аҳамият касб этади. Ўрта мактабларни битирувчилар кўпинча ўзларининг келгусида қандай касб эгаси бўлишларини яхши билмайдилар. Улар бирон-бир касбга қўл уришади-ю, лекин баъзан кўп ўтмай кўнгли совиб, ишга бўлган қизиқишини йўқотишади, натижада меҳнат унумдорлиги ҳам пасайиб кетади. Масалан, тадқиқотчиларнинг қайд қилишича, иш жойини ўзгартиришга қарор қилган 25 ёшгача бўлган ёшлардан 70—80 процентининг танлаган касбидан маълум даражада кўнгли тўлмайди. Эндигина меҳнат фаолиятини бошлаган ёшларнинг 30 процентдан кўпроғи мутахассислигини ўзгартиради. Меҳнат шарт-шароитларидан қониқмасликдан кўра ўз касбидан қониқмаслик кўпроқ иш жойини ўзгартиришга сабаб бўлмоқда. Ишлаб чиқариш коллективи ёш ишчининг кўникиб кетишига, кўнглига ёқадиган иш топишига ёрдам бериши ёки у ўз

имкониятларини яхширок ишга сола биладиган коллективга ўтишига кўмаклашиши лозим.

Ёш ишлаб чиқарувчиларни тарбиялашда мураббийлик катта аҳамиятга эга. Мураббийлар — бу кўпинча юксак маҳорат, ҳаётий тажрибага эга ишчилардир. Мураббийлар қалб амрига кўра ёшларни меҳнатсеварликка, маҳоратга ўргатиб, уларни совет ишчилар синфининг шонли анъаналари руҳида тарбиялашади.

Кўп нарса ишлаб чиқариш коллективидаги социал-психологик муҳитга боғлиқ. Масалан, бир-бировига ғамхўрлик қилиш, ўзаро ёрдам ва ўртоқларча бир-бирини қўллаш, ҳар бир кишининг коллектив ишидан манфаатдорлиги шахсда меҳнатга нисбатан янгича муносабатни, коллективчилик ва бошқа ижобий фазилатларни шакллантиради. Турли нуқсонларга нисбатан муросасизлик, социалистик интизом ва коллективдаги ўзаро муносабатлар нормаларидан чекинишларга танқидий қараш яхши социал-психологик вазиятни вужудга келтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тошкент халқ хўжалиги институтининг философия кафедраси ўтказган социологик тадқиқот шуни кўрсатдики, дўстона ёрдам ва ўртоқларча бир-бирини қўллаш ривожланган, ҳар бир киши бутун коллектив ишидан манфаатдорлигини намоён қиладиган жойларда иш унуми анча юқори, маҳсулот сифати тобора яхшиланиб боради. Бошқа ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам бирмунча юксак бўлади. Талабчанлик муҳити меҳнат интизомининг бузилишига, бекор туриб қолишларга, техника ва хом ашёга эътиборсизликка барҳам беришда ёрдамлашади, ишдан қониқишга ва ўртоқлик муносабатларига ижобий таъсир кўрсатади. Талабчанлик қарор топган коллективларда қусурларга қарши курашда принципиаллик етишмайдиган коллективлардагига нисбатан нуқсонлар камроқ учрайди. Меҳнат коллективи шахснинг ривожланишига ҳар томонлама таъсир ўтказиши учун икки хил компонентни — соғлом маънавий-психологик муҳитни ва талабчанлик ҳамда ўз-ўзини танқид вазиятини қўшиб олиб бориши зарурлиги равшандир.

Раҳбарлик қилиш услуби, кишиларнинг бошлиқлар билан муносабатларидан қониқиши уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Бирламчи коллективнинг (бригада, участка ва ҳоказо) ўзига хослиги унда хўжалик-иқтисодий мустақиллиги, расмий иерархия ва бошқарув аппарати йўқлигидан, унинг функционал умумийлигидан, социал ва касбга доир ҳақ-ҳуқуқлари бир хиллигидан иборатдир. Бу уни бошқарувга нисбатан муайян талабларни тақозо қилади.

Демократик раҳбарлик амалга оширилаётган жойларда меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришилиб, коллективда ижобий психологик вазият ҳукм суради, шикастланишлар ва кадрлар қўнимсизлиги паст даражада бўлади. Бундай услуб коллективчиликни, ўзаро муносабат маданиятини тарбиялашга ёрдам беради. Ва, аксинча, авторитар бошқарув методлари асосида иш қуриладиган жойларда ишнинг характери ва одамларга муносабат коллектив манфаатлари билан эмас, балки бошлиқларнинг фикри ва кайфиятига қараб белгиланади, деган нотўғри тасаввур пайдо бўлади.

Омилкор раҳбар ҳар бир ходимни тарбиялашда бевосита иштирок этишга ҳаракат қилади. Юксак талабчанлик ва зарур ҳолларда эпчиллик, самимий суҳбат ёки мажлисда бўладиган ўртоқларча муҳокама — буларнинг ҳаммаси ходимларни тарбиялаш жараёнига ёрдам беради.

Партия таълим берганидек, мабодо киши хато қилиб қўйган тақдирда ҳам, ҳеч ким уни бақириб-чақиришлар билан ҳақоратлашга ҳаққи йўқ. Раҳбар шуни унутмаслиги керакки, унинг қўл остидаги кишилар унга фақат хизмат юзасидангина бўйсунишади, улар директорга ёки мудирга эмас, балки давлатга хизмат қилишади. Бу жиҳатдан ҳамма баравардир. Бизнинг тузумимиз учун ўзгармас бўлган бу ҳақиқатдан чекинишни ўзига эп кўрадиган, коллектив фикри билан ҳисоблашмайдиган киши ўзини ўзи

бадном қилади-кўяди, обрўсидан маҳрум бўлади. КПСС XXVII съезди бу нарсага яна бир бор эътиборни қаратди: «Коллектив раҳбарлик принципига қатъий риоя қилиш ва уни бутун чоралар билан мустаҳкамлашгина субъективистик айнишлар йўлига ғов солиши, пухта ўйланган, асосланган қарорлар қабул қилиш учун шарт-шароит яратиши мумкин. Буни яхши тушуниб олган раҳбар узоқ вакт ва самарали ишлашга умид қила олади».

Социалистик мусобақа коллективнинг тарбиявий ролини кучайтиришда таъсирчан восита ҳисобланади. У коллективчилик, ўзаро ёрдам муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашиб, меҳнаткашлар учун сиёсий ва меҳнатда чиниқиш мактаби бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун уни ташкил этишни доимо такомиллаштира бориш лозим.

Масалан, социалистик мажбуриятларни, мусобақа шартномаларини тайёрлаш, меҳнатда беллашувнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш, мусобақадошларни улар билан таништириш, шунингдек мусобақа якунларини чиқариш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маҳсулот сифатини ошириш учун курашда булар алоҳида ўрин тутади. Агар мусобақанинг миқдорий натижалари ходимларни ишлаб чиқаришда уларнинг ролидан хабардор қилиб туриш билан унчалик боғланмаган экан (афсуски, бировларнинг қолоқлиги бошқаларнинг муваффақиятлари ҳисобига қоплаб юборилади), унинг сифат кўрсаткичлари ҳар бир ижрочининг меҳнатдаги кундалик ғайрат-шижоатига боғлиқ бўлади. Бунда шуни эсда тутиш лозимки, ҳозирги замон фан-техника революцияси оқибатларидан бири бўлган оммавий узлуксиз ишлаб чиқариш шароитида ходим фаолиятининг пировард маҳсули одатда ундан яширинган бўлади. Бу ҳол кўпинча унда меҳнат сифати учун шахсий масъулият ҳиссининг сусайишига олиб келади. Ана шундай шароитда ҳар бир кишининг бригада, цех, корхона, тармоқ, умуман жамият ишига кўшаётган шахсий ҳиссасидан хабардорлигининг аҳамияти анча ошади, бунинг натижасида улар онгида ва хулқ-атворида интизомлилик, виждонийлик фазилатлари бирмунча мустаҳкамланадики, буларсиз юқори сифатли меҳнат бўлиши мумкин эмас.

Мусобақадошларни моддий рағбатлантириш системаси ҳам такомиллаштиришга муҳтождир. Бу масалани ўрганиш шуни кўрсатадики, иш ҳақининг катта қисми меҳнатдаги миқдорий натижалар учун, кам қисми эса — сифат кўрсаткичлари учун тўланади. Гарчи кейинги пайтларда амалдаги моддий рағбатлантириш системасини сифат мезонлари томонга жиддий равишда йўналтириш юз бераётган бўлса-да, барибир ҳажмий, ялпи кўрсаткичлар меҳнат натижаларини баҳолашда ҳали ҳам илгаригидек устунликка эга бўлиб қолмоқда.

Янги кишини тарбиялашда ихтирочилар ва рационализаторлар ҳаракати муҳим роль ўйнайди. Унда меҳнаткашларнинг оммавий техникавий ижодкорлиги алоҳида бир таъсирчанлик билан намоён бўлмоқда. Бу ҳаракат сафлари йилдан-йилга кенгайиб боряпти. Масалан, 1985 йили Ўзбекистонда 65,1 минг рационализатор ва ихтирочи бўлиб, 69,7 минг рационализаторлик таклифи киритилди, улардан 54,6 мингтаси ишлаб чиқаришда қўлланилди. Уларни жорий этишдан олинган иқтисодий самара 303,9 миллион сўмни ташкил этди. Рационализаторлик ва ихтирочиликнинг тарбиявий жиҳати қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, ижодий меҳнатнинг юксак баҳоланиши, бинобарин ўз имкониятлари ва қобилиятларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга интилиш зарурлиги тўғрисидаги фикр ҳар бир ишчи онгига сингдирилади; иккинчидан, автоматлаштириш ва комплекс механизациялаш даврида ақлий ва жисмоний меҳнатни гармоник равишда қўшиб олиб бориш натижасидагина меҳнат муваффақиятларига эришиш мумкинлигини ишчилар тушуна борадилар; учинчидан, «секин юрсанг — узоққа борасан» қабилида ишлагандан кўра зўр бериб меҳнат қилиш ғоят тўғри йўл эканлигини кўпчилик секин-аста англай боради.

Албатта, ҳамма ҳам рационализатор бўла олмайди, лекин техникавий топқирлик ҳурматда бўлган жойда ҳар бир кишининг ижодий кучлари ривожланишига ёрдам берадиган соғлом муҳит вужудга келади. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида айни шундай муҳит қарор топган. Масалан, бу бирлашмада 1985 йил якунларига кўра 1490 рационализатор бўлиб, 855 рационализаторлик таклифи ва 41 ихтиро ишлаб чиқаришда қўлланилган, уларни жорий этиш натижасида 1,2 миллион сўмга яқин иқтисодий самара олинган.

Афсуски, рационализаторликда расмиятчилик кўринишлари, моҳир усталар йўлига бюрократик тўсиқлар қўйишлар ва асло тоқат қилиб бўлмайдиган ҳол — мастерлар ва инженерларнинг ишчилар таклифларига сурбетлик билан шерик бўлишлари сингари фактлар ҳам учраб туради. Бундай нуқсонларнинг ҳаммаси коллективдаги маънавий-психологик муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Интизомни мустаҳкамлаш — ишчиларни ахлоқий тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмидир. Усиз юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига, маҳсулот сифатини яхшилашга эришиб бўлмайди. Шу муносабат билан юқорида тилга олинган ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажрибаси муайян қизиқиш уйғотади, бу ерда интизомсизликка қарши курашга комплекс ёндашув амалга оширилмоқда. У, масалан, барча меҳнат ёки жамоатчилик тартиб-интизомини бузувчиларни ва уларнинг жазоланишини қатъий контрол қилишни, интизом бузилишининг эҳтимол тутилган сабабларини бартараф этишни, барча тартиб бузишлар ва уларга берилган санкцияларнинг кенг ошкоралигини, ўртоқлик судларининг оператив фаолияти ҳамда улар тажрибаси билан кенг жамоатчиликни таништиришни, тарбияси қийин ёшлар, прогулчилар, ичкиликбозлар билан изчил равишда иш олиб боришни, бирон жазо олиб, сўнгра маълум вақт мобайнида виждонан қилган меҳнати билан ўзини кўрсатган кишининг яхши номини қайта тиклашни ўз ичига олади.

Бу ерда меҳнат интизомининг бузилиши учун масъулиятнинг коллектив формаларидан ҳам фойдаланилади. Масалан, бекор туриб қолишлар учун бунга айбдор бўлган цехлар ҳисобидан ҳақ тўланади. Агар коллектив айбдор бўлса, ундаги ишчиларнинг ўзлари маънавий ва моддий рағбатлантиришдан воз кечадилар. «Меҳнат ва жамоатчилик интизомига — коллектив кафолати» ташаббуси билан чиққан илғор бригадалар бирон бир ишчи интизомни ёки жамоатчилик тартибини бузган тақдирда у аъзо бўлган бригаданинг бутун коллективи моддий рағбатлантириш фондидан бериладиган йиллик мукофотнинг бир қисмидан маҳрум этилади, деган қарорга келдилар.

«Ташкенткабель» заводида партком қатор йиллар давомида ишлаб чиқаришдаги жамиятга зид хатти-ҳаракатларга қарши курашда коллектив қўллаётган чора-тадбирларни ҳисобга олиб келмоқда. Бунда меҳнат интизомини, ҳуқуқ-тартибот нормаларини бузувчиларга нисбатан анча самарали таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисидаги коллектив фикри эътиборга олинади. Натижада бу ерда прогуллар ва бошқа тартиб бузилишлари сонининг камайиб бориши кузатилмоқда.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни ташкил этишни ва бошқаришни такомиллаштириш, оғир ва махсус малака талаб қилмайдиган иш турларини тугатиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва юксак меҳнат ҳамда жамоатчилик интизоми учун собитқадам кураш олиб бориш, мураббийчиликнинг, социалистик мусобақанинг, рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракатининг кенг ривожланиши коллективнинг социал етуклигини ҳамда унинг тарбиявий ролини оширишнинг таъсирчан воситалари бўлиб ҳисобланади. Улар комплекс равишда қўлланилиши ва корхонани социал ривожлантириш планларида аниқ-равшан акс эттирилиши лозим.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ОРГАНЛАРИ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

В. ХАЙДУРОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси

КПСС XXVII СЪЕЗДИ партия фаолиятига, бутун мамлакат ҳаётига нақадар юксак маънавий руҳ бахш этганлиги кун сайин кўпроқ аён бўлиб бормоқда. Ҳозирги вақтда энг муҳим умумпартиявий, умумдавлат вазифаси экономика ривожланишидаги салбий тенденцияларга қисқа муддатда кескин ва батамом барҳам бериш, унга юксак жўшқинлик бахш этиш, ҳамма соҳаларда теран туб ўзгартиришларга кенг йўл очиш, бу жараёнга меҳнаткашларнинг кенг қатламларини жалб этишдан иборатдир.

Белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия ишни ташкил этишни тубдан яхшилашни қабул қилинган қарорлар ва иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш планларининг бажарилишини қатъий назорат қилиш билан қўшиб олиб боришга алоҳида аҳамият беради. Илгарилаб борганимиз сари ишда контролни йўлга қўйишнинг салмоғи ҳам ортиб бориши зарур, деб таъкидланади КПСС МК Сиёсий доклади юзасидан партия XXVII съездининг Резолюциясида.

Партия сиёсати, кўрсатмалари ва қарорларининг ҳаётга татбиқ этилишини контрол қилиш, ижрони ташкил этиш — ленинча партиявий раҳбарлик услубининг ажралмас белгисидир. Маълумки, В. И. Ленин назоратга фавқулодда бир чора ва фақат махсус назорат қилиш органларининг иши деб эмас, балки партия ва давлат аппарати ҳар қандай бўғинининг, жамоат ташкилотлари ҳамда қандай лавозимни эгаллаб турганлигидан қатъи назар ҳар бир раҳбарнинг ташкилотчилик фаолиятининг зарурий таркибий қисми сифатида қарар эди.

Контрол ва ижрони ташкил этиш — яхлит, ажралмас жараён, жонли амалий ишдир. Унинг мақсади планлар, қабул қилинган қарорлар ва мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашдан иборат. Шу боисдан ҳам партия кадрларнинг топширилган иш ва унинг натижалари учун, давлат интизомига сўзсиз риоя қилиниши учун масъулиятини мунтазам равишда ошириб бормоқда.

Партия контролни ва қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкил этишни кучайтиришда, халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш форма ва методларини такомиллаштиришда халқ контроли органларига катта роль ажратади. Партия XXVII съезди қабул қилган янги таҳрирдаги КПСС Программасида шундай таъкидланади: «КПСС давлат ва жамоат контролининг таъсирчанлигини оширишга фаол кўмаклашади. У меҳнаткашларнинг халқ контроли органларидаги ишига уларнинг сиёсий етуклигини ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишдаги фаоллигини ривожлантиришнинг, ишга давлат нуқтаи назаридан қараш, халқ бойлигини тежаб-тергаш ҳис-туйғусини тарбиялашнинг муҳим формаси деб қарайди».

Совет демократиясининг ажралмас қисми бўлган халқ контроли партиянинг ғамхўрлиги ва эътибори туфайли бугунги кунда интизомни ва қонунчиликни мустаҳкамлаш ишида улкан давлат ва жамоатчилик кучига айланиб, совет сиёсий системасининг муҳим бўғини бўлиб қолди.

Халқ контролининг асосий принциплари ва функциялари Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ улуғ Ленин томонидан таърифлаб берилган эди. У ҳисоб-китоб ва контролнинг тўғри йўлга қўйилишини янги жамият қурилишининг туб масалаларидан бири деб ҳисоблаган ва унга раҳбарларда ва барча меҳнаткашларда интизомни тарбиялашнинг муҳим воситаси, ҳамма жойда уюшқоқликни, тартибни, ишчанликни мустаҳкамлашнинг зарур шарти деб қараган эди. Партиямиз ўзининг бутун фаолиятида ленинча қоидаларга оғишмай амал қилган ҳолда уларни конкрет тарихий шароитга қараб қўллаб ва ривожлантириб келяпти.

Халқ контроли органлари системасида давлат контроли билан корхоналар, колхозлар, муассасалар ва ташкилотлардаги жамоатчилик контроли самарали равишда қўшиб олиб борилмоқда. Халқ контроли комитетлари давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этилади ва уларга зарур ваколатлар ҳамда ҳуқуқлар берилади. Партия директивалари, совет қонунлари ва ҳукумат қарорлари ижросини текширишда улар группалар ва постларга, кенг меҳнаткашлар оммасига таянадилар. Контрол органларидаги иш гражданликни, юксак масъулиятлилик ва ишчанликни, олға боришимизга халақит берадиган ҳамма нарсага муросасизлик муносабатини тарбиялашда яхши мактабдир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 10 миллиондан зиёд киши, шу жумладан республикамизда 450 мингдан ортиқ киши ана шу фаолият билан бевосита шуғулланмоқда. Уларнинг кўпчилиги ўз вазифаларига виждонан, топширилган ишнинг муҳимлигини англаган ҳолда муносабатда бўлмоқдалар.

Халқ назоратчилари иш олиб бормаётган фаолият соҳаси, корхона, ташкилот, хўжалик бўлмаса керак. Халқ контроли органлари бизнинг кундалик давлат-бошқарув, хўжалик, ижтимоий ҳаётимизга сезиларли таъсир ўтказишини практика кўрсатиб турибди. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида республикадаги халқ контроли комитетлари ўн бир минга яқин текшириш ўтказдилар. Планларнинг бажарилиши, халқ хўжалиги резервларини излаб топиш ва улардан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, давлат интизомини ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлаш, иқтисод ва тежамкорлик режимига амал қилиш, социалистик мулкни сақлаш масалалари уларнинг диққат марказида бўлди.

Халқ назоратчилари олдига масъулиятли вазифа — халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида партия кўрсатмаларининг бажарилишини таъсирчан контрол қилишни таъминлаш, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга фаол кўмаклашиш вазифаси қўйилган.

Ҳозир, совет кишилари кўп жиҳатдан бизнинг олға томон ҳаракатимизни белгилаб берадиган ўн иккинчи беш йилликка қадам қўйган бир пайтда халқ контроли органларининг куч-ғайратлари биринчи навбатда КПСС иқтисодий ва социал сиёсатининг конкрет ифодаси бўлган давлат планларининг бажарилишини текширишга, хўжалик ва маданий қурилишдаги йирик кўламли силжишларга асос бўладиган масалаларни ҳал этишга йўналтирилмоқда. Биз ўз комитетларимиз, группаларимиз ва постларимиз эътиборини ҳамма жойда план интизомига қатъий амал қилинишига, топшириқларнинг, планда кўзда тутилган ассортиментда ва хўжалик шартномаларига мувофиқ равишда маҳсулот етказиб беришга доир барча мажбуриятларнинг бенуқсон бажарилишига қаратмоқдамиз. Кейинги пайтларда назорат органлари текширишларни амалга оширишда ишлаб чиқаришни асосий кўрсаткичлар бўйича ҳар томонлама иқтисодий анализ қилиш усулига кўпроқ мурожаат қилмоқдалар.

Бунда қабул қилинган қарорлар ва текширишлар сони эмас, балки уларнинг якунларига кўра қандай пировард натижаларга, ижобий силжишларга эришилганлиги ҳар бир комитет ва группа фаолиятига мезон бўлади. Агар қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида эришилган иқтисодий самара ҳисоблаб чиқиладиган бўлса, бу самара анча салмоқли бўлиб чиқади.

Халқ контроли комитетлари белгиланган планларга кўра корхоналарнинг иқтисодий эксперимент шароитидаги иши, ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияни жорий этиш юзасидан қатор текширишлар ўтказдилар. Улар бир қанча камчиликларни очиб ташладилар. Масалан, республика комитети мебель саноати системасида корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва янги қурилиш учун ажратилаётган маблағларнинг нима учун секин ва тўлиқ бўлмаган миқдорда ўзлаштирилаётганлиги, ишлаб турган қувватлардан унумсиз фойдаланилаётганлиги, технология интизомига амал қилинмаётганлигининг кўпгина сабабларини аниқлади. Текшириш якунлари комитет йиғилишида кўриб чиқилгач, министрлик коллегиясида ва корхоналар коллективларида муҳокама қилинди. Улар ишлаб чиққан чора-тадбирлар қисқа муддатда ишлар аҳволини бирмунча яхшилашга имкон берди. 200 дан зиёд юксак унумли дастгоҳ ўрнатилди, янги технология линиялари ўзлаштириляпти, меҳнатни механизациялаш даражаси ошмоқда.

Биз КПСС XXVII съезди талаблари асосида илмий ишланмаларнинг самарадорлигини, халқ хўжалигида янги техника ва илғор технологиядан фойдаланишни контрол қилишни кучайтиришимиз керак бўлади. Республика комитети кейинги пайтларда ўрганган масалалар орасида — аммофос-фосфогипс ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланишга доир илмий тадқиқотларни жорий этишнинг аҳволи, енгил ва озиқ-овқат саноатида прогрессив технологик жараёнларни ўзлаштириш, Ўзбекистондаги қатор хўжаликларда қорамолларнинг наслдорлик сифатларини яхшилаш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ва бошқа масалалар бор.

В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимининг айрим илмий муассасаларида тугалланган илмий ишланмаларни халқ хўжалигига жорий этиш планларининг бажарилишини текшириш чоғида жиддий камчиликлар очиб ташланди. Бу ишланмаларнинг кўпчилиги аграр секторда қўлланилмаётганлиги маълум бўлди. 1984 йилдан 1985 йилгача бўлган даврда 1224 ишдан жами қарийб 9 миллион сўмлик харажат сарфланиб амалга оширилган 36,4 процент иш ҳатто жорий этиш планларига ҳам киритилмаган. Қатор тадқиқотлар амалда зарур иқтисодий самарани бермаётир.

Текшириш натижалари Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг мажлисларида муҳокама қилинди, очиб ташланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари қабул қилинди. 1986—1990 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари планларидан актуаллиги кам бўлган, катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлмаган темалар чиқариб ташланди.

Халқ контроли область, шаҳар ва район комитетлари, шунингдек группалари ўз ишини фаоллаштирдилар. Масалан, Уйчи пиллакашлик бирлашмаси назоратчилари ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан мавжуд цехлар ва участкалар реконструкция қилинишини ўз назорати остига олдилар. Улар ёрдамида 72 та янги технологик ускуна ўрнатилди, бу йилига 167 минг сўмлик иқтисодий самара бермоқда. Чирчиқ трансформатор заводининг халқ контроли группаси эса янгиликларни жорий этиш борасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажаришдан тортиб то янги техникани монтаж қилиш ва уни фойдаланишга топширишгача бўлган бутун ишлар комплексини мунтазам кузатиб боришдек фойдали ташаббус билан чиқди.

Маҳсулот ва бажарилаётган ишларнинг сифати кўпгина комитетлар

ва группаларнинг кун тартибидаги асосий масалалардандир. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, бу проблема ҳозирги шароитда биринчи ўринга қўйилмоқда. У республикамиздаги кўплаб корхоналар олдида ғоят кескин бўлиб турибди. Чунки ишлаб чиқарилаётган машиналар ва асбоб-ускуналарнинг, халқ истеъмол моллари, хом ашё ва материалларнинг айрим турлари замонавий талабларга жавоб бермаслиги сир эмас. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида юқори сифат категориясига эга маҳсулотлар салмоғи бўйича эса Ўзбекистон мамлакатда охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Айни бир пайтда баъзи областларда Сифат белгисига эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳатто планлаштирилмайди ҳам. Шу сабабли халқ контроли органлари маҳсулотларнинг техникавий даражасини ошириш, уларнинг барча турларини такомиллаштириш учун бутун чоралар билан курашишлари ғоят муҳимдир. Комитетлар, группалар ва постлар маҳсулотларни янгилаш, ассортиментни кенгайтириш, унинг сортини яхшилаш планларининг бажарилишини текшириб, камчиликларни бартараф этишда қатъият кўрсатиш билан партия ташкилотларига, меҳнат коллективларига сифатсиз, талаб қилинмайдиган маҳсулотлар чиқарилишига ишончли тўсиқ қўйишда фаол ёрдамлашмоқдалар.

Партия талабларига асосан қурилишда капитал маблағлардан фойдаланишнинг назорат қилинишини жуда қатъий қилиб қўйиш керак бўлади. Ишларнинг аҳволи барча комитетлар ва группаларнинг бу масалага ғоят катта эътибор беришини тақозо этмоқда. Бунда ишга тушириладиган объектларни қуриш ва уларни ишга тушириш муддатларига риоя қилиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Қурилишларда ҳали ҳам материаллар нобудгарчилиги ғоят катта, ишлар сифати паст, қўшиб ёзишларга йўл қўйилмоқда, объектлар чалалигича фойдаланишга топширилмоқда.

Моддий, меҳнат ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун кураш халқ контроли органлари, ҳар бир назоратчи учун ғоят муҳим иш бўлиб қолади. Афсуски, халқ бойлигига шундай муносабатда бўлиш ҳамма жойда ҳам нормага айланмаган. Кўплаб корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар энергия, ёқилғи, хом ашё, қурилиш материалларини ортиқча сарфлаб юбормоқдалар. Масалан, ўтган йили Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги системасида тармоқ нормаларидан зиёд равишда 18,3 минг тонна металл, 77,5 минг тонна цемент, 132 минг квадрат метр ойна, 658 минг квадрат метр томга ёпиладиган юмшоқ материал сарфланган.

Иқтисод ва тежамкорлик масалалари юзасидан анчагина текширишлар ўтказилаяпти, уларнинг якунларига кўра жавобгарликка тортилган мансабдорлардан ҳар иккинчиси комитетлар томонидан жазоланиб, нуқсонларни тузатиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Фақат 1985 йилнинг ўзида халқ контролёрларининг таклифларига мувофиқ ташкилий-техникавий тадбирларнинг амалга оширилиши 125 миллион киловатт-соатдан зиёд электр энергия, 34 минг тонна нефть маҳсулотлари, 14 минг тонна металл тежашга имкон берди.

Фарғона область халқ назоратчилари яхши натижаларга эришмоқдалар. Ўтган йили улар 132 та корхона, ташкилот, хўжаликни текширганларида ёқилғидан, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланишда кўплаб исрофгарчиликка йўл қўйиш фактларини аниқладилар. Саноат корхоналарида тасдиқланган нормадагидан 10 миллион киловатт-соат электр энергия ортиқча сарфланган. Паропроводлар изоляцияси бузилганлиги сабабли кўплаб миқдорда иссиқлик энергияси исроф бўлган, чиқинди буғдан қайта фойдаланилмаган, конденсат эса канализацияга оқизиб юборилган. Айрим хўжаликларда биноларни иситишда дизель ёнилғисидан фойдаланганлар.

Областнинг халқ контроли комитетлари айбдор мансабдор кишиларни жавобгарликка тортибгина қолмай, шу билан бирга конкрет таклифлар ва тавсиялар киритдиларки, уларни амалга ошириш нобудгарчиликни

камайтиришга, ресурсларни сарфлаш ва иктисод қилишда ҳисоб-китобни йўлга қўйишга ёрдам берди. Масалан, Қувасой шиша идишлари заводида халқ назоратчиларининг талабига кўра иссиклик билан таъминлаш системасининг тамба арматураси текширишдан ўтказилиб, иссиклик трассаларида буғнинг чиқиб туришига барҳам берилди, бу қўшимча равишда 100 гигакалория иссиқлик ҳамда 1,3 миллион киловатт-соат электр энергия тежашга имкон берди. Фарғона фуранли бирикмалар химия заводида илгари мавжуд бўлган иситиш системасидан буғ-конденсатли аралашманинг чиқариб юборилишига барҳам берилиб, иссиқликни алмаштирувчи аппаратларнинг иши такомиллаштирилди, иссиқлик энергиясини сарфлаш нормалари камайтирилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Халқ назоратчилари бундан кейин ҳам хўжасизликка, исрофгарчиликка, хом ашё, материаллар, энергияни сарфлашни нормалашга давлат нуқтаи назаридан ёндашмасликка, нобудгарчиликларни қонунга хилоф равишда ҳисобдан ўчиришларга қарши курашаверадилар. Бунда биз КПСС XXVII съезди қўйган мақсадни — ҳозирги беш йилликда ёқилғи, хом ашё ва бошқа материалларга ўсадиган талабларнинг камида 60—65 процентини улардан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳисобига таъминлаш, иккиламчи ресурслар ва ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланиш ҳиссасини бирмунча ошириш мақсадини кўзлаб иш тутамиз.

Озиқ-овқат программасининг бажарилишини контрол қилишни кучайтириш ҳам муҳим вазифадир. Давлат қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уни ривожлантириш учун катта харажатлар сарфламоқда. Бу колхозлар ва совхозларнинг, хўжаликлараро ва қайта ишлаш корхоналарининг экономикасига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳозир бу хўжалик ва корхоналар ягона бир ташкилотга — агросаноат комплексига бирлашиб иш кўраётган бир пайтда халқ контроли органлари олдига ҳам сифат жиҳатидан янги вазифалар қўйилмоқда. Контролни комплекс равишда, маҳсулот ишлаб чиқаришдан то уни қайта ишлаш ва сотишгача бўлган бутун технологик циклга доир камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишга йўналтирган ҳолда амалга ошириш зарурати етилди.

Қишлоқ хўжалик ишларининг сифати — қишлоқда иш олиб бораётган халқ назоратчилари доимий ғамхўрлигининг объектидир. Текширишларимиз натижасида аниқланганига кўра, қатор колхозлар ва совхозларда уруғлик материалнинг сақланиши таъминланмайди, ғўза, дон, ем-хашак ва бошқа экинларнинг сара бўлмаган уруғликларини экишга йўл қўйилади, уларнинг сортларини жойлаштириш ва районлаштиришнинг белгиланган қоидалари бузилиб, қўшиб ёзиш ва экин майдонларини яшириш ҳоллари учраб турибди. Бундай фактларга тоқат қилиб бўлмайди, албатта. Биз уларни ўзимизнинг ҳам ишимиздаги камчиликлар деб биламиз, чунки биз ўз вақтида аралашиб, хўжасизлик ва кўзбўямачилик ҳолларининг олдини ола олмаганмиз.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланишини таъминлашнинг контрол қилинишини амалга ошириш ғоят муҳим вазифадир. КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида озиқ-овқат фондини тўлдиришнинг энг яқин манбаи — йиғим-терим, ҳосилни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш вақтида дала ва ферма маҳсулотларининг нобудгарчилигини қисқартиришдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ана шу резервларнинг ишга солиниши истеъмол ресурсларини 20 процентгача, маҳсулотларнинг айрим турлари бўйича эса 30 процентгача ошириши мумкин. Бунинг устига нобудгарчиликни бартараф этиш харажатлари худди шу ҳажмдаги маҳсулотни қўшимча ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатга қараганда 2—3 баравар кам бўлади.

Халқ контроли органлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб сотишга қарши курашни кучайтирдилар. Биз ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларнинг бузилиши, гектарчилик асосида мева-сабза-

вотлар етиштириш, жамоатчилик экинларидан олинган ҳосилнинг талон-торож қилиниши, маҳсулотларни чайқовчилик мақсадида республикадан ташқарига олиб чиқиш фактларининг ўз вақтида олдини олиш чора-тадбирларини кўряпмиз.

КПСС XXVII съезди қарорлари асосида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида контролни амалга ошириш юзасидан масъулиятли вазифалар келиб чиқади. Бу ерда ҳалигача ҳам суиистеъмол қилишларга чек қўйилмаган, хизмат кўрсатиш маданияти паст. Бундай аҳвол комитет ва группаларимиз бу соҳада контролни янада қатъий қилиб қўйишларини тақозо этади.

Маълумки, партия XXVII съездида барча давлат, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотлари социал адолат принципига қатъий риоя қилишлари, уни оғишмай амалга оширишга халақит берадиган ҳамма нарсани бартараф этиш тўғрисидаги талаб кенг ва принципиал асосда илгари сурилди. Меҳнат ва истеъмол меъёрини назорат қилишни кучайтириш, асоссиз бараварлаштиришга қатъий равишда барҳам бериш, ишламай олинадиган пуллар, қозонилмаган мукофотлар тўланишига йўл қўймаслик, меҳнатсиз даромадларга қарши муросасиз кураш олиб бориш вазифаси қўйилди.

Шунинг учун иш ҳақи, моддий рағбатлантириш фондларининг сарфланиши, уй-жой ва бошқа социал неъматларнинг тақсимланиши белгиланган қоидаларга мувофиқ тарзда амалга оширилиши масаласига комитетлар ва группалар эътиборининг кучайганлиги табиийдир. Шундай бўлса-да, бу проблема долзарблигича қолиб келяпти. Бундай масалалардаги адолатсиз хатти-ҳаракатлар меҳнаткашларнинг қонуний норозиликларига сабаб бўлиши, учун ҳам уни ҳал этиш муҳимдир.

Давлат интизомини мустаҳкамлаш учун, социалистик қонунчиликни бузишларга, суиистеъмол қилишларга, бошқа салбий ҳолатларга қарши муваффақиятли курашиш учун билим, кучли ирода, мардлик, саботлилик, халқ манфаатларини ҳимоя қила олиш қобилияти зарур. Ҳа, худди шундай — ҳимоя қила олиш талаб қилинади, чунки хатолари ёки ножўя ишлари очиб ташланган кишиларнинг кўпчилиги ҳар қандай йўллар билан жавобгарликдан қочишга уриниб, ўзларининг асл башараларини яшириш ниятида «оқлайдиган» ҳужжатларни қўлга киритадилар, баъзан эса ҳатто халқ назоратчиларини бадном қилишдан ҳам тоймайдилар.

Партия XXVII съезди қарорлари ҳар бир комитет, группа ва пост ишига юксак талаблар қўйиб, уларнинг фаолияти янада ҳужумкор ва ташаббусга асосланган бўлиши учун иш услуби ва методларини қайта қуришга йўналтирмоқда. КПСС МКнинг 1986 йил июнь Пленуми ҳам бунга эътиборни қаратди.

Ўз ишимизни қайта қурар эканмиз, биз кадрлар танлашга янада пухтароқ ёндашамиз, уларнинг масъулиятини ошириб, мослашувчилардан, ташаббускорлик ва принципиаллик кўрсатмаётган кишилардан қатъий равишда холи бўла борамиз. Кадрлар ўқишини йўлга қўйиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Масалан, ҳар ойда республика комитети аппарати ходимларининг семинар-кенгашлари ўтказиляпти, уларда бўлим бошлиқлари тўплаган тажрибалари билан ўртоқлашиб, фикр алмашадилар, таклифлар киритадилар.

Область, шаҳар ва район комитетларининг янги тасдиқланган ходимлари билан комитетнинг тармоқ бўлимларида консультатив суҳбатлар ўтказиб турилади. Шаҳар ва район комитетларининг ишимиз юзасидан катта тажрибага эга бўлмаган раислари ва инспекторлари республика комитети қошидаги доимий амал қилувчи уч кунлик семинарларда ўқитилади. Мунтазам равишда нашр этилиб, тарқатиладиган махсус методик адабиётлар халқ назоратчиларини ўқитишда яхши омил бўлиб қолди. Биз СССР Халқ контроли комитети тавсия қилган тематика асосида халқ назоратчилари мактабларининг раҳбарларига ёрдам тариқасида қўлланмалар сериясини ишлаб чиқиб, жойларга жўнатдик.

Биз ўз ишимизни қайта қуриш деганда, аввало, контролнинг фаоллиги ва ҳужумкорлигини кучайтиришни, текширишларнинг планлаштирилишини яхшилаш, уларнинг сифатини оширишни, сезиларли пировард натижаларга эришишни тушунамиз. Ўз иш планимизни ишлаб чиқишда биз корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва меҳнат ресурсларидан, капитал маблағлардан самарали фойдаланиш, маҳсулотни ўз вақтида етказиб бериш, унинг сифати, иқтисод ва тежамкорлик режимига амал қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби муҳим проблемаларга диққат-эътиборимизни қаратамиз. Ишимизни бошқа назорат қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари иши билан мувофиқлаштириб турамиз. Бир неча бўлимларимиз кучи билан, шунингдек партия комиссиялари, Советларнинг доимий комиссиялари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан ҳамкорликда комплекс текширишлар ўтказишни назарда тутяпмиз.

Қабул қилинган қарорлар ижросини контрол қилишни ташкил этишга муҳим ўрин ажратмоқдамиз. Бундай масалалар барча бўлимларнинг иш планларида мавжуд. Эндиликда такрорий текширишлар ўтказилиши кенг қўлланилмоқда. Аниқланган камчиликларга тўла-тўкис барҳам берилганига ишонч ҳосил қилмагунимизча қарорларни контролдан туширмасликка ҳаракат қиламиз.

Халқ контроли органлари меҳнаткашларнинг хатлари ва аризаларини кўриб чиқиш юзасидан катта ҳажмдаги ишларни бажаришяпти. Бундай хат ва аризалар сони ошиб бормоқда, уларда шахсий масалалардан кўра ижтимоий характерга эга бўлган масалалар кўпроқ кўтарилмоқда. Улар бизга хато-камчиликларни аниқлашга ва уларни бартараф этиш тадбирларини кўришга ёрдам беради.

Бирлашмалар, корхоналар, колхозлар, ташкилот ва муассасалардаги халқ контроли комитетлари, группалари ва постларининг ҳисобот-сайловлари фаолиятимизни яхшилашда катта роль ўйнади. Йиғилишлар ва конференцияларнинг аксарият кўпчилиги ишчанлик, меҳнаткашларнинг халқ контролини такомиллаштиришдан чуқур манфаатдорлиги вазиятида ўтди.

Меҳнаткашлар группалар ва постларни сайлашар экан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқарувнинг барча участкалари контрол билан қамраб олиниши учун уларнинг сон ва сифат составига зарур даражада диққат-эътибор бердилар. Сайланган группалар раисларининг 90 процентга яқини партия ташкилотлари секретарларининг ўринбосарларидирлар, парткомлар ва партия бюролари составига киришган. Йиғилишлар ва конференциялар ўтиши билан янгидан сайланганлар учун тармоқ принципига кўра семинарлар ташкил этилди.

Комитетлар ва группалар партия XXVII съездининг ошкоралик бўлмаса демократизм ҳам, омманинг сиёсий ижодкорлиги, унинг бошқарувда иштироки ҳам бўлиши мумкин эмас, деган кўрсатмасига амал қилган ҳолда текширишлар якунлари ва улар бўйича қабул қилинган қарорларни сўзсиз равишда меҳнат коллективлари эътиборига ҳавола қилмоқдалар. Мансабдор кишиларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари тўғрисида кенг ошкоралик халқ контроли органларининг иш тажрибасидан ўрин олди. Матбуот, телевидение ва радио имкониятларидан фойдаланаяпмиз. Буларнинг ҳаммаси камчиликларга қарши муваффақиятли курашиш, контролнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, унга меҳнаткашлар кенг оммасини жалб этишнинг муҳим шартларидан биридир.

Биз бутун куч-ғайратимиз, билимимиз, қобилиятимизни партиямизнинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни ҳар тарафлама жадаллаштиришдан иборат стратегик йўлини амалга ошириш учун курашга бахш этишни ўз бурчимиз деб биламиз.

ЛЕНИНЧА ТАШКИЛИЙ ПРИНЦИПЛАРНИНГ МУЖАССАМИ

А. АБДУНАБИЕВ,
тарих фанлари доктори

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ўз қарорларидан бири билан партиямизнинг ўзгартишлар киритилган Устави текстини тасдиқлади. Бу ҳужжат ленинча традицияларга, марксистик партиянинг ғоявий ва ташкилий принципларига асосланиб, ҳозирги шароитда ҳар бир коммунистга, КПССнинг барча бўғинларига нисбатан асосий талабларни акс эттиради.

Маълумки, партия Устави — коммунистлар ҳаёти асосий қонунларининг тўпламидир. В. И. Ленин унинг моҳиятини конкретлаштириб, уни «партия ташкилотларининг формаси ва нормаси тўғрисидаги умумий қарор» деб атаган эди (Тўла асарлар тўплами, 9-том, 176-бет). КПСС Уставида партиянинг таърифи берилади, унинг ижтимоий тараққиётдаги раҳбарлик роли очиб берилади, партия турмушининг нормалари, партия ташкилотлари фаолиятининг энг умумий формалари, методлари ва усуллари умумлашма тарзда баён қилинади. КПСС Устави партиянинг программ вазифаларини, сиёсатини, съездларда қабул қилинган, партия ҳужжатларида баён этилган қарорларни амалга оширишнинг қуроли бўлиб хизмат қилади.

В. И. Ленин ишлаб чиққан ва асослаб берган партиянинг ғоявий ва ташкилий принциплари бузилмасдир. Шу билан бирга КПСС тараққиётнинг муайян босқичидаги шароитлар ва вазифалардан келиб чиқиб, ташкилотнинг структураси, формаларини, ўзининг барча бўғинлари фаолиятининг усуллари, услуби ва методларини, партия турмуши нормаларини такомиллаштириб боради ва бу нарса партия Уставида ўз ифодасини топади. Партия Уставига кўпгина съездларда ва умумпартия конференцияларида қисман ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Бу эса КПССнинг ўз ички ҳаёти ва фаолиятига ижодий муносабатининг далилидир.

Партия XXVII съездида таъкидландики, мамлакат ичкарисида ҳам, жаҳон майдонида ҳам ҳал этилаётган вазифаларнинг кўлами, чуқурлиги ва мураккаблиги партия раҳбарлиги савиясига нисбатан тобора юксак талаблар қўймоқда, партиявий ишнинг барча жиҳатларига янгича ёндашиш заруратини келтириб чиқармоқда. Съезд ҳужжатлари, унда ҳукм сурган бутун вазият Лениннинг партия — доимо ривожланиб борувчи сиёсий организмдир, у объектив қонунларнинг талабларини, бу қонунларнинг конкрет шароитлардаги амал қилиш спецификасини ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятининг формалари ва методларини такомиллаштириб боради, деган қоидасини яна бир бор тасдиқлади. Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, социалистик жамиятни планли асосда ва ҳар томонлама такомиллаштириш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифалар КПСС Программаси ва унинг Уставига муҳим ўзгартиришлар киритишни зарур қилиб қўйди.

Ҳозир амал қилаётган партия Устави асосий принципларининг давомийлигини кузатиш учун шуни эслатиб ўтиш мумкинки, К. Маркс билан Ф. Энгельс ўз вақтида пролетар партиясининг ана шундай ҳужжатини партия сафларини мустаҳкамлашнинг, коммунистларни ягона ғоявий ва ташкилий принциплар асосида фикрдош ва ҳаракатдошларнинг жанговар иттифоқига жипслаштиришнинг қудратли воситаси деб билган эдилар. Уларнинг ғоялари ўша пайтда 1847 йилда қабул қилинган Коммунистлар Союзи Уставида ўз ифодасини топган эди. Унда баён қилинган асослар Карл Маркс томонидан ёзилган I Интернационал Устави лойиҳасида ривожлантирилди.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг бошқа кўпгина асарларида ишчилар синфи партиясининг ташкилий принципларини ва фаолиятини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар ҳам катта ўрин эгаллади. Уларнинг революцион партиянинг роли, унинг ташкилий тузилиши ва фаолият методлари тўғрисидаги ғояларини В. И. Ленин янги тарихий шароитларда пролетар ҳаракатининг душманлари хуружларидан ҳимоя қилди, ижодий тарзда ривожлантирди. В. И. Ленин Коммунистлар Союзи ва I Интернационалнинг муносиб вориси бўлган янги типдаги пролетар партияси тўғрисидаги яхлит таълимотни ишлаб чиқди. Бу таълимот қоидаларини В. И. Ленин «Искра» газетасидаги мақолаларида ва бошқа асарларида баён қилиб берди. «Нима қилмоқ керак?» китобида у ишчилар синфи партияси фаолиятининг мазмуни ва йўналишларини очиб берди. Бу партия ўз олдига қўйган мислсиз, жуда катта вазифалар муносабати билан Владимир Ильич бундай деб кўрсатган эди: «...*Илғор назарияга амал қилувчи партиягина илғор курашчи ролини бажара олади*» (Тўла асарлар тўплами, 6-том, 29-бет). В. И. Ленин марксистик партия — ишчилар ҳаракатини социализм билан қўшишдир, деган туб қоидани асослаб, коммунизм ғалабаси учун революцион назариянинг ғоят катта аҳамиятини очиб берди.

«Нима қилмоқ керак?» китобида партия ташкилотининг асосий принциплари белгиланди. У жанговар, монолит, марказлашган, темир интизом билан жипслашган тарзда қурилиши керак. В. И. Ленин партияда синалган профессионал революционерлардан иборат раҳбар ўзакни вужудга келтиришга катта аҳамият берган эди. У ана шу революционерларни аввало ишчилар орасидан тайёрлаш зарурлигини таъкидлаган эди.

В. И. Ленин «Ташкилий вазифаларимиз ҳақида ўртоққа хат»да пролетар партияси тузилишининг равшан схемасини таърифлади, унинг марказий органларидан тортиб то завод тўгаракларигача бўлган ҳар бир бўғинининг роли ва ўрнини асослаб берди (Тўла асарлар тўплами, 7-том, 7—28-бетларга қаралсин). Владимир Ильич завод тўгаралари ва ташкилотларининг партиянинг негизи сифатидаги аҳамиятини таъкидлаб кўрсатди. «Улар биз учун айниқса муҳимдир: ҳаракатнинг бутун асосий кучи — катта заводлардаги ишчиларнинг уюшганлигидадир... Ҳар бир завод бизнинг қалъамиз бўлиши керак» (ўша жойда, 15-бет). «Ўртоққа хат»да биринчи марта таърифлаб берилган янги типдаги партиянинг энг муҳим ташкилий принциплари кейинчалик унинг Уставида ўз ифодасини топди.

В. И. Ленин РСДРП II съездига тайёргарлик даврида ёзган кўпгина асарларида, съезднинг ўзидаги нутқларида, «Бир қадам олға, икки қадам орқага» ва бошқа асарларида пролетар партиясининг ташкилий негизларини ҳар томонлама асослаб берди. У ҳамиша, партия — ишчилар синфининг бир қисми, унинг илғор ва онгли отряди, унинг авангардидир, деган қоидадан келиб чиқди. Партия ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунларини чуқур ўрганиши, марксистик таълимотни ижобий қўллана билиши, ўз аъзоларини коммунизм тантанаси учун фидокор курашчилар қилиб тарбиялаши зарур.

В. И. Ленин таъкидлаган эдики, партия онгли авангардгина бўлиб

қолмай, айни вақтда ирода, ҳаракат, интизом бирлиги билан боғланган юксак даражада уюшган отряд ҳамдир. Партияда унинг ҳар бир аъзоси ташкилот контроли остида ишлайди ва унинг ишлари учун шахсан жавоб беради. Владимир Ильич демократик централизмни партиянинг нормал турмуши ва фаолияти учун, унинг барча ташкилотлари ва коммунистларнинг юксак активлиги учун бузилмас негиз деб билар эди.

Партия тўғрисидаги ленинча таълимот авангард сифатида партия ишчилар синфи билан, барча меҳнаткашлар билан чамбарчас боғлиқ бўлишини тақозо қилади. Унда партия ички демократияси, танқид ва ўз-ўзини танқид тўла-тўкис амалга оширилиши керак.

В. И. Ленин большевистик партия барпо этилиши тонггидаёқ партия — пролетариат синфий ташкилотининг олий формасидир, деган тезисни илгари сурди. Бу билан у партиянинг революцион ҳаракатдаги, жамиятни социалистик асосда қайта қуришдаги раҳбарлик ролини асослаб берди.

Ниҳоят, пролетар интернационализми принципи энг муҳим принциплардан бири сифатида олға сурилди.

Янги типдаги партиянинг В. И. Ленин ишлаб чиққан ташкилий асослари ана шулардан иборат. Улар марксча-ленинча партиянинг тузилиш формаларини, унинг ички ҳаёти ва раҳбарлик фаолияти қоидаларини белгилаш учун негиз бўлиб хизмат қилади. Бу энг муҳим назарий қоидалар бизнинг давримизда ҳам актуалдир.

Тарихга назар ташласак, шуни кўрамизки, партиямиз барпо этилаётган даврда ниҳоятда жиддий курашларга сабаб бўлган ва В. И. Ленин шу қадар катта аҳамият берган принциплар бугунги кундаги етилган проблемаларни ҳал этишда ҳам муҳим роль ўйнамоқда. РСДРП II съездига тақдим қилинган дастлабки Устав лойиҳасида партияга аъзолик тушунчасига таъриф берилди, съезд партия ташкилотларининг тўла ваколати асосида чақириладиган юқори орган сифатида таърифланди, раҳбарликнинг коллегиаллиги, қарорларнинг муҳокама этилиши ва оддий кўпчилик билан қабул қилиниши, маҳаллий ишларда маҳаллий партия ташкилотларининг автономияси кўзда тутилди. Устав лойиҳасига барча ташкилий масалаларни ҳал этиш усулини принципиал тарзда белгилаб берувчи централизм ғояси асос қилиб олинди (Тўла асарлар тўплами, 7-том, 292—294-бетларга қаралсин). В. И. Ленин энг асосий жиҳатни таъкидлаб, бундай деган эди: «Уставнинг асосий ғояси *функцияларнинг* бўлинишидир» (ў ш а ж о й д а, 310-бет).

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми, партиянинг XXVII съезди умумхалқ манфаатларини ҳам, маҳаллий манфаатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда ҳар бир орган, ҳар бир ходим ўз вазифаларини аниқ-пухта бажаришига катта эътибор берди. Бу масала партия Программасида ҳам, Уставида ҳам ўз аксини топди. Бу гап партия органларигагина эмас, балки давлат, хўжалик, жамоат органларига ҳам, ҳар бир коммунистга, барча меҳнаткашларга ҳам тааллуқлидир.

Бугунги кун позициясидан ёндашсак, В. И. Ленин партияга аъзолик ҳақидаги таъриф учун олиб борган курашнинг аҳамияти янада яққол намоён бўлади. Владимир Ильич РСДРП II съездида партия аъзоси уни партия ташкилотларидан бирортасида шахсан қатнашиши билан ҳам қўллаб-қувватлаши шарт, деган талабни ҳимоя қилиб айтган сўзлари ҳам актуаллигини йўқотгани йўқ: «Лақиллаб юрувчи бир кишининг партия аъзоси бўлиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлганидан кўра, иш қиладиган ўн кишининг (ҳақиқий ходимлар мансаб кетидан югурмайди!) ўзини партия аъзоси деб атамаганлиги яхшироқ» (ў ш а ж о й д а, 329-бет).

КПСС Марказий Комитетининг XXVII съездга Сиёсий докладининг «Партия» бўлимида олға сурилган барча талаблар, шунингдек партия Уставига киритилган ўзгартиришлар В. И. Лениннинг ана шу фикрига монанд келади. Улар ҳар бир партия ташкилотининггина эмас, балки ҳар бир коммунистнинг ролини ҳамда ўз ишлари ва хатти-ҳаракатлари учун,

КПСС йўлини амалга оширишга қўшган ўз ҳиссаси учун масъулиятини янада оширишга қаратилгандир.

Владимир Ильич РСДРП II съездида партияга аъзолик ҳақидаги ўз таърифини ҳимоя қилар экан, ишчилар синфига жанговар, яхши уюшган, унинг барча аъзолари ирода ва ҳаракат бирлиги билан жипслашган авангард бошчилик қилган тақдирдагина революцион курашда ғалаба қозона олади ва ўз тарихий вазифасини бажара олади, деган қоидага асосланди. Шу сабабли у қатъий партиявий интизом, контролни ҳар бир коммунистга нисбатан талабчанликни бутун чоралар билан ошириш зарурлигини таъкидлади: «Бизнинг вазифамиз — партиямизнинг мустаҳкам, саботли бўлишини, софлигини сақлашдир» (ў ш а ж о й д а, 330-бет). Партиямиз асосчиси ана шундай талабчанликни партиянинг тасодифий элементлар билан ифлосланишидан сақлашнинг ишончли шарти деб биларди.

Партия XXVII съезди тасдиқлаган КПСС Уставининг ҳар бир сатрида партия аъзосига нисбатан юксак ленинча талаблар руҳи сезилиб туради. Аввало партияга аъзолик масалалари, коммунистнинг ҳуқуқлари ва вазифалари тўлароқ ва ҳар томонлама таърифлаб берилган. Бунда илгари бўлганидек Лениннинг қуйидаги сўзлари дастуриламал бўлиб хизмат қилади: «Биз партия аъзоси деган номни ва унинг аҳамиятини юқори, юқори ва янада юқори кўтаришга ҳаракат қилишимиз лозим...» (ў ш а ж о й д а, 330-бет). Партия сафига қабул қилишнинг асосий шарти — инсоннинг сиёсий, ишчанлик ва маънавий хислатлари, унинг ҳалоллиги, бутун кучини коммунизм ишига бағишлашга тайёрлиги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. КПСС Марказий Комитети ҳамма жойда партияга амалпарастлик ниятида кириш учун уринишларга қатъиян йўл қўймаслик зарур, деб уқтирмоқда.

КПСС Уставига киритилган қўшимчага биноан партия аъзоси қуйидаги вазифани бажариши шарт: «коммунистик ахлоқ нормаларига қатъий риоя этиш, социализмга хос социал адолат принципини қарор топтириш, ижтимоий манфаатларни шахсий манфаатлардан юқори қўйиш, камтар ва виждонли, одамларга нисбатан меҳрибон ва эътиборли бўлиш, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига ўз вақтида жавоб бериш, партия ва халқ олдида ҳақгўй ва ҳалол бўлиш» (2-параграф, «д»банди).

Бир қатор қўшимчалар партияга қабул тартибига тааллуқлидир. Қабул, одатда, очиқ партия йиғилишида ўтказилади. Рекомендация берувчилар партияга кирувчиларга уларнинг ғоявий-сиёсий ўсишида кўмаклашадилар, деган қоида ҳам Уставга киритилган. «Партия аъзолигига кандидат» бўлими кандидатларнинг шахсий хислатлари амалий ишларда, партия ва жамоат топшириқларини бажаришда синалади, деган кўрсатма билан тўлдирилган. Бу эса В. И. Ленин ишлаб чиққан партияга аъзолик, унинг сафларини тўлдириш принципларига монанддир. Владимир Ильич бу масалани партия қурилишида туб масала деб ҳисоблаб, партиянинг кучи ва жанговарлик қобилияти кўп жиҳатдан унинг сонига қараганда, коммунистларнинг юксак фазилатлари, уларнинг ғоявийлиги, уюшқоқлиги ва интизоми билан белгиланишини қайта-қайта уқтирган эди. В. И. Ленин кандидатлик стажининг аҳамияти, партияга кирувчилар социал составининг аҳамияти ҳақида, унинг аъзоларини конкрет ишларда синаш, уларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш ҳақида гапирган эди. У партия сафлари бирлигига, партия аъзоларининг коммунизм идеалларига садоқатига ғоят катта аҳамият бериб, оппортунистларга қарши қатъий кураш олиб боришга, нопок, виждонсиз кишилардан холи бўлишга даъват этган эди.

КПСС XXVII съезди тасдиқлаган партия Уставида коммунистларнинг Устав вазифаларини бажариш учун масъулияти ҳақида гап борадиган параграфлар анча тўлдирилган. Масалан, ножўя иш қилган коммунист бунинг учун аввало бошланғич партия ташкилоти олдида жавоб беради. Партия аъзосига жазо берилганидан кейин бир йилдан кечиктирилмай

партия ташкилоти унинг йўл қўйган камчиликларини қандай бартараф этаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботини тинглайди. Уставда кўрсатиладики, коммунист совет қонунларини бузган тақдирда икки томонлама — давлат олдида ва партия олдида жавобгар бўлади.

Партияга мансублик ҳеч қандай имтиёзлар бермайди, балки мамлакатда қилинаётган ҳамма ишлар учун, коммунистик қурилиш тақдири учун янада юксакроқ масъулият юклайди. Ҳар бир коммунист меҳнат ва хулқ-атворда, ижтимоий ва шахсий ҳаётда ўрнак бўлиши шарт. Партиянинг омма билан алоқаларининг мустаҳкамлиги, унинг халқ орасидаги обрўси кўп жиҳатдан коммунистларнинг авангардлик роли қанчалик тўла намоён бўлишига боғлиқдир. КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида бундай деб таъкидланади: **«Коммунистнинг авангардлик роли умумий гап эмас, бу нарса амалий ишларда ифодаланади».**

Съездга Сиёсий докладнинг «Партия» бўлими бошидан охиригача партия сафларининг сифати тўғрисидаги, ҳар бир коммунист ўз номига муносиб бўлиши ҳақидаги ғамхўрлик туйғуси билан суғорилган. Бу бўлимнинг «Партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун, кадрлар масаласида принципиал сиёсат учун» деб аталувчи иккинчи боби коммунистлар ташаббускорлиги ва масъулиятини ошириш вазифасига бағишланган. Уларга нисбатан қўйиладиган энг асосий талаб — сўз билан иш бирлигига риоя қилишдир. «Айтилган сўз билан қилинган иш ўртасидаги ҳар қандай тафовут, — дейилади докладда, — энг муҳим нарсага — партия сиёсатининг обрўсига путур етказади — бинобарин бу билан сира ҳам муроса қилиб бўлмайди».

Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгач, В. И. Ленин янги шароитдаги партия қурилишининг энг муҳим йўналишларини ҳар томонлама асослаб берди. Партиямизнинг асосчиси бу масалаларни ишлаб чиқар экан, меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотларига партиявий таъсир формалари ва методларига, улар орқали партия йўлини ўтказишга, хўжалик қурилишига сиёсий методлар билан партиявий раҳбарлик қилишга катта аҳамият берди. У коммунистлар «халқнинг сиёсий раҳбарлари» (ТАТ, 36-том, 190-бет) сифатида иш юритишлари кераклигини кўрсатди. Шу билан бирга совет жамиятида «коммунистик партия сиёсатининг раҳбарлик қилиши очиқ-ойдин эътироф қилинмоғи лозим» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 451-бет). Партия социалистик жамият қурилишида раҳбар ва раҳнамо куч эканлиги ҳақидаги Ленин фикри VIII Бутун Россия партия конференциясида (1919 йил декабрь) қабул қилинган партия Уставида ўз аксини топган эди.

Ўша пайтдан бери жамиятимиз ҳаётида КПССнинг раҳбарлик роли муттасил ошиб борди. Коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга партиянинг таъсири бундан буён ҳам кучайиб бораверади, бу эса объектив қонуният, синфсиз жамият қуришнинг энг муҳим шартидир. Шу сабабли партиянинг сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти савиясига тобора юксак талаблар қўйилмоқда. КПСС XXVII съезди буни алоҳида куч билан намойиш қилди. Съезд тасдиқлаган барча ҳужжатлар, шу жумладан ўзгартишлар киритилган партия Устави ҳам ҳар бир коммунист, барча меҳнаткашлар эътиборини ишга масъулият билан муносабатда бўлишга, бугунги кенг кўламли вазифаларни ҳал этишда ташаббускорлик ва ижодкорлик кўрсатишга қаратади. Съезд материалларида шу нарса таъкидланадики, КПСС жамиятга сиёсий раҳбарликни амалга ошириб, бундан буён ҳам ўз фаолиятини синалган ленинча принципларга мувофиқ олиб боради, партиявий ишда, давлат ва хўжаликни бошқаришнинг барча соҳаларида ленинча услубни қарор топтиради, ўз сиёсатининг илмий асосланишини оширади. КПСС, унинг Марказий Комитети партия, давлат ва жамоат органлари функцияларининг ўзига хос жиҳатларини пухта ҳисобга олиш, сиёсий раҳбарлик органлари бўлган партия комитетларининг ролини ошириш зарур деб ҳисоблайдилар.

КПСС МҚ 1986 йил июнь Пленумида съезд партия комитетлари эътиборини раҳбарликнинг сиёсий методларини ўзлаштиришга қаратганлиги яна бир бор таъкидланди. КПСС Уставининг «Партия ва давлат, жамоат ташкилотлари» деган янги бўлими шу мақсадга хизмат қилади. Унда айтиладики, Коммунистик партия СССР Конституцияси доирасида иш олиб бориб, давлат ва жамоат ташкилотларига сиёсий раҳбарликни амалга оширади, уларнинг фаолиятини йўналтириб ва мувофиқлаштириб туради, бу ташкилотлар конституцион ваколатларини, Уставда белгиланган ҳуқуқ ва вазифаларини тўла-тўкис амалга оширишларига, бошқаришга, сиёсий, хўжалик ва социал масалаларни ҳал этишга меҳнаткашларни кенг жалб этишларига эришадилар. Партия ташкилотлари совет, касаба союз, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари ўрнини босмайдилар, партия органлари ва бошқа органларнинг функциялари аралаштириб юборилишига йўл қўймайдилар.

Кейинги параграфларда гап сайлаб қўйиладиган давлат ва жамоат ташкилотларидаги партия группаларининг иши ҳақида боради. Бундай группалар камида уч коммунист бўлган тақдирда ташкил этилади. Бу группаларнинг вазифаси — партия ташкилотларидан бошқа тегишли ташкилотларда партия сиёсатини ўтказишдан, ана шу ташкилотлардаги ишнинг аҳволига коммунистлар таъсирини кучайтиришдан, улар фаолиятида демократик нормаларни ривожлантиришдан, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашдан, бюрократизмга қарши кураш олиб боришдан, партия ва совет директиваларининг бажарилишини текширишдан иборатдир.

Партия Уставига киритилган бу ўзгартиришлар КПСС совет жамияти сиёсий системасининг ишини такомиллаштиришга жуда катта аҳамият бераётганлигини исботлайди. Бу система бўғинларининг ҳар бири ўз вазифаларини тўла-тўкис бажаришлари, уларнинг фаолиятига партиявий раҳбарлик эса аниқ ифодаланган сиёсий характерга эга бўлиши лозим.

Партия ўзининг бутун тарихи мобайнида демократик централизм принципини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келди. Бу ғамхўрлик натижаси КПСС XXVII съездида тасдиқланган партия Уставининг 19-параграфига киритилган қўшимчада ўз аксини топди. Илгари унда демократик централизм ташкилий тузилишнинг раҳбар принципи эканлиги ҳақида гапирилган бўлса, энди бунга: «партия ҳаёти ва фаолиятининг» деган сўзлар қўшилди. Параграфга «д» банди қўшилиб, унда демократик централизмнинг маъноси «партиянинг барча ташкилотлари ва раҳбар органлари ишида коллективчилик ҳамда ҳар бир коммунистнинг ўз вазифалари ва партиявий топшириқларни бажариши учун шахсан масъулияти» таъминланишини билдиради, дейилган.

Юқоридаги баёндан демократик централизм принципи нақадар бойитилганлиги ва кенгайтирилганлиги кўриниб турибди. Бу принцип партия структурасигагина эмас, балки унинг бутун кўп қиррали ҳаётига, унинг ҳар бир бўғинига сингиб кетгандир.

КПСС Уставининг 26-параграфида айтиладики, партия ички демократияси асосидагина коммунистларнинг юксак ижодий активлигини, очиқ танқид ва ўз-ўзини танқидни таъминлаш мумкин. 27-параграф эса, коллектив раҳбарлик ўзбошимчалик билан субъектив қарорлар қабул қилинишига, шахсга сиғиниш кўринишларига, партия турмуши ленинча нормаларини бузишга йўл қўймайдиган мустаҳкам гарантиядир, деган қоида билан тўлдирилди. Айни вақтда коллектив раҳбарлик топширилган иш учун шахсий жавобгарликни, ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир ходим фаолиятини доимо контрол қилиб туришни тақозо этади.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланадики, коллектив раҳбарлик принципига қатъий риоя қилиш ва уни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришгина партия ташкилотларининг хатолари ва

нуқсонлари йўлига ғов солиши мумкин. Камчиликлар тўғрисида лом-мим демаслик, лаганбардорлик, «мартабаси улуғ кишиларни» беҳад мақташ оқибатида Ўзбекистоннинг экономикаси ва социал соҳасидаги салбий ҳодисалар рўй берди.

Партия бундай фактлардан қуйидаги қатъий хулосани чиқариб олди: контролдан холи, танқид қилиб бўлмайдиган ташкилотлар йўқ ва бўлиши мумкин эмас, партиявий жавобгарликдан холи қилиб қўйиладиган раҳбарлар йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Шу муносабат билан айтиш керакки, КПСС Устави маҳаллий партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбар органлари зиммасига бошқа вазифалар қаторида юқори партия органига мунтазам равишда ахборот бериб туриш ва ўз иши ҳақида уларга ҳисобот бериш вазифасини юклайди. Бундан ташқари 56-параграфда айтилганидек, парткомлар, партия бюролари, бошланғич, цех партия ташкилотларининг секретарлари ўз ишлари ҳақида партия йиғилишларида коммунистларга мунтазам равишда ахборот бериб борадилар.

КПСС партия йиғилишлари, пленумлар, конференциялар ва съездлар, партия комитетлари ва бюроларининг коллектив раҳбарлик органлари сифатидаги ролини ошириш, партияда унинг сиёсати ва амалий фаолиятига оид масалаларни эркин ва ишчанлик вазиятида муҳокама қилиш учун қулай шароитларни таъминлаш зарур деб ҳисоблайди. Айни вақтда КПСС партия интизомини мустаҳкамлашга муттасил эътибор бериб келмоқда.

Маълумки, партиянинг негизи — унинг бошланғич ташкилотларидир. Улар меҳнат коллективларининг сиёсий ўзаги бўлиб, бевосита меҳнаткашлар орасида иш олиб борадилар, уларни партия теварагида жипслаштирадилар, коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга уюштирадилар.

Уставга киритилган қўшимчаларга биноан бошланғич партия ташкилоти меҳнаткашларни коммунизм ғояларига садоқат, совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялайди, уларга юксак сиёсий маданиятни ҳосил қилишда кўмаклашади, уларнинг социал активлиги ва масъулиятини оширади, корхона, муассасани бошқаришда меҳнат коллективи ролининг ошиб боришини таъминлайди, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари ишини йўналтириб туради. Бир қатор ташкилий характердаги ўзгартиришлар партия қуйи бўғинлари структурасини такомиллаштиришга қаратилгандир. КПСС Уставида бошланғич партия ташкилотларида ишлаб чиқариш фаолиятининг айрим йўналишлари бўйича маъмурият фаолиятини ва аппарат ишини контрол қилиш ҳуқуқини амалга ошириш бўйича комиссиялар тузиш мумкин, деган қоида бор.

Буларнинг ҳаммаси жамиятимиздаги қайта қуришга ёрдам бериши керак. КПСС МК 1986 йил июнь Пленумида таъкидланганидек, биз астойдил қилишимиз керак бўлган иш — бошланғич партия ташкилотлари мустақиллигини, ташаббускорлигини, ҳужумкорлигини, коммунистларнинг ташаббускорлиги ва активлигини ривожлантиришдан иборатдир.

Шу тарзда, КПСС Уставига киритилган ўзгартиришлар, бир томондан, ленинча ташкилий принциплар мужассамидан далолат берса, иккинчи томонидан, партия ўз фаолиятига етилган талабларга мувофиқ тарзда новаторларча ижодий ёндашаётганлигини акс эттиради. Бу ўзгартиришлар партиянинг ғоявий ва ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланишини, унинг барча бўғинларидаги ишлар савиясини оширишга ва оқибат натижада давлатимизнинг бутун ижтимоий ҳаётига партиявий таъсирини кучайтириш учун шароит яратишга қаратилгандир. Шуни айтиш муҳимки, КПСС XXVII съезди партия Устави қоидаларига оғишмай риоя қилиш зарурлигини таъкидлади, бу талаб эса барча коммунистлар ўз мавқелари даражасида бўлишига ҳамиша кўмаклашиб келган ленинча анъаналар руҳига монанддир.

КПСС — МЕҲНАТКАШЛАР ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНИНГ ТАШКИЛОТЧИСИ

К. ЗАЙНУЛЛИН,
тарих фанлари кандидати

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА назария билан қуролланган Коммунистик партия Совет умумхалқ давлати ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма соҳаларига раҳбарлик қилади. Бунда социализмни такомиллаштириш, коммунизм сари олға бориш жараёнида партиянинг раҳбарлик роли қонуний равишда ўса боради. Буни нафақат ички омиллар, шу билан бирга халқаро майдонда ҳал этилаётган вазифаларнинг мураккаблиги, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, совет кишиларини ҳушёрлик, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга ҳар доим шай туриш руҳида тарбиялаш зарурлиги ҳам тақозо этади.

Партия XXVII съезди ҳужжатларида Совет давлати мудофаа қобилиятини ҳар томонлама такомиллаштиришга, қардош социалистик мамлакатлар армиялари жанговар ҳамдўстлигини мустаҳкамлашга катта эътибор берилган. «Коммунистик партиянинг ҳарбий қурилишга, Қуролли Кучларга раҳбарлиги — социалистик Ватан мудофаасини мустаҳкамлаш негизларининг негизидир,— дейилади янги таҳрирдаги КПСС Программасида.— Мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги соҳасидаги сиёсат, фақат мудофаа характерида бўлган ва ташқи ҳужумдан ҳимоя қилишга қаратилган совет ҳарбий назарияси партия раҳбарлигида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади... Ҳар бир коммунист, ҳар бир совет кишиси мамлакат мудофаа қобилиятини лозим даражада сақлаб туриш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилиши шарт. **Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш, Қуролли Кучлар сафларида хизмат қилиш — СССР гражданининг фахрли вазифаси ва муқаддас бурчидир».**

Коммунистик тарбиянинг ажралмас таркибий қисми бўлмиш ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини такомиллаштириш мамлакатнинг империалистик давлатларнинг эҳтимол бўлган тажовузига қарши зарба беришга тайёргарлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан биридир. У совет кишиларининг социалистик Ватанни қурол билан ҳимоя қилиш учун зарур бўладиган маънавий-сиёсий, психологик, ҳарбий ва жисмоний тайёргарлигини назарда тутади.

Меҳнаткашларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ўзининг иқтисодий, социал, сиёсий ва ғоявий-назарий негизларига эга. Ишлаб чиқариш воситаларига социалистик мулкчилик унинг иқтисодий негизини ташкил этади. Совет ҳокимияти йилларида бизнинг давлатимиз қудрати ниҳоятда ўсиб кетди. Партия томонидан ишлаб чиқилган мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини фан-техника тараққиёти негизида жадаллаштириш стратегияси ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини янада такомиллаштириш учун объектив шарт-шароитлар яратади.

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқи ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг социал негизидир. Армия билан халқ бирлиги совет жамияти монолитлигининг муҳим томонларидан бири бўлиб, Ватаннинг матонатли ҳимоячиларини шакллантиришнинг зарур шартидир.

КПСС сиёсати, совет давлат ва ижтимоий тузуми ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг сиёсий асосини ташкил этади. Совет умумхалқ давлати социализмни такомиллаштиришдаги асосий қуролдир. Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини таъминлаш — бу давлатнинг энг муҳим функцияларидир.

Партия ҳарбий-ватанпарварлик тарбия вазифаларини конкрет шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Унинг ҳарбий сиёсати мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашни, армия ва флотнинг социалистик Ватанни ишончли ҳимоя қилишга ва интернационал бурчни бажаришга тайёр туришини тақозо қилади. КПСС ҳарбий сиёсатининг назарий томони Совет давлати ва унинг иттифоқчиларининг хафвсизлигини ҳимоя қилиш учун ҳарбий воситалардан фойдаланишга бўлган асосий қарашлар мажмуидан иборат ҳарбий доктринада ифодаланади.

Марксча-ленинча идеология ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг ғоявий-назарий негизи бўлиб хизмат қилади. Айни шу идеология социалистик давлатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашнинг муҳимлигини, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишда халқ оммаси ва Коммунистик партиянинг ролини тушунишга ёрдам беради. КПСС коммунизм ғояларини халқ оммаси онгига изчиллик билан сингдириб бормоқда ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бутун системасига собитқадамлик билан раҳбарлик қилмоқда. Мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш вазифаларининг мураккаблашиши, империализм агрессивлигининг кучайиши, ҳозирги урушлар характерининг ўзгариши муносабати билан бу тарбиянинг аҳамияти ошиб бормоқда.

Коммунистик тарбиянинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясидаги раҳбарлик роли қонуний равишда ўсиб боради. Бу қатор муҳим объектив омиллар билан боғлиқдир:

биринчидан, АҚШ ва НАТОдаги бошқа мамлакатлар ҳукмрон доираларининг босқинчилик ва халқаро қароқчилик сиёсати туфайли ядро уруши хавфи ошиб бормоқда ва совет кишилари, аввало барча ёшларни Ватан ҳимоясига доимо шай туриш руҳида тарбиялаш биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Шу билан бир қаторда Совет давлати ва унинг Қуролли Кучларининг интернационал вазифалари ғоят кенгайиб ва мураккаблашиб кетди;

иккинчидан, ҳозирги замон уруши совет кишиларининг маънавий-сиёсий, психологик ва жисмоний фазилатларига, уларнинг ҳарбий-техник жиҳатдан тайёргарлигига қўядиган талаблар ошиб кетди. Бутун аҳолини ҳарбий билимларга ҳар томонлама, системали равишда ўқитиш зарурлиги ҳақидаги Ленин васияти ҳозирги кунда янада актуалроқ бўлиб қолди;

учинчидан, давлат органлари, комсомол, мудофаа ва бошқа жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш коллективлари, мактаб, оиланинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясидаги иштироки кенгайиб бормоқда. Уларнинг вазифаси — ёшларни ижтимоий-сиёсий фаолиятга кенг жалб этиш, уларни коммунистик идеалларга садоқат руҳида тарбиялаш, ўз мамлакати билан фахрланиш туйғусини, шахсий меҳнати билан унинг янада равнақ топишига ёрдам бериш иштиёқини ўстириш, СССР Қуролли Кучларига нисбатан муҳаббат уйғотиш, Ватан ҳимоясига шайликни мустаҳкамлашдан иборат.

Ўтган йилнинг 9 майида совет кишилари, бутун прогрессив инсоният совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40-йиллигини кенг ва тантанали равишда нишонладилар. КПСС Марказий Комитетининг ана шу муҳим сана муносабати билан қабул қилган қарорида Коммунистик

партия, совет халқи, унинг Қуролли Кучларининг шонли жанговар анъаналарини пропаганда қилишни кучайтириш, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ва оммавий-мудофаа ишларини фаоллаштириш, ҳарбий иш малакаларини эгаллаш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳотини амалга ошириш жараёнида ўқувчиларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини янада такомиллаштириш, уларни СССР Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилишга тайёрлаш юзасидан кўпгина ишларни бажариш керак бўлади. Бунда Совет Армиясига нисбатан муҳаббат уйғотиш, социалистик Ватанга мансублик учун юксак ифтихор туйғусини тарбиялаш, унинг ҳимоясига ҳар доим тайёр туришга ўргатиш муҳимдир.

КПСС МКнинг «Комсомолга партиявий раҳбарликни янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорида (1984 йил июль) партия ва комсомол комитетларига, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг сиёсий органлари, партия ва комсомол ташкилотларига, ДОСААФга ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, уларда социалистик Ватанни ҳимоя қилишдек фахрли бурчни бажариш учун масъулият ҳиссини уйғотиш таклиф қилинади. КПСС МҚ ёшларда ватанпарварлик ва Ватан душманларига нисбатан нафрат туйғуларини, юксак сиёсий, синфий ҳушёрликни, жасорат кўрсатишга ҳар доим шайликни изчиллик билан тарбиялаш, ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг ҳарбий-техникавий ўқишига, маънавий-сиёсий ва жисмоний жиҳатдан чиниқишларига кўпроқ эътибор беришни тавсия қилди.

КПСС Марказий Комитети «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида (1985 йил июнь) оммавий-мудофаа ишлари даражасини ошириш мақсадида СССР Маданият министрлиги, ВЦСПС, ВЛКСМ МҚ, СССР Физкультура ва спорт комитети, СССР Маориф министрлиги, СССР ДОСААФ МҚ, уруш ветеранлари Совет комитети Мудофаа министрлиги билан биргаликда шаҳарлар ва районларда ёш денгизчилар, учувчилар, парашютчилар, космонавтлар, десантчилар, чегарачилар клублари, мудофаа-спорт лагерларини кенг тарзда ташкил этишлари зарур деб ҳисоблади.

Партиянинг мамлакат мудофаа қобилиятини ошириш, халқни, айниқса ёшларни шундай зарурият юзага келгудай бўлса Ватанни ҳимоя қила олишга ўргатиш билан боғлиқ асосий сиёсий йўл-йўриқларини қонун йўли билан мустаҳкамлаш борасидаги иши ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида белгиловчи ўрин эгаллайди. 1977 йилги СССР Конституциясига биринчи марта махсус боб киритилиб, унда социалистик Ватанни ҳимоя қилиш давлатнинг энг муҳим функцияларидан бири, деб кўрсатилган. Мамлакатнинг Асосий Қонуни умумий ҳарбий мажбуриятни тасдиқлаб, армия ва флотнинг мақсадлари ҳамда асосий вазифаларини таърифлаб берган. 62- ва 63- моддаларда социалистик Ватанни ҳимоя қилиш — СССР ҳар бир гражданинининг муқаддас бурчи, СССР Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш эса — совет кишиларининг фахрий бурчи дейилган. Бу конституцион қоидалар ҳарбий-ватанпарварлик ишининг қонуний асосини ташкил этади.

«Умумий ҳарбий мажбурият ҳақида»ги СССР Қонуни муҳим давлат акти ҳисобланиб, унда ана шу мажбуриятнинг моҳияти очиб берилади ва ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш ҳамда уни ўташ тартиби белгилаб берилади. Унда Қуролли Кучларни комплектлаш ва уларга резервлар тайёрлаш принциплари тасдиқланган. Ана шу СССР Қонунига биноан корхоналар ва муассасалар, колхозлар ва ўқув юртлари раҳбарларининг хизматга чақирилишигача ва хизматга чақирилиш ёшида бўлган барча ёшларнинг ҳарбий хизматга тайёргарликни албатта ўтишлари учун масъулияти оширилган.

Партия ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ишининг муваффақияти унда маҳаллий партия органларининг актив иштирок этиши, идеология ишининг мазкур участкасига уларнинг бевосита раҳбарлик қилиши билан белгиланади, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Компартияси МК бюроси ана шунга асосланиб, 1985 йилнинг декабрида Ўзбекистон ССР ДОСААФ ташкилотлари фаолиятининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорда республикадаги партия ва совет органларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, министрликлар ва идораларга оммавий-мудофаа ишлари даражасини оширишга, аҳолини, айниқса ёшларни социалистик Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлашни такомиллаштиришга қаратилган конкрет чора-тадбирларни ташкил этиш таклиф қилинади. Ҳарбий иш асосларини ўқитишга, ҳарбий-техникавий ихтисосларга ўргатишга, ГТО спорт комплекси нормаларини топширишга, ёш йигитларни СССР Қуролли Кучларидаги хизматга ҳар томонлама тайёрлашга талабни кучайтириш тавсия қилинган.

Пролетар революциясининг объектив қонунияти, янги жамият қуришнинг зарурий шарти бўлмиш социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ленинча таълимот КПСС ҳарбий-ватанпарварлик ишининг илмий негизини ташкил этади. В. И. Ленин империалистларнинг эҳтимол бўлган агрессиясини қайтаришга совет кишиларини доимо шай тутиш зарурлигига, Совет давлатининг ҳарбий мудофаа қудратини мустаҳкамлашга катта аҳамият берар эди. «... Биз сулҳга қаратилган ишлар олиб боришимиз билан бирга, — деб кўрсатган эди В. И. Ленин, — ... бутун ҳарбий тайёргарлигимизни кучайтиришимиз лозим» (Тўла асарлар тўплами, 40-том, 286-бет).

Бинобарин, тинч пайтда социалистик Ватанни ҳимоя қилиш — бу давлатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва мамлакатни эҳтимол бўлган агрессияни қайтаришга ҳар томонлама тайёрлаш, империалистлар ва улар малайларининг ҳарбий ёки бошқа воситалар билан социализм позицияларига путур етказиш, контрреволюцияни экспорт қилиш учун қиладиган уринишларига барҳам бериш, шунингдек тинчлик учун, урушларнинг олдини олиш учун актив, изчил курашиш демакдир. Империалистик агрессия бошланган тақдирда эса Ватан ҳимояси қуролли кураш формасини эгаллаб, бу кураш жараёнида фронт ва фронт ичкариси кучлари бирлашиб, мамлакатнинг (ва социалистик давлатлар иттифоқининг) барча ҳарбий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий кучлари душманни батамом тор-мор қилишга сафарбар қилинади.

Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ленинча ғоялар интернационал характерга эга. Улар Варшава Шартномасида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг Конституцияларида ўз аксини топган. Масалан, Болгария Халқ Республикаси Конституциясининг 3-моддасида давлат халқнинг манфаатлари ва социалистик ғалабаларни ҳимоя қилиш билан, мамлакатнинг миллий мустақиллиги, давлат суверенитети ва территориал бутунлигини ҳимоя этишни ташкил қилиш билан унга хизмат қилади, деб ёзиб қўйилган.

КПССнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси соҳасидаги асосий ғоявий-назарий кўрсатмалари ана шулардан иборат. Партия XXVII съезди қарорларида, КПСС МК Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев нутқларида Коммунистик партия ва Совет давлатининг тинчликни сақлаб қолиш, ядро уруши хавфини бартараф қилиш учун ҳамма нарсани қилаётганлиги ва бундан кейин ҳам қилавериши таъкидланади. Бу олижаноб мақсадларга эришиш совет кишиларидан ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, айниқса оммавий-мудофаа ишлари соҳасида зўр ғайрат-шижоат ва собитқадамлик билан меҳнат қилишни талаб этади.

Партия даъватига кўра ҳар қандай дақиқада Ватан ҳимоясига отланишга ҳамиша шай туриш совет кишисининг асосий фазилатларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Ҳозирги халқаро вазиятда бундай фазилат алоҳида аҳамият касб этади. Бу вазиятга баҳо беришда биринчи навбатда Америка империализми томонидан келаётган ҳарбий хавф-хатарнинг реаллигини ҳисобга олиш лозим. АҚШнинг бундан кейин стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги Совет-Америка битимларига риоя қилишдан амалда воз кечганлиги эса Вашингтоннинг халқаро кескинликни ошириш йўлида янги хавфли қадам ташлаганлигини англатади. Умуман олганда АҚШ ва унга эргашиб бораётган бошқа империалистик давлатларнинг бугунги йўли ҳарбий-саноат комплекси манфаатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган бўлиб, Совет Иттифоқини иқтисодий жиҳатдан ҳолдан тойдиришга, ҳарбий-стратегик мувозанатни бузиш ва АҚШ ҳамда НАТОнинг СССР ва Варшава Шартномаси ташкилоти устидан ҳарбий устунликка эришишга қаратилгандир. Империализм бундай стратегия ёрдамида социал реванш қилишга, социализмни тор-мор қилишга ва дунёга ҳукмрон бўлишга умид боғламоқда.

Бу мақсаднинг амалга ошмаслиги шубҳасиз. Лекин империалистик реакциянинг унга эришиш йўлидаги уринишлари ғоят хавфлидир. Бироқ дунёдаги ҳарбий-сиёсий вазиятни жудаям мушкул қилиб кўрсатмаган ҳолда буни эсда тутиш ва тўғри хулосалар чиқариш зарур. Бинобарин, беғамлик ва хотиржамликка ўрин бўлмаслиги лозим. Ҳушёр бўлиш, юқорида қайд қилинганидек, мамлакатимиз ва армиямизнинг мудофаа қобилиятини асраш тўғрисидаги ленинча талаб ҳар бир совет кишиси учун қатъий талаб бўлиб қолиши керак.

КПСС XXVII съездига тайёргарлик ҳарбий-ватанпарварлик ишига янгича туртки берди. Масалан, Ўзбекистонда меҳнат коллективларида, ўқув юртларида лекция пропагандаси кенг авж олдирилиб, Ленин ўқишлари ва ижтимоий-сиёсий ўқишлар, тематик кечалар, жанговар шон-шуҳрат кечалари, уруш ва меҳнат ветеранлари, Қуролли Кучлар жангчилари билан учрашувлар ўтказилди. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 68 йиллигига бағишланган оммавий-мудофаа ишлари Бутуниттифоқ ойлиги муносабати билан ҳамма жойда ҳарбий-ватанпарварлик фильмлари кинофестиваллари, ҳарбий хизматга чақириладиган ёшлар слётлари, спортнинг ҳарбий-техника ва амалий турлари бўйича мусобақалар, авто-мотопойгалар, революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати жойларига ҳарбийлаштирилган походлар ўтказилди. Бу тадбирларнинг ҳаммасида комсомол, касаба союз ва мудофаа ташкилотлари, «Билим» жамияти ва Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий қисмлари фаол қатнашдилар.

Республикамизда «Агитперелёт» ва «Комсомолец Узбекистана» агитпоезди қатнашчиларининг чиқишлари ҳаммага манзур бўлмоқда. Улар составида партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, шунингдек ёзувчилар, шоирлар, кино арбоблари, комсомол ходимлари бор. Улуғ Ватан уруши ветеранлари истеъфодаги генерал-майор В. И. Ульянов ва истеъфодаги майор, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Эшонқуловлар ана шундай сафарларнинг бирига таклиф қилиндилар. Улар агитколлективдаги бошқа ўртоқлар билан бирга Бухоро, Когон, Қарши, Самарқанд ва республиканинг бошқа шаҳарларида бўлишиб, саноат корхоналари, зарбдор комсомол қурилишларининг ёш ишчилари, қишлоқ хўжалик меҳнатчилари, ҳарбий хизматга чақириладиган ёшлар, мактаблар ҳамда ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, олий ўқув юртлари студентлари билан учрашдилар. В. И. Ульянов билан А. Эшонқулов совет жангчиларининг Улуғ Ватан уруши фронтларидаги қаҳрамонликлари тўғрисидаги хотираларини сўзлаб бердилар, улар ёшларни КПССнинг ҳарбий иш малакаларини эгаллаш, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга ҳар доим тайёр туриш тўғрисидаги талабларини бажаришга чақирдилар.

КПСС XXVII съездининг юксак талаблари, партия бошқа ҳужжатлари асосида ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ишини қайта қураётган ДОСААФ комитетлари, «Билим» жамияти, уруш ветеранлари ташкилотла-

ри, ҳарбий комиссариатлар, Граждан мудофааси штаблари бу борада кўп иш қилмоқдалар. Бу муҳим ишда Коммунистик партия, совет халқи ва унинг Қуролли Кучларининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини пропаганда қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Маълумки, анъаналар — совет кишилари юксак маънавий руҳининг қудратли манбаидир. В. И. Ленин партиянинг айни шу революцион анъаналарини меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг зўр воситаси деб билар эди. Авлодларнинг маънавий давомийлиги, меҳнаткаш ёшларга синалган курашчилар тажрибаси кераклиги ҳақидаги фикр ҳам В. И. Ленинга мансубдир. Владимир Ильич «Рус революциясига баҳо бериш тўғрисида» деган мақоласида шундай ёзган эди: «...курашнинг... намуналари курашчиларнинг янги авлодини тарбиялаб етиштиришда маяк бўлиши лозим...» (ТАТ, 17-том, 54-бет).

ДОСААФ ташкилотлари Совет Қуролли Кучларининг ишончли ёрдамчиси ва резерви бўлиб қолдилар. Ҳозирги пайтда армия ва флотга хизматга чақирилаётганларнинг кўпчилик қисми бу ташкилотларда ҳарбий-техникавий билим асосларини эгаллашади. Ундан ташқари, ҳарбий-амалий аҳамиятга эга бўлган оммавий касблар бўйича кадрлар — шофёрлар, тракторчилар, мотоциклчилар, моторчилар, радистлар, телеграфчилар, ғаввослар ва бошқалар ҳам шу ерда тайёрланади. Шу тариқа ДОСААФ халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишга ва СССР Қуролли Кучлари учун тайёргарлик кўрган резервни тўплашга катта ҳисса қўшмоқда.

Бизнинг республикамизда кўпгина ДОСААФ ташкилотлари самарали иш олиб боришмоқда. Уйчи район ва Бухоро шаҳар ташкилотлари, Фарғонадаги намунали радиотехника мактаби, Андижондаги намунали бирлашган-техника мактаби, Самарқанддаги намунали автомобиль мактаби, Тошкентдаги денгизчилар мактаби шулар жумласидандир.

В. И. Ленин номли Тошкент электрон техника заводидаги ДОСААФ ташкилоти Ўзбекистон пойтахтидаги энг яхши ташкилотлардан бири. Унга коммунист, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, истеъфодаги полковник С. Н. Медуница раҳбарлик қилади. Унинг ғайрат-шижоат кўрсатиши туфайли заводда ёшларнинг уруш қатнашчилари, В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлар тайёрлаш билим юртининг курсантлари, Тошкент гарнизони қисмларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари билан учрашувлари мунтазам равишда ўтказиб турилади. Уруш ветеранлари С. Қ. Блинов, Ч. П. Малов, Р. Қ. Рубан, Г. С. Симоненко, М. П. Гниломедова, М. Г. Қожуб, И. А. Горюнковлар ёшларни қаҳрамонлик-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича тадбирларни амалга оширишда завод партия ташкилотининг актив ёрдамчиларидир.

Бу корхона парткоми ёшларни Совет Армияси хизматига тайёрлаш борасида алоҳида ғамхўрлик қилади. Ҳар йили заводдан қирқдан зиёд ёш йигит ўзларининг фахрли бурчларини бажариш учун Қуролли Кучлар сафларига чақирилади. Улар ҳали ҳарбий хизматга чақирилмасиданоқ қуроллар, ҳарбий техника билан танишиб, граждан мудофааси асослари ва оммавий қирғин қуролидан ҳимояланиш малакаларини эгаллайдилар, топографияни ўрганишади, улар билан сафда юриш ва тактика машғулотлари ўтказилади.

Завод парткоми ҳарбий хазматга чақирилувчи ёшлар билан машғулотларнинг юқори савияда ўтказилишини диққат билан кузатиб боради. У шу мақсадда ўқув пунктига амалий ёрдам кўрсатиб, шунингдек бошланғич ҳарбий тайёргарлик аҳволини мунтазам муҳокама қилиб туради. Бўлғуси аскарлар билан бу тариқа иш олиб бориш тажрибаси диққат-эътиборга сазовор. У ёшларни армия ва флот хизматига самарали тайёрлаш уларнинг ҳарбий ишни тез ва пухта эгаллаб олишларига ёрдам беришини кўрсатади.

Уруш ветеранлари Совет комитетининг истеъфодаги полковник, Совет

Иттифоқи Қаҳрамони Б. Х. Эргашев бошчилик қиладиган Тошкент секцияси пропагандистлари меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Бу ерда 56 кишидан иборат лекторлар группаси ташкил этилган. Унинг составида, масалан, истеъфодаги авиация генерал-полковниги, Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. Ф. Шевелев, истеъфодаги генерал-майорлар В. Е. Сохацкий, В. И. Ульянов, истеъфодаги полковниклар Н. В. Карпов, А. М. Мамажонов, истеъфодаги подполковниклар М. С. Парфентьев, У. П. Тоиров истеъфодаги офицерлар, профессор В. Ш. Багдасаров, С. Н. Аҳмедов, Т. Д. Жўраев, Х. Г. Саримсоқов ва бошқалар бор. Улар бўлғуси жангчи университетларида, чақирув пунктларида, меҳнат коллективларида, ўқув юртларида мунтазам равишда лекциялар, докладлар билан чиқиб туришади.

Мамлакат мудофаасига маънавий-сиёсий ва психологик жиҳатдан тайёрлаш ҳарбий-ватанпарварлик ишининг ўзагини ташкил этади. Шу сабабли партия меҳнаткашлар, биринчи навбатда ёшлар онгида совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм туйғусини, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотига меҳр-муҳаббатни қарор топтиришга, ҳар бир кишининг социалистик Ватанни ҳимоя қилиш, Қуролли Кучлар сафларида хизмат қилиш — бу СССР гражданинининг фахрий мажбурияти ва муқаддас бурчи эканлигини чуқур тушунишига жуда катта эътибор бериб келади. Ёшларнинг ҳарбий қисмлар, ҳарбий ўқув юртлари шахсий составининг ҳаёти ва турмуши билан танишишлари, шунингдек жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари, Афғонистон Демократик Республикасидаги чекланган совет қўшинлари контингенти составида интернационал бурчини бажаришда ибрат кўрсатган жангчилар билан учрашувлари ана шу фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради.

Совет Қуролли Кучлари — социалистик Ватаннинг ишончли қалқонидир. Улар мамлакат тинчлиги ва хавфсизлигини ҳушёрлик билан қўриқлаб турибдилар. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, бизнинг армия ва флотимиз фан-техника тараққиёти ютуқларига мувофиқ равишда юксалиб бормоқда ва аъло даражали қурол ва жанговар техника билан қуролланган, улар лозим даражада тутиб турилибди ва қайси томондан келишидан қатъи назар ҳар қандай агрессияга қақшатқич зарба беришга тайёр.

Шу билан бирга Совет Қуролли Кучлари ёшларни ватанпарварлик, интернационал руҳда тарбиялашнинг чинакам мактабидир. Армия ва флотдаги хизматни умумхалқ университети дейишлари бежиз эмас, мамлакат эркак аҳолисининг мутлақ кўпчилиги ана шу университетдан ўтадилар.

Меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни КПСС XXVII съезди талабларига мувофиқ равишда янада яхшилаш — партия органлари, совет, комсомол, мудофаа ташкилотларининг олижаноб ишидир.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК — МАМЛАКАТ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ТУБ БУРИЛИШ БЕШ ЙИЛЛИГИ

МЕТОДИК МАСЛАҲАТЛАР

Мамлакатимизда кечаётган қайта қуриш жараёни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олди. КПСС XXVII съезди совет халқи олдига қўйган чуқур асосланган, чинакам революцион вазифаларни социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш негизида жамиятимизнинг янги сифат ҳолатига эришишга интилиш тақозо этади.

КПСС МК 1986 йил июнь Пленуми партиянинг ана шу стратегик йўлини турмушда амалга ошириш позициясидан туриб 1986—1990 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани лойиҳасини кўриб чиқди ва маъқуллади. Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг июнда бўлиб ўтган бешинчи сессиясида унинг лойиҳаси тасдиқланиши билан беш йиллик план қонунга айланди. Партиянинг стратегик йўл-йўриқларини рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи босқич бошланди. Янги беш йиллик мамлакатнинг ривожланишида кескин бурилиш беш йиллиги бўлади.

Темани ўрганиш жараёнида 1986 йилга ва ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган план топшириқлари қандай бажарилаётганлигини, ҳар бир иш жойининг, ҳар бир меҳнат коллективининг имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш йўлларини фаол муҳокама қилиб чиқиш муҳимдир. Тингловчиларнинг фикрлари ва таклифларига алоҳида эътибор бериш, уларнинг партия планларини амалга оширишга ўз шахсий ҳиссаларини кўпайтиришга, ўз ишларини қайта қуришга интилишларини қувватлаш лозим.

Машғулотнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. **Съезддан кейинги ишнинг дастлабки якунлари ва сабоқлари.**
2. **Ўн иккинчи беш йиллик планининг хусусиятлари. Иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари.**
3. **1986—1990 йилларда Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлантириш.**
4. **Янги талабларга мувофиқ халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш.**

СЪЕЗДДАН КЕЙИНГИ ИШНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ ВА САБОҚЛАРИ

Асосий якун шундан иборатки, деб таъкидлайди пропагандист, КПСС XXVII съездидан кейин бизнинг жамиятимиз жўшқин ҳаракатга келди: съезд ижтимоий ҳаётга янги қувват бахш этди, омманинг сиёсий ўз-ўзини англашининг юксалишига олиб келди. Совет кишилари сиёсат, экономика, маданият масалаларига жиддий қизиқадиган бўлиб қолдилар. Меҳнаткашлар партиянинг новаторлик ташаббусларини қизғин қувватладилар, унинг қатъият ва талабчанлигини, ҳақгўйлигини маъқулламоқдалар, белгиланган туб ўзгартишларни фаол қўллаб-қувватламоқдалар ҳамда қайта қуриш ҳамма ерда ишчанлик билан бориши учун қатъий курашмоқдалар.

Омма меҳнат ва сиёсий активлигининг кучайиши экономикадаги аҳволга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Аммо реал ижтимоий ва хўжалик ҳаётини билиш қийин, у мураккаб ва зиддиятлидир. Бу ҳаётда ижобий тенденциялар билан бир қаторда тўғаноқ солувчи омиллар ҳам амал қилишда давом этди. Партия ўзгаришларни тийраклик билан доимо назорат қилиб боради, йўлда учрайдиган

тўсиқларга тўғри баҳо бериш учун, уларни бартараф этишнинг энг яхши йўллари ва воситаларини ўз вактида топиш учун ўз режа-ниятларини ҳаёт жараёни билан киёслаб туради.

Пропагандист тингловчиларга шуни тушунтирадики, йиллар давомида тўпланиб келган муаммоларни бир неча ой ичида ҳал қилиш мумкин деб ўйлаш соддалик бўлур эди. Аммо ҳозирги кунда қайта қуриш жараёнида юзага келаётган янги, илғор ташаббусларни пайқамасдан бўлмайди. Ҳар бир ижобий одим, эскириб кетган яна бир кўникмани бартараф этиш — бу прогрессив нарсанинг ёшини яшаб бўлган нарса устидан ғалабасидир. Бундай ғалабаларни эса олқишламоқ, қувватламоқ, умумнинг бойлигига айлантирмоқ лозим. Қўлга киритилган ютуқларга баҳо бериш мезонлари — қайта қуришнинг конкрет ижобий натижаларидир. Меҳнат коллективлари, партия, совет ва хўжалик кадрларининг фаолиятига фақат ана шундай нуқтаи назардан баҳо бериш лозим.

Бошланган ишнинг самаралари ҳаммавақт ҳам шундоққина кўзга ташланиб турмайди, албатта. Бу тушунарли, чунки экономикада иш билан олинадиган самара ўртасида муайян фурсат ўтади. Аммо ҳозирдаёқ натижалар бор ва улар муҳим натижалардир. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида саноат ишлаб чиқариши плани, меҳнат унумдорлигини ўстириш, фойда, таннархни пасайтириш бўйича топшириқлар ошириб бажарилди. Машинасозлик комплекси жадал тарзда ривожланмоқда. Капитал қурилишнинг, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришнинг суръатлари тезлашди. Агросаноат комплекси ишида прогрессив ўзгаришлар бўлаётганлиги сезилиб турибди. Кейинги йилларда анча орқада қолган тармоқларда ишнинг яхшиланиши томон бурилиш бўлаётганлиги кўзга ташланмоқда.

Бироқ муваффақиятларга маҳлиё бўлиш, деб таъкидлайди пропагандист, беғамлик ва хом хаёллар исканжасига тушиб қолиш демакдир. Афсуски, қайта қуриш ҳозирча суст бормоқда. Биз унинг бошланиши палласида турибмиз, бирон нарсани бошлаш эса ҳамиша ҳам жуда қийин бўлади. Ана шу боисдан ҳам пассивлик ва лоқайдликни бартараф этишга, ташаббус ва ижодкорликка кенг майдон очиб беришга ҳамма ерда ҳам муваффақ бўлганимизча йўқ.

КПСС МК 1986 йил июнь Пленумида ғоят равшан қилиб мана бундай дейилган эди: Марказий Комитет жамиятимиздаги барча соғлом ташаббусларни қувватлаш йўлини қатъият билан ўтказаверади ҳамда қайта қуришга тўғаноқ солувчи ҳамма тўсиқларга қарши худди шундай қатъият билан курашаверади. Меҳнат коллективлари амалий масалаларни ҳал этишда катта масъулиятни ўз зиммаларига олишлари керак. Бошқарув органлари эса уларга муваффақиятли ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти учун зарур шароит яратиб беришлари шарт.

Совет кишилари ҳал қилишга киришган проблемаларнинг микёслари сўзнинг том маъносида мислсиз эканлигига тингловчиларнинг диққатини қаратмоқ мақсадга мувофиқдир. Биринчи навбатда эса бизнинг социалистик хўжалик юритишимизни янги даражага кўтармоқ лозим бўлади. Жуда қисқа муддатларда юксак самарали иқтисодий ўсишга эришиш лозим бўлади. Халқ хўжалигини ривожлантиришда бундай туб бурилиш ясамасдан туриб, уни интенсивлаш изига қатъият билан ўтказмасдан туриб эндиликда совет кишиларининг фаровонлигини оғишмай кўтариб бориш, мамлакатнинг иқтисодий потенциалини мустаҳкамлаш ва мудофаа қувватини лозим даражада тутиб туриш вазифаларини бир вақтнинг ўзида ҳал қилишнинг сира иложи йўқ.

Пропагандист теманинг ушбу мавзуини тугатар экан, уқтирадики, партиямиз экономикада етилган ўзгаришларга қандай қилиб эришиш кераклиги борасида аниқ планга эга. Ишлаб чиқаришни шиддат билан илмий-техникавий жиҳатдан янгилаш, меҳнат унумдорлигини, маҳсулотнинг ва жами ишнинг сифатини тубдан кўтариш — мазкур планнинг негизини ташкил этади. Ўн иккинчи беш йиллик бу планни амалга оширишда алоҳида ўрин тутади ва иқтисодий ривожланишнинг суръатлари, халқ фаровонлигини ошириш халқ хўжалигида туб ўзгартишларни рўёбга чиқариш учун бу беш йиллик қандай пойдевор устига қўйилишига боғлиқдир.

ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Баённи шундан бошлаш маъқулки, ўн иккинчи беш йиллик план КПСС XXVII съезди қарорларига батамом мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган. Бу планда партия Марказий Комитетининг съездга Сиёсий докладида, съезд тасдиқлаган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилга-

ча бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида берилган йўл-йўриқлар мужассамлашган.

Машғулот давомида шуни таъкидламоқ лозимки, янги беш йиллик планда топширилган иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштириш энг муҳим кўрсаткичларнинг мутлақ ўсимларини анча кўпайтиришга олиб келади. Планда ҳозирги вазифалар билан партиянинг узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий сиёсати мақсадлари мустаҳкам тарзда бир-бири билан боғланган. Унинг реаллиги ва пухталиги ишнинг яхши асосланган мароми билан мустаҳкамланган: планда суръатларни ошириб бориш беш йилликнинг сўнгги йилларига юкланиб келган ўтган йиллардан фарқли тарзда барча етакчи кўрсаткичлар ўсимининг суръатларини бир меъёрда ошириб бориш кўзда тутилган. Бу кўрсаткичларнинг баъзи бирлари юзасидан Асосий йўналишлар топшириқларининг юқори даражасига етиш, ҳатто улардан ҳам ошиб кетиш кўзда тутилган.

Иқтисодий ривожланишнинг вақтинча сусайиб қолган жўшқинлигини тикламоқ учун меҳнат коллективларига беш йилликнинг дастлабки йиллариданоқ ишлаб чиқаришнинг юксак ўсимларига эришиш лозим бўлади: бу ўсимлар ўтган беш йилликда қўлга киритилган даражадан камида бир ярим баравар ортиқ бўлиши керак. Хўжалик фаолиятининг пировард натижаларини ва самарадорлигини характерловчи миллий даромад 1981—1985 йиллардаги 79 миллиард сўм ўрнига 124 миллиард сўм кўпаяди. Саноат маҳсулотининг ўсими ўн биринчи беш йилликдаги 133 миллиард сўмга нисбатан 200 миллиард сўмни ташкил этади, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 10 миллиард сўм ўрнига 29 миллиард сўмдан иборат бўлади. Капитал маблағларнинг мутлақ ўсими 190 миллиард сўмга етади (ўтган беш йилликда у 107 миллиард сўм эди). Бунинг натижасида миллий даромадда жамғариш фондининг улуши 1985 йилдаги 25,9 процент ўрнига 1990 йилда 27,6 процентга етади.

Янги беш йиллик планнинг муҳим хусусияти, — деб қайд қилади пропагандист, — илмий-техникавий, структуравий ва инвестицион сиёсатда приоритетларнинг алмашинувидир. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган соҳа олдига маҳсулот чиқаришни илдам суръатлар билан ўстиришни таъминлаш вазифаси қўйилган. Чунончи, саноатда ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни 24,3 процент, истеъмол молларини эса 27 процент кўпайтириш лозим бўлади. Оғир индустрияда фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқларда — машинасозлик, конструкцион материаллар ишлаб чиқариш, химия саноати ва бошқа тармоқлар устун бўлиб қолади. Ёқилғи-энергетика комплексида эътибор атом энергетикасининг ривожланишини тезлаштиришга қаратилган: қўшимча равишда ҳосил қилинадиган бутун электр энергиянинг 71 проценти унинг улушига тўғри келади. Қўмир қазиб чиқариш ўтган беш йилликдагига нисбатан 7 баравар ортади, нефть қазиб чиқариш кўпаяди.

Беш йиллик планнинг асосий хусусиятларидан бири ҳозирги замон индустриясининг байроқдори бўлмиш машинасозликни жадал ривожлантиришдир. Бу тармоқ ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган қайта қуролланиш кўламини илгари ҳеч қачон билмаган. Унинг моддий-техника базасини қайта қуришга 63 миллиард сўм ажратилганки, шулардан 30 миллиарддан кўпроғи модернизация ва реконструкцияга сарфланади, бу эса ўтган беш йилликдагига нисбатан икки баравар кўпроқдир.

Беш йиллик планда фанни, унинг барча бўғинларини — академия, тармоқ, завод фанини қатъиян интенсивлашга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилган бўлиб, бу беш йиллик планининг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Тингловчиларга мана бу рақамларни келтириш мумкин: илм-фанга қилинадиган харажатлар 1985 йилдаги 24,8 миллиард сўм ўрнига 1990 йилда 33 миллиард сўмга етказилади, уларнинг ўсиш суръатлари миллий даромаднинг ўсиш суръатларидан 1,5 баравар ортиқ бўлади, фаннинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланадиган капитал маблағлар 70 процент кўпаяди.

Ўн иккинчи беш йилликнинг энг муҳим социал-иқтисодий вазифаси, деб таъкидлайди пропагандист, — мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминлашдир. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотининг ўсиш суръатларини 2,6 баравар кўпайтириш мўлжалланган. Озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқаришнинг қишлоқ хўжалигига нисбатан илдамроқ ўсиши планлаштирилган. Бу ҳол 1990 йилда энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини киши бошига ўртача истеъмол қилишнинг СССР Озиқ-овқат программаси белгилаган даражасига чиқиб олиш имконини беради.

Энг муҳим масала — меҳнат унумдорлигини оширишдир. Уни саноатда 25 процент, қурилишда —21, темир йўл транспортида — 12 процент ошириш лозим

бўлади. Беш йилликларимиз тарихида биринчи марта моддий ишлаб чиқаришнинг кўпайиши фақат меҳнат самарасини ошириш ҳисобига бўлиши лозим.

Бунда стратегик манба — фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнатни тежовчи техника ва технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этишдир. Беш йиллик мобайнида ишлаб чиқаришни автоматлаштириш даражаси икки баравар ва базавий прогрессив технологияларни қўлланиш ҳам тахминан шунча ортади. Ана шунинг ҳисобига саноатда меҳнат унумдорлиги ўсимининг учдан икки қисми таъминланади.

Асосий фондлар унумини ошириш, уларни такрор ишлаб чиқаришни яхшилаш муҳимдир, деб тушунтиради пропагандист. Кейинги йиллар ичида фондларнинг каттагина қисми анча эскириб қолди ҳамда ана шу фондларнинг иш қобилиятини сақлаш учун ҳар йили 10 миллиард сўмгача сарфлашга тўғри келмоқда. Эскирган асбоб-ускуналарни эксплуатация қилиш иш кучини банд қилиб қўймоқдаки, бу иш кучи янги станоклар, машиналар, механизмларга кўпроқ самарали тарзда хизмат кўрсатиши мумкин бўлур эди.

Практика шуни кўрсатадики, ушбу муаммони энг аввало иш жойларини аттестация қилиш ва рационаллаштириш, техника жиҳатдан замонавий бўлган юқори унумли станоклар ва машиналардан янада интенсивроқ фойдаланган ҳолда асосий фондларнинг эскириб қолган қисмини тезроқ чиқариб ташлаш йўли билан ҳал қилиш мумкин. Ўн иккинчи беш йилликда асосий фондларни яшартириш йўли турмушга оғишмай ошириб борилади. Уларнинг ишлаб чиқаришдан олиб ташланадиган қисмининг мутлақ суммаси ўтган беш йил мобайнидаги 110 миллиард сўм ўрнига 240 миллиард сўмни ташкил этади.

Тингловчилар шуни тушуниб олишлари лозимки, бутун меҳнат ҳафтаси давомида кечаю-кундуз ишлаган тақдирдагина янги асбоб-ускуналарнинг юксак даражада унумли бўлишига эришиш мумкин. Замонавий техниканинг бекор туриб қолиши халқ хўжалигига ғоят қимматга тушади ва, бундан ташқари, корхоналар экономикасига катта зиён келтиради, уларнинг иқтисодий рағбатлантириш фондларига салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан икки ва уч сменали ишга ўтиш — иш вақтидан энг яхши фойдаланишнинг катта ва айни чоқда энг яқин резервидир.

Ўн иккинчи беш йилликнинг принципиал муҳим хусусияти шуки, деб таъкидлайди пропагандист, миллий даромадда энергия сарфлаш ва металл сарфлаш бўйича юксак вазифалар белгиланган. Хом ашё ва ёқилғига бўлган эҳтиёжнинг 65—70 проценти, айрим турлар бўйича эса бутун қўшимча эҳтиёж уларни оқилона сарфлаш йўли билан қондирилиши лозим. Шу беш йилликда ресурсларни тежаш ҳисобидан миллий даромад ўсимининг камида чорак қисмини таъминлаш лозим бўлади. Машғулот вақтида мана бундай фактни келтириш ҳам мақбулдир: беш йиллик планда хўжалик оборотига иккиламчи ресурсларни анчагина жалб этиш кўзда тутилганлиги туфайли фақат 1990 йилнинг ўзида жами 40 миллиард сўмлик бирламчи хом ашё, материаллар ва ёқилғини бўшатиб олиш мумкин бўлади.

Пропагандист қайд қиладики, маънавий нуқтаи назардан ҳам, иқтисодий нуқтаи назардан ҳам исрофгарчиликка чидаб бўлмайди. Биз шундай бир паллага етиб келдикки, бунда хўжасизлик халқ хўжалиги учун сира чидаб бўлмайдиган бир ҳол бўлиб қолди. Бизнинг ресурсларимиз беҳад-беҳисоб эмас, уларнинг кўпчилиги қайта тикланмайди, уларни қазиб чиқариш эса тобора қимматлашиб бормоқда. Биттагина нажот бор — у ҳам бўлса исрофгарчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши шафқатсиз кураш олиб бориш, ҳамма ерда ва ҳамма соҳада ғоят катъий тежамкорлик режимига риоя қилишдир.

Энг аввало ресурсларни тежаш юзасидан план топшириқлари унчалик муҳим эмас деган эски тасаввурлар таъсиридан қутулиб олмоқ зарур. План топшириқларини бажариш, хом ашё, материаллар, ёқилғи ва энергиядан фойдаланиш даражаси ҳар бир министрлик, корхона, бригада ва уларнинг раҳбарлари ишига баҳо беришнинг асосий мезонларидан бири бўлиб қолмоғи керак. Тежамкорлик учун масъулиятни кескин тарзда оширишгина эмас, балки тежамкорликни яхшилаб рағбатлантириш ҳам лозим. Тежамкор киши, бошқаларга қараганда кўпроқ металл, ёқилғи, ёғоч-тахта, электр энергияни тежайдиган, халқ бойлигига виждонан муносабатда бўладиган киши кўпроқ иш ҳақи олаверсин ва яхшироқ яшайверсин.

Машғулот вақтида шу нарсани тушунтириб бериш ғоят муҳимки, экономикани қайта қуриш, унинг самарадорлигини ошириш учун курашни меҳнат коллективларида сифатли меҳнат ҳамманинг кундалик нормасига айланадиган психологик кайфиятни яратмасдан туриб тасаввур қилиб бўлмайди. Сифат қанчалик юқори

бўлса, кишиларнинг ва ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжлари шунчалик тўлароқ қондирилади, бунинг учун шунчалик кам ресурслар сарфлаш лозим бўлади. Меҳнат ва маҳсулотнинг паст сифатли бўлиши — исрофгарчиликнинг энг ёмон туридир.

Сўнгра пропагандист тингловчиларнинг эътиборини беш йилликнинг, бир томондан, экономика социал йўналишини кучайтириш ва, иккинчи томондан — социал омилларнинг мамлакат иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга таъсирининг ошиб бориши каби муҳим хусусиятларига қаратади. Партия Марказий Комитети аҳолининг турмуш даражасини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган топшириқларни бажаришнинг алоҳида сиёсий аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади. Агросаноат комплексининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизматлар соҳасини ривожлантиришга, социал-маданий ва уй-жой қурилишига 500 миллиард сўм — яъни халқ хўжалигига кетадиган капитал маблағларнинг ярми сарфланади.

Аҳолининг деярли ҳамма табақалари даромадларини кўпайтириш ва уларга тааллуқли социал проблемаларни ҳал этиш беш йиллик планнинг характерли белгисидир. 5 миллиондан зиёд кишини оғир қўл меҳнатидан қутқариш лозим бўлади. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларида тариф ставкалари ва окладлар 25 — 30 процент ошиши керак. 90 миллион ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи кўпаяди. Шахсий томорқа хўжалигидан олинадиган фойда ҳам ҳисобга олинганда колхозчиларнинг реал даромадлари амалда уларнинг даромадларига тенглашиб қолади. Ижтимоий истеъмол фондларидан тўланадиган тўловлар ва имтиёзлар чорак қисм ортади — ҳар бир киши бошига ҳисоблаганда улар 1990 йилда 635 сўмни ташкил этади. 55 миллион нафар уруш ва меҳнат ветеранлари, болали оналарнинг турмуш шароитларини ва моддий аҳволини яхшилаш юзасидан бир қанча чора-тадбирлар планлаштирилмоқда. Бунинг натижасида аҳоли жон бошига реал даромадлар беш йиллик ичида 14 процент ортади.

Пропагандист таъкидлайдики, бу тадбирларни амалга ошириш фақат давлат ҳисобидангина бўлмайди, бунда меҳнат коллективларининг роли анча кучаяди. Улар, одатда, тариф ставкалари ва окладларни ошириш учун маблағларни ўзлари ишлаб топишлари лозим. Социал-маданий хизмат кўрсатиш ва уй-жой қурилиши соҳаларини ривожлантириш ҳам кўп жиҳатдан уларнинг ишидаги муваффақиятларга боғлиқ бўлади.

Пропагандист теманинг ушбу бўлимини кўриб чиқишни ниҳоясига етказар экан, қайд қиладики, интенсивлаш, ана шу негизда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўли — мураккаб вазифа бўлиб, уни ҳал этиш ғоят катта масъулиятни, кўп куч-ғайрат кўрсатиш ва ишнинг кўзини билиб қаттиқ ишлашни талаб қилади. Бу вазифани албатта бажариш керак.

1986 — 1990 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аввало пропагандист шуни таъкидлайдики, ўн иккинчи беш йиллик планда ҳам бутун мамлакат манфаатлари иттифоқдош республикаларнинг манфаатлари билан мустаҳкам қўшиб олиб борилади. Планда КПСС ленинча миллий сиёсати, партиянинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексида республикаларни ҳар тарафлама иқтисодий ва социал ривожлантиришга қаратилган йўли гавдаланди. Ҳар бир республиканинг умумиттифоқ вазифаларини ҳал қилишга қўшадиган ҳиссаси ортади.

1986 — 1990 йилларда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг давлат беш йиллик плани КПСС XXVII съездининг қарорларига, съезд тасдиқлаган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 — 1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларига мувофиқ тарзда ишлаб чиқилди. Унда Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида, партия конференцияларида киритилган таклифлар, сайловчиларнинг олий ҳокимият органлари депутатларига берган наказлари, меҳнат коллективларининг таклифлари эътиборга олинди. План ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг шу йил июнь ойида бўлиб ўтган учинчи сессиясида тасдиқланди.

Машғулот вақтида шуни уқтириш зарурки, ўн иккинчи беш йилликда республика олдида турган вазифаларнинг бутун занжирида социал-иқтисодий ривожланишда йўл қўйилган қолоқликни бартараф этиш, экономика тармоқларида юзага келган номутаносибликни, унинг жуда катта иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалидан фойдаланишдаги катта-катта камчиликларни бартараф этиш муҳим ҳалқадир. Беш йиллик мобайнида ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг

мустаҳкам пойдевори қурилиши, Ўзбекистонни бундан буён янада тезроқ социал-иқтисодий ривожлантириш учун асосли тарзда олдиндан имконият яратилиши лозим.

Беш йил ичида миллий даромад 1981 — 1985 йиллардаги 16 процент ўрнига 27 процент кўпаяди. Унинг ўсими 2,9 миллиард сўм ўрнига 5,7 миллиард сўмни ташкил этади.

Фан ва техника ютуқлари негизида ишлаб чиқаришни сифат жиҳатдан тубдан реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш беш йилликнинг принципиал хусусиятидир. Ана шу мақсадларга сарфланадиган давлат капитал маблағлари 42 процент кўпаяди.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда йирик одим ташланади. Беш йиллик мобайнида саноат корхоналарида 1400 цех ва участкани комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, 1600 та механизациялаштирилган поток-конвейер ва автомат линияларини фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Саноат роботларини, рақамли программ бошқарувга эга бўлган металл қирқиш станокларини қўлланиш анча кенгаяди.

Машғулот вақтида халқ хўжалигининг айрим тармоқларини ривожлантиришни қисқача тавсифлаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Саноат маҳсулоти ҳажми 28 процент кўпаяди. Унинг ўсими ўн биринчи беш йилликдаги 4,5 миллиард сўм ўрнига 6,1 миллиард сўм ҳажмида бўлиши планлаштирилган.

Машинасозлик илдамроқ ривожлантирилади. Беш йиллик охирига бориб унинг маҳсулоти (металлга ишлов бериш билан бирга) ўсимининг суръати 1985 йилдагига нисбатан 40 процентни ташкил этади. Ана шу даврда Тошкент мотор заводи, шунингдек Урганчдаги ем-хашак йиғиштириб оладиган машиналар ишлаб чиқарадиган завод қуриб битказилади. Тошкент трактор заводида ҳамда унинг Ленинскдаги филиалида ва бошқа корхоналарда янги қувватлар ишга туширилади.

1990 йилда электр энергия ҳосил қилиш 61,5 миллиард киловатт-соатга етади ёки 1,3 баравар кўпаяди. Новоангрен ГРЭСнинг 1-навбатини фойдаланишга топшириш ва 2-навбатини қуришга киришиш, Толимаржон ва Тахиатош ГРЭСларида қўшимча қувватларни ишга солиш, Пском гидроузелини қуришга киришиш мўлжалланмоқда.

Қора металлургия жадал суръатлар билан ривожланади. Беш йиллик мобайнида унинг маҳсулоти ҳажми 1,5 баравар кўпаяди. Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводини реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш давом эттирилади. Хом ашё базасини мустаҳкамлаш, хом ашёдан яхшироқ фойдаланиш, корхоналарнинг техника билан қайта қуролланиши ҳисобига рангли металлургия янада ривож топади.

Химия ва нефть химияси саноатининг ривожланиш суръатлари 49 процентни ташкил этади. 1990 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш (100 процентли озуқа моддаларига айлантириб ҳисоблаганда) 2 миллион 242 минг тоннага етади. Синтетик смолалар, пластмассалар, химиявий толалар ва иплар ишлаб чиқариш 1,5 баравардан зиёд кўпаяди. Ўсимликларни муҳофаза этиш воситаларини ишлаб чиқариш кенгайтирилади.

Пропагандист тингловчиларга шуни эслатиб ўтадики, шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети 1986 — 2000 йилларда Ўзбекистон ССР бўйича халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизматлар соҳасини ривожлантириш Комплекс программасини тасдиқладилар. Енгил саноат устун даражада ривожлантирилади. Беш йиллик охирига бориб бу тармоқ халқ истеъмоли молларини 4,8 миллиард сўмлик ёки 1985 йилдагига нисбатан 1,4 баравар кўпроқ чиқаради. Ишлаб турган корхоналарни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш билан бир қаторда Андижон ип газлама ва Бухоро тўқимачилик комбинатларини, Жиззахдаги пайпоқ фабрикасини, Самарқанддаги трикотаж фабрикасини, Тошкент чинни заводининг 2-навбатини қуриб битказиш мўлжалланган. Беш йиллик мобайнида Енгил саноат министрлиги системасида тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж ва пойабзал корхоналарининг 45 та филиали қурилиши керак.

Беш йиллик планда агросаноат комплексини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Унинг асосий вазифалари пахта толаси етиштиришни янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, Озиқ-овқат программасини амалга оширишдир. Ўртача йиллик ҳисобда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1981 — 1985 йиллардаги 1 миллиард сўм ўрнига 1,6 миллиард сўмлик ўсади. Халқ

хўжалигига ажратилган капитал маблағларнинг қарийб ярми агросаноат комплексини ривожлантиришга сарфланади.

Ўзбекистон экономикасининг асосий тармоғи бўлмиш пахтачиликни ривожлантириш фақат интенсив омиллар ҳисобига, яъни ҳосилдорликни ошириш ва тола чиқишини кўпайтириш орқали амалга оширилади. 1990 йилда 5 миллион 860 минг тонна пахта, 1 миллион 830 минг тонна пахта толаси етиштирилиши керак.

Беш йиллик охирига бориб доннинг ялпи ҳосилини 3 миллион 350 минг тоннага, шу жумладан шоли ҳосилини 665 минг тоннага етказиш мўлжалланган. Деҳқончилик бошқа тармоқлари маҳсулотини етиштириш анча ортади. Чорвачиликни интенсивлашда катта бурилиш ясалади — чорва боши кўпаяди, унинг маҳсулдорлиги ошади. Асосан Жиззах, Қарши чўлларида ва Амударё этакларида 360 минг гектар янги суғориладиган ерларни ўзлаштириш лозим бўлади.

Шундан кейин пропагандист тингловчиларнинг диққат-эътиборини социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг баъзи бир муҳим манбаларига қаратади. Улар орасида биринчи навбатда меҳнат унумдорлигини ўстиришни тилга олиш лозим. Меҳнат унумдорлиги беш йил ичида саноатда 18 процент, қишлоқ хўжалигининг ижтимоий секторида 24 процент, қурилишда 14 процент ошиши лозим.

Маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳал қилувчи кўрсаткичи, бизнинг республикамиз учун эса айниқса кескин халқ хўжалик проблемасидир. Беш йиллик планда аттестация қилиниши лозим бўлган маҳсулот умумий ҳажмида олий категориядаги сифатга эга бўлган маҳсулотнинг улушини 1990 йилда 41,1 процентга етказиш кўзда тутилган.

Ишлаб чиқаришнинг миқёслари ўсиши билан, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергияни бутун чоралар билан тежашнинг, ресурсларни тежовчи ва чиқиндисиз технологияни татбиқ этишнинг аҳамияти ошиб боради. Ҳозирги беш йилликда республика миллий даромадида материал сарфи ўн биринчи беш йилликдагига нисбатан 4,2 процент, энергия сарфи эса 4,8 процент камайиши керак.

Моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, деб таъкидлайди пропагандист, — тиғиз социал программани бажариш учун базадир. Уй-жойлар ва шаҳар ҳамда қишлоқларни ободонлаштириш, реал даромадларнинг ўсиши ва савдо, маиший хизмат, маданият ва халқ маорифи ҳамда олий мактабислоҳоти, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот — ўн иккинчи беш йилликда ана шу барча йўналишлар бўйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилади.

Пропагандист юқорида айтилганларни яққол кўрсатиш учун мана бундай рақам ва фактларни келтириши мумкин: 34,5 миллион квадрат метр — ўн биринчи беш йилликдагига қараганда деярли 6 миллион квадрат метр кўпроқ уй-жой майдони қуриш мўлжалланмоқда; ижтимоий истеъмол фондлари 1990 йилда 7,9 миллиард сўмни ташкил этади ёки 1985 йилдагига нисбатан 22,5 процент кўпроқ бўлади; шаҳарларда 414 минг ва қишлоқ жойларда 105 минг квартирани телефонлаштириш мўлжалланган; касалхона койкалари, поликлиника ва амбулаториялар сони кўпаяди; 920 минг ўринли умумий таълим мактаблари ишга тушириладики, бу ўн биринчи беш йилликдагига нисбатан 30 процент кўпроқдир; 44 та район маданият уйлари ва 145 та клуб қуриш мўлжалланган.

Пропагандист ушбу бўлимни тугатар экан, таъкидлайдики, ҳозир энг муҳими вақтни қўлдан бой бермаслик, суръатларни жадаллаштириб бориш, ишда издан чиқишларни йўқотишдир. Партия ҳар бир меҳнаткашни мусобақалашувчилар сафидан жой олишга, беш йиллик меҳнат фронтининг фаол курашчиси бўлишга даъват этади.

ЯНГИ ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ҚАЙТА ҚУРИШ

Ушбу бўлимни кўриб чиқишни ўн иккинчи беш йилликнинг асосий вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун хўжалик механизмини тубдан қайта қуриш зарур эканлигини тушунтиришдан бошлаш тавсия этилади. Гап уни чуқур ислоҳ қилиш ҳақида, бошқарувнинг халқ хўжалиги ҳамма соҳаларида, ҳамма бўғинларида ишни аниқ ташкил этиш, резервлардан ва социализмнинг имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш имконини берадиган пухта ва самарали системасини яратиш ҳақида бормоқда.

КПСС МҚ 1985 йил апрель Пленуми, партия XXVII съезди мазкур ислоҳотнинг принципларини, унинг мазмуни ва асосий йўналишларини белгилаб берди. Бир

томондан, халқ хўжалигини бошқаришда марказлаштирилган асосни такомиллаштириш, иккинчи томондан эса — меҳнат коллективларининг ҳуқуқлари ва хўжалик борасидаги мустақилликларини ҳар тарафлама кенгайтириш, уларнинг масъулиятини ҳамда юксак пировард натижалардан манфаатдорлигини ошириш зарур. Пропагандист бу иккита алоҳида ва айникса бир-бирига қарама-қарши турувчи жараён эмас, балки ягона бир бутун нарсанинг — демократик централизмнинг конкрет ва янада тўлароқ ифодасининг фақат турли жиҳатлари эканлигини тушунтиради.

Ҳозирча бошқариш системасини қайта қуриш борасидаги амалий иш партия талаб қилганчалик бораётгани йўқ. Иқтисодий экспериментлар давомида яхши натижалар олинди, аммо иш хўжалик юритишнинг янги шароитларини кенг ёйишгача бориб етаётгани йўқ. Ислоҳот ғояларига зид бўлган инструкциялар, қоидалар ва методикалар ҳали ҳам амал қилмоқда. Уларни қатъиян бекор қилиш ёки янгилаш талаб этилади.

КПСС МК 1986 йил июнь Пленумида таъкидланганидек, бошқаришдаги чинакам централизмнинг ишлаб чиқариш, илмий ва конструкторлик коллективлари кўп қиррали ҳаётини бюрократларча чеклаш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ана шу бюрократик тўсиқларни бартараф этиш — меҳнат коллективларини майда-чуйда ишларга аралашавериш ва маъмуриятчиликдан халос этиш демакдир. Ана шунинг учун ҳам қисқа муддат ичида социалистик корхона (ишлаб чиқариш бирлашмаси) ҳақидаги қонунни ишлаб чиқишни ниҳоясига етказиш вазифаси қўйилмоқдаки, бундай қонун коллективларни уларнинг оператив хўжалик ишларига асоссиз тарзда аралашавершдан холи этган бўлур эди.

Меҳнат коллективларига раҳбарликнинг маъмурий методларидан реал тарзда иқтисодий методларга ўтиш учун прогрессив нормативлар системасини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Худди ана шу нормативлар кўпинча сунъий равишда ўйлаб чиқилган кўпдан-кўп инструкцияларнинг ўрнини босиши, корхоналарни уларнинг каттиқ жабридан халос этиши лозим. Иккинчи томондан, нормативлар хўжалик юритиш практикасига ўзини-ўзи қоплаш ва ўзини молия билан таъминлаш принципларини жорий этиш учун кенг майдон очиб беради. Эскича ёндашишни бартараф этмоқ учун баҳо ҳосил қилиш борасида тўпланиб қолган масалаларни ҳал этиш, баҳо «ўйини» қилиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳаддан ташқари ошириб юбориш ишқибозлари олдига катта тўсиқлар қўйиш талаб этилади. Кредитни такомиллаштириш, иқтисодий бошқарувнинг таъсирчан органи сифатида банкнинг ролини ошириш ҳам муҳимдир.

Хўжалик юритишнинг янги шароитида, — деб уқтиради пропагандист, машъум «ялпи маҳсулот», ялпи кўрсаткичлар, қандай форма остига яширинмасинлар, тармоқлар, регионлар, корхоналар фаолиятига баҳо беришда энди асосий нарса бўла олмайдилар. «Ялпи маҳсулот» чиқимга мойил ёндашишни таомилга киритади, исрофгарчиликни рағбатлантиради, тадбиркорликнинг оёғидан чалади. «Ялпи маҳсулот тугуни»ни ечиш пайти келди. Чиқимга мойил механизмни бартараф этиш йўлидан фақат шу тарика олға ҳаракат қилиш мумкин.

Бу жараён бошланди ҳам. Машинасозликда келаси йилдан бошлаб тасдиқлаб бериладиган ялпи кўрсаткичлар сони қисқартирилади. Умумлаштирувчи мезонлар ва нормативлар — фойда, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, ресурслар асосий турлари сарфининг камайиши биринчи ўринга қўйилмоқда. Бундан буён машиналар ва асбоб-ускуналар чиқариш тонна ҳисобида планлаштирилмайди. Озиқ-овқат солиғи ҳақидаги Ленин ғояларидан ижодий фойдаланиш негизида агросаноат комплексида хўжалик механизмини қайта қуриш амалга оширилмоқда. Савдо корхоналари даромадларининг ва уларнинг ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақ тўғридан-тўғри товар обороти планини бажариш ва харидорларга хизмат қилиш сифати билан боғлиқ қилиб қўйилди. Капитал қурилишни бошқариш тубдан қайта қурилмоқда.

Тингловчилар шуни тушуниб олишлари кераккки, хўжалик механизмини ислоҳ қилиш фақат марказий иқтисодий идоралар ва тармоқ министрликлари олдига йирик-йирик проблемалар қўйибгина қолмайди. Янги системанинг таъсирчан бўлиши учун кўп нарса меҳнат коллективларининг ўзларига, уларнинг раҳбарларига боғлиқдир. Биринчи марта стабил, беш йилликнинг йиллари бўйича белгилаб чиқилган нормативлар асосида ишлашга тўғри келади. Ҳам техникавий ва социал ривожланиш учун, ҳам иш ҳақини ошириш учун корхоналарнинг ўзлари маблағлар топишига тўғри келади. Бунинг учун хўжалик ҳисоби асосларини ҳар бир участка ва бригадагача етказиш, уларнинг шериклари олдидаги ўз мажбуриятларини хўжалик муносабатларининг қатъийлаштирилган шароитида тўла-тўкис бажара оладиган қилиб ишни ташкил этишлари талаб этилади.

Бошқаришнинг ташкилий структураларини қайта қуриш бошқаришнинг тармоқ органлари билан янгича, унчалик одат бўлмаган муносабатларни келтириб чиқаради. Илмий-тадқиқот институтлари ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари кўпгина ишлаб чиқариш бирлашмаларига қўшилиб кетадилар. Улар фаннинг завод секторини кучайтирадилар, лекин фан-техника тараққиётини жадаллаштириш манфаатлари йўлида уларнинг иши учун жавобгарлик ҳам ишлаб чиқариш коллективларининг раҳбарлари зиммасига тушади.

Хуллас, деб таъкидлайди пропагандист, ҳозирги кунда ҳар бир кишидан ўз фикрлашини ҳам, ўз иш услубини ҳам тезроқ қайта қуриш талаб қилинади. Ҳозирги хўжалик раҳбари, мутахассис, ишчи юксак иқтисодий маданиятга эга бўлиши, интенсивлаш ва самарадорлик категориялари даражасида фикр юрита билиши, хўжалик юритишнинг янги шароитларини ҳамда ислоҳ қилинган бошқарув системасининг хусусиятларини чуқур ва ипидан-игнасигача билиши лозим. Бинобарин, шу нарса равшанки, ҳаммавақт ва ҳар бир ишда юксак пировард натижаларга эришишни кўзлаш, план интизомига қатъий риоя қилиш, ишлаб чиқаришда тартиб ва уюшқоқликни яхшилаш лозим бўлади. Замон амри ана шундай. Бу бошқарув сифатини оширишнинг зарур шарти бўлиб, бусиз самарадорлик резервларини аниқлаш ҳам, ишга солиш ҳам, ҳозирча мавжуд камчиликларнн бартараф этиш ҳам, демак, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ҳам мумкин эмас.

Пропагандист машғулот охирида уқтирадики, планларнинг реаллигини ҳамиша омманинг активлиги, унинг ижодий, манфаатдор ва масъулиятли меҳнати белгилаб келган ва белгилайверади. КПСС Марказий Комитети Совет Иттифоқи меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаатномада ўн иккинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун бутун халқ социалистик мусобақасини авж олдиришга даъват этди. Партия режалари қувватини амалий ишлар қувватига айлантирмоқ зарур. Бу жадаллаштиришнинг асосий манбаи ва қайта қуришнинг асосий воситасидир.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

В. И. Ленин. **Мусобақани қандай уюштириш керак?** — Тўла асарлар тўплами, 35-том, 215—226-бетлар.

В. И. Ленин. **Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари.** — Тўла асарлар тўплами, 36-том, 187 — 237-бетлар.

В. И. Ленин. **Октябрь революциясининг тўрт йиллигига.** — Тўла асарлар тўплами, 44-том, 166 — 175-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. — Т., «Ўзбекистон», 1986.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1985 йил 23 апрель. — Т., «Ўзбекистон», 1985.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1986 йил 16 июнь. — Т., «Ўзбекистон», 1986.

Ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида. КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг қарори. — «Совет Ўзбекистони», 1986, 22 июнь.

М. С. Горбачев. **Партия иқтисодий сиёсатининг туб масаласи.** КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашда 1985 йил 11 июнда қилинган доклад. «Совет Ўзбекистони», 1985, 12 июнь.

М. С. Горбачев. **Туб бурилиш стратегияси.** Тольятти шаҳри меҳнаткашлари билан 1986 йил 8 апрелда бўлган учрашувда сўзланган нутқ. — «Совет Ўзбекистони», 1986, 9 апрель.

М. С. Горбачев. **Владивостокка Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ.** — «Совет Ўзбекистони», 1986, 29 июль.

М. С. Горбачев. **Қайта қуришни кечиктириб бўлмайди, у барчага ва ҳар жиҳатдан тааллуқлидир.** Хабаровск ўлка партия ташкилоти активининг кенгашида 1986 йил 31 июлда сўзланган нутқ. — «Совет Ўзбекистони», 1986, 3 август.

М. С. Горбачев. **Краснодар ўлкаси партия активи билан учрашувда сўзланган нутқ.** — «Совет Ўзбекистони», 1986, 21 сентябрь.

ЯНГИЧА ИШЛАШГА ЎРГАНАЙЛИК

Н. АЛЕЕВ

Эришилган ютуқларни муносиб баҳолаган партия XXVII съездида экономика ва социал-маънавий соҳадаги нуқсонлар, кўнгилсиз тенденциялар, жумладан ишда суръатнинг пасайиб кетганлиги хусусида рўйирост, очиқдан-очиқ гапирилди. «Вазият ўзгаришлар бўлишини талаб қиларди, — деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг съездга Сиёсий докладида, — аммо марказий органларда, шунингдек жойларда ҳам: ҳеч нарсани ўзгартирмасдан туриб, қандай қилиб ишларни яхшиласак экан, деган ўзига хос бир кайфият устунлик қила бошлади».

Айтайлик, бундай психологиянинг республикамиз қишлоқ хўжалигида нималарга олиб келганлиги ҳаммага маълум. Ҳеч нимани ўзгартирмасдан ишни яхшилаб бўлмайди. Нақл қилганларидек, сал ҳаяллладингми, энг орқада қолиб кетдим деявер. Орқада судралиб юришни эса ҳеч ким хуш кўрмайди, албатта... Натижада кўпгина колхоз ва совхозларда алмашлаб экишни қўпол бузиш йўли билан, яъни яшириб қўйилган экин майдонлари, шунингдек, гўё топширилган хом ашё деб кўрсатилган товарсиз, «сохта» ҳужжатлар ҳисобига пахтадан рекорд ҳосил «ола бошлашди». Машинада терилди деб берилган яхши кўрсаткичлар ҳажмига қўлда терилиб қўсак чувийдиган машинадан ўтказилган пахта ҳам киритиларди. Жамоат чорвачилигида гўшт етиштириш ва сут соғиб олишдаги юқори кўрсаткичларга ҳам кўзбўямачилик билан молларни аҳолидан уч баравар қимматга, сариёғни эса давлат савдосидан сотиб олиб, уларни гўшт ва сут планлари бажарилганлиги ҳамда ошириб бажарилганлиги тўғрисида рапортга киритиш ҳисобига эришиб келинган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бу аччиқ ҳақиқат юзига ленинчасига, большевикчасига тик боқиб, олға қараб ҳаракатимизга халақит бераётган барча нарсаларга кескин, муросасиз кураш эълон қилди. «Хўш, нима ўзгарди?» деб сўраши мумкин фактларни чуқур таҳлил қилиб ўтиришни ёқтирмайдиган киши. Ўша пленумдан кейин республикамиз қишлоқ хўжалиги кўтарилиш ўрнига аксинча орқага кетди. Пахта тайёрлаш плани сурункасига икки йил бажарилмади, пахтани машинада териш ҳажми деярли ярмига камайиб кетди, чорвачиликда ҳам ишлар бундан яхши эмас...»

Шу тарзда мулоҳаза юритиш — бу дарахтлар орқасидаги ўрмонни кўрмасликдай бир гап. Тўғри, кўп йиллар давомида биринчи марта пахта хом ашёси топшириш плани икки йил кетма-кет бажарилмади, лекин илгариги «рекорд» ҳосиллар даврдагига нисбатан яхши сифатли тола тўқимачиларга анча кўп жўнатилди. Гарчи машиналарда терилган пахта ҳажми илгаригига нисбатан кам бўлса ҳам, лекин ўша пахта шаҳарликлар, мактаб ўқувчилари фартукларидан эмас, чиндан ҳам бункерлардан тўкилди. Гўшт, сут ҳам ҳозир қоғозда эмас, амалда бор.

«Биз бепарволикка, пассивликка ва бўшашувчанликка карши шафқатсиз ва оммавий ҳужум эълон қилишимиз лозим. Ҳамма жойда виждонан қилинган ҳалол меҳнатнинг, ташаббус ва масъулиятнинг обрў-эътиборини қарор топтирайлик» — Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди ана шундай йўлни эълон қилди.

Республикамиз меҳнаткашлари, бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари сингари, партия томонидан ишлаб чиқилган халқ хўжалигидаги чуқур қайта ўзгартишлар стратегиясини амалга оширишга киришди... Унинг энг муҳим асосий мақсади — энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишдир.

БОШ РЕЗЕРВ

...Тошкент область партия конференциясида Ўрта Чирчиқ райони хўжаликларининг раҳбарлари ўз хўжалнкларини анча чўктириб қўйганликлари, нуқул зарарига ишлаётганликлари учун қаттиқ танқид қилиндилар. Айни бир вақтда ўша районда Й. Охунбобоев номли колхоз ҳам борки, дейилди шу конференцияда, қўшниларникига қараганда унинг ери ҳам ёмонроқ, техникаси ҳам камроқ, лекин бу ерда йил сайин пахтадан юқори ҳосил етиштириб келнияпти, ўзлари экишади, парвариш қилишади, ҳосилнннг ҳаммасини ўз кучлари билан териб олишади. Колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Миразиз Рўзматов конференцияда КПСС XXVII съездига делегат қилиб сайланди.

Охунбобоевликларнинг ютуқларини кўпдан бери кузатиб бораман, бинобарин, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, «йил сайин» деганимда, чорак асрлик муддатни назарда тутяпман, шу давр мобайнида улар ўз план ва мажбуриятларини ҳамиша ҳалол бажариб келяптилар. Ўтган беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам худди шундай бўлдн, яъни хўжалик пахта топшириш планини 17 сентябрда бажариб, ҳоснлнинг ҳаммасини машиналарда териб олди.

Илғорлар билан бир ёки деярли бирдай шароитда бўлган, миямизда эскидан ўрнашиб қолган қолоқ хўжаликлар проблемасига биз кўпинча нотўғри, бошқа томондан ёндашамиз, дейди Миразиз Рўзматов. Ҳам илғор, ҳам қолоқ хўжаликларнннг асосий фондлар билан қанчалик таъминланганлиги пулда, техника билан қуролланганлигини — ҳар бир ишловчига нисбатан от кучида, минерал ўғитлар билан нечоғлик таъминланганлигини — ҳар бир гектарга таъсир этадиган ўша моддалар килограммида солиштириб кўрамиз-да, қолоқлар юксак марраларни эгаллашлари учун барча имкониятларга эга, деган хулосага келамиз. Улар эса орқада судралгани судралган. Чунки хўжаликни юритиш натижалари фақат ўша кўрсаткичлар билан эмас, балки ҳал қилувчи даражада одамлар — уларнинг маҳорати, малакаси, ерга, ўз ишига муносабати билан белгиланади.

Биз ҳозирги кунда инсон омили деб атаётган энг тўғри ва қудратли кучни қунт билан самаралироқ ишга тушириш — охунбобоевликлар ажойиб тажрибасининг моҳияти мана шундадир.

Колхоз оқсоқоллари ўтган кунларни эслашиб, бизга янги раис ишни нотўғри, арзимас нарсадан бошлагандек бўлиб кўринганди, дейншади. Техникани МТСдан колхозга олиб беришганда, у миллионлаб қарзга ботиб, йирик қурилишни: завод типидаги ремонт устахонаси, техникани асраш учун гараж ва бостирмалар, ошхонаси, дам олиш хоналари, ўқув синфларига эга бўлган Механизаторлар уйинн қуришни (буларнинг ҳеч ҳам ҳожати йўқ, деб ҳисоблашарди улар) бошлаб юборди. «Ахир, булар ўзини қачон оқлайди?» — деб ўйлашарди.

Лекин йиллар ўтиши билан раис жуда узоқни кўзлаб иш тутганлигини ҳамма тушунди. Қўшни хўжаликлар тракторларни, пахта териш машиналарини ремонт қилгани «Сельхозтехника»га жўнатишади, у ерда кўпинча чала-чулпа кўриб чиқишади, лекин ҳақни янги техника баҳосида тўлашади, далада бузилавериб, одамларни роса азобга қўйишганидан ахийри ташлаб кетишади, ҳисобдан ўчириб юборишадн. Техника одамларга эмас, одамлар техникага хизмат қилади.

Ўзингнинг мустаҳкам ремонт базанг бўлганига нима етсин, бу ерда ҳар бир механизатор ўз машинасини ўзи созлайди — ўзинг учун эса астойдил ишлайсан. Техниканинг бостирма тагида тургани ҳам яхши — занглмайди, бузиб, «хомталаш» қилиб кетилавермайди. Энг муҳими — механизатор кадрлар масаласи: улар бошқа хўжаликлардагига ўхшаган «учарлар» эмас, муқим ишлашадиган, яхши, пухта ўргатилган, ўз кадрлари.

Бу ишнинг дебочаси эди, холос. Кейинчалик: «ҳар бир машина — хўжалик ҳисобига ўтказилсин» деган шиор ташланди. Ўн беш йиллар муқаддам охунбобоевликларнинг бу ажойиб ташаббуси теварагида «Вопросы экономики сельского хозяйства» журнали саҳифаларида Бутуниттифоқ мунозараси ўтказилган эди. Мунозара Ўрта Чирчиқ районидаги бу колхоз кашфиёти мамлакатнинг ҳамма хўжаликларига яхши хизмат қилиши мумкин, деган хулоса билан якунланди. Афсуски, республикамизда кўплар бу янги ишнинг моҳиятини тушунишмади.

Моҳияти эса жўн. Ўртоқ механизатор, сенга тракторни топширамиз. Колхоз унинг учун шунча пул тўлади, у маълум муддат ишлаши керак. Унинг жорий, капитал ремонтлари, ўша даврда керак бўладиган эҳтиёт қисмлари учун бунча маблағ ажратилган, шундан тежаганинг

нинг ярми ёки ундан ҳам кўпроғи сеники. Бу нарса эски машиналарга ҳам тааллуқли, фақат бунда тежаб қолинган маблағнинг кўпроқ процентини механизатор фойдасига ажратиш кўзда тутилади.

Техникадан фойдаланиш тартиби тубдан ўзгарди. Бу ерда кўпдан бери мавсумий ремонт нималигини билишмайди, машиналар икки ҳолатда: ё ишлаётган ёки шай турган бўлади. Кейинги йилларда колхоз қўшниларига нисбатан янги техникани уч баравар кам сотиб олмоқда ва мавжуд техникани ремонт қилишга уч баравар кам маблағ сарфламоқда.

Пахта йиғим-теримига алоҳида эътибор берилади. Техника-ку етарли — гап бунда эмас. Гап «бўл, бўлчилик» — одатида. Яна таркиб топган ҳақ тўлаш тартибида: кўп терганга кўпроқ пул ҳам, вимпел ҳам берилади. Лекин бунда бир чаноқ пахта бункерга тушса, иккинчиси ерга тўкилиши ҳисобга олинмайди. Афсуски, кўпгина колхоз ва совхозларда йиғим-терим техникасидан ана шундай тарзда фойдаланишади. Ҳолбуки, ерга тушиб қолган ўша чаноқ хўжаликлар, районлар, областлар, умуман бутун республика экономикаси учун энг оғир чаноқ ҳисобланади.

Хўш, Ўрта Чирчиқдаги илғор колхозда аҳвол қандай? Муваффақиятли топилган ва яхши, пухта ўйланган барча нарсалар сингари бу иш ҳам жўйгина ҳал этилган. Ўртоқ механизатор, мана бу сенинг даланг: сен шу ерда чигит экқансан, ғўзани культивация қилгансан, энди ҳосилини йиғиб-териб олиш ҳам сенинг зиммангда. Ҳақ ҳам фақат бункердаги чаноқ учун эмас, шунингдек ерда қолган кўсакка қараб тўланади: нобудгарчилик қанча кам бўлса, шунча кўп ҳақ тўланади. Бунда механизатор қанча кўп тергани билан эмас, балки ўзидан кейин қанча кам чаноқ қолдиргани билан фахрланади.

Энг муҳими ҳосил, албатта. Ҳозирча бир кўсак етиштирилаётган жойда икки кўсак етиштириш — пахтакор асрлар давомида шуни орзу қилиб ва шунинг учун курашиб келган. Ҳосил тақдири эса ҳар қандай техника ва технология шароитида ҳам деҳқонга, унинг қандай ишчи ва хўжайин эканлигига боғлиқ. Ўрта Чирчиқ районидаги колхозда механизатор — бу даставвал ерни биладиган ва унга меҳр қўйган, ўша ер учун, ҳосил учун кўпроқ, яхшироқ ишлай оладиган инсондир.

ЛЕНИН ВАСИЯТИ

Қилишим керак, қилишни истайман, қила оламан — бу юксак унумли ва сифатли ишни таъминловчи, бир-бирига боғлиқ уч омилдирки, шу омиллар салмоқли натижага олиб келади. Қилишим керак ва қилишни истайман деган тушунча — бу ўз меҳнатининг зарурлиги, аҳамияти, қадр-қимматини чуқур англаш ва ўзини шунга руҳан тайёрлашдир. Лекин мустаҳкам барқарор муваффақиятларга фақат биргина ташаббус билан эришиб бўлмайди. Республиканинг илғор хўжаликлари ўз ходимларининг сифат состави билан — тажрибали механизаторлари, сувчилари, чаққон чўпонлари, моҳир сут соғувчилари, молбоқарлари билан ажралиб туради. Бинобарин, «қила оламан» деган гап, яъни профессионал маҳорат албатта бўлиши керак.

В. И. Ленин уқтирганидек, Совет ҳокимияти ишлашни ўрганиш вазифасини халқ олдига жуда катта кўламда қўйиш керак. Н. К. Крупскаянинг гувоҳлик беришича, Владимир Ильич яхши ишлаёлмаётганлигимиздан жуда кўп ташвиш тортган. «Бизга янги чиққан китобларнинг ҳаммасини юбориб туришарди, — деб эслаганди у, — Владимир Ильич келадиган даста-даста китоблар орасидан ўзини қизиқтирганларини: меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, молия тўғрисидаги китобларни, Воровский асарларини танлаб оларди». Кўриб турибмизки, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш тўғрисидаги китоблар биринчи ўринга қўйилган.

Гражданлар уруши ва экономикани тиклашнинг энг оғир шароитида эришган биринчи ютуқларимиз — кўпгина саноат корхоналари, темир йўллар ва қишлоқ коммуналари ишини яхшилаш Лениннинг меҳнатни социалистчасига ташкил этишнинг илмий асосларини жорий этиш борасидаги жўшқин фаолияти билан боғлиқдир.

Ильичнинг шогирдлари ва издошлари унинг «фаннинг ва капиталистик техниканинг энг кейинги муваффақиятларини йирик социалистик ишлаб чиқаришни яратаётган онгли ходимларнинг оммавий бирлашмаси билан қўшувчи янги меҳнат ташкилотини яратиш йўлига олиб чиқиши лозим»лиги (ТАТ, 39-том, 20-бет) тўғрисидаги принципиал кўрсатмасидан келиб чиқиб иш кўрдилар.

ИШОНЧЛИ ТЕХНИКА — МОҲИР ҚЎЛЛАРДА БЎЛСИН

Янгича ишлашни ўрганайлик — партиямизнинг XXVII съезди бу вазифани жуда кенг кўламда қўйди. КПСС МҚ нинг съездга Сиёсий докладида кўрсатиб ўтилганидек, «фан-техника революцияси шароитида меҳнатни янада тубдан ўзгартириш кишиларни маълумот ва касб жиҳатидан тайёрлашга юксак талаблар қўяди.

Аслини олганда **узлуксиз таълим бериш ягона системасини вужудга келтириш** вазифаси кун тартибига қўйилди».

Эртага, шу асрнинг охиригача қандай яшашимиз ўзимизга, ишимизга боғлиқ. Дарвоке, «тарихий мақсадлар кўлами қанчалик кенг бўлса, миллионларнинг уларга эришишида хўжайинларча манфаатдорлик, масъулият билан, онглилик билан фаол иштироки шунчалик муҳимдир». Партиянинг янги таҳрирдаги Программасида шундай деб ёзилган. «Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, техника ва технологияда туб ўзгартишлар ясаш, барча техникавий, ташкилий, иқтисодий ва социал омилларни сафарбар этиш негизида **меҳнат унумдорлигини** анча **оширишга** эришиш лозим бўлади, бусиз, В. И. Ленин таълим берганидек «коммунизмга узил-кесил ўтиб бўлмайди»,— дейилади унинг давомида.

Республикамиз қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашни тезроқ тугатмасдан туриб, унда юксак меҳнат унумдорлигига эришиб бўлмайди. Бу пахтачиликда ер ҳайдашдан тортиб экиш ва далани тозалашгача бўлган ҳамма ишлар фақат техникада бажарилишини англатади. Ҳосилни машинада йиғиб-териб олиш занжирдаги энг заиф бўғиндир.

Принципиал жиҳатдан янги терим техникасини яратиш борасида олимлар ва конструкторларнинг ижодий тафаккурини активлаштириш тадбир-чоралари кўрилмоқда, ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг сифати ва пишиқлигини ошириш учун машинасозлар масъулияти оширилмоқда. Қишлоқ меҳнатчилари учун ҳозир энг муҳими — илғор колхоз ва совхозларнинг механизаторларига тенглашиб, бор техникадан моҳирона фойдаланишдир.

Кўпгина қишлоқ аҳлининг фикрлашидаги консерватизм бу жуда оддий ҳақиқатни ҳамма жойда қарор топтириш йўлида катта ғов бўлиб турибди, бундай одамлар ўрганмаган нарсамиз қолмади, деб ҳисоблайдилар. Баъзида бундай позицияни жамиятимизнинг барча соҳаларидаги ривожланишни қатъий жадаллаштириш зарурлигини гўё тушунадиган тадбиркор, ишчан, ташаббускор одамларда ҳам учратиш мумкин.

... Оқолтин район партия комитетининг биринчи секретари Пиримқул Йўлдошевич Йўлдошев билан фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этишнинг самарадорлиги хусусида суҳбатлашяпмиз.

— Мана, бир қаранг-а, ғўзани ерда туриб дефолиация қилишга ўтиш иқтисодий жиҳатдан ўзини қанчалик оқлаяпти. Ҳолбуки, кўплар буни ҳали яхши тушуниб олганларича йўқ,— деб ўз фикрини қуйиб-пишиб исботламоқчи бўлади у.— Биринчидан, дефолиацияга кетадиган харажат камаяди, иккинчидан, унинг сифати яхшиланади, учинчидан, кейинчалик терим техникасининг унумдорлиги ошади.

Пиримқул Йўлдошевич чўт қоқишга тушиб кетади: пул ҳисобида харажатлар шунчага камаяди, пахта териш машиналарининг иш унуми тонна ҳисобида бунчага ортади. У моҳир, ишбилармон бухгалтердай ҳаммасини бирпасда ҳисоблаб берди! Лекин у бирдан чўтни четга суриб қўйиб, кишининг завқини келтирадиган даражада хохолаб кулиб юборди. Маълум бўлдики, у ўзидан кулаётган экан.

— Латифа,— дейди у кулгисини аранг босиб.— Олим-агроном, иқтисодчи фан-техника тараққиёти самарадорлигини ота-боболаримиздан қолган техникада ҳисоб-китоб қилиб ўтирса-я.— Кейин ўзи бунга изоҳ беради:— Ёшлигимда колхоз бухгалтерининг ёрдамчиси бўлиб ишлаганман, идора чўтларида ҳисоб-китоб қилиш одати ўша вақтдан қолган. Ахир кейинчалик институтни битирдим-ку. Ҳа айтмоқчи, машинада ҳисоблаш бўйича махсус курсни «беш»га топширганман. Лекин тарки одат амри-маҳол деганларидек, чўтда ҳисоблаш одати сақланиб қолди.

Шу пайт эшик очилиб райком секретарининг хонасига XXIII партия съезди номли совхоз директори Омонгелди Айдаров кириб келди. У гап нима ҳақда кетаётганлигини дарров фаҳмлади-да, фикрни қувватлай кетди:

— Дарҳақиқат ҳамма бало шундаки, эскичасига ишлашга кўникиб қолганмиз, бу одатни тарк этолмаяпмиз. Ҳолбуки, баъзи жойларда эски аравада узоққа боролмасликларини аллақачон тушунишган. Мен яқинда Курск областида бўлдим. У ерда суғоришга ўтишяпти, лекин далаларга сувни ариқлардан ёки тарновлардан эмас, балки қувурлардан

юборишяпти. Кувурларда тиқинли тешиклар бор — тиқинни очиб, сувни қуйдингми, у кетмон-у, белкуракларсиз ўзи оқиб ётаверади.

— Биз бўлсак ҳалиям ибтидоий усулдан чиқолмаяпмиз. Коструктурлару, олимларимиз нима қилишаётган экан?— деди Омонгелди ака ўкинч билан. Афтидан дарди йиғилиб қолганга ўхшайди. Ҳа, уни тушунса бўлади: суғориш — ишчи кучи етишмаётган қўрик хўжаликларда энг долзарб проблема.

Лекин Пиримқул Йўлдошевич сира кутилмаганда гапни бошқа томондан бошлаб қолди:

— У ёқдан чизмалар-у, сметаларни олиб келгандирсиз? Келинг, бир кўрайлик-чи, Курск тажрибаси бизга ҳам қўл келиб қолар.

Совхоз директори дарров маъюс тортиб, ўзини йўқотиб қўйди. Маълум бўлишича, у шунчаки кузатгану, чизмаларни сўраш ёки ақалли оддий схемасини қоғозга тушириб олиш хаёлига келмаган.

— Ҳа, бу ҳам фикрлашдаги инерцияга, уддабуронлик етишмаслигига бир мисол,— деди Пиримқул Йўлдошевич — бирор янги, самарали нарсани кўрамиз-у, лекин уни олишни, ўзимизда жорий этишни, ақалли бир синаб кўришни ўйламаймиз, «Ҳа, бунга юқоридан буйруқ, кўрсатма кутамиз». Афсуски, кўплар шу тарзда фикрлашади... Хўп, яна ўша машина терими масаласига қайтайлик. Хўш, юқори малакали қишлоқ механизаторимиз, афсуски, ҳали анча камчилиги бор пахта териш машинасида нима каромат кўрсата олади? Кўп иш қилиши мумкин!

... Ғалаба районидаги Ленин орденли Ўзбекистон ССР 5 йиллиги номли совхознинг пахта далаларида икки киши — бизнинг механик-ҳайдовчимиз билан америкалик механик-ҳайдовчи беллашувини кузатишга тўғри келди. Аслини олганда бу икки машинани техник жиҳатдан синаб, таққослаб кўриш бўлса ҳам, лекин барибир у «ким кимни ютади» маъносида қабул қилинарди: механизаторлардан қайси бири малакалироқ, кимнинг машинаси яхшироқ?

Машиналар ёнма-ён боришади, пахтаси терилган эгатлар худди кафтдагидай кўриниб туради. Америкаликнинг машинасидан кейин ерга уриб туширилган кўсаклар камроқ, тезликда ҳам бизнинг машинамиз бир оз орқада қоляпти. Бинобарин, унумдорликда ҳам унга тенглашолмайди?

Ҳа, майли, жўжани кузда санайди дейишади-ю.

Мутахассисларимиз «Джон-дир» комбайни орқасидан юришди. Улардан бири тўсатдан америкаликка. «Тўхтат!» деб буйруқ беради. У машинасини тўхтатди-да, ерга тушди, лекин нима гаплигини тушунолмайди, бир оз асабийлашади ҳам. Гап шундаки, машина пахтани чала очилган чаноқлардан илиб олади ва шпинделлари билан очилмаган кўм-кўк кўракни ҳам ситиб олади. Бунақада пахта толасининг сифати нима бўлади?..

Фирманинг вице-президенти бошлиқ америкалик мутахассислар аввалига бизнинг танқидий фикр-мулоҳазаларимизга қўшилишмади, лекин кўриниб турган фактни инкор қилиб бўларканми. Хуллас, ахийри улар ўз машиналарининг конструктив камчиликлари ва ўз инженер-аналитиги ишидаги бир оз шошқолоқликни эътироф этишга мажбур бўлдилар.

Ўз навбатида биз ҳам кондиционери бор, эшиги зич ёпиладиган кабинанинг, ҳам шовқинли, ҳам чанг-тўзонли бизнинг кабинамизга нисбатан шубҳасиз афзаллигини холисона эътироф этдик. Тоза териш, машиналар териб ўтганидан кейин тўкилган пахталарни қўшимча териб олишни қисқартириш хусусида ҳам конструкторларимиз чуқур ўйлаб кўришлари керак... Хуллас, «Ташсельмаш» машинаси ҳар қандай чет эл машинаси билан рақобат қилишга қодир эканлиги маълум бўлди. Лекин америка фирмаси вакиллари ўз машинасини серияли ишлаб чиқариш учун қанча иш вақти сарф бўлишини айтганларида, ташсельмашчиларнинг бундай кўрсаткичларга эришишларига ҳали анча бор эканлиги аён бўлди. Ҳа, машина териминг ҳажми масаласида ҳам улар биздан олдинда: Ўзбекистонда етиштирилган ҳосилнинг атиги ярмигина машинада териб олинади, мамлакат бўйича бундан ҳам кам, АҚШ да эса ҳосилнинг ҳаммаси...

ҒАЛАБА ҚИЛИШ ИЛМИ

«Бутун умрим давомида,— деб ёзган эди А. М. Горький,— ишлашни яхши кўрадиган ва ишлай оладиган одамларгина чинакам қаҳрамон бўлишини кўрдим». Ана шундай кишилар — ажойиб механизаторлар, сувчилар, сут соғувчилар, молбоқарлар тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш борасида республикамизда кўп иш қилинмоқда. Лекин у ёки бу моҳир устанинг тажрибаси ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, негадир «унда хеч қандай

сир йўқ» деб таъкидлаш бир қоидага айланиб қолган. Нега энди сир бўлмас экан? Бор!

Айтайлик, бир механик-ҳайдовчи ўз пахта териш машинасида пахтани кўп ва тоза теради, бошқасиникида, қўшни далада ишлаётганникида эса — бир чаноқ бункерга тушса, бир чаноқ ерга тушади. Ҳар бир ишда ҳам шундай: ўз ишининг усталари бор, ўртамиёналари ҳам бор, жуда ёмон ишлайдиганлари ҳам йўқ эмас. Рост, «ҳеч қандай сир-асрори йўқ экан» — демак, «хоҳишнинг ўзи бўлса бўлди экан-да?» Бу қўлидан келсада, ишлашни хоҳламайдиганлар учун кифоя, кўпчилик одамлар эса узоқ вақт, қунт билан ўрганиши керак.

Бинобарин, ишлашга ўрганиш — бу биринчи навбатда ўзингдаги «мен ҳамма нарсани биламан, ҳамма иш қўлимдан келади» деган қатъий ишончни енга билишдир.

Ишлашни ўрганиш — бу асл устани ўзингга устоз деб билиб, ҳам ишлаб чиқариш сирларини топишдаги, ҳам уларни амалий эгаллашдаги қийинчиликларни енгишни астойдил хоҳлашдир, шунга ҳафсала қилишдир.

Асл уста — бу ҳар қандай ишда генераллик унвонидай бир гап, солдат эса генерал бўлиши учун жуда узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтиши керак. Завод цехидаги ёки колхоз даласидаги меҳнатнинг ўзи ва унинг пировард натижаси — бу умумники, коллективникидир. Саноатда эса Маяковский «Мен гайка йўнаман, сен гайкалар учун болтлар ясайсан» деганидек, кўпдан бери меҳнат тақсимоти йўлидан борилмоқда. Ҳар ким ўз меҳнати учун ҳақ олади, ҳар ким ўз иши учун жавоб беради. Агар, гайка учиб кетганлиги учун трактор эгат ўртасида тўхтаб қолган экан, менинг ҳеч ҳам айбим йўқ, чунки мен винтларни ясаганман.

Ишнинг тобора кўпроқ бўлиниши ва индивидуал ишбай усулининг қатъият билан жорий этилиши пировард натижанинг эгасизланишига, шу орқали — умумий масъулиятсизликка ва саноат маҳсулотлари кўп турларининг сифати пасайиб кетишига олиб келди.

Ҳолбуки заводга хос индивидуал ишбай усули қишлоқ хўжалигида ҳам зўр бериб кенг тарқатила бошланди, ваҳоланки бу ерда винт ва гайкалар билан эмас, балки ер ва ҳосил билан иш кўрилади, бу ерда ҳар бир ходимнинг қўшган ҳиссасини аниқ белгилаб бўлмайди. Биров ҳайдалган ер гектарига қараб, бошқалар — культивация қилгани учун, учинчилари — суғоргани, тўртинчилари — бункердан тўкилган пахта тонналари учун ҳақ олади. Ахир, деҳқончиликнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби пахтачиликда ҳали ҳосил — сарфланган меҳнатга ва унинг сифатига бирдан-бир мезондир, ундан ҳатто энг янги компьютер ёрдамида ҳам ҳар бир ходимнинг қўшган ҳиссасини аниқ ҳисоблаб чиқариб бўлмайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида иқтисодий нуқтаи назардан анча ноаниқ ўлчов — ҳалол меҳнат қилиш деган тушунча жуда катта аҳамиятга эга. «Ҳалол меҳнат қилган кишига ер бирини ўн қилиб қайтаради» деган гап бор халқда. Лекин буйруқ билан кишини ҳалол ишлашга ўргатиб бўлмайди.

Бригада пудратига ўтиш — бу партиянинг оддий меҳнатчилар ва қуйи ишлаб чиқариш ячейкаларининг ижодий ташаббусини бутун чоралар билан ривожлантириш, омманинг ишлаб чиқаришни бошқаришда фаол иштирок этишига қаратилган йўлини амалга оширишдир. Қишлоқдаги бригада пудрати — бу меҳнатни илмий асосда ташкил этишдир, бинобарин, ҳар бир киши олдига қўйиладиган талаб — ишлашни ўрган; бу хўжалик ҳисоби ҳамдир — ҳисоблашни ўрган; бу яна ишлаб чиқаришдаги мустақилликдир — бригада ишларини бошқаришни ўрган; ниҳоят — бу ер унумдорлигини ошириш учун масъулият ҳиссидир — уни асрашни ва қадрлашни ўрган деган гапдир.

...Ўн йил муқаддам Жиззах чўлида янги қўриқ Арнасой райони ташкил этилди. Яйдоқ ердан бўлак ҳеч нарса йўқ эди, ҳаммаси шип-шийдам жойдан бошланди. Лекин ташаббускор чўлкуварлар қийинчиликлардан чўчишмади, уларни енгишди. Район хўжаликлари пахта бўйича план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарардилар, комплекс механизацияни қунт билан жорий этдилар. Шуни айтиш кифояки, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида улар етиштирилган пахта ҳосилининг 90 процентини машиналарда териб олдилар. Беш йилдан кейин, яъни ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида эса райондаги 56 бўлинмадан 40 таси ва 360 бригаданинг 200 таси пахта тайёрлаш планини бажара олмади, машина теримининг ҳажми эса атиги 60 процентдан сал ошди. Хўш, нега шундай бўлди?

Сабаблар кўп, лекин энг асосийларидан бири шундаки, районда коллектив пудратни жорий этишда қўлга киритилган позицияларни бой бериб қўйишди. Кўпгина хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари, модомики ишчи кучи етишмас экан, фақат ҳосилни йиғиб-териб олиш учун эмас, шунингдек экинни бегона ўтлардан тозалашга ҳам четдан ёрдамчилар жалб қилинар экан, пудратни кенг жорий этиш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? деган мулоҳазага бориб қолишди.

Зеро беш йил аввал совхозлар ишчи кучи билан ҳозиргидан ҳам кам таъминланган, арнасойликларнинг ютуклари фақат биринчи чўлқуварлар ташаббусининг натижаси бўлмай, балки ҳал қилувчи даражада бригада ва звеноларда кунт билан олиб борилган ташкилий ишларнинг самараси бўлган эди. Арнасойликлар ўша пайтдаёқ пировард натижадан коллектив манфаатдорлиги, ҳосил учун коллектив масъулиятини оширишнинг турли йўлларини қидирган ва топган эдилар. Бу ерда бақувват пудрат бригадалари тузилиб, уларда ҳар бир ишловчига 10 гектардан ортиқ экин майдони тўғри келди, яъни пудрат ёрдамида етишмаган ишчи кучи проблемаси ҳал этилди. Масалан, айтайлик, Юлиус Фучик номли совхозда шундай бўлди, бу ерда Турғун Аҳмедов ва Муборак Боймуротова бошлиқ бригадалар қўриқ шароитида пудратнинг афзаллигини ишонарли исботлаб бердилар.

Ҳозирги кунда эса Абдумалик Муродов бригадасини хўжаликдаги бошқа барча бригадаларга ўрнак қилиб кўрсатишади, бу бригада ўтган йили 54 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30,6 центнердан ҳосил олди, бу совхоздаги ўртача ҳосилдорликдан 5 процент ортиқдир. Хўш, бошқа кўрсаткичлари: бир центнер пахтага кетган меҳнат сарфи, таннархчи? Бригадир коллективида 9 нафар доимий ва 12 нафар мавсумий ходим ишлашини, йиғим-терим пайтида четдан ёрдамчилар ҳам бўлганини биладию, лекин уларнинг ҳаммаси қанчага тушганини тасаввур этолмайди. Қисқаси, бу мисол совхоздаги бошқа деҳқонларни пудратга рағбатлантириши амримаҳол.

Ҳолбуки, шу атрофдаги қўриқ Дўстлик районида, аниқроғи В. И. Ленин номли совхоз-техникумда жуда аҳил ва самарали ишлаётган пудрат коллективларининг ажойиб намуналари бор. Масалан, Рашид Нурлибоев бригадасида ҳар бир доимий ва мавсумий ишловчи ҳиссасига 6 гектардан ортиқ экин майдони ва 23 тонна етиштирилган маҳсулот тўғри келади, пахта ҳосилининг 90 процентдан ортиғи машиналарда терилиб, бир центнер пахта таннархи планда белгиланган 44 сўм-у 14 тийиндан 14 сўм кам бўлди. Бу бригада тажрибасининг ўз нозик томонлари ва сирлари бор. Арнасойликлар уларни ўрганишса, фойдаланишса ёмон бўлмасди.

ЕР ЭГАСИНИ КУТАДИ

Яхши ишлаш — совет кишиси ҳаётий позициясининг ўзагидир. У мана шундай позицияда туриб, ҳар қандай шароитда ҳам самарали ва сифатли ишлашга уринади, бордию, бирор нарса халақит бергудек бўлса, ўша тўсиқларга қарши бор кучи билан курашади.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни бошқаришни илмий асосда ташкил этишнинг жорий қилиниши тўғрисида гапирмасдан бўлмайди, чунки бусиз кўнгилдагидай иш бўлиши мумкин эмас. Айтайлик қишлоқ хўжалигида, пахта йиғим-терими пайтида комбайн бўлса-ю, тележка бўлмаса, иш юрмайди, чунки терилган пахта бункердан ерга тўкилади, тупроққа қоришади...

«Бошқариш фалсафаси» деган тушунча бўлиб, у ишлаб чиқариш технологияси ва одамлар психологиясини конкрет экономика ва педагогика, меҳнат ва хўжалик ҳуқуқи ҳамда сиёсатни билишни тақозо этади. Ҳар қандай лавозимдаги раҳбар ана шу «фалсафа» билан қуролланган тақдирдагина бошқариш жиловини қўлида маҳкам ушлаб туриши мумкин.

Япониянинг корхона эгалари АҚШ монополистларини фақат жаҳон бозорида эмас, балки Америкадаги ички автомобиль бозоридан ҳам жуда қаттиқ суриб чиқаришяпти. Американиклар автомобиль саноатидаги ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини японлардан кам билишмайди албатта, лекин американиклар бир енгил автомобиль тайёрлашга 30 киши-соат сарфласа, японлар — атиги 13 киши-соат вақт сарфлайди. Сири шундаки, японлар ишлаб чиқаришни яхшироқ бошқара олади. Шунинг учун ҳам америка автомобиль магнатлари ўз конкурентларидан ишни ташкил этишга доир ҳужжатларни қўлга тушириш учун ҳамма воситаларни ишга солишлари бежиз эмас, бинобарин, АҚШда бу ишдаги япон тажрибаси ҳақида янги-янги китоблар кетма-кет чиқиб туради.

Венгер кооператорлари қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлиги борасида ўша мақталган фермерларга етиб олди, баъзи бир соҳаларда эса уларни ҳам орқада қолдириб кетишди. Илгарилари «уч миллион гадойлар» мамлакати деб аталган, асосан аграр мамлакат ҳисобланган, лекин ўзини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласида амал-тақал кун кўриб келган Венгрия Халқ Республикаси жуда илдам қадамлар билан олға кетди. Ҳозир бу ерда буғдойнинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олинмоқда, аҳоли жон бошига 145 килограммдан гўшт етиштирилмоқдаки, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Хўш, бундай ютукларнинг сири нимада? Сири шундаки, Венгрияда биздан, бошқа мамлакатлардан, шу жумладан капиталистик мамлакатлардан ҳам астойдил ўқиб-ўрганишга киришдилар ва социалистик хўжалик юритиш прициципларидан воз кечмаган ҳолда меҳнатни ҳамда бошқаришни илмий асосда ташкил этиб, жуда кўп ички резервларини ишга солишга муваффақ бўлдилар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришда венгриялик дўстлар «Ишни буюргандай қилиб бажар» деган эски принципдан қатъий воз кечдилар. Бригадиргача бўлган даражада бу принцип ҳар ҳолда сал-пал қўл келади. Лекин қуйи бўғинларда фақат ишга зиён етказади, чунки бу принцип деҳқондаги ер ва ҳосилга хўжайинлик ҳиссини сусайтиради. «Иложи борича яхши ишлагин» — улар ҳозирги вақтда меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш масаласига ана шу муҳим принцип асосида ёндашмоқдалар.

...Партиямизнинг XXVII съезди арафасида республикамизнинг айрим областларида — Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё областларида бўлиб, механизаторлар, бригадирлар, хўжалик раҳбарлари, РАПО ходимлари билан суҳбатлашдим. Хўш, қишлоқ меҳнатчилари нимадан хурсанд-у, нимадан ташвишда?

Улар Давлат агросаноат комитетининг марказда ва жойларда тўла ҳуқуқли органлари барпо этилганлиги хусусида бу партнёрлар ўртасидаги жуда чўзилиб кетган келишмовчиликларга чек қўйиши керак, чунки улар Крилов масалидаги оққуш, қисқичбака ва чўртан балиққа ўхшаб ҳар қайсиси ўз томонига тортарди, энди ҳаммалари «бир абзалда» бўлишади ва мақсадлари ҳам битта — мамлакатга кўпроқ дон, пахта, сут гўшт ва бошқа маҳсулотлар бериш бўлади, — қарабсизки, иш юришиб кетади, деб мамнун бўлиб гапиришди.

Лекин, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бошқача планлаштирилсагина иш юришади, деб шу заҳоти олдиндан изоҳ ҳам бериб қўйишди. Ҳозиргидай, яъни «ким кўп кўтарса, унга яна ҳам кўпроқ юклаш» деган принципга эмас, балки қатъий ва узоқ муддатга мўлжалланган заминга асосланиш кераккн, илғор хўжаликлар ҳам, қолоқ хўжаликлар ҳам олға қараб боришдан баб-баравар иқтисодий манфаатдор бўлсин. Суҳбатдошларим, бўлажак партия съезди бу жуда эски проблемани ҳам ҳал қилади, деб ишонч билдирдилар.

Ҳа, съезд уни ҳал қилди. Эндиликда колхоз ва совхозларга беш йилликнинг ҳар бир йили бўйича маҳсулот сотиб олишнинг қатъий планлари белгиланади, улар кейинчалик ўзгартирилмайди. Айни вақтда уларга пландан ортиқ етиштирилган маҳсулотнинг ҳаммаси, картошка, мева, сабзавот бўйича эса пландаги маҳсулотнинг анча қисмидан ҳам ўз ихтиёрларича фойдаланиш имкони берилди.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай қилинганда ташаббус ва тадбиркорлик кўрсатиш учун катта имкониятлар яратилади. Ишлаб чиқаришни ривожлантир, фойда ва даромадни кўпайтир, меҳнатни ўз маблағларинг ҳисобига рағбатлантириш йўлларини қидир — ҳозир масала шу тарзда қўйиляпти. Яъни хўжаликни ақл билан моҳирона бошқаргин. «Чинакам хўжалик ҳисоби, корхоналар даромадининг пировард натижаларига боғлиқ бўлиши, — дейилади КПСС МҚнинг мамлакат коммунистларининг XXVII съездига Сиёсий докладида, — агросаноат комплексининг барча бўғинлари учун ва аввало колхоз ва совхозлар учун норма бўлиб қолиши керак. Бригада, звено, оилага шартномада белгиланган муддатга ишлаб чиқариш воситаларини, шу жумладан, ерни бириктириб қўйган ҳолда пудрат ва аккорд системаси кенг жорий этилади».

Партия агросаноат комплекси барча бўлинмаларининг батартиб ва иқтисодий жиҳатдан янада самарали ишлаши учун уларнинг манфаатларини шу тарика умумий тарзда мужассамлаштиради. Энди на объектив, на субъектив сабабларни баҳона қилиб бўлади. Яхши қарорлар бор — энди яхши ишлар зарур. Бинобарин, янгича ишлашга ўрганиш — бугунги куннинг бош вазифасидир.

ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК ТАЖРИБА

АФРИКАДАГИ СОЦИАЛИСТИК ЙУЛНИ КУЗЛОВЧИ МАМЛАКАТЛАРДА АГРАР ТУБ УЗГАРТИРИШЛАР ВА УРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИНИНГ ТАЖРИБАСИ

А. ЮНУСОВ,

иктисод фанлари кандидати

ИМПЕРИАЛИЗМ мустамлакачилик системасининг барбод бўлиши натижасида ўнлаб собиқ мустамлакалар сиёсий мустақилликка эришдилар. Совет Иттифоқи шу мамлакатлар билан ўз муносабатларида уларнинг мустақиллигини қатъий ҳурмат қилиш ва тенг ҳуқуқлилик сиёсатини ўтказиб, бу мамлакатларнинг империализмнинг янги мустамлакачилик сиёсатига қарши, тинчлик ва ялпи хавфсизлик учун курашини қўллаб-қувватлаб келяпти.

Озодликка эришган қатор мамлакатлар социалистик йўналиш йўлидан бормоқдалар. «Озодликка эришган бир қанча мамлакатлар танлаб олган нокапиталистик ривожланиш йўли, **социалистик йўналишни танлаш йўли** ижтимоий тараққиётнинг кенг истиқболларини очади, — дейилади партиямизнинг XXVII съездида қабул қилинган янги таҳрирдаги КПСС Программасида. — ...Идора этувчи революцион-демократик партиялар ички ва ташқи реакциянинг қаршилигини бартараф этиб, империалистик монополияларнинг, қабила аъёнларининг, феодаллар ва реакцион буржуазиянинг ҳукмронлигини тугатиш, экономикада давлат секторини мустаҳкамлаш, қишлоқда кооператив ҳаракатни рағбатлантириш, меҳнаткашлар оммасининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш йўлини ўтказмоқдалар».

Капитализмни четлаб, социализмга ўтишни амалга оширган Совет Ўрта Осиё республикаларида социализм қурилиши тажрибасини ўрганиш ва ўзлаштириш социалистик йўлни кўзлаган мамлакатлар учун улкан революцион-амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бунда мазкур тажрибадан механик равишда нусха кўчириш ярамайди. Гап ҳар бир мамлакатнинг специфик шарт-шароитларини, миллий хусусиятларини қатъий ҳисобга олиш зарурлиги ҳақида боради. В. И. Лениннинг Закавказье коммунистларига «бизнинг тактикамизга кўр-кўрона тақлид қилмасдан, балки уни бир-биридан фарқ қиладиган конкрет шароитларга мувофиқ суратда яхши ўйлаб ўзгартириш зарур эканлигини тушуниб олмоқлари лозим»лиги тўғрисида мурожаат қилиб айтган сўзлари (Тўла асарлар тўплами, 43-том, 223-бет) социалистик йўлни танлаган мамлакатлар революцион-демократик ҳукуматларининг практикаси учун ҳам актуалдир. Социалистик йўлни кўзлаган мамлакатлар ўтказилаётган социал-иқтисодий туб ўзгартиришлар теранлигига қараб бир-бирларидан қанчалик фарқ қилмасинлар, уларнинг олға томон ҳаракатларининг асосий йўналишлари ўхшашдир. Нокапиталистик ривожланиш жараёнида айни ана шу умумийлик ўзига хосликка нисбатан устунлик қилиши совет тажрибасига халқаро аҳамият бахш этади.

«Умуман деҳқонлар революцияси *ҳали* буржуа революцияси» бўлган «ва *бир қанча ўтишлар, ўткинчи босқичлар* бўлмасдан туриб, бу революцияни қолоқ мамлакатда социалистик революция қилиш мумкин» бўлмаган (ТАТ, 37-том, 367—368-бетлар) бир пайтда социалистик йўлни кўзлаган мамлакатларда асосан бир хил типдаги вазифалар қўйилмоқда ва ҳал этилмоқдаки, ўз пайтида Ўрта Осиё республикаларида ҳам шундай бўлган эди. Аграр масалага келганда эса, ер ислоҳотлари ўтказиш нокапиталистик ривожланиш шароитида бу масалани ҳал этишнинг муқаррар шартидир. Бундай ислоҳотлар қишлоқ хўжалик инфраструктурасини нокапиталистик ва мустамлакачилик муносабатларидан «тозалаши» лозим бўлади.

Масалан, Ўрта Осиё республикаларида революцион-демократик ер-сув ислоҳотлари бир неча босқичда ўтказилган эди: мустамлакачиликка қарши босқич, уни икки поғонага ажратиш мумкин —1918—1920 йиллар (ер ва сувни давлат мулки деб эълон қилиш, уни ижарага бериш ва олиш-сотишнинг тақиқланиши), 1921—1922-йиллар (кўчманчи деҳқонлар ерининг мусодара қилиниши), антифеодал ва антикапиталистик босқич — 1925—1929-йиллар (барча социал табақалар ва группаларнинг меҳнат улушларидан зиёд ерга эга бўлиши ва ундан фойдаланишининг бекор қилиниши). Бу туб ўзгартиришларнинг асосий натижаси — ерсиз ва кам ерга эга бўлган деҳқонларга, меҳнат нормаларига қараб чек ер берилиши бўлди. Бундаги ўзига хос хусусият шундан иборат эдики, то 20-йиллар ўрталаригача феодал мулклари дахлсиз қолиб келди.

Жазоирда, Эфиопияда ўтказилаётган ер ислоҳотлари босқичма-босқич ривожланиш схемасига мос тушади, бу схемадаги аграр туб ўзгартиришларнинг социализмдан олдинги ўтиш босқичлари изчил социалистик йўналиш йўлига ва революциянинг миллий-демократик характери мазмунига мувофиқ келади.

Масалан, Жазоирдаги аграр революция уч босқичда бўлиб ўтди. Биринчи босқичда (1971—1973 йилларда) жамоа ерлари, айрим диний муассасалар мулки бўлган ҳамда бўш ётган ерларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш амалга оширилди. Бу босқич ўзининг пировард мақсадлари ва социал моҳиятига кўра Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги ер-сув ислоҳотининг биринчи босқичига айнан ўхшаш эди Иккинчи ва учинчи босқичларда йирик ер эгаларининг ҳақ-ҳуқуқлари чекланиб, бошқа хусусий мулкдорлар ва абсентеистлар (ерга «сиртдан» эгалик қилувчилар)дан ортиқча ерлар аста-секин тортиб олиниб, деҳқонларнинг феодаллар томонидан эксплуатация қилиниши бекор қилинди, шунингдек кўчманчи чорвадорлар орасида социал тенгсизликни бартараф этишга қаратилган қатор чора-тадбирлар ўтказилди.

Эфиопияда 80-йилларнинг бошларигача йирик ер эгалигини тугатиш, ерни унда ишлайдиганларга бериш, ерга хусусий эгалик қилиш формаларини чеклаш билан аграр революция биринчи босқичининг вазифалари ҳал этилди. Қишлоқ хўжалигида мулкнинг давлат ва кооператив формаси вужудга келтирилиши ва ривожланиши билан бу революциянинг иккинчи босқичи бошланди.

Практиканинг гувоҳлик беришича, ҳукмрон партиянинг деҳқонлар ўртасида синфнинг ўз-ўзини англашини ошириш мақсадида олиб борадиган ташкилий-тарбиявий иши аграр туб ўзгартиришларнинг бир босқичидан бошқа босқичига муваффақиятли ўтишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ўрта Осиё республикаларида ишчилар синфи кам сонли бўлган шароитда «Қўшчи» сингари деҳқонлар ташкилотларининг тузилганлиги кенг меҳнаткашлар оммасини прогрессив аграр туб ўзгартиришларга жалб этишнинг асосий формаларидан бири бўлиб, уларнинг онгли равишда уюшиб ўз ҳуқуқлари учун курашга кўтарилишига ёрдам берди. Социалистик йўлни кўзлаган мамлакатлар практикасига ҳам айни шундай ҳол хосдир. Эфиопиянинг марксча-ленинча тадқиқотлар назарий журнали «Мэскерем» бундай деб ёзган эди: «В. И. Лениннинг кўрсатиши-

ча, ернинг деҳқонларга берилиши қишлоқда демократиянинг асосий масаласи ҳал этилишидир. Лекин ерларнинг ва етиштирилаётган маҳсулотнинг хўжайини бўлиб қолган деҳқонларга маҳаллий даражадан то умуммиллий даражагача ўз-ўзини бошқаришни амалда рўёбга чиқариш ва бутун Эфиопия бўйлаб революцион жараёнда фаол иштирок этиш имкониятини бериш учун деҳқонларнинг демократик ҳақ-ҳуқуқларини таъминловчи деҳқонлар уюшмалари системаси тузилди». Эфиопиядаги деҳқонлар уюшмалари — демократик, ошкора, сайлаб қўйиладиган, ҳисоб берадиган уюшмалар бўлгани учун ҳам оддий деҳқонларга яқин ва тушунарлидир. 1981 йилнинг сентябригача 5 миллион 406 минг хўжаликни бирлаштирган 200 мингдан зиёд уюшма тузилган эди.

Нокапиталистик ривожланиш йўлидан бораётган давлатнинг аграр сиёсати ерсиз ва кам ерга эга бўлган деҳқонлар ўртасида ерни тақсимлаш билангина чекланиб қолмайди, бу қишлоқ хўжалигидаги йирик (чет эл ва миллий) хусусий мулкчилигига қарши ҳужум учун замин, холос. Дастлабки қадамдан сўнг албатта аста-секин қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги ижтимоий формаларга — давлат хўжаликлари ва плантацияларига, шунингдек ҳар хил кооперация типларига олиб келадиган навбатдаги қадам қўйилиши керак.

Ўзбекистон ва Тожикистондаги пахтачилик кооперациясининг тўрт босқичи содда формалардан аста-секин тобора мураккаброқ формаларга ўтишга мисол бўла олади. Биринчи босқичда кооперативлар пахтакорларга контрактация бўйича бериладиган авансларга кафиллик қилиш билан шуғулланар эдилар. Хом ашё сотиб олишни ва барча ҳисоб-китоб операцияларини давлат кредит органлари бажаришарди. Кооперациянинг контрагент формасида — иккинчи босқичида пахтакорлар билан келгуси йил ҳосили учун аванс тўлаш ҳусусида шартнома ва битимлар тузилар эди. Учинчи босқич кооперативлари контракт тузишдан то хом ашёни сотиб олишгача бўлган даврда пахтакорлар билан давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турганлари учун иқтисодий жиҳатдан анча мустақил эдилар. Тўртинчи босқич кооперативлари ўз экинлари ва воситаларига эга эди. Агар 1923 йилда асосан биринчи босқич кооперативлари мавжуд бўлиб, улар пахта экадиган хўжаликларни 100 фоиз қамраб олган бўлсалар, 1928 йилда — шундай хўжаликларнинг атиги 13,3 процентини қамраб олганлар. Иккинчи ва учинчи босқич кооперативларининг экинлардаги улуши 1925 йилдаги 4 процентдан 1928 йилда 71,7 процентгача кўпайди, мустақил экинларига эга кооперативлар эса 1926 йилдаги 1,4 процентдан 1928 йилда 15 процентга етди. Бу ерда кооперативлар ривожланишининг кооперация характери ва формалари билан ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ҳукмрон типи боғлиқлиги тўғрисидаги ленинча методологик принципни тасдиқловчи социалистик тенденция ёрқин ифодалангандир.

Эфиопияда социалистик мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиб, деҳқонларни босқичма-босқич кооперациялаштириш ўтказилмоқда. Қуйи формада кооперация ходимларига 0,2 гектар ер ажратилиб, меҳнат қуроллари, иш ҳайвонлари шахсий мулкда сақланиб қолади, кооператив аъзоларининг меҳнатдаги куч-ғайратларигина бирлаштирилади. Бундай кооператив формаси — ўтиш формаси бўлиб, асосан бир мавсумга тузилади. Кооперациянинг иккинчи формасида асосий ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари умумлаштирилиб, 0,1 гектар ер, уй-жой, майда инвентарь шахсий фойдаланишда қолади, меҳнат ҳақи ижтимоий хўжаликка қўшилган ҳиссага қараб тўланади.

Жазоирдаги аграр революция ҳам кооперациялаштиришнинг бир неча босқичини назарда тутади: кооперациягача бўлган ташкилотлар, кўп мақсадли кооперативлар, бир неча типдаги ишлаб чиқариш кооперативлари, пайчиларнинг ери ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ягона ишлаб чиқариш ташкилотига бирлашган ҳолдаги ерга биргалашиб ишлов бериш ширкатлари ва коллектив ширкатлар.

Конго Халқ Республикасида биринчи босқичда кооперативларнинг энг оддий формалари, иккинчи босқичда — таъминот ва реализация кооперативлари тузилади ва учинчи босқичда олдинига оддий, сўнгра эса бир оз мураккаб формадаги ишлаб чиқариш кооперативлари тузиш кўзда тутилади. Танзаниядаги деҳқонларни янги ишлаб чиқариш муносабатларига жалб қилиш жараёни ҳам бир неча босқичларга бўлинган.

Совет Шарқи республикаларидаги кооперативларнинг дастлабки формалари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат контрактлари тузилиши савдо-судхўрлик капиталининг таъсирини чеклашга, кейинчалик уни муомала соҳасидан бутунлай суриб чиқаришга имконият яратди. Совет ҳокимияти кредит ва солиқ солиш воситалари ёрдамида муомала соҳасида капитал жамғариш манбаини ёпиб қўйди. Бу чора-тадбирлар аввал бошданоқ аниқ ифодаланган социал-табақалаш характерига эга бўлиб, меҳнаткашларнинг кенг қатламларига ёрдам кўрсатишга йўналтирилган эди. Давлат ер олганларга катта имтиёзлар берилишини кўзда тутган эди: у қарзлар, кредитлар, энг оддий қишлоқ хўжалик инвентари берарди, солиқлардан озод қилиб, агротехник ёрдам кўрсатарди. Масалан, 1924 йилда Туркманистоннинг Чоржўй округида кредитларнинг 69 проценти камбағал деҳқон хўжаликларига, 30 проценти — ўртаҳол деҳқон хўжаликларига ва атиги 1 проценти — бадавлат хўжаликларга берилди. Ўзбекистонда деҳқонларнинг ҳар хил қатламлари учун кооперативларга киришда шериклик бадалларини тўлашнинг, шунингдек кредит олишнинг табақалаштирилган миқдори ва уни узиш муддатлари белгилаб қўйилган эди. Бу нокапиталистик ривожланишнинг дастлабки босқичида давлат иқтисодий, социал-сиёсий воситалар ёрдамида камбағал деҳқонларга ўз синфий душманини аниқ-равшан кўриб олиши учун имконият яратиб берганлигини англатадики, бунга илгари ижтимоий онгда сақланиб қолган феодал ва патриархал-уруғчилик анъаналари тўсқинлик қилар эди. Имтиёзли тарзда кредит бериш ва табақалаштириб солиқ солиш камбағал ва ўрта ҳол деҳқон хўжаликлари аграр туб ўзгартиришларни актив қўллаб-қувватлашларига ёрдам берибгина қолмай, шу билан бирга эксплуататор табақаларни социал муҳитдан аста-секин йўқотиш чораси ҳам бўлган эди. В. И. Ленин уқтирганидек, «пролетариат меҳнаткаш деҳқонни хусусий мулкчи деҳқондан, — меҳнат аҳли бўлган деҳқонни савдогар деҳқондан, — меҳнат қилувчи деҳқонни чайқовчи деҳқондан айириб, ажратиб олмоғи лозим.

Социализмнинг *бутун моҳияти* уларни бир-биридан ана шу тарика фарқ қилиб ажратиб олишдан иборатдир» (ТАТ, 39-том, 318-бет).

Социалистик йўлни танлаган Африка мамлакатлари конкрет-тарихий шароитни ҳисобга олган ҳолда социал-иқтисодий воқеаларга синфий ёндашишнинг совет принципларидан энг муҳим хусусиятлар доирасида фойдаланмоқдалар. Эфиопиянинг кўпчилик провинцияларида кооперативга кирувчининг қайси синфга мансублиги албатта ҳисобга олинади. Бунда 1974 йилги революцияга қадар 10 гектардан зиёд ерга эга бўлган кишининг ҳуқуқлари махсус кўрсатиб ўтилади. Кооперативга пай взносини бадавлат деҳқонлар бирданига тўлаши шарт, камбағал деҳқон табақалар эса уни имкониятларига қараб — пул билан, ё натура ҳолида ёки меҳнат иштироки билан тўлашади. Солиқ сиёсати ҳам энг камбағал деҳқонлар манфаатларини ҳисобга олади ва кооператив ҳаракатини рағбатлантиришнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Жазоирда кооперативларга ёрдам кўрсатиш учун уларнинг эҳтиёжлари асосан имтиёзли тарзда қондирилади — улар қишлоқ хўжалик инвентари харид қилиш учун кредитлар олишиб, биринчи ҳосилни йиғиб бўлгунларигача текин ёрдам олиб туриш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин кейинги пайтларда Жазоир ҳукумати хусусий секторга эътибор бера бошлади — гарчи донли экинларнинг 60 проценти, сутнинг 85 проценти ва гўштнинг 90 проценти ана шу секторда етиштирилаётган бўлса-да, шу кунгача қишлоқ хўжалик машиналари, кредитлар, ўғитлар унга энг сўнгги

навбатда сотилар эди. 1982 йилда ташкил қилинган Жазоир қишлоқ хўжалигини ривожлантириш банки хусусий секторга 240 миллион динор берди; 1984 йилда шу секторни ривожлантириш учун 30 минг гектар қўриқ ер ажратилди.

Қишлоқ хўжалигида машина-трактор базалари негизида социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш бу муносабатларни вужудга келтириш ва мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. В. И. Ленин ана шуни ҳисобга олиб, деҳқончиликда оммавий миқёсда тракторлар ва машиналардан фойдаланишгина майда ер эгаси психологияси ва кўникмаларини қайта ишлаб чиқиши мумкин дея уқтирган эди. Бу қоида социалистик йўлни танлаган мамлакатлар учун ҳам муҳимдир. Лекин шуни ҳисобга олиш зарурки, нокапиталистик ривожланиш шароитида қишлоқ хўжалик техникасига давлат монополияси принципи ва бу техникадан хусусий хўжаликларда фойдаланишни планли равишда тартибга солиб туриш умумий принцип ҳисобланади.

Давлатнинг куч-ғайрати қишлоқдаги камбағал ва ўрта ҳол табақаларни мумкин бўлган барча чора-тадбирлар ёрдамида қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўрта Осиё республикаларида қишлоқ хўжалик машиналари ва инвентарини сотишда қулоқларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилган эди. 1928 йилдан бошлаб қулоқларга механизациялашган инвентарь сотиш тўхтатилди, 1928—1929 йиллар мобайнида улардан ҳамма тракторлар сотиб ёки тортиб олинди. Кооперативлар қошида машина-прокат пунктлари, трактор отрядлари ва колонналари, шунингдек машина-трактор станцияларининг ташкил этилганлиги қулоқлар таъсирини чеклашда катта роль ўйнади.

1982 йилга келиб Танзанияда 22 та модернизациялаш маркази ташкил этилганлигини қишлоқ хўжалик техникасидан янада оқилона фойдаланиш учун уни давлат қўлида концентрациялашга бўлган уриниш дея баҳолаш мумкин. Бу марказлар, шунингдек деҳқонларни уруғликлар, ўғитлар, энг оддий меҳнат қуроллари билан таъминлашни яхшилаш масалаларини ҳам ҳал қиладилар.

1984 йилда Эфиопияда кооперативларга ва деҳқон уюшмаларига ёрдам кўрсатиш учун «Агарфа» деҳқонларни касбий тайёрлаш кўп мақсадли маркази ва «Йикатит-25» мактаби ташкил этилди. Улар 5 минг механизатор тайёрлаб чиқардилар. Бу механизаторлар биринчи навбатда кооперативларга хизмат кўрсатиш учун давлат станцияларига юборилади. Мадагаскардаги мавжуд 500 та тракторнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ер ислоҳотлари министрлиги қошидаги махсус бўлим қарамоғида туради. Бу бўлим олтита провинциянинг барчасидаги ишларни координациялаштириб, техникани тақсимлаб туради.

Шундай қилиб, Совет Шарқидаги аграр туб ўзгартиришлар тажрибаси социалистик йўлни кўзлаган мамлакатларга умумдемократик вазифаларни ҳал этишда ёрдам бермоқда, бу кейинги прогрессив туб ўзгартишлар учун шарт-шароитлар яратишни тезлаштиради.

Совет Иттифоқи бу мамлакатларга миллий экономикани қуришда ёрдам бермоқда. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида шундай таъкидланади: «Партия социалистик йўлни кўзловчи мамлакатлар билан бирдамликка, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликка катта аҳамият беради... Совет Иттифоқи шу йўлдан бораётган халқларга хўжалик ва маданий қурилишда, миллий кадрлар тайёрлашда, мудофаа қобилиятини оширишда ва бошқа соҳаларда ўз имкониятларига яраша ёрдам бериб келди ва ёрдам бераверади».

СОВЕТ ЎРТА ОСИЁСИДАГИ МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БУРЖУАЧА СОХТАЛАШТИРИЛИШИ

Г. МИХАЙЛОВ,
тарих фанлари кандидати

Антикоммунизм маддоҳлари мамлакатимиз меҳнаткашларининг интернационал бирлигини, СССР халқлари дўстлигини «идеологик кўпорувчилик» стратегиясининг асосий нишонларидан бири сифатида танлаб олганлар. Буржуа идеологларининг миллий масалага доир марксча-ленинча таълимотга ва Коммунистик партия сиёсатига қилаётган ҳужуми агрессивлигининг, унинг СССРда ҳал қилиниши тарихий тажрибасини, илгари қолоқ бўлган халқларнинг социализм даврида эришган жуда катта ютуқларини бузиб кўрсатишларининг сабабини ҳам айнан шу ҳол билан изоҳлаш мумкин.

Антикоммунизм маддоҳларининг бундан кўзлаган мақсадлари очиқ-равшан. Улар «психологик уруш» усул ва методларидан фойдаланган ҳолда СССР халқларининг ўзаро муносабатларида «ишонч инқирозини» пайдо қилишга, буржуа миллатчилигини пролетар, социалистик интернационализмига қарама-қарши қўйишга, миллий масалани марксча-ленинча ҳал қилиш йўлини ривожланаётган мамлакатлар халқлари кўзи олдида обрўсизлантиришга уринмоқдалар.

Империализм идеологлари реал социализмга қарши курашда миллатчиликка умид боғлаб, у ёки бу социалистик мамлакатларнинг (шу жумладан СССР таркибидаги иттифоқдош республикаларнинг ҳам) ўзига хос миллий хусусиятларини жаҳон социализм системасининг (кўп миллатли социалистик давлат бўлган Совет Иттифоқининг ҳам) ривожланиши умумтарихий мазмуни ва қонуниятларига қарама-қарши қўймоқдалар. Оксфорд университети (Англия) қошидаги Ўрта Осиёни ўрганиш марказининг собиқ директори Ж. Уилер очиқдан-очиқ ёзганидек, Ғарб блокидаги барча мамлакатлар Совет Иттифоқи сиймосида потенциал душманни кўрган ҳолда СССР ичидаги миллатчилик Совет Иттифоқини стратегик ва иқтисодий қийинчиликларга дучор қилади деб ҳисоблаганлари учун ҳам унинг потенциал имкониятларига қизиқиб қарамоқдалар.

Ана шундай тасаввурлар асосида мамлакатимиз ичида марказдан қочувчи миллатчилик кучлари ўсишига доир хомхаёллар юзага келди ҳамда империалистик пропаганда ва сиёсат фаолияти учун қўлланмалар тузиб чиқилди. Машъум «ўсиш босқичи» концепциясининг автори, америкалик социолог У. Ростоу 60-йиллар бошидаёқ «коммунистик блок ичида миллатчилик ниҳолларини ўтқазиш» социалистик мамлакатларга қаратилган Ғарб пропагандасининг бош вазифасидир деб баён қилган эди. Очиқ-ойдин амалий тавсия ва прогнозлар ана шундан келтириб чиқарилмоқда. Масалан, СССРдаги майда миллатларнинг ривожланиши проблемаларига бағишланган советшунослик семинарларидан бирида Ғарб «совет режимининг ички барқарорлигини» қўпориш қуроли сифатида миллатчиликдан фойдаланиши кераклиги ҳақида хулоса чиқарилган эди.

Бундай даранг-дурунг буржуа «советшунослиги»нинг иложсизлигини хаспўшлаш учун хизмат қилмоқда. Империалистлар «советшунослар»дан талаб қилаётган реал социализмнинг назария ва практикасини обрўсизлантириш вазифаси Совет ҳокимияти даврида жуда ҳам тараққий этиб кетган Ўрта Осиё республикалари мисолининг ўзидаёқ боши берк кўчага кириб қолмоқда. Буржуа адабиётида узоқ вақт мобайнида Ўрта Осиёнинг иқтисодий ривожланиши аввало РСФСРга фойдали, чунки у гўё СССР Европа қисмини индустриялаш эҳтиёжларини реализация қилишга қаратилган деган даъво тарғиб қилиб келинган эди. Бундай қараш кўринишлари кейинги ўн йил ичида ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, «советшунос» В. С. Вардис (АҚШ) 70-йиллар бошида «нославян республикалар экономикаси рус дарахти танасидаги оддий бутоқдир» деган эди. Бундай бўҳтон империалистик давлатлар ва уларга қарам мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ривожланиши қонуниятларини шундоққина социализм дунёсига кўчиришнинг классик мисолидир. Ҳақиқатан ҳам, арзон хом ашёни четга чиқариш ва қишлоқ хўжалигининг, арзон маҳаллий иш кучидан фойдаланиш негизида ундирувчи ҳамда ишловчи саноат тармоқларининг бир ёқлама ривожланиши ҳаммавақт мустамлакачи давлатларнинг иқтисодий сиёсатини характерлаб келган.

Ўрта Осиё халқларининг социалистик йўлда қарийб етмиш йиллик даврда ривожланиши тарихида ана шундай муносабатларнинг бирорта ҳам фактини топиш мумкин эмас. Совет Шарқи республикаларининг биронтасида ҳам монокультура мавжуд эмас, иш кучига пасайтирилган расценкалар жорий қилинмаган, халқ хўжалигининг «марказ манфаатларини қондирувчи» бир ёқлама системаси яратилган эмас. Аксинча, социалистик индустриялаш ягона халқ хўжалик плани асосида ҳар бир республика экономикасини комплекс ривожлантиришни кўзда тутади. Планда хўжалик юритишнинг жойлардаги спецификасини ва, аввало, регионнинг табиий, геологик-иқлимий шароитларини ҳисобга олиш эса бутунлай бошқа масаладир. Ўрта Осиёда ҳам, мамлакат миқёсида ҳам айрим республикалар ва регионлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти умуман олганда объектив омиллар мажмуаси билан белгиланиб, Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг манфаатларини ҳамда эҳтиёжларини акс эттиради. Ихтисослаштириш ва комплекс ёндашишнинг оқилона қўшиб олиб борилиши натижасида саноат тараққиёти иттифоқдош республикалар иқтисодий даражаларини тенглаштиришда, СССР халқларининг қардошларча ҳамкорлиги ва яқинлашувида қудратли туртки бўлди.

Ўзбекистонда пахтачиликнинг тараққий этиши қардош республикалар ривожланиши манфаатларини кўзлашда маҳаллий шароитларни ҳисобга олишнинг ёрқин мисоли бўла олади. Ўзбекистон ССР мамлакатга асосий пахта етказиб берувчи эканлиги факти республикамиз монокультура региони бўлиб қолганлигини ва ўз экономикасининг тармоқ структураси ривожланмаганлиги ва нопропорционал бўлиб қолганлигини асло билдирмайди. Бу ерда пахта етиштиришдан ташқари кўмир, нефть, газ, олтин қазиб олинаётганлиги, рангли металлургия, химия саноати ва енгил саноат жадал ривожланаётганлиги яхши маълум. Республикада ишлаб чиқарилмайдиган буюмлар эса умумиттифоқ баҳоларида СССРнинг бошқа регионларидан олиб келинмоқда. Бу масалада ҳамма республикалар тенгдир, уларнинг ҳамкорлиги ва кооперацияси айни тенглик принципи асосида қурилмоқда.

Социалистик ўзгартишлар натижасида Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон каби Ўзбекистон ҳам коллектив қишлоқ хўжалиги ривожланган индустриал республикага айланди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулоти урушдан олдинги даврга нисбатан 15 баравар ошди. Экономикаси мамлакат ягона халқ хўжалик комплексининг таркибий қисмига айланган бугунги Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик машина ва ускуналарининг, асбоб ва аппаратларнинг, химия ва нефть

химияси маҳсулотларининг, енгил ва озиқ-овқат саноати товарларининг йирик ишлаб чиқарувчисидир. Ғарб «танқидчилари» бу фактларни инкор қила олмайдилар. Ана шу сабабли ҳам СССР социалистик планли хўжалигининг ривожланиши бошқа халқларнинг, шу жумладан, Ўрта Осиё халқлари ҳисобига аввало рус халқининг манфаатларини кўзлайди деган ривоят ҳар қандай асосдан маҳрумдир.

Лекин ғоявий мухолифларимиз ўзларининг асосий мақсадларидан — СССРда миллий муносабатлар ривожланиши тажрибасини обрўсизлантириш ниятидан воз кечишни хоҳламаяптилар. Бунда уларга Ғарб социологлари дастлаб ривожланаётган давлатлар материали асосида ишлаб чиққан, капиталистик модернлаштиришнинг миллатчилик туйғуларини активлаштиришдаги роли ҳақидаги маддоҳчилик нуқтаи назари жуда қўл келди. Бу «концепция» XX аср иккинчи ярмида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари миллий-озодлик ҳаракати қудратли юксалишини ҳам, улар аксариятининг юқори ривожланган капиталистик давлатлар томонидан тенг ҳуқуқли бўлмаган иқтисодий тартиб тиқиштирилишига кескин қарши чиққанлигини ҳам фаҳмлаб етишга уринишлар натижасида юзага келган. Буржуа идеологлари учун ривожланаётган мамлакатлар халқлари империализмнинг янги мустамлакачилик ниятларини фаҳмлаб олганлигини тан олиш осон эмас. Лекин улар бу фактни тан олишга мажбур бўлган ҳолда ҳам, миллатлараро муносабатлар принципиал янгича, чин қардошлик, интернационал асосда қурилаётган Совет Иттифоқи ҳам гўё ана шундай «миллатчилик даъвати»га тўқнаш келмоқда ёки келиши керак деб даъво қилмоқдалар.

Совет Ўрта Осиёси республикалари ва унга қўшни давлатларнинг бир хил вақт мобайнида тараққий этишини характерловчи кўрсаткичларнинг кенг доирасини қиёсий таҳлил қилиш шундай ишонарли жавоб беряптики, натижада кўп буржуа идеологлари эндиликда ривожланаётган мамлакатларда совет тажрибасини қўллаб бўлмаслик ҳақидаги ўз нуқтаи назарларини қайтадан кўриб чиқишга мажбур бўлмоқдалар. Агар СССРдаги миллий масала бўйича Ғарбдаги энг машҳур «мутахассислар»дан бири бўлган У. Коларц бундан ўттиз йил аввал «Россия ва унинг мустамлакалари» китобида «Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг индустриал ривожланиши мисоли заиф ривожланган мамлакатлар учун андоза бўлиб хизмат қила олмайди» деб ёзган бўлса, кейинги ўн йиллик бошидаёқ антикоммунистик қарашларини очиқ-ойдин баён этувчи «советшунос» М. Хиндус (АҚШ) Ўзбекистон ССР тажрибасига мурожаат қилган ҳолда мамлакатимизда миллий муносабатлар соҳасида эришилган ютуқларни шундай баҳолаган эди: «Ўзбекистон Москва тарихан қисқа вақт мобайнида саноат тараққиётининг, фан, техниканинг илғор даражасига кўтарган заиф ривожланган Осиё мамлакати намунасидир. Осиё, Африкадан, ҳар қандай кам тараққий қилган мамлакатдан Тошкентга келган меҳмон Ўзбекистон эришган ютуқлар: миллий соғлиқни сақлаш системаси, турмуш даражаси ошганлиги, маориф, техника, саноат, фан юксалганлиги билан ўз мамлакати қашшоқлигини таққослаши мумкин... Бу эса ривожланишнинг кремлча формуласига жаҳоншумул аҳамият бағишламоқда».

Америкалик бошқа «советшунос» С. Гендель кўп миллатли Совет давлати ташкил топганлигининг эллик йиллиги тантанаси арафасида шундай деб эътироф этишга мажбур бўлган эди: «Аралаш аҳоли ва майда миллатлар яшовчи чекка территорияларда маориф, маданият ва иқтисодий ривожланиш соҳасида СССР буюк ютуқларга эришганлигини инкор этиб бўлмайди».

Шундай қилиб, буржуа идеологларининг СССРда миллий масала ҳал қилиниши тажрибасини ана шу жараённинг социал-иқтисодий омилларини таҳлил этиш воситаси билан обрўсизлантиришга уринишлардан амалда воз кечганлари ҳақида гапириш мумкин. Улар сохталаштириш осон бўладиган ҳодисаларни топиш илинжида Совет Ўрта Осиёси халқлари

ҳаётининг бошқа қирраларига бор куч-ғайратлари билан мурожаат қилмоқдалар. Ж. Уилернинг 1979 йил октябрида «Эйшн эфферс» журналида босилган «Ислом ва Совет Иттифоқи» мақоласи мисолида «советшунос»ларнинг ана шу йўналишдаги фикрлаш мантиқини кузатиш мумкин. Яққоллик бўлиши учун «инглиз-саксон «ўртаосиёшунослиги» патриархининг ушбу асаридан муфассал кўчирмалар келтириш мақсадга мувофиқ бўлади. «Иқтисодий тараққиёт, индустриялаш, турмуш даражаси, умумий ва техникавий таълим, соғлиқни сақлаш ва ички хавфсизлик масаласига келсак, — деб ёзади Уилер, — Ўрта Осиё мусулмонлари (автор амалда бу тушунчани регионнинг бутун аҳолисига татбиқ қилади. — **Г. М.**) ҳозирги вақтда дунёдаги энг илғор, энг барқарор мусулмон жамияти бўлса, эҳтимол... Уюшган норозиликка доир ҳеч қандай шоҳидликлар бўлмаса-да, бундан йигирма беш йил аввал Ғарбдаги баъзи бир ҳукуматлар совет мусулмонлари мустақилликка интиладилар дебгина эмас, шу билан бирга улар орасида фаол миллатчилик руҳи барқарорлигига ҳам ишонардилар... Бу ҳақда шундай дейиш мумкин: агар бундай имконият мавжуд бўлган бўлса ҳам, ҳозир у камайди. Ҳозирги ҳолатда Ўрта Шарқ ва Жанубий Осиёнинг кўпгина халқлари орасида бўлганидек тахлитда мусулмон миллий ҳаракати истиқболсиздир».

Оқилона тан олиш, дейиши мумкин журналхон. Албатта, лекин Уилер шу ерга нукта қўядиган анойилардан эмас. Унинг ушбу мақоладан мақсади ҳамма нарсадан кўз юмган ҳолда «совет мусулмонларининг ўзлигини англаши» ошиб бораётганлиги ва совет давлатининг миллий сиёсатига борган сари кучли таъсир кўрсата боришини исботлашдан иборатдир. Лекин уддабурон «советшунос»нинг ўз далилини ҳозирги дунёдаги барча мусулмонларнинг, шунингдек, у чин эътиқодли мусулмон деб ҳисоблашни хоҳловчи кишиларнинг психологияси ва ақл-идрокини тушуниб етишга қодир эканлигига даъво қилишдан бошқа исботи йўқ. Уилернинг фикрича, Совет Ўрта Осиёсининг туб ерли аҳолиси норозими — ана шунинг ўзи етарли! Тўғри, автор ўзи истамаган ҳолда Ўрта Осиёда «кўп йиллар давомида очиқдан-очиқ диссидентлик кўринишлари бўлмаган» деб тан олишига тўғри келган. Лекин, деб маънодор давом этади Уилер, ғарблик «инсон ҳуқуқлари» курашчиларини умидлантириши мумкин бўлган «баъзи нишоналар» бор. У қандай қилиб минглаб километр олисда туриб «совет мусулмонлари» фикрларини билиб олганлиги журналхонлар учун қоронғи бўлиб қолаверади. Бунда носоциалистик дунё воқеаларига ўхшатиш принципини, яна шунингдек, хаёлдагини ҳақиқат деб қабул қилишга тайёргарлик ҳам ўз таъсирини кўрсатган деб ўйлаш мумкин.

Совет Ўрта Осиёси халқлари маданиятининг «тушкунликка учрагани» ҳақида жар солувчи антикоммунистлар ана шу халқларнинг миллатлараро алоқанинг умум эътироф этган қуроли бўлган рус тилини янада кенгроқ эгаллаб боришлари, шунингдек, ҳамма жойда меҳнаткашларни атеистик тарбиялаш кенг йўлга қўйилганлиги фактларини бўрттирадилар. Лекин рус тилининг совет кўп миллатли давлатида коммуникатив ўзак сифатидаги роли ошиб бориши бошқа тилларга зарар келтириш ҳисобига бўлаётгани йўқ; Ўрта Осиё халқларининг маданияти Октябрь революциясига қадар ҳам, айниқса ундан кейин ҳам догматлари, маълумки, билим тўплашни ва халқ ижодини тор қолип ичига солиб қўювчи ислом дини билан бутунлай ёки кўп жиҳатдан боғланмаган эди. Бутун гап шундаки, буржуа «советшунослари» ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва қорақалпоқлар, региондаги бошқа халқлар вакиллари маданий ҳаётининг гуллаб-яшнашига доир ёрқин далилларни **қасддан** камситиб кўрсатадилар.

КПСС миллий сиёсатини империалистик давлатларнинг мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик сиёсати билан айнан деб қаровчи империализмнинг «олим» малайлари ўн йиллар мобайнида бу сиёсатнинг пировард мақсади Ўрта Осиёдаги рус бўлмаган халқларни ассимиляция

қилишдан иборат деб даъво қилиб келмоқдалар. Америкалик «советшунос» Э. Оллуорт ва унинг ҳамкасблари ёзган кўп сонли тадқиқотлар асосида ана шу сохта тезис ётади. Ҳатто ассимиляция қилинишнинг қандайдир «градацияси» ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра мамлакатимиздаги бир қатор халқлар (белоруслар, кареллар, осетинлар, ёқутлар) ўзларининг миллий белгиларини умуман «йўқотадилар», бошқалари (шу жумладан Ўрта Осиё халқлари) анча секин суръатда ана шу йўналишда ҳаракат қилади; авторнинг таъкидлашича, бошқа хил халқлар (грузинлар, арманлар, латишлар, литваликлар, эстонлар, эҳтимол украинлар ҳам) «эҳтимол, ўзларининг миллий хусусиятларини сақлаб қола оладилар». Антикоммунистларнинг «далил-исботлари» билан танишиш совет миллат ва элатлари яқинлашишининг объектив юз бераётган жараёнини улар ассимиляция деб тақдим этаётганликларини, СССРда яшовчи халқларнинг миллий хусусиятларини асосан дин, ўтроқлик ва миллатнинг ички никоҳларга интилишларида кўраётганликларини кўрсатади. Шундай қилиб, КПССнинг социал мақсадлари ҳақидагина эмас, балки кўп миллатли социалистик жамиятдаги этник жараёнлар ва турмуш тарзи ҳақида ҳам нотўғри тасаввур туғдирилмоқда.

ССР Иттифоқи ташкил топишида ленинча ғоялар ёркин гавдаланди. Тарихда шундай қисқа муддат ичида миллат ва элатларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шу қадар кўп иш қилган бошқа давлат бўлган эмас. Совет республикаларининг дўстона оиласида уларнинг экономикаси жадал ўсмоқда. Бугунги кунда уларнинг ҳар бирини замонавий саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, чиндан ҳам гуллаб-яшнаган маданият характерлаб турибди. Шу билан бир вақтда улар такрорланмас қиёфага, ўзларига хос миллий хусусиятларга эгадирлар. Кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи ташкил топди, у совет кишилари тарихий тақдирларининг бўлинмаслигига, ҳам моддий, ҳам маънавий соҳада чуқур объектив ўзгаришларга, ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг мустаҳкам иттифоқига асосланади. У хўжалик ва бутун ижтимоий ҳаёти интернационаллашуви ошиб боришининг, мамлакатимизда социалистик миллатлар ривожланишининг, улар орасида ҳақиқий тенг ҳуқуқлилик, қардошларча ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик, ҳурмат ва ўзаро ишонч муносабатлари таркиб топганлигининг натижаси бўлди. КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида бу янги куч билан таъкидланди.

Шундай қилиб, ҳозирги босқичда мамлакатимизда миллий муносабатларнинг ривожланишини «ассимиляция» эмас, балки социалистик интернационаллашиш, «миллатчилик» эмас, балки қардош халқларнинг яқинлашиши ва бирлиги мустаҳкамланиши характерлайдики, улар айни вақтда истиқболга қаратилган тенденциялар ҳамдир. «Партия шунга асосланадики, — деб таъкидланади КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида, — ленинча миллий сиёсатни изчил амалга ошириш, халқлар дўстлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаб бориш — социализмни такомиллаштиришнинг таркибий қисми, кўп миллатли социалистик Ватанимизни янада равнақ топтиришнинг ижтимоий практикада синалган йўлидир».

Фақат социализм, совет ҳокимияти Ўрта Осиё халқлари маданиятининг ҳақиқатда эркин, феодал сарқитлардан холи ривожланиши учун шарт-шароит яратди. Туб ерли миллатлар халқлари тилларида кўп минг нусхада бадиий адабиёт нашр этилиши, университетлар, театр, киностудия, оммавий кутубхоналар очилиши — буларнинг ҳаммаси бу ерда Октябрь революциясидан сўнг бошланди. Ўрта Осиё халқларининг социализм давридаги тараққийси ҳақида сўзларкан, таниқли қирғиз ёзувчиси Ч. Айтматов КПССнинг ленинча миллий сиёсати туфайли бу халқлар бошқа халқлар билан сиёсий тенгликка эришибгина қолмай, «узоқ давом этган миллий маҳдудлик»ни ҳам енгиб ўтдилар деб тўла асос билан қайд этади. «Баъзиларимиз, — деб ёзади Ч. Айтматов, — замона-

вий маданият ва цивилизация орбитасига асрлар қаъридан чиқиб олдик ва бой берилган асрларни жадал қувиб ўтиб, қўҳна оғзаки достонлардан, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги илк ёзма сатрлардан бошлаб маданий тикланишни бошдан кечира бошладик. Биз бу йўлни якка ҳолда эмас, балки қардош халқлар билан елкама-елка туриб босиб ўтдикки, бизнинг бахтимиз ҳам ана шундадир».

Миллий масалани ҳал қилиш совет тажрибасининг жаҳоншумул аҳамиятини камситишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган буржуа пропагандаси сўнгги йилларда СССР ривожланишининг ҳозирги босқичи демографик хусусиятлари ҳамда Ўрта ва Яқин Шарқнинг бир қатор мамлакатларида ислом дини роли ошиши билан боғлиқ турли-туман шов-шувларга борган сари катта аҳамият бермоқда. Баъзи бир буржуа «советшуносларининг» фикрича, СССР Европа қисмида туғилиш суръатларининг пасайиши ва мамлакатнинг жанубий қисмида, аввало Ўрта Осиёда унинг кўтарилиши фақат демографик оқибатга олиб келмай, СССР ичида иш кучининг кўзда тутилган «зўравонлик билан жойлаштирилиши» натижасида миллатчилик ўсиши сабабли олисни кўзловчи сиёсий оқибатларга ҳам олиб келади. Бундай парвозли фантазия ҳақиқатан ҳамма рекордларни орқада қолдиради.

Ислом динининг Совет Ўрта Осиёси халқлари ҳаётида етакчи ўрин тутиши ҳақидаги ривоят ҳам бундан қолишмайдиган фараздир. Америкалик «советшунослар» ўзига хос миллий хусусият ва анъаналарни диний эътиқодлар сақланиб қолганлиги билан уйғунлаштириб, Россиянинг прогрессив ижтимоий тафаккури ва социализм эмас, гўё айни ислом дини ана шу халқларнинг маданий тараққийсига ёрдам берган деб даъво қиладилар. Ж. Кричлоунинг «Кенейдиэн славоник пейперс» журналида босилган мақоласи ана шундай руҳда битилган. Араб дунёси ва Эрон ислом маданиятининг Ўрта Осиёга таъсирини ҳар томонлама ошириб ва бўяб кўрсатган автор тарихнинг ҳаммага маълум фактларидан кўз юмади. Сир эмаски, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг атоқли олим ва шоирлари (Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Абай) фаолиятида Кричлоу тасвирлаганидек қандайдир умуммусулмон анъана намоён бўлгани йўқ, улар ўзларининг энг яхши асарларини ислом дини ёрдамида эмас, балки Ўрта Осиё халқлари энг илғор намояндаларининг адабий ижоди ва эркинлигини бўғувчи диний догмаларга зид ҳолда яратдилар. Бундан ташқари, ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман ва қорақалпоқлар миллий анъаналари ҳамда маданий потенциалини ислом динига тақаш амалда бу анъаналар аҳамиятини камситиш демакдир, чунки улар ана шу регионда мусулмон дини тарқалишидан анча олдин шаклланган ва у ерда моддий маданият ва билимлар анчагина юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради. XIX аср ва XX аср бошларида Россия илғор ижтимоий тафаккури ва адабиётининг Ўрта Осиёга таъсир этиши прогрессив аҳамиятга эга бўлганлигининг «советшунослар» томонидан инкор этилиши ҳам ҳеч қандай реал асосга эга эмас.

Кейинги вақтда (70-йиллар охири ва 80-йиллар бошида) ғарб «советшунослари» асарларида Ўрта Осиё халқлари ҳаётида мусулмон дини роли масаласини қўйишда маълум ўзгариш яққол кўзга ташланмоқда. Урушдан кейинги дастлабки ўн йилликлар мобайнида буржуа идеологлари совет миллий республикалари эришган ютуқлар қўшни ва бошқа ривожланаётган мамлакатларни социалистик ориентация йўлини танлашга йўллайди деб тўла асос билан хавфсираган, Ўрта Осиё аҳолиси диндор қисмининг хориждаги мусулмонлар билан маънавий алоқасини уларга реал социализмнинг революционлаштирувчи таъсир воситаси сифатида қараган эдилар. Бу хавфсирашлар ҳозир ҳам мавжуд, албатта. Лекин эндиликда антикоммунизм нукул мудофаа позициясида туришдан демократия ва тараққиёт кучларига қарши идеологик ҳужум қилишга ўтишга тез-тез уринмоқда. Бу ҳужумда империалистик доиралар халқаро кескинликни юмшатишга мажбур бўлган, бир вақтнинг ўзида социалистик

мамлакатларга «тинч йўл билан суқулиб кириб олиш» ва шунга мувофиқ коммунистик идеалларнинг «нураши»га имкон кўпайишига умид боғлаган пайтлардаёқ мусулмон динига муайян умид боғланган эди. «Совет воқелигини ўрганишда узоқ вақт иккинчи даражали жиҳат деб қараб келинган Ўрта Осиёдаги мусулмон миллатчилиги ниҳоят эътиборни жалб қилмоқда, — деб завқ-шавқ билан хитоб қилади отнинг қашқаси бўлиб қолган «советшунос» М. Ривкин (АҚШ) — ...Ўрта Осиёда мусулмон динига асосланган замонавий миллатчилик руҳи пайдо бўлмоқда».

Эрондаги воқеалардан кейин буржуа «назариётчилари» Совет Ўрта Осиёсида диний мутаассиблик «жонланиши»га бўлган умидларини очиқ-ойдин билдира бошладилар, бунда ислом динига «модернлаштириш» базасидаги (яъни индустриал ривожланиш, шаҳарлар ўсиши, ижтимоий тузумдан қатъи назар шаҳар маданияти ва дунёвий билим ошиши базасидаги) ҳар қандай социал ўзгаришларга нисбатан душман идеология сифатида қарамоқдалар, шунингдек, ривожланаётган давлатларга хос конфликт ва антагонизмларни одатларига кўра социалистик жамиятга татбиқ қилмоқдалар. Америкалик ўртаосиёшунос А. Беннигсеннинг «Коммунизм проблемалари» журналида (АҚШ) 1980 йил баҳорида эълон қилинган мақоласи шу муносабат билан характерлидир. Мақоланинг асосий хулосаси мана бундай: «Совет мусулмонлари» (яъни, авторнинг фикрича, Ўрта Осиё ва бир қатор Кавказ республикаларининг амалда ҳамма аҳолиси) американиклар (?!) каби гўё «номусулмон Ғарб»га мансуб бўлган совет халқининг қолган қисмига қараганда хориждаги диндош биродарлари билан кўпроқ муштаракликка эгадирлар. Беннигсен бундай хаёлий, ўтакетган антикоммунистнинг принципсиз мулоҳазаларига асосланган ҳолда дунёни «мусулмон Шарқи» ва «номусулмон Ғарб»га бўлишни бирорта далил билан ҳам исботлашга қодир эмас. Бундан ташқари, автор Совет Ўрта Осиёсининг ерли аҳолисида ўзининг «мусулмон Шарқи» билан диний муштараклигини қандайдир «ғира-шира ҳис этиш» шаклланди деб эшитилар-эшитилмас миғирлашга мажбур бўлди, холос.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё республикаларининг ривожланишига бағишланган «советшунослик» адабиёти мундарижаси ундаги ҳукмрон тадқиқотчилик ёндашувининг субъективизми ва нохолислигидан, мамлакатимиздаги миллий муносабатлар проблемаларига буржуа идеологларининг қизиқишига сиёсий руҳ хос эканлигидан жуда аниқ-равшан далолат бермоқда. СССРда миллий масала ҳал қилиниши тажрибаси, Ўрта Осиё халқларининг социализм қурилишида эришган муваффақиятлари ривожланиш йўлини танлаётган мамлакатлар аҳолиси кўз ўнгида реал социализмни обрўсизлантириш мақсадини кўзлаган ҳолда талқин қилинмоқда. Ана шу маънода буржуа «советшунослиги»нинг Совет Ўрта Осиёсига доир концепциялари замонавий антикоммунизм ва антисоветизм умумий ғоявий-назарий багажининг узвий қисмини ташкил этмоқда.

Антикоммунистик стратегиянинг халқлар дўстлигини кўпоришга қаратилган «назарий» постулатлари, биз кўргандек, реал ҳаётий жараёнлар билан қиёслашга арзимайди. Ушбу стратегия ҳалокатга маҳкумлиги шубҳасиздир. Тарихий тажриба кўп марта исботлаганидек, совет халқлари маънавий-сиёсий бирлигини бузишга, улар дўстлиги ва ўзаро ҳамкорлигини емиришга унинг кучи етмайди. Лекин, «психологик уруш» машқлари оддий ўйинлар эмас. Булар халқаро муҳитни заҳарлайди, ишонч, бир-бирини тушунишни қарор топтиришга халақит берадики, бусиз реалистик сиёсат юргизиш мумкин эмас. Совет Иттифоқи ва совет кишилари тўғрисида ўтакетган зарарли бўҳтонларни тарқатиш фақат мамлакатимизга зиён етказиб қолмай, ўзини «озод дунё» деб аташларини даъво қилувчи давлатларнинг ижтимоий-сиёсий обрўсига ҳам зиён етказади. Ғарбнинг ахборот ва пропаганда хизматлари ўз куч-ҳаракатларини қанчалик ишга солмасинлар, СССР халқларининг дўстлиги бундан заифлашмайди, албатта.

«Форин afферс» журналида (АҚШ) 1983 йил ёзида эълон қилинган «Одат бўлиб қолган нафрат — хато сиёсатдир» деган мақоласида сенатор Ч. М. Матиас шундай деб фикр юритади: «Американинг монохром қиёфасини кўрсатишга ёки шундай деб тан олишга интилишимиз керак эмаслиги каби, биз СССРни бир хил бўёқда чизишни талаб қилмаслигимиз керак... Ўтмишда, шунингдек ҳозир ҳам, биз деярли фақат кучга суяниб келдик. Биз аввало мухолифимизни тушунишга, мумкин бўлган ҳолда у билан узоқ муддатли келишувга эришишга интилсак, ўз режаларимизда кўпроқ муваффақиятга эриша оламиз».

Ғарб пропагандистларининг Совет Иттифоқи халқлари «дестабилизацияси», «емирилиши»,«тарқоқлиги»га нисбатан энг умидбахш ниятлари ҳам катта хатоларга олиб келади. Антисовет пропаганда яратган «ёвузлик империяси» образи кўпчиликни (шу жумладан америкаликлар орасида ҳам) ишонтира олмади; лекин ушбу акциянинг ўзи АҚШга сезиларли сиёсий йўқотишлар олиб келди. Агар Оқ уй ҳақиқат ва фактларга зид ўлароқ халқаро мулоқот муҳитини миллий душманлик, нафрат, муросасизликнинг заҳарли буғлари билан заҳарлашни давом эттира берар экан, бундай йўқотишлар сони янада кўпаяверади.

Психологик уруш воситалари ёрдамида бошқа мамлакатларда миллий нифоқ алангасини ёқишга уринаётган сиёсатдонлар жаҳонда тинчлик бўлишини хоҳлай олмайдилар. Улар ана шу билан ҳам хавфлидирлар, чунки, КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланганидек, «империализм авж олдириб юборган «психологик уруш» халқлар суверенитети, тарихи, маданиятини поймол этаётган агрессиянинг, информацион империализмнинг алоҳида формасидан бошқа нарса эмас. Бу — урушга бевосита сиёсий психологик тайёргарлик ҳамдирки, унинг Ғарбда мунофиқона тарғиб қилинаётгандек на қарашларни чинакамига қиёслаш билан ва на ғояларни эркин айирбошлаш билан ҳеч қандай алоқаси йўқлиги табиийдир. Одамларни империализмга ёқмайдиган ҳар қандай жамиятни милтиқ билан мўлжалга олишга ўргатишаётган экан, бу ҳаракатларга бошқача баҳо бериб бўлмайди».

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Жиззах областидаги Ҳамид Олимжон номли совхоздан журналхон Э. Тошпўлатов Ўзбекистон пахтакорларининг халқаро алоқалари тўғрисида ҳикоя қилишимизни сўрабди.

ЖУМЛА ЖАҲОН ЭЪТИРОФИ

КПСС ВА СОВЕТ ДАВЛАТИ кенг микёсдаги аграр сиёсатни амалга оширнб келаётганлиги туфайли Ўзбекистонда пахтачилик тарихий киска муддат ичида халқ хўжалигининг етакчи тармоғига айланди. Республикамиз СССРнинг асосий пахта базаси бўлиб қолди, Совет Иттифоқининг пахтачиликка хизмат қилувчи асосий илмий муассасалари ва саноат корхоналари шу ерда жамланган.

Пахтакорларимизнинг муваффақиятлари барчани қойил қолдирди. Масалан, Ўзбекистон селекциячилари яратган пахта навлари чет элларда машҳур эканлиги шундан далолат беради. Толасининг сифатлилиги билан ажралиб турадиган ва гектаридан 45—50 центнергача ҳосил берадиган «108—Ф» нави айниқса кенг донг таратган. «108—Ф» нави ҳозир ХХР, Ҳиндистон, Жазоир, Тунис, Афғонистон ва бошқа давлатлар далаларида экилмоқда. «147—Ф», «С—4727», «Тошкент—1» каби пахта навлари ҳам чет элларда қизиқиш уйғотиб, Болгария, Эрон, Ангола ва бошқа мамлакатлар оммавий равишда экиш учун бу навларнинг чигитларини сотиб олганлар.

— Мен қарийб ўттиз йилдан бери энтомология билан шуғулланаман, — деди Ҳиндистоннинг Карнатака штатидаги қишлоқ хўжалик тадқиқотчилик станциясининг етакчи мутахассиси, профессор Гирияпна Тимаях ўн кун давомида ўсимликларни ҳимоя қилиш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти фаолияти билан танишиб чиққанидан сўнг. — Селекциячи олимлар, агрономларнинг ғўзада айрим касалликлар тарқалишини илмий прогнозлаш соҳасидаги улкан ютуқлари мени ҳайратга солди. Мен республиканинг турли регионларидаги тупроқ структурасини ўрганиш, унинг ҳарорат режимини белгилаш, ерга ва ўсимликларга ишлов беришнинг самарали методларини тадқиқ қилиш борасида планли равишда олиб борилаётган иш билан танишдим. Ўзбекистонда миллионлаб гектар ерларга биологик метод билан ишлов берилаётганлигини билиб, чинакамига хурсанд бўлдим. Бу биз учун ғоят қимматли тажрибадир. Совет олимларининг серҳосиллиги ва касалликларга чидамлилиги билан ажралиб турадиган пахта навларини яратиш борасидаги тадқиқотлари ҳам биз учун қизиқарлидир.

Зараркунандаларга ва қишлоқ хўжалик экинлари касалликларига қарши кураш кўлами турли мамлакатларда тобора кенгайиб боряпти. Шу сабабли бутун дунё олимлари мустаҳкам алоқада бўлишлари, бу соҳадаги муҳим проблемаларни ҳал этишда коллектив бўлиб куч-ғайрат кўрсатишлари зарур. Совет Ўзбекистони пахтакорлари шундай ҳамкорликда актив иштирок этиб, бу хайрли ишда намуна кўрсатмоқдалар. Масалан, республикамиз мутахассислари Эфиопиянинг Горжам, Кофф, Харар ва бошқа вилоятларида қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларининг турларини аниқлаб, уларнинг экологиясини ўргандилар ва уларга қарши самарали курашиш йўлларини белгилаб бердилар.

Пахтачилик соҳасида ишловчи чет эллик олимлар ва амалиётчилар республикамизда тез-тез меҳмон бўлиб турншади. Кейинги пайтда Афғонистон, Никарагуа, ХХР, АҚШ, Покистон ва бошқа мамлакатлар вакиллари бизда бўлиб кетдилар.

Ўзбекистон ССР мутахассислари Осиё, Африка ва Марказий Американинг кўпгина пахта экадиган мамлакатларида сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда, янги ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишда техникавий мадад кўрсатмоқдалар. Шунингдек миллий кадрларни тайёрлашда ёрдам бермоқдалар. Кўп қирралилик, интернационалистик руҳ, тенглик ва ўзаро ҳурматга асосланган амалий ҳам-

корлик Совет Ўзбекистони пахтакорларининг халқаро алоқаларига хос хусусиятлардир.

Ўзбекистон пахтакорлари социалистик Вьетнамга қардошларча ёрдам беришяпти. Масалан, яқинда вьетнамлик бир группа механизаторлар республикамизда ўн ойлик стажировкада бўлдилар. Улар лекциялар курсини тинглаб, совет мутахассислари билан биргаликда лаборатория ишларини амалга оширдилар, пахтачиликка оид техникани ўргандилар, ерга ишлов бериш, экиш, культивация қилиш, пахтани машиналарда териб олишда ана шу техникадан фойдаланишда иштирок этдилар, ҳосил йиғиб олингач, майдонларни ғўзапоядан тозалаб, сўнгра ғўзапояларни қайта ишлашда техникадан фойдаланиш тажрибаси билан танишдилар. Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг ўқув маркази, шунингдек қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти, машиналарни синаш Ўрта Осиё станцияси, Тошкент областидаги Свердлов номли колхоз, Сирдарё областидаги «Малик» совхози базасида инженер-механиклар, ирригаторлар, механизаторлар, агрономлар малака оширдилар. Вьетнамлик мутахассислар группасининг раҳбари До Ба Зи Вьетнам ва Ўзбекистон пахтакорлари ҳамкорлигининг аҳамиятига баҳо бериб, шундай деб таъкидлади: «Биз самимий кутиб олганликлари ва стажировкамиз пайтида катта эътибор берганликлари учун Совет Ўзбекистони меҳнаткашларидан ғоят миннатдормиз. Ўзбекистон — қудратли пахтачилик мамлакатидир. Бу ерда юксак малакали олимлар ва инженер-конструкторлар меҳнат қилишади, йирик машинасозлик, тўқимачилик саноати барпо қилинган. Кейинги йиллар мобайнида республикангиз вакиллари ҳар йили Вьетнамга келиб, унинг ўрта зонасидаги қўриқ ерларни ўзлаштириш ва у ерда пахтачиликни қайта тиклаш юзасидан техникавий консультация бермоқдалар. Группамизнинг бу ерда бўлганлиги ҳам Совет-Вьетнам ҳамкорлигига конкрет мисолдир».

Мескене массивидаги ўн минглаб гектар янги ерларнинг комплекс равишда ўзлаштирилиши Совет-Сурия дўстлигининг ажойиб мевасидир, бу ерда бетон ўзанли магистрал каналлар, насос станцияси, юзлаб километрлик лотоклар қурилган. Республикамиз вакиллари ёрдамида бу ерда коллектор-дренаж шохобчаси, гидротехника объектлари, электр узатиш линияларидан фойдаланилмоқда, олтита йирик давлат хўжалиги ташкил этилган, суриялик мутахассисларнинг катта бир группасига ғўзага ишлов бериш, қишлоқ хўжалик машиналарига техника хизмати кўрсатиш методлари ўргатилди.

Ўзбекистон пахтакорлари Анголада ҳам кўпгина ишлар қилишди. Бизнинг мутахассисларимиз иштирокида Луанда вилоятида пахта етиштиришга ихтисослашган давлат хўжалиги ташкил этилди. Республикамиз вакилларининг таклифларига кўра Маланже вилояти мамлакатнинг асосий пахта экадиган региони қилиб белгиланди, бу ерда мазкур техника экинининг турли уруғлик навлари тажрибадан ўтказилмоқда. Анголалик механизаторлар дала ишларининг бутун комплексини ўзбекистонлик мутахассислар тузган техник карталар асосида ва бизнинг пахтачилик техникамиз ёрдамида бажаришади. Совет инженерлари ва техникларининг техникавий кўмаги билан пахта тозалаш заводи ускуналари реконструкция қилинди ва созланди.

Ўзбекистонлик мутахассислар Мозамбикда пахтачиликни юксалтиришда ҳам илмий-техник ёрдам кўрсатишмоқда. 1981—1982 йиллардаёқ Нампула ва Газа вилоятларида бир неча минг гектар майдонда тупроқни тайёрлаш ва биринчи марта пахта экиш амалга оширилган эди. Нампула вилоятидаги пахтачилик илмий-тадқиқот марказида агротехника, механизация, ўғитлардан фойдаланиш, селекция ва уруғчилик бўйича тажриба ишлари ўтказилади. Ғўзага ишлов беришнинг прогрессив усулларини тўғри қўлланиш лалмикор ерларнинг ҳар гектаридан 25—30 центнергача «оқ олтин» ҳосили олиш имконини берди. Мозамбикда пахтачиликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон бераётган ёрдам пахта экиладиган районларда тураржой, йўллар, ишлаб чиқариш ва ремонт базалари, қайта ишлаш корхоналари, складлар ва омборлар, энергетика ва инженерлик коммуникациялари ва шу сингариларни қуришда кўмаклашиш билан мустаҳкамлаб борилади.

Шундай қилиб, республикамиз пахтакорларининг халқаро алоқалари социалистик Ўзбекистон пахта етиштириш соҳасида қўлга киритган ютуқларни бутун жаҳон эътироф этаётганлигидан гувоҳлик беради.

Б. ЗУФАРОВ,

«Совет Ўзбекистони» журнали редакцияси чет эллар билан алоқа қилиш бўлимининг мудири.

СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТДАГИ ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

СОЦИАЛИСТИК жамият қўшимча маҳсулотининг табиати ва социал формаси, уни ўстириш ва ундан самарали фойдаланиш омиллари социализмнинг иқтисодий назариясида, жамиятимизнинг планли асосда ва ҳар томонлама такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутади. Социалистик такрор ишлаб чиқариш шароитидаги қўшимча маҳсулот тадқиқи КПСС XXVII съезди талаблари асосида хўжалик механизмини яхшилашга ёрдам бериши керак.

Тақриз қилинаётган китобда* қўшимча маҳсулот асосий натижа, жамият иқтисодий ва социал тараққиётининг манбаи сифатида кўриб чиқилади. Унда қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш борасида шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларнинг сабаблари ва уларни бартараф қилишнинг асосий йўллари таҳлил қилиниб, қўшимча маҳсулот тақсимоти саноатда ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг тенг иқтисодий шарт-шароитларини яратиш нуқтаи назаридан ўрганилади. Қатор масалалар ва уларнинг анализи бўйича Ш. Шодмонов асари оригинал характер касб этган.

Қўшимча маҳсулотнинг социализм сиёсий иқтисоди қонунлар ва категориялар системасининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқилганлиги, унинг структуравий, функционал жиҳатлари ва ҳаракат қонуниятларининг тадқиқ қилинганлиги китобнинг муҳим хусусиятидир. Автор бунда К. Маркснинг иқтисодий категорияларда умумиқтисодий ва специфик, социал мазмунни фарқлаш лозим деган методологик қоидасига таянади. Социал мазмун ишлаб чиқариш муносабатлари системаси билан боғлиқдир. Масалан, ижтимоий маҳсулотнинг икки томони — унинг истеъмол қиймати ва унда мужассамлашган меҳнат миқдори, шунингдек унинг структуравий — истеъмол қилинган, зарурий ва қўшимча қисмлари биринчи навбатда барча ишлаб чиқариш усулларига хос бўлган умумиқтисодий ҳодисалар сифатида кўриб чиқилади, бу маҳсулотнинг ўзининг ва унинг структуравий таркибий қисмларининг фақат функционал вазифасини таъкидлайди. Бироқ улар ўз-ўзидан социал мазмунни акс эттирмайди, зеро бунга фақат конкрет ижтимоий-иқтисодий шароитлардагина эришилади.

Китобда коммунистик ишлаб чиқариш усулида умумий маҳсулотнинг капитал формасидан маҳрум бўлиши ва К. Маркс сўзлари билан айтганда, бирлашган ишлаб чиқарувчилар маҳсулоти бўлиб қолиши, специфик социал бирлашган маҳсулот формасига эга бўлиши асослаб берилади: унинг истеъмол қиймати умумий истеъмол қилиш қийматига, унда мужассамлашган меҳнат миқдори эса маҳсулотнинг бирлашган сермеҳнатлигига айланади (18—19, 21, 33-бетларга қаралсин).

Иқтисодий адабиётда «бирлашган қўшимча маҳсулот», «группавий қўшимча маҳсулот» ва бошқа шу сингари тушунчаларни илмий оборотга киритиш тўғрисидаги фикр илгари айтилган эди. Автор ана шу фикрни қўллаб-қувватлаб, қўшимча далиллар келтиради. Ундан ташқари, автор зарурий маҳсулотни «бирлашган меҳнат фонди» деб, унинг моддий соҳа ходими меҳнат ҳақи шаклида оладиган қисмини эса — «индивидуал меҳнат бадали» деб аташни таклиф қилади (69—70-бетларга қаралсин). Бу таклифлар диққатга сазовордир: ишлаб чиқариш муносабатларининг бош субъекти ва ишлаб чиқариш воситаларининг коллектив эгаси сифатидаги эксплуатациядан озод бўлган ишлаб чиқарувчиларнинг айни шундай ассоциацияси коммунистик ишлаб чиқариш усули ва унинг маҳсулотининг социал табиатини характерлайди.

* Ш. Шадманов. Ассоциированный прибавочный продукт: производство и распределение. Ташкент, «Фан», 1985, 196 с.

Бирлашган қўшимча маҳсулотнинг такрор ишлаб чиқариш даврлари бўйлаб қиладиган ҳаракатини очиш, шунингдек соф маҳсулот, шу жумладан қўшимча маҳсулот қаерда, қайси тармоқларда, қандай корхоналарда ва қанча яратилади, у бир тармоқдан бошқасига қай йўсинда ўтади, деган саволларга жавоб олиш ҳамда унинг структуравий қисмларини анализ қилиш учун тармоқлар ва корхоналар бўйича тегишли ҳисоб-китоб методини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Бу нарса яна шунинг учун ҳам зарурки, амалдаги баҳолар қийматлардан у ёки бу даражада фарқ қилади ва моддий ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган соф маҳсулотнинг СССР МСБ, Госплани томонидан ана шу баҳоларда ҳисоблаб чиқиладиган миқдори ҳақиқий яратилган соф маҳсулот, шу жумладан қўшимча маҳсулотнинг миқдоридан сўзсиз анча фарқ қилади. Тақриз қилинаётган китобда соф ва қўшимча маҳсулотларни ҳисоблаш методологияси ва методикаси масалалари билан қизиқиш, авторнинг улар ҳисоб-китобига янгича ёндашишга уриниши ана шу билан изоҳланади.

Масалан, Ш. Шодмонов олдинига миллий даромаднинг моддий ишлаб чиқаришда сарфланган жонли меҳнат бирлигига тўғри келадиган миқдорини аниқлайди. У шу асосда иш ҳақининг тармоқ даражасигача соддалаштирилган жонли меҳнат сарф-харажатлари бўйича миллий даромадни яратишда тармоқлар улушини топади (114-бетга қаралсин). Сўнгра автор «меҳнат сарф-харажатлари» бўйича ҳисоблаб чиқилган соф маҳсулот бир хил миқдорда бўлганида унинг (маҳсулотнинг) соф-моддий ҳажми меҳнат унумдорлигининг даражасига боғлиқ деган қоидадан келиб чиққан ҳолда тармоқларда ишлаб чиқариладиган истеъмол қилиш қийматларининг массасини ҳисобга олиб тармоқлар бўйича яратилган соф маҳсулот ҳажмини белгилайди. Тармоқлар бўйича меҳнат унумдорлиги даражасидаги фарқларни бевосита аниқлаш умуман мумкин эмаслиги сабабли Ш. Шодмонов қўшимча метод ишлатади: тармоқда меҳнатнинг техника билан қуролланганлиги нисбатини моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнатнинг техника билан қуролланганлиги нисбатининг ўртача кўрсаткичи билан солиштиради. Бу хилдаги ҳисоб-китоблар илмий ва амалий қизиқиш уйғотиб, халқ хўжалиги аҳволини иқтисодий анализ қилиш, жумладан ишлаб чиқаришда соф маҳсулотнинг соф-моддий ҳажмини яратишда тармоқнинг ролини аниқлаш воситаларини бойитади.

Китоб автори тармоқларда ишлаб чиқарилаётган истеъмол қилиш қийматларининг массасини ҳисобга олиб соф маҳсулот миқдорини ҳисоблаш асосида яратилган қўшимча маҳсулот миқдорини аниқлашга ҳаракат қилади. Лекин авторнинг бу масалага баъзи бир ёндашишлари эътироз туғдиради. Маълумки, меҳнат унумдорлиги юқори бўлган тармоқларда қўшимча маҳсулот миқдори, унинг нормаси кўпая боради ва аксинча. Ундан ташқари, меҳнат унумдорлиги яратилаётган миқдорига эмас, балки бир вақтнинг ўзида яратилаётган истеъмол қилиш қийматларининг массасигагина таъсир кўрсатади.

Китобда келтирилган маълумотларга қараганда, СССРда 1982 йилда яратилган қўшимча маҳсулот нормаси, масалан, саноатда 153,4 процентни, қурилишда — 33, бутун халқ хўжалиги бўйича эса — 113,8 процентни ташкил этган (124-бетга қаралсин). Қўшимча маҳсулот нормаларининг бундай катта фарқ қилиши, бизнинг назаримизда, реал эмас. Жорий (амалдаги) баҳолардаги соф маҳсулотгина бундай фарқ қилиши мумкин. Қўшимча маҳсулотнинг қийматга (яратилган соф маҳсулотдан) оид нормаси бир хил ёки деярли бир хил бўлади. К. Маркснинг такрор ишлаб чиқаришни қиймат даражасидаги баҳоларда таҳлил қилишда ҳар доим ишлаб чиқаришнинг органик тузилишидан қатъи назар қўшимча қиймат нормасини бир хил қилиб олиши бежиз эмас. Амалдаги баҳоларда, масалан, ишлаб чиқариш баҳоларда бошқача бўлиши мумкин. Унинг устига китобда бутун халқ хўжалиги учун қўшимча маҳсулот нормасининг кўрсаткичи ошириб кўрсатилган. У жамият учун маҳсулот нормасига нисбатан китобда кўпроқ қилиб кўрсатилган, жамият учун маҳсулот нормаси эса ўзи учун маҳсулотга нисбати сифатида аниқланади. Ҳолбуки ўзи учун маҳсулот моддий соҳа ходимларининг меҳнат ҳақи билан шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинадиган даромадлар суммасига тенг бўлади. Ўзи учун маҳсулот зарурий маҳсулотдан камдир, бу фарқ ижтимоий истеъмол фондларининг моддий соҳа ходимлари оладиган қисмига тенгдир. Бинобарин, жамият учун маҳсулот нормаси ҳар доим қўшимча маҳсулот нормасидан ортиқ бўлади.

Тақриз қилинаётган китобда қатор қизиқарли қоидалар илгари сурилади, табиийки, уларда айрим баҳсли ўринлар ҳам бор. Масалан, авторнинг «сермеҳнатлиликнинг камайиши» қонуни ҳақидаги фикр-мулоҳазалари мунозаралидир (36-бетга қаралсин). Фикримизча, сермеҳнатлиликнинг камайиши бу ошиб борувчи меҳнат унумдорлиги қонунининг намоён бўлиш формасидир. Ш. Шодмонов яратилган соф маҳсулотни унинг

амалдаги баҳолардаги миқдори билан солиштириш бу маҳсулотнинг бир тармоқдан бошқасига ўтиш механизмини кўрсатади, деб катъий таъкидлайди (166-бетга қаралсин). Ҳолбуки мазкур маҳсулот реализация орқали ўтадиган қисмдагина бундай ёндашув ўринли бўлиши мумкин.

Китобда социалистик ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг мезони ҳақидаги масала ҳам ёритилган. Бу масала юзасидан турли фикрлар билдирилган бўлиб, улар орасида, бизнинг назаримизда, сарф-харажатлар бирлигига жамиятга зарур истеъмол қилиш қийматлари йиғиндисини ишлаб чиқариш ана шундай мезондир, деган хулосани бирмунча асосланган фикр дейиш мумкин. Капитализмдан фарқли равишда социализм зарурий ва қўшимча маҳсулотлар кўпайишидан бир хил даражада манфаатдордир. Шу нуқтаи назардан қараганда, авторнинг сарф-харажатлар бирлигига ҳисоблагандаги бирлашган қўшимча маҳсулот самарадорлик мезонидир, деган фикри ишонарли эмас.

Китобда баҳо, фойда, баҳонинг белгиланиши, рентабеллик каби қийматга оид воситалардан янада самарали фойдаланиш ҳақидаги масалага катта ўрин берилган. Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча қўшимча маҳсулотни ҳисоблаш методи ҳам диққатга сазовор. Айни бир пайтда авторнинг товар ишлаб чиқариш социализм табиатига ичдан хос эмас, деган фикрига қўшилиш қийин. Масалан, у «меҳнат бирлашган пайтдан бошлаб ишлаб чиқариш жараёни товар ишлаб чиқариш, қиймат яратиш жараёни бўлмай қолади...» (17-бет), «...бирлашган ишлаб чиқарувчилар жамиятида маҳсулотнинг истеъмол қилиш қиймати... айирбошлаш қийматининг ифодаловчиси бўлмайди» (30-бет) деб ёзади ва «умумий бирлашган ишлаб чиқаришда» абстракт меҳнат «амал қилиши мумкин эмас», деган хулоса чиқаради (44-бет). Шуни унутмаслик керакки, ўз асосига кўра бевосита ижтимоий бўлган социалистик ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришнинг лозим даражада умумлашмаганлиги, нисбатан иқтисодий алоҳидалик мавжудлиги сабабли товар ишлаб чиқаришнинг зарурлигини тақозо қилади. Партия XXVII съездига КПСС МҚнинг Сиёсий докладида корхоналарнинг «социалистик товар ишлаб чиқарувчилар сифатидаги» ролини ошириш вазифаси қўйилганлиги — бунинг ёрқин далилидир.

Ш. Шодмонов китобидаги бундай камчиликлар унинг социалистик жамиятнинг қўшимча маҳсулоти назариясини ишлаб чиқишга муайян ҳисса қўшган асар сифатидаги аҳамиятини камайтирмайди.

В. КИМ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси,

К. ПОПАДЮК,
иқтисод фанлари доктори.

ЭКОЛОГИК ПРОБЛЕМАЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Цивилизация тараққиётининг ҳозирги босқичи инсоният олдига бир қатор мураккаб проблемаларни қўймоқда. Экологик проблемалар улар орасида алоҳида ўрин тутади. Ҳақиқатан ҳам жамият ва уни ўраб турган табиат ўртасидаги ўзаро муносабатлар чуқурлаша борган сари социал-экологик жараёнларни рационаллаштиришга, уларда киши имкониятларидан оқилона фойдаланиш учун зарур шароитлар яратишга бўлган ҳаётий зарурият пайдо бўлади. Ю. Сатторовнинг тадқиқоти* ана шу масалаларни ўрганишга бағишланган.

Фан-техника тараққиёти шароитида жамиятни янада ривожлантириш учун фойдаланиладиган табиий ресурслар таҳлили тақриз қилинаётган асарнинг лейтмотивини ташкил этади. Бунда муаллиф марксизм-ленинизм классиклари таърифлаб берган инсон билан табиатнинг ўзаро ҳамкорлиги ижтимоий жиҳатдан шартланган эканлигига доир концепциядан ўринли фойдаланади.

У китобхон эътиборини марксизм назариясининг, бир томондан, табиат имкониятларининг инсон фаолияти орқали намоён бўлиши, иккинчи томондан эса, шахс моҳиятини ташкил қилувчи кучларининг табиат ёрдамида рўёбга чиқиши ҳақидаги жуда муҳим жиҳатига жалб этади. Ана шу алоқа характери, унинг специфакаси бутун асарнинг негизини

---

* Ю. Сатторов. Социально-философские аспекты экологических проблем. Ташкент. «Фан», 1985. 144 с.

ташкил этади. Кейинги пайтларгача ўзаро тиғиз боғланган экологик ҳамда инсоннинг биосоциал табиати проблемалари бир-биридан ажратиб таҳлил қилинган тадқиқотларга кўп ўрин бериб келинганини эътиборга оладиган бўлсак, тақриз қилинаётган китобда Ю. Сатторов «инсон—жамият—табиат» системасини такомиллаштиришда инсон фаолиятининг ролини ҳозирги фан маълумотлари асосида кўрсата олишга, бу жараённинг умумий ва ўзига хос қонуниятларини очиб беришга муваффақ бўлганлигини кўрамизки, бу китобнинг айни ўз вақтида пайдо бўлганлигидан ёрқин далолатдир.

Тадқиқ қилинаётган масаланинг методологик жиҳатлари, хусусан унинг категория аппарати ҳақидаги боблар қизиқиш туғдиради. Бу билимнинг янги соҳаси — социал экологиянинг шаклланиши шароитида айниқса муҳимдир. Масалан, муаллиф «экология» тушунчасининг социал-фалсафий шарҳи спецификасини таъкидлар экан, унинг биологик ва географик талқинлардан туб фарқини кўрсатади. Унинг фикрича, экология «инсоннинг ўз борлиғига алоқадор табиий ва маданий шароитларга муносабатининг бутун мажмуини характерлайди.., инсоннинг биофизиологик активлигинигина эмас, балки унинг моддий ва маънавий ишлаб чиқаришини ҳам акс эттиради» (4-бет). Проблемага бундай умумсоциологик нуқтаи назардан ёндашиш тадқиқотчига уни конкрет социал-иқтисодий, синфий жиҳатдан шартланган заминга кўчириш, «инсон—жамият—табиат» системасининг турли ижтимоий формацияларда амал қилиши хусусиятларини ёритиш имконини берган. Бунда автор ушбу жараённи фалсафий тафаккур қилиш мураккаблигини тушунади, шу сабабли у проблемани конкрет равишда илмий қараб чиқишдан фарқли ўлароқ инсон ва табиатнинг ўзаро боғлиқ фаолиятини бутун ранг-баранглиги ва зиддиятлари билан таърифлашга интилган.

«Табиат», «жамият», «атрофдаги табиий муҳит», «географик муҳит», «биосфера», «ноосфера» ва бошқа тушунчалар ҳақидаги мулоҳазалар билан танишишнинг ўзиёқ Ю. Сатторов шахсий илмий позициясини далиллар ёрдамида ҳимоя қила олиш маҳоратига эга эканлигини кўриш учун етарлидир. Бу, масалан, инсон ва табиатнинг ўзаро таъсирини «субъектив-объектив» муносабатлар кўзгуси орқали таҳлил қилишда яққол намоён бўлган. Муаллиф ана шундай ўзаро таъсирни баҳолашда субъект (инсон) активлиги ва объект (табиат) пассивлиги бирлигини ҳисобга олиш зарурлиги ҳақида гапириб, ана шу талабни ушбу жараённинг умумий ва специфик қонуниятларини аниқлашга қаратилган ўз илмий изланиши учун асосий методологик принцип қилиб олади. Бунда кўрсатилган ҳодисалар динамикасига эътибор қаратилади, жамият билан табиат ўртасидаги миқдорий ва сифат алоқалари ошиб бориши ҳамда мураккаблашуви таъкидланади.

Экологик проблемаларни билиш ва ҳал қилишда фанлар интеграцияси ролига автор берган баҳо эътиборга лойиқдир. Марксча философия билан табииёт фани иттифоқининг зарурлиги ҳақидаги ленинча қоидага асосланган масаланинг бундай қўйилиши бугунги кунда айниқса муҳимдир, чунки бу инсоннинг табиатга собитқадам ва социал шартланган таъсир кўрсатишининг сабабий-оқибат алоқалари, оралиқ ва пировард натижалари, техникавий-технологик, хўжалик-ташкилий ва маънавий-психологик оқибатлари ҳақидаги илмий тасаввурларни анча кенгайтиришга имкон беради. Афсуски, Ю. Сатторов масалани шунчаки ўртага қўйиш билан кифояланиб, уни ҳал қилиш йўлларини изламаган. Аслида эса ишлаб чиқилаётган ва ҳал қилинаётган экологик ечимларни аввало хўжалик-иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий регламентлаш зарурлигини кўрсатиш лозим эди. Масаланинг бу томони сояда қолиб кетишига ҳаётдан бир талай мисоллар ҳам топса бўларди.

Муаллифнинг табиий ресурслардан фойдаланишнинг социал жиҳатлари комплексини очиб беришга уриниши ҳам самаралидир. Тадқиқотда фан-техника революциясининг экологик мазмуни, унинг ижобий ва салбий оқибатлари (атроф муҳитнинг ифлосланиши, биосфера мувозанатининг бузилиши, биосфера имкониятлари билан инсоният эҳтиёжлари ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашиши ва ҳоказолар), ҳозирги дунёда инсон билан табиатнинг ўзаро қарамлиги ва ўзаро алоқадорлиги хусусиятлари муваффақиятли акс эттирилган. Жумладан, капитализм шароитида ана шу муносабатлар талончилик-эксплуататорлик моҳиятига эга бўлиши ишончли исботланади, биосфера мувозанатининг бузилишини фан ва техниканинг деструктив функцияси ёки биосфера имкониятлари ҳамда инсоният эҳтиёжлари ўртасидаги зиддиятларнинг муқаррарлиги билан изоҳловчи буржуа экологик концепциялари танқид қилинади, табиат муҳофазаси проблемалари атрофидаги ҳозирги идеологик кураш хусусиятлари очиб берилади. Муаллиф ушбу масаланинг социализм шароитидаги мазмуни хусусида тўхталар экан, бунда табиатдан фойда-

ланишни илмий йўлга қўйишга сифат жиҳатидан бошқача ёндашилаётганини таъкидлайди. Лекин шуни кўрсатиш лозимки, Ю. Сатторов бунда проблемани бир қадар жўн талқин қилишдан холи бўла олмаган, масалан, бу ҳол унинг инсоннинг табиатга бостириб кириши билан боғлиқ бир қатор салбий оқибатларни баҳолай олмаганлигида кўринади.

Қитобда экологик хавфни бартараф этиш ҳамда инсон билан табиатнинг ўзаро таъсири ва ўзаро муносабатини уйғунлаштириш учун аввало туб социал ўзгартишлар, капиталистик жамият негизи бўлган хусусий мулкчилик муносабатларини тугатиш лозим эканлиги таъкидланади. «Муҳитни саклаб қолиш учун кураш — синфий курашдир. Бизнинг кунларимиздаги экологик кризиснинг асосий сабаблари технологик соҳада эмас, балки социал соҳададир» (10-бет). Авторнинг позицияси ана шундай.

Маълумки, ғарб мутахассислари атроф муҳитни муҳофаза қилиш проблемасини соф техник масала сифатида ҳал қилишга интилмоқдалар. Ю. Сатторов фан-техника революцияси шароитида кишиларнинг экологик онги, «фикрлаш услуби»ни шакллантириш, шунингдек, замонавий фанни «экологиялаш» зарур эканлигини кўрсатади. Муаллиф табиатдан фойдаланиш масалаларини ҳал қилишнинг муҳим шарти сифатида экологик онгни шакллантириш ҳақида сўз юритиб, ушбу проблемани фақат ахлоқий масалага боғлиқ қилиб қўймасдан, унга комплекс ёндашади. Афсуски, автор ушбу жараённинг иқтисодий тарбия ва таълим билан, меҳнаткашларда иқтисодий тафаккурнинг янгича типи шаклланиши билан узвий боғлиқ эканлигини эътибордан четда қолдиради. Зеро қабул қилинаётган экологик ечимларнинг хўжалик-иқтисодий социал оқибатлари чуқур тушуниб етилмасдан туриб тежамкорлик, табиатга миришкорона, масъулият билан муносабатда бўлишнинг ижтимоий психологияга ва кишиларнинг одатий онгига айланиши даргумондир. Бизнингча, масалага шу тарзда ёндашиш тадқиқотчига экологик онг структурасига кириб бориш ва кишиларда атроф муҳитга оқилона муносабатни тарбиялашни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар таклиф этишга имкон берардики, бу нарса асарда учрамайди.

Автор Ўрта Осиё регионидаги табиатни қўриқлаш проблемаларига эътиборини қаратганида, умуман олганда қизиқарли чиққан ушбу тадқиқот мазмунан янада бойиган бўларди.

С. ТУРСУНМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

В. КАНДИНОВ,
философия фанлари доктори.

СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ КОНСТИТУЦИОН АСОСЛАРИ

Совет давлати қурилишида кўп миллатли давлатимизнинг конституцион асосларини ривожлантириш соҳасида катта тажриба тўпланган. Тақриз қилинаётган монография* муаллифлари ана шу тажрибани умумлаштиришга ҳаракат қилганлар. Улар муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бир қатор проблемаларни кўриб чиққанлар.

Китобда Совет давлати конституцион ривожланишининг босқичлари тадқиқ қилинади. Қатта фактик материал асосида у ёки бу босқичда совет жамияти социал-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти жараёнларининг ранг-баранглиги, мураккаблиги, ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги кўрсатиб берилган. Авторлар коллективи совет миллий давлатининг ташкил топиш ва ривожланиш қонуниятларини, раҳнамо ва йўналтирувчи кучи Коммунистик партия бўлган жамиятимиз давлат тузилишининг бутун системаси шаклланишида унинг ўрни ва аҳамиятини очиб беришга интилганини таъкидлаш лозим.

Асарда СССРнинг миллий-давлат тузуми назариясини яратишда В. И. Ленин ўйнаган буюк роль очиб берилган. Совет давлатининг янги ижтимоий ва давлат тузуми асосларини қонунан мустаҳкамлаган дастлабки конституцион актларини — Улуғ Октябрь декретларини, РСФСРнинг 1918 йилги Конституциясини назарий жиҳатдан асослаш ва амалда ишлаб чиқишда тарихий хизмат айни унга тегишлидир.

Қитобда В. И. Лениннинг давлат тузумимиз формаларини такомиллаштиришга доир фаолиятини ёритишга катта ўрин ажратилган. Жумладан, у янги тарихий шароитларда Қ. Маркс ва

* Развитие конституционных основ Советского многонационального государства. Ташкент, «Узбекистан», 1985, 248 с.

Ф. Энгельс таълимотини ижодий ривожлантирган ҳолда кўп миллатли социалистик давлатлар конституцион тузумининг изчил назариясини яратганлиги таъкидланади. «Коммунистларнинг миллат ва халқларга ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлат сифатида ажралиб чиқиш ва мустақил давлатлар ташкил этиш ҳуқуқини беришга доир программ талабни асословчи ўз тақдирини ўзи белгилаш назарияси, — деб ёзади муаллифлар, — ана шу таълимотнинг энг муҳим қоидасидир» (14-бет). Шу билан бирга В. И. Ленин миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳимоя қиларкан, лекин, бу ҳар бир миллатнинг албатта ажралиб чиқишини билдирмаслигини ва ажралиб чиқиш масаласини ҳал этишни у ёки бу миллатнинг ажралиб чиқиши мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақидаги масала билан қориштириб юбориш ножоизлигини бир неча марта такрорлаганлиги китобда қайд қилинади. У йирик кўп миллатли давлатларнинг майда давлатларга бўлиниб кетишига ҳеч қачон тарафдор бўлган эмас. Китобда социалистик федерация Совет давлати тузумининг энг мақбул формаси эканлиги тўғрисидаги ленинча таълимотга, бу таълимотнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишига, автоном республикаларнинг ҳуқуқий ҳолатига ва иттифоқдош республикаларнинг ўзаро муносабатлари характерига алоҳида эътибор берилган.

Муаллифлар таъкидлаганидек, совет миллий-давлат қурилиши ленинча принципларининг изчил амалга оширилиши ва унинг натижаси сифатида ягона Иттифоқ давлатининг ривожланиши СССРнинг 1924, 1936 ва 1977 йиллардаги Конституцияларида мустаҳкамланган. Шу муносабат билан мазкур ҳужжатларнинг мазмуни уларда совет миллий давлати асосий формаларининг сиёсий-ҳуқуқий статуси қандай белгиланганлиги кўрсатилган ҳолда муфассал таҳлил қилинади (7—10-бетларга қаралсин).

Муаллифлар кўп миллатли Совет давлати конституцион асосларини кўриб чиқар эканлар, социалистик федерализм ленинча принципларининг чуқур давомийлигига, уларнинг актив равишда ривожлантирилишига, шунингдек, Советлар, бошқарув аппарати фаолиятидаги ҳақиқатда демократик негизларни такомиллаштириш ва янада мустаҳкамлашга эътиборни жамлайдилар. Октябрь декретлари ва ундан кейинги совет конституцион актларининг Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик давлатлар бой конституцион тажрибасини ўзида жамлаган ва умумлаштирган СССРнинг 1977 йилги Конституцияси билан узвий алоқадорлиги алоҳида таъкидланган.

Китобда бир қатор халқларнинг капитализмни четлаб социализмга ўтиши жараёнида миллий давлат тузумининг шаклланиш хусусиятлари, Коммунистик партиянинг Ўрта Осиёда туб социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишдаги фаолияти яхши ёритилган. Бунда Ўзбекистон ССР тарихидан олинган факт ва мисоллардан кенг фойдаланилган.

Муаллифлар мамлакатимизда миллий муносабатлар ривожланиши практикаси гўё ана шу масалага доир ленинча кўрсатмаларга жавоб бермаслигини даъво қилаётган буржуа сохтакорларига муносиб зарба берадилар. Тақриз қилинаётган асардан ҳам яхши кўриниб турибдики, миллий масаланинг ҳал этилиши ва унинг энг муҳим, энг мураккаб қисми — миллий-давлат қурилиши СССРда Ленин васиятларига тўла мувофиқ ҳолда, социалистик федерализм, миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари эркин белгилаши ва кўнгилли равишда бирлашишига доир ленинча принциплар асосида амалга ошириб келинди. Эндиликда Совет Иттифоқида яшовчи барча миллат ва халқлар ягона социалистик Ватан таркибида маҳкам жипслашганлар ва бу билан фахрланадилар. Уларнинг экономикаси, фан ва маданияти гуллаб-яшнаши эса ленинча миллий сиёсатнинг ёрқин ғалабасидир.

Лекин миллий масалани ҳал қилишдаги муваффақиятлар хотиржамликка олиб келмаслиги керак. Партия бизни ана шунга ўргатади. Жумладан, унинг XXVII съездида КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев шундай деди: «...бизнинг ютуқларимиз миллий жараёнларда проблемалар йўқ, деган тасаввур туғдирмаслиги лозим».

Умуман олганда, муаллифлар кўтариб чиққан барча проблемалар конкрет тарихий материалда тадқиқ қилинадики, бу кўп миллатли Совет давлатининг шаклланиш ва ривожланиш диалектикасини чуқур ҳамда яққол кўрсатиб беришга имкон яратган. Маълумки, ҳар қандай илмий асар унда келтирилган мисол ва фактларни шунчаки шарҳлаш билан чекланиб қололмайди. Бу асарда ҳам қонунчилик текстларинигина эмас, балки шунингдек уларни юзага келтирган объектив сабабларни ҳам ўрганиш муҳим эди. Тақриз қилинаётган китоб бу талабга умуман жавоб беради. Шунга қарамай унда камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд.

Масалан, муаллифлар қўйилган масалаларни юридика, фалсафа ва тарих фанлари нуқтаи назаридан ҳал қилишга интиладилар. Лекин, масаланинг тарихий-сиёсий жиҳати етарлича тўлиқ ва

аниқ ифодаланган бўлса, фалсафий ва юридик жиҳатлар анча заиф ёритилган.

Тақриз қилинаётган китобда тилга олинган проблемалар асосий ва пухта тадқиқ қилиш лозим бўлган проблемалар жумласига киради. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам чуқур ва ҳар томонлама ёритилган деб бўлмайди. Масалан, авторлар хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалаларида иттифоқдош республикалар ўртасида бевосита ўзаро алоқалар мавжуд, бу ўз республикалари экономикасини ва умуман мамлакат ягона халқ хўжалик комплексини ривожлантириш юзасидан уларнинг ҳар бири олдида турган конкрет вазифаларни муваффақиятли бажаришга ёрдам беради, деб таъкидлайдилар. Практика кўрсатишича, ягона географик-иқтисодий регионга кирувчи, умумий хўжалик вазифаларига, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида ўхшаш ўринларга ва ҳоказоларга эга республикалар ўртасида ҳамкорликнинг бундай формалари айниқса самарали бўлади. Лекин, афсуски, ушбу асарда ягона иттифоқ давлати составидаги ана шу ўзаро муносабатларнинг конституцион-ҳуқуқий асослари етарлича очиб берилмай қолган.

Бизнингча, кўриб чиқилаётган проблемага доир бошқа тадқиқотларнинг қиёсий таҳлили китобда умуман берилмаганлиги, уларга ишора ҳам йўқлиги китобнинг жиддий нуқсонидир. Махсус адабиётлар билан таниш бўлмаган китобхон тақриз қилинаётган асар муаллифлари позициясини ягона тўғри позиция деб қабул қилиши мумкинки, бу нотўғри бўларди. Буржуа сохтакорларининг совет миллий давлати шаклланиши ва ривожланишига доир бўҳтонлари бутун китобга сочилиб кетган, уларни мустақил бўлимга ажратиш лозим эди. Социологик тадқиқотлар маълумотларидан етарлича кенг фойдаланилмаган.

Умуман олганда, тақриз қилинаётган китоб конституцион проблематикага бағишланган асарлар орасида муносиб ўрин эгаллайди.

Ш. ЎРАЗАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

А. САИДОВ,
юридик фанлар кандидати.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИ ТАДҚИҚОТИ

БУГУНГИ КУНДА партия ва халқ тарихий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилмоқда. Идеология иши ҳам шунга мувофиқ бўлиши лозим. Социал-иқтисодий жадаллаштириш планларининг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан КПСС омма маънавий куч-ғайратини қанчалик сафарбар қила олишига, унинг меҳнатдаги ва социал фаоллигини юксалтиришига боғлиқ.

Совет кишиларида илмий, марксча-ленинча дунёқарашни — КПСС бутун идеологик ишининг ўзагини шакллантириш уларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар комплексида алоҳида ўрин тутади. Тақриз қилинаётган монография* актуал назарий ва амалий проблемалардан бири — марксча-ленинча таълимга партиявий раҳбарликка бағишланган. Муаллиф партия архиви ҳужжатлари, вақтли матбуот материаллари, шахсий кузатувларидан кенг фойдаланиб, Ўзбекистон партия ташкилотларининг коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий ўқишига раҳбарлик қилиш соҳасидаги кўп йиллик тажрибасини умумлаштирган. У коммунистик тарбия ва ҳар бир конкрет-тарихий босқичда инсон омилини фаоллаштириш воситаси бўлган идеология ишини ҳар томонлама такомиллаштириш жараёнларининг диалектик алоқасини очишга, муайян ғоявий-тарбиявий вазифаларни ҳал этишда сиёсий ўқувнинг ролини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Монографияда проблеманинг муҳим методологик аспектлари: оммага сиёсий билим беришнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида марксча-ленинча таълимот; ҳозирги босқичда партия идеологик иши ролининг қонуний равишда ўсиб бориши; республика партия ташкилотларининг марксча-ленинча таълимни такомиллаштириш борасидаги фаолиятининг системали характери; партия комитетларининг пропагандист кадрларни танлаш,

---

* А. М. Касымов. Партийное руководство марксистско-ленинским образованием в Узбекистане в современных условиях. Ташкент, «Узбекистан» 1986, 232 с.

тарбиялаш, назарий ва методик жиҳатдан тайёрлаш соҳасидаги иши; марксча-ленинча таълимнинг жамиятдаги, жумладан, меҳнат коллективларидаги социал туб ўзгартишларнинг боришига амалий таъсири кўриб чиқилади.

Мазкур тадқиқотда коммунистик идеологиянинг революцион-ўзгартирувчилик ролини ва ишчилар синфининг тарихий вазифасини амалга оширишда омма сиёсий маорифининг аҳамияти тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот таҳлилига марказий ўрин ажратилган. А. М. Қосимов марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий мероси КПСС-нинг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги фаолиятининг назарий пойдеворидир, деган қоидага асосланади. У оммага сиёсий билим беришнинг мазмуни, йўналиши ва мақсадларига доир марксча-ленинча қоидаларни алоҳида ажратиб кўрсатганки, бу қоидалар оммада сиёсий онгни, жамиятни коммунистик асосда қайта қуришга ва уни бошқаришга интилишлар ва қобилиятларни шакллантириш вазифалари билан узвий боғлиқдир. Муаллиф шу тариқа фикр юргизиб, пропагандамизнинг синфий ' характери кўп жиҳатдан партия ташкилотларининг совет жамиятини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичидаги амалий фаолиятининг конкрет формаларини ва методларини белгилаб беради, деган хулоса чиқаради.

Партия марксча-ленинча таълимни янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаб, бу жараёнга раҳбарликни амалга оширар экан, деб таъкидланади монографияда, турли социал группаларнинг спецификасини, касбий йўналиши ва назарий тайёргарлигини тўлатўкис ҳисобга олади. Бу коммунистларга, барча меҳнаткашларга революцион назарияга, партия сиёсатига оид ўз билимларини касб манфаатлари нуқтаи назаридан бойитиш ва шу орқали марксизмни амалда тушуниб етиш имкониятини беради.

А. М. Қосимов КПСС оммавий-сиёсий ишининг роли ўсиб бориши қонуний характерга эга эканлигини кўриб чиқар экан, бу ишнинг барча элементлари амал қилишини сиёсий маориф воситалари билан боғлашга интилиб, мутлақо тўғри қилади. У сиёсий ўқувга партиявий раҳбарликнинг методологик масалаларига бағишланган бўлимда бу умумий қонуниятни ҳар томонлама тадқиқ қилади, мазкур қонуниятни ривожланишда берилган ва Ўзбекистон Компартияси МК, область партия комитетлари ва республика партия ташкилотларининг идеологик фаолиятни бошқариш жараёнини характерлайдиган фактик материал билан мустаҳкамлайди. Жумладан, китобда шундай таъкидланади: «Тажриба шуни кўрсатадики, партия комитетлари пропаганданинг боришини доимо йўналтириб, коммунистларни идеология ишининг комплекс планини амалга оширишга йўллаб, бу планнинг бажарилишини қатъий кузатиб борадиган жойларда партиянинг оммага таъсир ўтказиш майдони анча кенгайиб, унинг таъсирчанлиги ошади ва омманинг меҳнатдаги ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалади» (44-бет). Тўпланган материал авторга партия ташкилотларининг марксча-ленинча ўқувни такомиллаштириш соҳасидаги амалий фаолиятини кўрсатишда бу фаолиятнинг комплекс, системали характерини акс эттиришга, унинг муҳим резервларини ва бу резервларни ишга солиш йўлларини очиб беришга имконият яратади.

Маълумки, В. И. Ленин партия пропагандистларига доир тартиб-қоидалар идеологик курашда, омма сиёсий маорифини ташкил этишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнайди, дея таъкидлар эди. У «Ишчиларга сиёсий билим бериш учун социал-демократлар... ҳам назариётчилар бўлиб, ҳам пропагандистлар бўлиб, ҳам агитаторлар бўлиб, ҳам ташкилотчилар бўлиб... аҳолининг ҳамма синфлари ичига киришлари лозим, ўз қўшинларининг отрядларини ҳар томонга юборишлари лозим», дея таъкидлаган эди, чунки «ҳар томонлама сиёсий агитация бир фокус бўлиб, бу фокусда пролетариатни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш каби энг муҳим вазифа манфаатлари билан бутун ижтимоий тараққиётнинг ва... бутун халқнинг энг муҳим манфаатлари мувофиқ» келади (Тўла асарлар тўплами, 6-том, 92, 95, 309-бетлар).

Шу нуқтаи назардан қараганда, монографиянинг Ўзбекистон партия ташкилотларининг пропагандистларни тайёрлаш соҳасидаги ишига бағишланган бўлими қизиқиш уйғотади. Муаллиф ишнинг асосий таркибий элементларини бирликда олиб белгилайди, пропагандистлар меҳнатининг вазифалари ва характери қанчалик мураккаблашганлигини таъкидлайди, партия ташкилотлари ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятининг умумий савияси ва самаралилигига шу меҳнат таъсирининг ўсганлигини қайд қилади. Монографияда пропагандистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасига таъриф берилади, марксизм-ленинизм универ-

ситетлари, республика семинарлари ва курслари, мактаблар, ижтимоий касблар факультатив курсларининг иши кўрсатилади, пропагандистларнинг назарий даражасини ошириш, уларни хабардор қилиб туришдаги бошқа формаларнинг роли ва аҳамияти очиб берилади. А. М. Қосимов пропагандистлар касб маҳоратини ошириш форма ва методларини тадқиқ қилиб, бу ишдаги камчиликларни, шунингдек фойдаланилмаган резервларни кўрсатади. Масалан, у шундай ёзади: «... Баъзан назарий проблемалар тингловчиларнинг даражаси ва қизиқишларини етарлича ҳисобга олмаган ҳолда очиб берилади, партия комитетлари пропагандистларнинг ўқишини планлаштиришда малака оширишнинг реал эҳтиёжларига эмас, балки курслар ёки семинарда сўзга чиқишга розилик берган лекторлар состави ва уларнинг касбий йўналишига асосланиб иш тутадиган ҳоллар ҳам учраб туради» (147-бет).

Китобда партия ўқувининг структураси ва ташкил этилиши муфассал баён қилиниб, меҳнат коллективларининг план ва мажбуриятларни бажаришини идеологик таъминлашнинг роли очиб берилган. Муаллиф келтирган кўп сонли мисоллар сиёсий ўқув ташкилотчилари ва раҳбарлари, тингловчиларнинг ўзлари сўз билан иш ўртасидаги узилишни бартараф қилишга интилаётганликларидан, меҳнаткашлар сиёсий маданиятининг ошиб бораётганлиги, уларнинг ижтимоий ҳаётда онгли иштирок этаётганлигидан сиёсий маорифда ҳали ҳам учраб турадиган расмиятчилик ва қироатхонликка изчил равишда барҳам берилаётганлигидан далолат беради. Партия XXVII съездида таъкидлаб ўтилганидек, мамлакат социал-иқтисодий ривожланишининг сусайганлиги хўжаликка раҳбарлик соҳасидагина эмас, шу билан бирга идеология ишида ҳам жиддий хатоларга йўл қўйилганлигининг оқибати бўлди. Муаллиф ана шундай бир вазиятда ҳаёт илгари сураётган долзарб проблемаларни ҳал этишда марксча-ленинча назарияга мурожаат қилиш ҳар бир совет кишисининг эҳтиёжига, одатига айланганлигини тўғри қайд қилган.

Китобда, шунингдек марксча-ленинча ўқув натижаларининг социалистик жамиятни такомиллаштириш вазифаларини ҳал этишга таъсири тўғрисида ҳам гап боради. Бу ерда В. И. Ленининг «биз амалга оширмоқчи бўлган ўзгартишлар қанчалик чуқур бўлса, бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтирмоқ керак ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларига эришмоқ керак» (ТАТ, 42-том, 165-бет) деган сўзларини эслатиш ўринлидир.

А. М. Қосимов партия билан халқ революцион-ўзгартирувчилик фаолиятининг теранлиги ва кўлами, экономика ва социал муносабатлар такомиллаштирилиши, фан ва техника янада юксалаётганлиги, совет кишиларининг онги ўсиб, фаровонлиги ошаётганлиги, халқаро миқёсда социализм фойдасига бўлаётган йирик сиёсий силжишлар, буржуа ва ревизионистик идеология билан муросасиз кураш бугунги кунда идеологик, сиёсий-тарбиявий иш олдига тобора ўсиб бораётган талаблар қўйиб, унинг фаоллашувига ҳамда ҳужумкорлиги ошувига ёрдам бераётганини ишонарли тарзда исботлайди. Бунда коммунистлар ва партиясизлар ўқуви практикасига мустақил ўқишни сиёсий маорифнинг асосий, бош методи сифатида изчил равишда жорий эта бориш мазкур ишдаги расмиятчилик ва қироатхонликка барҳам беришда ҳал қилувчи роль ўйнаши жуда тўғри қайд қилинган. Муаллиф ўқувнинг назарий конференция, семинар, лекция ва бошқа шундай коллектив формалари тингловчиларда назарияни ўрганиш кўникмаси ва хоҳишини ҳосил қилишга, уларнинг бу назарияни ҳаётга моҳирона қўллай олишларига ёрдам бериши керак, деб қарайди.

Тақриз қилинаётган нашрда сиёсий ўқувнинг қарши пропагандага оид йўналишини кучайтириш билан боғлиқ масалалар махсус таҳлил объекти қилиб олинган. Бундай йўналишдан мақсад — тингловчиларни партия билан Совет давлатининг ички ҳамда ташқи сиёсатини тўғри тушуниш билан, коммунистик идеология ва ахлоқ, совет ватанпарварлиги ҳамда пролетар, социалистик интернационализм принципларини ҳимоя қила олиш қобилияти билан қуроллантиришдан иборат. Муаллиф социализм ва капитализмнинг идеологик қарама-қарши кураши масалалари марксча-ленинча таълим системасидаги барча ўқув курсларининг узвий таркибий қисми бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблайди. Бунда пропагандистларни империалистик пропаганданинг асосий принциплари ва методларига доир ахборот билан доимий равишда таъминлаб туриш, ўқув курслари программаларини уларни қарши пропагандага оид йўналишни кучайтириш мақсадида қайта ишлаб чиқиш ва шу сингарилар зарур.

Муаллиф илмий тадқиқотларга ва экспериментларга қайта-қайта мурожаат қилиши диққатга сазовордир. Бу унинг хулосалари ва умумлашмаларини ишонарли қилади ва далиллайди. Респуб-

лика партия ташкилотларининг тажрибаси асарда кенг, кўп жиҳатдан кўрсатилган бўлиб, у ҳозирги шароитда омманинг сиёсий таълими ва тарбиясига раҳбарлик қилишнинг энг мақбул форма ва методларини амалда излаб топиш жараёнини акс эттиради.

Шу билан бирга тақриз қилинаётган монография камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, сиёсий ўқувга партиявий раҳбарлик масалаларига бағишланган бўлимда, бизнингча, баъзи бир баҳсли қоидаларни келтирмаган маъқул эди. Масалан, дунёқараш функциялари ҳақидаги тезис ана шундай қоидалардандир. Бу функциялар ишга оригиналлик бағишламайди-ю, лекин мустақил равишда назарий асослашни тақозо этади, бу эса танланган мавзу доирасидан чиқиб кетадиган масаладир. Фикримизча, инсоннинг билиш фаолиятини активлаштиришда, унинг революцион таълимотни доимий равишда эгаллашга бўлган эҳтиёжини ўстиришда дунёқарашнинг ролини таъкидлаб кўрсатишнинг ўзи кифоя қиларди. Бу фикр умуман идеологик иш функциялари ҳақидаги қоидага ҳам тааллуқли.

Жумладан область ва шаҳар партия комитетларининг пленумларида марксчаленинча таълим масалалари қай тарзда кўриб чиқилишини кўрсатиш орқали бу комитетлар фаолиятига дахлдор материл бир оз кенгайтирилса ёмон бўлмасди. Айрим ҳолларда китобда тарихийлик принципи бузилган: область ёки шаҳар партия комитетларининг у ёки бу пленуми қачон бўлиб ўтганлиги кўрсатилмайди. Туб миллатга оид хотин-қиз пропагандистлар фаолияти кам ёритилган.

Қайд қилинган камчиликлар идеологик кадрларнинг амалий фаолиятида яхши мадад бўладиган мазкур тадқиқотнинг умумий ижобий баҳосини пасайтирмайди.

Э. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ССР
Фанлар академиясининг академиги.

ОММАВИЙ АТЕИЗМ ЙЎЛИДА

ПАРТИЯНИНГ кейинги йиллардаги ҳужжатларида мамлакатимизда, жумладан ислом дини тарқалган регионларда илмий атеизмга доир теран тадқиқотлар етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди. И. Жабборовнинг тақриз қилинаётган асарлари* ана шу бўшлиқни маълум даражада тўлдиради. Ғоявий душманларимиз СССРга қарши «психологик урушда» клерикал антикоммунизмга ва унинг бир тури бўлган «ислом фактори»га жуда катта ўрин ажратаётганлиги муносабати билан бу асарларнинг актуаллиги яна ҳам ошади. Айни шунинг учун ҳам КПСС XXVII съездининг Марказий Комитет Сиёсий доклади юзасидан Резолюциясида «буржуа идеологияси ва ахлоқига қарши, империализмнинг антисовет иғволари ва идеологик диверсияларига қарши, диндан социализмга қарши мақсадларда фойдаланишга қаратилган уринишларга нисбатан ҳужумкор кураш олиб бориш» вазифаси илгари сурилган. Тақриз этилаётган китоблар бутун мазмуни билан шу вазифага жавоб беради.

Муаллифнинг мамлакатимиздаги, жумладан Совет Шарқи республикаларидаги диннинг ва атеизмнинг аҳволини буржуача сохталаштиришларни, империалистик доиралар «ислом фактори»дан Осиё ва Африкадаги ривожланаётган мамлакатларда ўзларининг янги мустамлакачилик режаларини амалга ошириш учун фойдаланишга интилаётганликларини, СССРга ва бутун социалистик ҳамдўстликка қарши идеологик диверсияларни ишонарли тарзда фош қилганлиги маълум қизиқиш уйғотади. И. Жабборов мусулмон руҳонийлари ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги шароитига мослашаётганликларини, диний ақидалар, расм-русмлар ва маросимларни модернизациялашга интилаётганликларини, диний ахлоқ билан коммунистик ахлоқ сиғишмаслигини кўрсатиб берган. У марксизм-ленинизмнинг динга доир қоидаларига таянган ҳолда социализм шароитида социалистик турмуш тарзини такомиллаштиришга ва шахснинг уйғун камол топишига халақит берувчи диний мафкуранинг зарарли эканлигини очиб беради.

Масалан, «Зулматдан — маърифатга» китобидаги «Инсоннинг маънавий дунёси ва гуманизм» бобида И. Жабборов клерикал антикоммунизм КПСС ва Совет

---

* Исо Жабборов. Зулматдан — маърифатга. Тошкент. «Ёш гвардия», 1984, 126 бет; Ўша автор. Худолар, авлиёлар ва одамлар. Тошкент, «Ёш гвардия», 1985, 144 бет.

давлатининг дин соҳасидаги сиёсатига туҳмат қилиб, бир томондан, Совет Шарқи республикаларида қўлга киритилган ютуқларни бузиб кўрсатади, иккинчи томондан, буржуача турмуш тарзини кўкларга кўтариб мақташ орқали кризисни бошидан кечираётган капиталистик системани «янгилашга», «модернизациялашга» ҳаракат қилмоқда, деб таъкидлайди. Буржуа идеологлари ва реакцион клерикаллар реал социализмни бадном қилиш мақсадида кенг оммани гўё Совет Иттифоқида динга ишонувчилар таъқиб этилаётганлигига, виждон эркинлиги йўқлигига, зўрлик билан атеизм ўрнатилаётганлигига ишонтиришга интиладилар. Айни бир пайтда улар ўзларини бошқа бир томонга уриб, гўё СССРда дин қайта тикланмоқда, аҳолининг диндорлик даражаси ўсиб бормоқда, деб даъво қиладилар.

Мусулмон антикоммунистлари социализмга нисбатан нафрат туйғуларини яшириб ўтирмасдан, хусусий мулкчиликка ва капитал дунёсига ҳамду сано ўқимоқдалар. Муаллиф клерикалларнинг асл мақсадларини очиб ташлаб, уларнинг фақатгина совет кишиларинигина эмас, балки бутун дунё тараққийпарвар жамоатчилигини чалғитишга уринишлари истиқболсиз эканлигини уқтиради.

«Худолар, авлиёлар ва одамлар» китобининг «Сохта дунёқараш ва оммавий даҳрийлик» бобида илмий атеизмнинг ҳақиқий инсонпарварлиги очиб берилади, социализм шароитида атеистик тарбия партиямизнинг «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган олий мақсадини рўёбга чиқаришга бўйсундирилганлиги тўғрисидаги фикр илгари сурилади, КПССнинг совет кишилари айрим қисмининг онгини турмушдаги диний ва бошқа ўтмиш сарқитларидан бутунлай халос этиш, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур шароитларни яратиб бериш соҳасидаги фаолияти кўрсатилади. Муаллиф давлатимиз ўз гражданларига виждон эркинлиги ҳуқуқини, яъни, у ёки бу динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқини, шунингдек атеистик пропаганда олиб бориш ҳуқуқини қонунан гарантиялаб берганлигини таъкидлаб ўтади. Айни бир пайтда партиямиз жамиятнинг барча аъзоларида материалистик дунёқарашни шакллантириш учун кураш мақсадларини ҳам ҳеч қачон яширган эмас.

Шу маънода олганда «Зулматдан — маърифатга» китобининг «Буюк ғоявий мерос ва инсон қалби учун кураш» боби ғоят қизиқарлидир. Унда И. Жабборов марксча-ленинча атеистик меросни, унинг асосий принципларини изчил баён қилиш билан бирга ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб, айрим гражданлар онгида диний сарқитлар сақланиб келаётганлигининг сабабларини ҳам таҳлил қилишга интилади. У илмий атеизмни пропаганда қилишнинг энг актуал масалалари хусусида тўхталиб, ёшларни атеистик руҳда тарбиялашни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар беради.

Революциягача бўлган Ўзбекистондаги феодал-патриархал жамият шароитида диний идеология ҳукмрон бўлганлиги тарих тақозоси эканлигини кўрсатиб бериш «Зулматдан — маърифатга» китобининг асосий мазмунини ташкил этганини таъкидлаш лозим. Меҳнаткашлар оммасининг революцион курашга жалб этилиши, марксизм-ленинизм ғояларининг ёйилиши, ўзбек маърифатпарварларининг прогрессив ғоялари таъсири остида уларда атеизм ва эркин фикрлаш элементлари пайдо бўла бориши жараёни ишонарли тарзда очиб берилган. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси туфайли, партиянинг ленинча миллий сиёсатини турмушга татбиқ этиш, бир қатор социал-иқтисодий тадбирларни (ер-сув ислоҳоти, хотин-қизларни озодликка чиқариш, индустриялаштириш, коллективлаштириш, маданий революция) амалга ошириш жараёнида республиканинг туб ерли аҳолиси онгида ўзгариш ясаш учун моддий база ва идеологик шарт-шароит тайёрланди. Муаллиф диндан оммавий қайтиш, социалистик турмуш тарзи ва янги идеологиянинг қарор топиши манзарасини чизиб берган. Китобда кўрсатилганидек, шахснинг социал аткивлигини ошириш, турмушда интернационал жиҳатларнинг пайдо бўлиши, совет ватанпарварлигини шакллантириш ижтимоий, социал ва маданий ҳаётни диндан холи қилиш, социализм қурилиши жараёнида омма онгига материалистик дунёқарашни сингдириш билан мустаҳкам боғлаб олиб борилди.

Атеистик пропагандада диннинг моҳиятидан ташқари унинг тарихини, социал, гносеологик ва психологик илдизларини ҳам билиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Афсуски, кўпгина атеистлар диннинг ана шу томонлари билан яхши таниш эмаслар. Шу жиҳатдан олганда «Худолар, авлиёлар ва одамлар» китоби жаҳон динлари, жумладан исломнинг келиб чиқиши ва реакцион моҳиятини ишонарли тарзда очиб беради, руҳонийлар динларни ҳозирги шароитларга мослаб модернизациялашга интилаётганликларини кўрсатади.

Мазкур китобдаги «Зулматдаги зиё ва исёнкор қалб» боби алоҳида кўрсатиб ўтишга лойиқдир. Фан тарихидан олин-

ган материаллар, Шарқ адабиёти классикларининг фикрлари, халқ оғзаки ижодига оид характерли эпизодлар келтирилган бу бобда ислом ва шарқ истибдоди танҳо ҳукмрон бўлган даврда ҳам инсон ақл-заковати барибир феодал авомлиги билан диний жаҳолатпарастлик устидан тантана қилиб келганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Ҳозирги буржуа дунёсида ҳам ақл-идрок билан жаҳолат ўртасида муросасиз тўқнашув кўзга ташланмоқда. Бўлимда мулкдорлар диндан ўз синфий мақсадларида фойдаланишга ҳаракат қилаётган капитал мамлакатларида диннинг ўрни ва ролига баҳо берилади.

Афсуски, муаллиф тадқиқ қилинаётган масалаларни бир хилда очиб бера олмаган. Чунончи, 20-йилларда ва дастлабки беш йилликлар даврида омма онгини диний тасаввурлардан халос қилишдаги қийинчиликлар, Ўзбекистонда атеистик пропагандани йўлга қўйишдаги хатолар, социализм қурилиши жараёнида янги расм-русмлар ва маросимларни жорий этиш тажрибаси хусусида батафсилроқ тўхталиш лозим эди. Партиямизнинг динга, диний маросимларда иштирок этувчи коммунистларга муносабатига доир ленинча қоида етарли очиб берилмаган. Бундан ташқари, ҳар иккала китобда ҳам ачинарли таҳририй нуқсонлар бор. Бундай илмий-оммабоп нашрларга расмлар илова қилиш мақбул бўлур эди, бу уларнинг атеистик тарбиядаги самарадорлигини янада оширган бўларди. Умуман олганда, И. Жабборовнинг тақриз этилаётган китоблари ғоявий-тарбиявий ишда катта фойда келтиради.

Б. ИСМОИЛОВ,
философия фанлари доктори,

Н. ЭГАМБЕРДИЕВ,
философия фанлари кандидати.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70

Корректорлар: **М. Қомилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 11.09.1986 й. Босишга рухсат этилди 2.10.1986 й. Формати 70×108 1/16.
Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 8,9.
Тиражи 27441. Нашр Б-58. Заказ № 4848.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ» — «КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»ГА

1987 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ

Журнал партия ва халқнинг КПСС XXVII съездининг қарорларини, ўн иккинчи беш йиллик планини амалга ошириш, социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун кураши тўғрисидаги материалларни босади, Ўзбекистон халқ хўжалигининг энг муҳим проблемаларини ёритади.

Журнал илгаридек марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий меросини пропаганда қилишга, социализмни такомиллаштириш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш, янги инсонни тарбиялаш, социалистик турмуш тарзини ривожлантириш проблемаларига доимо эътибор беради. Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисидаги мақолалар катта ўрин олади.

Журналхонлар партия ва совет қурилиши, идеология иши назарияси ва практикасига доир, социалистик демократияни янада ривожлантириш, Советлар, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги мақолаларни ўқийдилар. Сиёсий ва иқтисодий таълим системасининг пропагандистлари ва тингловчилари ўрганилаётган курсларнинг турли мавзуларига доир методик маслаҳатлар ва консультациялар оладилар.

Журнал маданий қурилиш, фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш проблемаларини ёритишни давом эттиради.

КПСС ва Совет давлатининг ленинча ташқи сиёсати тўғрисидаги, қардош социализм мамлакатларининг муваффақиятлари ҳақидаги, жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати тўғрисидаги, буржуа идеологияси ва капиталистик турмуш тарзини фош этувчи мақолалар мунтазам эълон қилиниб борилади.

Журналда муҳим саналар ва воқеалар тўғрисидаги мақолалар, актуал мавзулардаги корреспонденция ва очерклар, журналхонларнинг саволларига жавоблар, янги китоблар тўғрисидаги тақризлар, вақтли матбуотнинг обзорлари, библиография материаллари босилиб турилади.

Журнал ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади.

Обуна «Союзпечать» бўлимлари ва бошқа алоқа муассасалари, корхона ва қурилишлар, колхоз ва совхозлар, илмий муассасалар ва ўқув юртларидаги, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларидаги матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:

Бир йилга — 3 сўм.

Олти ойга — 1 сўм 50 тийин.

Уч ойга — 75 тийин.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

12
ДЕКАБРЬ
1986

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 12
ДЕКАБРЬ
1986 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Бугунги кунда ҳозирги вазифалар характерини, мустаҳкам илмий дунёқарашни, принципиалликни, юксак маданиятни, ҳар қандай соҳада ишга масъулият билан муносабатда бўлишни чуқур тушуниб етишни шакллантириш айниқса муҳимдир. Жамиятнинг етуклик даражасини ошириш, коммунизм қуриш — онгнинг етуклигини муттасил ошира бориш, инсоннинг маънавий дунёсини бойитиш демакдир.

КПСС Марказий Комитетининг
партия XXVII съездига Сиёсий
докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҒОЯВИЙ-МАЪНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

Маълумки, социализм миллионларнинг онгли ижодий фаолиятисиз муваффақиятли амал қила олмайди. Бу тузумимизнинг чуқур демократик моҳиятини ифодалайдиган объектив талаби, социализм амал қилишининг қонуниятидир. Лекин бу қонуният ўз-ўзидан амал қилмасдан оммани жамият ва давлат ишларига ғоят кенг жалб қилиш учун реал шарт-шароитлар ва имкониятлар яратади. Бунда, деб таълим берган эди В. И. Ленин, «биз амалга оширмоқчи бўлган ўзгартишлар қанчалик чуқур бўлса, бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтирмоқ керак ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларига эришмоқ керак, янгидан-янги миллионлар ва ўнларча миллионларни бунинг зарурлигига ишонтирмоқ керак» (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 165-бет).

Имкониятнинг воқеликка айланиши социалистик жамиятнинг раҳбар ва ташкил этувчи кучи, унинг сиёсий системасининг ядроси бўлган Коммунистик партиянинг етакчилик таъсири остида амалга ошади. Партия объектив қонуниятларни билишга, ва омманинг тажрибасига таяниб, фаолиятнинг сиёсий ижодкорликка рағбатлантирадиган ва ҳатто шунга мажбур қиладиган механизмлари ва ташкилий формаларини ҳаракатга келтиради. Айни шу янги нарсани ижодий излаш, объектив тенденцияларни тушуниб етиш, билим ва тажрибанинг ортиши, миллион-миллион кишиларнинг актив бунёдкорлик фаолияти учун улар билан қуроллантириш — социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг, ҳаммага тааллуқли бўлган ва ҳамма соҳада амалга оширилаётган революцион қайта қуришнинг зарурий шартидир. Шу жиҳатдан олганда, омманинг онгини ошириш, В. И. Лениннинг таърифича, «ҳар қачонгидай, бу гал ҳам ишларимизнинг негизи ва асосий мазмуни бўлиб қола беради» (ТАТ, 13-том, 427-бет).

Кенг маъноли қайта қуриш деган бир ибора билан ифодаланадиган кенг кўламли, йирик миқёсли туб ўзгартиришларни амалга ошириш натижасида бизнинг бутун жамиятимиз ҳаракатга келди. Экономикада, социал муносабатларда, маънавий ҳаётда ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кенг ошкоралик, мамлакатни ривожлантиришнинг энг долзарб проблемаларини очиқчасига муҳокама қилиш, жамиятнинг демократлашуви, социал адолат учун, меҳнатсиз даромадларга, ичкиликбозлик ва алкоголизмга, бошқа салбий ҳолатларга қарши курашнинг кучайганлиги — давримизнинг характерли белгиларидир. Ўзгаришларни яна илгариги ҳолига қайтмайдиган қилиб мустаҳкамлаш, халқнинг бутун улкан интеллектуал ва маънавий имкониятларини ишга солиш, ҳар бир меҳнаткашнинг ижодий имкониятлари, ташаббусини рағбатлантириш муҳимдир. «Биз эскичасига яшай ва ишлай олмаймиз, фикрлай олмаймиз ва ҳаракат қила олмаймиз, — деб таъкидлаган эди КПСС МК Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев Краснодар ўлкаси партия активлари билан учрашувда сўзлаган нутқида. — Биз ўз олдимизга қўйган

мақсадларни қайта қуришсиз рўёбга чиқара олмаймиз, партия XXVII съезди илгари сурган вазифаларни ҳал қила олмаймиз».

Мамлакатдаги меҳнат коллективларида ҳозирги, ўн иккинчи беш йилликда ғоят кизғин меҳнат қилиш зарурлигини тушуниб етмоқдалар. Шу йилларда келажак учун пойдевор яратиш ва тафаккурда, янгича вазифаларни ҳал этишга ёндашувларда туб бурилишни таъминлаш керак бўлади. Партия, жамият зиммасида ана шундай катта масъулиятли вазифа турибди.

Ҳар доим тарихнинг йирик бурилишларида бўлгани каби мана шу чинакам революцион вазиятда ҳам партия ва халқ тўпланган бой тажрибани ишга солмоқда, асосий омили — инсон омили бўлган қайта қуришни ташкил этишда ленинча сабоқлардан тўла фойдаланиш учун боқий аҳамиятга эга бўлган ленинизм ғояларига мурожаат қилмоқда.

Ҳозирги қайта қуриш В. И. Ленин асарларининг актуаллигини янада ошириб юборди. Қайта қуриш бу асарларга мурожаат қилишни КПСС XXVII съезди ғояларини ўзлаштириш ва амалга оширишни ҳар бир совет кишисининг ўз ватанпарварлик бурчини бажаришининг зарурий шартига айлантиради.

Эскидан янгига томон ўтиш, сиёсатда бурилиш ясаш энг мушкул ишдир, деб таълим берган эди В. И. Ленин. У «сиёсатнинг бутун қийинлиги ва сиёсатнинг бутун санъати... бу хил ўтишнинг ўзига хос вазифаларига эътибор қилишдан иборатдир», деган эди (ТАТ, 40-том, 119-бет). Доҳиймиз сиёсатдаги бурилиш шароитида партиявий онгни, партиявий диққат-эътиборни, партиявий манфаатни янги шароитга мувофиқлаштириш, бутун партиявий ишни қайтадан тузатиш, қайта қуриш ғоят зарур, деб ҳисоблаган эди (ТАТ, 44-том, 222-бетга қаралсин).

В. И. Ленин ишлаб чиққан методология соғлом, ҳушёрлик ва ишонч билан, хомхаёлларсиз ёки адашмасдан, ўз-ўзига маҳлиё бўлмасдан ёки ўкинишларсиз ҳаракат қилишга имкон беради. У ҳозирги қайта қуриш вазифаларини ўтган йиллардаги иш методларини бугунги кунга механик равишда кўчирмасдан тушуниб олиш ва ҳал этишга ёрдам беради.

Бироқ мамлакат ҳаётидаги кескин бурилиш атрофидагиларга қараганда кўпроқ неъматлар ундиришга ўрганган ва бундан кейин ҳам шу тариқа тинч ва фаровон кун кечиришни истайдиган кишиларнинг манфаатларига дахл қилди. Қайта қуриш мослашувга интилувчиларни ёки ленинча ибора билан айтганда, суқилиб кирувчиларни, мослашувчиларни, қўшилувчиларни, янгиланишни ёқтирмайдиган барча шахсларни фош қилиб ташлади. Яқинда бўлиб ўтган Ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида таъкидланганидек, турмушимизни қайта қуриш, уни янгилаш жараёнида ғоялар, психологик йўл-йўриқлар, фикрлаш ва хулқ-атвор усулларининг кескин, ҳар доим ҳам очиқ бўлмаган, лекин муросасиз кураши кетмоқда. Эскилик курашсиз таслим бўлмайди, у турлича схоластик ҳийла-найранглар орқали жўшқин ҳаётга мослашишнинг янгича формаларини топади. Бунда ҳатто «жадаллаштириш», «қайта қуриш» тушунчаларини эскирган ақидалар ва андазалар доирасига киритишга, уларнинг янгича мазмунини ва революцион моҳиятини бемаънилаштиришга уринадилар.

Шу сабабли қайта қуришни махсус тайёрланган кишилар эмас, балки эндиликда сира қайтмас бўлиб ўтмишда қолиб кетган лоқайдлик, бўшашувчанлик даври таъсирини яқиндагина ўзлари ҳам бошидан кечирган кишиларнинг амалга оширажагини назарда тутиш зарур. Бунинг учун эса инсон омилини активлаштириш ва сафарбар қилиш, ҳар бир кишининг ички куч-қувватларини авж олдириш лозим. Бугунги кунда мамлакат нафақат ўзгаришлар зарурлигига шунчаки рози, шу билан бирга бундай ўзгаришларни ўзининг муҳим иши деб қабул қиладиган, ўзгаришлар ўз-ўзидан, уларнинг иштироксиз ҳам бўлаверади деб кутмасдан ташаббус кўрсатадиган, зиммасига масъулият олишга шай кишиларга жуда муҳтождир.

Бугунги кунда партия идеологик ишининг биринчи навбатдаги вазифаси — жамиятни янги вазифалар сари буриш, меҳнат коллективларининг куч-қуввати ва ижодий имкониятларини шу вазифаларни бажаришга қаратиш, ҳар бир кишининг қайта қуришнинг революцион характерини англашига, жадаллаштириш учун бундан бошқа йўл йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмаслигини тушунишга ёрдамлашишдан иборат.

Бу соҳадаги вазифаларнинг муҳимлиги, актуаллиги 1986 йил 4 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси МКнинг III пленуми қатнашчилари томонидан манфаатдорлик билан муҳокама қилинди. Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари ўрток И. Б. Усмонхўжаев пленумда «КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди. Пленум мамлакат ягона халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон ССРнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш идеологик, оммавий-сиёсий ишнинг қўйилишига янгича ёндашувларни, унинг ташкилотчилик ва хўжалик фаолияти билан чамбарчас бирлигини таъминлашни, конкрет ишларга, сўнгги ўн йил ичида республика ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида мавжуд бўлган салбий ҳодисаларга қарши курашни янада активлаштиришга йўналтирилганлигини кучайтиришни талаб қилишини таъкидлади.

Пленумда қайд қилинганидек, республика партия ташкилотида хўжалик юритишнинг социалистик нормаларини, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг ленинча принципларини жиддий бузишлар билан бир қаторда идеологик, сиёсий-тарбиявий ишда ҳам анча ўпирилишларга йўл қўйилди. Бу нуқсонлар бир қатор олимларнинг ишларида, адабиёт ва санъат асарларида тарихий ўтмишнинг идеаллаштирилишида, айрим воқеалар ва шахсларга баҳо беришда синфий позициялардан чекинишда, кадрларнинг анчагина қисмида дин билан маънавий келишувнинг кучайишида, атеистик ишнинг роли ва аҳамиятининг камайтирилишида намоён бўлди. Совет турмуш тарзини, коммунистик ахлоқ принципларини қарор топтириш ишида аниқ йўналишнинг йўқлиги кўпгина халқ урф-одатлари ва анъаналари шаклининг ўзгартирилишига, айрим эски урф-одатлар ва диний маросимлар реакцион моҳиятининг қайта тикланишига олиб келди. Узоқ йиллар давомида амалда социал соҳани, кишиларнинг тураржойга, медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатилишига, энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжларини менсимасликка йўл қўйиб келинганлиги маънавий-психологик муҳитга салбий таъсир кўрсатди. Қариндош-уруғчилик, юртдошлик, хушомадгўйлик белгиларига қараб асосий идеологик лавозимларга тайинланган кўпгина кадрлар дабдабабозлик муҳитини, фаровонлик тўғрисидаги хомхаёлларни яратдилар, айрим амалдор шахсларни шон-шарафларга кўмиб, баъзан ҳалол кишиларни бадном қилиб келдилар. Бу ва бошқа бузилишлар кишилар, айниқса ёшлар тарбиясига зарарли таъсир кўрсатди, маънавий негизларни нуратиб, кўпгина кишиларда адолатга, ҳақиқатнинг тантана қилиши мумкинлигига ишончсизлик туғдирди, лоқайдликка, сиёсий ва меҳнат соҳасида пассивликка олиб келди.

Гарчи КПСС МКнинг актив ва доимий ёрдами туфайли республикада ишлаб чиқаришга оид ва ижтимоий турмушнинг барча томонларини соғломлаштириш жараёни бораётган, кўпгина партия комитетлари ва ташкилотлари эса идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишни қайта қуриш юзасидан муайян чора-тадбирлар кўраётган бўлсада, янги ижобий тенденциялар секинлик билан қарор топмоқда. Ўтмиш инерцияси, янги проблемаларни ҳал этишга эскича ёндашувлар, расмиятчилик, ура-урачилик сиёсий-тарбиявий фаолиятнинг самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Пленум қайд қилганидек, кўпгина бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар ва район партия комитетлари меҳнат тарбиясини яхшилаш, меҳнат

коллективларининг роли ва масъулиятини ошириш, уларда ижодкорлик ва ўзаро талабчанлик вазиятини, қизғин ишлаш кайфиятини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий интизомни бузувчиларга нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш бўйича фаол чора-тадбирлар кўрмаяптилар. Андижон, Бухоро, Жиззах, Сирдарё областларининг партия ташкилотлари план топшириқларини барбод қилиш, ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигининг пастлиги, иш вақтини зое кетказиш, ишда бракка йўл қўйиш фактларига сиёсий ва маънавий баҳо бермаяптилар. Навоий, Самарқанд, Тошкент областлари корхоналари маҳсулот етказиб бериш планларини барбод қиляптилар. Қашқадарё, Бухоро ва бошқа қатор областларда хўжалик ишларидаги жиддий проблемаларга барҳам берилмаган. Ҳали ҳам кўпинча экономикага партиявий раҳбарликни қуруқ маъмуриятчилик билан алмаштиришади, социалистик мусобақанинг тарбиявий имкониятларидан етарли фойдаланилмайди. Меҳнат коллективи ҳамма жойда ҳам шахс ижодий имкониятларининг ривожланишига кўмаклашадиган таъсирчан социал бўғинга айлангани йўқ.

Буларнинг ҳаммаси — идеология ишидаги жиддий нуқсонлар натижасидир. Кўпгина область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари мазкур биринчи даражали аҳамиятга эга ишни адрессиз ва ишни тубдан қайта қуришга доир конкрет чора-тадбирларсиз қоғоздагина қолиб кетадиган қарорлар билан алмаштирган ҳолда унга ёндашувнинг ўзидаёқ расмиятчиликка йўл қўймоқдалар. Пленум ишлаб чиқариш соҳасидаги бутун сиёсий-тарбиявий ишни демократик асосларни ривожлантирган ва меҳнат коллективларининг меҳнат ва истеъмол меъёрини, маблағларнинг социал-маданий ривожланишга тақсимланишини назорат қилишдаги, интизом ва тартибни бузишларга қарши курашдаги ролини ошира борган ҳолда қайта қуришнинг асосий вазифалари ҳал этилаётган участкаларда жамлашни талаб қилди.

Барча идеологик таъсир воситаларини КПСС XXVII съезди илгари сурган революцион ғояларни оммага сингдиришга, уларнинг конкрет ҳаракат программасига айлантиришга қаратиш қатъиян зарур деб топилди. Ғоявий-тарбиявий ишнинг республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш проблемалари билан чамбарчас бирикувини таъминлаш, бу ишнинг самарадорлигини оширишга, унинг ҳар томонлама ривожланган, сиёсий фаол шахсни камол топтиришга кўмаклашувига, ҳар бир кишининг мустаҳкам гражданлик позициясини ишлаб чиқишига ёрдам беришига интилиш; меҳнаткашларни коммунистик ғоявийлик ва Совет Ватанига садоқат, пролетар, социалистик интернационализм руҳида, социализмга, бизнинг маданиятимиз ва коллективчилик ахлоқимизга ёт бўлган жамики нарсаларга муросасизлик руҳида тарбиялаш зарур.

Кишилар билан ишлаш партия идеологик фаолиятининг ўзагини ташкил этади. Улар идеологиямизнинг буюк ҳақиқатини, сиёсатимизнинг принципиаллигини ҳар доим кўриб, сезиб туришлари лозим. Меҳнатни ва неъматлар тақсимотини шундай ташкил этиш, қонунлар ва социалистик жамият принципларига шундай пухта риоя қилиш керакки, токи ҳар бир совет кишисида бизнинг идеалларимиз ва қадриятларимизга мустаҳкам ишонч бўлсин.

Жадаллаштириш ва қайта қуриш учун курашда идеология ишининг самарадорлигини ошириш учун ғоят қулай ижтимоий шарт-шароитлар яратилади. Лекин бу билан ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбия осонлашади, деб ҳисоблаш тўғри эмас. КПСС XXVII съезди таъкидлаганидек, бугунги кунда вазият қанчалик қулай бўлишидан қатъи назар ўзининг зиддиятлари ва қийинчиликларига эга эканлигини ҳар доим эсда тутиш лозим. Баҳо беришда ҳеч қандай енгиллаштиришга ўрин бўлмаслиги керак.

Доимо мураккаб жараён бўлган ижтимоий онг тараққиёти ҳақида гап кетганида буни эсда тутиш айниқса муҳимдир. Ҳозирги босқичнинг ўзига

хослиги эса кўпгина етилган проблемаларни янада ўткир қилиб қўйди. Биринчидан, жадаллаштириш вазифасининг кенг микёслилигининг ўзи ижтимоий муҳитни, унинг характери ва ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Юз бераётган ўзгаришларни тушуниш ва қабул қилишга ҳозирча ҳамманинг ҳам шай эмаслиги маълум бўлди. Иккинчидан, юқорида қайд қилинганидек, социал-иқтисодий ривожланишнинг секинлашуви нафақат хўжаликка раҳбарлик соҳасидаги, шу билан бирга идеологик фаолиятдаги жиддий хатолар оқибатида ҳам юз берди. Собитқадам тарбиявий иш кўпинча пропагандани воқеликдан узоқлаштирадиган ясама кампаниялар билан алмаштирилдики, бу ижтимоий муҳитга салбий таъсир қилиб келди.

Фақат ижтимоий борлиқ билан ижтимоий онгнинг, моддий ва маънавий турмуш соҳаларининг реал диалектикасига амал қилинганидагина амалда идеологиянинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш, илғор ғоялар билан янги жамият қуриш практикасининг чинакам бирлигини таъминлаш мумкин. Онгни ўзгартириш учун ҳаётни ўзгартириш керак. Қолаверса, инсонни шу ҳаётни такомиллаштиришга доир фаол жараёнга, ижодий ўзгартирувчилик фаолиятига жалб қилиш лозим. **«Илғор ғоялар ва янги жамият қуриш практикасининг ўзаро боғланишидан социалистик идеология куч-қувват олади ва амалий натижага эришади»,** — деб таъкидлади КПСС XXVII съезди.

Социализмга ёт идеология ва ахлоққа қарши кураш коммунистик тарбия билан чамбарчас боғлиқдир. Меҳнат интизомини бузишлар, ўғирликлар ва порахўрлик, чайқовчилик ва текинхўрлик, ичкиликбозлик ва безорилик, хусусий мулкчилик психологияси ва хушомадгўйлик — буларнинг бари бизнинг ижтимоий тузумимизга ёт қарашлар ва кайфиятларнинг авж олиши учун имкон берадиган шароитдир. Партия бундай ҳодисаларни изчиллик билан ва батамом тугатишга биринчи даражали аҳамият бермоқда. Тегишли равишда моддий ва маънавий рағбатлантириладиган ҳалол, юқори унумли меҳнатнинг обрўсини ошириш ва мустаҳкамлашга барча кучлар билан ғамхўрлик кўрсатиш керак. Меҳнат — жамият моддий ва маънавий бойлигининг асосий манбаи, инсон социал обрўйининг бош мезони, унинг муқаддас бурчи, шахсни коммунистик тарбиялашнинг пойдеворидир. Бинобарин, инсон ҳурмат-иззатининг энг юқори меъёри ҳам — унинг меҳнати жамият томонидан эътироф қилинишидир.

Партия фаолиятининг бошқа барча соҳаларида бўлгани каби идеологияда ҳам бизни максимал даражадаги конкретлиликка, синфлар, социал группалар, шахснинг манфаатларини аниқ ҳисобга олишга ундайди. Ғоявий-тарбиявий ишда, афсуски, одат тусига кириб қолган «ёппасига» ёндашувга барҳам бериш керак бўлади, бундай усулда иш олиб борилганида «қамраб олиш»дан иборат катта-катта рақамлар кўпинча ғоят ранг-баранг қобилиятлар ва эҳтиёжларга, қадрият йўналишларига эга кишиларни тўсиб қўяди. Маънавий турмушнинг барча ҳодисаларига **синфий, партиявий ёндашув** — бу КПСС идеологик фаолиятининг конкретлилигини белгилайдиган асосий нарсадир. Бизнинг ижтимоий қадриятларимиз, маънавий идеалларимиз ижтимоий тараққиётнинг объектив эҳтиёжлари туфайли бунёд бўлган, ишчилар синфи томонидан иқтисодий ва сиёсий озодлик йўлидаги курашда ишлаб чиқилган. Шу сабабли барча совет кишиларининг ишчилар синфи, меҳнаткаш синф, коллективчи, революционер позицияларида янада мустаҳкамроқ туриши улар онгига коммунистик идеологиянинг янада маҳкамроқ сингишининг гаровидир.

Жамият — бу конкрет кишилардир, уларнинг конкрет манфаатлари, ҳаёт ҳақида, ҳаётнинг ҳақиқий ва сохта қадриятлари тўғрисида ўз тасаввурлари бўлади. Шу муносабат билан КПСС XXVII съезди ғоявий-назарий, сиёсий тарбиянинг **якка тартибда иш олиб бориш** каби муҳим формасининг катта аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлади. Ғоявий таъсир ўтказишнинг бу формасидан талаб қилинадиган асосий нарса —

алоҳида инсоннинг «ҳаёт йўли»даги барча объектив-ижобий жиҳатларни ажрата билиш маҳоратидир. Бунда ҳаётда учрайдиган барча ҳолатлар учун тайёр андазалар бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун пропагандистдан, тарбиячидан ижтимоий ва индивидуал психологияни чуқур билиш, ақл-заковат, назокат, биргаликда қайғура билиш таланти, суҳбатлаша олиш қобилияти талаб қилинади.

Ғоявий-тарбиявий ишда индивидуал ёндашувнинг муҳимлигини яна шу нарса ҳам тақозо қиладики, буржуа идеологияси жамиятимиздаги синфлар ва социал группаларнинг манфаатларида ўзи учун объектив замин топмаганидан алоҳида инсонни, унинг психологияси соҳасини, одатдаги онгини ўзининг асосий таъсир ўтказиш объекти қилиб танлайди. Ҳозирги шароитда буржуача, антикоммунистик пропаганда кескин фаоллашди. Империализм авж олдириб юборган «психологик уруш» халқлар суверенитети, тарихи, маданиятини поймол этаётган агрессиянинг, информацион империализмнинг алоҳида формасидан бошқа нарса эмас.

Буржуа пропагандасининг таъсирини ортиқча баҳолаш учун асос йўқ, албатта. Совет кишилари турли хилдаги авлиё-анбиёлар ва каромат қилишларнинг ҳақиқий баҳосини етарли даражада яхши биладилар, ҳукмрон монополистик кучларнинг кўпорувчилик ҳаракатлари асл мақсадларининг фарқига яхши борадилар. Аммо, «психологик уруш» — одамларнинг ақли, дунёқараши учун, уларнинг ҳаётий, социал ва маънавий мақсад-йўналишлари учун олиб борилаётган кураш эканлигини унутишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Худди шунинг учун КПСС XXVII съезди буржуа пропагандистларининг маккорлиги ва принципсизлигига идеология ходимларимизнинг юксак профессионализми, социалистик жамият ахлоқи, унинг маданияти, ахборотнинг ошкоралиги, пропагандамизнинг дадил ва ижодий характерини қарши қўйишни талаб қилди. Идеологик кўпорувчиликни фош қилиш соҳасида ҳам, социализмнинг реал ютуқлари, социалистик турмуш тарзи тўғрисидаги ҳаққоний ахборотни етказиш соҳасида ҳам ҳужумкорлик бўлиши керак.

Идеологик ишнинг максимал даражадаги амалий нафи тўғрисида ғамхўрлик қилинар экан, унга раҳбарликнинг услуб ва методларини такомиллаштиришга лозимича эътибор бериш зарур бўлади. Ўзбекистон Компартияси МҚнинг III пленуми мана шу масалага эътиборни жалб этди, пленум агар барча раҳбар кадрлар, ҳамма коммунистлар ғоявий-тарбиявий иш билан шуғуллансалар, унда бу иш жонли ижодий иш бўлади, деб таъкидлади. Ҳозирги шароитда партия учун, унинг барча бўғинлари, ҳамма коммунистлар учун, В. И. Ленин таълим берганидек, обрў кучи билан, ғайрат кучи билан, бисёр тажрибалилик, кўпроқ ҳар томонламалилик, кўпроқ истеъдод билан ҳаракат қилиш қобилиятини такомиллаштириш айниқса муҳимдир. Бугунги кунда, тарихнинг кескин бурилиш даврида партия аъзоси учун коммунистик димоғдорликнинг ҳар қандай кўринишлари, ҳамма вазифаларни буйруқлар чиқариш йўли билан, оммадан ажралган ҳолда ҳал этишга бўлган ҳар қандай уринишлар айниқса тоқат қилиб бўлмайдиган ҳоллардир. Ҳаёт биринчи навбатда коммунистлардан юқори даражадаги билимдонликни, шу жумладан идеология соҳасида ҳам юксак омилкорликни талаб қилмоқда.

Партиянинг оммага ўтказадиган таъсири кўп жиҳатдан мана шу таъсирни амалга оширадиган кишиларнинг шахсий фазилатлари билан, уларнинг ўз зиммаларидаги масъулиятни ҳис этиши билан белгиланади. Шу боисдан партиянинг ўзидаги идеологик, тарбиявий иш савиясини астойдил ошира бориш зарур. Коммунист бўлиш — большевикча ахлоқ ва интизом бобида ибрат кўрсатиш демакдир. КПСС бу ленинча талабни ўзининг ҳар бир аъзоси олдига қўяди, партиянинг ўз обрўсини мустаҳкамлашнинг зарурий шарти деб билади. Идеология ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ҳар бир коммунистнинг ўз меҳнати, ижтимоий фаолиятдаги иштироки, турмушда ўзини тутиши, ўзининг бутун қиёфаси билан

коммунистик ахлоқ принципларига садоқатни намоён қилишига боғлиқдир.

«Социализм — юксак ахлоқ жамиятидир, — деб таъкидлади КПСС XXVII съезди. — Инсон ҳалол, номусли, пок қалбли, ўзига талабчан бўлмасдан туриб, ғоявий инсон бўлиши мумкин эмас. Янги жамият идеаллари, принциплари ва қадриятлари қанчалик зўр ғайрат билан қарор топтириб борилса, тарбиямиз шунчали самаралироқ бўлади. Ҳаётнинг поклиги учун кураш — ғоявий-тарбиявий ишлар самарадорлигини, унинг социал самарасини оширишнинг, носоғлом ҳодисалар рўй беришидан сақланишнинг энг таъсирчан усулидир».

Коммунистик ғоявийлик ва унинг амалдаги ифодаси — ҳақиқий коммунистик фаолият Ленин партияси аъзосининг маънавий қиёфасини ташкил этадиган бошқа барча фазилатларни ҳосил қилиш учун асосий шартдир. **Ўзининг барча кўринишларида** ҳам коммунист бўлиб қолиш зарур эмас, деб ўйлайдиган киши хато қилади. Маънавий онг — фавқулодда мураккаб ҳодисадир, лекин унинг ҳардамхаёлликка тоқати йўқлиги ўз-ўзидан равшан, бундай ҳардамхаёллик кишини муқаррар равишда маънавий таназзулга олиб келади.

Ўз олдига ҳар доим энг қатъий талаб қўядиган ҳалол партия аъзоси, табиийки, атрофидагиларга нисбатан ҳам талабчан бўлади. Амалда социализм принципларига оғишмай риоя қилиш, совет турмуш тарзини қарор топтириш, партия сиёсатини изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилиш учун курашда талабчанлик, принципиаллик, қатъият кўрсатиш — унга хос хусусиятлардир. Коммунистнинг виждонлилиги унга бошқа кишиларга етакчилик қилишга, юз-хотир қилмасдан танқид қилишга, социал адолат учун курашишга маънавий ҳуқуқ беради. Партия аъзосининг олижаноб, ҳеч қандай доғ тушмаган номи — унинг партия Уставига оид мажбуриятларини, гражданлик бурчини бажаришида ишончли маънавий таянчидир.

Ленин партиясининг ҳақиқий аъзосига хос бўлган бу фазилатлар коммунист-раҳбар учун айниқса зарурдир. Чунки одамлар оддий партия аъзосидан кўра ундан кўпроқ нарсани кутадилар. Партия этикаси, коммунистик ахлоқ нормаларидан чекиниш тугул ҳатто у йўл қўйган кичкинагина бир камчиликни ҳам кишилар дарров пайқашади. Чуқур билимдонлик, бутун кучини сарфлаб ишлай олиш қобилияти, холислик — раҳбар учун бугунги кунда айниқса зарур фазилатлардир. Шу билан бирга манманлик, димоғдорлик, тўраликдан холилик, чинакам камтарлик, итоатидаги кишиларга нисбатан хайрихоҳлик, оддийлик ва камсуқумлик, самимий меҳрибонлик, меҳнаткашларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида астойдил ғамхўрлик кўрсатиш ҳам раҳбар учун ғоят зарур фазилатлардир. Шу билан бирга, ўз-ўзидан равшанки, қуйидан бўлган танқидга мойиллик ҳам шунга киради. Бундай танқидга жиддий, тўғри муносабатда бўлиш — раҳбар партиявийлигининг ҳақиқий ғоявийлиги ва маънавийлигининг тамал тошидир.

Умуман партия ва алоҳида ҳар бир партия ташкилоти эътиқодли, матонатли, тоза қалбли ва соф номли коммунистларни тарбиялаш тўғрисида ҳар доим ғамхўрлик қиладилар. Лекин киши партия сафларида бўлар экан, собитқадам, сабот билан ўз-ўзини тарбиялаши, ўзида **партиявий виждон, партиявий масъулият ҳиссини** ўстириши лозим. Бу ҳар бир партия аъзосининг мустақил равишда, бировнинг қистовисиз ўз устида ишлаши, иродасини чиниқтириши, ўзининг хатти-ҳаракатларига нисбатан ўз-ўзини танқид асосида муносабатда бўлишни тарбиялаши зарурлигини англатади.

Қайта қуришнинг ғоявий, гуманистик имкониятларини ҳаракатга келтириш — мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар вужудга келтираётган активликнинг кудратли социал омилидан тўлароқ фойдаланиш демакдир. Бунда ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ғоявий-тарбиявий иш формаларини қайта қуришга, уларнинг давр руҳига ва талабларига

мувофиқ келишига боғлиқ бўлади. Бу сиёсий ва иқтисодий ўқувга, оммавий ахборот воситалари фаолиятига, лекция пропагандасига, ижтимоий фанларни ўқитишга бирдай тааллуқлидир. Марксча-ленинча фаннинг, бизнинг идеологик принципларимизнинг зерикарли, юзаки расмиятчилик билан тушунтирилишига йўл қўйиб бўлмайди. Эпчиллик, демократизм, аудиторияга ишонч, ахборотнинг оперативлиги — пропагандистлар чиқишларининг зарурий хислатларидир.

Ҳар бир кишининг жадаллаштириш нима эканлигини ва, энг муҳими, унинг бугунги кунда нега шунчалик зарурлигини тушуниб олишига ёрдам бериш, кишиларнинг тафаккури ва психологиясида қайта қуриш юз беришига кўмаклашиш муҳимдир. Ҳар бир кишининг ҳозирги моментнинг ўзига хос хусусиятини тушуниб олишига эришиш, тарихимизнинг шу масъул босқичида қайси ишни қандай бажариш кераклигини тушунтириб бериш, ҳар бир меҳнаткашда ишлаб чиқаришнинг, бутун мамлакатнинг хўжайини ҳиссини шакллантириш лозим. Бунинг учун жадаллаштиришнинг умумий масалаларини ҳар бир меҳнат коллективининг ўзига хос хусусиятлари ва амалий вазифаларига мувофиқ равишда конкретлаштириш зарур.

Хуллас, қайта қуриш ижтимоий онгни, марксча-ленинча тафаккурнинг ижодий куч-ғайратларини активлаштиришни, янгича ёндашувларни излашни, қайта қуриш жараёнида бунёд бўладиган барча қимматли, илғор нарсаларни умумлаштиришни, партия томонидан илгари сурилган жадаллаштириш концепциясининг назарий бойлигидан фойдаланишни ва ана шу мустаҳкам негиз асосида — бутун идеология ишининг савиясини жиддий оширишни талаб қилади. Ахир бугунги кунда назарий фаолият ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучларидан бири, қайта қуришнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолмоқда. Мамлакатда рўй бераётган ўзгаришларнинг ўзи ҳам чуқур мулоҳаза билан анализ қилишга, текширилган прогнозларга асос бермоқда. Бу ерда, Ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгаши кўрсатганидек, ривожланаётган социализмнинг ижтимоий муносабатларини такомиллаштиришни илмий жиҳатдан таъминлашга, қайта қуришнинг амалий масалаларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшиши, партия комитетларининг сиёсий, ташкилотчилик ва идеологик фаолиятининг янги форма ва методларини таҳлил қилиши, илмий дунёқарашни, меҳнат кишисининг юксак маънавий фазилатларини шакллантиришга ёрдам бериши керак бўлган жамиятшунос олимлар учун ҳам кенг фаолият майдони мавжуддир. Назарий ва илмий-пропагандистик ишда қайта қуришнинг ленинча сабоқларига, революцион ҳаракатнинг марксча-ленинча методологиясини ўрганишга, Коммунистик партиянинг тарихий тажрибасидан ижодий фойдаланишга катта эътибор бериш лозим. Бундай ишнинг конкрет йўллари ва методлари КПСС МКнинг «Коммунист» журнали тўғрисида»ги қарорида, республика партия ташкилотига татбиқан эса — Ўзбекистон Компартияси МКнинг III пленуми ҳужжатларида белгилаб берилгандир.

Ғоявий-тарбиявий ишда комплекс ёндашиш, унинг барча формалари ва йўналишларининг чамбарчас бирликда ва ўзаро боғлиқ бўлиши — унинг муваффақиятининг гаровидир. Онгнинг етуклигини тинмай ошира бориш, инсон маънавий дунёсини бойитиш — уйғун равишда камол топган, ижтимоий фаол шахсни тарбиялаш пойдеворининг асосий жиҳатидир. Бундан кейин ҳам идеология ишини яхшилашнинг мураккаблашиб борадиган жараёнида бу ишнинг илмий савиясини ошириш, ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш, ҳужумкорлик характерини кучайтириш муҳимдир. Совет кишиларининг коммунизм идеаллари учун курашдаги социал активлигини оғишмай ўстира боришнинг муҳим йўлларидан бири ана шунда.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАДА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ БОШҚАРИШ

Р. ДОСУМОВ,
иқтисод фанлари доктори

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан тубдан ўзгартиришда, экономикани ҳар томонлама интенсивлаштириш йўлига ўтказишда, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда фан ва техниканинг ролини кескин ошириш зарурлигини уқтирди. Фан-техника тараққиётини ҳар тарафлама жадаллаштириш муҳим сиёсий ва хўжалик вазифаси деб кўрсатилди.

Бу вазифа, айниқса Ўзбекистон ССР учун алоҳида актуал аҳамиятга эга, чунки республикада ўн биринчи беш йилликда ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида муайян ўсишга эришилганига қарамасдан ишлаб чиқариш ва илмий-техник потенциалдан фойдаланишда жиддий камчиликлар борлиги аниқланди, меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари пасайди, мавжуд асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш, маҳсулот сифати ва экономика самарадорлигини оширишга оид бошқа кўрсаткичлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қайд қилганидек, «кейинги ўн йил мобайнида Ўзбекистон ССРнинг мамлакат миллий даромади ҳосил қилишга қўшаётган ҳиссаси амалда кўпаймади».

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — юзага келган аҳволни тўғрилашнинг асосий воситаларидан биридир. Ҳар бир иттифоқдош республикада бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам бу воситадан фойдаланишда нафақат хўжалик юритишнинг экстенсив методларидан интенсив методларига ўтишнинг ўзига хослигини, шунингдек такрор ишлаб чиқариш процессининг регионал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Аҳоли ва меҳнат ресурслари ўсиш суръатининг юксак бўлиб, Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан қарийб 3 баравар юқорилиги, табиий-иқлим шароитларининг қулайлиги, жуда катта ўзлаштирилмаган ер майдонларининг, фойдали қазилмалар бой запасларининг мавжудлиги, пахта ва пахта маҳсулотларини сув ресурслари чекланган бир шароитда етиштириш ва ишлаб чиқаришга ихтисосланганлиги — Ўзбекистон ССР учун ана шундай хусусиятлардир.

Санаб ўтилган омиллар республикада фан-техника тараққиётини жадаллаштириш процессига, бинобарин ана шу жараённи бошқариш системаси олдида турган вазифаларга ҳам таъсир ўтказмай қолмайди. Фикримизча, биринчи навбатда жадал ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини рационал равишда иш билан таъминлаш йўлларини белгилаш лозим. Шу жиҳатдан олганда қўл меҳнатини механизациялаш проблемаси ҳам

Редакция мазкур мақолани эълон қилар экан, журналхонларга мурожаат этиб, унда кўтарилган масалалар юзасидан бўладиган мунозарада иштирок этишларини илтимос қилади.

актуал ҳисобланади, чунки бундай меҳнат ҳиссаси республикада ҳали ҳам анча юқоридир. Янги ва энг янги техника ва технологияни жорий этиш, ходимлар малакасини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, янги киритилган техникавий тартиб-қоидалар натижасида саноатдан, қишлоқ хўжалигидан ва бошқа соҳалардан сиқиб чиқарилаётган жонли меҳнат миқдорини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш, шаҳарлар саноат даражасининг янада ривожланиши, қишлоқдаги социал-маданий шарт-шароитларнинг ўзгариши ва шу сингарилар билан боғлиқ бўлган социал характердаги муассасалар ҳам тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Фан-техника тараққиётининг комплекс характерга эгалиги унинг «тадқиқот-ишлаб чиқариш» ягона занжиридаги барча босқичларининг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини олдиндан белгилаб беради. Ҳаёт илмий-тадқиқот ишларининг, улар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг муддатларини қисқартиришни қаттиқ талаб этмоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш жараёнининг мазмуни — техникани, ишлаб чиқариш технологиясини, уни ташкил этиш ва бошқаришни меҳнатнинг характери ва шарт-шароитларини илмий кашфиётлар ва ихтиролар асосида сифат жиҳатдан узлуксиз такомиллаштириб боришдан иборатдир.

Фан-техника тараққиётини бошқариш системаси илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш жараёнининг худди шундай мазмунига мувофиқ бўлиши, у фан ва техниканинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олиши ва актуал социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган бўлиши лозим. Бунинг устига, у экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишдек актив, революционлаштирувчи вазифани бажариши туфайли бевосита ишлаб чиқарувчи куч бўлиб қолади. Бундай бошқарув системаси илмий-тадқиқотчилик муассасалари, лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ва корхоналарининг принципиал жиҳатдан янги ғояларни, техника ва технологияни ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш соҳасидаги фаолиятини Коммунистик партия раҳбарлиги остида планлаштиришни, ташкил этишни, бошқаришни, контрол қилиш ва ҳисобга олишни амалга оширадиган давлат ҳамда жамоатчилик органларининг ўзаро бир-бирига боғлиқ мажмуидан иборат бўлиши керак.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни бошқариш системаси олдида регионал табиий-иқлим ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ягона фан-техника сиёсатини ўтказиш вазифаси турибди. Бугунги кунда умумиттифоқ, иттифоқ-республика ва республика министрликлари халқ хўжалиги тармоқларида ана шундай сиёсатни ўтказувчилар бўлиб, уларнинг регионлар территорияларида жойлашган корхоналари ва ишлаб чиқариш бирлашмалари (комбинатлари) бу сиёсатни бевосита амалга оширувчилардир. Жумладан, республикадаги кўпгина корхоналарда ишлаб чиқариш илмий-техникавий даражасининг пастлиги ва мазкур системанинг бугунги кун вазифаларига тўла-тўкис жавоб бермаслигини кўрсатади. Масалан, саноатда қўл меҳнати салмоғи 44—45 процент, қурилишда — 38 процентга яқиндир. Гарчи ишлатилаётган машиналар ва асбоб-ускуналар ёши чорак аср ва ундан ҳам кўпроқ бўлса-да, асбоб-ускуналарни янгилаш ва уларни чиқариб ташлаш суръатлари паст. Корхоналарни реконструкция қилиш суст бормоқда, қатор тармоқлардаги технологик жараёнлар ғоят эскирган.

Регионал бошқарув Ўзбекистон социал-иқтисодий тараққиётининг суръатларига бевосита таъсир қиладиган «асосий» тармоқлараро илмий-техник проблемаларни ҳал этиш учун экономиканинг истиқболга оид ва жорий эҳтиёжларини ўз вақтида аниқлаши керак бўлади. Ана шу бошқарувдаги камчиликлар соҳавий фан-техника тараққиётини бошқаришнинг ташкил топган механизми нуқсонларини янада чуқурлаштиради. Республикада фан-техника тараққиётини бошқаришнинг функционал ва линия органлари халқ хўжалигининг техника, технология, илғор

машиналар ва асбоб-ускуналар системасига бўлган эҳтиёжини етарлича билмайди. Унинг устига кўпгина корхоналар янги техникани жорий этиш планларини бажармайдилар.

Шу ва бошқа сабабларга кўра, Ўзбекистонда ўн биринчи беш йилликда саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш плани 29 процент қилиб белгиланганн ҳолда у атиги 8 процентга оширилди, қурилишда бу кўрсаткич 3 процентга ошди, қишлоқ хўжалигида эса ҳатто камайиб кетди. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда, ана шу кўрсатилган даврда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши ўсишининг фақат 18—20 процентигина янги техника ҳиссасига тўғри келган. Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, ўн биринчи беш йилликда янги техникани жорий этишдан олинган ўртача йиллик иқтисодий самара 87,4 миллион сўмни ташкил этди, ҳолбуки ўнинчи беш йилликда бу кўрсаткич 92,1 миллион сўмга тенг эди, 1 сўм иқтисодий самара учун амалда сарфланган харажатлар эса 1,6 сўмдан 2 сўмга ошди.

Техника тараққиётининг жадаллаштирилиши, унинг самарадорлигининг оширилиши илмий тадқиқотларнинг интенсивлаштирилишига, фан билан ишлаб чиқариш алоқасининг мустаҳкамланишига бевосита боғлиқдир. Ҳолбуки, хўжалик юритишнинг экстенсив методига хос бўлган «ресурсга оид» ёндашув халқ хўжалигини илмий-техникавий янгиликлар билан узлуксиз равишда таъминлаши керак бўлган илмий-тадқиқотчилик, лойиҳалаш-конструкторлик ва бошқа ташкилотларнинг иш услуби ва методларига ўз таъсирини ўтказгандир. Бу биринчи навбатда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига тааллуқли бўлиб, унинг илмий потенциалининг ўсиши фундаментал тадқиқотларнинг кучайтирилиши билан қўшиб олиб борилмади, бу тадқиқотлар республикани илмий-техникавий жиҳатдан ривожлантиришнинг актуал проблемаларини ҳал этишга қаратилмади. Тармоқларга оид фанлар ва олий ўқув юртларидаги фанлар ҳам кам самара келтиряпти. Ташкил этилган илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг кўпчилиги ҳам ҳозирча саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт соҳаларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш негизига айланганича йўқ. Илмий кучларни концентрациялаш даражасининг пастлиги, илмий ишланмаларнинг кўпинча бир-бирини такрорлаши, институтларнинг кўп профиллилиги, уларнинг кам иқтисодий самара келтираётгани ҳам республика фанини бошқаришни ташкил этишда жиддий камчиликлар борлигидан далолат беради. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида, Ўзбекистон КП МҚнинг кейинги пленумларида булар ҳақида принципиал тарзда гапирилди.

Фикримизча, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифасини ҳал этиш тармоқлараро, халқ хўжалик характерига эгаки, бинобарин бу вазифани ҳозир амал қилаётган тармоққа оид ва территориал бошқарув доирасида ҳал қилиб бўлмайди. Тармоққа оид ва территориал бошқарувнинг барча ижобий хусусиятларини программавий бошқарув негизида бирлаштиришга имкон берадиган янгича ёндашув зарур.

Республикада ҳозирги кунда олис истиқболга мўлжалланган Ўзбекистон ССР фан-техника тараққиётининг комплекс программаси ишлаб чиқилмоқда. У Ўзбекистон ССРни ривожлантиришнинг актуал социал-иқтисодий проблемаларини ҳал этишга қаратилган илмий-техникавий, ишлаб чиқаришга оид, ташкилий ва бошқарувга доир тадбирлар мажмуидан иборатдир. Бу иш республика Фанлар академияси, ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими ва Ўзбекистон ССР Госстройига топширилган. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганишга доир Совети бош ташкилот ҳисобланади. Республикада 2000 йилгача (1979 йили) ва 2005 йилгача (1983 йили) бўлган даврга мўлжалланган бундай программалар аллақачон тузилган. Бу йил 1991—2010 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон ССР фан-техника тараққиёти Комплекс программасини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бугунги кунда фан-техника тараққиёти Комплекс программаси доирасида Ўзбекистон ССРни илмий-техникавий ва социал жиҳатдан ривожлантиришнинг муҳим тармоқлараро проблемаларини ҳал этишга қаратилган 19 мақсадли программа тузилади. Бундан ташқари, ишланма учун топшириқ сифатида беш йиллик планларга киритиладиган конкрет мақсадли илмий-техник программаларни ажратиб кўрсатиш назарда тутилмоқда. Фан-техника тараққиёти комплекс программаларининг натижалари ва хулосалари республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг 15 йилга мўлжалланган схемаларини тузишда қўлланилади.

Лекин практиканинг кўрсатишича, Ўзбекистон ССР фан-техника тараққиёти Комплекс программаси ҳозирча республикани илмий-техникавий ва социал-иқтисодий ривожлантиришни перспектив планлаштиришнинг чинакам илмий негизи бўлганича йўқ. Бизнинг фикримизча, бу программа методологик ва методик жиҳатдан етарли даражада чуқур таъминланмаганлиги, бир пайтнинг ўзида унинг ҳам буюртмачиси ва истеъмолчиси бўлган Ўзбекистон ССР Госпланининг бу программага лозимича эътибор бермаслиги, уни ишлаб чиқаришга кўпгина министрликлар ва идоралар, уларнинг илмий-тадқиқотчилик ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларининг формал ёндашуви натижасида шундай бўлмоқда. Афсуски, Фанлар академиясининг илмий коллективлари, унинг президиуми раҳбарлари орасида ҳам фан-техника тараққиёти Комплекс программасини ишлаб чиқишнинг аҳамиятини тушуниб етмаётганлар бор.

Буларнинг ҳаммаси — узоқ йиллар мобайнида «ресурсга оид ёндашув» негизида ишлаш, экстенсив методлар бўйича хўжалик юритиш натижасида юзага келган фан-техника тараққиётига шаблон муносабатнинг оқибатидир. Илмий коллективларга раҳбарлик қилишда ана шу «тўсиқ»ни бартараф этиш, уларни тадқиқотларнинг илмий-техникавий йўналишини кучайтиришга қайта ориентациялаш — фан-техника тараққиёти комплекс программасини ишлаб чиқувчиларнинг ҳам муҳим вазифасидир. Программани маблағ билан таъминлайдиган манбаларни аниқ белгилаш, пул маблағларини программани биргаликда ижро қилувчиларнинг бош ташкилоти орқали мақсадли йўналтиришни жорий қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Республика Госплани фан-техника тараққиёти Комплекс программасининг буюртмачиси бўлгани сабабли унинг бу программани ишлаб чиқишни маблағ билан таъминлаши, ажратилган маблағларнинг тақсимланишини эса Фанлар академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ва Ўзбекистон ССР Госстройи орқали амалга ошириш мумкин эмасми?

Санаб ўтилган масалаларни зудлик билан ҳал этиш лозим. Чунки КПСС XXVII съезди тасдиқлаган мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган Асосий йўналишлари узоқ муддатга прогноз қилиш, перспектив ва жорий планлаштиришнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлашни, давлат планларини ишлаб чиқишда СССР фан-техника тараққиёти Комплекс программаси билан мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштиришнинг бош схемасини тўларок ҳисобга олишни назарда тутади. Бизнинг республикамиз шароитида фан-техника тараққиёти комплекс программасини амалга ошириш учун масъул орган ажратиб кўрсатилган тақдирдагина бу программа фан-техника тараққиётини чинакам жадаллаштириш программасига айланади. Ҳозир Ўзбекистон ССР Госплани қошида амал қилувчи Фан ва техника бошқармаси фақат энг муҳим илмий-техникавий ишларни планлаштириш функциясинигина бажаради. Регионал экономиканинг тармоқлараро илмий-техникавий проблемаларини ҳал этиш борасида ошиб кетган эҳтиёжлари билан ўтказилаётган илмий-техникавий ишланмаларнинг идоравий-тармоққа оид характери ўртасида номувофиқлик юзага келганлиги кўриниб турибди. Шунинг учун Ўзбекистон ССР Госплани қошидаги Фан ва техника бошқармасини Ўзбекистон ССР

Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника давлат комитетига айлантириш мақсадга мувофиқдир. Бундай комитет фан-техника тараққиёти Комплекс программаси доирасидаги энг муҳим регионал тармоқлараро илмий-техник проблемаларни планлаштириш, уларни ҳал этишни ташкил қилиш, координациялаш ва контрол қилиш ҳамда олинган натижаларни халқ хўжалигига жорий этиш билан шуғулланган бўлур эди.

Республикада фан-техника тараққиётини бошқаришнинг ташкилий структурасини қайта қуриш илмий тадқиқотларни программавий-мақсадли негизда планлаштириш ва бошқаришни яхшилашни тақозо қилади. Бунинг учун республикада қулай шарт-шароитлар мавжуд: Ўзбекистон ССРнинг 20 йилга мўлжалланган фан-техника тараққиёти Комплекс программаси ва 15 йилга мўлжалланган ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш схемаси устида олиб борилган ишлар бундай тадқиқотлар ўтказиш ва уларни координациялаш юзасидан тажриба тўплашга имкон берди. Шу билан бирга илмий-тадқиқот ишланмаларини ташкил этиш ва уларнинг натижаларини практикага жорий этишнинг янги формалари юзага келган ташкилий структурада ва илмий изланишларни бошқариш методларида ҳам прогрессив ўзгаришлар қилишни тақозо этади. Фан тараққиётини бошқариш системасида идоравий тарқоқликка, етилган социал-иқтисодий проблемалар билан ўтказилаётган тадқиқотлар ўртасидаги узилишга барҳам бериш, иқтисодий институтлар билан табиий-техникавий профилдаги институтлар ўртасида самарали ўзаро алоқани йўлга қўйиш зарур.

Партиянинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган йўли иқтисодий фан олдига, унинг пировард халқ хўжалик натижаларига қўшаётган ҳиссасига юксак талаблар қўймоқда. Ундан ташқари, бу фан бошқа фанлар соҳасидаги тадқиқотларни интенсивлаштириш ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эҳтиёжлари талаб қилаётган асосий илмий-техникавий ва бошқа проблемаларни ҳал этишга йўналтирилмоғи лозим. Иқтисод фанининг ўзини кўрсатилган проблемаларни ҳал этишга томон тубдан бурмасдан туриб, бунга эришиб бўлмайди. Бу ўз навбатида назарий ишланмалар савиясини оширишни ва уларнинг планлаштириш ҳамда хўжалик қурилиши практикаси билан алоқасини кучайтиришни талаб қилади. Бу тўғрида КПСС XXVII съезди ҳужжатларида, партия Марказий Комитетининг «Коммунист» журнали тўғрисида»ги қарорида, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди ва республика КП МКнинг III пленуми материалларида янгича куч билан уктириб ўтилди.

Бундай ёндашув академиянинг, академиядан ташқаридаги тармоқларга оид иқтисодий институтлар ва олий ўқув юртларининг ходимлари меҳнатини координациялаш ва кооперациялашни такомиллаштириш негизида, планлаштирувчи органлар, лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари, министрликлар ва идоралар, бирлашмаларнинг иқтисодий хизматлари билан мустаҳкам алоқада бўлган ҳолда кучларни иқтисодий фаннинг ҳал қилувчи участкаларида концентрациялаш ва бирлаштиришнинг янги форма ва методларини излаб топишни тақозо қилади.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон учун ғоят актуалдир. Бу ерда тўртта иқтисодий институт (улардан иккитаси академияники), иттифоқ экономика институтларининг қатор филиаллари, Тошкент халқ хўжалик институти, олий ўқув юртларининг кўп сонли сиёсий иқтисод ва конкрет экономика кафедралари ишлаб турибди. Ундан ташқари, Ўзбекистон ССР Госпланида, унинг меҳнатни илмий ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича республика марказида, министрликларда, идораларда, лойиҳалаш-конструкторлик ва бошқа ташкилотларда экономистларнинг катта қисми тўпланган. Практиканинг гувоҳлик беришича, республикадаги иқтисодий илмий тадқиқотларни координациялашнинг анъанавий формалари — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми қошидаги проблемали

координацион советлар ва комиссиялар бесамаралидир. Координацион планлар орқали координациялаш методлари ҳам эскирди.

У ёки бу (назарий ёки конкрет-иқтисодий) проблемаларга доир тадқиқотларни координациялаш, бизнинг назаримизда, уларнинг актуаллигини, йўналишини, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқ келишини аниқлаш билан қўшиб олиб борилиши керак.

Фикримизча, иқтисодий тадқиқотларни координация қилиш вазифасининг проблемаларни бевосита ўрганиш ва ҳал этиш жараёнидан узилиб қолган фанни бошқариш линия органлари қошидаги проблемали советларга топшириб қўйилганлиги ҳам тўғри эмас. Бу вазифа мазкур проблемаларни ишлаб чиқишга ихтисослашган етук, тажрибали кадрларга эга бўлган илмий-тадқиқот муассасалари томонидан бажарилиши керак. Бошқача айтганда, тадқиқотларни координациялаш ҳуқуқини ўзининг илмий изланишларида юксак самарадорликка эришиш орқали «қўлга киритиш» зарур. Бинобарин, координация советлари фанни бошқариш линия органларида эмас, балки чинакам обрў-эътибор қозонган бош илмий-тадқиқот институтларида, олий ўқув юртлари кафедраларида бўлиши керак.

Тадқиқотларнинг самарасиз координация қилинаётганлигининг жиддий сабабларидан бири иқтисодий тадқиқотларга «аниқ» буюртмачининг йўқлиги ва улар натижаларини амалга ошириш формаларининг аксарият ҳолларда эскирганлиги ҳамдир. Сир эмаски, қатор ҳолларда фан билан ишлаб чиқариш алоқасини мустаҳкамлаш шиори остида корхоналар, министрликлар, территориал органлар билан амалий проблемаларни ҳал этиш учун хўжалик шартномалари тузилади, бунда мазкур проблемалар тор характерга эга бўлиб, институт профилига мутлако мувофиқ келмайди. Масалан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Экономика институти узоқ йиллар мобайнида Тошкент ва Жиззахни социал ривожлантиришнинг перспектив планларини ишлаб чиқиш билан шуғулланиб келади. Албатта, бу керакли ва фойдали иш. Бироқ бу ишни Ўзбекистон ССР Госплани қошидаги меҳнатни илмий ташкил қилиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича Республика маркази муваффақият билан амалга ошириши мумкин. Бу марказ катта ходимлар сонига эга бўлиб, республика областларини социал-иқтисодий ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш проблемаларини амалий тадқиқ қилишга ихтисослашгандир. Экономика институтининг илмий кучларини республикани социал-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган хўжалик шартномаси асосидаги амалий ишланмаларга чалғитиш эса институт фаолиятининг самарадорлигини пасайтиради.

Хуллас, бизнинг назаримизда, иқтисодий проблемаларни танлашнинг амалдаги системаси, мавжуд тадқиқотларни координациялаш ва улар натижаларини амалга оширишнинг форма ва методлари бугунги кунда иқтисодий фан олдига қўйилаётган талабларга жавоб бермайди. Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг актуал проблемаларини ҳал этишда юксак пировард натижаларга эришишга йўналтирилган иқтисодий тадқиқотларни программавий мақсадли бошқаришни ташкил этиш зарур. Бунда программавий-мақсадли бошқарув таркиб топган тармоққа оид ва территориал бошқарувларга қарама-қарши қўйилмайди, балки у иқтисодий тадқиқотларнинг узоқ муддатли комплекс программалари ва планларини ишлаб чиқишни қўшиб олиб борилишини таъминлайди. Иқтисодий тадқиқотларнинг (фан-техника тараққиёти комплекс программаси доирасидаги) узоқ муддатли комплекс программалари ва планларини ишлаб чиқишда, фикримизча, қуйидаги босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг узоқ муддатга мўлжалланган ривожланишининг актуал проблемаларини ҳал этишга қаратилган беш

йилликлар бўйича бўлинган социал заказни, шунингдек бунинг учун зарур бўлган конкрет-иқтисодий ва сиёсий иқтисодга оид (назарий) тадқиқотларнинг рўйхати ва ҳажмини аниқлаш;

республика Госплани, министрликлар ва идоралар заказларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий тадқиқотларнинг тармоққа оид ва тармоқлараро мақсадли программаларини ишлаб чиқишга доир аниқ топшириқларнинг белгиланиши;

илмий программаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул «бош» экономика институтлари, олий ўқув юртлари ёки кафедраларни танлаш;

ижрочилар ва бирга ижро қилувчиларнинг зарур доирасини, улар фаолиятини координация қилишнинг, маблағ билан таъминлашнинг, рағбатлантириш ва бошқаришнинг формалари ва тартибини («бош» илмий-тадқиқотлик институтлари, олий ўқув юртлари, кафедралар томонидан) белгилаш;

«бош» ташкилотлар томонидан бирга ижро қилувчилар иштирокида тармоқлараро ва тармоққа оид программалар бўйича энг муҳим социал-иқтисодий ва илмий техникавий проблемаларнинг ишлаб чиқилиши;

республика фан-техника тараққиёти Комплекс программаси ва ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш сифатидаги илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини Ўзбекистон ССР Госпланига бериш.

Иқтисодий тадқиқотларга раҳбарлик қилишнинг барча соҳаларида программавий-мақсадли бошқарув принципларига амал қилиш, бизнинг назаримизда, муҳим социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишда экономика фанининг ролини оширади. 20 йилга мўлжалланган фан ва илмий потенциални ривожлантиришнинг комплекс программасини ишлаб чиқишга доир республика проблемали комиссияси мазкур ишда «социал заказ»ни танлаш ва уни асослаш учун масъул орган бўлиши мумкин. Шундай бўлганида республикадаги ижтимоий ва табиий-техникавий фанларнинг бутун системаси программавий-мақсадли бошқарувга ўтказилиши мумкин. Ўзбекистонда фанни ривожлантиришнинг программавий-мақсадли йўналишини кучайтириш, шубҳасиз, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, кафедралар, улар тематикасининг таркиб топган ихтисосланишини баҳолаш ва шу сингарилар билан боғлиқ бўлган қатор ташкилий-бошқарув проблемаларини ҳал этишни тақозо қилади.

Илгари сурилган таклифларни амалга ошириш Ўзбекистон ССР Госпланининг республиканинг марказий илмий-тадқиқот органи сифатидаги ролини ва масъулиятини оширишни талаб этади. Бунинг учун, бизнинг назаримизда, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: юқори малакали илмий кадрлар — фан докторлари ва кандидатларни ишга жалб қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш орқали Госплан аппарати ходимларининг сифат составини яхшилаш; республиканинг етакчи олимларини тегишли ҳуқуқлар ва бурчлар билан Госплан коллегияси составига киритиш; Госплан ходимларини ишга қабул қилишнинг конкурсли системасини ва уларнинг мунтазам равишда аттестация қилиб турилишини жорий этиш; илмий-амалий стажини, илмий даражасини (унвонини), шунингдек илмий ҳамда планли-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга қўшаётган реал ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда план органлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш системасини яхшилаш.

Мазкур мақолада республикада фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни бошқаришни ташкил этиш масалаларининг кўриб чиқилганлиги уларда баҳсли ўринлар йўқ, деган маънони билдирмайди — олимларимиз ва амалиётчиларимиз бу масалаларни КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида ҳал этиш учун ҳали ғайрат-шижоат кўрсатиб, кўп иш қилишлари керак бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СТРУКТУРАСИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Б. ЛИ
иктисод фанлари кандидати

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ишлаб чиққан стратегия мамлакатимиздаги бошқа республикалар сингари Ўзбекистон ССРнинг ҳам узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган иқтисодий ва социал тараққиётини белгилаб беради. Қўйилган вазифаларни конкрет иттифоқдош республикага мувофиқ равишда муваффақиятли тарзда амалга ошириш учун унинг экономикасидаги заиф жойларни, камчиликларни, номутаносибликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш мақсадида бу экономиканинг реал амал қилишини танқидий баҳолаш зарур. Ўзбекистон экономикасини ана шу нуқтаи назардан кўриб чиқамиз.

Республикада ялпи ижтимоий маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари тўққизинчи беш йилликда 7,2 процентни, ўнинчи беш йилликда — 5,7, ўн биринчи беш йилликда — 4,7 процентни ташкил этди. Миллий даромад соҳасида ҳам худди шундай тенденция мавжуд бўлиб, тўққизинчи беш йилликда — 6,8, ўнинчи беш йилликда — 5,6 ва ўн биринчи беш йилликда 4,9 процент ўртача йиллик ўсишга эришилди. Келтирилган кўрсаткичлар Ўзбекистон ССР халқ хўжалигида иқтисодий ўсиш суръатларининг доимий равишда пасайиб борганлигидан далолат бериб турибди, бу кўп ҳолларда ресурсларнинг мутлақо камайиб кетганлигини англатади ва экономиканинг амал қилишини қийинлаштиради. Жамиятимизнинг бундан кейинги олға қараб ривожланиш йўли бўлган жадаллаштириш эса аввало иқтисодий ўсиш суръатларини сифат жиҳатдан янги негизда ошира боришни тақозо қилади.

Иқтисодий самарадорлик бўйича республика кўрсаткичлари ҳам ташвишли аҳволдадир. Масалан, меҳнат унумдорлигини оширишнинг ўртача йиллик суръатлари ўнинчи беш йилликда 3,7 процентни, ўн биринчи беш йилликда эса — 1 процентдан ҳам камроқни ташкил этди. Натижада миллий даромаднинг меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ўсиш ҳиссаси ўн биринчи беш йилликда 50 процентга ҳам етмади, ҳолбуки мамлакат бўйича бу кўрсаткич деярли 90 процентни ташкил этди. Ўзбекистонда фондларнинг самарадорлик даражаси ўнинчи беш йилликда 15 процент, ўн биринчи беш йилликда эса — 19 процентга камайиб кетди, маҳсулот ишлаб чиқариш учун материал сарфи эса муттасил кўпая борди: ўнинчи беш йилликда — 0,7 процент, ўн биринчи беш йилликда — 2 процент кўпайди.

Ишлаб чиқариш структурасининг ижтимоий эҳтиёжлар структурасига тўла-тўкис мувофиқ эмаслигини, бинобарин, Ўзбекистон ССР экономикасининг узил-кесил балансланштирилмаганлигини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Республика халқ хўжалигининг ҳозирги пайтда вужудга келган тармоқ структураси айниқса агросаноат, ёқилғи-энергетика, қурилиш комплексларида, шунингдек республиканинг хом ашё ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ тармоқларда (машинасозликда, енгил ва озиқ-овқат саноатида) қатор иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишни таъминлай олмайди.

Маълумки, Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари юксак бўлиб, бу уларни тақсимлаш ва ишлатишда қатор ўзига хос хусусиятларни юзага келтиради. Аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси кўп йиллар давомида бир хил 78 процент бўлиб келди, бу эса мамлакатдаги энг паст кўрсаткичлардан биридир. Республикада қўл меҳнати улуши ҳам секин камаймоқда, кишиларни иш билан банд қилишнинг махсус формалари кенг тарқалмаган. Меҳнат ресурсларининг сифати, уларнинг тармоқ ва территориал структуралари ҳар доим ҳам барпо қилинган ишлаб чиқариш қувватларига мувофиқ келавермайди, бунинг мазкур қувватлардан фойдаланишга салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Ресурслар тармоқлар, территориялар ва ишлаб чиқариш жараёнларининг босқичлари бўйича тақсим қилинганида улардан янада яхшироқ фойдаланиш мақсадида маълум нисбатларга риоя қилиниши лозим. Бироқ кўпинча бунга амал қилинмайди. Маълум даражада территориал пропорцияларга ҳам риоя қилинмайди. Жумладан, ишлаб чиқариш кучларининг жойлаштирилишида анчагина нотекислик мавжуд. Масалан, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда саноат ривожланишининг даражаси ўртача республика кўрсаткичига қараганда анча пастдир. Гарчи уларда Ўзбекистон меҳнатга лаёқатли аҳолисининг тўртдан бир қисмидан кўпроғи яшаб турган бўлсада, саноат соф маҳсулотининг атиги 13,4 проценти шу ерда ишлаб чиқарилиб, улар саноат ходимларининг 14,8 процентига ва асосий фондларнинг 17,6 процентига эгадир.

Қайд қилинган ва бошқа камчиликларга кўра Ўзбекистон ССР ўртача жон бошига ҳисобланадиган энг муҳим кўрсаткичлар бўйича мамлакатдан анча орқада қолган.

Ҳозир кўрсатилган салбий ҳолатларни бартараф этиш, республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш, умумиттифоқ вазифаларини ҳал этишда республика ҳиссасини кўпайтириш, унинг экономикасининг комплекслилигини кескин ошириш вазифаларининг бажарилиши ғоят зарур бўлиб қолди. Фаол структуравий сиёсат ўтказилмасдан бунга эришиб бўлмайди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни структуравий қайта қуриш партия иқтисодий стратегиясининг муҳим таркибий қисмидир. Бизнинг республикамиз шароитида бундай қайта қуриш умумиқтисодий, тармоқлараро, тармоқлар ичидаги, территориал пропорциялар ва капитал маблағларни, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тақсимлаш пропорциялари мажмуини такомиллаштиришни тақозо қилади.

Маълумки, кўпгина тақсимловчи муносабатлар жамғарма ва истеъмол фондларининг миқдорига боғлиқ. Истеъмол фонди аҳоли реал даромадлари ўсишининг иқтисодий чегарасини, унинг турмуш даражасининг ошиш миқёслари ва суръатларини, жамғарма фонди эса — кейинги такрор ишлаб чиқариш циклларида ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг потенциал имкониятларини белгилайди. Ҳозирги пайтда фойдаланилган миллий даромадда истеъмол фонди салмоғи 69,8 процентни, жамғарма фонди салмоғи — 30,2 процентни ташкил этади. Юзага келган нисбатни бутун инвестиция процессининг самарадорлигини оширган тақдирдагина истеъмол фонди фойдасига ўзгартириш мумкин.

Саноатнинг бошқа тармоқларга нисбатан устун даражада ривожлантирилиши моддий ишлаб чиқаришнинг тармоқ структурасини такомиллаштиришдаги асосий ва республикада ялпи ижтимоий маҳсулот ҳамда миллий даромаднинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришни, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришни таъминлайдиган энг динамик омил бўлиб қолиши лозим. Ўзбекистон территориясида социал-иқтисодий вазифаларни, шу жумладан меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш вазифаларини ҳал этишда саноатнинг асосий роль ўйнаши ана шуни талаб қилмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожланиши суръатлари-

нинг нисбатан паст эканлиги унда ҳатто қишлоқ жойлардаги тез ўсиб бораётган аҳолини иш билан таъминлашга ҳам имкон бермайди. Ишлаб чиқариш инфраструктураси тармоқларининг ривожланиши эса кўп жиҳатдан саноат аҳволига боғлиқ. Бинобарин, саноатнинг динамик ривожлантирилиши ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг умумий оширилишига, уни интенсивлаштириш йўлига ўтказишга кўмаклашади.

Ўн иккинчи беш йилликда Ўзбекистон ССРда фан-техника тараққиётини белгилайдиган базавий тармоқлар нисбатан тезроқ ривожлантирилади. Химия, электрохимия, енгил саноатнинг айрим ишлаб чиқаришларини, асбобсозликни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлашни бир оз юксак суръатлар билан ривожлантириш мўлжалланмоқда. Бу мавжуд меҳнат ва минерал-хом ашё ресурсларидан янада самарали фойдаланишга, ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштирилишини чуқурлаштиришга ҳамда республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг комплекслилигини таъминлашга имконият яратади.

Бундай комплекслиликка эришиш учун шунингдек ишлаб чиқариш жараёнларида қўшимча бўғинлар яратиш ва етарли ривожланган технологик бўғинларни (асосий, хизмат кўрсатадиган, қўшимча бўғинларни) кучайтириш зарур. Республикадан ташқарига чиқарилаётган маҳсулот составида хом ашё маҳсулотлари ва унчалик чуқур қайта ишланмаган маҳсулотлар кўп бўлмаслиги учун ишлаб чиқарадиган саноатнинг нисбатан тезроқ ривожлантирилишини таъминлаш керак. Бизнинг фикримизча, бу йўналиш Ўзбекистон ССРда ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштиришда ва унинг самарадорлигини оширишда принципиал йўналиш ҳисобланади.

Саноатнинг комплекс тарзда ривожлантирилиши маҳаллий хом ашё ва меҳнат ресурсларидан оптимал фойдаланишга, транспорт-иқтисодий алоқаларнинг рационаллаштирилишига, республика саноати ролининг ошишига ва унинг мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг кўпайишига қўшадиган улушини оширишга ёрдам бериши лозим. Саноатнинг жадал ривожлантирилиши ўз навбатида бутун Ўзбекистон халқ хўжалиги структурасини мақсадга мувофиқ равишда ўзлаштиришнинг, унинг ҳаётининг барча соҳаларида прогрессив силжишларни амалга оширишнинг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, пировард мақсаднинг бирлиги — озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун хом ашё етиштиришга қараб агросаноат комплексига бирлашган тармоқлар мажмуида уч соҳа ажралиб туради. Улардан бири қишлоқ хўжалиги учун ва маҳсулотни қайта ишлайдиган ҳамда уни истеъмолчига етказадиган тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаради. Деҳқончиликни ва чорвачиликни комплекс механизациялаш учун тез вақт ичида машиналар системасини яратиш зарурлиги мазкур соҳани илдамроқ ривожлантиришни тақозо қилади.

Агросаноат комплексининг қишлоқ хўжалик хом ашёсини ташийдиган, сақлайдиган ва унга дастлабки ишлов берадиган соҳасини ҳам жадал ривожлантириш зарур. Планда кўзда тутилганидек, Ўзбекистоннинг умумиттифоқ фондига қўшадиган ҳиссасининг оширилиши, унинг халқ хўжалигидаги мутаносибликнинг яхшиланиши шуни талаб қилади. Шу муносабат билан, жумладан, ип газлама ва ипак газлама ишлаб чиқариш бўйича умумиттифоқ аҳамиятига эга тўқимачилик маркази барпо этиш борасидаги ишни давом эттириш мақсадга мувофиқдир (бунда республикада қайта ишланадиган пахта толасининг ҳажми 10—13 процентга етказилади).

Агросаноат комплексининг негизи, унинг бош соҳаси бўлган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг республикада юзага келган структураси ижтимоий эҳтиёжлар структурасига тўла мувофиқ эмас. Унинг асосан, деярли бир томонлама пахта етиштириш ва уни қайта ишлашга йўналтирилганлигига чек қўйиш, турли тармоқларнинг энг рационал тарзда қўшиб

олиб борилишини таъминлаш, жумладан, озиқ-овқат, айниқса чорвачилик маҳсулотлари, шунингдек мева ва сабзавотлар етиштиришни ривожлантириш зарур.

Ўн иккинчи беш йилликда Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантиришни асосан интенсив омиллар — ҳосилдорликни ошириш ва тола чиқишини кўпайтириш ҳисобига амалга ошириш планлаштирилган. Бутун республика қишлоқ хўжалиги структурасини кўзда тутилганидек такомиллаштириш озиқ-овқат тармоқлари ролининг бирмунча оширилишини, умумий пахта майдонини унинг энг қимматли ингичка толали навларини етиштиришни кўпайтирган ҳолда стабиллаштиришни, ҳамма жойда алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштиришни назарда тутади.

Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ барча тармоқларнинг комплекслилиги ва балансглашганлигига эришиш учун анча иш қилиш керак бўлади. Республиканинг ўзида истеъмол қилиш учун ва бошқа районларга, аввало Сибирь ҳамда Узоқ Шарқ районларига олиб чиқиш учун озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш имкониятларидан максимал фойдаланиш зарур. Истиқболда шоли, мева, узум, эрта пишар мева ва сабзавотлар, пилла, қоракўл тери етиштиришнинг умумиттифоқ аҳамияти оша бориши лозим.

Агросаноат комплексини шакллантиришга асос бўладиган тармоқлараро алоқаларни жадал кенгайтириш қишлоқ хўжалигини индустрлаштиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Қишлоқ хўжалиги билан бошқа тармоқлар ўртасидаги алмашишни ташкил этишнинг аҳамияти оша боради, бунда ижтимоий зарурий меҳнат сарфини ҳисобга олиш негизидаги эквивалентлилик тенденцияси устунлик қилиши керак. Афсуски, ҳозирда амал қилаётган баҳо белгилаш системаси буни таъминлай олмайди.

Ноишлаб чиқариш соҳа тармоқларини жадал ривожлантириш экономикани интенсивлашнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Хизмат кўрсатишнинг ҳажмини ва сифатини кескин ошириш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг хизматлардан фойдаланиш даражасидаги жиддий табақалаштирилганликка барҳам бериш бу борадаги асосий вазифалардир. Биринчи навбатда тураржой ва коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш бу соҳанинг устун тармоқлари бўлиб, улар аҳолининг энг зарур эҳтиёжларини қондириб туради.

Тармоқлараро ва районлараро алоқалар структурасини такомиллаштириш мақсадида Ўрта Осиё республикалари ўртасидаги масалан, машинасозликда тармоқлараро ишлаб чиқаришлар бўйича биргалашиб корхоналар барпо қилиш, ёқилги-энергетика балансини рационаллаштириш, шунингдек айрим минерал ва сув ресурсларидан, хом ашёдан фойдаланиш борасидаги ишлаб чиқаришга оид ўзаро муносабатларни жиддий кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарур бўлади. Назаримизда, ип газлама, жун газлама, трикотаж ва бошқа енгил саноат маҳсулотлари тайёрлашдаги меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш мақсадга мувофиқдир, чунки бу маҳсулотларнинг кўпчилиги Ўрта Осиё республикаларида такроран ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқаришнинг территориал ташкил этилишини яхшилаш, республика регионларининг комплекс ривожланишини таъминлаш — Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш омилларидан бўлиб, улар республика областлари ва Қорақалпоғистон АССРни ривожлантириш даражасини бараварлаштиришга кўмаклашади.

Республикада амалга оширилаётган кичик ва ўртача шаҳарлар, шаҳар типидаги посёлкалар ва қишлоқ район марказларида аввало унча катта бўлмаган ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш ҳисобига уларни активлаштириш сиёсатининг бундан кейин ҳам ҳаётга татбиқ қилина бориши ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни такомиллаштиришнинг ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг принципиал муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу меҳнат ресурсларидан янада оқилона фойдаланишга, аҳоли яшайдиган жойларнинг социал шароитини яхши-

лашга ва улар хўжалигини комплекс равишда ривожлантиришга имкон беради.

Фикримизча, ресурсларнинг барча турлари — моддий, меҳнат, молиявий ва бошқа ресурсларни тақсимлаш юқорида кўрсатилган имтиёзлар системасига бўйсундирилган тақдирдагина республикада ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини қайта қуриш мумкин бўлади. Капитал маблағларнинг халқ хўжалигининг тармоқ ва территориал структурасини ўзгартиришнинг асосий йўналишларида тўпланиши биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Ишлаб чиқариш потенциалини сифат жиҳатдан янгилаш асосий фондларни янгилаш даражасининг оширилишини талаб қилади, бу инвестиция жараёнини тубдан қайта қуриш, капитал маблағлар структурасини такомиллаштириш зарурлиги билан боғлиқ. Саноат учун ажратилаётган капитал маблағларнинг ички тармоқ структураси масаласига келганда эса, бу ерда аввало ресурс етказиб берувчи, қайта ишлаш ва истеъмол қилиш тармоқларига ажратиладиган капитал маблағлар ўртасидаги нисбатни ўзгартириш зарур. Қишлоқ хўжалигида капитал маблағларни биринчи навбатда кичик тармоқларни ривожлантиришдаги мутаносибликни оширишга, интенсив технологияларни ишлаб чиқишга, ремонт ва техника хизмати кўрсатиш базаларини барпо қилишга, республика агросаноат комплексининг саноат бўғинлари билан биргаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш, сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга сарфлаш керак.

Ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантиришга ажратиладиган капитал маблағлар ҳиссасини кескин ошириш керак бўлиб қолди. Йўллар, транспорт, алоқанинг экономиканинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларидан жиддий орқада қолганлиги, янгидан ўзлаштирилаётган районларда инфраструктура барпо қилиш учун ажратилаётган капитал маблағлар салмоғининг ошиб бораётганлиги, инфраструктуранинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга тобора кўпроқ таъсир кўрсатаётганлиги шуни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон ССРни 1986—1990 йилларда иқтисодий ва социал ривожлантириш бўйича қабул қилинган планга мувофиқ асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилашга, маънавий эскирган ва жисмоний жиҳатдан яроқсиз ҳолга келган асбоб-ускуналарни алмаштиришга алоҳида эътибор берилади. 1986 йил 3 июлда бўлиб ўтган республика партия активининг йиғилишида таъкидланганидек, республикадаги бир ярим минг саноат корхонасидан 900 га яқини шошилинч равишда реконструкция қилишни ва техника жиҳатдан қайта қуроллантиришни талаб қилади.

Ўзбекистон ССР КПСС XXVII съезди қарорлари асосида республика олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ҳамма имкониятларга эга. Республикада ижтимоий ишлаб чиқариш структурасининг аниқ мақсадни кўзлаб ўзгартирилиши — қайта қуриш ва жадаллаштириш йўлидан муваффақиятли боришнинг муҳим шартидир.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

Ф. ИСХОҚОВ,
тарих фанлари кандидати

Улуғ Октябрнинг ғалабаси натижасида ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкнинг қарор топиши, мамлакатнинг индустриялаштирилиши, қишлоқ хўжалигининг коллективлаштирилиши ва социалистик маданий революциянинг (мамлакат халқларининг турмуш тарзидаги ва тарихий меросидаги барча қимматли нарсаларни албатта сақлаб қолган ҳолда) ўтказилиши, Ўрта Осиё шароитида эса туб ерли миллат хотин-қизларини озодликка чиқариш каби ўзига хос проблеманинг ҳам ҳал этилиши, барча миллатлар ва элатларнинг ҳам сиёсий, ҳам социал-иқтисодий тенглигини таъминлашга интернационалистик ёндашув — буларнинг ҳаммаси социализм пойдеворини барпо этишнинг энг муҳим йўллари, совет жамияти тараққиётининг босқичлари, миллий масалани ҳал этишнинг, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлилар манфаатлари ва мақсадларининг илгари асло кўрилмаган тарздаги маънавий муштараклигига эришишнинг, СССРдаги миллатлар ва элатлар турмуш фаолиятининг ягона социал-сиёсий негизини шакллантиришнинг замини бўлди. Янги жамиятни барпо этиш ҳамда ҳамма учун умумий бўлган идеология — марксизм-ленинизмни қарор топтириш жараёнида вужудга келган хусусиятлар бизнинг мамлакатимиз халқлари турмуш тарзининг асосий, ҳал қилувчи хусусиятлари бўлиб қолди. Бу Ўрта Осиё ва Қозоғистон аҳолиси учун феодал турмуш тарзидан социалистик турмуш тарзига томон чинакам тарихий сакрашни англатар эди.

Барча эксплуататорлик ижтимоий тузумларига турмуш тарзининг шундай типлари хос эдики, уларда озчилик аҳоли ғоят кўпчилик қисми устидан ҳамиша моддий ва маънавий жиҳатдан ҳукмронлик қилар ва омманинг социал ва миллий эзилиши, қашшоқлашиши ва маънавий асоратга солиниш даражаси бир формациядан бошқа бир формацияга ўтиб борган сари тобора муттасил ошиб борарди. Масалан, ғарбий пропаганда томонидан кўз-кўз қилинаётган буржуача турмуш тарзи аслида юксак инсоний идеалларни эксплуатация қилиш намунаси бўлиб, буржуа жамиятида, бир томондан, бадавлат озчиликка хос турмуш тарзи ва, иккинчи томондан, аҳолининг эксплуатация қилинаётган, эзилган кўпчилигининг турмуш тарзи мавжудлигини яширишга уринишдан бошқа нарса эмас.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда социал табақаланиш чуқурлашиб, тобора мисли кўрилмаган даражага етмоқда, деб қайд қилинган эди КПСС XXVII съездида. Масалан, АҚШда энг бой оилаларнинг бир проценти шундай бойликка эгадирки, бу бойлик мулкий зинапоянинг қуйи қисмида турган 80 процент оилалар жами бойлигидан деярли бир ярим баравар ортиқдир. «СССРнинг, бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибаси, — деб таъкидланади янги таҳрирдаги

КПСС Программасида, — инсоният тараққиётининг капитализмдан устун босқичи бўлган янги жамиятнинг сўзсиз социал-иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва маънавий афзалликларини яққол намойиш этмоқда, буржуа тузуми ҳал этишга қодир бўлмаган саволларга жавоб топиб бермоқда». Социализм, социалистик турмуш тарзи тарихий қисқа муддат ичида Европа, Осиё, Лотин Америкасининг қатор мамлакатлари учун ҳал қилувчи турмуш тарзи бўлиб қолди.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев совет турмуш тарзининг асосий хусусиятларини таърифлаб, МКнинг 1985 йил апрель Пленумида қилган докладида шундай таъкидлаган эди: «Тарихда биринчи марта меҳнат аҳли мамлакат хўжайини, ўз тақдирининг ижодкори бўлиб қолди. Гарантияланган меҳнат қилиш ҳуқуқи ва унга ҳақ тўлаш, инсон туғилгандан то кексайгунга қадар жамият унинг тўғрисида ғамхўрлик қилиши, маънавий маданиятдан кенг баҳраманд бўлиш, шахснинг қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, меҳнаткашларнинг бошқаришдаги иштирокини муттасил кенгайтириб бориш — буларнинг ҳаммаси социалистик турмуш тарзининг доимий бойликлари, ажралмас белгиларидир. Ана шу бойлик ва белгилар — сиёсий барқарорликнинг, социал оптимизм ва келажакка комил ишончнинг ғоят муҳим манбаидир».

Масалан, турмуш тарзининг энг асосий кўрсаткичи — меҳнат қилиш ҳуқуқини олайлик. 30-йиллар бошига келибоқ бизнинг мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳоли тўла-тўкис иш билан таъминланган ва СССР ишсизликни юридик ва амалий жиҳатдан мустасно қилган дунёдаги биринчи давлат бўлиб қолган эди. Қолаверса, сўнгги 20—25 йил ичида ижтимоий ишлаб чиқариш, инфраструктура, фан ва маданиятнинг кенг ривожланиши ва аҳоли табиий ўсиш суръатларининг бирмунча пасайганлиги натижасида қатор районларда меҳнат ресурслари етишмаяпти.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи билан меҳнатга ҳақ тўлаш бевосита боғлиқдир. Мамлакатда 70-йилларда ва 80-йиллар бошида меҳнаткашларнинг иш ҳақи йилдан-йилга оша борди. Масалан, Ўзбекистонда 1985 йили ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақи 1984 йилдагига нисбатан 0,7 процент кўпайди ва 163 сўмни ташкил этди, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи эса 4 процент кўпайиб, 134 сўмга етди. Бунда колхозчиларнинг ўз томорқаларидан ҳам жиддий қўшимча даромад кўришларини ҳисобга олиш лозим.

Бизнинг ҳаётимизда катта маънавий роль ўйновчи, аҳолининг ижтимоий истеъмол фондларидан оладиган тўловлари ва имтиёзлари социализмнинг ҳақиқий инсонпарварлик табиатининг яққол далилидир. Текин ўқиш, малака ошириш ва медицина ёрдами олиш, нафақалар, пенсиялар, ўқувчилар стипендиялари, ҳар йилги отпускаларга, санаторийлар ва дам олиш уйлари учун йўлланмаларга ҳақ тўлаш, болаларни мактабгача тарбия муассасаларида боқиш ва бошқалар ана шу фондлар ҳисобидан таъминланади. 1985 йили ана шу фондлардан ҳар жон бошига ажратилган тўловлар ва имтиёзлар 500 сўмдан зиёдни ташкил этди.

Ижтимоий истеъмол фондларининг совет турмуш тарзи моддий асосларини мустаҳкамлашдаги муҳим омиллардан бири сифатидаги аҳамиятини тасаввур қилиш учун бир неча маълумотлар келтирамиз. Давлат бир йилда бир ўқувчини умумий таълим мактабида ўқитиш учун 200 сўмдан кўпроқ, ўрта махсус билим юртида ўқитиш учун — 750 сўмдан зиёд, олий ўқув юртида ўқитиш учун 1200 сўмга яқин маблағ сарфлайди. Фақат Ўзбекистоннинг ўзида 1985 йилда 6,5 миллион ўқувчи — республика аҳолисининг учдан бир қисмидан кўпроқ киши умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, техникумларда ва олий ўқув юртларида шуғулландилар. Болалар боғчалари ва яслиларида бир болани боқиш учун бир йилда 600 сўмдан зиёд маблағ сарфланади, ана шу харажатларнинг бор-йўғи 20 процентини ота-оналар тўлайдилар. Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, бизнинг республикамизда 700 мингдан кўпроқ кўп болали оналар бўлиб, болаларнинг тарбияси ва таълими тўғрисида давлатнинг ғамхўрлик кўрсатиши улар учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Тураржой проблемасининг ҳал этилиши ҳаёт даражасининг, жамият бутун турмуш тарзининг энг муҳим кўрсаткичидир. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, 1985 йилга келиб шаҳарлик оилаларнинг 80 процентдан кўпроғи алоҳида квартираларда яшар, қишлоқда ҳам қулай тураржой билан таъминланганлик анча ўсган эди. СССРда меҳнаткашларнинг давлат тураржойи учун тўлайдиган квартира ҳақи ва индивидуал иморатлар учун тўлайдиган солиқнинг миқдори улар ўртача ойлик иш ҳақи ва шунга яраша йиллик даромадининг 4 процентидан ошмайди. СССР — гражданларнинг уй-жой ҳуқуқини ўз конституциясида мустаҳкамлаб қўйган дунёдаги биринчи давлатдир. Ҳеч қайси капиталистик мамлакатда, ҳатто энг ривожланган капиталистик мамлакатда ҳам бу тарика тураржой проблемасини қўйиш ва ҳал этиш тўғрисида ҳатто гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Кекса ёшдаги кишилар, меҳнатга лаёқатлилигини йўқотган гражданлар ва болали аёллар тўғрисида кўрсатилаётган ғамхўрликда совет турмуш тарзининг ҳақиқий инсонпарварлик табиати намоён бўлади. Бу ғамхўрлик уруш ва меҳнат ветеранлари ва инвалидларига, болалигидан бери инвалидларга бериладиган пенсиялар ва нафақаларнинг, бола туғилиши муносабати билан бир йўла бериладиган тўловларнинг оширилишида, ишлайдиган оналарга туғишдан олдин бериладиган отпусканинг ва болани боқиш учун ажратиладиган ҳақ тўланадиган муддатнинг кўпайтирилишида, меҳнатга лаёқатсиз гражданлар учун интернат-уйлар тармоғининг кенгайтирилишида ва уларга хизмат кўрсатишнинг илғор формаларининг жорий этилишида кўринади.

Социалистик турмуш тарзи кенг омманинг билим даражасининг юқорилиги, уларнинг маънавий қадриятлар билан қизиқиши ва иштиёқи мамлакатимиз кўп миллатли маданиятининг барча ранг-баранг бойликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эгалиги билан кишилар турмуш фаолиятининг бундан олдинги барча типларидан, шу жумладан мавжуд буржуача турмуш тарзидан ажралиб туради. Маънавий ҳаётни ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайдиган партиямиз сиёсати шунга кўмаклашади. СССР халқларининг кейинги 25 йил ичида эришган муваффақиятлари бизнинг жамиятимиз тараққиётига КПСС раҳбарлиги самарадорлигининг далилидир. Шу йиллар мобайнида, деб қайд қилинади КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, биз аслида бутун мамлакатни янгидан курдик, экономикада, маданиятда, социал соҳада жуда катта ўзгаришлар қилишга муваффақ бўлдик, янги жамият бунёдкорлари авлодларини тарбиялаб етиштирдик. Булар ҳаммаси совет турмуш тарзига катта жозибадор куч бахш этиб, унга носоциалистик дунё миллион-миллион меҳнаткашларининг эътиборини жалб этиб турибди.

Социализмда жамият оқилона ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни шакллантириб, уларни имконият борича тўлароқ қондиришга интилади. «...Биз ҳар томондан янги талабларни кўрар эканмиз, — деб уқтирган эди В. И. Ленин, — мана шундай деймиз: бу шундай бўлиши керак, ҳар ким ўз аҳволини яхшилашни истаётган экан, ҳамма турмуш фаровонлигидан баҳраманд бўлишни истаётган экан, ана шунинг ўзи социализмдир» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 571-бет). КПСС XXVII съезди, партия МК июнь (1986 йил) Пленумининг қарорлари партиянинг социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга, совет турмуш тарзини такомиллаштиришга нафақат принципиал жиҳатдан янгича, шу билан бирга чинакам новаторчасига ёндашаётганлигининг ажойиб далилидир.

КПСС XXVII съездининг 70-йилларда ва 80-йиллар бошида экономикада ва социал-маънавий соҳада йўл қўйилган нохуш тенденцияларни анализ қилганлиги, социалистик турмуш тарзига, социалистик тузумга ёт бўлган бошқарув формалари ва методларининг сустлиги, қотиб қолганлиги, ишда жўшқинликнинг пасайиб кетиши, бюрократизмнинг авж олгани ва бошқа ҳодисаларни жиддий қоралаганлиги қўйилган мақсадларга

эришиш учун алоҳида аҳамият касб этади. «Тақсимлаш соҳасида аниқланган салбий жараёнлар партия ва халқни жиддий ташвишга солди, — деб қайд қилган эди М. С. Горбачев 1986 йил 8 апрелда Тольятти шаҳри меҳнаткашлари билан учрашув пайтида. — Бундай жараёнлар меҳнатга ҳақ тўлашдаги текисчилик тенденцияларида намоён бўлди, бу эса социализмнинг ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша, деган асосий принципи талабларига мос келмас эди. Одамларнинг маълум қисми даромадлари уларнинг меҳнатга қўшган ҳиссаларидан анча кўпайиб кетди. Бу эса фақат иқтисодий жиҳатдан эмас, балки маънавий мулоҳазалар жиҳатидан ҳам социалистик жамиятда йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир».

Ўзбекистонда ҳам халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Хизмат мавқеини ва меҳнаткашлар ишончини ғаразли мақсадлар йўлида суиистеъмол қилиш, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишлар, порахўрлик, қуйидан қилинган танқидга чидай олмаслик, ўз-ўзини танқидни унутиш, расмиятчилик, ошна-оғайнигарчилик ва шу сингари социалистик жамиятга ёт бўлган ҳодисалар бу камчиликларни янада чуқурлаштириб юборди. Буларнинг ҳаммаси давлат топшириқларини бажаришга талабчанликнинг сусайтирилиши, план кўрсаткичларининг кутилаётган ва ҳатто мавжуд бўлган натижаларга «мослаштирилиши» билан қўшиб олиб борилди. Пировард оқибатда умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг роли камайиб кетди.

КПСС МҚнинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан республикада социал-иқтисодий ва маънавий ривожланишга партия ва давлат раҳбарлигининг ленинча принципларини қайта тиклаш юзасидан улкан ва машаққатли иш авж олдириб юборилди. КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида Ўзбекистонда йўл қўйилган салбий ҳодисаларнинг танқид қилинганлиги бу жараёнга зўр туртки бўлди.

Ҳозиргача эришилган ўзгаришларнинг аҳамиятини камайтирмаган ҳолда шуни қайд қилиш керакки, уй-жой, мактабгача тарбия муассасалари, соғлиқни сақлаш объектлари қуриш планларини системали равишда барбод қилиб келгану лекин «кўз-кўз» қилинадиган биноларни жадаллик билан қуришда ўзларини кўрсатган раҳбар ходимларнинг ҳаммаси ҳам жавобгарликка тортилган деб бўлмайди. Ўзбекистон Компартияси МҚнинг қатор маъмурий биноларни социал-маданий мақсадларда фойдаланиш учун бериш ҳақидаги қарорини меҳнаткашларнинг кенг қўллаб-қувватлаганлиги уларнинг бу борадаги ижобий фактларга қанчалик зийраклик билан муносабатда бўлганликларини кўрсатади.

Ҳозир коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг қўллаб-қувватлашига сазовор бўлган республикадаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, партия, давлат, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик жамият нормаларини қарор топтириш учун олиб борилаётган курашни бўшаштирмаслик айниқса муҳимдир. Бу қўллаб-қувватлаш аввало КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларини амалга оширишда партия ташкилотлари обрўси ва ролининг, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлилар ижодий активлигининг сезиларли даражада ўсганлигида намоён бўлмоқда. Бироқ республикада иқтисодий, социал ва идеология соҳаларидаги қолоқликни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар турмуш тарзини такомиллаштириш проблемалари нуқтаи назаридан олганда муҳим ишнинг бор-йўғи бир қисмидир холос. Ахир, гап субъектив сабаблар туфайли пайдо бўлган камчиликларни тез вақт ичида ва тўла-тўкис бартараф қилиш, Ўзбекистоннинг илгари фойдаланилмаган потенциал имкониятларини экономикани жадал ривожлантириш ва турмуш тарзининг моддий ҳамда маънавий асосларини мустаҳкамлаш борасида КПСС XXVII съезди илгари сурган вазифаларни сўзсиз бажариш негизида мамлакатнинг социал-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида республика ролини ошириш учун сафарбар қилиш тўғрисида бормоқда.

КПСС ва Совет ҳукумати мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш планларини ишлаб чиқар экан, нафақат бутун совет жамияти турмуш тарзининг кўрсаткичларини, шу билан бирга миллий республикалардан ҳар бирида уни такомиллаштиришнинг специфик проблемаларини ҳам ҳисобга оладилар. Бундай ёндашув қонуний бўлиб, илмий жиҳатдан асослангандир. Ф. Энгельснинг таъкидлаганидек, «айрим мамлакатлар, областлар ва ҳатто айрим жойлар ўртасида ҳам турмуш шароитлари жиҳатидан доимо *маълум* тенгсизлик бўлиб туради, бу тенгсизликни минимум даражага келтириш мумкин, аммо уни ҳеч қачон бутунлай йўқотиб бўлмайди» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, 3-том, 34-бет, Тошкент, «Ўзбекистон», 1981 йил). Партия ҳар бир иттифоқдош, автоном республика иқтисодий, социал, маънавий манфаатларининг умумиттифоқ манфаатлари билан диалектик алоқадорлиги ва бирлигини таъминлаб, мамлакат турли районлари аҳолиси турмуш фаолиятининг табиий-иқлимий, хўжалик-ишлаб чиқариш шарт-шароитлари, хусусиятлари билан белгиланадиган ана шу «маълум тенгсизлик»ни минимум даражага келтиришга уринмоқда. Шуниси характерлики, мамлакат экономикаси ва партия социал сиёсатининг муштараклиги, республикалардаги аҳолининг кўп миллатли состави масалаларни фақат у ёки бу миллат, элат манфаатларини кўзлаб ҳал этишга танлаб ёндашишни объектив равишда истисно қилади. Айни пайтда партия ва совет давлатининг янги турмуш тарзини шакллантириш жараёнида ёзувни яратиш ва жорий этиш, ўтроқликни қарор топтиришга, она тилини, миллий маданиятларнинг ўзига хослигини сақлаб қолишга ёрдамлашиш каби тадбирларни амалга ошириши социализмнинг интернационалистик табиатини янада кўпроқ таъкидлайди.

КПСС XXVII съезди томонидан қабул қилинган янги таҳрирдаги партия Программаси, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари, КПСС МКнинг партия съездига Сиёсий докладида ва М. С. Горбачевнинг КПСС МК июнь (1986 йил) Пленумидаги нутқида илгари сурилган қатор муҳим қоидалар бунинг ишончли далилидир. Партия XXVII съезди социал сиёсатнинг бутун мамлакат учун умумий бўлган асосий вазифалари билан бир қаторда ҳар бир республика учун унинг реал ва потенциал имкониятларига ҳамда эҳтиёжларига мувофиқ келадиган, регионларнинг специфик хусусиятларини ҳисобга оладиган конкрет вазифаларни белгилаб берди.

Масалан, маълумки, Ўзбекистон ССРда аҳоли табиий ўсишининг суръатлари мамлакатдаги кўрсаткичга нисбатан 3,5 баравар ортиқ бўлиб, оиланинг ўртача миқдори эса 2 тадан ҳам зиёд кишига ортиқдир. Бу ерда бировнинг қарамоғида яшайдиганлар (40 процентгача), шунингдек кўпроқ жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган аҳоли салмоғи бошқа иттифоқдош республикалардагига нисбатан анча кўпдир. Кўпроқ жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган аҳоли салмоғи деярли 2 процент зиёд бўлгани ҳолда, айни пайтда ақлий меҳнат билан шуғулланадиган кишилар салмоғи ўртача иттифоқ кўрсаткичларига нисбатан 4—5 процент камдир. Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, 7 ва ундан кўпроқ бола туққан аёллар салмоғи мамлакатдаги ўртача кўрсаткичга қараганда Ўзбекистонда 5 баравар кўпроқдир. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иш ўринлари ўсишининг республикадаги меҳнат ресурслари миқдорининг (шу жумладан мамлакатнинг бошқа районларидан ҳар йили бу ерга қарийб 50 минг меҳнатга лаёқатли кишиларнинг кўчиб келиши ҳисобига ҳам) ўсишидан орқада қолганлиги, сўнгги 15 йил ичида халқ хўжалигини ривожлантириш суръатларининг сусайганлиги билан бирга қатор социал проблемаларнинг мураккаблашувига олиб келди. Булар, жумладан, асосан томорқа ва шахсий уй хўжалигида банд бўлган аҳоли салмоғининг кўпайганлиги; мутахассислардан норационал фойдаланиш; мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар тармоғининг

аҳоли ўсиш суръатларига нисбатан камроқ кенгайганлиги, аҳолига савдо, маиший ва транспорт хизмати кўрсатишнинг ёмонлашганлиги кабилардир. Кўпгина социал масалалар республика областлари бўйича ҳам табақалаштирилмаган ҳолда ҳал этиларди. Шунинг учун, масалан, Сурхондарё ва Тошкент областларида ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган врачлар Андижон ва Самарқанд областларидагига қараганда 5 врачдан камроқдир.

КПСС XXVII съезди республиканинг иқтисодий ва социал соҳаларидаги қатор жиддий проблемаларни, жумладан, Ўзбекистонда совет турмуш тарзининг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, унинг ресурсларидан умумиттифоқ ва маҳаллий манфаатларни кўзлаб оқилона фойдаланиш проблемаларини зудлик билан ҳал этиш зарурлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР учун ўн иккинчи беш йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни ўстиришнинг мамлакат бўйича энг юқори суръатларини — 24—27 процент қилиб белгилади, қишлоқ хўжалиги бўйича тиғиз топшириқларни сақлаб қолди. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди томонидан уй-жой проблемасини ҳал этишнинг, халқ маорифини, соғлиқни сақлаш системасини, маданиятни ривожлантиришнинг, аҳолига савдо, маиший ва транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашнинг кенг программаси ишлаб чиқилди.

Лекин ҳозирча республикадаги савдо, маиший хизмат ва коммунал хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари фаолиятида КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларининг руҳи етарлича намоён бўлаётгани йўқ. Масалан, бу соҳаларда иш билан банд бўлган эркаклар сони ҳеч қандай асоссиз равишда аёллар сонига нисбатан 25 процентдан кўпроқни ташкил этади. Навқирон, соппа-соғ йигитларнинг «Союзпечать» киоскаларида ишлаётгани, музқаймоқ, газлама, хотин-қизлар трикотажи ва шу сингариларни сотаётганлиги на бизнинг турмуш тарзимизнинг маънавий жиҳатларига, на иш ўринларининг спецификасига мувофиқ келади.

Халқ хўжалигининг қатор тармоқларида кадрлар билан олиб борилаётган иш ҳаққоний равишда танқид қилинаяпти. Лекин тегишли министрликлар ва идоралар ҳозирча зарур хулосалар чиқариб олишмаган. Масалан, республиканинг ўзида ишчилар ва мутахассислар тайёрлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш ҳамда Ўзбекистоннинг ортиқча меҳнат ресурсларини мамлакатнинг янги районларини хўжалик жиҳатдан ўзлаштиришда, республикалараро кадрлар алмашинувида қатнаштириш масалаларини аллақачон ҳал этиш зарур эди. Шу жиҳатдан олганда, меҳнатга лаёқатли маҳаллий аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш борасидаги ишни кучайтириш зарур, чунки бу мамлакатнинг бусиз ҳам ишчи қўллар танқислиги сезилаётган бошқа регионларидаги меҳнат ресурсларининг бу ёққа келишини бирмунча қисқартирган бўлар эди. Фикримизча, Ноқоратупроқ зонаси ва БАМ зонаси корхоналари ва бошқа янги қурилишлар учун оммавий касблардаги ишчиларни тайёрлаш бўйича хўжалик ҳисоби асосидаги кўп профилли ҳунар-техника курслари ва мактабларини ташкил этиш оқилона иш бўлур эди.

КПСС совет жамиятининг ҳозирги босқичдаги тараққиётига сиёсий раҳбарликни амалга ошириш билан мамлакатимизнинг келажагини, қатор йўналишлар бўйича эса — жаҳон тараққиётининг ҳам истиқболини белгилаб берадиган вазифаларни ҳал этишга ҳақиқий новаторчасига, собитқадамлик билан ёндашишни намойиш қилиб келмоқда. Партиямизнинг жўшқин ички ва ташқи сиёсати кўп миллатли совет халқи томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётганлиги ва бутун тараққийпарвар инсоният томонидан манфаатдорлик билан кутиб олинганлиги совет турмуш тарзининг жозибадор ва бунёдкорлик кучига эгалигини тасдиқлайди.

ПАРТИЯ ҚУРИЛИШИ

Район ва шаҳар партия комитетлари қайта қуриш йўлларида

Редакция шу сондан эътиборан янги кичик рубрика очар экан, қайта қуришда район ва шаҳар партия комитетлари алоҳида роль ўйнашлигига асосланади. КПСС МКнинг 1986 йил июнь Пленуми таъкидлаганидек, қайта қуришнинг маъноси, — одамлар томон, жонли иш томон бурилишдирки, бундан мақсад биринчи навбатда бошланғич партия ташкилотларининг ташаббуси ва ишчанлигини оширишдир. Ана шу асосий ишни меҳнаткашлар коллективларига ҳаммадан кўра яқин бўлган район ва шаҳар партия комитетлари бажаришлари лозим.

Қуйида Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг биринчи секретари В. Ардатовнинг мақоласи эълон қилинмоқда, у қайта қуришнинг дастлабки қадамлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бизнинг бошқа журналхонларимиз ва авторларимиз ҳам район ва шаҳар партия комитетлари ишини қайта қуришни қандай йўналишларда олиб бориш кераклиги тўғрисида, ҳозирдаёқ нималар қилинаётгани ва нималар қилиш лозимлиги, бу йўлда қандай қийинчиликлар туғилаётганлиги тўғрисида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар, деб умид қиламиз.

ҚАРОРЛАРННИНГ, ИЖРОНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА КОНТРОЛ ҚИЛИШНИНГ БИРЛИГИ

В. АРДАТОВ,

Ўзбекистон Компартияси Ленин район (Тошкент шаҳри) комитетининг биринчи секретари

СЎЗ БИЛАН ИШ БИРЛИГИГА оғишмай риоя қилиш партия комитети бутун ишини қайта қуриш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. У ленинча раҳбарлик услубининг асосини ташкил қилиб, аввало қабул қилинадиган қарорларнинг пухта бажарилишида намоён бўлади. КПССнинг ленинча анъанаси — уларни ишлаб чиқиш ва турмушга оширишга масъулият билан, пухта ўйлаб, илмий асосланган ҳолда ёндашувдан иборат. Партия XXVII съезди бу йўлнинг ўзгармаслигини яна бир бор тасдиқлади. КПСС МКнинг съездга Сиёсий докладида шундай дейилган. «Коммунистлар партияси — сўз билан ишнинг бирлиги партиясидир. Ҳар бир раҳбар, ҳар бир коммунист буни эсда тутиши керак».

Тошкент Ленин район партия комитети ўз фаолиятини КПСС XXVII съезди талабларига мувофиқ қуришга интилиб, янгиланишни планлаштиришни яхшилашдан бошлади. Ҳа, бу бежиз эмас. План — партия комитетларида меҳнатни илмий ташкил этишнинг дастлабки босқичи ва энг муҳим элементидир. Шу сабабли унга партиявий ишнинг илмий асосланган бўлиши ва самарадорлигининг энг муҳим воситаларидан бири сифатида қараш мумкин. Лекин кўпинча планлаштириш жараёнини чуқур тушуниб етмаслик, ундаги асосий нарсани ажрата олмаслик, оптимал вариантни топа билмаслик шунга олиб келадики, планлар ўз вазифасини бажармайди, шунчаки қуруқ мақсад бўлиб қолади. Анализ бизнинг район партия ташкилотимиз фаолиятида ҳам ана шу камчилик борлигини кўрсатди.

Район партия комитетида, бошланғич партия ташкилотларида яқин даврга ва истиқболга мўлжалланган планлаштириш ягона методикасининг йўқлиги туфайли улар схематик тарзда тузилади, пленумлар, коммунистларнинг йиғилишлари, парткомлар ва партия бюроси мажлисларининг фақат кун тартиби рўйхатидангина иборат бўлади. Бундай планлар на асосий йўналишларни, на иш формаси ва методларини, на уни бажариш учун талаб қилинадиган ресурсларнинг миқдорини акс эттиради. Одатда, уларда партиявий раҳбарликда системали, комплекс ёндашувнинг мазмуни очиб берилмайди.

Ҳолбуки, план ташкилотнинг хоҳиш иродаси ва ҳаракатининг муайян мақсадга қаратилган бирлигини таъминловчи қуролдир. Ана шундан келиб чиқиб, район партия комитети планлаштиришнинг аниқ структурасини белгилаб олдики, бу планларнинг турлари, уларни шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби, мақсадининг йўналиши тўғрисида тасаввур беради. Биз районнинг ва ҳар бир меҳнат коллективининг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган социал-иқтисодий ривожланиш планини пухта ўйлаб ва балансларштириб тузиб чиқишни асосий вазифа қилиб қўйдик. КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўриш асносидаёқ халқ депутатлари район Советининг ижроия комитети шундай ҳужжатни ишлаб чиқиш учун республика Фанлар академиясининг Экономика институти билан шартнома тузди. 1986 йил бошида район партия комитети планни тузиб чиқиш учун институт тавсияларидан амалда фойдаланиш юзасидан махсус 20 та группа ташкил қилди. Райондаги йирик бошланғич партия ташкилотларининг ҳаммаси ҳам шундай иш қилишди. Натижада тузилган планларнинг кўрсаткичлари социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш концепциясига бутунлай мувофиқ бўлишига эришилди. Бироқ шуни кўзда тутиш лозимки, район комитети белгилаган тадбирларнинг рўёбга чиқиши давлат, партия органлари ва жамоат ташкилотлари бутун системасининг фаолиятига боғлиқдир, негаки план комплекс характерга эга. Лекин барибир бу ўринда партиявий раҳбарлик савияси, планни сиёсий, идеологик жиҳатдан таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу нарсани унутмаслик керакки, ҳар бир партия ташкилотида партиявий-сиёсий иш плани халқ хўжалик вазифаларига асосланади ва уларнинг муваффақиятли амалга оширилишига ёрдам беради. Шу сабабли биз барча бошланғич партия ташкилотларини уларнинг КПСС XXVII съезди қарорларини рўёбга чиқариш планлари, йиллик перспектив планлари программавий-мақсадли структурага эга бўлишига ҳамда социал-иқтисодий ривожланишни сиёсий жиҳатдан таъминлашга йўналтирдик.

Район партия комитетининг КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш юзасидан комплекс планини район комитетининг пленуми кўриб чиқиб маъқуллади. У тўрт бўлимдан иборат: экономикага партиявий раҳбарлик, идеология иши, ташкилий-партиявий ҳамда совет, касаба союз ва комсомол органларига партиявий раҳбарлик бўлимлари. Ҳар бир бўлим ўз структурасига эга бўлиб, бизнинг назаримизда, у район партия комитети ўз функционал вазифаларига мувофиқ ҳал этиши лозим бўлган бутун проблемаларни акс эттиради. Бундан ташқари, районни социал-иқтисодий ривожлантириш плани қўйган асосий вазифалардан келиб чиқадиган ҳар бир иш йўналиши бўйича тегишли форма ва методлар, амалий тадбирлар белгиланган, уларни ижро қилишнинг конкрет муддатлари кўрсатилган.

Масалан, ўн иккинчи беш йилликда саноатни ривожлантириш соҳасида район партия комитети маҳсулот ҳажмини камида 33—37 процент кўпайтиришни, меҳнат унумдорлигини — 30—35 процент ўстиришни, шартнома мажбуриятлари юзасидан етказиб бериш планларини бажаришни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Электрон, электр техникаси ва енгил саноат такомиллаштирилади, атом энергетикаси учун, шунингдек пахтачиликни комплекс механизациялаш учун

машиналар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш мақсадли комплекс программасини изчил равишда амалга ошириш кўзда тутилади. Буларнинг бари — ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг сифатини тубдан яхшилаган ҳолда амалга оширилади. Бу вазифаларни ҳал этишнинг йўли — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлигини таъминловчи интенсивлаштириш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, янги туркум техникасини, принципиал янги технологияни кенг жорий этишдир. Барча бошланғич партия ташкилотларига планларни шу хилда тузиш кераклиги кўрсатилди.

Район партия комитетининг квартал иш планларига келганда, уларга перспектив планларга мувофиқ қабул қилинадиган қарорлар қандай бажарилаётганини мунтазам назорат қилиб боришни кўзда тутадиган қўшимча бўлим киритилди. Масалан, 1986 йилнинг иккинчи кварталида райком бюросининг мажлисида контрол йўсинида 15 га яқин масала кўриб чиқилди.

КПСС МКнинг 1986 йил июнь Пленумидан кейин район партия комитети, партия комитетларининг кўпчилиги ва бошланғич партия ташкилотларининг бюроси қабул қилинадиган қарорлар сонини камайтирдилар, уларнинг сифатини, мазмундорлигини, конкрет бўлишини оширишга интилмоқдалар. Бу, шубҳасиз, уларнинг ижросини контрол қилишни пухтароқ ташкил этишга ёрдам беради.

Райком бюроси мажлисининг кун тартибига ҳозир, одатда, битта муҳим масала киритилади, уни тайёрлаш жараёнининг ўзидаёқ олдиндан белгиланадиган тадбирларни амалга оширишга доир ишни ташкил этиш пухта ўйлаб олинади. Асосий куч-ғайратни ишни бошқаришга қаратиш, фақат маълумотлар тузиш билан банд бўлмай, балки асосан аниқланган камчиликларни тузатишга интилиш конкрет формаларни, баъзан эса галдаги вазифаларни ҳал этишга янгича ёндашишларни ҳам кўрсатиб беради.

Район партия комитетининг иккинчи пленумида унинг бутун составы уч группага — экономикага партиявий раҳбарликни мувофиқлаштириш, партиявий-ташкилий ва идеология фаолияти группаларига бўлинди ва уларнинг ҳар қайсиси билан партия комитетининг секретарлари ва тегишли бўлимлари иш олиб боради. Бу группаларнинг аъзолари жойлардаги ишларни ўрганиш учун, район партия комитети бюросига масалаларни тайёрлашга жалб қилинадилар.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, партия комитетлари, бюро аъзолари, бошқа активлар муҳокама қилинадиган масалаларни муҳокама қилиш учун тайёрлашда кенг қатнаштирилаётган, ишларнинг аҳволини яхши ўрганилаётган жойларда, одатда, муфассал, чуқур қарорлар қабул қилинади. Экспериментал ишлаб чиқариш автокорхонасининг, «Гордорстройремонт» трестининг партия ташкилотлари айнан шундай ишламоқда.

Лекин, афсуски, бошқа мисоллар ҳам бор. Бир қатор партия ташкилотларида қабул қилинаётган қарорларнинг конкретлик даражаси пастлигича қолмоқда ва шу боисдан улар ҳеч кимга ҳеч нима юкламайди. Уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва текширишнинг иложи йўқ. Бошқа бир қарорларда, шу жумладан райком қарорларида асосий масала — одамлар билан тарбиявий ва ташкилотчилик иши олиб бориш, қўйилган вазифаларни амалга оширишда коммунистларнинг роли ва ўрни масаласи тушириб қолдирилади. Баъзи партиявий ҳужжатлар хўжаликка доир инструкциялар ва маъмурий буйруқлардан деярли фарқ қилмайди. Чунончи, район партия комитети «Ташхимсельмаш» заводи, картон идишлар ҳамда бир қатор бошқа корхона ва муассасаларнинг партия ташкилотлари раҳбарларига буни кўрсатиб ўтди.

Бюрода муҳокама қилинадиган масалаларни тайёрлашнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг амалий натижаларга қаратилган бўлишини кучайтириш мақсадида райкомда ориентир олиш учун махсус схема ишлаб

чиқилди. Ана шу схемага мувофиқ бюрога масалалар фақат район партия комитети секретари тасдиқлайдиган план асосида тайёрланади, мажлисга тақдим қилинадиган справка ва қарор лойиҳасига эса қарорнинг бажарилишини ташкил этиш плани лойиҳаси илова қилинади. Билдирилган истаклар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, ана шу план райкомнинг тегишли бўлими мудири томонидан тасдиқланади ва шу тарика у ташкилий иш программаси бўлиб қолади. Унда қарорни ижрочиларга етказиш формалари кўзда тутилади, ижрочилар уни бажариш тадбирларини, қилинадиган ишни текшириш ва қарорни контролдан олиб ташлаш муддатларини белгилаб чиқишлари керак. Аминмизки, бундай ёндашув ижобий натижалар беради, бинобарин биз ана шу йўналишда қатъий иш олиб бормоқдамиз. Бир қатор партия ташкилотларида қарорни тайёрлаш ва уни қабул қилишни ишнинг пировард мақсади деб билишади, бундай кайфиятга барҳам бериш керак. Бунга қадар бу ерда фаолиятни авж олдиришади: текширишлар ўтказишади, турли хил материаллар тўплашади, умуман олганда дурустгина таклифлар тайёрлашади, таклифларни қабул қилганларидан кейин эса уларни амалга ошириш учун арзигулик иш қилишмайди. Ҳафсала совийди ва яхши ниятлар эзгу истаклигича қолаверади.

Масалан, район партия комитетининг ҳам, «Ташгоршвейбыт» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг шу корхона комсомол ташкилотига раҳбарликни яхшилаш юзасидан қарорлари ана шундай юзаки қарорлар бўлди. Қабул қилинган ҳужжатлар иш савиясини оширишга ёрдам бермадигина эмас, балки бир четкага ташлаб қўйилди, унутиб юборилди, бу орада янги камчиликлар пайдо бўлди.

Ҳозирча бундай фактлар анчагина, шунинг учун райком партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг бюроси тезроқ қайта қурилиб олиши учун бутун чоралар билан кўмаклашмоқда. Бунинг учун тавсиялар, тегишли таълимлар зарурки, семинарлар, махсус кенгашларда биз бу ишни қилмоқдамиз. Бундан ташқари, райком аппаратининг ходимлари жойларда бўлиб, активларни амалий конкрет ҳужжатларни ишлаб чиқишга ўргатмоқдалар, уларни энг яхши намуналар билан таништирмоқдалар.

Райкомда қарорлар ва тавсияларни ижрочиларга етказишнинг муайян системаси таркиб топмоқда. Бу жуда муҳим босқич бўлиб, ҳақиқий ижро аслида шундан бошланади. Қарорнинг кимга қаратилган бўлиши кераклиги тўғрисидаги таклифни бўлимлар киритади. Шу мақсад учун бошланғич партия ташкилотлари билан ўтказиладиган кенгашлардан, активларнинг муайян группасига инструкция бериш, ишнинг бошқа формаларидан фойдаланилади. Масалан, партия ташкилотлари секретарлари семинари тугагандан кейин унинг тавсияномалари кўпайтирилиб, барча бошланғич партия ташкилотларига юборилди. Саноат корхоналари цех бошлиқларининг район партия комитети томонидан «Қизил тонг» ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмаси базасида цех ходимларининг ролини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказган семинар-кенгаши материаллари махсус варақа ҳолида нашр этилиб, у ҳам барча партия ташкилотларига тарқатилди.

Қарорларни ижрочиларга етказиш формаларини қуйи бўғинлар ҳам излашмоқда. Бу ишда уларга йирик корхона ва муассасалар эга бўлган оммавий ахборот воситалари анча ёрдам кўрсатмоқда. Масалан, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Октябрь революцияси номли заводда, Ўрта Осиё темир йўл бошқармасида, Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасида энг муҳим қарорлар тўғрисида маҳаллий радио тармоғи орқали, кўп тиражли газеталарда хабар қилинади.

Лекин район партия ташкилотида бу муҳим процессни такомиллаштириш лозим бўлади. Афсуски, бу ишда ҳамма нарса бизга боғлиқ эмас: ҳужжат оборотини ташкил этишга бўлган талаблар кун сайин ошиб

бормоқда, бироқ бунинг учун техника воситалари эса аввалгича қолиб келмоқда, улар бизнинг эҳтиёжларимиздан орқада қолмоқда. Масалан, район партия комитетимизда зарур оргтехника йўқ ва уни харид қилиш ёки ясаш учун аслида ҳеч қандай маблағ йўқ. Бусиз иш кўриш эса ҳамон эскича ишлаш, ишга халал бериш деган гап. Тошкент область партия комитети молия-хўжалик бўлимининг ҳам, Ўзбекистон Компартияси МК ишлар бошқармасининг ҳам бунга эътиборини қаратишни истар эдик.

Маълумки, В. И. Ленин партия директиваларининг адрессиз бўлиши ва конкрет бўлмаслигига сира муроса қилмас, қарорларнинг, ижрони ташкил этиш ва контрол қилишнинг бирлигини таъминлашни талаб қилар эди. КПСС XXVII съезди материалларида бу муҳим ишга катта эътибор берилган.

Ҳозир контрол тўғрисида кўп гапирилади, лекин уни яхши йўлга қўйиш осон иш эмас. Ҳолбуки систематик контрол ижровий, планли интизомни, уюшқоқлик ва тартибни тарбиялаш, мустаҳкамлаш методидир.

Биз ҳозир ижрони текширишни шундай йўлга қўйишга интилмоқдамизки, токи у энг кўп фойда келтирсин, кадрларда ўзига ва атрофдаги кишиларга нисбатан талабчанликни, юклатилган иш учун масъулиятни тарбияласин, ташаббусни, қийинчиликларни енгишда қатъиятни, янгидан-янги муваффақиятларга эришишга интилишни ривожлантирсин, бепарволик, хотиржамликка қарши яхши восита бўлсин, тасодифий эмас, балки планли характер касб этсин.

Бу ўринда шу нарсани таъкидлаш лозимки, партия ходимига на справкалар, на қарорлар, на телефон қоқишлар — ҳеч нарса бевосита кузатувларнинг, оддий коммунистлар билан учрашувларнинг, жойнинг ўзида ишларнинг аҳволи билан танишувнинг ўрнини босмайди. Зеро ижрони контрол қилиш — ижобий тажрибани жонкуярлик билан юзага чиқариш, уни зарра-зарралаб тўплаш, янгиликни ўз вақтида пайқаб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга халақит берадиган нарсаларни бартараф этиш демакдир. В. И. Ленин бунга жуда катта аҳамият берган эди. «Маҳаллий тажрибани, тафсилотларни, майда-чуйдаларни, амалий ишни, амалий тажрибани ўрганишда конкретлик, ҳақиқий ҳаётни... чуқурроқ билиш янада ва яна ҳам кўпроқ бўлсин... қаерда, кимга ва нима учун (қандай йўллар билан), гарчи озгина бўлсада, лекин ҳақиқатан яхшироқ аҳволга эришиш мумкин бўлаётганлигини таҳлил қилиш керак; хатоларни ва ношудликни очиб ташлашдан қўрқмаслик керак; гарчи андек бўлса-да, атокли бўлган маҳаллий ходимни бутун кучини ишга солиб ҳаммага маълум ва *машҳур қилиш,* уни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш лозим» (Тўла асарлар тўплами, 54-том, 267-бет).

Афсуски, бизга айни шундай ёндашув етишмайди: райком ходимлари бошланғич партия ташкилотларида жуда кам бўлишади, бўлганларида эса бу кўпинча партия ташкилотининг ўзи учун ҳам, район комитети учун ҳам из қолдирмайди.

Районимизда 310 нафар бошланғич партия ташкилоти бор. Реал олиб қараганда биз уларнинг ҳар қайсисида ҳар кварталда бир мартадан ортиқ бўлолмаймиз. Бу ҳол район партия комитети аппарати ходимларининг бошланғич партия ташкилотларига пухта ўйлаб ва тайёргарлик кўриб боришини талаб қилади, бу эса унинг қимматини оширади. Ундан методик ва амалий ёрдам кўрсатиш учун ҳам, шунингдек райкомнинг контрол функциясини амалга ошириш, ташкилотдаги ишнинг аҳволи тўғрисида тўлароқ ахборот олиш учун ҳам максимал фойдаланиш керак.

Шу боисдан ҳозир ойлик планлар тузганда аппаратнинг ҳар бир ходими ўзи бориши лозим бўлган ташкилотни, у ерда ўрганиши керак бўлган масалаларни конкрет аниқлаб олади. Бу борада ҳозирдаёқ ижобий натижаларга эришилди: райком ходимлари партия йиғилишларига, комитет ва бюро мажлисларига тез-тез бориб турадиган ва бошланғич

партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволига самаралироқ таъсир кўрсатадиган бўлиб қолдилар.

Райкомда бошланғич ва умуман район партия ташкилотини паспортлаштириш системаси ишлаб чиқилмоқда, бундан мақсад олинадиган ахборотни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, ўз функциясини бажариш учун ундан тўлароқ фойдаланишдир. Агар бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш учун имкониятлар кўпроқ бўлганида бу иш анча самаралироқ бўлган бўлур эди. КПСС МКнинг 1986 йил июнь Пленумида қайта қуришни бошланғич ташкилотларнинг мустақиллигини, фаоллигини, ҳужумкорлигини, коммунистларнинг ташаббуси ва активлигини ривожлантиришдан бошлаш керак, деб таъкидланди. Шу билан бирга уқтириб ўтилдики, район ва шаҳар партия комитетлари кадрларнинг ташаббусига кенг йўл беришлари, асосий эътиборни улар фаолиятининг қуйидан контрол қилинишига қаратишлари керак. Бироқ афсуски, райком ҳозирча бошланғич партия ташкилотлари билан ишлашдан кўра юқоридан бериладиган топшириқларни бажаришга кўпроқ вақт сарф қилишга мажбур бўлмоқда.

Ўйлаймизки, ҳозирги шароитда юқори инстанциялар райкомдан талаб қиладиган ва уларни тайёрлашга аппаратга жуда кўп вақт сарфлашга тўғри келадиган жуда кўп ахборотларни тартибга солиш масаласи кескин бўлиб турибди. Масалан, шу йилнинг бир неча ойи ичида район комитетимиз юқори инстанцияларга ҳам расмий сўровлар юзасидан (адолат юзасидан айтиш керакки, ҳозир бундай сўровлар анча камайди), ҳам ғайрирасмий сўровлар бўйича (ўз навбатида булар анча кўпайиб қолди) салкам 300 та ахборот юборди. Агар инстанцияларнинг ҳаммаси бўлмаганда ҳам кўпчилиги бошланғич партия ташкилотларига оператив равишда бориб келишни талаб қилишлиги ҳисобга олинса, бунга қанча вақт ва куч кетганлигини тасаввур қилиш мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтмоқчимизки, шаҳар ва область партия комитетларининг масъул ташкилотчилари шу вақт ичида райкомимизда деярли бўлмадилар.

Буларнинг бари — партия комитетларининг ахборий ишида пишиқ ва пухта ўйланган система йўқлигининг натижасидир. Бундай система эса ҳозир ҳар қачонгидан кўра зарурдир. Ахир, ахборот — раҳбарлик ва контролнинг муҳим қуролидир. Бу ўринда ҳам қуйидан юқорига, ҳам юқоридан қуйига ахборотнинг ягона график-планини ишлаб чиқиб, сўраладиган ахборот мазмуни, формаси ва даврийлигини унификация қилиш дастлабки қадам бўлиши мумкин эди, деб ўйлайман. Бизнинг назаримизда, бу нарса барча сўровларни 80 процентгача программалаштириш ва бугунги кунда партия аппаратининг ахборий фаолият билан боғлиқ бўлган ҳамда унинг контрол функцияси самарадорлигини оширишга кўп жиҳатдан халақит бераётган ишдаги ўринсиз тиғизликни йўқотиш имконини берган бўлур эди.

Партия комитетлари ва ташкилотлари раҳбарлари ҳисоботларини эшитиб туриш қарорлар қандай ижро этилаётганини контрол қилишнинг энг кўп тарқалган формаларидандир. КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларининг баракали таъсири остида бу иш тобора дадилроқ ва принципиал тарзда амалга оширилмоқда. Шу йил район партия комитети бюросида «Ташхимсельмаш» заводи, Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси, «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси ва бир қатор бошқа корхона ҳамда муассасалар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. 1985 йилда 137 нафар раҳбар ўз ишлари ҳақида бошланғич партия ташкилотлари олдида ҳисобот бердилар.

Район партия комитети раҳбарлар ўз фаолиятларининг энг бошиданоқ бошланғич партия ташкилотлари контролини сезиб туришларига эришмоқда. Бизда шундай тартиб ўрнатилганки, раҳбар лавозимга тасдиқлангунига қадар бу масала партия комитетлари ва бюро, барча коммунистлар томонидан кўриб чиқилади. Тошкент моделлар уйи

директори М. С. Майзлер, «Ташгоршвейбыт» директори Ф. И. Исроилов, «Ташгипротранс» институти директори Қ. П. Кан ва бошқалар ўз мансабларига шу тариқа тасдиқланишди.

Партия органлари қабул қилинган қарорларнинг ижросини контрол қилиш билан боғлиқ масалаларни тез-тез муҳокама қиладиган бўлиб қолишди. Агар улар белгиланган вақтда бажарилмаган бўлса, бунинг сабаблари таҳлил қилиниб, зарур хулосалар чиқарилади.

Бизда шундай практика таркиб топмоқдаки, бунда қарор контролдан фақат уни қабул қилган орган — пленум, райком бюроси, партия комитетлари ва бюро, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишлари томонидангина олиб ташланади. Бу ижрочилар масъулиятини анча оширади, бинобарин биз бундай тартибга оғишмай риоя қилинишига эришмоқдамиз.

Район партия комитетида қабул қилинган қарорлар бажарилишининг якуний анализига талабчанлик оширилди. Қарорларнинг ҳар бир пункти юзасидан эришилган натижа албатта кўриб чиқилади.

Пленумлар, йиғилишлар ва бошқа коллегиал органлар иши жараёнида коммунистлар айтган танқидий мулоҳазалар юзасидан белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан контрол кучайтирилди. Уларни ҳисобга олиш, систематик тарзда таҳлил қилиб бориш, ижросини қаттиқ контрол қилиш, бу ҳақда коммунистлар, барча меҳнаткашларга ахборот бериб туриш қатъий қоидага айланди.

Маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқини амалга ошириш район партия ташкилотлари ишида муҳим ўринда туради. Ҳозирги вақтда жойларда энг муҳим йўналишлар бўйича 226 комиссия тузилди. Анализ шуни кўрсатмоқдаки, агар улар расмиятчилик билан иш кўрмасалар, меҳнаткашлар коллективларининг социал-иқтисодий ривожланишига доир туб масалаларни ҳал қилишда партия ташкилотларига жиддий ёрдам бера оладилар. Масалан, социал-маиший шароитларни яхшилаш масалаларида маъмурият фаолиятини контрол қилиш комиссияси С. М. Иноғомов раислигида «Реле ва автоматика» заводида ярим фабрикатлар сотиш магазинини ва озиқ-овқат магазини филиалини ишга туширишни тезлаштиришда, 32, 34, 35, 38-цехларнинг маиший биноларини ремонт қилишда кўп ёрдам берди.

Шу билан бирга бир қатор партия ташкилотларида бу ишни йўлга қўйишда собитқадамлик ва планлилик етишмайди. Шундай ҳам бўладики, комиссия амалда ишламайди, хўжалик раҳбарлари фаолиятидаги жиддий камчиликларни кўрмайди ва бартараф этмайди. Шу сабабли биз бундай комиссиялар ишини конкретроқ ва аниқроқ йўналтириб ва мувофиқлаштириб туришимиз керак.

КПСС XXVII съездидан кейин бошланғич ташкилотларда коммунистларнинг ахборотлари ва ҳисоботларини эшитиш кенг расм бўлмоқда. Контролнинг бундай формаси пухта тайёргарлик кўрилиши билан фарқ қилади, ҳар бир коммунист кўнглига қулоқ солиш имконини беради, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда КПСС аъзоларининг авангардлик роли оширилишига ижобий таъсир қилади.

Бу ўринда танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳамияти тўғрисида ҳам гапирмай ўтиб бўлмайди, чунки у коммунистларнинг ҳамма ҳисоботларида муқаррар мавжуд бўлиб, камчиликларни тугатиш, ишни яхшилашнинг таъсирчан воситасидир, у одамларни тарбиялашга ёрдам беради. Агар танқид ва ўз-ўзини танқид бўлмаса, агар бошланғич партия ташкилоти камчиликлар ва нуқсонларга кўникиб қолса, улар билан муросасозлик йўлини тутса, у ерда иш муқаррар барбод бўлади. Ана шу сабабга кўра, тажриба-механика заводи, область уй-жой хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси, Тошкент политехникуми коллективларида мураккаб вазият вужудга келди ва эндиликда район партия комитетига уларнинг бошланғич партия ташкилотларига жиддий ёрдам беришга тўғри келмоқда. Сирасини айтганда, бу ерда бизнинг ҳам айбимиз бор. Ҳар доим

қуйидаги ленинча принципга: кадрларга ишониш, лекин улар қандай меҳнат қилаётганини текшириб туриш принципига амал қилиш керак. Ахир, баъзи партия, совет, касаба союз, комсомол ва айниқса хўжалик ходимлари кадрларга ишончга контролнинг сусайиши ва талабчанликнинг пасайиши деб қараётганликларини эътироф қилмасдан бўлмайди. Улардан баъзиларида масъулиятни унчалик ҳис қилмасликнинг сабаби ҳам шундадир. Биз кадрларнинг масъулиятини оширар эканмиз, кадрларнинг вазифаларини аниқроқ чегаралаб олишга ҳам интилмоқдамиз. Кўпинча шундай ҳам бўладики, қарорнинг бажарилиши барбод бўлади-да, уни ҳеч кимдан сўраб-суриштириб бўлмайди. В. И. Ленин «ҳар бир айрим кишига қандай иш топширилиши масаласида ҳукм суриб келаётган мужмалликка, ноаниқликка ва шундан келиб чиқадиган тўла масъулиятсизликка қарши» раҳмсиз кураш олиб боришни талаб қилган эди (ТАТ, 45-том, 176-бет).

Партия, совет ва жамоат ташкилотларига меҳнаткашлардан тушадиган хатлар ва аризаларга биз қуйидан бўладиган контрол усулларидан бири деб қараймиз. Уларни диққат-эътибор билан ўрганиш жойлардаги ишлар аҳволи тўғрисида холис тасаввур ҳосил бўлишига кўп жиҳатдан ёрдам беради. Биз хатларни кўриб чиқиш натижалари муҳокама қилиниши ва улар юзасидан конкрет тадбирлар кўрилишига интилмоқдамиз. Бу йил тажриба-механика заводи, Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси, асфальт-бетон заводи, экспериментал ишлаб чиқариш автокорхонаси ва бир қатор бошқа корхоналарнинг партия ташкилотларида шундай муҳокамалар бўлиб ўтди.

Меҳнаткашлар онглилигининг ўсганлиги партия ва ҳукумат қарорлари бажарилиши устидан контролни таъминлашнинг муҳим воситасидир. Район партия комитети меҳнаткашлар коллективларининг активлигини бутун чоралар билан ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга интилмоқда, халқ контроли, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг пухта ижрочилик интизомига муҳим аҳамият бермоқда. Бунда уларни кадрлар билан мустаҳкамлашга, уларнинг фаолиятига партиявий раҳбарлик савиясини оширишга асосий эътибор берилмоқда. Халқ контроли группалари ва постларидаги ҳисобот ва сайловлар партия органлари контроли остида ўтди, район партия комитети ҳузурида касаба союз ташкилотларига партиявий раҳбарликни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди, комсомолда ишлаётган коммунистларнинг район кенгашига ҳозирлик кўрилмоқда.

Бироқ эътироф қилиш кераки, ижрони контрол қилиш ҳали ҳам ишимиздаги энг қийин, энг нозик соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Экономика, маданият ва фанни ривожлантиришдаги, районнинг идеологик ва ички партия турмушидаги мавжуд камчиликлар шундан далолат беради. Бизнинг назаримизда, шуни ҳамиша назарда тутиш кераки, ижрони контрол қилишнинг асосий маъноси меҳнаткашлар коллективларидаги ташкилотчилик, сиёсий иш савиясини узлуксиз ошириб бориш ва шу асосда КПСС XXVII съезди қўйган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашдан иборат.

ХАЛҚНИНГ СОЦИАЛИСТИК ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРУВИ

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ БЕВОСИТА ЎЗ ИШИ

А. МИХАЙЛОВ,
юридик фанлар доктори

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ янада кучайтирмасдан туриб мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш мумкин эмас. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида шундай қайд қилинади: **«КПСС ҳозирги босқичда жамият сиёсий системасини ривожлантиришнинг стратегик йўли меҳнаткашларнинг, уларнинг коллективлари ва ташкилотларининг давлат ва жамоат ҳаёти масалаларини ҳал қилишда фаол ва амалий иштирок этиши асосида совет демократиясини такомиллаштиришдан, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини тобора тўлароқ амалга ошириб боришдан иборат, деб ҳисоблайди».**

Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариши — бу давлат ва жамоат ишларини бошқаришнинг чуқур демократик системаси бўлиб, у меҳнаткашлар учун ва меҳнаткашларнинг ўзлари орқали амал қилади. У коммунистик формациянинг биринчи босқичи — социализм учун характерлидир. Мазкур формациянинг юқори босқичида, яъни коммунизмда халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариши аста-секин ижтимоий коммунистик ўз-ўзини бошқаришга айланади. Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариши, дея уқтирган эди В. И. Ленин, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига тобора чуқуррок кириб бориш билан бизнинг давлат тузумимиздан ташқарида эмас, балки унинг ичида ривожланади. Сифат жиҳатдан янги давлат бўлган социалистик давлатнинг ўзига хос хусусияти ана шундай имкониятни вужудга келтиради, бу давлат «давлатдан давлатсизликка ўтиш формаси» ҳисобланади («Марксизм давлат тўғрисида» тўплами, М., 1958, 41-бет).

Халқ депутатлари Советлари халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришининг асосий бўғини ҳисобланади. В. И. Ленин «давлатни... Советлар томонидан бирлаштирилган... халқнинг ўзи идора қилиши керак», деб уқтирган эди (Тўла асарлар тўплами, 31-том, 213-бет).

Советлар — халқнинг ҳақиқий ваколат органларидир. Бу Советларга жамиятимизнинг барча синфлари, табақалари ва социал группаларининг вакиллари сайланганлигида намоён бўлади. Масалан, 1985 йилнинг февралида бўлиб ўтган маҳаллий ҳокимият органларига сайловларда 2,3 миллиондан зиёд депутат, шу жумладан Ўзбекистон ССРда — 104 мингдан ортиқ депутат сайланди.

Янги таҳрирдаги КПСС Программасида таъкидланганидек, социализмни такомиллаштириш шароитида халқ депутатлари Советларининг «регионларнинг иқтисодий ва социал жиҳатдан комплекс ривожланишини таъминлашдаги, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни мустақил ҳал қилишдаги, ўз территорияларида жойлашган ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишдаги роли ва масъулияти» оша боради.

Нисбатан яқин ўтмишда қабул қилинган КПСС МҚнинг Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ишини яхшилаш тўғрисидаги (1967 йил), Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советлари ишини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги (1971 йил) қарорлари, КПСС МҚ, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг халқ депутатлари Советларининг хўжалик қурилишидаги ролини янада ошириш тўғрисидаги (1981 йил) қарори, шунингдек барча иттифоқдош республикаларда қабул қилинган маҳаллий Советлар тўғрисидаги қонунлар маҳаллий Советларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга, улар фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам берди. Бу ҳужжатлар Советларнинг саноатга, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасидаги, бошқа масалаларни ҳал этишдаги ҳуқуқларини анча кенгайтирди.

Лекин ҳаёт илгарилаб бормоқда ва партия XXVII съезди томонидан қўйилган янги вазифалар халқ депутатлари Советларининг ҳуқуқларини янада кенгайтиришни талаб этмоқда. 1986 йилнинг июлида қабул қилинган КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида жойлардаги ҳокимият органлари фаолиятининг деярли барча ҳаётий муҳим соҳалари хусусида тўхталиб ўтилган. Қарор партия талаб қилганидек, Советларнинг мустақиллигини, активлигини ҳар тарафлама кучайтиришга, демократик асосларни янада ривожлантиришга, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришни чуқурлаштиришга қаратилган. Давлат масалаларини ҳал этишда депутатлар ролининг оширилиши, барча даражадаги Советлар доимий комиссиялари фаолиятининг яхшиланиши ҳам олға томон жадал ҳаракат қилишга ёрдам беради.

Ўша пайтда қабул қилинган КПСС МҚнинг «Халқ депутатлари Советларига партиявий раҳбарликни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида Советлар ишини қилиш ва улар ўрнини босишга, уларнинг майда-чуйда ишларига ҳам аралашаверишга қатъиян чек қўйиш, улар шуғулланиши лозим бўлган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинишига йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланади. Партия комитетларига Советлардаги партия группалари ролини ошириш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида демократик принципларнинг янада тўлароқ амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, депутатлар ишини яхшилашга фаол кўмаклашиш, сиёсий етук, пухта билимли ва ташаббускор ходимларни Советлар аппаратига жалб этиш тавсия қилинади.

Советларнинг ўз бошқарув органлари, уларга бўйсунадиган барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини назорат қилишни кучайтириши, меҳнаткашлар кенг оммасини Советлар ва улар органлари ишига тобора кенгроқ жалб эта бориш ҳам Советлар ролини янада оширади.

Советларнинг иш услуби ва методларини такомиллаштириш халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини ривожлантиришнинг муҳим йўналишидир. Кейинги пайтда Советларнинг хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг актуал проблемалари муҳокама қилинадиган сессиялари мунтазам равишда ўтказилмоқда. Масалан, 1985 йилда Ўзбекистон ССРда маҳаллий Советлар сессияларида саноат, транспорт, алоқа корхоналари, қурилиш ташкилотлари ишига, агросаноат комплексини ривожлантиришга тааллуқли бўлган 3229 масала, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданият, социал таъминот, савдо, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига раҳбарлик қилиш билан боғлиқ бўлган 4581 масала кўриб чиқилган.

Республикадаги маҳаллий Советлар депутатлари фаолияти ҳам анча

яхшиланди. Уларнинг деярли ҳаммаси ўзларининг сайловчилари олдида системали равишда ҳисобот бериб туришади, меҳнаткашларнинг таклифларига, ариза ва шикоятларига диққат-эътибор билан муносабатда бўлишади. Депутатлар сайловчилар билан учрашар экан, Советларнинг қарорларини тушунтириб беришади, уларни бажаришга қаратилган ташкилотчилик иши олиб боришади.

Кўпгина маҳаллий Советлар хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг энг муҳим масалаларига доир қарорлар лойиҳаларини олдиндан муҳокама қилиш учун матбуотда эълон қилишни кенг расм қилмоқдалар. Муҳокамада қанчалик кўпроқ киши иштирок этса, мазкур ҳужжатда меҳнаткашлар манфаатлари шунчалик тўла акс эттирилади. Бундан ташқари, бу нарса катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Меҳнаткашлар муҳокама жараёнидаёқ қабул қилинаётган ҳужжатларнинг ғоясини тушуниб оладилар ва уларни ҳаётга татбиқ этишда Советларга фаол кўмаклашадилар.

Ўзбекистонда сессияларни докладчисиз ўтказиш расм бўлмоқда. Доклад ёзилиб, кўпайтирилади ва сессиядан анча олдин уни ўрганиб чиқиш учун депутатларга юборилади. Агар депутат у ёки бу масала юзасидан танқидий мулоҳазалар ва конкрет таклифлар билан сўзга чиқмоқчи бўлса, унда пухта тайёргарлик кўриш учун имконият бўлади. Тажрибанинг гувоҳлик беришича, шу хилда ўтказиладиган сессияларда олдиндан қарор топган схемаларга кўра ўтказиладиган сессиялардагига нисбатан кўпроқ киши сўзга чиқади.

Маҳаллий Советлар сессияларда ўзларининг ижрокомларининг, уларнинг бўлимлари ва бошқармаларининг ҳисоботларини, депутатларнинг депутатлик бурчларини, Советлар ҳамда улар органларининг қарорлари ва топшириқларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги ахборотларини мунтазам эшитиб борадилар. Маҳаллий Советларнинг ижрокомлари ҳам ўз навбатида олдинги сессиялар қарорларининг бажарилиши, сессияларда билдирилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида депутатларга мунтазам равишда ахборот бериб боришади.

Халқ депутатлари Советлари фаолиятини яхшилашда депутатлар сўровлари алоҳида роль ўйнайди. Депутатлар бу ҳуқуқдан фойдаланиб, ижроия комитетлари, уларнинг бўлимлари ва бошқармалари, Совет территориясида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларидан сессияда у ёки бу масала юзасидан расмий равишда изоҳ беришни талаб қилишлари мумкин. Сўров ёзма ёки оғзаки шаклда, бир ёки бир неча депутатлар номидан берилиши мумкин. Сессиянинг кун тартибидан қатъи назар мазкур Совет компетенциясига кирадиган ҳар қандай масала депутат сўровининг мавзуи бўла олади.

Сўровнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у албатта Совет сессиясида депутатларга маълум қилинади ва сессиянинг ўзида унга жавоб берилади. У бирон орган ёки мансабдор шахсга нисбатан билдирилган танқидий мулоҳазадан, шунингдек депутатнинг ўзининг депутатлик фаолияти соҳасига тааллуқли масалалар юзасидан корхона, ташкилот ёки муассаса раҳбарига қиладиган одатдаги мурожаатидан шуниси билан ажралиб туради. Сўровларнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, уларда мазкур Совет депутатларининг кўпчилиги учун қизиқарли бўлган энг муҳим, долзарб проблемалар хусусида гап боради.

Депутат сўрови бюрократизм ва сансалорликни тугатишга кўмаклашиб, депутатларнинг бошқарув органлари, Советлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳамда улардаги мансабдор шахслар ишига актив таъсир кўрсатишларига ёрдам беради. Сўров салбий ҳодисаларга қарши курашда таъсирчан роль ўйнайди. Афсуски, Советларнинг депутатлари ўзларининг бу ҳуқуқларидан лозимича фойдаланмаяптилар. Агар мамлакат бўйича ўртача олганда ҳар 30 депутатга бир сўров тўғри келса, Ўзбекистон ССРда — 50 депутатга бир сўров тўғри келади.

Сайловчиларнинг улар ишончини окламаган депутатларни чакириб олиш хукуки халкнинг социалистик ўз-ўзини бошкаришдаги мухим тартиб хисобланади. В. И. Ленин бу хукукни хакикий демократизмнинг асосий, принципиал талаби деб хисоблаган эди: «Сайловчиларнинг ўзи сайлаган кишиларини чакириб олиш хукуки эътироф килинган ва кўлланган такдирдагина хар бир сайланган муассасани ёки вакиллар мажлисини чинакам демократик ва хакикатан халк иродасини ифода этувчи муассаса деб хисоблаш мумкин» (ТАТ, 35-том, 118-бет).

Хакикий демократизм тўғрисидаги бу ленинча коида СССР Конституциясида, иттифокдош ва автоном республикалар конституцияларида конуний асосда мустахкамлаб кўйилган. Уларда хар бир депутатнинг уни депутатликка номзод килиб кўрсатган сайловчилар, мехнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари олдида ўз фаолияти ва Совет иши тўғрисида хисобот бериб туриши кераклиги ва халк ишончини окламаган депутатнинг хар кандай вактда сайловчилар кўпчилигининг карорига мувофик чакириб олиниши мумкинлиги кўрсатилган. Бу хукук депутатларнинг ўз фаолиятида сайловчилар олдида хисобдорлиги ва улар назорати остида бўлишидан, сайловчиларнинг функциялари буржуа мамлакатларида бўлгани каби факат сайловлар билангина чекланиб колмаслигидан далолат беради.

КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида депутат деган ном лавозимга кўшимча нарса эмас, фахрли имтиёз эмас, балки Советда, сайловчилар орасида катта ва кийин ишларни бажариш демакдир, дея таъкидланган. Баъзан шундок хам бўладики, айрим депутат-рахбарлар хатто халк депутатлари Советларининг сессияларига хам бормайдилар.

Совет кишилари депутат тўғрисида унинг ишларига караб, аввало унинг партия сиёсатини хаётга татбик этишга кандай ёрдам бераётганига караб фикр юргизишади. Ишончни окламаган депутатларни чакириб олиш фактлари мехнаткашларнинг ўз депутатларига нисбатан юксак талабчанлигидан далолат беради. Масалан, сўнгги беш йил ичида мамлакатимизда беш мингдан зиёд депутат давлат хокимиятининг махаллий ва юкори органлари составидан чакириб олинди.

Давлат аппарати ишини яхшилаш, кенг мехнаткашлар оммасини унинг фаолиятига жалб этиш халкнинг социалистик ўз-ўзини бошкаришини ривожлантиришнинг йўналишларидан биридир. Янги тахрирдаги КПСС Программасида таъкидланганидек, «бошкарув аппаратини ихчамлаштириш ва арзонлаштиришга, ортикча штатларни йўкотишга, бюрократизм ва расмиятчилик, махкамачилик ва махаллийчилик кўринишларини катъият билан тугатишга, укувсиз ва ташаббуссиз ходимлардан катъиян кутулиб боришга эришиш керак». Коммунистик партия ва Совет хукумати ана шу кўрсатмаларни турмушга татбик килиш учун изчиллик билан курашмокдалар. Масалан, 1986 йилнинг ўзида — ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилидаёк — давлат аппаратига сарфланадиган харажатларни бир миллиард сўмдан кўпрок, шу жумладан Ўзбекистон ССРда — 23,4 миллион сўм камайтириш кўзда тутилган.

Ғоят кўп микдордаги хужжатларнинг кабул килиниши давлат аппарати фаолиятидаги катта нуксондир. Масалан, 1984 йили Самарканд, Кашкадарё оближрокомлари турли масалаларга доир 600 дан зиёд, кунига ўрта хисобда 2—3 тадан карор кабул килишган. Ўз-ўзидан равшанки, бунчалик кўп хужжатни катъий контрол килиб боришнинг иложи йўк, бу эса жонли ташкилотчилик ишининг амалда коғозбозлик билан алмаштирилишига олиб келади. КПСС XXVII съездида уктириб ўтилганидек, совет давлат аппарати эпчил, малакали ва оператив бўлиши керак.

Янги тахрирдаги КПСС Программасида шундай дейилади: «Партия халкнинг социалистик ўз-ўзини бошкариш системасининг мухим бўғинлари бўлган жамоат ташкилотларининг ролини оширишга биринчи даражали ахамият беради».

Бу системада касаба союзлари алоҳида ўрин тутади, улар 140 миллионга яқин меҳнаткашни, шу жумладан Ўзбекистонда — 6 миллион кишини ўз сафларида бирлаштирган. В. И. Ленин таърифлаганидек, «партия билан давлат ҳокимияти ўртасида» турадиган, «компартияни оммага уловчи механизм» бўлган касаба союзлари бошқариш мактаби, хўжаликни юритиш мактаби, коммунизм мактабидир (ТАТ, 42-том, 238—239-бетлар; 44-том, 392-бет).

Социализмни такомиллаштириш шароитида касаба союзларининг фаолияти КПСС XXVII съезди талаблари асосида янгича мазмун билан бойийди. Корхоналар ва бирлашмалар ҳуқуқлари ва хўжалик юритишдаги мустақиллигининг кенгайиши, ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантиришнинг кучайиши сабабли касаба союзларининг фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, меҳнат коллективларини иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини бажариш учун масъулияти кескин ошади.

Меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ошириш касаба союзларининг муҳим вазифасидир. Касаба союзлари меҳнаткашларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишлари, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар тарафлама муҳофаза қилишлари ва ҳимоя этишлари лозим. Масалан, касаба союз органларининг розилигисиз ишчилар ва хизматчилар ишдан бўшатилиши мумкин эмас. Касаба союзлари меҳнатга оид баҳсларни ҳал қиладилар, уларга коллектив шартномаларга доир мажбуриятларни бажармаётган, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни бузаётган корхона раҳбарларини ишдан олиш ва жазолашни талаб қилиш ҳуқуқи ва ҳоказо ҳуқуқлар берилган.

Касаба союзларининг социалистик демократияни ривожлантиришдаги, меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишдаги роли ғоят каттадир. КПСС XXVII съезди ҳужжатларида бу масалага катта аҳамият берилган. Уларда меҳнаткашларни бошқарувга жалб қилишнинг хилма-хил шаклларига эътибор қаратилади. Социалистик мусобақа, новаторлар кенгашлари, жамоатчилик асосидаги конструкторлик бюролари, иқтисодий анализ бюролари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Корхоналар ва қурилишларда тузиладиган ва касаба союзларининг бевосита раҳбарлигида иш олиб борадиган доимий ишлаб чиқариш кенгашлари меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишнинг ўзини оқлаган шакли ҳисобланади. Ишчилар ва хизматчилар, партия, комсомол ташкилотлари, касаба союз комитетлари, маъмурият, илмий-техника ва ихтирочилар ҳамда рационализаторлар жамиятлари бошланғич ташкилотларининг вакиллари бундай кенгашларнинг аъзолари бўладилар. Мазкур кенгашлар катта ваколатларга эгадирлар. Улар йиллик ва перспектив планларни ишлаб чиқишда ва муҳокама қилишда қатнашадилар, раҳбарларнинг корхонанинг маълум муддат ичидаги хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотини тинглайдилар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқадилар, бракка, туриб қолишларга, прогулларга қарши курашга қаратилган ва ҳоказо чора-тадбирларни ишлаб чиқадилар. Корхона ёки қурилиш маъмурияти кенгашда қабул қилинган қарорлар ва таклифларнинг бажарилишини ташкил этадилар.

Шу билан бирга касаба союзларининг органлари меҳнаткашлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишда лозимича катъият кўрсатмаяптилар, улар мавжуд камчиликларга осонликча кўникадилар, баъзи жойларда эса умуман таъсир кўрсатмайдилар. Масалан, 1986 йилнинг 9 ойи мобайнида Ўзбекистонда 110 мингдан зиёд меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳоллари рўй берган. Бироқ республикадаги касаба союз органлари бундай фактларга панжа орасидан қараб келмоқдалар. Ахир, касаба союз органлари меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилишлари, ҳар қандай даражадаги раҳбар олдига зарур талабларни қўйишдан чўчи-

масликлари, КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев 1986 йил 18 сентябрда Краснодар ўлкаси партия активлари билан учрашувда сўзлаган нутқида айтиб ўтганидек, раҳбарлар билан оғиз-бурун ўпишиб, уларнинг ноғорасига ўйнамасликлари керак.

Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариш системасида ўз сафларида 40 миллиондан зиёд ёшни бирлаштирган Ленин комсомолига муҳим роль ажратилган. У партиянинг ишончли ёрдамчиси ва резервидир. Партия комсомол орқали миллион-миллион йигит-қизлар билан боғланиб туради, уларга ўз таъсирини ўтказади ва уларни давлат вазифаларини ҳал этишга жалб қилади. Партия ёшларни мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ишларида актив, бунёдкор куч деб билади.

Ўз сафларида 3,3 миллионга яқин кишини бирлаштирган Ўзбекистон комсомоли ҳам бу ишга жиддий ҳисса қўшмоқда. Минглаб йигит ва қизлар колхозлар ва совхозлар далаларида, йирик корхоналар ва ирригация иншоотларини қуриш ва реконструкция қилишда фидокорона меҳнат қилмоқдалар, янги шаҳарлар ва посёлкаларни бунёд этишда қатнашмоқдалар. Республика комсомоли 88 та зарбдор қурилишга оталиқ қилади, у партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида йигит-қизларни ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашга сафарбар қилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида қайд қилинганидек, «комсомол ишида сафсатабозлик, қуруқ дабдабозлик, ҳар хил шов-шувли кампаниябозликка берилиш ҳамон кўп. Комсомол комитетлари кўпгина қимматли ташаббусларни олға сурадию, аммо тез орада уларни унутиб қўяди. Комсомол ташкилотлари ёшларни новаторларча меҳнат методларига, техникавий ижодиётга, энг муҳим халқ хўжалик объектлари қурилишига ҳали суст сафарбар этмоқда». Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш манфаатлари комсомол ташкилотларининг ёшлар ўртасида олиб бораётган ғоявий-тарбиявий ишини тубдан яхшилашни, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ҳаётидаги фаоллигини кучайтиришни, комсомолнинг турмушнинг барча соҳаларидаги ҳуқуқларини кенгайтиришни тақозо қилади.

Ҳозирги шароитда бошқа жамоат ташкилотлари — кооперация, ижодий союзлар, илмий, илмий-техникавий, маданий-маърифий, спорт, мудофаага оид ва бошқа кўнгилли жамиятлар, аҳолининг ижтимоий ҳаваскорлик органларининг ҳам роли ошиб боради. КПСС XXVII съезди кўрсатмаларига мувофиқ равишда халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаруви системасида жамоат ташкилотларининг ролини янада кучайтириш юзасидан бундан буён ҳам тегишли чора-тадбирларни кўриш мўлжалланмоқда. Жумладан, давлат органлари тегишли касаба союз, комсомол, хотин-қизлар ташкилотлари иштироки билангина ёки уларнинг розилигини олдиндан олиш йўли билан ҳал этадиган масалалар доирасини кенгайтириш, бир қанча ҳолларда ана шу ташкилотларда бошқарувга оид қарорларнинг амалга оширилишини тўхтатиб туриш ҳуқуқини бериш кўзда тутилмоқда.

Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаруви системасида меҳнат коллективлари муҳим ўрин тутади, улар СССР Конституциясига ва меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонунга мувофиқ равишда кенг ваколатга эгадирлар. Масалан, улар давлат ва ижтимоий масалаларни, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг перспектив ва жорий планлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда, муҳокама қилишда ва бу планларни ҳал этишда қатнашадилар, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, фан ютуқлари, янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш чора-тадбирларини кўрадилар. Меҳнат коллективлари ходимларнинг меҳнат активлигини юксалтириш, социалистик мусобақани ташкил этиш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, улар малакасини ошириш, меҳнат интизомини

мустаҳкамлаш ва социалистик турмуш тарзини қарор топтириш, ичкиликбозликка, алкоголизмга ва меҳнатсиз даромадларга қарши кураш соҳаларида кўпгина ишларни амалга оширмоқдалар.

Меҳнат коллективларининг ваколати бевосита умумий йиғилишларда (конференцияларда) амалга оширилади, бу йиғилишлар (конференциялар)да меҳнат коллективлари ҳаёти ва фаолиятининг энг муҳим масалалари кўриб чиқилади. Йиғилишлар (конференциялар) зарур бўлганида, лекин йилига камида икки марта ўтказилади. КПСС XXVII съезди доимо амал қиладиган орган — маъмурият, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, бригада кенгашлари вакилларидан, ишчилар, мутахассислардан иборат меҳнат коллективи кенгашини тузиш зарурлигини уқтирди.

Бироқ меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун қоидалари ҳаётга тўла-тўкис татбиқ қилинмаяпти. Вазифа ана шу Қонунни тўла амалга оширишдан ва уни омманинг партия XXVII съезди ва КПСС МҚнинг кейинги Пленумлари қарорларини бажариш борасидаги ташаббусини ва жўшқинлигини ривожлантиришга қаратишдан иборатдир.

Халқ контроли органлари совет демократиясининг, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувининг ажралмас таркибий қисмидир. Улар давлат интизомини бузишларга, маҳаллийчилик, ишга маҳкамачилик позициясидан ёндашиш кўринишларига, хўжасизликка ва исрофгарчиликка, сансалорликка ва бюрократизмга, давлатни алдашга уринишларга, социалистик мулкка тажовуз қилиш ҳолларига қарши кураш олиб бориб, давлат аппаратининг ишини такомиллаштиришга, қабул қилинган қарорларнинг ижросини текширишни яхшилашга, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беришмоқда.

Мамлакатимизда халқ контроли органларининг активи 10 миллиондан зиёд, шу жумладан Ўзбекистон ССРда — 450 мингдан кўпроқ кишини ташкил қилади. Биргина 1984 йилнинг ўзида халқ назоратчилари 10 мингдан зиёд текшириш ўтказдилар.

Совет жамияти сиёсий системасининг ядроси бўлган Коммунистик партия халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини ривожлантиришдаги етакчи кучдир. КПССнинг унда раҳбар ва етакчи роль ўйнаши СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Партия бу ролни аввало илмий асосланган сиёсатни ишлаб чиқиш орқали амалга оширади. Бу сиёсат Советлар, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаруви барча органлари фаолиятининг асосий моҳиятини ташкил этади. Улар фаолияти партия XXVII съезди тарихий қарорларини амалга оширишга, социализмни такомиллаштиришга, жадаллаштириш концепциясини муваффақиятли бажаришга қаратилган. Партиянинг раҳбар кўрсатмалари давлат, жамоат ташкилотларининг ва меҳнат коллективларининг фаолияти мазмунини олдиндан белгилаб беради.

КПСС совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларини раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлашга, уларда партиявий ядрони кучайтиришга катта аҳамият бермоқда. КПСС меҳнаткашларнинг оммавий бирлашмаларига раҳбарлик қилар экан, уларнинг ўрнини олмайди, уларга хўжайинлик қилмайди, уларнинг майда-чуйда ишларига аралашавермайди, балки ишонтириш ва тавсиялар бериш орқали бу ташкилотлар аъзоларининг партия белгилаган йўлдан боришига эришади. КПСС Уставида ёзилганидек, «партия ташкилотлари совет, касаба союз, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари ўрнини олмайдилар, партия органлари ва бошқа органларнинг функциялари аралаштириб юборилишига йўл қўймайдилар».

Советлар, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг фаолиятига партиявий раҳбарлик яна шундан иборатки, партия улар ишини назорат қилиб боради. КПСС халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаруви органлари томонидан партия директиваларининг ижро

қилинишини назорат қилиб ва текшириб борар экан, улар фаолиятидаги камчиликларни очиб ташлаб, бу камчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиш билан мазкур органлар ишининг яхшиланишига ёрдам беради.

Давлат ва жамоат ташкилотларида тузиладиган партия группалари партиявий раҳбарликни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. КПСС Уставида давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан чақириладиган съездлар, конференциялар, йиғилишларда, шунингдек бу ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган органларида, партия аъзолари уч кишидан кам бўлмаса, партия группалари ташкил этилиши кўзда тутилган. Бу группаларнинг вазифаси — партия ташкилотларидан бошқа тегишли ташкилотларда партия сиёсатини ўтказишдан, ана шу ташкилотлардаги ишнинг аҳволига коммунистлар таъсирини кучайтиришдан, улар фаолиятида демократик нормаларни ривожлантиришдан, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашдан, бюрократизмга қарши кураш олиб боришдан, партия ва совет директиваларининг бажарилишини текширишдан иборатдир.

Партия XXVII съезди бевосита демократиянинг турли шаклларини ривожлантиришга катта эътибор берди. КПСС МКнинг съездга Сиёсий докладида шундай таъкидланади: «Биз бевосита демократияни ривожлантиришнинг гражданларнинг йиғилишлари, сайловчиларнинг наказлари, меҳнаткашларнинг хатлари, матбуот, радио, телевидение, жамоатчилик фикрини билишнинг, омма эҳтиёжлари ва кайфиятларига оператив тарзда, сезгирлик билан жавоб қилишнинг барча воситалари каби ишончли каналлардан тағин ҳам яхшироқ фойдаланишимиз керак».

Мамлакатимизда бевосита демократиянинг энг муҳим қонунлар ва директив ҳужжатлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ўтказиш каби формаси ҳам кенг тарқалгандир. Масалан, СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасининг муҳокамасида — 140 миллиондан зиёд, меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси муҳокамасида — 100 миллиондан ортиқ, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси муҳокамасида — 110 миллионга яқин граждан иштирок этди.

Янги таҳрирдаги КПСС Программасида бутуниттифоқ, республика ва маҳаллий миқёслардаги умумхалқ овозига қўйишлар, референдумлар ўтказилишига муҳим аҳамият берилади. КПСС XXVII съезди уларни ўтказиш тартиби тўғрисида Қонун қабул қилишни тезлаштиришни тавсия қилди.

Демократияни, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини ривожлантиришда ошкоралик принципи алоҳида роль ўйнайди. Ошкоралик бўлмаса демократизм ҳам, омманинг сиёсий ижодкорлиги, унинг давлат ва жамият масалаларини ҳал этишда актив иштироки ҳам бўлмайди. Давлатда ва жамиятда амалга оширилаётган барча ишлар омманинг кўз ўнгида ва унинг назорати остида бўлиши лозим.

Хуллас, эндиликда халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариш органларидан талаб қилинаётган асосий нарса — бу кенг ташаббус, масалаларни ҳал этишга ижодий ёндашувдир. Партия талаби ана шундай. Қайси ишни қандай бажариш тўғрисида директивалар ва йўл-йўриқлар кутиб турмай, КПСС XXVII съезди қарорларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этабориш, омма билан алоқани мустаҳкамлаш, уларни давлат ва жамият ишларини бошқаришга кенг жалб этиш, социалистик демократиянинг ривожланишига ҳар томонлама ёрдам бериш лозим. Буларнинг ҳаммаси Совет давлатини янада мустаҳкамлаш учун ғоят катта аҳамият касб этади, зеро унинг қудрати кенг халқ оммасининг онглилиги ва сиёсий активлигидадир.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

«Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўли» курси бўйича методик маслаҳатлар

ИНТЕНСИВЛАШТИРИШ — МАМЛАКАТ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ АСОСИ

Олдинги машғулотларда аниқланганидек, партиянинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўли совет жамияти ҳаётининг барча томонларини сифат жиҳатдан туб ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Инсон фаолиятининг ҳал қилувчи соҳаси — экономикада бундай туб ўзгартиришлар аввало ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга томон кескин бурилиш ясашни тақозо қилади.

Машғулотлар қатнашчилари мавзуни ўрганиш жараёнида интенсивлаштиришнинг нима эканлигини, ҳозирги босқичда унинг ролининг ошиб бориши нима билан боғлиқлигини, экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишнинг мамлакатимиз олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун қандай аҳамиятга эга эканлигини, бундай ўтишнинг қандай йўллари ва воситалари борлигини тушуниб олишлари лозим. Машғулотларда тингловчиларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун умумхалқ курашида ўз ўринларини аниқлаб олишлари мақсадга мувофиқдир.

Мавзуни ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш моҳияти.

2. Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда интенсивлаштиришнинг роли.

3. Иқтисодий ўсиш резервлари амалда.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШТИРИШ МОҲИЯТИ

Пропагандист ушбу масалани кўриб чиқишга киришар экан, аввало «интенсивлаштириш» тушунчасининг мазмунини очиб беради. Бу тушунчага асос бўлган «интенсив» сўзи «қизғин», «тўлиқ», «тиғиз» деган маънони англатади.

Маълумки, жамият ривожи ўзаро боғлиқ ҳолда юз берадиган миқдор ва сифат ўзгаришларининг диалектик бирлигидан иборатдир. Ижтимоий тараққиёт суръатларининг самарадорлигини белгилашда ана шу диалектик бирликда·қайси жиҳат устунлик қилишини аниқлаш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бунда миқдорий ўзгаришларнинг устунлик қилиши — ривожланишнинг асосан экстенсив йўлдан бораётганлигини, сифат ўзгаришларининг устунлик қилиши эса — ривожланишнинг асосан интенсив йўлдан бораётганлигини англатади.

Машғулотда марксизм-ленинизм классикларининг жамият ривожланишини, аввало иқтисодий жараёнларни анализ қилиш чоғида «экстенсив» ва «интенсив» тушунчаларини кенг қўлланганликларини қайд қилиб ўтиш тавсия этилади. Масалан, Қ. Маркс кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни кўриб чиқар экан, капиталнинг бир қисми «корхонани кенгайтириш ёки машиналарни такомиллаштириш учун хизмат қилиши мумкин, машиналарнинг такомиллаштирилуви эса уларнинг самарадорлигини оширади. Шундай қилиб, маълум вақт ўтиши билан такрор ишлаб чиқариш воқе бўлади, шу билан бирга, — агар бу такрор ишлаб

чиқаришга ижтимоий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, — кенгайган кўламдаги такрор ишлаб чиқариш воқе бўлади: агар фақат ишлаб чиқариш соҳаси кенгайтирилса, экстенсив суратда кенгайган такрор ишлаб чиқариш бўлади; агар яна ҳам кўпроқ самарали ишлаб чиқариш воситалари қўлланиладиган бўлса, интенсив суратда кенгайган такрор ишлаб чиқариш бўлади», деб ёзган эди (К. Маркс. Капитал, 2-том, II китоб, Т., «Ўзбекистон», 176-бет). Шунингдек, К. Маркснинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни эски фабрикаларга қўшимча равишда янгиларини қуриш йўли билан амалга ошириладиган экстенсив ва ишлаб турган корхоналардаги ишлаб чиқариш микёсларини кўпайтириш йўли билан амалга ошириладиган интенсив турларга ажратганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин (ўша жойда, 328-бетга қаралсин). Бундан агар асосан қўшимча ресурсларни оборотга жалб қилиш йўли билан ишлаб чиқаришнинг ўсишига эришиладиган бўлса, унда иқтисодий ривожланиш экстенсив усулда ва асосан ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан ўзгартириш ҳисобига бундай ўсишга эришиладиган бўлса, унда иқтисодий ривожланиш интенсив усулда амалга оширилган бўлади, деган хулоса келиб чиқади.

Экстенсив ва интенсив методларнинг ўзаро нисбати марксизм-ленинизм классиклари томонидан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида анализ қилиб чиқилган. Қишлоқ хўжалиги — ана шундай соҳалардан биридир. Бу соҳадаги интенсивлаштириш — яхшиланган меҳнат воситаларидан фойдаланишдангина иборат бўлмай, у ишлаб чиқаришни такомиллаштириш омилларининг янада кенгроқ мажмуини тақозо қилади. «...Интенсив деҳқончилик деганда, — деб ёзган эди К. Маркс, — капитални бир-бирига яқин бўлган ер участкалари ўртасида тақсим қилиш ўрнига, уни битта ер майдонининг ўзига марказлаштиришнинг ўзгинасини тушунамиз» (К. Маркс. Капитал, 3-том, III китоб, Т., «Ўзбекистон», 709-бет). В. И. Ленин ҳам аграр масалага доир асарларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш жараёнини тадқиқ қилган, интенсив ривожлантириш деганда у илгаридан ишланиб келган миқдордаги ерга солинадиган капитал миқдорини, меҳнат воситаларини, ишлатилган ўғитнинг миқдорини ошириш йўли билан ривожлантиришни назарда тутган эди (Тўла асарлар тўплами, 27-том, 221—223-бетларга қаралсин).

К. Маркс меҳнат характеристикасига татбиқан ҳам экстенсив ва интенсив усуллар диалектикасини очиб берган эди. Масалан, у «Капитал»да ишчиларни эксплуатация қилишни кучайтиришнинг специфик формаси сифатидаги меҳнатни нормадан юқори даражада (жумладан, конвейер ҳаракатини жадаллаштириш йўли билан) интенсивлаштириш тўғрисида ёзган эди. К. Маркс бундай интенсивлаштириш деганда меҳнатнинг тиғизлигини оширишни, ишлаб чиқаришнинг техникавий базасини ўзгартирмасдан иш кунини тиғизлаштириш ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулотни кўпайтиришни тушунар эди (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 23-том, 353, 420—424-бетларга қаралсин). У иш кунининг узунлигини меҳнатнинг экстенсив миқдори, муайян вақт ичида ишлатилган меҳнат сарфини эса — интенсив миқдор, деб кўрсатган эди (ўша жойда, 528-бетга қаралсин).

Марксизм-ленинизм классикларининг бу фикрлари социализмдаги иқтисодий ўсиш омилларини анализ қилиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда шуни таъкидлаш зарурки, буржуа жамиятида экстенсив усул билан интенсив усулнинг ўзаро нисбати, уларнинг биридан иккинчисига ўтиш рақобатга, капиталистик хўжалик иқтисодий қонунлари таъсирининг стихиялилигига боғлиқдир. Социализмда эса ишлаб чиқаришнинг экстенсив ва интенсив ривожланиши хўжаликни планли асосда бошқариш системаси ёрдамида амалга ошириладиган муайян иқтисодий стратегияни онгли равишда танлаш натижасидир.

Пропагандист экономика соҳасида қуйидагилар экстенсив омиллар эканлигини тингловчиларга тушунтириб беради: 1) капитал маблағлар ҳажми миқдорини кўпайтириш, бу саноат ва бошқа корхоналар сонини оширади (бунда янги корхоналарнинг техникавий даражаси ишлаб турган корхоналарники билан бир хил бўлади), янги ерларни ўзлаштиришга, хом ашё қазиб олиш ҳажмларини оширишга олиб келади ва ҳоказо; 2) халқ хўжалигида банд бўлган кишилар сонини (шу хил малакага эга) кўпайтириш. Интенсив омиллар эса қуйидагиларда ифодаланади: биринчидан, ишлатилаётган техника ва технологиянинг сифатида (уларнинг янгилиги, замонавий талабларга ва стандартларга мувофиқ келиши), уларнинг қанчалик тез янгиланиши ва алмаштирилишида; иккинчидан, иш кучи сифатида, яъни ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг маълумот, малака, касбий маҳорат даражасида, учинчидан, ижтимоий меҳнатни, меҳнат интизомини, ишлаб чиқаришни илмий бошқарувни ташкил этиш сифатида. Ижтимоий турмушнинг

бошқа (социал, сиёсий, маънавий) соҳаларидаги интенсив омиллар уларнинг ўзига хос сифатга оид характеристикаларида ва ривожланиш кўрсаткичларида ифодаланади.

Шуни таъкидлаш муҳимки, иқтисодий ривожланиш одатда такрор ишлаб чиқаришнинг экстенсив ва интенсив типлари комбинациясидан иборат бўлади ва амалда бу типларнинг ҳеч қайсиси «соф» шаклда учрамайди. Янги корхоналар қурилади ва шу билан бир вақтда эскилари техника жиҳатдан қайта жиҳозланади; ишлаб чиқаришга қўшимча ресурслар, ёқилғи, энергия жалб этилади, янги иш ўринлари бунёд қилинади ва шу билан бир қаторда мавжуд ресурслардан, амалдаги ишлаб чиқариш аппаратидан фойдаланиш яхшиланади. Шу асосда интенсивлаштиришни экстенсив ва интенсив омиллар ўзаро нисбатининг интенсив омиллар фойдасига ўзгартирилишидир дейиш мумкин. Шунга кўра, экономикада қайси турдаги жараёнларнинг кўпроқ кечишига қараб кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш типи ҳам асосан экстенсив ёки асосан интенсив бўлиши мумкин.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив типи социалистик экономика учун узвий хосдир. Гап шундаки, социализмда ер ва ер ости бойликлари, ишлаб чиқариш воситалари, фан ва техника ютуқлари халқ бойлигидир ва улардан халқ манфаатлари йўлида фойдаланилади. Бу эса мулкнинг характери ҳамда меҳнаткашларнинг унга мувофиқ келадиган иқтисодий манфаатлари экономиканинг ресурслардан самарали фойдаланиш йўлидан ривожлантирилишини объектив равишда тақозо қилишини англатади. Социализм халқ фаровонлигини тўхтовсиз ўстира боришни, шахсни ҳар томонлама камол топтиришни ўзига олий мақсад қилиб қўяр экан, ишлаб чиқаришнинг иш кучини аёвсиз эксплуатация қилиш ва меҳнат вақтини узайтириш йўлини тутишини истисно қилади. Аксинча, иш вақтининг қисқартирилиши ва бўш вақтнинг кенгайтирилиши социалистик ишлаб чиқариш муваффақиятининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб қолади.

Тингловчилар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив типини равшанроқ тасаввур қилишлари учун пропагандист шундай бир мисолни келтириши мумкин. Айтайлик, қайсидир бир йили мамлакатда 1 триллион сўмлик жами ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқилган ва унинг ҳар бир сўми учун 0,8 сўмлик ресурслар сарфланган. Бу жамиятда жами сарфланган ресурсларнинг 800 миллиард сўмни (бир триллион × 0,8) ташкил этганлигини англатади. Энди яна шундай фараз қиламизки, кейинги йили ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ошади ва бир сўмлик ишлаб чиқарилган маҳсулот учун, айтайлик, 0,7 сўмлик ресурслар сарфланади. Бундай пасайиш янги янада самаралироқ меҳнат қуролларидан фойдаланиш, ходимлар малакасини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, интизомни мустаҳкамлаш, кадрларнинг ўз вазифаларига ижодий ва ташаббускорона ёндашишлари натижасида содир бўлган. Бу ҳолда бир хилдаги ресурслардан фойдаланилган тақдирда жами ижтимоий маҳсулот ҳажми тахминан 1,14 триллион сўмни (800 миллиард: 0,7) ташкил этади, яъни 140 миллиард сўмга кўпаяди. Мана шунинг ўзи кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив типидир. Бу ўринда экономиканинг интенсив ривожланиши юз берди, ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши тўла-тўкис ҳамма ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланди.

Пропагандист мавзунинг ушбу бўлимини ўрганишни якунлар экан, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш — экономиканинг барча тармоқлари ва соҳаларига дахлдор бўлган комплекс, кўп планли жараён эканлигини таъкидлайди.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ИНТЕНСИВЛАШТИРИШНИНГ РОЛИ

Ушбу бўлимни кўриб чиқишни қуйидаги саволларни аниқлашдан бошлаш тавсия қилинади: нима учун айни бугунги кунда экономикани интенсивлаштиришни жадаллаштириш бунчалик актуал бўлиб қолди? Нега илгари бу масалага бунчалик жиддий роль ажратилмаган эди?

Пропагандист бу саволларга жавоб берар экан, интенсив ижтимоий ишлаб чиқаришга ўтишни бундан илгариги иқтисодий тараққиёт, шунингдек фан-техника революцияси ютуқлари объектив равишда тайёрлаганлигини кўрсатиб ўтади. Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин социалистик экономиканинг барпо қилиниши асосан экстенсив асосларда амалга оширилди. Янги заводлар ва фабрикалар қурилди, экин майдонлари кенгайтирилди, халқ хўжалигида банд бўлган кишилар сони оша борди. Албатта, шу билан бир вақтда ишлаб чиқаришнинг сифатга оид хусусиятлари ҳам яхшиланиб, унинг техникавий даражаси юксалди, меҳнат унумдорлиги ошаборди. Бироқ тобора янги ресурсларни оборотга жалб этиш иқтисодий

ўсишнинг бош омили эди. Шундай бўлиши объектив жиҳатдан ўринли эди. Мамлакатимиз мисли кўрилмаган қисқа тарихий муддатда хўжаликдаги азалий қолоқликни бартараф этиб, юксак даражада ривожланган индустриал давлатга айланди.

80-йилларгача социалистик экономикани ривожлантиришдаги улкан муваффақиятларга баҳо берилар экан, Октябрдан кейин ўтган қарийб 60 йилнинг учдан бирини (20 йилга яқинини) гражданлар уруши, интервенция, иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги халқ хўжалигини тиклаш даври эгаллаганлигини эсда тутиш лозим бўлади. Капиталистик давлатлардан ҳеч бири бутун тарих давомида бизнинг мамлакатимиз сингари кўп талафот ва вайронгарчиликни ўз бошидан кечирмаган.

Пропагандист 80-йиллар бошигача яратилган иқтисодий потенциалнинг улкан микёсларини таърифлар экан, қуйидаги маълумотларни келтириши мумкин: асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати 1 триллион сўмдан ошиб кетди; саноат деярли 44 минг ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларига, комбинатларга ва корхоналарга эга эди, халқ хўжалик тармоқларида қарийб 135 миллион киши меҳнат қилар, улардан 27 миллион киши олий ва ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар бўлиб, ишчиларнинг тахминан 3/ 4 қисми ўрта маълумотга эга, 1,5 миллионга яқин киши эса илмий муассасаларда меҳнат қилар эди.

Ҳозирги даврга келиб, табиийки, бу потенциал янада ўсди. Мамлакатимиздаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати 1940 йилдагига қараганда 20 баравар ошиб кетди. Бошқача қилиб айтганда, бу урушдан олдинги йигирмата ишлаб чиқариш потенциалига тенгдир. Бунда яқин вақтгача ўсиш асосан экстенсив омиллар ҳисобига бўлар эди: ишлаб чиқариш қурилиши учун мўлжалланган давлат капитал маблағларининг атиги учдан бир қисмидан сал кўпроғи корхоналарни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялашга сарфланар, қолган қисми эса янги корхоналарни қуриш ва ишлаб турганларини кенгайтиришга кетар эди. Оқибатда мамлакатнинг ишлаб чиқариш аппарати анча эскирди, асосий фондларни янгилаш коэффициенти пасайди.

Машғулотда ривожланишнинг асосий интенсив йўлига ўтиш зарурияти 70-йиллар бошларидаёқ намоён бўла бошлаганлигини қайд қилиш тавсия этилади. КПССнинг XXIV ва XXV съездлари бу тўғрида кўрсатма берган эди. Гарчи тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликларда ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни кучайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш борасида муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, бироқ ўша йилларда экономикани ривожланишнинг асосан интенсив йўлига ўтказишга муваффақ бўлинмади. КПСС XXVI съезди шуни қайд қилиб, экономикани интенсивлаштириш йўлига ўтказиш вазифасини қўйди. Бироқ анча куч-ғайрат сарфланганига қарамай ўн биринчи беш йилликда саноат ва қишлоқ хўжалигининг кўпгина турларини ишлаб чиқариш бўйича мўлжалланган марраларга эришилмади, самарадорликни оширишнинг асосий кўрсаткичларига доир топшириқлар бажарилмади. 70-йилларда халқ хўжалигида йилдан-йилга ортиб борган қийинчиликларнинг, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайишининг сабаблари КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида очиқчасига ва аниқ баён қилиб берилди.

Пропагандист ҳозирги шароитда экономикани ривожланишнинг асосан интенсив йўлига ўтказиш зарурияти ишлаб чиқариш усулининг янада тараққий этиши, бутун ижтимоий организмнинг эҳтиёжлари томонидан олдиндан белгилаб берилишини таъкидлайди. Мамлакатимизда барпо этилган улкан иқтисодий потенциал, ишлаб чиқариш муносабатларининг ғоят етуклиги, фан-техника революциясининг авж олиб кетганлиги, бир пайтнинг ўзида йирик хўжалик ва социал вазифалар комплексини ҳал этиш имконияти бундай ўтиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тингловчиларга қуйидагича бир вазиятни ҳам тушунтириб бериш мақсадга мувофиқдир. Сўнгги йилларда қатор моддий ва хом ашё, шунингдек меҳнат ресурслари ўсиш суръатларининг пасайганлигини кўпинча экономикани интенсивлаштириш йўлига ўтказишнинг асосий сабаби ҳам деб биладилар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Экономистларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, экономикани ривожлантириш барча ресурсларининг ўсиши тўққизинчи беш йилликдаги 21 процентдан ўн биринчи беш йилликка келиб 9 процентгача камайиб қолди. Бу халқ хўжалигини интенсивлаштиришни жадаллаштириш зарурлигини тақозо қилаётганини шубҳасиздир. Ахир, қазиб олинаётган моддий хом ашёнинг фойдали самарасини, ундан ишлаб чиқаришга ва истеъмолга оид неъматлар «ундириб олиш»ни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишнинг меҳнатга лаёқатли

аҳоли ўсиш суръатлари камайиб боришининг ўрнини босадиган қўшимча резервларини излаб топиш керак-ку. Лекин қатор ресурсларни қазиб олишнинг чекланганлиги ва унинг қимматга тушишини интенсивлаштиришнинг бош сабаби деб ҳисоблаш тўғри эмас. Улар илгари ҳам етишавермас эди. Масалан, урушдан кейинги йилларда бизнинг экономикамизда металл ва бошқа хом ашёнинг, кўпгина турдаги машиналар, ускуналарнинг танқислиги сезиларли даражада эди. Лекин шунга қарамасдан ўша пайтда интенсивлаштириш вазифаси ҳозирги пайтдаги сингари кескин қилиб қўйилмаган эди.

Иккинчи томондан, ресурсларимиз бемалол етарли, деб фараз қилайлик. Ундай бўлса, бу ҳозирги экономикани экстенсив методлар билан ривожлантириш мумкин, деган гапми? Жавоб равшан: асло йўқ. Гап ресурсларнинг етишмаслигидан кўра кўпроқ экономика аҳволининг сифат жиҳатдан янги даражаси тўғрисида бормоқда.

Машғулотда ресурслар запасининг тугаши тўғрисида гап бормаётганини таъкидлаб ўтиш зарур. Бизнинг мамлакатимиз — барча зарур нарсалар билан ўзини тўла-тўкис таъминлай олишга қодир бўлган ягона йирик индустриал жиҳатдан ривожланган давлатдир. Одатда хом ашё, материаллар, иш кучи етишмайди, чунки эски техника улардан яхши фойдаланишга имкон бермайди. Масалан, юксак унумли техника қўлланиладиган, қўл меҳнатига ўрин қолмаган жойларда одатда меҳнат ресурсларининг тақчиллиги ҳам сезилмайди.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, у ёки бу эҳтиёжларнинг қондирилиши даражаси нафақат маҳсулот миқдорига, шу билан бирга унинг сифатига, ассортиментига, ишлаб чиқаришнинг истеъмолчи эҳтиёжининг ўзгаришига ўз вақтида жавоб бера олиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Мисол учун металлни олайлик. Бошқа ҳар қандай мамлакатдагига қараганда бизда кўпроқ металл эритилади. Бироқ у барибир етишмайди. Демак, уни ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш керакми? Албатта, бундай йўл ҳам истисно қилинмайди. Лекин металл маҳсулотларининг сифатини яхшилаш, унинг прогрессив турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва, шубҳасиз, металлни тежаш, иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш кераклигини ҳам ҳар доим эсда тутиш керак. Пропагандист бу проблема биргина металлга эмас, балки ҳамма нарсага тааллуқли умумий проблема эканлигини таъкидлайди.

Фан-техника тараққиёти барча тармоқларни ресурсларни тежайдиган технологияларга (чиқитсиз ва кам чиқитли) ўтказиш негизида русурсларни кенг миқёсда тежаш учун шарт-шароитлар яратади. Шунга кўра, ҳозир амалда бирламчи ресурсларни қўшимча равишда оширмасдан пировард маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун моддий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Технологияларнинг энергия ва меҳнат сарфини тежайдиган характерга эга янги турларига ўтиш ва эскирган фондларни катта ҳажмларда оммавий тарзда эксплуатациядан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги бу фондларни янгилашни жадаллаштиришни, бинобарин, шу мақсадлар учун ажратилаётган капитал маблағлар ҳиссасини оширишни тақозо қилади. Натижада асосий фондларни абсолют суратда ошира бориш имконияти камаяди.

Шундай қилиб, деб якун ясайди пропагандист, фан-техника тараққиёти, йирик техникавий, ишлаб чиқариш ва ташкилий вазифаларни ҳал этиш соҳасида тўпланган тажриба, кадрлар малакасини ошириш ресурсларнинг бундан кейин ҳам экстенсив кўпайтирилишига қараганда уларни тежаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, амалдаги ишлаб чиқаришни модернизациялаш экономикани ривожлантиришнинг энг самарали йўналишлари бўлиб қолишига ёрдам берди, экономикани асосан интенсив йўлга ўтказиш учун имконият яратди ва шундай қилинишини қатъиян талаб этмоқда. Ҳар томонлама интенсивлаштириш эндиликда ишлаб чиқарувчи кучларни тараққий эттиришнинг ҳал қилувчи шарти бўлиб қолмоқда. Экономиканинг олға томон ривожланиш жараёнининг ўзи, сифат жиҳатдан янги марраларга эришилганлиги ва янги вазифаларнинг илгари сурилиши бундай интенсивлаштиришни тайёрлади. Фақат энг янги илмий-техника асосида ривожланадиган интенсив экономикагина меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги позицияларини мустаҳкамлаш, совет жамиятининг социал-иқтисодий ривожланишини жиддий жадаллаштириш учун ишончли моддий база бўлиб хизмат қила олади.

КПСС XXVII съезди олға томон ҳаракатимизнинг асосий марраларини белгилар экан, ана шу нарсага асосланди. Ҳозирги асрнинг охирига бориб ишлаб чиқариш потенциалини икки баравар кўпайтириш ва уни сифат жиҳатдан тубдан ўзгартирган ҳолда миллий даромадни қарийб 2 баравар ошириш мўлжалланмоқ-

да. Меҳнат унумдорлиги 2,3—2,5 баравар ўсади, миллий даромадни яратиш учун сарфланадиган энергия ҳажми 1,4 баравар ва металл сарфи — деярли 2 баравар камаяди. Бу ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга, сифат ва самарадорликни оширишга томон кескин бурилиш ясалганлигини билдиради.

Кейинчалик, деб қайд қилди съезд, ана шу жараёнларни чуқурлаштириш негизида ҳар тарафлама ривожланган ишлаб чиқарувчи кучларга, етук социалистик ишлаб чиқариш муносабатларига, соз хўжалик механизмига эга бўлган юксак даражада ташкил топган ва самарадор экономикага ўтишни амалга ошириш кўзда тутилади. КПССнинг стратегик йўли ана шундай.

Пропагандист партиянинг фан-техника тараққиётини, жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тубдан ўзгартиришни ана шу йўлни амалга оширишнинг асосий воситалари деб ҳисоблашини таъкидлаб ўтади.

Ўн иккинчи беш йиллик экономикани интенсивлаштириш йўлига ўтказиш нуқтаи назаридан ва бошқа барча жиҳатлардан кескин бурилиш беш йиллиги бўлиб қолиши лозим. Пропагандист мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини шу даврда ривожлантириш тўғрисидаги рақамли ва фактик маълумотларни «Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1986 йил 10-сонида босилган «Ўн иккинчи беш йиллик — мамлакат социал-иқтисодий ривожида туб бурилиш беш йиллиги» сарлавҳали методик маслаҳатлардан топиши мумкин.

Халқ хўжалигини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари негизида техникавий жиҳатдан реконструкциялаш тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш керак бўлади. Бундай реконструкциялашга эҳтиёж аввало моддий-техникавий базани тубдан ўзгартиришга ва совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишга қаратилган партия сиёсатининг таркибий қисми бўлганлиги билан боғлиқдир. Фақат шундай туб ўзгартириш асосидагина мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва халқ фаровонлигини янада ошириш, халқ хўжалигидаги мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш, стратегик муҳим йўналишларда капиталистик давлатлардан тўла иқтисодий мустақилликни, экономиканинг АҚШ ва унинг иттифоқчилари кўраётган дискриминацион чора-тадбирларга қарамасдан бекам-кўст ривожланишини таъминлаш, СССРнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш мумкин бўлади.

Пропагандист халқ хўжалигини чуқур техникавий реконструкциялашнинг ишлаб чиқариш ривожланишининг ўз эҳтиёжлари сингари сабабини ҳам қайд қилиб ўтади. Техникани экономикамиз учун анъанавий бўлган доиралардаги формаларда эволюцион такомиллаштириш ишлаб чиқариш технологиясини фаннинг энг сўнгги ютуқлари негизида тубдан ўзгартиришга нисбатан анча кам самара келтиради. Фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлигини кўп марталаб оширишга қодир бўлган принципиал жиҳатдан янги технологик жараёнларни, техниканинг янги бўғинларини оммавий тарзда қўлланишга, маҳсулот сифатини жиддий яхшилайдиган, ресурсларни тежайдиган, кам чиқитли ва чиқитсиз технологияларни кенг жорий этишга йўл очади.

Ниҳоят, халқ хўжалиги техникавий базасининг юқорида айтиб ўтилган хусусиятлари, яъни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг илгари кўп жиҳатдан экстенсив характерда кечганлиги ҳам бу базани тубдан янгилаш зарурлигини талаб қилмоқда. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ҳозиргача меҳнат ва моддий ресурслар танқислигини билмаган экономика шароитидаги бир қадар ўзини оқлаган формаси эндиликда ўз имкониятларини тугатиб, халқ хўжалигининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Шу беш йилликда ишлаб чиқаришни реконструкциялашга ва техника билан қайта қуроллантиришга 200 миллиард сўм сарфланади, бу ўтган 10 йилдагига нисбатан кўпроқ ва ишлаб чиқариш қурилишига ажратиладиган барча маблағларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Асосий фондлар актив қисмининг учдан бир қисмидан кўпроғи янгиланади, ўн биринчи беш йилликдагига нисбатан камида 2 баравар кўпроқ ҳажмдаги эскирган фондлар чиқариб ташланади.

Реконструкциялаш самарадорлиги, иқтисодий ўсиш суръатлари бутун халқ хўжалигидаги фан-техника тараққиётининг моддий базаси бўлган машинасозликка ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Электроника, комплекс автоматлаштириш, атом энергетикаси, янги материалларни ишлаб чиқариш ва уларга ишлов бериш технологияси, биотехнология умуман машинасозликка қараганда анча юқори суръатларда тараққий этади. Айни шу участкалар, уларнинг жадал ривожлантирилиши ЎИЁКга аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000 йилгача мўлжалланган фан-техника тараққиёти Комплекс программасида экономикани интенсивлаштиришнинг белгиловчи омили сифатида кўриб чиқилгандир.

Кейинги «Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — партия иқтисодий

стратегиясининг бош йўналиши» мавзуини ўрганиш пайтида фан-техника тараққиёти тўғрисида батафсилроқ сўз юритилади, бу мавзуга доир методик маслаҳатлар журналнинг шу сонида эълон қилинмоқда. Пропагандист улардаги айрим рақамлар ва фактлардан ушбу машғулотда фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистонда 1986 йилнинг тўққиз ойи ичида бу йўналишда қилинган ишлар ҳақида қуйидаги айрим рақамли кўрсаткичларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: ишлаб турган корхоналарни реконструкциялашга ва техника жиҳатдан қайта қуроллантиришга давлат капитал маблағларининг 800 миллион сўмга яқини ёки 1985 йилнинг шу давридагига нисбатан 21 процент кўпроқ маблағ сарфланган, индустрияда 32 та саноат роботи жорий этилган, 114 та механизациялашган поток ва автоматик линиялар ўрнатилган, 182 та участка ва цех комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштиришга ўтказилган, саноат маҳсулотининг 17 хил янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган ва улар чиқарила бошлаган.

Умуман экономикада сўнгги пайтда юз берган ўзгаришларга қисқача тўхталиб ўтиш тавсия қилинади. Халқ хўжалигини кенг миқёсда техникавий реконструкциялаш бошланиб кетди. Энг муҳим халқ хўжалик комплекслари — машинасозлик, агросаноат, ёқилғи-энергетика, қурилиш, ташқи иқтисодий комплексларни бошқаришнинг ташкилий структураси жиддий қайта қурилмоқда. Янги хўжалик механизмини шакллантириш жараёни кетяпти. 1987 йилнинг январидан бошлаб бутун саноат, қурилиш, темир йўл транспорти, савдо кенг миқёсли иқтисодий эксперимент жараёнида синаб кўрилган янгича ишлаш шароитларига ўтади. Планли асосда раҳбарлик қилиш самарадорлигини кучайтириш ва марказлаштирилган бошқарувни такомиллаштириш билан бирга корхоналар ҳамда бирлашмаларнинг мустақиллик ва масъулият чегаралари анча кенгайтирилмоқда. Уларнинг фан-техника тараққиётига мойиллигини, юксак унумли ишдан манфаатдорлигини оширадиган шарт-шароитлар яратиляпти.

Ўзбекистон экономикасида ҳам ижобий силжишлар рўй бермоқда. 1986 йилнинг тўққиз ойи мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1985 йилнинг шу даврдагига нисбатан 106,6 процентни, давлат капитал маблағлари ҳисобига асосий фондларни ишга тушириш — 106 процентни ташкил этди. Электроэнергетика, машинасозлик, химия ва нефть химияси, ёқилғи саноати тармоқлари илдам суръатлар билан ривожланди. Республиканинг саноат, агросаноат, қурилиш комплексларида илғор технологиялар кенг қўлланилмоқда. Саноатда меҳнат унумдорлиги 4,4 процент ошди ва ўртача иш ҳақининг ўсишидан ўзиб кетди. Тўққиз ойлик планга қўшимча равишда 53 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинди, 400 га яқин трактор, пахта териш машинаси ва трактор культиватори, бошқа кўплаб маҳсулотлар тайёрланди. Саноат маҳсулотининг таннархини камайтириш план топшириқлари бажарилди.

Шу билан бирга республика халқ хўжалигини интенсивлаштириш йўлига ўтказиш секинлик билан бормоқда, кўпчилик коллективлар ҳозирча қайта қуришга киришгани йўқ ёки уни лозимича фаоллик билан амалга оширмаяпти. Шу муносабат билан машғулотда тингловчилар ишлайдиган тармоқдаги, бирлашма, корхона, колхоз, совхоздаги самарасиз хўжалик юритиш кўринишларини аниқлаш, уларнинг сабабларини ва бундай камчиликларни бартараф этиш йўлларини белгилашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ РЕЗЕРВЛАРИ АМАЛДА

Шундай қилиб, деб қайд қилади пропагандист, партия халқ хўжалигида сифат силжишларига эришиш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини ишлаб чиқариш «майдони»ни кенгайтириш йўли билан эмас, балки фан-техника тараққиёти ёрдамида унинг чуқур қатламларини очиш ҳисобига жадаллаштиришга имкон берадиган ўзгаришларни амалга ошириш вазифасини қўйди. Барча резервларимизни максимал даражада сафарбар қилиш зарурлиги ана шундандир.

Иқтисод режими ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг энг муҳим омилларидан биридир. Тингловчилар эътиборини қуйидагиларга жалб қилиш зарур: биринчидан, фойдаланиладиган ресурсларнинг ҳажми кескин ошиб кетди — экономика ҳар йили 5 миллиард тоннадан зиёд бирламчи хом ашё ва ёқилғини, 900 миллион тоннадан ортиқ конструкцияга оид материалларни истеъмол қилмоқда; иккинчидан, ресурслар кўпгина турларининг ўсиш суръатлари анча пасайди; учинчидан, улар сезиларли даражада қимматлашиб бормоқда (сўнгги 15 йил ичида нефть қазиб олиш таннархи тахминан 2 баравар, газники — 2,5, кўмирники — 1,5 баравар ошиб кетди).

Ресурслардан тежаб фойдаланишнинг микёслари ва аҳамиятига баҳо бериш учун ёқилғи, хом ашё ва материаллар сарфи ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этишини ҳисобга олиш керак бўлади. Шу муносабат билан ресурсларни тежаб ишлатишни халқ хўжалигининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг ҳал қилувчи манбаига айлантириш вазифаси илгари сурилмоқда. Ёқилғи, энергия, хом ашё ва материалларга бўлган бундай эҳтиёжларнинг 75—80 процентини иқтисод қилиш ҳисобига қондириш мўлжалланмоқда.

Тежалган ресурслар жамиятга анча устама фойда келтиради. Шуни айтиш кифояки, умуман халқ хўжалиги бўйича ёқилғи, энергия, хом ашё ва материаллар сарфини атиги 1 процентга камайтириш миллий даромадни қарийб 7 миллиард сўмга кўпайтиради. Шунинг учун ҳар бир меҳнаткаш ҳар қандай исрофгарчиликнинг — бу ўзини ва бутун жамиятни тўнаш, халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги тўсиқ эканлигини тушуниб олиши керак.

Машғулотда атрофимизда кўп учраб турадиган исрофгарчилик фактларини мисол қилиб келтириш мумкин. Цехда станокчининг яхши чархланмаган асбоб билан ишлаши электр энергияси сарфини деярли учдан бир қисмга оширади, токарь улкан заготовкадан кичкина бир деталь ясар экан, кўплаб металлни қириндига чиқариб юборади. Қурилишда юк машинаси ҳайдовчиси қурилиш материалларини машина ғилдираги остида эзиб кетади. Кундузи подъездларда ва хоналарда беҳуда чироқ ёниб туради. Ошхона ёки ваннахонада жўмраклардан сув жилдираб оқиб туради.

Бундай исрофгарчилик сабаблари турлича: хом ашё ва материаллар сарфининг эскирган нормалари, эски асбоб-ускуналар ва технология, меҳнатни ва бошқарувни ташкил этишдаги қолоқлик, оддий бир хўжасизлик. Ўз-ўзидан равшанки, бундай сабабларни бартараф қилиш учун тарбиявий иш зарур. Шу билан бирга халқ бойлигининг қадрига етмайдиган кишиларни моддий жиҳатдан жазолайдиган исрофгарчиликка қарши хўжалик механизмини фаол жорий эта бориш лозим.

Шуни айтиб ўтиш кераккi, Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча бўғинларида моддий ресурсларни иқтисод қилиш иши анча кўпайди. Масалан, 1986 йилнинг 9 ойи ичида 38 минг тоннадан зиёд шартли ёқилғи тежалди, иккиламчи хом ашёдан фойдаланиш яхшиланди. Бироқ иқтисод режими ҳамма жойда ҳам тўла куч билан амал қилаётгани йўқ. Машғулотда тингловчилар ишлайдиган коллективда иқтисод ва тежамкорлик учун кураш лозимича активлик билан бораётгани ё йўқлигини, исрофгарчиликка қаерда ва қандай ғов қўйиш кераклигини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Экономикани интенсивлаштириш — В. И. Ленин бизга васият қилган принципиал аҳамиятга эга вазифа: меҳнат унумдорлиги бўйича жаҳондаги энг юксак даражага эришиш вазифасини амалга оширишнинг асосий воситасидир. Шу аср охиригача бу борада ҳал қилувчи одим ташланади. Натижада совет экономикаси ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги йўлига чиқиб олади: ишлаб чиқаришнинг ўсиши меҳнат ресурсларига бўлган талабнинг айни бир вақтда қисқариши билан бирга таъминланади.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши беш йиллик планларининг тақдирини белгилаб беради, бизнинг партиямиз бу вазифага доимо бирдек зўр эътибор бериб келмоқда. Бироқ, деб таъкидлайди пропагандист, бу масала ҳозир алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолди. Гап шундаки, 80-йилларда янги меҳнат ресурсларининг кўпайиши бундан олдинги ўн йилликдагига нисбатан кескин камаяди ва бор-йўғи 6 миллион кишидан иборат бўлади. Иш кучи ўсишининг бу даражада жиддий камайишини фақат меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билангина қоплаш мумкин. Бундан ташқари, капитализм билан иқтисодий мусобақалашиш сингари муҳим ҳолни ҳам эсдан чиқармаслик керак. Шунинг учун мамлакатимизнинг жаҳон микёсидаги роли, аҳамияти ва обрўсининг ҳар доим ошиб боришини таъминлаш зарурлиги ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш вазифасини актуал қилиб қўяди.

Бироқ меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашнинг нақадар муҳим вазифа бўлиб қолганлигини ҳамма ҳам бирдек тушунавермайди. Ҳар бир бирлашма ва корхонада, ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида энг кам сарф-харажатлар билан, агар иложи бўлса, ҳатто бундай харажатсиз ҳам энг юқори самара олиш мумкин бўлган бўғинларни ишга солиш керак.

Фан-техника тараққиёти — меҳнат унумдорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилидир. Шу билан бирга яна бир муҳим аҳамиятга эга омил бор — у ҳам бўлса, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, ишлаб чиқаришда тартиб ўрнатиш, меҳнат

интизомини ва жавобгарликни мустаҳкамлашдир. Ҳар бир кишининг онгида меҳнат унумдорлигининг ўсиши — бу нафақат иқтисодий, шу билан бирга социал тараққиётнинг ҳам калити эканлиги тўғрисидаги тушунча чуқур сингиб кетишига эришиш зарур.

Пропагандист тингловчилар эътиборини меҳнат самарадорлигини ошириш учун курашда социалистик мусобақа ролининг кучайиб боришига қаратади. Ахир бундай мусобақа қандай шиор остида ўтказилишидан қатъи назар пировард оқибатда меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилгандир. Ҳозир социалистик мусобақада 114 миллион киши иштирок этмоқда. Агар ана шу мусобақалашаётган кишилардан ҳар бири ўзининг меҳнат унумдорлигини топшириққа қўшимча равишда ҳеч бўлмаганда 1 процентга оширса борми, унда халқ хўжалигининг қанчалик улкан самара олишини тасаввур қилиш қийин эмас.

1986 йилнинг 9 ойи мобайнида Ўзбекистон халқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг 68 процент ўсишига эришилди. Республикада корхоналарни икки ва уч сменали иш режимига ўтказишни ташкил этиш чоралари кўриляпти. Машғулотда тингловчилар ишлайдиган коллективда, ҳар бир иш ўрнида машиналар, асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг қандай резервлари борлигини, мазкур корхонада, цехда, участкада, бригадада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш учун нималар қилиш мумкинлигини муҳокама қилиш тавсия этилади.

Улкан ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш учун тегишли меҳнат ресурсларига эга бўлиш керак. Фақат шундай бўлсагина ишлаб чиқариш самарадорлигини характерлайдиган муҳим кўрсаткичлар — меҳнат унумдорлигини ўстириш ва фондлар самарадорлигини оширишни жадаллаштириш учун реал шарт-шароитлар яратилади.

Ҳозирги пайтда саноатда, деб қайд қилади пропагандист, ишчи қўлларга қараганда иш ўринлари кўпроқ. Одатда бу одамлар эски асбоб-ускуналар билан, ноқулай шарт-шароитларда ишлашади. Шунинг учун кўпинча уларнинг меҳнат унумдорлиги паст, станоклар тўхтаб ётади, қувватлар тўла банд қилинмайди. Бу ерда ишлаб чиқаришни кам сарфлаб, қайта қуриш зарур. Иш ўринларининг аттестацияси ва рационаллаштирилиши бу борадаги самарали йўллардан биридир. Бу тадбирнинг маъноси ҳар бир кишига максимал унумдорлик билан ишлашга имконият беришдан иборатдир. Бундай тадбир малакали, кенг миқёсда ва истиқболни кўзлаб ўтказилаётган жойларда маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиб, фондлар самарадорлиги ошмоқда. Яхши ташкил этилган ва техникавий тўғри ўтказиладиган аттестация инсон омилини фаоллаштиришнинг, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқарувдаги иштирокини кенгайтиришнинг ишончли воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Машғулотда тингловчиларнинг иш ўринларини аттестациялаш ва рационаллаштиришдаги иштирокининг форма ва методларини аниқлаш, бугунги кунда биз аввало ички резервларга, энг қисқа муддатларда фойдаланиш ва юксак самара олиш мумкин бўлган нарсаларга умид боғлашимиз кераклиги ҳақидаги фикрни ҳар бир киши онгига сингдириш мақсадга мувофиқдир.

Маҳсулот сифатини ошириш ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг ғоят кескин ва зарурий проблемасидир. Бу нафақат иқтисодий, шу билан бирга сиёсий масала ҳамдир. Эндиликда сифатга доир ишлар аҳволини тубдан яхшиламасдан туриб, ҳеч бир йирик ишлаб чиқаришга оид ва социал вазифани ҳал қилиб бўлмайди.

Маҳсулот сифатини кескин ошириш, уни жаҳон стандартларига тенг ва ундан ҳам зиёд даражага етказиш анча кам сарфлаб мамлакатнинг кўпгина маҳсулот турларига бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис таъминлашга имконият яратади. «Сифат ва яна бир карра сифат — бизнинг бугунги шиоримиздир, — деган эди КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев. — Сифат проблемасини ҳал этиб, миқдор проблемасини ҳам ҳал қилиш мумкин. Бу мамлакатнинг замонавий техникага бўлган талаб-эҳтиёжларини, аҳолининг хилма-хил молларга ортиб бораётган талабини тўлиқроқ қондиришнинг, халқ хўжалигида тақчилликларни бартараф этишнинг бирдан-бир ишончли йўлидир».

КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Маҳсулот сифатини тубдан ошириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ўн иккинчи беш йилликдаёқ бу соҳада ҳал қилувчи бурилиш ясаш кераклиги кўрсатилган. Сифатни яхшилаш — умумпартиявий, умумдавлат, умумхалқ ишидир. У планларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда марказий бўғин, ҳар бир меҳнаткашнинг ор-номус ва виждон иши, совет кишиларининг касбий ва ватанпарварлик фахри бўлиб қолиши керак. Тингловчилар билан улар ишлайдиган корхона учун хом ашё, ярим фабрикатлар,

келаётган янги техника сифати қандай аҳамиятга эга экани, мазкур корхона маҳсулотининг сифатини яхшилаш унинг истеъмолчиларга нима бериши тўғрисида суҳбатлашиш мақсадга мувофиқдир.

Интенсивлаштиришни одамлар амалга оширади. Экономикада қандайдир жиддий ўзгариш қилиш учун кишилар психологиясида тегишлича қайта қуриш ясаш, уларда янгича фикрлаш ва ишлашга истак ва қобилият пайдо қилиш лозим. Ҳар бир корхона, ҳар бир тармоқ, бутун экономиканинг интенсивлаштириш йўлига ўтиш учун қайта ориентацияланиши ҳаётий зарур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлиги ҳамманинг онгига сингиши керак.

Бу — идеология иши учун зарур йўналишдир. Етилган проблемаларга замонавий ёндашувларни ҳар тарафлама рағбатлантириш ва сингдириш, халқ хўжалигида вужудга келган шароитни тушунишни чуқурлаштириш, барча меҳнат коллективларида талабчанлик ва ўз-ўзини танқид руҳини кўтариш керак. Пропагандист ва тингловчиларга улар тафаккур ва ишни ҳаёт талабларига, партия совет жамиятининг сифат жиҳатдан янгича ҳолатига эришишдек юксак мақсадни кўзлаб илгари сураётган вазифаларга мувофиқ равишда ҳақиқатан қайта қуриш учун бугунги кунда мумкин бўлган ҳамма нарсани қилган-қилмаганини анализ қилиб кўриш тавсия этилади.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. — Т., «Ўзбекистон», 1986.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1985 йил, 23 апрель. — Т., «Ўзбекистон», 1985.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1986 йил, 16 июнь. — Т., «Ўзбекистон», 1986.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг материаллари. — Марказий ва республика газеталарининг 1986 йил 18—20 ноябрь сонлари.

М. С. Горбачев. **Партия иқтисодий сиёсатининг туб масаласи.** КПСС Марказий Комитетида Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашда 1985 йил 11 июнда қилинган доклад. «Совет Ўзбекистони», 1985, 12 июнь.

М. С. Горбачев. **Туб бурилиш стратегияси.** Тольятти шаҳри меҳнаткашлари билан 1986 йил 8 апрелда бўлган учрашувда сўзланган нутқ. — «Совет Ўзбекистони», 1986, 9 апрель.

М. С. Горбачев. **Владивостокка Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ.** «Совет Ўзбекистони», 1986, 29 июль.

М. С. Горбачев. **Қайта қуришни кечиктириб бўлмайди, у барчага ва ҳар жиҳатдан тааллуқлидир.** Хабаровск ўлка партия ташкилоти активининг кенгашида 1986 йил 31 июлда сўзланган нутқ. — «Совет Ўзбекистони», 1986, 3 август.

М. С. Горбачев. **Краснодар ўлкаси партия активи билан учрашувда сўзланган нутқ.** — «Совет Ўзбекистони», 1986, 21 сентябрь.

М. С. Горбачев. **Янгичасига фикрлаш ва ишлашни ўргатайлик.** Ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида 1986 йил 1 октябрда сўзланган нутқ. — «Совет Ўзбекистони», 1986, 2 октябрь.

И. Б. Усмонхўжаев. **КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг якунлари ва унинг қарорларини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари.** Республика партия активи йиғилишида 1986 йил 3 июлда қилинган доклад. — «Ўзбекистон коммунисти», 1986, 8-сон.

И. Б. Усмонхўжаев. **КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари.** Ўзбекистон Компартияси МК пленумида 1986 йил 4 октябрда қилинган доклад. — «Ўзбекистон коммунисти», 1986, 11-сон.

Е. Чернов. Интенсификация — основа нового качества экономического роста. — «Политическое самообразование», 1986, № 10.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ — ПАРТИЯ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯСИНИНГ БОШ ЙЎНАЛИШИ

КПССнинг бугунги иқтисодий сиёсати жадаллаштириш стратегиясининг ўзаги бўлиб, у принципиал характердаги йирик кўламли вазифаларни ҳал қилишга қаратилгандир. Бу вазифаларни эски моддий-техник асосда амалга ошириб бўлмайди. Жамиятимиз ишлаб чиқарувчи кучларини тубдан, чинакамига революцион тарзда қайта ўзгартириш талаб этилади, партия фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни бу мақсадга эришишнинг бош йўли деб кўрсатди.

Машғулотларни ўтказишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. КПСС XXVII съезди жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлни амалга оширишда фан-техника тараққиётининг роли тўғрисида.

2. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўллари.

3. Фан-техника тараққиёти асосида экономикани структуравий жиҳатдан қайта қуриш.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН СТРАТЕГИК ЙЎЛНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ РОЛИ ТЎҒРИСИДА

Партия мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан жадаллаштириш вазифасини илгари сурар экан, бунда у фақат халқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини шунчаки оширишни назарда тутмайди. Бу ерда гап ўсишнинг янги сифати, ривожланишнинг интенсив йўлига ўтиш, иқтисодий ва социал ривожланишнинг стратегик муҳим соҳаларида тезроқ илгари силжиш тўғрисида боряпти. «Биз,— деб таъкидлади М. С. Горбачев фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари бўйича 1985 йил 11 июнда КПСС МК да ўтказилган кенгашда қилган докладида,— халқ хўжалигини техник жиҳатдан янгичасига реконструкция қилишни амалга оширишимиз, жамиятнинг моддий-техник базасини сифат жиҳатдан қайта ўзгартиришимиз керак бўлади. Бу вазифани ҳал этиш — кечиктириб бўлмайдиган иш, умумпартиявий ва умумхалқ иши. Бу вазифани жуда қисқа тарихий муддатларда ҳал қилиб, меҳнат унумдорлиги ва экономика самарадорлиги соҳасида мамлакатнинг илғор марраларга чиқишини таъминлаш керак. Мўлжалланган тадбирларни фақат ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш йўли билангина, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосидагина амалга ошириш мумкин».

Пропагандист қуйидаги фикрни таъкидлаши керак: бу вазифанинг актуаллиги шу билан кучаймоқдаки, фан-техника революциясида янги босқич бошланиб, у меҳнат унумдорлигининг бир неча баравар ўсишини, ресурсларни жуда кўплаб тежашни, маҳсулот сифатини оширишни таъминламоқда. Пропагандист фан-техника революцияси фан-техника тараққиётининг замонавий формаси эканлигини ҳисобга олиб, унинг моҳияти ва ҳозирги босқичдаги ўзига хос хусусиятларини тингловчиларга эслатиб ўтиши керак.

Фан-техника революцияси — бу моддий ишлаб чиқаришда янги илмий принциплардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқарувчи кучларни тубдан қайта ўзгартириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг сифат жиҳатдан янги босқичига ўтиш, фанни жамиятнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучига айлантиришдир.

Пропагандист тингловчилар эътиборини фан-техника революциясининг ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатдан янги даражаси, ишлаб чиқариш ижтимоий характерининг кескин кучайиши, унинг структураси ва ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги аҳволи ўзгариши, машиналарни ва машиналар системасини бошқариш функцияларининг электрон-ҳисоблаш техникаси зиммасига ўтказилиши, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг янги омиллари пайдо бўлиши; прогрессив технологияни жорий этиш натижасида ёнилғи, энергия, материалларнинг тежалиши, синтетик материалларнинг яратилиши, маҳсулот сифатини ошириш, фондларни тежашга ёрдам берувчи интенсив ишлаб чиқаришга ўтиш учун шароитнинг яратилиши, юқори малакали ходимлар, инженер-техник ходимлар салмоғининг ошиши сингари оқибатларига қаратади.

Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг кунлардаги фан-техника революцияси

комплекс автоматлаштирилган ишлаб чиқаришга — машинага асосланган йирик ишлаб чиқаришнинг олий босқичига ўтиш учун замин яратади. Фан-техника революциясининг сифат жиҳатдан бу янги босқичи ижтимоий ишлаб чиқаришда кенг истиқболлар очишини таъкидлаб, унинг ютуқларидан турли социал-иқтисодий формацияларда фойдаланиш хусусида тўхталиб ўтиш керак бўлади.

Капитализмда фан ва техника ютуқлари фойдани таъминлаш ва бу ижтимоий-иқтисодий системанинг эксплуататорлик моҳиятини сақлаб қолишга хизмат қилади. Уларни кенг жорий этиш қатор социал ва инсоний нуқсонларга, меҳнатнинг интенсивлиги ошишига ва оммавий ишсизлик ўсишига олиб келади.

Пропагандист ҳозирги замон капитализми шароитида ҳарбий-саноат комплекси манфаатлари йўлида фан-техника революцияси ютуқларидан фойдаланишнинг бир томонлама бемаъни йўналишларини ҳам таъкидлаб ўтади. «Замонамиз фани ва техникаси,— дейилади КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида,— Ер юзида неъматларнинг мўл-кўллигини таъминлаш, жамиятнинг равнақи учун, шахснинг камол топиши учун моддий шарт-шароитлар яратиш имконини беради. Аммо улар, инсон ақл-заковати ва қўлларининг мана шу самараси — синфий худбинлик кучи билан, нокапиталистик дунёда хукмронлик қилувчи юқори табақанинг бойиши йўлида — инсоннинг ўзига қарши қаратилмоқда».

Пропагандист, фан-техника революцияси фақат социализм шароитидагина инсон ва жамият манфаатларига жавоб берадиган йўналишга эга бўлишини ҳамда фақат фан ва техникани ривожлантиришни жадаллаштириш асосидагина социал революциянинг пировард натижаларига эришилиши — коммунистик жамият қурилиши мумкинлигини таъкидлайди.

Социализм экономикаси ўз моҳияти билан фан-техника тараққиётига мойилдир. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари фан-техника революциясини авж олдириш йўлидаги социал-синфий тўсиқларни олиб ташлайди, ишлаб чиқарувчи кучларнинг, даставвал уларнинг асосийси бўлмиш инсоннинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб беради. Фан-техника революцияси ютуқларидан фойдаланишда социализмнинг капитализмдан афзаллиги асосини ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик ташкил этадики, у фан ва техника тараққиётини, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни планлаштиришни, ресурсларни техника тараққиётининг ҳал қилувчи йўналишларида жамлашни, умуман бутун жамият ва унинг ҳар бир аъзосининг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан манфаатдорлигини, бу самарадорликни шахснинг тўлиқ фаровонлигини ва ҳар томонлама камол топишини таъминлаш манфаатларини кўзлаб ташкил этишга эришилади. Бундай шароитларда фан-техника революциясининг социал-иқтисодий оқибатларини олдиндан кўра билиш ва уларга онгли равишда таъсир кўрсатиш имконияти юзага келади.

Пропагандист тингловчилар эътиборини КПСС XXVII съезди ҳужжатларидаги шундай қоидаларга қаратадики, у ерда социалистик шароитларда ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характерига мос келиши гўё хўжалик механизмини, бутун бошқариш системасини такомиллаштириш, эски, бир қолипдаги фикрлашни синдиришга қаратилган мақсадли тадбир-чораларсиз, ўз-ўзидан таъминланади, деган тасаввурнинг асоссизлиги тўғрисида гапирилади.

Биз ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчиликни қарор топтиришни ҳақли равишда социалистик тузумнинг бутун афзалликлари, шу жумладан экономиканинг планли асосда ва пропорционал ривожланиши, унинг юксак самарадорлиги шарт-шароитлари, кризиссиз ривожланиш имконияти билан боғлаймиз. Лекин ҳаётнинг ўзи кўрсатганидек, ижтимоий мулкчилик ҳукмрон бўлган шароитларда ҳам ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, фан-техника ютуқларини ўзлаштириш йўлларида тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин.

Чунончи, 70-йилларнинг иккинчи ярмида мамлакатимиз халқ хўжалигида қийинчиликлар кўпайиб, иқтисодий ўсиш суръатлари пасая борди. Жамғарма ва истеъмол учун фойдаланилган миллий даромаднинг ўртача йиллик ўсиши 1961—1975 йилларда 5,3 процентни, 1976—1980 йилларда эса — 3,9, саноат маҳсулоти — тегишли равишда 7,4 ва 4,4 процентни ташкил этди. 80-йилларнинг бошида бу кўнгилсиз тенденция янада кучайди. Ишлаб чиқаришга илғор фан-техника ютуқларини жорий этиш сезиларли даражада секинлашди, янги техника ва прогрессив технологиядан фойдаланиш кўламлари мутлақо етарли эмас эди. Ўн биринчи беш йилликда металлургия, химия ва ёғочни қайта ишлаш саноатида ресурсларни тежаш технологиясини, кўмир қазиб олиш ва электр қуввати ишлаб чиқаришнинг прогрессив усулларини жорий этиш плани бажарилмади.

Ишлаб чиқариш аппаратини янгилаш паст суръатларда олиб борилди, ишлаб чиқариш потенциалидан доимо ҳам тўла фойдаланилмади. Яратилган машина ва

асбоб-ускуналарнинг атиги 15 процентигина ўз техник даражасига кўра жаҳондаги энг яхши намуналарга жавоб берарди. Бунинг натижасида СССР билан АҚШ даги меҳнат унумдорлиги даражасида таркиб топган нисбат (55 процент) кейинги ўн беш йил мобайнида ўзгармади. Буларнинг ҳаммаси ўн биринчи беш йиллик планларининг бажарилишига таъсир этмай қолмади.

КПСС экономикамиздаги салбий ҳодисаларнинг асосий сабабларини — ишлаб чиқариш муносабатларининг амал қилиб турган формалари, экстенсив методлар устун бўлган бир шароитда қарор топган хўжаликни юритиш ва бошқариш системаси эскирганлиги, ўз рағбатлантирувчи ролини йўқотганлиги, баъзи ўринларда эса ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга тўсиқ бўлганлиги сабабларини очиб ташлаб, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб берди. Экономиканинг фан-техника тараққиётига мойиллиги позициясидан туриб хўжалик механизмини такомиллаштириш шундай йўлларнинг асосийсидир. Бу қонунийдир, зеро фан-техника тараққиёти — ишлаб чиқаришни интенсивлаш, унинг самарадорлигини оширишнинг бош негизидир. У экономикани интенсив ривожлантиришнинг барча омилларига белгиловчи таъсир кўрсатади, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқаришнинг асосий ва оборот фондларидан, моддийлашган меҳнатдан янада рационал фойдаланишга, юқори сифатли маҳсулот чиқаришга эришишга имкон беради. Фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлатишнинг асосий манбаи бўлиб, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Пропагандист фан-техника тараққиётининг оғир қўл меҳнатини тугатиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги жиддий тафовутларни йўқотиш, меҳнатнинг ижодий характерини бойитиш, уни инсоннинг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айлантириш сингари социал масалаларни ҳал этишдаги муҳим ролини таъкидлаб ўтади.

Шунинг учун ҳам биз, КПСС МҚнинг Бош секретари М. С. Горбачевнинг образли таъбири билан айтганда, «фан-техника тараққиётини жиловлаб олишимиз», унинг ривожига зарур динамизм бахш этишимиз керак.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Пропагандист теманинг бу бўлимини қараб чиқишга киришар экан, биринчи навбатда фан-техника тараққиётининг босқичлари тўғрисида гапириб ўтади. Фундаментал илмий тадқиқот ва изланишлар; амалий илмий тадқиқотлар, лойиҳа-конструкторлик, технологик, тажриба-экспериментал ва социал-иқтисодий ишланмалар, фан ва техника ютуқлари базасида ишлаб чиқаришни техник ва социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш шулар жумласидандир.

КПСС МҚнинг 1986 йил июнь Пленумида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашнинг олдинги марраси фан орқали ўтади, деб таъкидланди. Ишлаб чиқариш жараёни мазмунини бойитадиган, жамиятнинг бунёдкорлик имкониятларини кенгайтирадиган янгиликлар айни шу фан соҳасида туғилади. Фаннинг амалий функцияси тобора кўпроқ ижтимоий ривожланишнинг объектив қонунияти сифатида иш кўрмоқда.

Мамлакатимизда қудратли илмий-техник потенциал яратилган, ва биз, КПСС XXVII съездида таъкидлаб ўтилганидек, ундан ҳозиргига қараганда анча кўп фойда олишга ҳақлимиз. Бунинг учун эса фанни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, ишлаб чиқаришни эса фан эҳтиёжлари томон кескин буришга эришиш керак.

Партия XXVII съезди материалларида, партиянинг кейинги вақтлардаги ҳужжатларида фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш, унинг ютуқларини тезроқ жорий этишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган. Бу биринчи ўринда фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш, академия институтлари ишининг техник йўналишини кучайтириш, Фанлар академияси доирасида комплекс тармоқлараро илмий-техник марказларни барпо этиш, олий ўқув юртлари фани ролини оширишдир. Шунингдек, тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва таржиба-конструкторлик бюроларига хос бўлган маҳкамачилик тенденцияларини бартараф этиш, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари тармоғини ривожлантириш вазифалари ҳам қўйилмоқда. Бу ерда пропагандист Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаевнинг 1986 йил 3 июлда республика партия активи йиғилишида қилган докладига мурожаат этади, унда Ўзбекистон илмий ташкилотлари фаолиятига оид жуда кўплаб мисоллар келтирилган, улар ишидаги камчиликлар очиб ташланган.

Кейинги пайтларда партия ва ҳукумат мамлакат экономикасини такомиллаштиришнинг асосий масалаларига доир — металлургияни тубдан реконструкция қилиш, халқ хўжалигини янада химиялаштириш, машинасозликни модернизация қилиш, ҳисоблаш техникасини ривожлантириш, ихчам ишлаб чиқариш системаларини, автоматлаштирилган лойиҳалаш системаларини жорий этиш тўғрисида қатор қарорлар қабул қилди, ресурсларни тежаш ва маҳсулот сифатини ошириш соҳасида тадбирлар белгилади. Пропагандист, машинасозлик комплексини ривожлантириш экономикадаги барча қайта ўзгартишлар, унинг моддий-техника базасини сифат жиҳатдан қайта янгилашнинг калити эканлигини таъкидлайди. КПСС XXVII съезди ҳужжатларида кўрсатиб ўтилганидек, «энг муҳим илмий-техникавий ғоялар айни машинасозликда моддий жиҳатдан рўёбга чиқарилади, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги тараққиётни белгиловчи янги меҳнат қуроллари, машиналар системалари яратилади. Бу соҳада ресурсларни тежайдиган принципиал янги технологияларга кенг миқёсда ўтиш учун, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш учун асос солинади».

Ватанимиз машинасозлиги қудратли илмий-ишлаб чиқариш потенциалига эга. Мамлакатда 700 га яқин йирик илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-технологик ташкилотлари ишлаб турибди, уларнинг кучи билан ҳар йили янги техниканинг 2,2 мингдан ортиқ намуналари яратилмоқда.

Бугунги кунда машинасозлигимиз ўз ривожининг сифат жиҳатдан янги босқичига жуда яқин келиб қолди. Қисқа муддатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, машинасозлик маҳсулотининг техник даражаси ва сифатини ошириш юзасидан катта иш бошлаб юборилди. Давлат планига «Машинасозлик комплекси» бўлимининг киритилиши ҳам жуда кўп нарсадан далолат беради.

СССР машинасозлиги маҳсулоти ҳажми ўн иккинчи беш йилликда 43 процентга ортади, бу умуман саноат, шу жумладан асбобсозликка нисбатан 1,7 баравар, электротехника маҳсулоти ишлаб чиқариш, химия, қишлоқ хўжалик машинасозлигига нисбатан — 1,5—1,7 баравар кўпдир. Бу жадаллаштириш стратегиясини амалга ошириш учун принципиал аҳамиятга эгадир, чунки асосий фондларнинг актив қисмини сифат жиҳатдан янгилаш муддатларини қисқартириш, халқ хўжалиги тармоқларида база технологиясини кенг жорий этиш ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш даражасини 1,5—2 баравар ошириш имконини беради.

Пропагандист машинасозлик маҳсулотининг техник даражаси ва сифатига алоҳида эътибор берилишини таъкидлаб ўтади. Бу ерда ишлар аҳволи ниҳоятда секин ўзгармоқда: машинасозликнинг олий категориядаги маҳсулоти ҳиссасини 39,2 процентга етказиш учун 10 йил керак бўлди. Станоклар ва темирчилик-пресслаш ускуналари, ичдан ёниш двигателлари, машиналарни автоматлаштирилган бошқариш системалари, насослар, редукторлар, ток манбалари ва ҳоказоларнинг техник даражаси сезиларли даражада орқада қолмоқда. Ўн иккинчи беш йилликда жаҳоннинг энг яхши намуналарига жавоб бера оладиган асосий номенклатура маҳсулотининг ҳиссаси 80—95 процентга, 1991—1992 йилларда эса 100 процентгача ортади.

Ишлаб чиқариш техникасини янгилаш муддатлари кескин қисқармоқда. Агар илгарилари машинасозлик уни ҳар 32 йилда янгилаган бўлса, ҳозир бу муддат 7 йилга яқинлашиб қолди.

Микропроцессор воситалар қўлланувчи машиналар, асбоб-ускуналар, автоматлаштирилган бошқариш системаларини ишлаб чиқариш анча ошганлиги муносабати билан асбобсозлик ва станоксозлик, электротехника саноатида мустаҳкамлик, пишиқлик кўрсаткичлари 3—5 баравар ортиши керак. Бошқарадиган машиналарни, станоклар ва роботларни программа асосида бошқариш воситаларини ишлаб чиқариш (2,6 баравар), автомат линиялар учун команда аппаратлари ишлаб чиқариш (3,5 баравар) жадал суръатлар билан ўсиб боради.

Ихчам ишлаб чиқариш системаларига тобора муҳим роль ажратилмоқда. Улар технологик процессларни тезроқ қайта қуриш ва истеъмол хусусиятлари яхшиланган буюмларнинг янги турларини тайёрлашда асбоб-ускуналарни тезроқ қайта созлаш учун имконият яратиб беради.

Ишлаб чиқаришни электрлаштириш машинасозлик самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Айни шу электрон-ҳисоблаш техникаси машинасозлик корхоналаридаги бутун ишлаб чиқариш циклининг бирлигини таъминлашга имкон беради. У автоматлаштирилган лойиҳалаш системаларида, бошқаришнинг барча турларини автоматлаштиришда, турли ташкилий ва инженерлик вазифаларини ҳал этишда катта техник-иқтисодий самара беради.

Машинасозлик комплексини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини

ошириш масалалари бўйича КПСС МК да бўлиб ўтган (1986 йил июнь) кенгашда 6—7 йил мобайнида асосий маҳсулот параметрлари бўйича жаҳондаги юксак даражага етиб олиш, фан ютукларидан кенг фойдаланиш, янги буюмларни яратиш ва ўзлаштириш муддатларини кескин қисқартиш, бутун ишлаб чиқариш аппаратини модернизация қилишни таъминлаш вазифаси қўйилди.

Машинасозлик комплексини ривожлантиришнинг комплекс программасини амалга ошириш халқ хўжалигини тубдан қайта қуроллантириш, унинг самарадорлигини ошириш учун шарт-шароит яратиб беради. Натижада бир йил ҳисобига олинганда 12 миллион кишининг меҳнати, 100 миллион сўмликдан ортиқ ёқилғи тежаб қолинади, иқтисодий самара эса кўп миллиард сўмни ташкил этади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан динамик равишда фойдаланиш ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаштиришнинг энг кўламдор ва мураккаб вазифаларидан биридир. Уларнинг умуман халк хўжалигидаги ҳажми жуда катта миқдорга — 1,57 триллион сўмга етди, бу мамлакат миллий бойлигининг 44 процентини ташкил этади. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг юксак суръатлар билан ўсиши экономикамиз учун характерлидир. Шуни айтиш кифояки, кейинги 15 йил ичида улар қарийб 3 баравар ортди.

Лекин, деб таъкидлайди, пропагандист, улардан етарлича рационал фойдаланилмайди ва уларни қайта ишлаб чиқариш узоқ вақт давомида экстенсив характерда бўлди. КПСС МК 1986 йил июнь Пленуми асосий фондларга нисбатан чинакам омилкорларча, рационал муносабатда бўлишни ва уларнинг самарали қайта ҳосил қилинишини таъминлаш вазифасини қўйдики, бу бежиз эмас. Бу ўринда тингловчилар эътиборини КПСС Ленинград область партия комитети ишлаб чиққан ишлаб чиқаришни интенсивлаш программасига қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ленинградликларнинг КПСС МК маъқуллаган Асосий ишлаб чиқариш фондларининг янги қисмидан 2—3 сменада фойдаланиш борасидаги тажрибаси республикамизда ҳам ёйилиши керак, аммо бу ерда мазкур соҳада ҳамма ишлар ҳам кўнгилдагидай эмас. Асосий фондлар янги қисмининг икки-уч сменали ишга ўтказилиши эскирган асбоб-ускуналарни оборотдан чиқариб ташлашга, ишлаб чиқариш майдонларининг анча қисмини бўшатишга имкон беради, улардан замонавий ишлаб чиқаришни авж олдириш учун фойдаланиш мумкин.

Машғулотда бу программани амалга оширишнинг социал аҳамияти ҳам таъкидлаб ўтилгани маъқул. Ахир капитал маблағларни янги ишлаб чиқариш қурилишига сарфлашнинг қисқартирилиши уй-жой ва социал-маданий қурилишни кенгайтириш, шаҳар ва посёлкаларни ободонлаштириш учун маблағларни бўшатиб беради.

КПСС XXVII съезди жадаллаштиришга эришиш — бу «ҳар бир меҳнаткашнинг, ҳар бир коллективнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлиги учун уфқ очиб бериш керак» демакдир бинобарин, эндиликда энг муҳими — ўй-фикр ва режалар энергиясини конкрет ҳаракатлар энергиясига айлантиришдан иборатдир» деб таъкидлади. Меҳнаткашларнинг техник ижодиёти масалаларини айни шу позициядан туриб қараб чиқиш керак. Новаторлар ва рационализаторлар ҳаракатининг кенг ривожланиши, оддий ишчиларнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни рационализациялаш ва унинг самарадорлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, моддий ресурсларни ҳар томонлама тежаш учун шарт-шароит яратиш — бу эксплуатациядан озод бўлган меҳнатнинг янги характерини акс эттирувчи социализмнинг характерли хусусиятларидир. В. И. Ленин ишлаб чиқаришни социалистик асосда ташкил этишнинг мана шу жиҳатига қайта-қайта эътибор берган эди.

Меҳнаткашлар техник ижодиётининг ҳозирги юксалиши жамиятимиз ривожидаги янги босқич, жадаллаштириш программасини рўёбга чиқаришда инсон омили ролининг ошиши, меҳнатда ижодий асосларнинг кучайиши, ходимлар билим ва маданий-техник даражасининг ўсиши билан боғлиқдир. Социализм шароитида ихтирочилик ва рационализаторлик — бу фақат ишлаб чиқаришни ривожлантиришни жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари бўлибгина қолмай, шунингдек ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги жиддий тафовутларни бартараф этиш, меҳнатни биринчи ҳаётий эҳтиёжга айлантириш омиллари ҳамдир.

Агар пропагандист ўз корхонасидаги рационализаторлик ва ихтирочилик аҳволини таҳлил қилса, конкрет меҳнат коллективи аъзоларининг фан-техника тараққиётини ривожлантиришга, хом ашё ва материалларни тежашга, ишлаб чиқариш фондларидан янада самарали фойдаланишга қандай ҳисса қўшаётганини кўрсатиб берса, машғулот анча мароқли ўтади.

Пропагандист фан-техника тараққиётининг йўллари ва йўналишлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни тугаллар экан, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишдаги илғор тажрибани кенг ёйишнинг жуда катта аҳамиятини таъкидлайди. Бу ерда, юқорида эслатиб ўтилганидек, Ленинград партия ташкилотининг ишлаб чиқаришни янада интенсивлаштириш, уни илғор техника базасида қайта қуриш соҳасидаги тажрибасидан ташқари, КПСС МК маъқуллаган АвтоВАЗ ва Суми илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг хўжаликни ташкил этиш ва юритиш методларини такомиллаштиришнинг ички манбаларини сафарбар этиш борасидаги тажрибасини ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин, бу тажриба техника тараққиётининг илғор марраларига чиқишга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга, юксак иқтисодий кўрсаткичларни таъминлашга имкон беради. Бу тажрибани ўрганиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида партия ташкилотлари ва ишлаб чиқариш коллективлари алоҳида ғамхўрлик кўрсатишлари керак, у социалистик мусобақанинг жуда муҳим таркибий қисми бўлиб қолиши лозим.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ АСОСИДА ЭКОНОМИКАНИ СТРУКТУРАВИЙ ЖИҲАТДАН ҚАЙТА ҚУРИШ

Структура ва инвестиция сиёсатининг ўзгариши мамлакат экономикасини чуқур реконструкция қилиш ва жамият моддий-техника базасини сифат жиҳатдан қайта ўзгартиришнинг асосий йўналишларидан биридир. «Ўзгартиришнинг моҳияти, — деб кўрсатилади КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида,— диққат марказини миқдор кўрсаткичларидан сифат ва самарадорликка, оралиқ натижалардан пировард натижаларга, ишлаб чиқариш фондларини кенгайтиришдан шу фондларни янгилашга, ёқилғи-хом ашё ресурсларини кўпайтиришдан иш ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга, фанни энг кўп талаб этадиган тармоқларни, ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани жадаллаштиришга кўчиришдан иборат».

Ишлаб чиқаришимиз структураси асосан экстенсив ривожланиш даврида ташкил топган, бинобарин ишлаб чиқариш фаолиятига баҳо беришга «ялпи маҳсулот» нуқтаи назаридан ёндашиш бизда узоқ вақт устунлик қилиб келган, маҳкамачилик манфаатлари ресурслар ва капитал маблағларнинг истиқболли тармоқларга ўтишини тўхтатиб турган. Буларнинг ҳаммаси фан-техника тараққиётини секинлаштирдики, бунинг экономикамизга ўта салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмасди. Бу нарса шунда кўринадики, масалан, Совет Иттифоқи темир рудасини АҚШга нисбатан бир неча бор кўп қазиб ва пўлатни кўп эритиб оладию, лекин машинасозлик буюмларини анча кам тайёрлайди, ўшанча кўп тахта-ёғоч тайёрлайдию, лекин унинг қайта ишланишидан тайёрланадиган маҳсулотни кам ишлаб чиқаради.

Пропагандист юз берган аҳволнинг сабабларини тушунтириб бериб, капитал маблағ сарфлаш сиёсатида йўл қўйилган хатоларга тўхталади. Гап шундаки, уларнинг инвестицион комплексдаги ўсишини ўринсиз қисқартириш натижасида машинасозликнинг база тармоқлари — асбобсозлик, станоксозлик, ҳисоблаш техникаси, прогрессив конструкцион материаллар ишлаб чиқариш етарли даражада ривожланмади. Капитал қурилиши кам самара билан олиб борилди, унинг муддатлари чўзиб юборилярди. Бунинг устига асоссиз равишда янги қурилишларга берилиб кетилди, машина ва ускуналарнинг асосий кўпчилиги шу ёққа ажратиларди, ишлаб турган корхоналарда эса эскирган техника ўн йиллаб алмаштирилмасди.

Асосий фондларни экстенсив қайта ишлаб чиқариш қатор салбий оқибатларга олиб келди. Чунончи, ремонт соҳалари жуда кенгайиб кетди. Фақат саноатда у 10 миллиард сўмга тушди, шулардан 3 миллиард сўми норматив муддатларни ўтаб бўлган техникани ремонт қилишга кетади. Мамлакат металл фонди обороти секинлашади, чунки металл кам самарали ускуналарда ишлатилмай бекор ётади. Сунъий равишда иш кучининг етишмаслиги пайдо қилинади.

КПСС XXVII съезди қарорлари инвестиция сиёсатига зарур активлик ва динамизм бахш этишга қаратилгандир. «Ўн иккинчи беш йилликдаги инвестиция сиёсатининг янгилиги шундан иборатки,— деб таъкидланди съездда,— у фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, ишлаб чиқаришнинг моддий базаси ва структурасини сифат жиҳатдан ўзгартиришга қаратилган». Бир триллион сўмдан ошадиган капитал маблағлар умумий ҳажмининг ярмиси ишлаб турган ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга

сарфланади. Машинасозликка ва айникса машинасозликнинг ўз техник даражасида силжишларни таъминловчи тармоқларга сарфланадиган капитал маблағлар анча оширилади. Ёқилғи-энергетика комплекси ҳам жадал ривожлантирилади.

Кейинги вақтларда юз берган ишлаб чиқариш аппаратининг жисмоний ва маънавий эскириши тенденциясини бартараф этиш мақсадида ўн иккинчи беш йиллик планларида ишлаб чиқариш аппаратини янгилашнинг юксак суръатлари кўзда тутилган. Маблағ ва материалларнинг сочилиб кетишига, маҳаллийчилик иззат-нафсига чек қўйиш ва қурилиш сифатини ошириш керак.

Бу вазифаларни бажариш осон эмас, чунки ўтмиш андазалари анча яшовчандир. Янги қурилишларга асоссиз берилиб кетиш, реконструкцияга нотўғри муносабатда бўлинишига оид мисолларни пропагандист КПСС МҚнинг 1986 йил июнь Пленуми, республика партия активи йиғилиши (1986 йил июль) материалларидан олиши мумкин. Тошкент саноатида шу йили реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга планлаштирилган капитал маблағларнинг 43 проценти ўрнига унинг атиги 1/3 қисми сарфланган, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, чинни ва резина-техник буюмлар заводлари сингари корхоналарда бу улуш 10—20 процентдан ошмайди; «Агропромремонт», «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг айрим корхоналари ва бошқаларда реконструкция ниқоби остида ишлаб чиқариш бинолари капитал ремонт қилинади ва уларнинг жойлашуви қайтадан ўзгартирилади.

Пропагандист, янги инвестиция сиёсати экономиканинг фандаги, техникадаги, технологиядаги, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжлардаги прогрессив силжишлар билан боғлиқ бўлган структуравий қайта қуришни таъминлаши керак, деб таъкидлайди. «Фан-техника тараққиётини ҳамда социал вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи тармоқларни,— деб кўрсатилади КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида,— янада жадал суръатлар билан ривожлантириш, истеъмол билан жамғаришнинг энг мақбул нисбатига, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш билан истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ўртасидаги, агросаноат комплекси тармоқлари ўртасидаги нисбатларни яхшилашга эришиш зарур. Экономиканинг социал йўналтирилиши кучайтирилади, совет халқининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш томон изчил тарзда бурилиш ясалади».

Бу ерда пропагандист ўн иккинчи беш йилликдаги структура сиёсатининг асосий йўналишларига тўхталади. Булар қуйидагилардан иборат:

— пировард маҳсулот — машина ва асбоб-ускуналар, тайёр қурилиш объектлари, истеъмол молларининг оралиқ маҳсулот деб аталмиш ёқилғи, хом ашё, ярим фабрикатларга нисбатан устун даражада ўсиши;

— мамлакатимиз халқ хўжалигининг жаҳондаги илғор илмий-техник марраларга чиқишини таъминлашга даъват этилган тармоқлар: электроэнергетика, химия саноати ва машинасозликни ривожлантиришни жадаллаштириш;

— машинасозликнинг ўзида ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш ва модернизация қилиш, унинг биринчи навбатда асбобсозлик ва станоксозлик, электроника ҳамда электротехникани ривожлантириш билан боғлиқ соҳаларининг структурасини ўзгартириш ва модернизация қилиш, ресурсларни тежаш проблемаларини ҳал қилишга қаратилган конструкцион материаллар комплексидаги ўзгаришлар;

— ёқилғи-энергетика комплексида илғор технология ва ёқилғи ҳамда энергиянинг прогрессив турлари томон йирик силжишлар;

— совет кишиларининг тобора ўсиб бораётган хилма-хил талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга қаратилган йўналишни кучайтириш, бу нарса озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқларни жадал ривожлантиришда ўз ифодасини топади;

— агросаноат комплекси ишининг юксак пировард натижаларига эришиш мақсадида шу комплексга кирадиган тармоқларнинг ўзаро мустаҳкам ва ҳамжиҳат алоқаси;

— инфраструктуранинг транспорт, алоқа ва ахборот системаси, моддий-техника таъминоти, склад хўжалиги, йўл шахобчаларининг комплекс ва ўзаро боғлиқликдаги ривожи;

— ҳар бир республиканинг мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш мақсадида иттифоқдош республикалар халқ хўжалиги комплексларини ривожлантиришдаги мутаносибликни такомиллаштириш;

— ишлаб чиқаришни жойлаштиришни моддий, айниқса меҳнат ресурсларининг мавжудлиги билан мустаҳкам боғлаш;

— ташқи иқтисодий стратегияни такомиллаштириш, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги потенциалидан янада тўлароқ фойдаланиш.

Шундай қилиб, деб якун ясайди пропагандист, инвестиция ва структура сиёсати интенсивлаштириш ҳамда фан-техника тараққиёти базасида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларига бўйсундирилган. Бу вазифалар аллақачон ҳал этиляпти. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини бажаришнинг 1986 йил тўққиз ойи якунлари экономиканинг ҳамма соҳаларида, фан-техника тараққиётини ривожлантиришда ижобий ўзгаришлар бўлаётганлигидан далолат беради. Шу вақт ичида халқ хўжалигини реконструкция қилиш учун 24 миллиард сўм капитал маблағ фойдаланилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 25 процент кўпдир. Машинасозлик комплексида 2 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ўзлаштирилди. Индустрияда 4 мингга яқин механизациялаштирилган поток ва автоматлаштирилган линия, салкам 8 минг саноат роботи ўрнатилди, 4 мингдан ортиқ цех ва ишлаб чиқариш комплекс механизацияга ва автоматлаштиришга ўтказилди, саноат маҳсулотининг 2 минг янги тури ишлаб чиқарила бошланди. Меҳнат унумдорлиги саноатда — 4,8 процент, қурилишда — 4,5 процент ошди.

Қайта қуриш кучга киряпти, деб якун ясайди пропагандист, кишиларнинг ижодий изланишлари кенгаймоқда. Лекин шу билан бирга, М. С. Горбачев 1986 йил 19 сентябрда Краснодар ўлкаси партия активи билан бўлган учрашувида айтганидек, «партия XXVII съезди ўртага қўйган стратегик мақсадларга эришиш учун бизга керак бўлган ҳақиқий қизғин ишлардан ҳали йироқмиз. Жамият турмушининг ҳамма соҳаларида чуқур, революцион ўзгартириш жараёни рўй бераётир, бироқ олдимизда тиғиз кураш йиллари турибди деб айтиш мумкин».

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин фан-техника тараққиёти тўғрисида. «Политическое самообразование», 1985, 11-сон.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. Т., «Ўзбекистон», 1986, 8—10, 15—16, 28—34, 46—48, 160—166, 265—280-бетлар.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил 23 апрелдаги Пленуми материаллари. М., Политиздат, 1985.

КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил 16 июндаги Пленуми материаллари. М., Политиздат, 1986.

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси материаллари. Марказий ва республика газеталарининг 1986 йил 18—20 ноябрдаги сонлари.

М. С. Горбачев. **Партия иқтисодий сиёсатининг туб масаласи.** Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари бўйича 1985 йил 11 июнда КПСС МКда бўлиб ўтган кенгашда қилинган доклад. М., Политиздат, 1985.

М. С. Горбачев. **Краснодар ўлкаси партия активи билан бўлган учрашувда сўзланган нутқ.** «Совет Ўзбекистони», 1986, 21 сентябрь.

М. С. Горбачев. **Ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида 1986 йил 1 октябрда сўзланган нутқ.** «Ўзбекистон коммунисти», 1986, 11-сон.

И. Б. Усмонхўжаев. **КПСС МК июнь (1986 йил) Пленумининг якунлари ва унинг қарорларини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари.** Республика партия активи йиғилишида қилинган доклад. «Ўзбекистон коммунисти», 1986, 8-сон.

И. Б. Усмонхўжаев. **КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари.** Ўзбекистон Компартияси МК II пленумида қилинган доклад. «Ўзбекистон коммунисти», 1986, 11-сон.

Ю. Яковец. **Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўллари.** «Политическое самообразование», 1986, 10-сон.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИ — БИРИНЧИ ГАЛДАГИ ВАЗИФА

«Бизда касаба союзлари энг оммавий ташкилотдир. Улар ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, мусобақани ривожлантириш, интизомни мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун умуман кўп иш қиляптилар», — деди КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев партия XXVII съездига КПСС МҚнинг Сиёсий докладида. Бу сўзлар — касаба союзларининг кўп қиррали фаолиятига берилган юксак баҳодир. Съездда таъкидланганидек, социал сиёсат, меҳнаткашларнинг манфаатлари касаба союзлари учун ҳамиша биринчи галдаги вазифа бўлмоғи керак.

Фарғона областидаги Ўзбекистон пахта тозалаш заводи республикамиздаги илғор саноат корхоналаридан бири. Завод коллективи йилдан-йилга ишлаб чиқаришни такомиллаштириб, суръатни оширмоқда ва маҳсулот сифатини яхшилашга интилмоқда. Бу муваффақиятларга эришишда корхона касаба союз ташкилоти муҳим роль ўйнаяпти. Касаба союз ташкилоти партия ташкилоти раҳбарлигида инсон омилидан имкони борича самаралироқ фойдаланиш, уни техника тараққиётини кенг миқёсда жорий эттиришга, завод фаолиятининг социал ва ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришни ҳар тарафлама жадаллаштиришга хизмат қилдириш учун ҳаракат қилмоқда.

Маълумки, касаба союзларининг биринчи навбатдаги вазифаси социалистик мусобақани ташкил этишдан иборат. Партиямизнинг XXVII съезди меҳнат беллашувига янгича қудратли омил бахш этди, у эндиликда янада конкрет тус олиб, меҳнаткашларнинг ижодий активлигини бирлаштирди, уларнинг хатти-ҳаракатларига кўпроқ собитқадамлик ва уюшқоқлик бағишлади, меҳнат коллективи турмушининг барча энг муҳим масалаларини жадаллик билан ҳал этиш учун имконият яратди.

Яқин вақтларгача социалистик мусобақа бобида расмиятчиликка йўл қўйиб келинган Ўзбекистон пахта тозалаш заводида кейинги пайтда бу тадбир анча равнақ топди. Қасаба союз комитетининг мажлисларидан бирида бу масала махсус кўриб чиқилди. Қасаба союз комитети раиси Султонали Ғаниевнинг доклади ва мажлис қатнашчиларининг нутқлари узоқ муддатли тайёргарликнинг, корхона ветеранлари билан маслаҳатлашиш, мазкур масалага доир партия қарорларини ўрганиш, шунингдек касаба союз ташкилоти раҳбарининг партком секретари Йўлдош Паттоев, завод директори Обиджон Максудов билан қилган қатор суҳбатларининг самараси бўлди.

— Ҳаммангизга маълумки, корхонамиз ўн биринчи беш йиллик планини ошириб бажарди, бир неча марта республика мукофотларига сазовор бўлди, КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди, — деди С. Ғаниев ўз докладида. — Бироқ биз мусобақани янада яхшироқ ташкил этиб, барча меҳнатчиларни мусобақага жалб қила олганимизда, фойдали ташаббусларни ўз вақтида қўллаб-қувватлаб, ошкораликка зарур даражада аҳамият бериб, илғорларни оператив равишда рағбатлантириб борганимизда муваффақиятларимиз янада салмоқлироқ бўлган бўлур эди.

Касаба союз комитети мажлисида меҳнат беллашувининг янги шакллари белгиланиб, барча ходимларни мусобақага жалб қилишга, қолоқларга ёрдам кўрсатилишига алоҳида эътибор беришга қарор қилинди. Меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини оширишдан иборат мусобақанинг асосий мақсадига кўплаб тадбирлар, шу жумладан касб маҳоратига оид кўрик-конкурслар, «Энг яхши ҳунар эгаси», «Қўли гул уста» унвонлари бериш, ғолибларга диплом-

лар, фахрий ёрликлар, пул мукофотлари топшириш ва шу сингарилар оркали эришиш керак. Бундан буён мусобака катнашчиларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш тор доирадаги кишилар — бригада ёки участка иштирокидагина ўтказилиб колмасдан, бутун корхона микёсида ошкора килинади. Ленин ордени кавалери Х. Пайғамов, Меҳнат Кизил Байрок ордени нишондорлари Й. Норматов ва О. Хўжаев, «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери Р. Усмонов ва бошка илғорларнинг тажрибасини кенг ўрганишни ташкил этишга карор килинди.

Завод цехларида кўплаб ёш ишчилар меҳнат килишади, улардан 110 киши комсомол-ёшлар бригадаларига бирлашишган. Касаба союз комитети уларнинг меҳнат фаолиятига, бу бригадалардаги мусобаканинг аҳволига ҳамиша эътибор бериб боради. Шу йилнинг учинчи квартали ишлаб чикариш топширикларини муддатидан илгари бажарган Сотволди Неъматов, Собиржон Кўчкоров, Эркин Ёкубовлар бошлик комсомол-ёшлар бригадаларининг муваффакиятини завод аҳли ялпи хурсандчилик билан кутиб олди. Уларни касаба союз комитети раиси С. Ғаниев кизғин табриклади.

Фан-техника революцияси халк хўжалигимизнинг ҳамма соҳаларида шахдам одим ташламокда. Ўзбекистон пахта тозалаш заводи ҳам бундан четда колгани йўк. Завод партия ташкилоти ва дирекцияси шу вазифалар даражасида бўлиб, корхонанинг техникавий жиҳозланишини яхшилаш юзасидан катор йирик тадбирларни амалга оширдилар. Техникавий янгиликларни, илғор технологияни ишлаб чикаришга жорий этишда бевосита иштирок этган касаба союз ташкилоти ҳам уларга анча ёрдам берди. Ҳозир цехларда замонавийлаштирилган тола тозалагич батареялар, такомиллаштирилган барабанли сушилкалар, чигитга ишлов бериш учун янги машина, пахтани куритиш ва тозалаш поток линиялари ўрнатилиб, чигитли пахтани яхшилаб (икки дафъа) тозалайдиган технология жорий этилди, чигитли пахта ва тайёр маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини аниклаш учун янги лаборатория асбоблари ўрнатилди.

Заводда ихтирочилик ва рационализаторлик ғоялари ҳам йўк эмас. Касаба союз ташкилоти рационализаторлар ва ихтирочилар ютукларининг конкурслари, кўриклари, кимматли таклифларни жорий этиш эстафеталарининг жиддий наф келтирадиган савияда ўтказилиши учун жонбозлик кўрсатмокда. Бу ҳаракат «Ҳар бир иш ўрнида техникавий тараккиёт учун!» шиори остида ривожлантирилмокда. Илғор рационализатор ва ихтирочилар Расулжон Усмонов, Исом Азизов, Иван Григорьяди, Олимжон Мўминов, Нўъмон Курбонов, Ҳамдам Маҳкамовлар заводнинг фахри ҳисобланишади.

Заводда махсус тузилган планга мувофик ходимлар малакасини оширишга алоҳида аҳамият берилмокда, лаборантлар, бригадирлар, слесарлар, электромонтёрлар, наладкачилар тегишли курслардан ўтишди. Навбатда бошка касблар вакиллари ўтишади.

Меҳнат коллективи узлуксиз равишда «ёшариб боряпти». Сир эмаски, кўпгина корхоналарда ёш мутахассислар муким ўрнашиб колишмайди, худди шу сабабли уларда кадрлар кўнимсизлиги кўпаяверади. Ўзбекистон пахта тозалаш заводида эса ишга янги келаётган ҳар бир ёш мутахассисга ғамхўрлик кўрсатилиб, унинг талаб ва эҳтиёжлари билан кизикишади. Бу ерда ёш мутахассисга олган ихтисосига мос келадиган ва кўнглига ёкадиган иш бериш, тураржой билан таъминлаш, унинг бўш вактини кизикарли ўтказиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга интилишади. Турдош корхоналарда стажировкадан ўтиш учун аввало ёшларни юборишади. Касаба союз ва комсомол ташкилотлари ёш мутахассисларни жамоат ишига актив жалб этиб, уларнинг олий ўкув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларида олган билимларини амалда кандай кўллашаётганини кузатиб боришади. Сўнгра улар ўзининг ижобий жиҳатларини намоён килган ёшларни юкорирок лавозимларга кўтариш учун дирекция ва партия комитетига тавсия киладилар. Шу тарика заводда ўрта бўғинга оид раҳбар кадрларнинг зарур резерви барпо килинади.

Янги таҳрирдаги КПСС Программасида шундай дейилган: «Коммунизмнинг биринчи фазасида меҳнатга яраша ҳак тўлаш меҳнаткашлар даромадининг асосий манбаи бўлиб колаверади. Иш ҳаки системасини доимо такомиллаштириб бориш керак».

Завод касаба союз ташкилоти шу коидага амал килган ҳолда меҳнатга ҳак тўлашни, иш ҳакини тўлаш муҳлатларига риоя килинишини доимо назорат килиб, мукофот пулларининг тўғри ёзилишига, эгасизликнинг бартараф этилишига эришмокда. Пахта тозаловчиларнинг иш ҳаки системали равишда ошиб боряпти. Агар ўнинчи беш йилликда улар иш ҳаки ўртача 178,9 сўмга тенг бўлган бўлса, у ўн биринчи беш йиллик охирига келиб ойига карийб 200 сўмни ташкил этди. Бунга корхона-

ни техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш, асбоб-ускуналардан яхшироқ фойдаланиш, ишчиларнинг ўз ишига янада виждонан муносабатда бўлиши, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш натижасида эришилди. Яна шу нарса ҳам муҳим роль ўйнамоқдаки, иш стажи, малака оширилиши, турдош касбларни эгаллашга қараб иш ҳақи ва мукофот ҳам оша боради. Масалан, икки-уч касб бўйича ишлаётган ишчиларнинг иш ҳақига маошининг 30 проценти миқдорида устама ҳақ тўланади.

Заводда кишининг мамнуният билан ишга келиши, унинг яхши кайфиятда бўлишига ёрдамлашиш учун зарур ҳамма нарса қилинмоқда. Корхона территорияси мевали ва манзарали дарахтлар ўстириб, гулзорлар қилинган соясалқин боққа айлантирилган.

Қасаба союз комитети дирекция билан биргаликда ишчиларнинг юксак унумли меҳнат қилиши учун зарур қулай шароитлар яратиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилиб боради. Кўпгина участкаларда иш ўринлари қайта планлаштирилиб, улар қулай инвентарлар, кўтарма-транспорт ускуналари билан жиҳозланган. Чиқиндиларни йиғиштириш ва улардан фойдаланиш, хом ашёни ва тайёр маҳсулотни ташиш масалалари ҳал этилган. Ишлаб чиқариш шовқинини камайтириш чоралари кўрилди. Корхонадаги биноларни ва территорияни ёритиш системаси ўйлаб чиқилди. Қиш пайтида шунингдек ёрдамчи бинолар ҳам иситилади. Ҳар бир цехда газли ва қайнатилган сув бор. Маиший бинолар, хотин-қизлар учун гигиена хонаси, душхона павильонлари қайта жиҳозланди.

Қасаба союз комитети ишчиларнинг ва улар оила аъзоларининг соғлиги тўғрисида доимо ғамхўрлик кўрсатади. Барча цехлар ва бўлимларда дастлабки ёрдам кўрсатиш аптечкалари мавжуд. Медицина пунктлари барча зарур нарсалар билан таъминланган. Профилакторийда ишдан ажралмаган ҳолда соғлиқни мустаҳкамлаш мумкин. Медицина-саралаш комиссиясининг хулосасига биноан муҳтож кишиларга мунтазам равишда санаторияларга текин йўлланмалар бериб турилади. Ҳамма ишчиларнинг болалари ёзда завод пионерлар лагерида бепул дам олишади. Завод қошида 140 ўринли болалар боғчаси бор. Яқинда коллектив ҳаётида муҳим воқеа бўлди — 600 ўринга эга Маданият саройи ишга туширилди.

Ишчилар учун мўътадил даражадаги меҳнат ва маиший шарт-шароитларнинг яратилиши ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Корхона йиллик планлар ва социалистик мажбуриятларни мунтазам равишда бажариб келади. Унинг маҳсулотлари 13 та чет мамлакатга ва мамлакатимизнинг 20 шаҳрига жўнатилади. Пахта тозаловчилар бу йил ҳам яхши ишламоқдалар, тўққиз ойлик маҳсулотни реализация қилиш плани — 111,1 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш плани — 109,3 процент бажарилди.

Бу йил Ўзбекистон пахта тозалаш заводи ўзининг эллик йиллигини нишонлади. Завод меҳнатчилари ўн иккинчи беш йиллик меҳнат вахтасида туриб, жонажон заводларининг юбилейини шонли ишлар билан кутиб олдилар.

— Бироқ завод касаба союз ташкилоти амалга ошираётган ишлар, — дейди касаба союз комитети раиси Султонали Ғаниев, — бугунги кунда мамлакат бўйлаб авж олиб кетган қайта қуриш қўяётган талабларга унчалик мувофиқ эмас. Бутун корхона ишини янги босқичга кўтариш учун ҳали анча проблемаларни ҳал этиш керак.

Барча имкониятлар мавжуд. Масалан, меҳнат унумдорлигини анча ошириш мумкин, бунинг учун ҳар бир участка бутун ой, квартал давомида пухта, тинимсиз ишлаши лозим. Бизда ҳали ҳам ўпирилишларга, штурмчиликка барҳам берилмаган. Цехларда ўрнатилган янги ускуналардан тўла фойдаланилаётгани йўқ, чунки ишчилар малакасини ошира олмадик. Тураржой проблемаси ҳам кун тартибида турибди, ҳозирча биз ҳамма ишчиларни тураржой билан таъминлаш борасида пухта ишлаб чиқилган планга эга эмасмиз. Энг муҳими — биз ўзимизнинг ҳамма ишларимизда ҳам ҳозирча ҳар бир ишчигача етиб бора олганимиз йўқ, кўпгина тадбирлар умумий тусда, оммавий тартибда, табақали ёндашувсиз, меҳнаткашларнинг индивидуал талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан ўтказилади. Яна шуни ҳам тан олиш керакки, биз, касаба союз раҳбарлари ҳар доим ҳам ишчилар манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда масалаларни маъмурият олдига принципиал равишда қўя олмаймиз, бу масалаларнинг ҳамиша ҳам ижобий ҳал этилишига эришолмаётирмиз. Ана шу камчиликларнинг бартараф қилиниши, — дейди Султонали Ғаниев, — касаба союз ишини янада жонлантиришга, ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг барча участкаларидаги ишларнинг яхшиланишига эришишимизга ёрдам берадики, бунга бизнинг қурбимиз етади.

Я. ҒАФФОРОВ.

РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ОЗИҚ - ОВҚАТ ПРОБЛЕМАСИ

Э. МАҲМУДОВ,
иқтисод фанлари кандидати

МУСТАМЛАКА ЗУЛМИДАН озод бўлган давлатларнинг кўпчилиги ўзларининг иқтисодий ва социал проблемаларини миллий хўжаликни индустриялаштириш орқали ҳал этишга уринмоқдалар. Бу — қонуний ҳол. Лекин бу мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари экономиканинг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигига кўпинча етарли баҳо бермайдилар. Ҳолбуки практиканинг кўрсатишича, аграр секторда кескин туб ўзгартишлар қилмасдан ижтимоий тараққиётга эришиб бўлмайди. Зеро, экономиканинг бошқа тармоқларидаги, аввало саноатдаги муваффақиятлар кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг аҳволига боғлиқ бўлади. Ривожланаётган мамлакатлардаги саноат эса одатда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан боғлиқдир. Масалан, Ҳиндистонда 60-йиллар охири — 70-йиллар бошида саноат маҳсулотининг қарийб учдан бир қисми пахта, каноп ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини қайта ишлаш йўли билан олинган. Ишлар шу тариқа йўлга қўйилган тақдирда қишлоқ хўжалигидаги турғунлик муқаррар равишда ишлаб чиқариш кувватларининг тўла банд қилинмаслигига олиб келади, бу эса саноатнинг, демак умуман экономиканинг ҳам ривожланишини сусайтиради. Ички бозор ҳам тораяди, чунки қишлоқ аҳолиси турмуш шароитларининг ёмонлашиши саноат маҳсулотларига бўлган талабни ҳам камайтиради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ривожланаётган мамлакатлар экономикасини модернизациялаш учун ғоят зарур бўлган чет эл валютасини олишнинг асосий манбаларидан биридир. Мамлакат қанчалик кам ривожланган бўлса, у экспорт қиладиган маҳсулотларнинг шунчалик кўп қисми аграр секторга тўғри келади. Масалан, Афғонистонда 1974—1978 йилларда экспорт қилинган маҳсулотларнинг 80 процентга яқини ана шу секторга тааллуқли эди.

Ҳаммага маълумки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши асосан қишлоқ аҳолисини ҳамда абсолют ва нисбатан кўпайиб бораётган шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашга, шунингдек саноатга хом ашё етказиб беришга мўлжалланган. Ваҳоланки, озод бўлган давлатлар аграр секторининг аҳволи қатъий равишда ёмонлашиб бормоқда. Масалан, бу мамлакатларда 1951—1960 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 3,4 процентни ташкил этган бўлса, кейинчалик бу суръатлар тўхтовсиз равишда камая борди ва 1971—1979 йилларда атиги 2,4 процентга тенг бўлиб қолди. 50-йиллардаёқ бу тармоқда жон бошига ишлаб чиқариш гарчи секинлик билан бўлса-да олға томон ривожланиб борар эди, 70-йилларга келиб эса бу кўрсаткич 50-йиллар охири — 60-йиллар бошидаги даражадан сал юқори бўлди, холос. Умумий натижа шундай. Жами ривожланаётган мамлакатлар

аҳолисининг учдан икки қисмига яқини яшайдиган 65 та озод бўлган мамлакатда 70-йилларда жон бошига ишлаб чиқариш кўрсаткичи пасайиб кетди.

Озод бўлган давлатлар миллий хўжалигининг анъанавий, етакчи тармоғидаги ишлар аҳволи бундай ёмонлашиб кетишининг ўз сабаблари бор. Қишлоқ хўжалик секторининг ниҳоятда қолоқлиги — шундай сабаблардан бири, иккинчиси эса — аҳоли ўсиш суръатларининг (айниқса шаҳарларда) юқорилигидир. Масалан, 1952—1962 йилларда ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 2,4 процентга тенг бўлса, 1962—1972 йилларга келиб 2,7 процентни ташкил этди. Кейинчалик бу кўрсаткич янада ўса борди ва 1985 йилда Африкада — 3, Ғарбий Осиёда — 2,9 процентни ташкил қилди. Шаҳар аҳолиси хусусига келганда эса, унинг улуши 1950 йилдаги 19,1 процентдан 1980 йилга келиб 32,4 процентгача ўсди ёки абсолют кўрсаткичлар билан ҳисоблаганда 205, 1 миллиондан 711,3 миллион кишига етди (яъни қарийб 3,5 баравар кўпайди).

Сўнгги йигирма йил ичида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган реал талаб йилига 3—4 процентга ўсди, айни бир пайтда уни ялпи ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши анча камайиб, 2,7—2,9 процентни ташкил этди. Бу озиқ-овқат проблемасининг кескинлашишига, айрим районларда эса — очарчиликка олиб келди. Бу очарчилик ўз миқёсига кўра оммавий тус олиб, доимий, турғун характерда бўлиб қолди. Дунёда очарчиликдан ҳар йили (кўпроқ Осиё ва Африка мамлакатларида) 50 миллионга яқин киши ўлмоқда. Айниқса, янги туғилган болалар орасида ўлим миқдори кўп бўлиб, у саноат жиҳатдан ривожланган давлатлардагига қараганда 6—10 дафъа юқоридир.

Турли касалликлар, шу жумладан юқумли касалликларнинг тарқалиши ҳам ана шу социал офатнинг мудҳиш оқибатидир. Статистиканинг гувоҳлик беришича, ҳар йили 5 ёшгача бўлган 100 мингга яқин бола витаминлар етишмаслиги сабабли кўриш қобилиятидан маҳрум бўлади. Биргина Бангладешда ҳар йили деярли 17 минг шундай ёшдаги бола кўр бўлиб қоляпти, шу мамлакатдаги 6 ёшгача бўлган қарийб 150 минг бола ва 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган 135 минг боланинг кўзи ожиз бўлиб қолмоқда. Худди шу сабабга кўра, ақлий жиҳатдан ривожланишда ҳам қолоқлик мавжуд. Махсус тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳали болалик чоғида етарли овқатланмаганлик сабабли руҳий айнишлар тузалмас ҳолга кирмоқда.

Қолоқлик маҳсули бўлган очарчилик ўз навбатида озод бўлган давлатларнинг социал-иқтисодий ривожланишига ҳам тўсқинлик қилади. Шуни айтиш керакки, ҳозирги замоннинг шармандали ҳодисаси бўлган очарчилик сабаблари мустамлакачилик системаси энди шаклланаётган ва ривожланаётган пайтларда юзага келган эди. Мустамлакалар табиий ва одам ресурсларининг системали равишда эксплуатация қилиниши хўжалик соҳасида ҳаддан ташқари қолоқликка олиб келди, бу айниқса экономиканинг етакчи тармоғи — қишлоқ хўжалигига катта таъсир кўрсатди. Мустамлака мамлакатлар экономикасининг экспорт қилинадиган муайян техника экинларини, шунингдек минерал хом ашёларнинг айрим турларини етиштиришга қаратилганлиги уни ғарбий монополиялар измидаги жаҳон (капиталистик) бозорига, шунингдек ривожланган капиталистик мамлакатларнинг бу хом ашёга бўлган талабига боғлиқ қилиб қўйди. Бу ориентация кўпинча анъанавий озиқ-овқат экинлари ҳисобига амалга оширилганлиги туфайли бундай озиқ-овқат маҳсулотларини мамлакатга четдан олиб кела бошлашга тўғри келди. Кўпгина ривожланаётган давлатлар мустақилликка эришганларидан кейин ҳам ўз хўжалик фаолиятида шундай йўлни ўтказавердилар.

Бироқ экономикани модернизациялаш учун ғоят зарур бўлган чет эл валютасини олиш мақсадини кўзловчи анъанавий экспорт қилинадиган товарларга умид боғлаш ўзларининг озиқ-овқат экинларининг (жўхори,

маккажўхори, батат, кассава ва шу сингариларнинг) қадрига етмасликка олиб келди. Ишларнинг бундай аҳволдалиги яна шунинг учун ҳам фойдалидек туюлардики, озиқ-овқат маҳсулотларини ўзида етиштиргандан кўра уни четдан олиб келиш арзонга тушарди. Натижада иккинчи жаҳон урушидан илгари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг собиқ экспортчилари бўлган мамлакатлар ҳозирги кунда бу маҳсулотларнинг йирик импортчиларига айланди. Масалан, уларда четдан ғалла келтириш 1970 йилда 33 миллион тоннани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1980 йилга келиб тахминан 80 миллион тоннагача етди. БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик масалалари бўйича ташкилоти (ФАО) бу мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги 1990 йилда 120—145 миллион тоннагача ва 2000 йилга бориб 180 миллион тоннагача етишини олдиндан айтиб бермоқда.

Озод бўлган мамлакатларнинг аграр секторида ҳозир пайдо бўлган вазият шароитида уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини четдан олиб келиши бундан кейин ҳам юқори суръатларда оша боради. Лекин бундай сиёсат жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Гап шундаки, озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий таъминловчилари ривожланган капиталистик мамлакатлар бўлиб, 1977—1980 йилларда жаҳон бўйича умуман ғаллани экспорт қилиш йиллик ҳажмининг 78 дан 88 процентгача бўлган қисми, шу жумладан Осиё ва Африканинг ривожланаётган давлатлари томонидан импорт қилинадиган буғдойнинг 84 дан 91 процентгача бўлган қисми улар ҳиссасига тўғри келган эди. Бинобарин, мазкур ривожланаётган давлатларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши тўғридан-тўғри жаҳон капиталистик хўжалиги аҳволига боғлиқ бўлиб қолади. 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи (капиталистик) бозорлардаги аҳволи анча ёмонлашди: улар экспорт қилишда мунтазам равишда бой бериб, импорт қилиш учун тобора кўпроқ маблағ сарфлашмоқда. Масалан, Африка мамлакатларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорти билан импорти ўртасидаги нисбат икки мартадан ҳам кўпрок — 1977 йилдаги 152,3 процентдан 1981 йилга келиб 72,9 процентгача қисқарган бўлса, айтайлик, Осиёдаги Шри Ланка давлатида импорт қилинадиган озиқ-овқат молларига бўлган баҳолар 1950 йилдан 1980 йилгача 12 баравардан зиёд ошиб, айни пайтда бу мамлакат экспорт қиладиган ва унга чет эл валютасининг асосий киримларини келтирадиган чой ва табиий каучукнинг баҳолари шу давр ичида атиги 6 баравар ошди, холос.

Мунтазам равишда ошиб бораётган маҳсулотлар, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишни маблағ билан таъминлаш учун ривожланаётган мамлакатларнинг чет эллик кредиторларга тобора кўпрок мурожаат қилишига тўғри келмоқда, бу уларнинг 1985 йил охирига келиб шундай ҳам ғоят катта миқдорга — қарийб 1 триллион долларга етиб қолган ташқи қарзининг янада кўпайишига олиб келади.

«Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, — деган эди КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, — империализм системаси кўп жиҳатдан ривожланаётган мамлакатларни талаш, уларни ниҳоятда шафқатсиз эксплуатация қилиш ҳисобига яшаб келмоқда. Унинг шакл ва усуллари ўзгармоқда, бироқ моҳияти аввалгича қолмоқда».

Ривожланаётган мамлакатлардаги озиқ-овқат товарлари танқислиги нафақат савдо-сотиқ импорти билан, шу билан бирга ривожланган давлатлардан ва ФАОдан ёрдам шаклида маҳсулот (аввало ғалла) етказиб бериш ҳисобига қопланмоқда. Масалан, 1985 йилда ФАО томонидан шундай ёрдам доирасида ғалла етказиб бериш ҳажмини 10 миллион тоннагача етказиш кўзда тутилган эди. Мутахассислар фикрига кўра, бундай ёрдам ҳажми 1990 йилга бориб 12 миллиондан 20 миллион тоннагача бўлган миқдорни ташкил этади.

Социалистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг куч-ғайратлари туфайли БМТ Бош Ассамблеяси ва ФАО Конференцияси (олий органи)нинг қатор резолюцияларида ёрдам кўрсатилиши мамлакатларнинг миллий мустақиллигини чеклайдиган қандайдир сиёсий ёки бошқа шартлар билан боғлиқ бўлмаслиги кераклиги махсус кўрсатиб ўтилди. Бироқ капиталистик давлатлар бу қоидани назарга илмай келмоқдалар. Масалан, 1975 йилнинг декабридаёқ Америка корчалонлар доирасининг журнали «Бизнес уик» АҚШ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишдан «чет давлатларнинг Қўшма Штатлар манфаатларини кўзлаб сиёсат юргизишларига эришиш мақсадида уларга тазйиқ ўтказиш воситаси сифатида» фойдаланиши мумкин, деб қайд қилган эди. Вашингтон маъмурияти ишга шу тариқа ёндашишини бир неча марта намойиш қилди ҳам. Масалан, АҚШ Вьетнамга қарши уруш олиб бораётган пайтида Ҳиндистонга озиқ-овқат маҳсулотлари сотишни бир неча марта қисқартирган эди, чунки бу мамлакат раҳбарлари америкалик агрессив ҳарбийларнинг Вьетнам диёридаги ваҳшиёна ҳаракатларини қоралаб чиққан эдилар. АҚШ вице-президенти Ж. Буш яқинда «эркин корчалонлик руҳидаги иқтисодий реформаларни таъминлаш», «бозор учун мўлжалланган экономикани йўлга қўйиш ва ривожлантириш» Американинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам кўрсатишининг шарти эканлигини очиқ-ойдин айтди ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш эвазига «бундай ёрдам олувчи мамлакатнинг АҚШга ҳарбий базалар тақдим қилишини ва сиёсий йўлини ўзгартиришини» талаб қилди. Афтидан, 1984 йилда Африка мамлакатларига АҚШнинг озиқ-овқат ёрдамининг ярмига яқини Сомали, Кения, Либерия ва Заирга аталганлиги ҳам тасодифий ҳол эмас, чунки бу мамлакатлар ҳукмдорлари Америка маъмуриятининг «ишончини оқлаб келишмоқда». Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қатор ривожланаётган мамлакатлар ҳукмдорларининг ўзлари ҳам четдан етказиб берилаётган озиқ-овқатдан кўп ҳолларда белгиланган мақсадда — муҳтожларни таъминлаш учун эмас, балки армияни боқиш, сайловчиларнинг муайян табақаларини сотиб олиш ва шу сингарилар учун фойдаланадилар. Масалан, Бангладешда етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 27 проценти армия ва полицияга, 30 проценти — ўрта синфга берилиб, қолган қисми эса чайқовчилар қўлига ўтиб кетган. Бундай практика Покистон учун ва Осиё ҳамда Африканинг бошқа бир неча давлатлари учун ҳам хосдир.

Озиқ-овқат билан ёрдам бериш ҳам, бу маҳсулотларни савдо-сотиқ асосида импорт қилиш ҳам озод бўлган мамлакатлардаги халқ оммасининг аҳволини кескин равишда яхшилай олмайди. Қолаверса, бундай тадбирлар бу мамлакатларнинг жаҳон капиталистик хўжалигига қарамлигини кучайтириб, ташқи савдо қарзининг ошишига ёрдам беради, миллий озиқ-овқат бозорларидаги баҳо ҳосил қилиш механизмини издан чиқаради. Баҳо ҳосил қилиш механизмининг издан чиқарилиши эса шу жойда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бозорга оид стимулларнинг барбод қилинишига олиб келади ва ҳоказо. Бунинг устига «анъанавий» тусга кирган четдан озиқ-овқат маҳсулотлари келтириш йўлини тутиш миллий экономиканинг энг муҳим тармоғи — қишлоқ хўжалигига эътибор камайишига олиб келди. Бундай калтабин сиёсат оқибатида сиёсий, иқтисодий ва социал проблемалар кескинлаша боради.

Ҳозирги пайтда озод бўлган давлатлар учун ўзларининг аграр секторини ривожлантириши, мамлакат ичида озиқ-овқат экинлари етиштиришни кўпайтириши зарурлиги мутлақо аён бўлиб қолди, хусусан уларнинг кўпчилиги бунинг учун реал имкониятларга ҳам эга. Масалан, озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш ёки бошқа, янада истиқболлироқ йўл — йилига икки ва ҳатто уч дафъа ҳосил олишга имкон берадиган ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш йўлини олайлик.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш соҳасида ҳам каттагина резервлар мавжуд. Масалан, 1978—1980 йилларда Осиё ва Африкадаги ривожланаётган мамлакатларда дон экинларининг ҳар гектаридан ўртача атиги 14 центнердан ҳосил олинди, АҚШ ва Японияда эса бундай ҳосилдорлик — 42 ва 59,9 центнерни ташкил этди. Бундан ҳам юқорироқ ҳосил олиш мумкин. Ҳозирги пайтда ҳар гектаридан 100 центнердан ҳосил берадиган шоли ва 150 центнердан ҳосил берадиган буғдой навлари етиштириляпти.

60-йиллар ўрталаридан бери амалга оширилаётган «яшил революция» деб номланган тадбир селекция фанининг энг янги ютуқлари, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига доир техника ва технологиялар ёрдамида мушкул озиқ-овқат танқислигидан қутулиш учун қилинаётган уриниш бўлмоқда. Мексика, Ҳиндистон, Покистон, Филиппин ва бошқа айрим давлатларда қишлоқ хўжалик, асосан, озиқ-овқат экинлари (шоли, буғдой)нинг юқори ҳосил берадиган навларини етиштириш йўли билан, ўғитлар, заҳарли химикатлар, ирригация, меҳнат жараёнларини механизациялаш ва ишчи кучлари малакасини оширишдан кенг кўламда фойдаланиш негизида дон экинлари ҳосилдорлиги бирмунча (3—5 баравар) оширилди. Масалан, 1966—1971 йилларда Ҳиндистонда буғдой етиштириш 2 мартадан ҳам кўпроқ ошди (10424 минг тоннадан 23247 минг тоннага чиқди), Покистонда эса қарийб 2 марта ошди (3951 минг тоннадан 6588 минг тоннага чиқди). Шоли етиштириш Шри Ланкада қарийб 60 процент, Ҳиндистон ва Филиппинда эса — учдан бир ҳиссадан кўпроқ ошди. Марокашда маккажўхори етиштириш икки мартадан ҳам зиёд кўпайди ва ҳоказо.

Баъзи бир мамлакатлар (Покистон, Филиппин) ғаллани импорт қилишдан воз кечди, бошқалар эса (Шри Ланка, Ҳиндистон, Малайзия) четдан ғалла сотиб олишни анча камайтирди. Ниҳоят аграр, шу жумладан озиқ-овқат проблемалари ҳал этиладиганга ўхшаб ҳам қолди. Лекин «яшил революция» ортиқ ривожланмай қолди, чунки у ташқи бозордаги ривожланган капиталистик мамлакатлар томонидан рақобатнинг кучайиши, шунингдек ички бозорнинг торлиги каби қийинчиликларга дуч келди. Гап шундаки, дон етиштириш асосан йирик помешчик хўжаликларидагина кўпаймоқда эди. Аксарият деҳқон оммасининг аҳволи эса нисбатан ёмонлашган эди, чунки замонавий қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланадиган капиталистик корхоналарни тузиш пайтида кўплаб деҳқонлар ўз ерларидан ҳайдаб юборилган ва кичик участкалар тугатилган эди.

«Яшил революция» қишлоқда социал-иқтисодий қутбланишнинг кескинлашувига олиб келди, яъни бир томонда замонавий юксак унумли капиталистик корхоналар вужудга келиб, бошқа томонда эса — деҳқонларнинг кенг оммаси қишлоқнинг ўзидаги майда ва жуда майда ишлаб чиқариш соҳасига ҳайдала бошланди, бу билан улар мазкур соҳани «ортиқча» иш кучи билан яна ҳам тўлдириб юборди. «Ортиқча» иш кучлари ўз навбатида насибаларини излаб шаҳарларга йўл олмоқда ва у ерда пролетариат сафларини тўлдирмоқда.

Осиёнинг етти мамлакатидаги қишлоқ камбағалларининг аҳволини ўрганиш шуни кўрсатдики, бу мамлакатларнинг олтитасида жон бошига олинадиган ўртача даромад умуман ошган. Айни бир пайтда қишлоқдаги энг камбағал табақаларнинг даромадлари камайган, бу, табиийки, уларнинг харидорлик талабларининг пасайишига, яъни янада қашшоқлашувига олиб келди. Шундай қилиб, француз олими Р. Дюмон ва унинг инглиз ҳамкасби М. Коэн «Очарчиликнинг кучайиши» китобида тўғри таъкидлаганидек, «камбағаллар уларнинг эхтиёжларини қондириш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг йўқлигидан эмас, балки ана шу маҳсулотларни пул тўлаб олиш учун имкониятлари йўқлигидан азоб чекишади». Халқ оммаси турмуш даражасининг ёмонлашиши ўз навбатида «яшил революция»нинг бундан кейинги ривожланишига

тўсқинлик қилади. Бу қонуний ҳолдир, зеро «ишлаб чиқариш меъёри оч қолган ошқозонлар миқдори билан эмас, балки харид қиладиган, сотиб олишга қодир *ҳамёнлар* миқдори билан белгиланади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, 31-том, 394-бет).

Бироқ озиқ-овқат проблемаси кескинлигининг сабаблари фақат озод бўлган давлатларнинг қашшоқлигида ва улар аграр сектори унумдорлигининг паст эканлигида эмас. Қишлоқда (ва биргина қишлоқда эмас) қашшоқликнинг оммавий тус олганлиги иқтисодий ўсиш суръатларидан кўра кўпроқ мустамлака ва қарам бўлган пайтдаги ўтмишдан мерос қолган экономика структураси билан боғлиқдир. Бугунги кунда буни буржуа муаллифлари ҳам тан олишмоқда. Масалан, австралиялик олим Д. Миллер шундай қайд қилади: «...ривожланаётган мамлакатлардаги аҳоли кенг оммаси очин-тўқин яшаши империализм, мустамлакачилик ишлаб чиқариш усули тиқиштирган социал-иқтисодий структуралар оқибатидир ва бугунги кунда биз «очарчиликка қарши кураш»да қатнашар эканмиз, очарчиликнинг сабабчиси — ўзимиз эканлигимизни тан олишимиз лозим».

Кўпгина мамлакатларда ҳозирги пайтда иқтисодий структураларни тубдан ўзгартириш тенденцияси тобора ривожланиб бормоқда. Масалан, аграр секторда ерларни кам ерли ва ерсиз деҳқонлар фойдасига қайта тақсимлашга доир тадбирлар ўтказилиб, давлатнинг техникавий-иқтисодий ёрдам кўрсатиши кучайтирилмоқда, таъминот-сотиш, кредит ва ишлаб чиқариш кооперативлари тузилмоқда. Масалан, Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида ҳозирнинг ўзида 130 миллиондан зиёд, Африкадаги мамлакатларда — 12 миллиондан ортиқ кооперативлар мавжуд. Шу жумладан, Бангладеш, Ҳиндистон ва Туркияда иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг 25 дан 30 процентгача бўлган қисми, Кения ва Маврикийда — 15 процентдан кўпроғи, Ганада — 23, Мозамбикда — 37, Танзанияда — 70 процентдан кўпроғи турли кооперативларга жалб этилган ва ҳоказо. Лекин шуни ҳам қайд қилиш керакки, бу туб ўзгартишларнинг характери ва натижалари кўп жиҳатдан ҳукуматнинг сиёсий йўналишига, унинг қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг қайси табақаларига таянишига боғлиқ бўлади. Капиталистик ривожланиш йўлини танлаган мамлакатларда асосий эътибор миллий капитал проблемаларига қаратилади. Бу мамлакатларда давлат томонидан ўтказилаётган жамиятнинг социал-иқтисодий структурасини модернизациялаш аввало миллий буржуазия вакиллари, помешчиклар ва чет эл капиталига қулай шарт-шароитлар яратиб беришни кўзда тутади. Бу туб ўзгартишларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилинган улкан камбағаллар армияси тугул, ҳатто майда хусусий мулкчиларга ҳам нафи тегмайди. Масалан, Туркиянинг кредит кооперацияси составида 1327 минг киши бор. Лекин йирик чек ерга, қишлоқ хўжалик техникасига, кўп миқдорда қорамолга эга бўлган кишиларгина ссуда олиш ҳуқуқига эга. Бангладешда ҳам аҳвол худди шундай бўлиб, бу ерда мустаҳкам хўжаликлар жами кредитларнинг 80 процентидан, Покистонда — 97, Филиппинда — 98 процентидан фойдаланадилар ва ҳоказо.

Шундай қилиб, озод бўлган давлатларда аграр секторнинг кенг меҳнаткашлар оммаси манфаатларини кўзлаб ривожлантирилиши нафақат иқтисодий, шу билан бирга социал-сиёсий характер касб этади. Фақат социалистик йўлни танлаган мамлакатларда қилинаётгани каби ижтимоий ҳаётнинг демократлаштирилиши, прогрессив социал-иқтисодий туб ўзгартиришлар ўтказилиши, чет эл ва миллий капитал ҳукмронлигига чек қўйилишигина озиқ-овқат проблемасини муваффақиятли тарзда ҳал этишга имконият яратади.

СССР ХАЛҚЛАРИ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТЛАРИНИНГ БИР-БИРИГА ТАЪСИРИ ВА БУРЖУАЧА СОХТАЛАШТИРУВЧИЛАРНИНГ УЙДИРМАЛАРИ

А. БОБОҚУЛОВ,
Бухоро давлат педагогика институтининг ўқитувчиси

Ҳозирги вақтда СССРда совет халқи иқтисодий ҳаётининг ягона умумийлигини қарор топтиришнинг интенсив процесси юз бермоқда, маънавий ҳаётни интернационаллаштиришнинг гуркираб ривожланиши кўзга ташланмоқда. Бундай шароитларда бир томондан, миллий маданиятларнинг янада гуллаб-яшнаши амалга ошмоқда, иккинчи томондан, уларнинг ҳар томонлама яқинлашуви юз бермоқда. Совет кишиларининг умумий интернационал маданияти шаклланди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программасида таъкидлаб ўтилганидек, СССР халқларининг энг яхши ютуқлари ва ўзига хос прогрессив анъаналари негизида совет халқининг мазмунан социалистик, миллий шакл жиҳатидан хилма-хил, интернационал руҳдаги ягона маданияти бундан буён ҳам ривожланаверади. Миллий маданиятларнинг ўсиши ва бир-бири билан яқинлашуви, ўзаро алоқаларининг мустаҳкамланиши бир-бирини янада самаралироқ бойитади, мамлакатимиздаги ҳар бир халқнинг истеъдоди билан яратилган жами қимматли нарсалардан баҳраманд бўлиш учун совет кишиларига кенг имкониятлар очиб беради.

Социалистик маданиятнинг интернационал моҳияти унинг миллий шакллари хилма-хиллигида намоён бўлади. Марксизм-ленинизм таълимотидан маълумки, интернационаллик умумий хислат сифатида социализм шароитида миллийликка зид келмайди, балки унинг бошланғич моменти сифатида иш кўради. Ф. Энгельс «*чинакам* миллий ғоялар... айни бир вақтда доимо чинакам *интернационал* ғоялар ҳам бўлади...» деб кўрсатган эди (К. Маркс, Ф. Энгельс. Асарлар, 33-том, 374-бет).

Совет социалистик маданиятида интернационал ва миллий жиҳатлар бузилмас бирликда қўшилиб кетган. Буржуа идеологлари уларни бир-биридан ажратишга, бир-бирига қарши қўйишга уринадиларки, бундай қилиш ярамайди.

Совет халқининг социалистик маданиятини умумий бир асослар ва ягона социалистик мазмун билан бирлашган СССРдаги барча миллат ва элатлар маданиятлари ташкил этади. Шу билан бирга ҳар бир халқ маданиятидаги интернационал ва миллий жиҳатлар нисбати ҳақидаги масала илгари суриладики, у диалектик характерга эгадир. Бу масалани қараб чиқиш ва таҳлил этишда шакл ва мазмун нисбати қонуниятларига таяниш керак бўлади. Диалектик материализмга биноан мазмун билан шакл диалектик бирликда бўлиб, бир-бирларини тақозо этади, бунда мазмун етакчи ўрин тутади. Шу билан бирга, шакл мазмун ривожига ёки унинг моҳияти очилишига ёрдам бериб (агар у мазмунга мос келса), активлик кўрсатади, ёхуд, аксинча, мазмун ривожига ёки унинг моҳияти очилишига (у мазмунга мувофиқ келмай қолган тақдирда) халақит беради.

Шундай қилиб, интернационал жиҳатнинг етакчи ролини таъкидлаган ҳолда, миллий жиҳатнинг аҳамиятини камситиш ярамайди. Улар мустаҳкам бирликда, ўзаро алоқада, ўзаро боғлиқликда ривожланади. Бунда миллий жиҳат интернационал жиҳатнинг яшаши ва ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади, иккинчиси эса биринчисини бойитади ва унинг ривожланишини тезлаштиради. Интернационал жиҳат бу диалектик бирликда етакчи роль ўйнайди, чунки у социалистик миллат ва элатлар маданияти ривожининг истиқболини, бош йўналишини ифода этиб, СССР халқлари маънавий ҳаётининг энг муҳим томонларини, миллий нарсаларда интернационал жиҳатларнинг орта боришини, яъни совет кишилари маънавий маданиятининг интернационаллашувини қамраб олади.

Мамлакатимизда социализмнинг янада такомиллашуви, жаҳон социалистик системасининг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши, социалистик йўлни танлаётган мамлакатлар сонининг орта бориши капитал дунёсини ташвишга соляпти. Буржуа назариячилари, умуман бутун империализм лагери идеологиямизга қарши курашни кучайтирмоқдалар. Империализм, биринчи галда америка империализми ижтимоий тузумимизга қарши қутуриб ҳужум қилмоқда.

Буржуа идеологлари Коммунистик партиянинг миллий сиёсатини социалистик миллатлар манфаатларига қарама-қарши қўйишга уринмоқдалар, гўё партиянинг миллий сиёсати уларнинг манфаатларига зид эмиш. Бунда душманларимиз СССР халқлари миллий маданиятларининг (шу жумладан ўзбек миллий маданиятининг ҳам) интернационаллашуви проблемаларига, совет ҳукуматининг Ўрта Осиё халқлари маданий меросига муносабатига, КПСС ва Совет давлатининг тил сиёсатига тобора кўпроқ аҳамият бермоқдалар. Улар интернационаллаштиришнинг социал ва маънавий оқибатларини қўпол равишда бузиб кўрсатмоқдалар, совет халқи, шу жумладан ўзбек халқи ҳаётида юз бераётган реал прогрессив процессларнинг маъно ва мазмунини сохталаштирмоқдалар.

Интернационал жиҳатни миллий жиҳатга қарама-қарши қўйиш — антикоммунистик сохталаштириш йўналишларидан биридир. Буржуа идеологлари совет миллий сиёсатининг интернационалистик характерини миллий заминни эзувчи, мамлакатимиз халқларининг анъаналари, урф-одатлари ва маданиятини камситувчи сиёсат сифатида талқин этадилар. Чунончи, Колумбия (АҚШ) университетининг профессори Эдвард Оллорз совет миллий сиёсатининг мақсади «миллий маданиятларни йўқ қилиш ва ҳамма миллатларни бир хил оммага айлантиришдан» иборат деб билади.

Антикоммунистлар интернационаллашувга бир томонлама, метафизикчасига ёндашишади, уни миллий маданиятларни тугатувчи процесс, халқларга (шу жумладан ўзбекларга ҳам) зўрлаб қабул қилдирилган сиёсий воситалар деб кўрсатадилар, гўё улар миллий ўзига хос хусусиятлар, анъаналар ва маданиятларнинг йўқолиб кетишига олиб келар эмиш.

Антикоммунизм турли йўналишларининг вакиллари интернационаллашувни зўрликка асосланган ассимиляция билан бир хил нарса деб кўрсатиб, Совет Иттифоқида «мусулмон» халқларининг маданияти гўё топталяпти, таъқиб қилиняпти ёки ассимиляцияга учраяпти ва «миллий маданиятлар йўқ қилиняпти», деб «исботлашга» уринмоқдалар. Бунда улар мамлакатимизда эскирган баъзи бир халқ анъаналари, урф-одатларнинг йўқолаётганини, уларнинг фикрича, «чинакам миллий маданият» бўлмиш реакцион ислом маросимларининг тугатилишини важ-карсон қилиб кўрсатадилар. В. И. Ленин шундай деб таъкидлаган эди: «...Европа шундай тарихий пайтни бошидан кечирмоқдаки, қўмондонлик қилувчи буржуазия, борган сари ўсиб мустаҳкамланаётган пролетариатдан чўчиганлигидан нуқул қолоқ, умри тугаб бораётган ўртаасрчиликни қўллаб-қувватламоқда» (Тўла асарлар тўплами, 23-том, 187-бет). В. И. Ленин миллий маданиятлардаги барча қимматли ва яхши нарсалардан фойдаланган ҳолда ишчилар синфи, меҳнаткашлар оммасининг

интернационал маданиятини яратиш ғоясини ўзига хос революцион принципиаллик билан ҳимоя қилган эди. У капитализм шароитида миллий маданиятни тушуниб олиш учун методологик аҳамиятга эга бўлган қоидани таърифлаб берди. «Ҳар бир миллий маданиятда иккита миллий маданият бор ..,— деб ёзган эди В. И. Ленин.— *Ҳар бир* миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик маданият *элементлари* бор.., лекин *ҳар бир* миллатда буржуа маданияти (кўпинча эса ҳалигача қорагуруҳчи ва клерикалча маданият) ҳам бор,— бўлганда ҳам «элементлар» шаклидагина эмас, балки *ҳукмрон* маданият шаклидадир» (ТАТ, 24-том, 139, 149-бетлар).

Ленинча миллий программанинг буржуа сохталаштирувчилари бу қоидани қўпол равишда бузиб талқин этадилар. Чунончи, канадалик доцент Тереза Раковска-Хармстон гўё айни шу миллий маданиятга ленинча синфий ёндашиш «маҳаллий маданиятнинг миллий бирлигини йўқ қилувчи восита бўлиб хизмат қилган» деб ёзади. Бу даъвонинг В. И. Лениннинг ҳар бир миллий маданиятда икки маданият борлиги тўғрисидаги фикрига ҳеч қандай алоқаси йўқ, чунки В. И. Ленин миллий маданиятнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини ўрганиш ва уни тўғри тушунишга диалектик нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилган эди. Шу муносабат билан у бундай деб ёзган эди: «... Биз *миллий маданиятни»* эмас, балки ***интернационал*** маданиятни ёқлаймиз, бу интернационал маданиятга ҳар бир миллат маданиятидан бир қисми, чунончи, ҳар бир миллат маданиятининг фақат изчил-демократик ва социалистик мазмунигина киради» (ТАТ, 23-том, 234-бет).

Миллий шаклларга метафизикларча қарайдиган буржуа сохталаштирувчиларидан фарқли ўлароқ марксизм-ленинизм миллий шакл ривожланади ва ўзгара боради, деб таълим беради. Ҳар бир социалистик миллат бошқа миллатлардан ўзига маъқул бўлган барча қимматли нарсаларни олади, прогрессив шаклларни ўзига сингдиради, уларни ўз миллий маданиятининг таркибий қисмига айлантиради ва бу билан уни янада бойитади.

Масалан, ўзбек социалистик маданиятига унинг учун янги жанрлар ва бадиий ижоднинг янги турлари — роман, повесть, балет, опера, симфоник музика, кинематография ва бошқалар кириб келди. Лекин буржуа идеологлари буни миллий маданиятни «руслаштириш» деб баҳоламоқдалар, СССРда рус бўлмаган халқларнинг анъанавий маданиятларини рус маданияти «суриб чиқаряпти» деган туҳматдан иборат тезисни зўр бериб тарқатмоқдалар, ҳолбуки, масалан, опера, балет ва санъатнинг баъзи бир бошқа турлари фақат рус маданиятига эмас, балки жаҳон маданияти ва цивилизациясига ҳам тааллуқли эканлиги ҳаммага маълум.

Ўзбек халқи маданий меросдан танқидий ва ижодий фойдаланиб, бошқа халқларнинг, биринчи навбатда рус халқининг ёрдамига таяниб ўз миллий маданиятини шакллантиряпти, ривожлантирмоқда ва бойитмоқда. Жуда кўп фактлар ўзбек миллий маданиятининг мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнаётганидан далолат беради. Москва Бадиий академиясида ташкил этилиб, тасвирий санъат мухлисларининг эътиборини тортган Ўрол Тансиқбоев асарларининг кўргазмаси ҳам, ўзбек режиссёри Э. Эшмуҳамедовнинг «Даҳонинг ёшлиги» фильмига Бутуниттифоқ кинофестивалида ва Дамашқда ўтказилган Халқаро кинофестивалда биринчи мукофот берилиши, кейинчалик эса унинг СССР Давлат мукофотига сазовор бўлиши, ўзбек кинематографчиларининг Лейпцигда бўлиб ўтган Халқаро кинофестивалда «Ёқимли ёмғир ёғади» фильми учун «Олтин кабутар» соврини билан тақдирланиши, 1984 йилда ўзбек рассоми Б. Жалоловга СССР Давлат мукофоти берилиши фикримизнинг исботидир.

Кўп миллатли совет маданиятининг ажралмас қисми бўлган ўзбек маданияти ўз миллий хусусиятларини сақлаб қолмоқда, унда илгаригидай

узоқ ўтмишлардан келаётган энг яхши анъаналар яшамоқда ва ривожланмоқда.

СССРдаги қардош халқлар миллий маданиятларининг бир-бирига таъсир қилиши ва бир-бирини бойитиши ҳаётбахш процессдир. А. Навоий номидаги ўзбек давлат академик опера ва балет театри саҳнасида Андрей Петровнинг «Биринчи Петр» операси, Тихон Хренниковнинг «Севгига севги» балети муваффақият билан намойиш қилинмоқда, Сергей Прокофьевнинг «Оташ малак» операсининг премьераси бўлиб ўтди. Ўзбек театрлари қардош республикалар драматурглари пьесаларини саҳналаштирмоқдалар, ўзбек адибларининг пьесалари мамлакатимиздаги кўпгина театрларда саҳна юзини кўрди.

Буржуа сохталаштирувчиларининг Ўрта Осиё халқлари миллий маданиятларининг, жумладан ўзбек халқи маданиятининг интернационаллашувини бузиб кўрсатишга бўлган барча уринишлари, маълумки, СССР халқлари ўртасида миллий адоватни туғдиришга, ленинча миллий сиёсатни обрўсизлантиришга қаратилгандир. Ўрта Осиё бўйича буржуа «мутахассислари» шу мақсадда «марксистларнинг гўё Ўрта Осиё халқлари маданий меросига нигилистик муносабатда эканликлари» тўғрисидаги фикрни зўр бериб пропаганда қилмоқдалар. Масалан, америкалик советолог Э. Бэкон Совет давлатининг бутун маданий сиёсати турклар таъсири ваҳимаси остида ишлаб чиқилган ва уларнинг Ўрта Осиё республикалари маданиятини ривожлантириш борасида амалга ошираётган барча тадбирлари, бир томондан, уларни ўша таъсирдан қутқариб қолишга, иккинчи томондан, ўз маданий меросини унутишга мажбур этишга қаратилгандир, деб исботламоқчи бўлади.

Бундай фикр-мулоҳазалар ҳақиқатдан жуда йироқдир. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ўз амалий фаолиятида ўтмиш маданий меросини ўзлаштириш зарурлиги тўғрисидаги Ленин кўрсатмаларига амал қилади. «Пролетар маданияти,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— аллақандай номаълум жойдан келиб чиққан нарса эмас, пролетар маданияти бобида ўзларини мутахассис деб атовчи кишилар ўйлаб чиқарган нарса эмас. Бундай деб ўйлаш бутунлай беҳуда. Пролетар маданияти инсониятнинг капиталистик жамият, помешчиклар жамияти, амалдорлар жамияти зулми остида яратган билим запасларининг қонуний тараққийсидан иборат бўлмоғи лозим» (ТАТ, 41-том, 340-бет).

Маданиятга марксча-ленинча қараш замирида жамият ривожининг изчиллиги ва илгарилаб бориши прогрессив характерда бўлиши ғояси ётади. Ана шунга мувофиқ ҳар бир янги авлод моддий ва маънавий маданиятни ривожлантира бориб, ўтмиш авлодлардан олган натижаларга суянади.

В. И. Ленин маданий меросга нигилистик муносабатда бўлиш социализм ишига жуда катта зарар келтириши ва уни халқлар кўзи олдида обрўсизлантириши мумкин, деб таъкидлаган эди. Совет давлатининг раҳбари Ўрта Осиё халқларининг социал-иқтисодий ва маданий ривожига жуда катта эътибор берган ва бу ерда маданий ҳамда илмий марказларни барпо этиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб турган эди. Унинг ташаббуси билан 1920 йилнинг 7 сентябрида РСФСР ХКСнинг Туркистон университетини таъсис этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. В. И. Ленин Ўрта Осиё халқларининг архитектура бойликларини сақлаб қолиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатган эди. РСФСР ХКС ишлар бошлиғи В. Д. Бонч-Бруевич ўз хотираларида Владимир Ильичнинг Самарқанддаги машҳур тарихий мачитни ремонт қилиш зарурлигига зўр иштиёқ билан қараганлигини таъкидлаган эди.

Маданий меросни кўз қорачиғидай асраш, янги социалистик маданиятни барпо этиш учун уни ўрганиш ва ўзлаштириш, ўтмиш маънавий бойликларини бутун халқ мулкига айлантириш тўғрисидаги Ленин фикрларини мамлакатимиз, шу жумладан Совет Туркистони партия ва совет органлари изчил турмушга оширдилар. Совет ҳокимиятининг

биринчи йилларидаёқ Туркистон республикасининг Халқ Комиссарлари Совети маданий бойликларни, санъат буюмларини чет элга олиб кетишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. 1920 йилда Туркистон ҳукуматининг қарори билан Самарқанд ва Бухоро архитектура ёдгорликларини муҳофаза этиш, ремонт қилиш ва таъмирлаш юзасидан тадбир-чоралар ишлаб чиқиш мақсадида уларнинг аҳволини ўрганиш учун экспедиция ташкил этилди. 1921 йилда Туркистон Маориф халқ комиссарлиги қошида ўтмиш обидаларини муҳофаза қилиш ишлари комитети тузилди.

Буржуа тадқиқотчилари, ўзбекларнинг ёш авлоди ўз маданий меросидан умуман маҳрум, деб тасдиқлашга уринадилар, ҳолбуки маданий мерос проблемаларини чуқур тадқиқ этиш ва уни ижодий ўзлаштириш фақат Совет ҳукумати давридагина бошланганлиги ҳаммага маълум. Бир қатор илмий-тадқиқот муассасаларининг очилиши бунга ёрдам берди. 1943 йилдан буён Ўзбекистонда республика Фанлар академияси иш кўра бошлади, кейинчалик А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт ҳамда Абу Райҳон Беруний номида шарқшунослик, тарих ва археология, философия ва ҳуқуқ институтлари, санъатшунослик институти барпо этилди, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, санъат музейи, А. Навоий номидаги адабиёт музейи ташкил этилди. Республика нашриётлари Ўрта Осиё халқлари адабиётларининг прогрессив вакиллари — Лутфий, Навоий, Фурқат, Муқимий, Огаҳий, Аваз Ўтар ва бошқаларнинг асарларини мунтазам нашр этиб туради. Ўзбекистон территориясида археологик тадқиқотлар ва фольклор материалларини тўплаш йилдан-йилга кенгайиб бормоқда; маданий меросни ўзлаштириш форма ва методлари хилма-хил бўлиб бормоқда. ЎзССР Маданият министрлиги қошида ёдгорликларни асраш ва уларни илмий асосда таъмирлаш Бош бошқармаси ташкил этилган. 1977 йилда «Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» СССР Қонуни ва Ўзбекистон ССР Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунларнинг 1-моддасида СССР, шу жумладан Ўзбекистон ССР территориясида бўлган барча тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат томонидан муҳофаза қилинади, дейилган.

Масалан, Хивадаги Ичанқалъанинг эски қисми архитектура-тарихий қўриқхона деб эълон қилинди. Қалъа деворлари билан ўраб олинган бу шаҳарчада салкам 250 та ҳар хил кўҳна иншоот бор, улардан қирқ тўққизтаси жаҳон архитектураси хазинасига киритилган. Совет ҳокимияти йилларида уларнинг ҳаммаси тикланган. Самарқанд ва Бухоро архитектура ёдгорликлари жуда улкан бойлик бўлиб, уларнинг марказий зоналари ҳам тарихий-архитектура қўриқхоналари деб эълон қилинган.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 — 1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида: «Миллий маданий меросни сақлаш ва кўпайтириш. Ватан ва жаҳон тарихи ҳамда маданияти ёдгорликларини авайлаб асраш соҳасидаги ишларни активроқ олиб бориш» вазифаси қўйилган. Шундай қилиб, бизнинг мамлакатимизда давлат ёдгорликларни муҳофаза қилиш ишинигина эмас, шунингдек уларни ҳисобга олиб бориш, тадқиқ қилиш, таъмирлаш, консервациялаш ва оммалаштириш ишини ҳам ўз зиммасига олди. Бунинг учун давлат бюджетидан ва турли ижтимоий фондлардан анчагина маблағ ажратилади. Масалан, биргина Бухоро области ёдгорликларини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун ҳар йили салкам миллион сўм сарфланади.

Кейинги ўн йиллар ичида археология ёдгорликларини (Норшохтепа, Пайкент шаҳарчасининг ўрни, Чор Боир архитектура комплексининг қабристонлари ва бошқалар) аниқлаш, рўйхатга олиш ва дастлабки тадқиқ этиш юзасидан катта ишлар қилинди. Бухоро областидаги археология ёдгорликларини тадқиқ қилиш республика муассасалари билан бирга СССР Фанлар академиясининг Археология институти, Шарқ халқлари санъати Давлат музейи (Москва шаҳри), «Эрмитаж» Давлат

музейи (Ленинград шаҳри) ва бошқа марказий муассасалар иштирок этишмоқда.

Мамлакатимизда миллий маданиятларнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнаши ва бир-бирларини бойитиши кўп жиҳатдан миллий тилларнинг ривожланиши ва ўзаро алоқасига боғлиқдир. Маълумки, тил маданият миллий шаклининг асосий компонентларидан биридир. Мамлакатимиз халқлари маданиятларининг яқинлашуви фақат уларнинг мазмунидагина эмас, шунингдек шаклида ҳам юз беради.

Мамлакатимиздаги интернационаллашув процесси, миллатлар ўзаро алоқаларининг ривожланиши тиллар ўртасидаги алоқалар интенсивлашишида, интернационал лексиканинг ва турли тиллар фразеологиясининг кенгайишида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бунда айниқса, рус тилининг роли буюк бўлиб, бу буржуа идеологларининг дидига сира ҳам ёқмайди. Шунинг учун ҳам улар КПСС ва Совет давлатининг тил сиёсатини ўз сохталаштиришларининг асосий объектларидан бири қилиб олганлар. Буржуа сохталаштирувчилари, жумладан, рус тили билан Ўрта Осиё халқлари тилларининг ўзаро таъсири масаласига катта эътибор берадилар. Мамлакатимиз халқларининг рус тилини ихтиёрий равишда ўрганишларини «руслаштириш» деб атаганларидек, улар буни ҳам «руслаштириш» деб эълон қиладилар, рус тилига эса «супертил»деб ном беришади. АҚШ президенти Р. Рейган маслаҳатчиларидан бири Р. Пайпс, масалан, «келгусида СССРда фақат рус тили, рус анъаналари ва урф-одатларигина қолади» деб ишонтирмоқчи бўлади.

Буржуа бемаъни қаламкашларининг Коммунистик партия «рус тилини супертил» қилишга уриняпти, қабилидаги бу хил даъволари ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. СССР халқлари барча тилларининг тенг ҳуқуқлилиги, равнақи ва гуллаб-яшнаши Лениннинг «ҳеч қандай тилга биронта ҳам имтиёз берилмаслиги керак» деган васиятга асосланади (ТАТ, 23-том, 168-бет).

Коммунистик партия ва Совет давлати Ленин кўрсатмаларини муттасил амалга ошириб келмоқда. Совет социалистик жамиятида барча миллий тиллар тенг ҳуқуққа эга. Бу тиллардан биронтаси ўша тилда гаплашадиганларнинг оз ёки кўплигига, грамматикасининг яхши ёхуд ёмон ишланганлигига, луғат фондининг бой ёки камбағаллигига қараб бирор бир имтиёз олмайди. Илгарилари ўз ёзувига эга бўлмаган 50 дан ортиқ СССР халқлари унга Совет ҳокимияти даврида эга бўлдилар. Грамматик тузилиши ва луғат состави мутлақо ўрганилмаган кўп тиллар ҳозир гуркираб ривожланмоқда. 1979 йилги аҳоли рўйхати материаллари СССР халқлари миллий, жумладан тил жиҳатдан юксак даражага эга эканлигини, уларнинг яшовчанлигини тасдиқлаб турибди. Миллати билан ўз она тилининг бир-бирига мос келиши Иттифоқ бўйича 93,1 процентни, ўзбекларда 98,5 процентни, қозоқларда — 97,5, тожикларда — 97,8, туркманларда — 98,7, қирғизларда — 97,9 процентни ташкил этади. КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида «бундан буён ҳам СССРнинг барча гражданлари она тилларини эркинлик билан ривожлантиришлари ва улардан тенг ҳуқуқ билан фойдаланишлари таъминланади» деб таъкидланган.

Кишиларнинг янги тарихий бирлиги бўлмиш совет халқининг тил ҳаётидаги асосий тенденцияларнинг бири миллий-рус икки тиллилигидир. У ёки бу миллатга мансуб кишилардан кўпчилиги рус тилида эркин гаплашгани учун улар мамлакатимиздаги бошқа миллат ва элатлар билан бемалол алоқа қиладилар, билимларни алмашиш янада кенг, бир-бирлари билан ҳамкорлик, энг яхши ютуқларидан ўзаро фойдаланиш янада самарали бўладики, бу қонуний бир ҳолдир. Мамлакатда икки тиллилик кенг ривожланганлигини қуйидаги маълумотдан ҳам билса бўлади: 77 халқда (101 халқдан) СССР халқларининг иккинчи тилида эркин гаплашадиган кишилар сони 50 процентдан ошиб кетади.

Буржуа сохталаштирувчилари рус тили Совет Иттифоқидаги бошқа миллий тиллар билан рақобатда, деган иғвони ҳам тарқатганлар. Чунончи, номи юқорида тилга олинган Р. Пайпс миллий совет республикаларида рус тили «мажбурий ўргатилади», маҳаллий тилларни ўрганиш эса «рағбатлантирилмайди», деб бичиб-тўқийди. Бу гапларнинг ҳаммаси мутлақо асоссиздир, чунки сохталаштирувчиларга шу нарса маълум бўлиши керакки, миллатлараро алоқа тили билан миллий тиллар бир-бирлари билан рақобат қилмайди, балки ўзига хос функцияларни бажаришади, биттаси — миллатлараро соҳада, бошқаси — миллатнинг ўз ичидаги алоқа вазифасини бажаради. Улар бир-бирларини истисно қилмайди, аксинча тўлдиради. КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида «ўз миллий тили билан бир қаторда совет кишилари миллатлараро алоқа воситаси сифатида ихтиёрий равишда қабул қилган рус тилини эгаллаб олиш фан-техника ютуқларидан, Ватан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлиш имкониятини кенгайтиради» деб таъкидланади.

Рус тили алоқа қилишдек олижаноб ишга, СССР, шу жумладан Ўзбекистон ССР миллат ва элатларининг биргаликда келишиб ҳаракат қилишига хизмат қилибгина қолмай, шунингдек айни вақтда у СССРдаги барча миллий тилларнинг ривожланиши ва такомиллашувини рағбатлантириб турувчи тилдир ҳам.

Ҳозирги замон рус тили СССР халқлари миллий тилларидан ўзлаштириш ҳисобига ҳам бойимоқда. Турк ва бошқа тиллардан рус тили составига кирган юзлаб сўзларни келтириш мумкин.

Социализмнинг ғоявий душманлари Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларнинг жуда улкан ютуқларга эришганликларини инкор этолмайдилар, шу боисдан ҳам бу регионда ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилишини сохталаштиришга мажбур бўладилар. Коммунистик партиянинг миллий маданиятларнинг янада ривожланиши, ўзаро таъсири ва бир-бирларини бойитишга қаратилган тадбирларини антикоммунистлар рус бўлмаган халқларга нисбатан муносабатга тенгсизлик сиёсати, уларни мустамлакага айлантириш йўли қилиб кўрсатадилар. Лекин социалистик воқелигимиз бу бемаъни уйдирмаларни бутунлай чиппакка чиқармоқда.

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Тошкентлик журналхон А. Саидов «Озодлик» радиостанциясининг туҳматдан иборат эшиттиришларидан ғазабланаётганлигини ифодалаб, бу радиостанциянинг қайси маблағлар ҳисобига ишлаши ва совет ҳокимиятига қарши қаратилган пропаганда корчалонлари томонидан унга қандай роль ажратилганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб беришимизни сўрабди.

«ОЗОДЛИК» РАДИОСТАНЦИЯСИ — АНТИСОВЕТИЗМ ЖАРЧИСИ

Совет ҳокимиятига қарши қаратилган пропаганда бизнинг мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан бери империалистик кучлар СССР га қарши олиб бораётган «психологик уруш»нинг муҳим қуролидир. Бу кучлар, ўзлари ўйлагандек, совет кишиларининг ғоявий-сиёсий ва маънавий мустаҳкамлигини бўшаштиришга, уларнинг эътиқодлар системасини заифлаштиришга, юз бераётган ҳодисалар тўғрисида хато фикр туғдиришга ва оқибат натижада уларни совет тузумига ич-ичидан путур етказа оладиган хатти-ҳаракатларга ундайдиган ҳар қандай воситаларни ишга солмоқдалар. «Психологик уруш» — одамларнинг ақли, дунёқараши учун, уларнинг ҳаётий, социал ва маънавий мақсад-йўналишлари учун олиб борилаётган кураш»дир, деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида.

Империалистлар 40-йилларнинг охирларигача «психологик уруш»ни бизнинг территориямизга ўтказиш учун зарур бўлган техника воситалари системасига ҳали эга эмас эдилар. Бундай система 50-йилларда яратилди. У СССР ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши идеологик диверсиялар ўтказиш учун қўлланиладиган махсус қўпорувчилик-пропагандистик аппаратдан иборат. Радиодиверсиялар бу аппаратда асосий роль ўйнай бошлади.

60-йилларнинг бошларидаёқ биргина АҚШнинг ўзи СССРни 52 та радиопередатчик ва ретрансляторлар билан қуршаб олди. Кейинчалик Европадаги социалистик мамлакатлар атрофида ҳам шундай тармоқ барпо қилинди. Бунда «қора пропаганда» деб аталадиган каналларга катта роль ажратила бошланди. 50-йиллар бошида ГФР территориясида ташкил этилган ва АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси (МРБ) назорати остида ишлайдиган Американинг «Озодлик» ва «Озод Европа» радиостанциялари бу каналлар ичида алоҳида ўрин эгаллайди.

Узоқ муддат давомида «жамоатчилик асосидаги» радиостанциялар деган ниқоб остида иш олиб борган мазкур радиостанциялар фаолиятини МРБ энг бошиданоқ маблағ билан таъминлаб турди. Вашингтонлик сиёсатчилар ўзининг ёвузлиги билан яхши маълум бўлган бу радиостанцияларни ниқоблашга уриниб, Халқаро радиоэшиттириш совети (ХРС) деган ташкилотни туздилар ва унга ўша радио хизматларини топширдилар. Ҳозирги пайтда ХРС АҚШ конгресси томонидан расмий равишда маблағ билан таъминлаб турилади, лекин шу кунгача ҳам бу радиостанцияларнинг кундалик фаолиятига МРБ раҳбарлик қилиб туради, у СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши идеологик диверсияларни планлаштиради ва бутун қўпорувчилик ишига дирижёрлик қилади.

Шуниси ҳам диққатга сазоворки, «Озодлик» ва «Озод Европа» ташкил этилган кунданоқ иккинчи жаҳон уруши йилларидаги Геббельс идорасининг идеологик операциялар ўтказиш тажрибасини ўзига қурол қилиб олди. Кўпгина нацист малайлари «Озодлик» ва «Озод Европа» радиостанцияларидан бошпана топдилар. Улар орасида «Озодлик» радиостанциясининг «Туркистон редакцияси»га ходим бўлиб олган ватан хоинлари ҳам бор.

«Озодлик» радиоси ўзининг қўпорувчилик характерини пухта ниқоблаб олган. У ўз эшиттиришларининг гўё «инсонпарварлик мақсадлари»ни кўзлашини кенг реклама қилади. Ҳар куни унинг эшиттиришлари тажрибасиз радиотингловчига мўлжалланган қуйидаги сўзлар билан бошланади: «Озодлик» радиостанцияси АҚШ конгресси томонидан маблағ билан таъминлаб туриладиган мустақил радиостанциядир. «Озодлик» радиостанцияси совет халқлари билан конструктив алоқалар ўрнатишни ўзига мақ-

сад қилиб қўйган. «Озодлик» радиостанцияси бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ва халқларнинг ўзаро яқинлашувига хизмат қилади».

«Озодлик» радиостанциясининг «мустақиллиги» хусусида шуни айтиш мумкинки, унинг ватанга хоинлик қилиш йўлига ўтиб олган ва МРБнинг кўрсатмаси бўйича ишлайдиган штатдаги ва штатсиз ходимлари ўз эшиттиришларида «биз — туркистонликлар», «бизнинг республикамиз» деган ибораларни қўллаииш (улар аксарият ҳолларда шундай деб гапирадилар) учун ҳеч қандай маънавий ҳуқуққа эга эмаслар, зеро уларнинг бутун фаолияти совет тузумига нисбатан нафрат ҳисси билан суғорилгандир. «Озодлик» далил сифатида келтирадиган халқаро ҳужжатларнинг ҳеч бирида миллий адоват ва нафратни пропаганда қилиш — «Туркистон редакцияси» айни шунга ихтисослашган — халқларнинг ўзаро яқинлашувига хизмат қилиши мумкин, деб ёзилмаган. Ахборотлар билан эркин равишда алмашинишга жонбозлик кўрсатадиган «Озодлик»нинг эшиттиришларидан АҚШдаги на майда миллатларнинг камситилиши ҳақида, на ГФРдаги чет эллик ишчиларнинг тенг ҳуқуққа эга эмаслиги тўғрисида ҳаққоний маълумот олиш мумкин эмас, ҳолбуки АҚШ конгресси ўша радиостанцияга саховатлик билан маблағ ажратиб туради. ГФР территориясидан эса Ўрта Осиё республикаларига Совет воқелиги тўғрисида бўҳтон ва ёлғоняшиқ гаплар тинимсиз ёғилиб туради. «Озодлик»нинг гўёки ўзбек халқи билан ўрнатмоқчи бўлган «конструктив» алоқалари эса аслида халқ ҳокимияти олдида ўзини бадном қилган айрим шахсларни ёки сиёсий жиҳатдан ғўр ва ғоявий калтабин кишиларни излашдангина иборатдир. Бундай кишилар радиодиверсантларнинг ҳийла-найрангига лаққа учиб, уларнинг хурофий одат ва ҳистуйғуларига таъсир қилиб, оқибатда жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар қилишга бошлаётганларини ўзлари ҳам сезмай қоладилар.

«Озодлик» ўз эшиттиришларида буржуа журналистикаси принципига — оммани аҳмоқ қилишдан иборат асосий методологик принципга амал қилади. «Буржуа матбуотининг бир усули ҳамиша ва барча мамлакатларда бозори чаққон ва «хатосиз» чинакам усул бўлиб чиқмоқда, — дея кўрсатган эди В. И. Ленин. — Бу — ёлғончилик қилавер, шовқин солавер, бақир, қайтақайта ёлғон гапир — «бирон нарса қолар» деган усулдир» (Тўла асарлар тўпламы, 31-том, 245-бет).

Совет Иттифоқи халқларининг 16 тилида ҳафтасига 200 соатдан кўпроқ эшиттириш берадиган «Озодлик» радиостанцияси миллий ва диний бидъатларни авж олдиришга умид боғлаган. Миллатчилик ва ислом — унинг асосий қуролидир. Буржуа пропагандаси назариётчилари ва амалиётчилари миллатчилик — бу барча миллатлар ва халқлар онгига хос бўлган «туғма» ҳис-туйғудир, деган чуқур эътиқодга эга бўлганлари учун ҳам бундай қуролни танлаганлар. Эронда ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқдаги бошқа қатор мамлакатларда содир бўлган ислом «уйғониши» эса ғарб «советшунослари»ни СССРдаги «мусулмон» республикаларига ҳам умид билан қарашга мажбур қиляпти. Бироқ бу сохта олимлар ва «Озодлик»нинг редакцион бўлимларида жойлашиб олган «Совет Иттифоқидаги миллий ва диний проблемалар бўйича мутахассислар» фақат Ўрта Осиё республикалари ва мамлакатимизнинг бошқа республикаларида миллатчилик ва исломнинг активлашишига умид боғлаш билангина чекланаётганлари йўқ. Улар империалистик буржуазиянинг «бўлиб ташла ва ҳокимлик қил» деган қадимги принципига амал қилиб, ўз ният ва истакларини ҳақиқат қилиб кўрсатишга уриниибгина қолмасдан, шунингдек СССРнинг қардош халқлари ўртасига нифоқ ва адоват уруғларини сочиш учун ҳаракат қилишмоқда.

Антисоветизм, миллатчилик ва ислом «Озодлик»нинг бошдан-оёқ ёлғондан иборат пропагандистик андазалар системасига қурилган, аудиториянинг эмоционал ва нотанқидий қабул қилишига мўлжалланган идеологик уйдирмалари да бир-бирига маҳкам чатишиб кетгандир. Масалан, кўпинча «Кремль», «Москва» сўзлари билан расмийлаштириладиган «рус мустамлакачилиги ва империализми» деган сийқа гаплар минг хил йўсинда кўпиртирилиб, рус чоризмининг собиқ миллий ўлкаларга нисбатан олиб борган мустамлакачилик сиёсатини КПССнинг миллий сиёсатига қиёс қилинади, у «Туркистон»нинг «мусулмон» («турк») халқларининг ҳаётини мажбурий равишда руслаштириш сиёсати деб талқин этилади. Бунда улар «турк халқларининг буюк тарихий ўтмиши», улар маданиятининг улуғворлиги ва ҳоказолар тўғрисида оғиз кўпиртириб гапиришади. «Озодлик» эшиттиришларида пантуркизм ғоялари панисломизм ғоялари билан мувофиқлаштириб юборилади. Ислом олдида тилёғламалик қилиш шу даражага етганки, ҳатто ўрта аср диний зулмати орасидан ёриб чиққан Ибн Сино, Улуғбек, Беруний, Хоразмий каби Шарқнинг буюк мутафаккирлари, олимлари, шоирларининг ижодий даҳоси ис-

лом махсулидир, деб, ислом таълимотининг ўзини эса «жаҳонга илм, маданият ва тараққиёт бахш этган» энг илғор таълимотлардан бири, дея эълон қилинади. «Озодлик» эшиттиришларидаги ислом шаънига қилинган ортиқча такаллуфлар буржуа пропагандасининг СССРда «динга ишонувчиларнинг сиқувга олинаётганлиги» ҳақидаги кенг тарқалган уйдирмаси билан қўшиб берилиб, атеистик пропаганданинг эркинлиги виждон эркинлигига тажовуз қилиш сифатида изоҳланади.

«Озодлик» эшиттиришлари қуриладиган унчалик мураккаб бўлмаган схема шундан иборат. Янада ишончли ва асосли бўлиши учун у «илмий авторитетлар»ни — АҚШ ва Ғарбий Европадаги қалин-қалин монографиялар нашр этадиган «советшунослик» марказларидаги Ўрта Осиё бўйича турли хил «мутахассислар»ни далил қилиб келтиради. Бундай марказларнинг асосий мақсади — совет тузумининг емирилиши муқаррар эканлигини исботлаб беришдир. «Озодлик» радиотингловчиларнинг ишончини қозониш учун оммавий аудиторияга психологик жиҳатдан таъсир этишнинг бошқа «сийқаси чиққан» усулларини ҳам ишга солади. Бундай усуллар ичида асосийларидан бири — сиртдан қараганда ҳақиқатга ўхшаш ва ўзини сохта хайрихоҳ қилиб кўрсатиш усулидир. Шу туфайли «Озодлик» эшиттиришларида статистик хулосалар ниҳоятда кўп бўлади, тарихий фактлар ва саналар далил қилиб келтирилади-ю, лекин улар аслида сездирмасдан бузиб кўрсатилади, бизнинг муомалада ишлатиладиган сиёсий терминлардан ўзларини ҳар доим «демократия учун курашчилар» қилиб кўрсатадиган империалистик доираларнинг реакцион хатти-ҳаракатларини хаспўшлаш учун фойдаланиб, КПСС ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати қўпол равишда бузиб кўрсатилади.

Ўз ихтиёрида радиоэшиттиришларни тутиб олиш ва Ўзбекистонда ҳамда СССРнинг бошқа республикаларида чиқадиган вақтли нашрлар устида ишлаш хизматларига эга бўлган «Озодлик» радиостанцияси сўнгги пайтда ўз эшиттиришларида республика радиоэшиттириши, газета ва журналларнинг бизнинг ҳаётимизда ҳали ҳам учраб турадиган салбий ҳодисалар принципиал танқид остига олинган материалларидан активроқ фойдалана бошлади. Радиодиверсантларнинг ички ахборот манбаларини кўплаб далил сифатида келтиришдан мақсади радиотингловчиларнинг эшиттиришлар авторларига нисбатан ишончини оширишдир. Улар шу тариқа «Совет системасининг бесамаралиги», «Кремлнинг мустамлакачилик сиёсати» ҳақидаги ва бошқа шу сингари ғояларни тингловчилар онгига кўпроқ сингдирмоқчи бўлишади.

«Озодлик» ўз эшиттиришларида «ўхшашлиги бўйича» таъсир ўтказишга, радиотингловчи онгида ассоциацияга асосланган алоқа уйғотишга мўлжалланган тегишли информацион ахборот шарҳларни тўплаш йўли билан ниятига эришиш учун уринган пайтларида ўзининг ашаддий антисоветизмининг иложи борича пухта бекитилган ниқобидан фойдаланади. Шунинг учун ҳам «Озодлик» программаларида «Кремлнинг мустамлакачилиги» ҳақидаги суҳбатларнинг ҳали миллий масала ҳал этилмаган мамлакатлардаги «норозилик чиқишлари» тўғрисидаги хабарлар билан ёнма-ён берилиши бежиз эмас.

«Озодлик»нинг нотанқидий қабул қилинади деб ҳисоблаб кенг қўллайдиган «психологик лўттибозликлари» унинг совет тузумига, Ўрта Осиё республикаларининг совет ҳокимияти йилларида эришган муваффақиятларига нисбатан қаҳр-ғазабини яшира олмайди. СССРга қарши эшиттиришлар берадиган «Озодлик» ва бошқа ғарб радиостанциялари ўз қуролларини йиғиштирмоқчи эмаслар. Ўзбекистон КП МҚнинг республика Компартиясининг XXI съездига Ҳисобот докладида шундай таъкидланади: «Синфий душман социализмга, марксча-ленинча идеологияга, КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатига ўз микёси жиҳатидан мислсиз хуружлар қилмоқда. Ҳамма нарса — ёлғон-яшиқ, туҳмат, сохтакорлик, хаспўшлаш усуллари ишга солинмоқда, аллақачон умри тугаган панисломизм ғоялари қайтадан кўтариб чиқилмоқда, миллатчилик эҳтирослари кучайтирилмоқда».

Лекин бу нарса ўзларининг психологик ҳужумлари натижа бермаётганлигини сезиб турган ғоявий мухолифларимизнинг ожизлигидан ҳам далолат беради. В. И. Ленин шундай деб ёзган эди: «Буржуазиянинг ишчиларга ғоявий таъсири пасая, барбод бўла ва кучсизлана борган вақтда, буржуазия *ҳамма жойда ва ҳамиша* учига чиққан ёлғон-яшиқлар ва туҳмат ёғдириш йўлига ўтиб келди ва шундай қилади» (ТАТ, 25-том, 406-бет). АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси сахийларча маблағ билан таъминлаб турган антисоветизм жарчиси — «Озодлик» радиостанциясининг» «фаолияти» В. И. Ленин сўзларини тўла тасдиқлаб турибди.

Л. КУРГУЗОВА,
филология фанлари кандидати.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМНИНГ РЎЁБГА ЧИҚАРИЛИШИ ТАРИХИДАН

ПАРТИЯ ҲОЗИРГИ босқичда социалистик интернационализм принципларига асосланган миллий муносабатларни такомиллаштиришни мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг муваффақиятини таъминлайдиган асосий йўналишлардан бири, деб билмоқда. Бугунги кунда бу йўналишнинг амалга оширилиши миллий масаланинг ҳал этилиши жонли практикасини тушуниб етиш ҳамда меҳнаткашларнинг интернационал жиҳатдан жипслашуви тарихий тажрибасини умумлаштириш билан боғлиқдир. Ўзбекистонлик олимлар коллективининг тақриз қилинаётган асари* ҳам социалистик миллий муносабатлар тараққиётида интернационализм сиёсатининг ролига бағишланган. Унда партия ва Совет давлатининг янги жамиятни муваффақиятли тарзда бунёд этиш, миллатлар ва элатларни янада ривожлантириш ва бирбирига яқинлаштириш мақсадида олиб бораётган системали, ҳар томонлама ва собитқадам фаолияти кўрсатилган.

Китобда материални баён қилишга тематик ёндашиш унинг ўзига хос хусусиятидир. Бундай ёндашиш бутун социалистик қурилиш мобайнидаги интернационализм сиёсатининг асосий йўналишларини изчиллик билан, ҳаракатда кўриб чиқишга имкон берган. Афсуски, бу усул айрим тарихий босқичлардаги интернационализм тажрибасини комплекс тарзда тушуниб олиш учун имкониятларни бирмунча чеклаган.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари миллий давлат тузумининг ташкил қилиниш жараёни В. И. Лениннинг миллий-давлат қурилиши масалаларига доир асарларини чуқур анализ қилиш, тарихий ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиш асосида очиб берилади. Токапиталистик муносабатлар сақланиб қолган бир шароитда бундай тузумнинг ташкил топиш йўлининг ўзига хослиги, Ўзбекистондаги ўзига хос шароитда ленинча назариянинг ижодий қўлланилиши, сиёсий соҳада интернационалистик тенглик принципининг изчил равишда татбиқ қилиниши, совет кўп миллатли давлатининг янада ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши — ана шу ва бошқа масалалар авторларнинг диққат марказида туради. Жумладан, республикадаги миллий-давлат қурилиши интернационалистик принципларга асосланиб ва миллий хусусиятлар ва талабларни қатъий равишда ҳисобга олиб амалга оширилганлиги кўрсатилган.

Тақриз қилинаётган китобдаги бўлимларнинг бир қисми интернационализм сиёсатининг иқтисодий жиҳатларига бағишланган. Унда илгари ўрганилган масалалар билан бир қаторда янги масалалар ҳам кўтарилади. Масалан, экономикага раҳбарлик қилишда централизм билан миллий суверенитетнинг қўшиб олиб борилиши масаласи ана шундай янги масалалардандир. Умумиттифоқ халқ хўжалик комплекси доирасида Ўзбекистон иқтисодий потенциали шаклланишининг тадқиқ қилиниши эътиборга лойиқдир. Авторлар келтирган фактлар партиянинг республикаларда саноатни ҳар тарафлама ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини социалистик асосда туб ўзгартириш, мамлакатнинг молиявий ва моддий ресурсларини тақсимлаш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, республикалараро меҳнат тақсимоти ва иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида кўрган тадбирларида интернационализм сиёсати ўз аксини топганлигидан гувоҳлик беради. Буларнинг ҳаммаси социализм қуриш жараёнида айрим регионларнинг хўжалик жиҳатдан қолоқлигини бартараф этишга, замонавий халқ хўжалик ком-

---

* Осуществление ленинских идей социалистического интернационализма в Узбекистане. Ташкент, «Узбекистан», 1984, 376 с.

плексини ташкил этишга имконият яратади, бу социалистик миллий муносабатларни такомиллаштиришга иқтисодий асос бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги босқичда ижтимоий турмушнинг интернационаллашувини чуқурлаштиришда ягона техника сиёсатининг роли ҳақидаги масала эътиборга сазовордир. Лекин авторлар ижтимоий турмушни интернационаллаштириш, регионларнинг иқтисодий ривожланишини бараварлаштиришнинг бир омили сифатидаги меҳнат ресурсларини оқилона тақсимлаш, аҳолининг республикалараро ва республика ичидаги кўчиб ўтиши проблемасини янада муфассалроқ кўриб чиқишлари керак эди.

Социализм миллий маданиятларнинг ривожланиши, уларнинг бир-бирига яқинлашуви ва ўзаро бойиши учун ҳамма шароитларни яратди. Ўтмишнинг бой меросига таяниш ва бошқа миллатлар маданий потенциалидан ижодий фойдаланиш — интернационализм сиёсати доирасида маданият тараққиётидаги муваффақиятларни, миллий муносабатларнинг бу соҳасида тенгликнинг қарор топишини таъминлаган манбалар ана шулар эди. Китобда ўз аксини топган Ўзбекистонда маданий қурилиш тажрибаси социализм шароитида интернационаллаштириш миллий маданиятларнинг прогрессив имкониятларини инкор қилмасдан, балки фақат уларни эскирган, қотиб қолган иллатлардан холи қилиб, миллий маҳдудликни бартараф этишга ёрдам бериши, мамлакатимиз барча халқлари маданиятларининг ўзаро алоқаларини кенгайтириш, уларнинг янги қирраларини юзага чиқариш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар очажагидан далолат беради.

Авторларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатнинг изчиллик билан амалга оширилиши Шарқ ва Ғарб маданий анъаналарининг интернационаллашувига, бадиий ижоднинг янги шакллари ва жанрларининг ташкил топишига, умуминсоният цивилизациясининг энг яхши эстетик анъаналарини қабул қилишга ёрдам берган. Жаҳон ва рус классик меросининг ютуқларига онд барча янги нарсалар миллий ўзига хос жиҳатларни ривожлантириш асосида, маданиятнинг ҳали унчалик ёрқин ифодаланмаган элементлари негизида қабул қилинар эди. Бундай элементлар бадиий ижоднинг ҳозирги даражасига узоқ давом этадиган эволюция жараёнида олиб келиши мумкин эди. Партиянинг интернационалистик сиёсати бу жараённи анча жадаллаштириб, унга планли, аниқ мақсадга қаратилган характер бахш этди.

Тадқиқотчилар бу масалаларни кўриб чиқар эканлар, мазкур жараённинг маданиятларнинг айнан ўзаро бир-бирига таъсирини тақозо қиладиган икки томонлама процесс эканлигига эътиборни қаратишлари лозим эди. Масалан, социализм қуриш босқичида рус бадиий тафаккурининг актив таъсири олимларнинг бир қисмида бу ҳодисанинг бир томонламалиги тўғрисида тасаввур пайдо қилган эди. Ваҳоланки, 20—30-йиллардаёқ алоқаларнинг кучайиши туфайли ўзбек маданияти «акс» таъсир ўтказа бошлаган. Ўшандаёқ миллий колоритга эга адабиёт, санъат, фольклор, воқеликнинг ўзи Ўзбекистон халқлари билан яқинлашган қатор рус маданияти арбобларининг ижодига таъсир ўтказганлиги сезилиб турарди. Эндиликда маданиятларнинг ўзаро таъсир этиш жараёнининг доиралари янада кенгайди.

Партия ва совет ташкилотларининг миллий ва этнографик группаларга нисбатан олиб борган фаолиятида изчил интернационалистик сиёсат яққол намоён бўлди, бу айникса социал-иқтисодий тараққиётнинг нисбатан пастроқ даражасида турган группаларга бўлган муносабатда сезилди. Авторлар китобнинг қатор бўлимларида бу ҳолни конкрет-тарихий материал асосида очиб беришга, партия, Совет давлатининг Ўзбекистон территориясида истиқомат қиладиган тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, корейслар, татарларни социалистик қурилишга жалб этиш борасида олиб борган улкан ишини кўрсатишга ҳаракат қилишган (83—86, 94—95 ва бошқа бетларга қаралсин).

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ташкил топиш ва ривожланиш даврида бутун фаолиятига ва ташкилий структурасига интернационализм принципи сингиб кетгандир, партия-совет кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишга ҳам ана шу принцип асос қилиб олинган.

Китобда 20—30-йиллардаги синфий-антагонистик дунёқарашларнинг мураккаб тарзда аралашиб кетганлиги, токапиталистик ижтимоий онгнинг аста-секин социалистик онгга айлана бориши, шунингдек буржуа-миллатчилик оқимларининг жонланиши билан характерланадиган идеологик жараённинг батафсил кўриб чиқилганлигини тақриз қилинаётган асарнинг фазилати сифатида қайд қилиш лозим. Китобда миллий хурофотлар ва сохта фикрларни йўқотиш, меҳнаткашларни интернационал жиҳатдан тарбиялаш юзасидан партия ва комсомол ташкилотлари олиб борган ишнинг асосий шакллари ва йўналиш-

лари кўрсатилган. Авторларнинг социализм қурилиши вазифалари муносабати билан «интернационал тарбия ҳамма нарсани белгиловчи ва кенг қамровли жараён характерини касб этганлиги, республикадаги меҳнаткаш аҳолининг барча социал группалари ҳамда синфлари ана шу тарбия таъсирида бўлганлиги» тўғрисидаги фикр (282-бет) диққатга сазовор. Бутун идеологик иш меҳнаткашларнинг турли социал группаларига табақалаштирилган тарзда ёндашиш асосида олиб борилар, бунинг натижасида интернационализм кенг меҳнат оммасининг эътиқоди бўлиб қолган эди. 20-йиллардаги идеологик кураш ва партияга қарши барча оқимларнинг тор-мор қилиниши батафсил, янги материаллардан фойдаланиб ва партия ҳужжатларини чуқур ўрганиш асосида баён қилиб берилган.

Афсуски, тадқиқотда совет халқининг интернационализми ғоят катта куч билан намоён бўлган Улуғ Ватан уруши даври, шунингдек социализм қурилишининг якунланиш даври етарли равишда тўла акс эттирилмаган. Бундан ташқари, интернационализмнинг социал жиҳатларини кенгроқ таҳлил этиш, ишчилар синфи миллий кадрларининг шаклланиш жараёни юз бераётган бир шароитда меҳнаткашларни интернационал жиҳатдан жипслаштиришда ишчилар синфи раҳбарлик ролининг ўзига хос хусусиятини очиб бериш керак эди. Интернационализм сиёсатининг социал-этник жараёнларга, миллий группаларнинг тарихий тақдирига таъсири масалаларини тағин ҳам ўрганиш лозим бўлади.

З. ОРИФХОНОВА,
тарих фанлари доктори.

ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ТЎҒРИСИДА УМУМЛАШТИРУВЧИ АСАР

Социалистик жамият инсоният тараққиётининг бутун тарихи мобайнида халқлар яратган маънавий меросдаги қимматли бойликларни улоқтириб ташламайди, балки уларни танқидий ўзлаштиради, социал зулм ва маънавий иллатлар билан курашда ишлаб чиқилган илғор ижтимоий ғояларни назарий умумлаштиради. Маданий меросни марксча-ленинча методология позициясидан туриб ўрганиш социалистик маданиятни янада ривожлантиришга, идеология ишини такомиллаштиришга кўмаклашади, коммунистик тарбиянинг янги йўллари ва воситаларини топиш имконини беради. М. Хайруллаевнинг тақриз қилинаётган монографияси* шу нуқтаи назардан муайян қизиқишга моликдир.

Асарда ўрта аср Шарқи илғор мутафаккирларининг тарихий-фалсафий фанга қўшган ҳиссаси тўғрисида кейинги ўн йилликларда олиб борилган тадқиқотларни умумлаштиришга ҳаракат қилинган, ана шу регион маданий меросининг ҳозирги замон учун аҳамияти кўрсатилган ва ҳоказо. Автор ўша даврдаги Ўрта Осиё ижтимоий-фалсафий тафаккури ривожининг характерли хусусиятларини, умумий тенденцияларини ва қонуниятларини, унинг антик маданият билан ғоявий алоқаларини очиб беради, фан ва маданият йирик намояндаларининг материалистик, рационалистик ва гуманистик қарашларини, шунингдек этик, социал-утопик, эркин фикрлаш ғояларини таҳлил этади.

Ўзбекистонда Ўрта Осиё халқларининг бой фалсафий меросини ўрганиш 60-йилларда, фан ва маданиятнинг Ал-Форобий, Ибн Сино, Беруний, Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз, Улуғбек, Али Қушчи, Навоий, Мирза Бедил, Аҳмад Дониш, Муқимий ва бошқалар каби намояндаларининг ижтимоий ва фалсафий қарашларини систематик тадқиқ қилишга катта эътибор берила бошлаганида кучайди. Илғор мутафаккирлар асарларининг араб ва форс тилларидан рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниши ҳамда нашр этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Монографияда ёритилган асосий назарий масалалардан бири — шарқ ренессанси проблемасидир. Маълумки, Европа мамлакатларида маданий юксалиш XV асрнинг иккинчи ярмидан, буржуа муносабатлари вужудга келиши бўсағасида бошланган бўлиб, қироллик ҳокимиятининг кучайиши, крепостнойликнинг заифлашуви билан, деҳқонларнинг кудратли ҳаракатлари, техника-

* М. Хайруллаев. Культурное наследие и история философской мысли. Ташкент, «Узбекистан», 1985, 262 с.

фан, ҳунармандчилик, савдо-сотиқнинг ривожланиши, географик кашфиётлар, миллатларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган эди. Шарқда эса, М. Хайруллаевнинг фикрича, уйғониш маданияти «феодал муносабатлар ва феодал ишлаб чиқариш усули базасида, феодал жамияти доирасида шаклланиб, унинг ривожланишидаги турли босқичларни акс эттирди» (64-бет).

Автор Шарқда ренессанс ҳодисалари фақат биргина давлат ёки регион учун характерли бўлмай, балки турли мамлакатларда, улар халқларининг тарихида намоён бўлганлиги тўғрисидаги қоидани ёқлаб чиққан. У ана шу нуқтаи назарни кўзлаб далиллар келтиради, IX—XV асрлардаги Ўрта Осиё маданий ҳаётининг характерли хусусиятларини очиб беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, «ренессанс» тушунчасининг ўзи бир маънода шарҳланмаслиги Ўрта Осиё шароитида ренессанс проблемаси талқинини ҳам қийинлаштиради. Китобда Ўрта Осиё маданиятига нисбатан «ренессанс» термини билан бир қаторда «ренессанс арафаси маданияти», «ренессанс маданияти» сингари тушунчалар ҳам ишлатилганки, бу ажабланарли эмас. Бу мазкур проблемани муҳокама қилиш давом эттирилиши кераклигидан дарак беради.

Монографияда IX—XI асрлардаги шарқ Уйғониш давридаги энг йирик мутафаккирлар ва арбоблар — Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Ибн Сино ва Берунийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашларини таҳлил қилишга махсус ўрин ажратилган бўлиб, уларнинг математика, астрономия, география, медицина, логика, этика, философия ва бошқа фанлар соҳасидаги хизматлари таъкидланади. Уларнинг илғор фалсафий ғоялари фан ва маданиятнинг янада ривожланишида катта роль ўйнади ва Европада материалистик ғояларнинг шаклланишига кўп жиҳатдан баракали таъсир кўрсатди.

Маълумки, XIV—XV асрлар Ўрта Осиё тарихида алоҳида ўрин тутади. Бу даврда ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида сезиларли силжишлар юз берди, антик маданиятга, Ҳиндистон, араб мамлакатлари халқларининг илк ўрта аср фалсафий меросига қизиқиш кучайди. Ана шу ижобий ўзгаришлар негизида регионда илғор фалсафий ва социал-сиёсий ғоялар ривожланади. Асарда феодал жамиятининг зиддиятли характери ҳам, ўша даврдаги ижтимоий тафаккур ривожининг хусусиятлари ҳам ифодасини топган. Қошифий, Журжоний, Девонийнинг, шунингдек XVI аср мутафаккири Юсуф Қорабоғийнинг қарашлари таҳлил этилади. Ўйлаймизки, автор Жомий билан Навоийнинг гуманистик ғояларига муфассалроқ тўхталиши лозим эдики, уларнинг ижодиётида Ўрта Осиё уйғониш маданиятининг асосий хусусиятлари энг ёрқин намоён бўлган.

Бизнинг назаримизда, монографияда пантеизм ва шарқий пелипатеизм каби муҳим назарий масалалар кўриб чиқилганини, илмий билимлар системалаштирилгани ҳамда фанлар таснифланганлигини ва шу кабиларни унинг фазилати деб ҳисоблаш мумкин. Адабиётда етарлича ишланмаган проблемалар сирасига Ўрта Осиёдаги мантиқ-гносеологик ҳамда социал-утопик ғоялар ҳам киради. Автор социал-утопик ғояларга тўхталар экан, улар халқ оғзаки ижоди асарларида, мусулмон бидъатларида, ўрта аср муаллифларининг тарихий ва фалсафий асарларида, шунингдек бадиий асарларда вужудга келганлигини таъкидлайди.

М. Хайруллаевнинг Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маданий меросини талқин қилишда буржуа олимларининг ғайриилмий ғояларини, Шарқ халқларининг маданият ва фан соҳасидаги ютуқларини сохталаштирувчи европоцентристик ва осиёцентристик концепциялари моҳиятини далил-исботлар билан фош этганини табриклаш керак. «...Шарқ тўғрисидаги буржуа фани, деб таъкидлайди автор, — «ғарб тафаккури» (жамики илмий, оригинал, ижобий нарсалар ўшанга мансуб деб қаралган) «Шарқ тафаккури»нинг «диний мистик характерига» қарама-қарши эканлиги тўғрисидаги европоцентристик концепцияни асослашга интилиб келганки, бунда у ўзи илгари сурган Ғарб билан Шарқнинг бир-бири билан сиғишмас иккита цивилизацияси тўғрисидаги принципдан келиб чиққан» (28-бет). Фан соҳасидаги реакционерлар ўз асарларида Шарқ халқларининг чинакам илғор маънавий бойликларини назар-писанд қилмайдилар, илғор мутафаккирларнинг ижтимоий ва фалсафий қарашларини эса алогизм, иррационализм, фанатизмдан иборат қилиб кўядилар, буни ислом динининг хусусиятлари билан изоҳлайдилар. Айни вақтда «мусулмон» Шарқининг баъзи буржуа олимлари Шарқ маданиятининг, жумладан араб ва эрон маданиятининг жаҳон маданияти ривожидаги фавқулодда ролини ҳар қанақасига писанда қиладилар. Бу билан улар Шарқ, хусусан Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг илмий, ижтимоий-фалсафий ютуқларини камситмоқчи бўладилар. Ўрта Осиёдаги Шарқ мутафаккирлари қарашларидаги салбий диний-

мистик жиҳатларга ортиқча баҳо бериш, уларнинг илғор таълимотларини диний йўсинда талқин қилиш уларга хосдир. Шу жиҳатдан автор буржуа философияси методологик принципларининг нобоплигини ишонарли тарзда кўрсатиб берган, лекин китобда айрим хорижий авторлар позициялари танқидий таҳлил қилинганида, у яна ҳам ютган бўлур эди.

Монографияда Туркистонда марксча-ленинча философиянинг тарқалишини ўрганишга анча ўрин берилган, бу ерда марксча-ленинча философия XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошида ёйила бошлаган эди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши туб ерли аҳолининг Россия халқлари, бутун инсоният маданияти билан ошно бўлишига қулай шароит яратди. Шу вақтдан эътиборан Туркистонда аввалига демократик, сўнгра марксча-ленинча ғоялар ёйила бошлади. Автор Ўрта Осиёга илмий социализмнинг кириб келишига ёрдам берган рус революцион марксистлари фаолиятини кўрсатиб беради. Ўзбек ва тожик маърифатпарварлари — Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Ҳамза, Айний ва бошқалар аҳоли ўртасида рус маданиятини, демократик ғояларни пропаганда қилишда катта роль ўйнаган эдилар. Китобнинг махсус бўлими социализм асосларини қуриш даврида Туркистонда марксча-ленинча философиянинг ривожланишига бағишланган. Марксизм-ленинизмга душман концепцияларга қарши кураш, материалистик дунёқарашни тарғиб қилиш ва қарор топтириш бу босқичнинг характерли хусусиятидир. Автор ўша даврдаги мафкуравий вазиятни таҳлил этар экан, ҳаққоний равишда шуни таъкидлайдики, «бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида марксча-ленинча философия ва социологик тафаккурнинг қарор топиши жуда мураккаб ва ўзига хос тусда кечди. Туркистоннинг қолоқ экономикаси, унинг аҳолисининг маданий савияси пастлиги, ислом диний-феодал идеологиясининг зўравонлиги, ошкора ва ниқобланган аксилинқилобий унсурларнинг фаол антисовет фаолияти, марксистик кадрларнинг камлиги ва уларнинг назарий савияси мутлақо етишмаслиги ва шу кабилар Ўзбекистонда мафкуравий курашда ўз изини қолдирган эди» (216-бет). Ўзбекистон Коммунистик партияси шундай шароитда аҳолининг кенг қатламлари орасида марксча-ленинча идеологияни ёйиш соҳасида катта ташкилотчилик иши олиб борди: ўзбек тилида газеталар чиқа бошлади, марксизм-ленинизм классикларининг асарлари таржима қилинди, диалектик ва тарихий материализм, философия тарихи, илмий атеизмга доир илмий асарлар пайдо бўлди. Автор ўша даврдаги илмий тадқиқот ишларига муфассал тўхталади, республика философларининг энг йирик асарларини таҳлил қилади.

Социалистик қурилишнинг ҳозирги босқичи марксча-ленинча философия проблемаларини ҳар тарафлама ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда философ-олимлар сонининг кўпайиши билан характерланади. Шу муносабат билан автор социалистик миллатларнинг бир-бири билан ҳар тарафлама яқинлашиши, меҳнатга коммунистик муносабатларнинг қарор топиши, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги қарама-қаршиликнинг тугатилиши, синфий тафовутларнинг бартараф этилиши, меҳнаткашларнинг маданий-техникавий савияси юксалиши, совет социалистик интеллигенциясининг шаклланиши ҳамда ривожланишига ва бошқа масалаларга бағишланган монографик тадқиқотларни кўриб чиққан. Бу даврда марксча-ленинча этика ва эстетика, илмий атеизм, диалектик материализм, философия тарихи соҳасида тадқиқот иши авж олади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, ушбу бўлимда тавсифий ёндашиш кўп жиҳатдан устун бўлиб қолган. Автор Ўзбекистон философларининг тадқиқотлари самарадорлигини таҳлил этиши, ҳали ҳам мавжуд бўлган камчиликларни кўрсатиб ўтиши, айрим олимлар изланишларининг реал аҳамияти тўғрисида ўз позициясини аниқроқ ифодалаши керак эди.

Бу ўринда кўрсатиб ўтилган нуқсонлар, барча бошқа жиҳатлардан ташқари, буржуа олимларининг «ислом омилини» кўкларга кўтарувчи, Ўрта Осиё, шу жумладан ўзбек халқининг ўтмишдаги маънавий бойликларини бузиб кўрсатувчи реакцион ғояларига муносиб зарба берадиган М. Хайруллаев монографиясининг қимматини пасайтирмайди. Китоб республика олимларини маданият тарихи, региондаги фалсафий тафаккурнинг энг муҳим ва актуал проблемаларини янада ишлаб чиқишга ундайди.

Л. ГАРБЕР,
философия фанлари доктори.

Х. АЛИҚУЛОВ,
философия фанлари доктори.

КПСС тарихи ва партия қурилиши соҳасидаги тадқиқотларни координациялаш республика совети тасдиқлаган диссертациялар темалари

АБДУЛЛАЕВА Я. А. (Москва). Қорақалпоғистон партия ташкилотининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида хотин-қизларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга доир фаолияти (1966 — 1975 йиллар).

ОДИЛОВА Ш. Г. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг республика комсомолининг фронт билан фронт орқаси бирлигини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятига раҳбарлиги (1941 — 1945 йиллар).

АКБАРОВ Т. З. (Тошкент). РКП(Б) МК ва Туркистон Компартиясининг пахта тозалаш саноатини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича фаолияти (1918—1924 йиллар).

АЛЕКСЕЕВ В. И. (Самарқанд). Совет Қуролли Кучлари қисмлари ва бўлинмалари сиёсий органлари ва бошланғич партия ташкилотларининг ҳозирги шароитда жангчи-коммунистларнинг жанговар ўқишдаги ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги активлигини оширишга доир фаолияти (1981 — 1986 йиллар).

ОРТИҚХЎЖАЕВА О. К. (Тошкент). Социализмни такомиллаштириш даврида Ўзбекистон комсомол ташкилотини ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга партиявий раҳбарлик (1975 — 1985 йиллар).

ҒАФФОРОВ С. Ш. (Самарқанд). Ўзбекистон Компартиясининг республикада ленинча кооперативлаштириш планини амалга оширишда маҳаллий Советлар ролини оширишга доир фаолияти (1928 — 1937 йиллар).

ГОЛОВАЧЕВ А. А. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг ҳунар-техника таълими системасида ишчи кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашга раҳбарлиги (1946—1961 йиллар).

ГРЕБЕННИКОВА Т. Ф. (Тошкент). Апрель революциясининг янги босқичида АХДПни қуриш ва унинг фаолиятида КПССнинг партия қурилиши соҳасидаги тажрибасидан ижодий фойдаланиш.

ЖАББОРОВА Э. М. (Тошкент) Ўзбекистон Компартиясининг урушдан олдинги беш йилликларда республикада марксча-ленинча идеологияни оммалаштириш борасидаги фаолияти (1933 — 1941 йиллар).

ДЎСМУРОДОВ Ж. Х. (Қарши). Ўзбекистон Компартиясининг совет жамиятини социал-иқтисодий ривожлантиришда меҳнат коллективларининг ролини ошириш борасидаги фаолияти (1975 — 1985 йиллар).

ЗАКРЕВСКИЙ В. М. (Тошкент). Ички қўшинлар сиёсий органлари, партия ташкилотларининг жангчиларни коммунистик руҳда тарбиялашда комплекс ёндашувни амалга ошириш юзасидан фаолияти (1971 — 1980 йиллар).

ҚАМАРИТДИНОВА М. С. (Тошкент). Ўзбекистон Коммунистик партиясининг қишлоқ хўжалигини индустриал асосга ўтказишга доир фаолияти (1976 — 1985 йиллар).

ҚИРИҚОСЬЯНС Э. С. (Чирчиқ). Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Ўзбекистон саноат корхоналари меҳнаткашларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш бўйича фаолияти (1946—1955 йиллар).

ҚУРБОНОВ Д. Ф. (Қарши). Туркистон Компартиясини қуриш ва унинг фаолиятида интернационализм принципи (1918 — 1924 йиллар).

МЕЛИҚЎЗИЕВА М. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг социализмни такомиллаштириш шароитида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга доир фаолияти (1976 — 1986 йиллар).

МИРЗААҲМЕДОВА Д. В. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг ҳозирги босқичда ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларни бир-бирига яқинлаштиришга доир фаолияти.

МОРОЗОВ А. П. (Тошкент). Коммунистик партиянинг Туркистонда босмачилик ҳаракатига қарши курашга раҳбарлик қилиш бўйича тарихий тажрибаси (1918 — 1924 йиллар).

МУҲАМЕДОВ Ш. Б. (Бухоро). Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг историографияси (1917 — 1925 йиллар).

НАСРИТДИНОВ К. М. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг ирригация қурилишини янада ривожлантиришга доир фаолияти (1976 — 1985 йиллар).

ТОЖИЕВА М. У. (Тошкент). Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш коллективлари партия ташкилотларининг ҳозирги шароитда меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашга доир фаолияти.

ТУРСУНОВА Х. (Навоий). ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг ишчилар синфининг миллий кадрларини тайёрлашдаги роли (1922 — 1934 йиллар).

УМАРҚУЛОВА Р. Х. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг ҳозирги босқичда қишлоқ меҳнаткашларини интернационал руҳда тарбиялашга доир фаолияти.

УМУРЗОҚОВА Р. И. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг республикада химия саноатини янада ривожлантиришга доир фаолияти (1971 — 1980 йиллар).

ФИЛИМОНОВ Н. И. (Самарқанд). Совет Қуролли Кучлари партия ташкилотларининг КПСС га қабул қилиш учун ёшларни танлаш ва ёш коммунистларни тарбиялашга доир фаолияти (1976 — 1986 йиллар).

ҲАКИМЖОНОВ Н. И. (Тошкент). АХДПнинг Апрель революцияси ғалабаларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашда жамоат ташкилотларига раҳбарлик қилиш бўйича фаолияти (1979 — 1985 йиллар).

ХОЛИҚУЛОВ П. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг ҳозирги шароитда маҳаллий Советлар ишини такомиллаштиришга доир фаолияти (1971 — 1975 йиллар).

ҲАСАНОВА М. Б. (Гулистон). Ўзбекистон Компартиясининг ҳозирги шароитда раҳбар кадрларни ғоявий-маънавий жиҳатдан тарбиялашни такомиллаштиришга доир фаолияти.

ШОДИЕВ С. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг пахта тозалаш саноати ишчиларининг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга доир фаолияти (1976 — 1986 йиллар).

ЙЎЛДОШЕВ Х. Х. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг ўз сафларининг сифат составини яхшилашга доир фаолияти (1925 — 1929 йиллар).

ЮСУПОВА С. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг социализмни такомиллаштириш даврида меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашга доир фаолияти (1976 — 1985 йиллар).

РЕДАКЦИЯДА УЧРАШУВ

Польша Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг ташқи сиёсат журнали «Международная жизнь» («Халқаро ҳаёт»)нинг бош редактори Михаил Доброчинский редакцияда меҳмон бўлди. Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг журнали «Международная жизнь» ходими Юрий Алексеевич Ершов у билан бирга бўлди. Улар редакциянинг халқаро ҳаётга доир масалаларни ёритиш режалари, редакция коллективининг янгича иш формалари билан қизиқдилар. Уларга редакциянинг КПСС XXVII съезди қарорларини рўёбга чиқариш соҳасидаги фаолияти тўғрисида ахборот берилди.

Халқ Польшасидан келган меҳмон ўзи раҳбарлик қилаётган журнал иши тўғрисида, Польша Халқ Республикаси ҳаётининг экономика, социал ва маданий соҳалардаги муваффақиятлари тўғрисида гапирди, саволларга жавоб берди.

Учрашувда «Ўзбекистон коммунисти» журнали редакция ҳайъатининг аъзолари қатнашдилар.

1986 ЙИЛДА «ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ» ЖУРНАЛИДА БОСИЛГАН МАҚОЛА ВА МАТЕРИАЛЛАР КЎРСАТКИЧИ

БОШ ВА РЕДАКЦИОН МАҚОЛАЛАР

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

Партиянинг съездолди ҳужжатлари муҳокамаси

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ИНСОН ВА ТАБИАТ

ЛЕНИНИЗМ — БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ ВА ҚУРОЛИМИЗ

ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

ХАЛҚНИНГ СОЦИАЛИСТИК ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРУВИ

ИДЕОЛОГИЯ, ФАН, МАДАНИЯТ

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

МУҲИМ САНАЛАР ВА ВОҚЕАЛАР

РОССИЯДАГИ БИРИНЧИ РЕВОЛЮЦИЯНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

ХАТЛАР, КОРРЕСПОНДЕНЦИЯЛАР

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42. бўлимлар марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68, экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 13.11.1986 й. Босишга рухсат этилди 8.12.1986 й. Формати 70×108 1/16.
Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 8,9.
Тиражи 27401. Нашр № Б-60. Заказ № 5227.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК КП Узбекистана» —
«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана